

В·Я·ШИШКОВ
САРКАШ
ДАРЁ



В.Я.ШИШКОВ

**САРКАШ
ДАРЁ**

Икки томдан иборат роман

*Биринчи
том*

*Тошкент
Рафур Гулом номидаги Адабиёт
ва санъат нашриёти
1981*

Р
Ш 68

МИРЗИЁД МИРЗОИДОВ
таржимаси

Ш $\frac{70302-164}{M352(04)-81}$ 127—81 · 4702010200

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 й.
(Таржима).

БИРИНЧИ ТОМ

Ҳамдаму ҳамдари рафиқам
Клавдия Михайловна Шишковага
бағишлайман

«Эҳ, сен онагинам, эҳ, Саркаш дарё,
Дучор қилмасин-да, қаҳрингга асло...»
(Қадилий қўшиқдан)¹

¹ Шеърларни Муҳаммад Али таржима қилган. (Нашр.)

БИРИНЧИ ҚИСМ

1

Шаҳар сийрак ўрмонзорга келиб тақалган жойда, марзада бир томонга қийшайиб кетган бир қаватли уй бор. Унинг пештоқига:

Тўхта, Сартарош, Қирқабиз, Қирабиз, Биринчи Сифат

деган сўзлар ёзилган лавҳа осиб қўйилган.

Мазкур сартарошхона эгаси тоғлиқ Иброҳим ўғли уззуқун ёнбошлаб ётар ёки аллақаерларда тентираб юрар эди. Унинг устахонасига фақат қош қорайгачгина турфа одамлар кириб келишарди.

Иброҳим ўғли қўли гул устагина эмасди. У шаҳарнинг узоқ-яқинида турувчи ичкиликбозларга ҳам отнинг қашқасидек таниқли эди. Зеро ундан истаган вақтда ароқ топиш мумкин эди. Кечқурун Иброҳим ўғлининг бу меҳмондўст даргоҳида маст-аласт йигирмаликлар,— бу ерда майда амалдорларни шундай аташарди,— моҳир усталар, майхўрликдан юзи шишиб кетган қандайдир тақводорлар, эскифурушлар, кисавурлар, лўлилар ва ҳар хил қаланғи-қасанғилар кўнгил очишарди. Кейинги пайтда булардан бўлак уникага баъзи ўқувчилар қадам ранжида қиладиган бўлиб қолишганди. Уларни жалб этган нарса — арзонгаров ароқ эмас, устахона эгасининг, қароқчи ва каторгачининг ажойиб-ғаройиб ҳаёти эди. Пушкин, Лермонтов, Толстой асарларидан юққан ёрқин таассуротлар ҳали сўнгани йўқ, афсонавий тоғлиқлар китоблар саҳифаларидан хотиротга кўчиб, ёш хаёлпарастларни суронли йироқ-йироқларга, дараларга, чинорларнинг тагига чорлар эди. Шундай бўлгач, Иброҳим ўғлини кириб кўрмай бўладими? Ахир у Кавказ тоғларидан тушган сирли иблиснинг қип-қизил ўзи-ку. Яғриндор, хипча бел, устидаги пешмати оловдек ёнади. Кўзлари қора, бароқ қошларини айтмайсизми, ўқрайиб қараса нақ ўлдиради. Азроил!

Лекин унинг табассумига бир қаранг-а, қанчалик меҳрибон бу Иброҳим. Илжайиб, кифтларини учирганча, қарсак уриб:

«Алла-алля-хей!»— деб қийқирганча, музыка садолари остида лазгинчага рақсга тушганини кўрсангиз борми, оғзингиз очилиб қолади...

Прохор Громов ҳам оғайнилари билан бу ерга кириб турарди.

Майхонада оркестр аллақачон сўнгги маршни тугатди, трубалар совида, барабанчи эса майхўрлик қиляпти. Атроф ҳаш-паш дегунча ҳувиллаб қолди. Асрий, улкан, зим-зиё ўрмондаги чолдеворларда куппа-кундузи кўпинча қотилликлар бўлиб турарди. Қош қорайиб қолди, тезроқ уйга бориб олиш керак, буёқда кузги ҳаво ҳам қовоғини уймоқда.

Гимназия талабаси Прохор Громов фуражкасини энсасига сурди-да, эшик томон юрди.

Олисида худди кўкка парвоз қилаётган бир гала зағчанинг чағиллашига ўхшаш жон аччиғида қичқирган овозлар ва олаговур эшитиларди. Прохор Громов тўхтади.

«Уриш»,— хаёлидан шу гап ўтиб, у гул пуштларию ажриқни босиб, тўғри қий-чув овозлар келаётган томонга югурди.

— Ур!

У олдига югуриб келаётган бир боланинг бошига қарсилла-тиб солди. Уришда кўзи пишиб қолган Прохор кўз очиб юмгунча уриш бўлаётган жойни кўздан кечириб чиқди: оркестр чаладиган майдончада «семинарчилар» билан «гимназистлар» жон-жаҳдлари билан муштлашмоқда эдилар. Мешчанлар, безорилар ва турли қаланғи-қасанғилар ҳар иккала томоннинг ёнига тушишмоқда эди.

— Ур-ҳо! Ур!

— Семинарчиларни дабдала қилинг!

— Йигитлар!.. Бизникиларни уришяпти!

Прохор Громов қаламтарошини олди-да, қочаётганларни қувлаб кетди. Унинг бутун вужуди жунбишга келган, энтикарди. Унинг ёнида муштлашувчилар югуриб боришар, қаердадир полициячилар чуриллатиб ҳуштак чалишар, қоровулларнинг тақалари шақиллар, итлар акиллар эди.

— Полиция!— ҳамма тумтарақай бўлиб кетди. —Дарахтларга чиқинглар!

Бироқ Прохорнинг қонхўр пичоғи ўлжа танлади-ю, ўзини тўхтатолмади. Прохор ўқдек учиб, йигитга пичоқ санчди. Санчдию шу заҳоти ҳушёр тортди.

Ёнидан соядек лип-лип ўтаётганлар:

— Полиция! Қуён бўл!— деб гўлдирашарди.

Прохор Громов бир сакраб панжарага чиқди ва шинелини дабдала қилиб, сакраб тушди.

— Э-ҳе! Қўлга тушди! Пичоғи бор шайтонваччанинг!— деганча полициячи уни кучоқлаб олди. Бироқ Прохор худди елимбалиқдек унинг қўлидан сирғалиб чиқдию кўча ёқалаб урра қочди.

— Уғри! Иблис! Ушла!

Бироқ Прохор ўзини тор кучага урди-да, писиб турди. Чекди. Унг қўлида пичоқ:

«Фуражкам қани?»— деб ўйлаб юраги шиф этиб кетди. Пешонасига «Прохор Громов» деб ёзилган яп-янги фуражкеси, чамаси, полициячилар қўлида қолган эди. Прохор Громовнинг дами ичига тушиб кетди. У гимназия директорининг ўдағайлаганини эшитгандек, бояги йигитнинг жон бераётганини кўраётгандек бўлди, кўз олдига полиция ва турма келди. «Э, худойим-е! Энди нима қилдим?..»

Иброҳимнинг олдига бориш керак!

Ҳа, Иброҳим ўглининг ёнига боради. У қутқаради. Жонига ора киради. Иброҳимнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Шундан сўнг Прохор энгил тин олди, вақти чоғ бўлиб кетди.

У эшикни очиб, бўсағада тўхтади. Хонада беш киши, унинг гимназиячи оғайнилари ўтиришарди. Иброҳим устара чархлар, кулгили қандайдир уйдирмани сўзлар, гимназиячилар хахолашарди.

Прохор Иброҳимни имлаб чақирди-да, у билан қўшни хонага чиққач, эшикни беркитди. У йиғламоқдан бери бўлиб юз берган ҳодисани сўзлаб берди. Прохор лаблари пир-пир учганча, камарининг учини гоҳ ўраб, гоҳ ёзиб уёқдан-буёққа юриб турарди. Иброҳимнинг қора кўзлари чақнаб кетди.

— Уни қувдим... У қочди... Пичоқни шартта суғурдиму...

— Яша!.. Кейин...

— Жон аччиғида унга пичоқ урдим...— деди Прохор синиқ овозда.

— Қҳ! Сўйдингми?..— шодон қийқирди черкас.

— Йўқ, ярадор қилдим...

— Аҳмоқ!

— Секин урдим... Кичкина қаламтарош билан,— деб ўзини оқлади Прохор.

— Аҳмоқ! Ханжар керак... Ма, ол!— тоғлиқ девордан ҳашамдор қинли ханжар олди-да, Прохорга тутди. — Совға!

— Ке қўй, Иброҳим...— деди Прохор йиғи аралаш.— Мени ҳайдашади... Нима қилай... маслаҳат бер...— У табуретга ўтириб, букчайиб олди.— Муҳими, фуражка... фуражкадан танишади...

— Тупур! Қадрдон дўстингни ҳимоя қилдинг, ўзингни ҳимоя қилдинг. Сўйиш керак. Қўрқиш керакмас... Йигит бўласан!..

Унинг қичқириб гапираётганини эшитиб, бирин-кетин гимназиячилар чиқиб келишди.

— Милтиқ расво! Ханжар яхши, қалин дўст!— деди черкас қиличини йилтиллади. — Тунда Кавказ жўнаяпмиз, мени кулбам... Урмон, ой, тоғ. Бундоқ қарасам йўлда оқ бир одам. Қичқирдим. Жим. Яна қичқирдим, турибди, учинчи марта қичқирдим, турибди. Милтиқни елкадан олиб, отдим— турибди...

Ханжарни ташладиму эмакладим, олдига келдим. Силтаиб ханжар урдим! Қарасам хотин кишини кўйнаги, дорда осиглиқ. Қҳ!

Ҳамма шўх кулди, фақат Прохор ноилож жилмайди ва хўрсинди. Иброҳим чордана қуриб ерга ўтирди, сўнг дик этиб ўридан турди.

— Қўй, ҳиқиллама... Ҳаммасини тўғрилаймиз... Юр! Қаерда кўрсат!

Прохор Иброҳимнинг орқасидан эргашди.

— Шошма!— деди у тўхтаб. — Пул керак, тўлаш керак. Полицияга бориш керак. Гимназияга чолиш керак... Дирехтурни текинга соч-соқолини олиш керак... Қўрқма Ибрагишка ҳаммасини эплайди.

У чўнтақларини титди, столни қидирди, сандиқдан пул олиб, чувагининг кўнжларига тикди.

— Юр!

2

Ез тоб ташлади. Жазирама иссиқдан сўнг совуқ тушди. Кузги шиддаткор шамол эсди. Шимолдан оқ паҳмоқ, кўк булутлар сурғалиб кела бошлади. Ям-яшил олам мунгга тўлди. Булутлар тинмай судралади, совуқ ёмғир қуяди, ана-мана қор ташлагудек бўлади. Булутлар охири осмон теграсига тақалиб, тайга устида тўхтади ва қуёшли ўлкаларни кўролмаслигига ўкиниб, то кўзлари ёшдан қуримагунча тўлиб-тўлиб йиғлайди.

Громовларнинг қўрғони нақ қалъа. Теварак-атрофи учинайза ходалар билан ўраб олинган. Ходаларнинг учини йўниб, тунука қоплашган, худди найзанинг ўзгинаси: энг қаққон одам ҳам бу девордан ошиб ўтолмайди, Дарвозалар зил-замбил, темир ҳалқали. Унга кириладиган йўлни ўт босган, бу дарвозанинг аҳён-аҳёнда бир очилишини кўрсатади. Дарвоза ёнига отлиқ одам ўтиши учун баланд эшик қурилган. Девордан туйнуқлар очилган. Икки нафар соқчи галма-галдан пойлоқчилик қилади, теварак-атрофда бўлаётган нарсалардан кўз-қулоқ бўлиб туради. Балан девор ичида нима борлиги ташқаридан кўринмайди. Бордию сайҳонлик четида ўсган қарагайнинг қир учига чиқиб, новдаларнинг орасини очган одамгина тўртбурчак хода деворнинг ўртасидаги тунука томли, дангиллама уйни кўриши мумкин. У бултур қурилган. Илгари уй орқасида элас-элас кўзга чалинаётган бир чеккадаги ушникиб кетган уйчада туришарди. Ундан олдинроқ чол Данило Громов бу ерга келиб туриб қолганида хотини билан каталакда яшарди. Уни ҳам бузмай асраб қўйишган. Невара-чеваралар томида бузина бутаси ўсган, қийшайиб кетган қорамтир бу кулбани кўриб,

бобом қандай кунларни бошидан кечирган экан, кейин ўз пешона тери билан шундай данғиллама уй қурган экан, дейишин деб атайин бузишмаган.

Данило Прохоричнинг қарийб етмиш беш йил бурун бу ерга қаердан келиб қолганини ҳеч ким билмайди.

— Қимнинг неча пулли иши бор бу билан?.. Кептими-кепти, шунгайм ота гўри қозихонами?.. Айиқ уясидан чиққанман, дерди чолнинг ўзи.

Дарҳақиқат, аввалига у айиқ сингари бутун тайгани қадамбақадам кезиб чиқди. Кейин ўгли Петрни оёққа турғизди. Анҳорда тегирмон қуришди, ҳайвон овловчилардан мўйна сотиб олишди. Тийинлаб пул йиғишди.

Хуллас, жонларини жабборга бериб ишлаб, ҳийла-найранг қилиб, одамларни қон-қора қақшатиб, емай-ичмай бойлик ортириб каталакдан уйчага, уйчадан данғиллама уйга кўчиб ўтишди.

Мана энди у эти бориб устихонига ёлишган, соқоли яшил рангга кирган, боши ярғоқ, лекин аввалгидек қирғийга ўхшаб боқадиган мўйсафид Данило каравотида, чит кўрпа тагида ётибди.

Тун.

— Петька!— деб чақирди чол ўғлини. — Петька! Тур, турсангчи... — чолни йўтал тутди. Кейин, шивирлаб калима келтирди.

Қўшни хонада каравот ғижирлади.

— Ҳозир, отажон!— қорасоқол, пахмоқ Петр кўйлакчан, яланг оёқ ҳолда отаси томон юрди.

— Чироқни ёқ.

Петр гудраниб, ҳадик-хавотир билан чироқни ёқди: вақт алламаҳал бўлиб қолган эди.

— Бери кел... ўляпман...

Петрнинг юраги шиг этиб кетди. Ҳузурбахш орзиқди. Кейин гуп-гуп уриб кетди: ниҳоят отаси бир лаҳзада ўғлини бадавлат қиладиган бўлди.

— Петя,— чол унинг қўлидан тутди. — Мана куним битди... Энди...

Петр хўрсинди ва отасининг қирғайникидек ўткир кўзларига диққат билан тикилди.

— Ҳечқиси йўқ, дада. Балки, ҳали...

— Йўқ, ўғлим... Тамом...— чол ҳарсиллаб нафас олди:— Оҳ, сув обке... Бошимни хўлла...— у чироқнинг липиллаётган шуъласига кўз ташлади-да, чўқинди.— Гуноҳимдан ўт, мушфиқ-муштипар биби Марьям... Энди, Петька ёлғиз қоласан. Хўп кечир, мен Азроили. Қароқчиман мен... Пуллар... уёқда... Зуев ботқоқлиги ёнидаги айри қарағайни биласанми?.. Хўш, кунботарга йигирма икки қадам юрсанг, харсангтошга дуч келасан... Харсангтошдан уч саржин сўлга юрасан: ўша ерда...

Петр дамани чиқармади, кўзлари ҳарислик билан чақнади, қулоқлари тагида тилланинг жаранги янгради.

— Хайрли ишларга... жанозамга... Йўқса, у дунёда абгор бўламан: у ерда гуноҳимни кечмайди, сизлардан, сендан, Прошкадан, бутун уруғ-аймоқларимиздан тоvon сўрайди... Черков қур... Бева-бечораларга худойихона оч. Уқдингми?

— Уқдим, дада... Ҳаммасини бажо келтираман...

— Чўқин... Тиз чўк... Онт ич...

Петр онт ичди. Кейин сўради:

— Жами қанча, дада?

— Кўп. Петька... Оҳ, кўнглим гаш, ичимни ит тирнайди... Қотилман мен... Озмунча одамнинг ёстиғини қуритдимми...

— Кимни?

— Ҳе, қўйиб тур бунини... Хўш... бафуржа сўзлаб бераман. У дунёга сафар қилишимдан олдин. Балки тузалиб қоларман... Уйғот Марьяни... Прошкани чақиртир. Ҳа-а, дарвоқе, у ўқиш-да-ку... Қўй... Керакмас. Қашнишни чақир... Айт, Гараська отни елдириб Медмедового бориб келсин... Шошма! Тўхта! Сабр қил-чи... Ҳа, майли... Чақир Марьяни...

Отасининг гаплари Петрнинг қулоғига кирмасди. Унинг кўз ўнгида қарағай, ерга ботган, йўсин босган харсангтош гавдаланар, тилла тангалар йилтираб, ёқимли жиригларди, у ёғи денгиздек мажж урган беташвиш ҳузур-ҳаловатга тўла ҳаёт.

Петр наридан-бери отасининг созуқ манглайдан ўпди, ирганиб лабини артди ва бошини силкитди:

— Дуо қил, дада.

— Худо ёрлақасин. Бор, чақир.

Петр тирсақларини керди, санамлар ёнида ёниб турган шуъладор шамнинг ўтига шукроналик билан кўз ташлади ва қалби қувончга тўлиб янги бўялган полда ялангоёқ шипиллаб чиқиб кетди.

— Марья, дадам чақиряпти! Тур!..— деди у хотинининг елкасига қоқиб.— Бўл, қимирла...

Аёл ўрнидан турди ва шамнинг ёғдусидан кўзи қамашиб сўради:

— Нима бўлди? Қаёққа кетаяпсан?

— Қаёққа бўларди... кашнишга,— деб жавоб берди Петр каравоти тагидан кўнжи узун этигини олиб, апил-тапил кияркан.— Бефаросатлар... Мойласаларинг қўлинг синадими? Таёқдек қотиб кетибди, оёққа сиғмайди... Алвастилар!

Петр пиджагини ахтариб, зилдек этикни тўқиллатади... Тезроқ... Текшириб кўриш керак... У жуда яхши билади ўша харсангтошни, овга чиққанида бир неча бор унга ўтириб дам олган.

«Вой худойим-э! Мабодо битта-яримтаси топиб олган бўлса-я?»

Юрагини ваҳм босди: бойми у ёки бояги-бояги итнинг кейинги оёғими,— у зинадан ҳовлига тушди ва Шарикни чақирди.

Сариқ кучук унинг олдига пилдираганча югуриб келди, оёғи ёнида думини ликиллатди ва ов этигини искаб, милтиқ қани, дегандек унинг қўлларига савол назари билан қаради.

— Лука, оч ўширни,— деди Петр қоровулга,— дадамнинг мазаси қочиб қолди...

— Ўзинг қаёққа?

— Ҳеч ёққа, анови ерга,— деб ўсал бўлди Петр ва шляпасини пешонасига бостириб кийди. — Менга қара, Лука, сен ошхонага бориб қара-чи, балки беканинг бирор иш-пиши бордир. Эҳтимол кашишга боришга тўғри келар. Башарти шунақа зарурат туғилиб қолса, Гараськани юбор, айт, ўзи Кауркани эгарласин, кашишга эса Тўриқни олиб борсин.

— Чолнинг аҳволини чатоқ, дедингми?

— Чатоқ.

Жиккак, букур ва малла Лука юраги ачиб, томоғини тақиллатди, ҳўл шляпасини тортиб қўйди-да, чўқинди.

Петр ўзига таниш ёлғизоёқ йўлдан ўпкасини қўлтиқлаб йўлга тушди. Олдида Шарик чопиб борарди. Топталган сўқмоқ тийганчиқ эди. Фонус хира ёритгандан Петр икки марта башарасини шохларга уриб олди.

У ютаман деб турган қоронғи жарга тушди ва гувиллаб оқаётган сувни кечиб ўтди. Энди сўқмоқ тугаганидан йўл юриш маҳол бўлиб қолган эди. Петр чангалзор оралаб борар экан, бўри сингари сезгирлик билан манзил томон йўл топиб кетмоқда эди. У қуруқ шох-шаббани қисирлатиб қоп-қоронғи зимистонда тиккасига илдам босарди. Мияси зўр бериб ишлар, нотинч, асабий эди. Назарида гоҳ бўйи чўзилиб, елкалари кенгайгандек туюларди: шу асно ҳамманинг кўзи ўнгида бадавлат бўлиб, ҳали ҳеч кимга насиб этмаган фаровон ҳаётга эришишни тасаввур қилар эди. Истардики, бу ҳақда одамлар дув-дув гап тарқатишсин, бонг чалиб, ер-кўкни ларзага солишсин. Қўнғироқлар наъракор дарангласин. Гоҳо эса орзулари бирданига чиплакка чиқарди: у кичкина, ғариб қиёфага кириб қоларди. Назарида ҳаёти бир умрга чор атрофни зил-замбил девор ўраб олган, қарғиш теккан қўрғонига боғланарди-қоларди.

Петр, қаёққа йўл олсамикин, деган ўйда, фонусни кўтариб атрофни ёритди.

«А-ҳа! Зуев ботқоқлиги.—У Шарикни ёнига чақириб қўйиб, тўғрига юрди. — Мана қарағай».

У йўсин босган ўша харсангтошни топди ва сўл томонга уч саржин юрди. Чириган игнабаргли дарахтларнинг япроғини сидириб ташлаб, ерни кавлашга тушди.

Шарик қалби чок қилинган ҳидли ерни искаб, эгасига қараб қўйди-да, олдинги оёқлари билан ерни тимдалаб, орқага уюм-уюм тупроқ ота бошлади. Петр мисрангни олиб чуқурнинг бурчаклариға суқиб кўрди. Мисранг тупроққа чуқур ботиб кета-

верди. Бўм-бўш. Бошқа ердан кавлади. Бўм-бўш. Петрнинг тоқати тоқ бўлди. У ҳолдан тойиб харсангтош олдига келди-да, ўтириб трубка чекди. Юраги зирқирар, фонус олисдаги қарағайда осиглиқ турганидан, бу ерда, харсангтошнинг ёнида қоронғилик ҳукм сурарди. Петр қарағай томонга қаради: назарида фонус чайқалаётгандек туюлди, аслида шамол йўқ эди.

— Шарик! — деб қичқирди у ва хуштак чалди.

Аллаким тўпига туртгандек бўлди. Петр илон чаққандек сапчиб ўрнидан турди.

— Сенмидинг?

Шарик унга эркаланди. Фонус энди қимирламас, бироқ темир белкурак ўрада ерга урилиб тақиллар ва ғижирларди. Петрнинг эсхонаси ўйнаб кетди.

«Жинлар қазишяпти... Хосиятсиз хазина...» — деб кўнглидан ўтказди у.

Ўрада ола-була нарсалар ғужғон ўйнарди.

— Шарик! Ғус! Ғус!

Петр худди жинни сингари ўра томон отилди. «Гапириб туриш керак, қичқирмоқ даркор. Йўқса, одамни ваҳм босади».

У ғўлдираб жавраганча, ер қазишга тутинди:

— Қандингни ур, Данило бобо!.. Ота деган бунақа бўпти-да! Ҳечқиси йўқ... Қотил... Хўш, нима қипти? Зотимиз асил! Сен нима дейсан, Шарик? А? Данило бобо қалай? Ҳалиги, овқатдан кейин сенга суяк олиб чиқиб берарди-ку?.. Антиқа... Бундоқ қарасанг — авлиё, нуруний, чўқинса арзийди! Кавла! Нима қилиб ётибсан?.. Шарик!

Бироқ ит олдинги оёқларини узатганча, жимгина ётар ва бегона, иблисники сингари кўзлари билан эгасининг башарасига тикиларди.

— Ху, кўзинг тешилсин! — деб қичқирди Петр жон-пони чиқиб, — менга қарама унақа!

Атроф қоп-қоронғи зимистон, ваҳимали, Петр дам-бадам теваарак-атрофга аланг-жалавг боқади. Кимдир уни чақиради, қийқиради, хуштак чалади, кимдир дарахтни силталаб ургандек бўлади. Ёмғирнинг муздек суви шляпасидан бўйнига оқиб туша бошлади. Петрнинг сабр косаси тўлди. Белкурак алланарсага урилиб тақиллади. Петр пайдар-пай фонусни тутиб, бирига илондек чирмашиб кетган йўғон илдишлардаги шилчиган жойни кўрдию ғазаби қайнаб кетди.

— Бу ердас.

У яна синчиклаб уч саржин ўлчади-да, ўнгроқдан қазий бошлади.

Итнинг сирли кўзларида ўт чақнади. «Ё алҳазар, бу Шарик эмас... Шайтон-ку — эти жимирлаб кетди унинг».

— Шарик!.. Сенмисан?

Бироқ ит қулоғини чимириб, олдинга юрди-да, қоронғилик томон бурилиб кетди... Аста қичқирган овоз эшитилди:

— А-а-аа...

Ит жунини ҳурпайтирди, бошини кўтариб, намхуш ҳавони ҳидлади ва овоз тинган жойга эҳтиёткорлик билан йўналди.

— Э, Исо алайҳиссалом...— деди Петр хавотирланиб.— Ахир бу шайтон ўтакамни ёрпанти-ку...

— А-а-аа,— деган овоз келгандек бўлди тун қаъридан ва қаердадир Шарик акиллади.

Петр сергакланди, депсинди: этигида сув шалоплади. «Кўр-қитмоқчи...» У қўйнидан крест чиқарди.

— Мана... Энди худо ёр бизга!— Петр қўлига туфлади-да, оёғини кериб, кучи борича «иҳ», деб мисрангни ерга урди. Темирнинг жаранглаши эшитилди. Петр ирғишлаб, ўнгроққа урди.

— Худо ёр бизга!— мисранг яна темирга урилиб сачраб кетди.

Петр совуқни ҳам унутиб, пиджагини ечиб ташлади-да, зардаст қўллари билан тупроқни пардек тўзгита бошлади.

— Ҳа, хўп! Ҳа, хўп!

Зулмат сийраклашиб, булутли тонг отди. Петр ўрага тушди-да, қўллари билан қора лойни сидириб, ердан катта қозонни аранг тортиб чиқарди.

— Ху-уу!— деб ҳайқирди ва қозондан чарм халта олди. Силкитган эди, халтадан бир нарса жиринглади.

— Тилла...

Унинг қўллари ўйинга тушар, юзи кулар эди. Унга думини ликиллатганча ҳайрон бўлиб Шарик қараб турарди.

— Шарик!.. Шаринька!.. Қойил!.. Кўрдингми?!

У итни кучоқлаб олди-да, ўра атрофида айлана бошлади. Жони оғриган ит хириллар, думи билан савалар эди. Петр бўлса, депсинар, қийқирар, хуштак чалар ва хахолаб куларди...

— Дадажон!.. Сенга нима бўлди?

Петр қоққан қозикдек қаққайиб қолди. Олдида отда келган бир киши турарди. Узоқроқда, бўзранг зимистонда унинг оти пишқирарди.

— Дадажон... Бу менман...— деди Прохор. У сакраб отдан тушди-да, ҳарсиллаб, қўрқа-писа сал орқага чекинган отаси томон кела бошлади.

Отаси қўққисдан энгашидю этигининг қўнжидан пичоқ олди.

— Улдираман!— у гўё айиқ каби орқа оёқларида тик тургандек бўлди. Халта ёнида тўхтади, пичоғини ялтиратиб, ҳансираб нафас ола бошлади.— Кет, кет бу ердан!.. Бермайман... Мана... Крест... Йўқол!... Уф!

— Сенга нима бўлди, дадажон!— деди ўғли азбаройи қўрққанидан йиғламсираб.

— Прощка? Сенмисан?

— Мен... Тунагандик шу ерда. Адашиб қолдик. Нега ҳамма ёғинг лой?

— Шундоқ, Прощка... Ҳечқиси йўқ... Қани, юр уйга!.. Буванг оғирлашиб қолди... Чатоқ. Сен нимага келдинг?

— Ҳайдашди мени... бўшатишди.

Уйга келиб улар мўсафид Данило тунда бандаликни бажо келтирганини билдилар.

3

Савдо қишлоғи Медведово дарё бўйига жойлашган.

Петр Громов оиласи билан шу жойга кўчиб келди. У ҳашпаш дегунча ёруғ даҳлизли икки қават уй қуриб олди ва савдосотиқ ишларини бошлаб юборди.

Прохор иш-деса жонини берарди. У рулетка билан уй лойиҳасини ишлаб чиқди, деҳқонлар билан ўрмонга борарди, ишчиларга табель очди, бор-йўғи ўн етти ёшга кирганига қарамай отасининг ўнг қўли бўлиб қолди.

— Сен, Прошка, узоққа борасан,— деди отаси унга.

— Гимназия нима бўлади, ота?— деб сўради у.

— Қўявер, уйда ўқиб оласан... Менинг ниятим бошқа...

У Прохорга меҳр билан тикилди, новдадек тик қоматию қалин қошлари тагидан боқадиган қирғийникидек кўзларига суқланиб: «Нақ Данило бобосининг ўзи», деб қўяр эди.

Прохор доим иш билан банд эди. Қўча, тоғдан учиш, қувноқ байрамлар, қизлар билан шакаргуфторликлар уни қизиқтирмасди. Дўкондан милтиқ олиб тайгани кезар, ҳовлида ёки уйда ҳамиша бирор иш билан машғул бўларди.

У тиришиб-тирмашиб Архимед винти ёрдамида ҳаммомга сув келтириш учун роса уринди, бироқ барча ҳаракатлари зое кетди. Зеро китобдан ўқиб-ўрганганлари амалда иш бермади. Шунда ўтинхонадан темир йўл қуриб уйга ўтин ташимоқчи бўлди.

У кўп ўқир, руҳонийдан, котибдан, сиёсий маҳбуслардан китоблар олар, ўқиганлари миясига қаттиқ ўрнашиб қолар эди.

Кунлардан бир кун чой устида отаси шундай деб қолди:

— Прохор, гап бундоқ, жигаргўшам... Ёнинга битта одам олгин-да, Саркаш дарёга сафарга тайёрлан... Эшитдингми?..

— Харита керак, дада...

— Қанақа харита? Қани, бир варақ қоғоз бер, сенга чизиб бераман... Гарчи у ерда бўлмаган бўлсам ҳам бориб келганлардан эшитганман.

Марья Кирилловна ҳадик-хавотир тўла кўзларини ўғлидан узиб эрига тикилди ва ух тортди.

— Аза очма!..—деб дўқ урди Петр.— Айтилган сўз — отилган ўқ, тамом!— У қаламнинг учини хўллади-да, уни уқувсизлик билан қоғоз устидан юргизди.— Мана бу, айтайлик, бизлардан Дилдиногача йўл... Икки юз қирқ чақирим... Бу ердан Фролкага қайиласан — уч юз чақиримдан мўлроқ. Шу ерда Улкан Оқим дарёсига етасан. Бу ердан судратмада Саркаш дарёга, унинг энг юқори қисмига етасан.

Савдогар хоч чизиб қўйиб, яна бундай деди:

— Бу Саркаш дарё бўйидаги Подволочная қишлоғи. Бу ерда ё ўзингга сол ясаб оласан ёки катта қайиқ харид қиласан. Шитик дейишади уни. Нонни қотириб оласан. Нима қилишингни ўша ерда мужиклар айтиб беришади. Баҳорда эса дарё лимлим бўлиб оққанда қуйи томонга сузасан.

— Нима учун, дадажон?— деб сўради Прохор онасига ялт этиб қараб. Унинг кўзларидан маржон-маржон ёш оқмоқда эди.— Нима бор менга у ерда?

— Бу билан ишинг бўлмасин. Гапни эшит.

Шундан сўнг отаси нима қилиши кераклигини роса бир соат тушунтирди.

— Улкан дарё... эшитишимча, уч минг чақирим. У энг катта дарёга қуйилади. Дарё эса тўғри океанга. Унда ёқутлар ва тунгуслар сузишади. У ерда беҳисоб давлат орттириш мумкин... Қишлоқларда савдогарларни учратсанг, ҳаммасидан гап сўраб-суриштир ва ҳамма эшитганларингни дафтарга тиркаб қўй. Қимсан, нима қилиб юрибсан, чурқ этиб оғиз очма... Шунчаки йўловчиман, де-қўй. Хуллас, бўтам, йўлингда хавф-хатар кўп... Худо кўрсатмасин, ўлиб кетишинг ҳам мумкин... Шу боис эҳтиёт бўл, қулоғингни динг қилиб юр.

— Юбормайман... юбормайман!— деб фарёд чекди ойиси ва ўғлини бағрига босди.— Прошенька, дилбандим, болагиннам! Петр қалам орқасини столга уриб жаҳл билан тақиллатди.

— Баа!..

Она Прохорни бағридан бўшатди ва зор-зор йиғлаб, чиқиб кетди.

Прохор дағ-дағ қалтирарди. Унинг югуриб бориб онасини юпатгиси келарди. Бироқ отаси унинг энгидан ушлади-да, ёнига ўтқазди.

— Уҳ!— деб хўрсинди отаси.— Хотинларнинг гапини элама. Эътибор берма... Ҳеч кимдан тап тортма, тиккасига бостириб бор, одам бўласан.

— Дада, ўзим билан бир танишимни олиб кетсам майлими?.. Биз у билан икковлашиб...

— Ким у?

Прохор ҳаяжонланиб тоғлиқ ҳақида сўзлаб берди. Иброҳимнинг онаси черкас, отаси турк. Иброҳим ўгли ўзини черкесман, дейди.

— Содиқ, дедингми? Дуруст. Бу халқ ё уччига чиққан каллакесар, ёхуд дўст, итдек вафодор бўлади... олсанг ола қол!

Прохор хурсанд бўлиб кетди ва шу заҳоти Иброҳимга хат ёзди:

«Бизда хизмат қиласан... Дадам яхши ҳақ тўлайди.»

Йўл тараддуди бошланди. Она кўйлак-иштонни ямаб-ясқаб, буғдой нонидан қотирди. Чучвара тайёрлади. Юраги туздек ачишиб, ўғлининг сафарга жўнашига рози бўлди. Петр савдо-

сотик ишида хавф-хатар бўлиши муқаррар, деб унинг қулогига қуя бошлади.

— Падари бузрукворим Данило бобони эсла... Йигирма марта ажал чапгалига тушган. Худога шукур, салкам юз йил умр кўрди...

Марья Кирилловнанинг кўнгли ўрнига тушди.

Йўл ҳали пилчиллаб кетмаган, ҳали сўнгги совуқ шаштидан тушмаган, март ойи яқинлашиб келмоқда. Баногоҳ тун ярмида итлар қаттиқ вовиллай бошлади.

«Иброҳим»,— деб ўйлади Прохор ва икки қаватли ром орқасидан:

— Оч!.. Йўқса девордан ошиб кирамиз, ҳамма кучукни сўя-биз, сени бўғизлаймиз!— деган дағадағани эшитди.

— Иброҳим!— деб қичқириб юборди Прохор қувонч билан. Кейин оёғига пийма илди-да, устига камзуд ёпиниб ҳовлига югуриб чиқди.

— Хўш, Прощка, мана ўзлари...— деди тоғлиқ ва уни қучди.— Раҳмат, Прощка. Ҳамма ишимни ташладим, тайгани яхши кўраман, дориломон ҳаётни севаман... Майли, Прощка, жўнаймиз... Омон бўласан...

Чол-кампирга Иброҳим ўғли маъқул келди. Унинг қароқчисимон важоҳати уларни чўчитмади. Зеро тайгада бундан баттар одамларни ҳам учратишган.

Бир ҳафта ғиз этиб ўтди-кетди.

— Хўп, Иброҳим,— деди Петр унга,— ўғлимни сенга топшираман... Шаҳарда сен ҳақингда эшитганман... Унга, айтайлик, қўриқчидек одам бўла оласанми?

— Жонимни бераман!— деб чинқирди тоғлиқ садоқат ҳиссига тўлиб-тошиб.— Ишонсанг, ўлсам-ўламан, панд бермайман... Танг аҳволга тушсак, ҳаммасини чавақлайман, лекин уни асраб қоламан... Кел, ташла қўлни! Қўлни бер, хўжайин! Бўпти! Оғанинни бўламиз...

Чойни ошхонада худди Данило бобо ҳаётлигидагидек камтарона йўсинда— уй эгаларини хизматкорлар бирга ичишди. Ошхона кенг-мўл, ёруғ бўлиб, катта стол олдинги бурчакка, девор тагидаги скамейкаларга яқин сурилган эди.

Печка лангиллаб ёнарди. Икки бети нақш олмадек қип-қизил ошпаз Варварушка пайдар-пай лаззатли қуймоқ келтириб турарди. Мой дарё бўлиб оқарди. Уй эгалари мазали овқатга ўч эдилар, приказчиклар билан ишчилар ҳам улардан қолишмасдилар.

Бека Марья Кирилловна меҳмоннавозлик қиларди:

— Йигитлар, нонни асалга булаб енглар... Асал билан қуймоқ жуда ширин бўлади... Иброҳимжон, ол, еб ўтир. Варварушка, ўтир...

Иброҳим терлаб-пишиб чой ичди. У мудом бадқовоқ ва индамас эди, бироқ бугун қулфи дили очилиб кетди: хўжайин унга ишонч ва ҳурмат кўрсатганди.

Иброҳим мовий камзулининг енги билан терлаган бош чапони артар экан, сўз қотди:

— Бекорга... бадарга қилишган...

— Нима, нима?— бараварига савол беришди стол атрофида ўтирганлар.

Иброҳим мўйловини силади, ҳиқичоғи тутиб, ҳиқ этиб қўйди ва бошидан ўтган воқеани сўзлаб берди:

— Батамом бекорга... Уйда чой ичиб ўтиргандик... Бир йигит чопқиллаб келди... Иброҳим, тур, акангни сўйиб қўйишди! Чой ичиб ўтиравердик. Яна бир йигит чопиб келди: «Тур, бошқа акангни пичоқлаб қўйишди!» Чой ичавердик. Учинчи йигит югуриб келди: «Чойингни қўй, синглингни бўғизлашди!» Ирғиб ўрнимдан туриб кетдим.— У сапчиб турди-да, лип этиб ошхонанинг ўртасига ўзини олди.— Ханжарни тишладиму уйдан ўқдек отилиб чиқдим, бир ўзим еттита одамнинг бошини сапчадек уздим. Шундоқ!— Черкас ханжарини сугурди-да, тишларини гижирлатиб ҳавони виз-виз кесди.

Ҳамма оғзини очганича, тоғлиқнинг қийшайиб кетган ваҳшатли юзига қараб қолди.

Орадан кўп ўтмай Прохор қўриқчиси билан сирли олис сарфарга жўнади.

4

Отаси ўлгач, Петр Громовнинг пичоғи мой устида бўлиб қолди.

— Умрим бўйи кучукдек занжирда ётдим... Энди бир оёқ-қўлимнинг чигалини ёзай...

У хотини Мария Египетскаянинг туғилган кунини жуда даб-дабали нишонлади. Ибодатдан кейин уни табриклаб, қулоғига қўйди:

— Тағин сен бу шоҳона зиёфат мен учун бўляпти, деб хомтама бўлмагин... Мен бунини ном чиқариш учун қиялман.

Кун бўйи уйда меҳмонлар гужғон ўйнашди, уй эгалари пича мизғиб олиб, уйқулари тарқамасданоқ кечкурун яна гуррос кела бошлади. Уй меҳмонга тўлиб кетди.

Марья Қирилловна ошхонада куйманарди. Меҳмонларни эри кутарди.

Зал кенг-мўл хона, деворларига олачипор гул қорозлар ёпиштирилган, шифтига хўрозлар ва гулларнинг нақшинкор сурати солинган, шифтнинг ўртасида иблиснинг қиёфаси ишланган, унинг карракдек очиқ оғзига илмоқ суқилган, илмоққа шиша шокилалари чироқ осилган эди.

Залнинг ўртасига катта стол қўйилган. унга азиз меҳмон штраф баталони офицерларидан бири — девқомат, шопмўйлов жаноб офицернинг ибораси билан айтганда, «вино батареяси» учун атайин кичикроқ тўрт бурчак стол тиркалган.

— Қани, дастурхонга марҳамат, кела қолинглар, бемалол!— деб кулганча қалин кўк мовут камзул кийган мезбон меҳмонларни дастурхон томон итарарди.— Ҳазрат Ипат, мусаллас! Нордонгина. Олинг...

— Бўлаверади,— деб кашиш жуббасининг енгини тузлаган замбуруққа суркаганича, графинга қўл чўзди.

— Аввал узумдан солинганига ружу қил, кейин умумроссия проствейнига ўтасан,— деб ҳазиллашди мезбон.— Ё бўлмаса селава қил ич, ароққа мусаллас аралаштир.

— Э, бор, роҳибни қорнига ёпиш,— деб аския қилди кашиш. — Гапингни тузи йўқ... Ҳа-я, лекин чинданам...— У стаканда ароқ билан коньякни аралаштирди.— Омон бўлайлик!— шундай дедию шартта тортиб юборди, ҳатто пинагини ҳам бузмади.— Бай-бай-бай, қойилмақом!

Мешқорин, курак соқоли тўқ сариқ старшина ҳиқиллаб кулиб, гап қистирди:

— Мунча чапдаст бўлмасангиз, ҳазрат Ипат, худо паноҳида асрасин... Тавба.

— Нима бўпти?

— Худо ҳаққи, маъзур тутинг, мен ичолмасдим. Суроб тўғри бўлиб қоларди.

— Одатланганман... Қолаверса, табиатим шунақа. Отам сурункасига ичишдан ўлган. Уқдингми?

— Э, аттанг! Жойи жаннатда бўлсин,— деб чўқинди старшина икона турган жойдаги шамчиरोққа кўз ташлаб ва бир қадаҳ перцовкани сипқарди.— Туғилган куни муборак бўлсин аёлингизни, Петр Данилич!

— Олинглар, ош бўлсин... Жаноб пристав! Отни қамчиланг, орқада қолманг тагин.

— Э, нима деяпсиэ? Учинчисини ичиб тугатдим...

— Э, санаб нима қиласиз савилни... Иван Кондратъич, хўш, сен нега миқ этмай турибсан?.. Тагин котибмиш бу киши.

— Марҳамат, кўнглингиз тўқ бўлсин... Биз ишимизга пишиқмиз,— деб жавоб берди сил касалига мубтало, тумор соқол қўйган қилтириқ, новча котиб.

Зиёфатда бир неча ўзига тўқ деҳқонлар билан хотинлари ҳам бор эди. Ҳамма хотинлар «оғир оёқ», қорнилари дўмпайган эди. Деҳқонлар аввалига кедр ёнғоғи ва писта чақиб становой ҳузурида обрў сақлаб туришди. Кейин пристав ўнинчи қадаҳни бўшатгач, кайфи андак ошиб, бачкана бўлиб қолгач, деҳқонлар очилиб кетишди. Қадаҳларни пайдар-пай бўшата бошлашди, иккиқат хотинлар ҳам улардан қолишмасликка ҳаракат қилишди.

Барча меҳмонларнинг гули—ёш, соҳибжамол бева Анфиса Петровна Козирева эди. У бир вақтлар марҳум Данилонинг уйида оқсоч бўлган, кейин жаноби олийлари Антип Дегтяров полкининг рота вахмистрига турмушга чиққан. Никоҳларидан икки ҳафта ўтгач эса эри номаълум сабабга кўра дабдурустан

қазо қилади. Анфиса эрини эслашни ёқтирмайди, у яна қизлик фамилиясини қайтариб олган.

Шоввоз пристав хотин, бола-чақали бўлишига қарамай айлана-ошкор унинг сал очиқ, баланд кўкрагига суқланиб боқар эди.

Анфиса эса, яширишнинг ҳожати йўқ, — мезбонга бир оз ноз-карашма қиларди. Мезбон турли-туман лазиз таомлар билан унинг кўнглини овлашга ҳаракат қиларди: ўлка ахир бой, ҳар нарса тўкин-сочин, кўпасда эса пул демаганинг тиқилиб ётибди. Балиқнинг ёғли ичи, қаймоққа бўктириб қотирилган гўшт, буғунинг тили, қайнатилган лаби. Ажнабийлар ва русларнинг хилма-хил ширинликлари. Инглизлар, америкаликлар, японларнинг анвойи тур майлари дастурхонни безаб турарди.

Меҳмонлар юрак ютиб, ноз-неъматларга оч бўридек ташландилар. Гапиришга вақт қаёқда! Ҳамма ҳузур қилиб чапиллатиб овқат чайнар, оғзидагини наридан-бери ютиб, вилкаларини энг ёғли луқмага санчар, бўкиб қолган нафси бузуқларни уйқу элитар эди.

Бироқ булар муқаддимаси эди. Девор соати ўнга, қопқоқлиси ўн учга бонг урганда хонага содда чехраси баёвгина табассумдан ёришиб, одмигина жигар ранг кўйлак кийган зиёфат сабабчиси қимтинганча кириб келди.

— Хуш кепсиз, азиз меҳмонлар, тортинмай олиб ўтиринглар...— деди у шод-хуррамлик билан.— Ошхонага марҳамат қилинглар баҳузур.

Ҳамма ногаҳон жим бўлди, вилкалар тек туриб қолди, оғизлар чапиллашдан тўхтади.

— Кечки ов-в-қа-ат?!— ҳазрат Ипат бўксасига шапиллатиб урди. Хуштак чалди, кулгили алфозда соқолини тутамлаб тиззасини букиб ўтирди.— Эсинг жойидами ўзи, кампиршо.— Шундай деб хахолаб кулди.

Пристав одоб сақлаб ҳиҳилаб кулди ва шпорларини жингиллатиб, беканинг қўлидан ўпди.

— Раҳм қилинг!.. Бўлди... Аранг нафас оляпмиз...

— Пирожкасиз бўлмайди... Иснодга қоламиз-а,— деди бека.— Анфисушка, ҳазрат Ипат, анави хонага ўтинглар, баракка топкурлар. Ута қолинглар...

Ҳамманинг кўнглини қувонч, аини чоғда гашлик чулғаб олди: қоринлар тўқ, ёриламан дейди. Дунё бунёд бўлибдики, ҳеч қачон тушлик, тушликдан сўнг зиёфат, зиёфатдан кейин дарров кечки овқат тортилмаган.

Дехқонлар кўзларини лўқ қилиб туришар, кўйлаklarини тортиб қўйишар, хотинлари эса ҳиқиллаб, оғизларини яшириб кулишар эди.

Бироқ ғаройиб меҳмондўстлик таомилига итоат этиб, галалашиб ошхонага йўл олишди. Паст бўйли бақалоқ ҳазрат Ипат йўл-йўлакай мезбонга таъна қилди:

— Шуни олдинроқ айтсанг бўлмасмиди? Овқат еявериб ёрилаёдим-ку... Эҳ, Петр Данилич! Ҳа, дарвоқе, овқат овқатга йўл

очади... Пирог нимали? Осетралидир-да. Худо билсин? Оҳ-оҳ... жон таним пирог...

Дастурхон устида гангир-гунгур ва хушчақлик авжида эди. Меҳмонлар меъдани бузмасмикин, деган андишада олдиниға налимдан чўқилаб, балиқ шўрвадан ҳадик-хавотир билан хўплаб ўтирдилар. Бироқ, хайриятки, қорнилари қулдурамас, зиёфат пироги учун жой етарли эди. Аммо баъзилар мўлжалда қаттиқ адашдилар, бешинчи таом-бўтқали ғоздан кейин, ҳазрат Ипат, ундан кейин оқсоқол ва жаноб приставнинг шахсан ўзи лавлагидек қизариб, шинели чўнтагидан даструмомол ёки палипрос олишни баҳона қилиб қасққадир гумдон бўлишди, бироқ ҳадемай қипқизаришиб ёшдан ҳўл бўлган кўзларини артишиб, соқолларини тарашиб қайтиб келишди.

— Анфиса Петровна! Ичсам дейман... фақат сен билан. Уқдингми?— деди мезбон ҳаяжонланиб жарангдор овозда ва рўпарасида ўтирган гўзал бева билан қадаҳини чўқиштирмоқчи бўлиб, у томонга қўзилди.

— Йў-ғ-э, қўйинг... — деди Анфиса бекага масхараомуз қараб кибри ҳаво билан карашма қилиб.

— Ке, ноз қима, йўқ дема... Эҳ, момақаймоқ!.. Ахир сени муштаклигингдан биламан-а...

Мария Кирилловна бева беҳаёларча эрига кўз сузаётганини, эри эса ипини узмоқчи бўлаётганини кўриб, луқма ташлади:

— Прошенкамиз қаёқларда юрибди-я?

— Прохор кап-катта-а йигит бўп қолди,— деди ҳазрат Ипат ғознинг оёғини иштаҳа билан зўр бериб мужир экан.— Худога шукур қил, кампир... Шундай бўлсин...

— Ёш бола-ку у ҳали. Шунга қарамай, бошига сафар тушди!..

— Мардларни худо қўллайди, кампир... Дуо қил, олам гулистон.

— Ўзингиз ҳам минбардан дуо қилинг, тақсир...

— Дуо қиламан, дуо қиламай... Қани сол бунга, нима унинг? Чўчқа боласи шекилли? Ўлгудек яхши кўраман қовурилган чўчқа боласини. Зўр, азбаройи шифо.

— Чўчқа боласи билан жа кетади-да!— деб пристав коньяк қуйди.— Ҳе, ҳе, ҳе... Соғлигингиз учун, муҳтарама хоним!— деб қичқирди у ва кўзларини шундай моҳирона ўйнатдики, унинг гапига иккала аёл дарров эътибор беришди.— Олинглар, еб ўтиринглар! Анфиса! Марья Кирилловна!

— Худо ҳаққи, маъзур тутинг, бу чўчқа боласи уйда боқилганми?— деб суриштирди старшина нақ ҳозир пақ этиб ёрилиб кетгудек бўлиб.— Қулинг ўргилсин чўчқа боласи экан. Кўриниб турибди, хонаки... Мана, меники уч ёшда...

— Анфиска... Анфиса Петровна!.. Товуснинг нақ ўзисан...

— Нима? Нима дединг?

- Прошенька кўзимнинг оқу қораси, ёлғизгина...
- Аҳ, яхши йигит, азамат, лутфан кечиринглар.
- Петрован!.. Менга қара... Данилич... Ҳей! хўжайин!
- Шошма! Офатижон билан шакаргуфторлик қилиб олсин, — дейишди деҳқонлар тиллари қичиб.
- Эҳ, тройкада учишга нима етсин... Анфиса! А, лаббай?
- Тройкада?.. Зўр, азбаройи шифо?— деб чинқирди хушчақчақ ҳазрат Ипат.— Кампир, атаганинг борми, опке?
- Бир уюм чил гўштидан қилинган котлет келтиришди.
- Обор... Хоҳламаймиз!..— деб қичқирди мош еган хўроздек қип-қизил, соқоли оппоқ чол.— Ёрилишга етдик!.. Кўзим жимирлаб кетяпти!
- Йўқ, бека... Бунақада бўкиб қоламиз.
- Енглар, азиз меҳмонлар, енглар.
- Еб-ич, биродарлар, ўйна-кул!.. Падари бузрукворимнинг жойи жаннатда бўлсин... Талайгина давлат қолдириб кетди...
- Сен черковга хайр қил! Пирларингга.
- Мана ебсан! Ххха-ха!.. Аввал ўзимиз бир даври даврон сурайлик... Тўғрими, Анфиса?
- Қайдам, биз бегона одам бўлсак,— деб семиз елкасини учирди бева.
- Мана киселдан тотининг! Сут, ватрушкалар билан. Олинглар!
- Э, киселинг бошингда қолсин... Қани, ким сайрга чиқади! Ҳей, Гараска! Кучерга айт... Тройкани келтирсин!..
- Хотини аччиғини босиб, итоаткорона деди:
- Уялсанг-чи!
- Падарига лаънат, киселнинг кераги йўқ!
- Йўқ, Петр Данилич... Шошма, сабр қил... Қиселга ўчман...— Қашниш шундай деб ҳиқ-ҳиқ қилганча, талинкани тўлатиб кисель солди.
- Жаноблар, ичайлик!..— Пристав шпорларини жиринглатди ва мўйловини олифтанамо бураб Анфисанинг тиниқ, анордек чеҳрасига боқди.— Ҳамонки, сиз Петр Данилич, роҳат-фароғатда яшашга аҳд қилган экансиз, келинг, олиҳимматларча иш тутинг. Ичайлик!
- Э, падарига лаънат ичишни! Олиҳимматликка ҳам мниг лаънат...— қўл силтади мезбон соқолини селкиллашиб:— Тройкани опкелинг! Анфисушка, гапимни ерда қолдирма...
- Уял, Петрушка... одамлардан уял...
- Одамлардан? Ҳа-ҳа!— шуни деб у дўмбоқ ҳамёнини чиқарди ва кафти билан урди.— Мана! Барча қонуну одамлар шунда...

Кечки овқатдан кейин ўйинга тушишди. Бироқ маст-аласт ўйинчиларнинг оёқлари чалишиб кўп овқат еганларидан кўнгиллари айнирди. Ҳазрат Ипат, қорнини дўмбирадек шишириб,

Бурчакдаги курсининг қанотлари орасига суқилиб кириб олганча пишилларди.

— Бизларни бўктириб қўйдинг, кампир. Азбаройи шифо. Нафсиламрича бунча хўрак билан беш мингта одамни боқеа бўлади...

— Кетдик!— деб хитоб қилди буғу терисидан тикилган пўстин ва қулоқлари узун телпак кийган Петр Данилич хонага кириб.— Анфиса! Ҳазрат!

Шундан сўнг Петр Данилич, меҳмонлар гирдикапалак бўлишиб, кайфдан қовоқдек шишган бошларини бир-бирларининг қоринларига ва корсонларига уришаётган торгина даҳлизда, шол рўмолини тузатаётган бевага ҳамма эшитсин деб атайи шанғиллаб гап қотди:

— Гарчи сенга кўнглим бўлмаса ҳам, Анфиса... ҳамманинг олди-да ошкор айтаман, худди шунингдек, сенинг олдингда ҳам, ҳазрат Ипат... Ким бўпсан менга сен, Анфиска? Т-фу!.. Дадам Данилога тувак тутардинг. Хўп, айтайлик, турқи тароватинг, қадди-бастинг рост, ҳалигидақа, рисоладагидек... Майли, бирга сайр қиламиз. Хотинимга қасдма-қасдликка. Дод-фарёд қил, алвасти, ўқир... Кетдик, Анфиска!!!

Юлдузли осмон остида ҳамма ўзини тетик, бардам ҳис қилди. Ҳазрат Ипат чаккасига қор босиб, ҳансирадди.

Зулукдек уч от қўшилган чана жимгина кутиб турарди.

— Марковжон, туш чаққон!— деди ҳазрат харракда худди тепадек қўнқайган, жуни устига қилиб тикилган пўстин ва ит терисидан этик кийган извошчи Маркка ҳазиллашиб.

— Туш чаққон, Марковжон!

— Бу ўзингмисан ишқилиб, ҳазрат? Эҳтиёт бўл, хўжайинни думалатворасан,— извошчи харракда типирчилаб, гурс этиб қор уюмига қулади.

— Бўласанларми-йўқми?— деди савдогар тоқати тоқ бўлиб.

— Чаққон! Марковжон, қани, ёрдамлашвор менга... Қаттиқ тортма! Нега қаттиқ тортасан?..— деб хириллади ҳазрат Ипат.— Кўзим косасидаг чиқиб кетай деди. Уф!.. Қорним ёрилай деяпти...— Катта қорнига белбоғ боғлаган ҳазрат харракка қўнқайиб ўтирди-да, тизгинни сиқимлаб олиб, қамчини силкитди ва қотириб ҳуштак чалди.

— Чу-у! Худонинг махлуқлари... фюты!

Боқувдаги тулпорлар сўлиқларини чайнаб, елдек учиб кетишди. Бир қақирим йўл босмаслариданоқ қайилишда, чана тўнгатка урилдию йўловчилар чуқур қор уюмига кириб кетишди, отлар эса чана билан кашишни босиб кўздан йўқолди.

— Сен дардисар бўзахўр, отларни эмас, асли ўлган кучукларни бошқарсанг бўларкан!— деди Петр Данилич жаҳл билан хахлаб кулаётган Анфисани қор уюмидан тортиб чиқарар экан.

— Ҳей, орзингга қараб гапир...— деб ўдағайлади ҳазрат Ипат мўйна қўлқопларини ва кулоҳини ердан олар экан.— Бундан яхшироқ тройкаларни ҳам бошқарганмиз...

Зиёфатда қатнашган қишлоқнинг барча казо-казолари уч кун қорин оғриғидан азоб чекишди. Ҳазрат Ипат бодринг суви ичиб дарддан осонгина фориг бўлди, пристав Келлернинг кўчма аптекасида бор жамики доридан татиб кўрди, оқсоқол ортиқча юкдан ҳаммомда терлаб, турп еб қутулди.

Мезбон эса бир ҳафта бўйини боғлаб, бошини буролмай юрди.

— Лаънати ямшчик! Шайтоннинг малайи!— деб тўнғилларди у кашишга.

5

Сайёҳларимиз Улкан Оқим дарёсига навбаҳор чоғи етиб келишди. Азим дарё энг тор жойида ҳам бу ерда уч қақирим келарди. Ҳозирги пайтда эса, кўз илғамас кенгликларга чўзилиб ётарди. Орол сув билан қопланган, фақат сув тагида қолган дарахтларнинг учларигина ўрмонлар чегарасини кўрсатиб турарди.

Онда-сонда ҳамон яккам-дуккам муз парчалари сузиб юрарди, баъзан шунақанги баҳайбатлари учрардики, уларнинг ҳар қайсисига бемалол икки-уч экинзор ва яйловлари бўлган қишлоқ жойлаша оларди.

Соҳилларда ётган тоғдек муз уюмлари қуёш нурида кама-лакдек товланарди.

Манзара интиҳосиз, ёввойи, улуғвор эди. Оқар сув бир томондан қалин ўрмон билан қопланган қоядор соҳил билан чегараланар, иккинчи томондан эса олис уфққа туташиб кетган эди. Оқшомлари йироқ-йироқларда туман сузар, субҳидамда эса оппоқ паст булутлар карвони кўчар эди. Қуёш жамол кўрсатгач, мудом шабада эсар ва дарё мавжлари ол рангга кирар эди. На қишлоқ, на бирон бошпана кўринарди. Дарвоқе, олисда бир черков кўзга ташланарди. Бу Почуй қишлоғи, Прохор билан Иброҳим ўғли шу ердан номаълум ўлкага йўл олишади.

Прохор Почуй кашишини зиёрат қилди. У ошхонада ароқ ичиб, газзагига тузланган қўзиқорин еб ўтирарди.

— Сен таъна қилма... Ҳар бало бўлиши мумкин...— деб кутиб олди у меҳмонни.— Бизлар бу ерда оз-оздан ҳаммамиз ичамиз. Диққатпазлик, иним. Қолаверса, овқат ҳазм бўлишига фойдаси бор. Овқатни ҳам биз тонг отгандан кун ботгунча ея-верамиз, мамлакатимиз шимол мамлакати, кўриб турибсан. Узинг ким бўласан?

Прохор исму фамилиясини айтди.

— Ҳа-а... Шунақа дегин... Бундан чиқди, отанг икковинг

тунгусларни таламоқчи бўлсанлар-да! Дуруст. Ичасанми? Ичмайсанми? Барибир ичасан. Башарангдан кўриб турибман, ичасан... Турқинг бежиримгина, баракалла. Бургутча!.. Бурнинг ҳам, кўзинг ҳам бургутникидақа...—кашиш ичди. Қўзиқорин кавшади:—Сендан ҳаён¹ катта бўлади. Сен Прохор эмас. Прок!.. Башарти ярим сўлкавой ҳайр қилсанг, ҳаққингга дуо қиламан...

— Е парвардигор!—деб хўрсинди қоронги бурчакда кимдир.—Ҳаён, охири ўзига зиён. Худди қўчқорнинг шохи қайрилиб кўзини чиқаргани мисол.

Прохор аланглаб қаради. Печка ёнида қирқ бешларга борган, ягриндор, кал ва чўтир бир одам пайпоқ тўқияпти.

— Бу Павел,—деб тушунтирди кашиш.—Туғма кўр. Башорат қилади баъзида. Қани, хўш, худонинг бандаси Павел, наҳотки сезаётган бўлсанг!

— Юрагим белги беряпти... Бошланиши яхши, ўртаси жўшқин, охири — вой-вой-э-эй!..—Кўр чўқинди-да, хўрсинди.

— Охирини кўряпсанми, сўқир, аҳмоқ?!—деб қичқирди Иброҳим.—Ширлатон! Бундай сўз учун каллангни олиш керак. Нега болани ваҳимага соласан?

— Е парвардигор! Татарми бу нима бало?—деб кўрмайдиган кўзларини кўтарди худонинг бандаси.

Кашиш мийиғида кулди-да, Прохорга шипшиди:

— Доғули, ишонма... Жиннилик қиялпти.—Сўнг овозини баралла қўйиб деди.—Мана ҳадемай сузувчи ярмарка билан савдогарлар келишади.

— Сузувчи ярмарка?—деб сўради Прохор.—Қизиқ.

Орадан икки кун ўтгач, Прохор кунботар пайти ўша ярмаркани қарши олди. Олсда оқ елканли баржалар оқариб кўринди. Оқим ва шамол уларни соҳил томон шиддат билан суриб келарди. Улар худди оққушлардек тўшларини кериб бирин-кетин сузишарди.

— Қирқ дона... Иброҳим, чиройли-а?—деб сўради Прохор уларга маҳлиё бўлиб.

Ҳадемай ярмарка очилди: байроқларни кўтаришди, сузувчи магазинларнинг эшикларини ланг очишди. Савдо-сотик бошланди.

Бутун қишлоқ аҳли соҳилга сочилди. Тайгадан баҳайбат буғу карвонлари билан ёқутлар ва тунгуслар чиқиб келишди. Ишонсиз дарёнинг ҳар томонидан қайиқлар сузиб кела бошладди: теварак-атрофдаги қишлоқлар ва бўлислар шошилиши керак эди, йўқса, уч кундан кейин ярмарка юзлаб чақирим масофани ортда қолдириб, илгарилаб кетарди.

Ярмарка эрта баҳордан кеч кузгача олс шимол томон сузади, бой қишлоқларда тўхтайдиган ва охири Якутскда қўним топади. Бу ерда қолган-қутган барча нарсани сотишади, баржа-

¹ Ҳаён — фойда деган маънода.

ларни худо йўлига ташлашади-да, бойиб кетган савдогарлар уйларига қайтишади.

Кечкурун Прохор Громов сузувчи ярмаркани бошдан-оёқ айланиб чиқди ва энг ҳашаматдор магазин олдида тўхтади. Соҳилдан берироқда уч баржа ёнма-ён зич қўйилган. Уларнинг ҳар бирида чорбоғдаги каби тахта уй. Бўғотларида ранг-баранг фонарлар ва лавҳа осиглиқ:

Груздев ва ўғилларининг савдо уйи

Прохор биринчи баржа-магазинга кирди, барча пештахталарга газламалар уйиб ташланган, тўртта молния чироқ порлаб турибди. Харидорларнинг ёрқин шуъладан кўзлари қамашади, сариқ шойи ва чит шоввоз приказчикларнинг чапдастлик билан ўлчашидан ловиллаб ёнади. Тунгуслар нима харид қилишларини билмай ҳанг-манг бўлиб туришибди. Фақат мўйловсиз лабларини чапиллатишади. Тер, дуд ва кўк, қизил газламаларнинг ўткир бўйи димоққа урилади.

Уй бошлиғи, хўжайин Иннокентий Филатич Груздев оппоқ сочли елпигич соқолли, кўзойнагини пешонасига қўндирган, духоба шапкасини бошига дол қўйган мўйсафид—аранг пул олишга улгурарди: жарангдор жилғадек тилла қуйилар, думалоқ бир сўмлиқлар кумуш дарёдек оқиб келар, қоғоз пуллар кузги ҳазондек шитирлар эди. Шовқин-сурон, ғала-ғовур, қий-чув.

— Инсоф қил! Жилла курса, бир тийин камайтир.

— Сувтекин... Қирқайми, йўқми!

— Мих керак эди... Борми мих?

— Энг чеккадагисига ўт...

— Тешиккулчалар қаерда сотилади?

Прохор девор ёнида жилмайганча турарди. Унга бу гангир-гунгур савдо ёқарди: эҳ, қани энди, пештахта орқасига ўтсангда, газни қўлга олиб, ишга тушсанг.

— Йўлдан қоч! Ҳей, қишлоқилар!— тўсаждан кириб келган кўзи кўкариб кетган, жулдурвоқи дағдаға қилди.— Йўқол, тавия, оёқ остида гимирлама! Олтин изловчи келди! Омонмисиз, савдогарлар!— у латта шапкасини пештахтага урди. Духоба харид қилаётган кашининг гумбаздек хотини азбаройи қўрққанидан юраги ёрилаёзди.

— Неча пул?— деди олтин изловчи отинийнинг қўлидан бир парча духобани тортиб олиб.

— Етти ярим сўм... Ўт, жиннилик қилма,— деди приказчик зарда билан.

— Латта! Энг яхшисидан бер... Йигирма сўмлигидан,— деди хирқироқ овозда жулдурвоқи:— Имиллама, тез қимирла! Биласанми, мен кимман? Мен— Иван Пятаковман. Утирган ўрнимни сотиб оламан. Мана бу еримда,— у чўнтагига шапил-

латиб урди,— икки қадоқ олтин зарраси бор. Манави ерда эса сенинг тамакидонингдан катта ёмби бор. Фаҳмладингми!

«Хўжайин» бошқа шоввозга имлади. У абжирлик билан пештахта устига бир қучоқ духоба ташлади ва ялтоқланиб таклиф қилди:

— Марҳамат! Бундан яхшиси йўқ. Атайин графлар учун.

— Уҳ-ў, дуруст,— деди олтин изловчи ва бурнини қоқди.— Яхшироғи йўқми? Тивитнинг мазаси йўқ... Ҳай, майли... Бир жуфт пайтавалик неча пул туради?

— Пайтавалик?— приказчикнинг кўзи ола-кула бўлиб кетди.— Пайтавалик дейсизми?

— Икки газдан!— деб қичқирди хўжайин ва хушфезллик билан пишиллай бошлади.

— Узинг ўра икки газни! Тўрт газдан бер ёки беш газ, ҳисобга тўғри бўлсин.

Олди-сотди тугагач, у иккита юзталиқ қоғоз пулни итқитди-да, ерга ўтирди:

— Йўқол, бекорчилар!— Кейин духобани кир-чир панжаларига ўради. Чоригини оёғига илиб депсинди-да, жекирди:— Йўқол, қишлоқилар! Иван Пятаков қовоқхонага кўнгил очгани боради... Ароққа ишқибозлар орқамдан юрсин!.. Бир хумордан чиқайлик, биродарлар!..

У эчкиниқига ўхшаш соқолини юқори кўтариб, соҳил томон юрди. Духоба чувалиб кетди-ю, орқасидан бурала-бурала тўлқинланиб судралиб бораверди. Ҳайратдан донг қотиб қолган харидорлар баб-бараварига тилга кирдилар ва кулиб юбордилар.

— Тантилигингдан ўргилдим!

— Тайгадан мана шунақа одамлар ўрмалаб чиқади. Пул демаганинг тиқилиб ётибди буларда,— деди хўжайин ширали товушда.— Эрталабгача шип-шийдам бўлишадн... Гала-ати одамлар...

Тун киргунча ярмарка ари инидек ғувиллади. Бироқ савдогар Груздев магазинини барвақт ёпди.

— Худога шукур, савдо чакки бўлмади. Энди дам олсак ҳам бўлади. Қани, меҳмон билан бир отамлашайлик,— деб амр этди у ва Прохорнини қўлтиғидан олди.— Юр, азамат, кулбамга... Танишайлик... Савдо-сотиқ иши билан келдим дегин? Маъқул. Жуда маъқул иш бу. Сабаби, ҳамма ерда савдогарнинг пичоғи мой устида. У нонни ёғ билан ейди. Боз устига, худони ёдида тутади.

Газлама бўлимидан қизил ип билан кашта тикилган колом-янка пардалардан иккинчи баржага: «баққоллик ва атторлик моллари дўкони»га ўтишди.

Савдогар бир нечта қути консервани газакка танлаб олди.

— Тунукалардаги овқатларга тоқатим йўқ, булар сенга. Мен

кўпроқ уй паррандаларини хуш кўраман. Яна тагин дегин, икки-уч пуд осетр харид қилиб қорнини ёрсам борми, ўн фунтдан мўлроқ икра чиқади, уни пиёз билан тузлаб қўйсанг... Коньяк билан йиғлаб кўришадн-да!— савдогар энтикиб қолди ва туфлади. Приказчиклар оғизларининг суви келиб, тупук ютишди...

— Эҳ, Прохор Петрович!.. Еруф дунёда яшашга нима етсин! Мана мен ошимни ошаб ёшимни яшадим, лекин минг йил яшагим бор. Худо ҳаққи! Менга иш, меҳнат, ўқтин-ўқтин ўйнаб-кулиш жудаям ёқади. Э, нимасини айтасан!

— Биз ҳали сиз билан кўп учрашамиз... Бирга ишлаймиз.

— О-о-о... Хўш, йигитча, ёшинг нечада?

— Ўн саккизда.

— О-о-о!.. Мен йигирма иккидадирсан деб ўйлагандим. Азамат йигитсан, омон бўл. Отангда пул борми?

— Отамни қўяверинг. Ўзим миллиончи бўламан!— Прохорнинг кўзлари болаларникидек шўх ўйнади.

Савдогар меҳр билан кулди, унинг тийрак кичкина қора кўзлари оппоқ қошлари ва пуштиранг бетлари орасида кўринмай кетди. У Прохорни елкасига қоқиб деди:

— Юр, азамат, чой ичамиз. Қизлар маҳлиё бўлиб қарашса керак сенга? Майли... Майли... Ҳе-ҳе...

Иннокентий Филатич ярим кечагача унга насиҳат қилди, нотаниш дарёда қандай сузишни, нималарни кўздан кечиришни, кимлар билан танишишни ўргатди. Прохор унинг гапларини жон қулоғи билан тинглади ва баъзи нарсаларни унутмаслик учун дафтарига ёзиб қўйди. Улар бир деразали чингилнинг хонада ўтиришарди. Хонада қуён терисидан қилинган кўрпа тўшалган кўчма каравот ва шамчироқли учта санам ёнида гитара осилган эди.

Чол учинчи нав «Трезвон» папиросини чекар, дам-бадам коньяк ичар, бутга чўқинар, ўпишиш учун Прохорга ёпишар эди. Охири у кўз ёш қилди:

— Ҳў, шоввоз экансан, отангни гўрига сени, Прошка!.. Худо ҳаққи, ростим. Уйлантираман... Бир қизни кўз остимга олиб қўйганман. Ўзим совчиликка бораман. Ёзиб ол: Крайск шаҳри. Яков Назарич Куприянов, довруги кетган савдогар, медали бор. Э, медали бошида қолсин, тупурамиз биз унга! Унинг қизи бор. Ниночка... Уқдингми? Қани, ёзиб ол, онангни эмгур...

Прохор уйга шод-хуррам қайтди. Соҳил бўйлаб гулханлар ёнарди. Гулханлар атрофида одамлар ғимирлашарди, буғи гўштини пиширишар, чўзилиб ётишар, мунчоқ қадалган ранг-баранг кийим-бошдаги, мўйна нимча кийган, сочлари кокил қилиб ўрилган қора жундор маст-аласт тунгуслар қўшиқ айтишарди. Олов гуриллар, қоп-қора бошлардаги алвон боғичлар ял-ял ёнар, вағир-вуғур овозлар эшитиларди.

Осмон мовий, серюлдуз эди. Ой тўлишганди. Улкан Оқим шовуллар, сутдек ойдинда шовуш йилтирарди.

Орадан уч кун ўтгач, ярмарка дарёнинг қуйи томонига қараб йўлга тушди. Биринчи бўлиб Груздевнинг баржалари кўчди. Тонгги қуёш нурида эшакларнинг шалоплаши эшитилди.

— Ишқилиб оқимга тушиб олса бўлгани!—деб шўх қичқирди чол,— уёғига суриб кетади.

Рўпарадан кучли шамол урарди; у баржаларнинг сувга тушишига халал берарди, баржалар минг машаққат билан дарёнинг қуйи томонига силжир эди Бироқ одамдан ҳеч нарса қочиб қутулолмайди, у бунинг ҳам йўлини топди. Баржаларнинг тумшук томонидан дарёга сув елканлари туширишди.

Дарёнинг қайилиб кетадиган жойига довр ярмаркани кузатиб қўйишга орзуманд Прохор енгини шимариб ғайрат билан ишлади. Бу сув елканлари ва олис-олисга кетаётган сузувчи ўймакор иншоот уни лолу ҳайрон қилиб қўйган эди.

— Зўр бер, зўр бер, азаматлар! Эшакка ёпиш! Хўп-па! Ишчилар кўкракларини кериб, энкайганча узун эшакларни сувга урдилар.

— Тумшугини оқимга тўғрила!

— Йиғларинг, йиғларинг!— кенг сув сатҳи узра жарангдор овоз янгради.

— Ха-ха! Кулгили,— деб кулди ишчиларга ёрдам бераётган Прохор.— Сувда елкан... Улар қандай ҳаракат қилади?

Палубада брезент тортилган икки саржин ёғоч ром ётарди. Уни сувга тушириб, типпа-тик қилиб қўйишди, бир қовурғасини бортга ўрнатишди, иккинчи қовурғасини арқон билан баржанинг тумшугига ва қўйруғига тортиб боғлашди. Иккинчи бортга, ҳалиги ромнинг тўғрисиغا иккинчи ром ўрнатишди. Баржа икки биқинида сузгичлари бор афсонавий балиққа ўхшадиқолди.

— Бундан жўн нарса йўқ... Энди оқимга етиб олади,— деб тушунтирди соқолдор ишчи пишиллаб.

Прохорнинг ўзи ҳам фаҳмлади: рўпарадан ураётган шамол баржани тўхтатиб қўйишга уринар, тезоб оқим эса куч билан сув елканларига урилиб, уни тўлқинлар узра суриб борар эди.

Баржада хуш-хандонлик эди, Николай авлиёнинг сурати ишланган баланд мачтадаги паррақларга осилган қўнғироқчалар қувноқ жаранг-жўрунг қиларди. Эшаклар гижирларди, ҳаво елканларининг арқонлари ғувилларди, баржалар турнақатор тизилиб совуқ ўлкаларга йўл олар эди.

Бебош шамол сарсари кезиб, елканларни пуфлар, меҳмонлар қуюндек елиб боришар эди.

— Қойил, шайтон олгур!— деди Прохор кифтини учуриб, олисларга маҳлиё тикилар экан.

— У-у-у... маза! Қара, қуёш нури кумушранг мавжланишини. Хўш, биродарлар, кеп қол... Сафаримиз бехатар бўлсин!— деб қичқирди хўжайин кўзни ўйнатиб йилтиллаётган бир чирпит винони силкитиб.

Ичишди, томоқ қиришди, соқолларини артди. Газагига лабларини ялаб қўйишди, кейин яна стаканларини тутишди.

— Хўп, Иннокентий Филатич, мен энди борай,— деди Прохор.

Чоя уни лабидан ўпди.

— Сузавер, худо ёр бўлсин. Ниночкани эсингда тут. Ҳей, қайиқ беринглар!

Прохор соҳилга чиқиб олгач, Груздевнинг баржасида милтиқлардан варанглатиб ўқ узишди.

— Хай-и-и-р!.. Оқ йў-ў-ў-л!— деб Прохор овози борича бақирди ва тўппончасидан қасира-қусур ота бошлади.

Баржада ҳамон милтиқ отишар, хайрлашув садолари дарё узра таралар эди.

Прохор ҳаш-паш дегунча қишлоққа етиб келди. Ёниб битаётган гулханлар ёнида савдогарлар шилган маст-аласт бегона миллат одамлар думалаб ётишар, итлар эгаларининг совиб қолган хўрақларини қозондан ейишар, қарийб яланғоч, энгилбоши дабдала бўлган бир тунгус хотин иккала қўли билан умри бино бўлиб тароқ кўрмаган сочини чангаллаб ув тортиб йиғламоқда эди.

Бир чеккада, харсанг ёнида оёқларини кериб жон-жаҳди билан бир шиша ароқни чангаллаганча чалқанча тушиб худонинг бандаси Павел хуррак отиб ётар эди. Унинг кўкрагида чала тўқилган пайшоққа тумшугини тиққанча кашишнинг семиз мушуги ётибди.

Прохор маст башоратчининг тепасида бир зум жилмайиб турди, шунда бехосдан бу чиндан жодугар бўлса-чи?— деб ўйлаб, унинг ёш қалбида кутилмаган ваҳм пайдо бўлди. Прохор жиддийлашди, мушукнинг пешонасига бир чертди ва хуррак отаётган кўрнинг кўкрагига йигирма тийин қўйди:

— Мана буни олиб қўй, худонинг бандаси Павел.

6.

— Мен қатикни яхши кўраман, Танечка. Бир хурмача қатиқ опкелгин Иброҳим икковимизга,— деди Прохор эрталаб мезбоннинг ўйноқи кўз қизига.

— Ҳозир, ҳозир,— деб чуғурлади қиз, бурни олдида кўрсаткич бармоғини ўйнатиб ва Прохорга маҳлиё тикилиб қолди. У кетишга шошилмасди.

— Оёғингни қўлингга олиб югур!— деб қичқирди Иброҳим ҳазиллашиб, бироқ қиз жон ҳолатда эшикдан қочиб чиқиб кетди.

— Қҳ! Жонимиз чиқиб кетдими? Қани бўл, Прошка, тура қол. Йўлга нон қотирамиз, қайиқнинг тешик-тирқиш жойларини беркитамиз. Бир ҳафтадан кейин сузамиз — йўқса, сув қайтади.

Прохор туришга эринади, у буркага ўралганча бўялган топ-тоза полда ётиб, бадавлат тайгалик мужикнинг хонасини

кўздан кечиради. Саёқ рассом наридан-бери гул солган эшикда эрталабки қуёш нурлари танга-танга бўлиб ўйнайди. Деворда еттита милтиқ осилган: молопулька, турка, айиқ овига мўлжалланган яроқ, централка, учтаси дағал қўлбола милтиқ, бурчакда пальма айри, девор тагида эса буғу териларидан қилинган тунгус ғиламчалари тўшалган темир сандиқлар. Деразаларнинг рафлариди болаларга овунчоқ деб қўйилган сон-саноксиз ўрдак тумшуқлари. Бутлар, тасбеҳлар, бухўрдон. Токчада бир тутам тўкилган соч, мис тароқ, унинг тагида йиртма календарь, ундан фақат числолар ёзиғлиқ жойи қолган, варақларнинг пастки, авлиёлар ва диний байрамларнинг рўйхати календарь тартибиди ёзилган қисми тамаки ўрашга ишлатилган.

Эшик очилдию, ярқ этиб бир жуфт ўиноқи кўз намоён бўлди.

— Олке, қизалоқ... Қўрқма. Мен беозорман,— деди Иброҳим.

— Нега энди сен калдан қўрқар эканман?— деб баланд келди Тания.— Отамнинан айиқ отишга чиққанман.— Кейин жилмайиб деди,— тура қол, азамат. Намунча мудрайсан! Са-йилга бизникига келасанми?

— Келаман,— Прохор устидан буркани олиб ташлади-да, кийина бошлади.

Қиз ройишлик билан унга чалворини, этигини, камзулини олиб бериб тураркан, унинг кийим-бошига нуқул ҳайрон бўларди:

— Жа бой экансан-ку, а? Оббо, тиллақўнғизни қара!.. Каштани ким тиккан ўзи? Биронта гўзалдир-да, а? Ғирт овсар экану иштонга тикиб, қўйлакка тикмабди. Бойдир-а, у?.. Қанд билан ширин кулча еса керак-а... Қўп ўпишасанми у билан?..— деб ўсмоқчилаб сўрарди Тания ва энди Прохор азбаройи ҳаяжонланганидан ёқасининг тугмасини солломасди. Тания эса кўкрагини чиқариб унинг устига бостириб келар, кўзларини ўйнатиб қилпанлар эди.

— Қх! Кет, уятсиз!— деб бармоқларини қарсиллатди Иброҳим.— Ушла уни!

Қиз хандон отиб кулиб, яна нари қочган бўлди.

Иброҳим Прохорга разм солди. У қулочини кериб, оёқ учида туриб, маза қилиб керишди ва уясидан чиққан ёш йиртқиқ-дек гингшиди. Унинг кўзлари ёнарди. Иброҳим бош чайқаб, насиҳат қилди:

— Кераги йўқ, Прощка.

Бироқ Прохор ҳеч нарсага тушунмади. Қатиқ муздек, хушхўр эди. Прохор унга талайгина шакар қўшди. Тания ажабланди:

— Мунча ширинликка ўч бўлмасаларинг, сиз бойлар! Мени ўзингга, жилла қурса, ошпаз қип олсанг-чи.

Таниянинг кўзларида баёв эҳтирос ва собит ишонч бор эди. Унинг ҳарис кўзлари: «Сени ўпаман... сен меникисан...»—деяётгандек бўларди.

Прохорнинг юрагида янги, нотаниш бир ҳиссиёт уйғонган-дек эди. У:— Димиқиб кетдим...— деди-да, ташқарига чиқди.

Оппоқ тонг отган, қуёш порлаб турар эди. Утлоқда бўтакўзлар чўғдек йилтирарди. Прохор теварак-атрофига кўз югуртирди. Кеча Иброҳим билан бирга келган қишлоқлари чоққина. Ёғоч уйлар эски, қийшайиб кетган. Фақат Танянинг уйи ҳашаматли кўринади: тўртта деразаси кўчага қараган, дарпардалар, сернақш деворлар, силлиқ рандаланган том, баққоллик дўконига очиладиган эшик, дарвоза тепасида кўк ранг билан гул солинган чуғурчиқ уяси.

Прохор дарё бўйига тушди. Энсиз, сокин дарё мудрарди.

«Во ажабо, Саркаш дарё ҳали шуми?— деб ўйлади йигитча ҳафсаласи пир бўлиб.— Мундоқ дарёга ҳам ўхшамайди-ку».

Прохор пелматининг ўнг елкасини тушириб қўлини чиқарди-да, тош олиб дарёнинг нариги бетига улоқтирди. Тош худди катта қовоғаридек ғувиллаб ўртадаги масофани ўқдек кесиб ўтди-да, қуёш тифидаги тўқ сариқ қарағай танасига қарсиллаб урилди. Прохор мужиклар қайиқларининг туйнук-тирқишларини беркитишаётган ерга, дарё четига тушди.

— Дарёларингиз жуда кичкина-ку, а? Тош отса нарёнгга етади.

Зағчадек қоп-қора Танянинг отаси ишидан бош кўтарди-да, жавоб берди:

— Ҳали кучга тўлгани йўқ. У ҳали кўкка-сапчийди. Петровка байрамига яқин тайгадаги жамики ботқоқларининг суви куйилсин, ўшанда кўрасан. Бор, йўлда урингандирсан.

Ҳа, у кеча йўлда роса уринган. Бу қишлоқдан ўттиз чақирим келадиган Почуй назарида юз чақирим кўринган. Лой, тикка довонлар, шох-шабба, гала-гала чивин безорижон қилган эди.

— Шошмай туринг,— деди Прохор мақтаниб.— Ун йилдан кейин Саркаш дарёнгиздан Улкан Оқимга канал қазийман. Ушанда Почуйга қайиқда борасизлар. Истасам пароход юргизаман.

— Йўқ, иним,— деб мазах қилди иккинчи мужик,— бекорга чиранма, нақ белинг синади.

— Сен нимани билардинг, айиқ? Мен биламан.

— Бурнингга сув кирмаган-да.

— Эшак!— деб қичқирди Прохор калондимоғлик билан.

Мужик бу гўдакнинг танобини тортиб қўймоқчи бўлиб оғни жуфтлаган эди, бироқ унинг қаҳрли кўзларига кўзи тушиб, қайиқ устига энгашди-да, жаҳл билан қайиқнинг тирқишига смолага бўктирилган каноппи тикди.

Сўқмоқдан сув олгани Таня тушиб келарди. У қулочини ёзиб, қўлларини елкасидаги обкашга ташлаган, бундан унинг кўкраги лўппи бўлиб чиқиб, ҳаворанг кенггина кофтаси ичида лорсилларди.

— Утказвор... Епирай, бутун йўлни тўсиб қўйибсан-а,— деди, у аграйиб қолган Прохорни таранг ёнбоши билан туртиб, садафдек оппоқ тишларини кўрсатиб илжайганча.

Прохорнинг икки бети нақш олмадек қизариб кетди. Қиз эса юбкасини кўтариб, сувга тушди. Бу ер саёз эди. У Прохорга ялт этиб қаради-ю, юбкасини янада юқорироқ кўтарди ва челакни тип-тиник сувга ботирди. Прохор маҳлиё бўлганча унинг йўгон оёқларига қараб турди-турди-да; кейин хаёлан уни қип-яланғоч қилиб ечинтирди. Бироқ шу заҳоти хижолат чекди-ю, шартта орқасига ўгирилиб қайиқ томон юрди. «Чўмилиб олиш керак»,— деб ўйлади у.

Қайиққа ўтириб, худди хасдек енгил эшкакни зўр бериб эша бошлади. Оқим тезлашди, буталар липиллаб кўрнна бошлади. Ўровларда гунча очган нилуфарларнинг сербар япроқлари чарх уриб айланарди. Мана ниҳоят қум зарралари тўшалган сув четига етиб келди. Прохор қайиқни қум устига чиқариб қўйди-да, апил-тапил ечиниб, ўзини сувга отди.

Июнь суви ҳали совуқ эди. Шиддатли шамол эсар, сув сатҳини кумушранг мавжлантитар, гингиллаётган чивинлар галасини тайгага ҳайдар эди. Прохор пишқирар, лунжини шишириб пуфлар, хахолар эди. У нариги томонга сузиб чиқиб, гунафша ва чучмўмалар терди. Гулдастага чўгдек бўтакўзларни қўшиб, орқасига қайтди.

— Оббо лаънати! Кўйлак-иштон қани?

Қайиқ бўм-бўш эди. Чамаси кийимларини шамол учириб кетганди. У ирғиб қайиққа тушди-да, чапдастлик билан эшкакни чангаллади.

Тўсатдан буталар орасидан:

— Ау!— деган овоз эшитилди.

— Ҳей! Опке! Сен олдингми? Татьяна, сен олгансан!

— Ке, жоним, ёнимга ке... Кела қол!

Прохор гужанак бўлиб, уятли ерини қўли билан тўсганча қайиқда ўтирарди. Нима қилса экан?

Прохор ҳали аёллар билан ош-қатиқ бўлмаган, бироқ балогат ёшига етган, эҳтиросли ҳис-туйғулар бот-бот уни безовта қилиб турар эди. Мана ҳозир...

Шитир-шитир қилаётган япроқлар орасидан Татьянанинг ҳаворанг кўйлаги кўринди. Гўё кўзга кўринмас қўл юқоридан қоқигуллар сочаётганга ўхшарди.

— Берасанми, йўқми? Совқотдим.

Қиз шарақлаб кулди. Прохорнинг аччиғи чиқди. У беибо сўз айтди.

— Кетдим. Сени қараю! Ҳазиллашиб ҳам бўлмас экан-да...— Тая ранж-алам билан шундай деб қичқирдию урра қочди. Буталар узоқлашаётган қайиқ ортидан шитирлаб қолган қамишдек шитирлади. Прохор ҳамон қўллари билан олатини бекитганча сарин шамолдан сесканиб кийимлари ёнига чопиб келди. Унинг ҳали суви қуримаган самбитдек қомати қуёш

нурида қордек оқариб кўринарди. Шамол кўйлагини кийишга кўймас, енгларини юлқир, шўхлик қилар эди. Прохорнинг кўйлаги бошига ўралиб қолди ва ногаҳон... кимдир унинг оёқларини қучоқлаб уларга қайноқ лабини босди.

— Шилқим! Роса шилқим экансан!— Прохор уятдан қунишиб, жаҳл билан Таняни итариб юборди ва ўзини босиб олиб, уни урди.

Қиз сесканиб тушди, бошини орқага ташлаб унга илтижо билан унсиз термилди.

Прохор вазмин ҳаракат қилиб нарироққа интилди ва ўзини ерга ташлаб, сўкина-сўкина кийина бошлади. Унинг овози бўғилиб, заифлашиб қолди:

— Қизларингиз хўп аломат эканми, а? Бир кўргандаёқ одамнинг бўйнига осилади.

Қиз эса аъзойи бадани қалтираб, унинг ёнига чўзилди.

Улар қайиқда тўқ пуштиранг тўлқинлар устидан сузиб қайтишди. Пастда ўз қаърига жалб этаётган кўрқинчли чуқурлик, теварак-атрофда эса жазирама иссиқдан беҳол бўлган чечакларнинг муаттар бўйи. Танянинг кўзлари юмуқ, у оппоқ текис тишларини кўрсатиб жилмаяди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Қайиқ тахт қилиб қўйилди. Қотирилган нон қойилмақом бўлди, қусир-қусур қилади денг. Йўлга чиқаверса бўларди-ю, аммо Прохор шошилмасди.

— Сув ҳали тўлиб келганича йўқ,— дерди у.

— Биламиз биз бу сувни. Қўй, Прошка, керакмас... Муштдай бошингдан қизларга айланишма,— деб дашном берарди Иброҳим унга дераза тагида ўтирволиб, қайроқ билан ханжарини чархлар экан.

Кавказда буларнинг йўриғи бўлак: у ернинг қуёши дўзахдек иссиқ, уёқда январда бодом гуллайди, одамлариям тез етилади. Йўқ, Прошка, ножўя иш қиялпти. Унинг ота-онаси бегона юртларга уни бунинг учун юборишгани йўқ. Боланинг бошига бир фалокат тушса, ким жавоб беради? Иброҳим. Бола соғ-саломат бўлади, деб ким қасамёд қилди? Ким?

— Мен ёш бола эмасман!— деб қичқирди Прохор.— Ёдингда бўлсин бу.— У нағал қоқилган этиги билан атайин полда гурс-гурс қадам ташлаб, лайлакюриш қилганча девор олдига борди ва пешматини қозикдан юлиб олдию кўчага чиқиб кетди.

Ханжари устига мук тушган Иброҳим шу ўтирганча ўтираверди. Фақат томоғини тақиллатиб қўйди-да, гўё қари бургут инидан илк бор парвоз этган полапони кетидан қараб қолгандек, Прохорнинг орқасидан қараб қолди.

Оқшом осуда эди. Қуёш булутларга бош қўйди, дарёнинг суви кўкиш рангга кириб, сокинлашди, жарни чулғаган қон рангдаги шафақ қорайди. Олисдан гумбур-гумбур эшитилди, чамаси, кечаси момақалдироқ бўлади.

Ёш-яланг хира чивин ва исқафтопарлардан жон сақлаш учун олов доирасига кириб олишган: чор атрофда гуриллаб ёнаётган гулхан кўкка ўрлайди, ўртада эса шўх қўшиқ ва рақс авжида.

Даврани кенг олинглар, биродарлар! Прохор даврага кирди. Овозингизни баралла қўйиб, бир жон, бир тан бўлиб куйланг, бугун Прохор кўнгил очади, эртага эса... Э, эртани қўйиб тур. Куйла, чарх ур, ер тепин, товондан чақмоқлар чақнасин!

Бамисоли арслон ўкириши янглиғ қўшиқ янгради:

Феденькага дил бердим,
Юришини хуш кўрдим...
Жарақ-жарақ пули деб,
Васяни қолдим севиб!

Оҳори тўкилмаган шойи кўйлагин устидан Иброҳим совға қилган кавказча кумуш белбоғ боғлаган Прохор қўлларини кўксида чалмаштирганча, шўх Танянинг атрофида рақс тушди.

Рақс куйи қулоқни қоматга келтириб жаранглайди, қадоқ қўллар куй оҳангига монанд зарб билан қарсақ уради.

Йигитлар йўғон, қизлар ингичка овозда айтаётган қўшиқ чор атрофга таралади. У дарё узра сузади, соҳилга, тайгага ёпирилади, гулханларнинг ўтли тилини ҳилпиратиб яқинлашиб келаётган кўкимтир булутни мўлжалга олиб кўкка ўрлайди.

Кўк сўзана моли деб,
Қолдим Мишани севиб.
Петенькани суйдим ман,
Тугмачаси зўр экан!

Прохор пошналарини бир-бирига уриб баланд сакрайди, хумор кўзли оловдек иссиқ чеҳрадан кўзини узмай чарх уриб айланади. Таня эса қандайдир тотли интизорликдан бутунлай беҳол бўлган, Прохорга баёвгина жилмаяди, ҳошияли рўмолчасини эринчоқлик билан силкитади.

Гулхан атрофидагилар вағиллашди:

— Ўп! Прохор, ўп!

Прохор Таняни тўшига тортиб қучоқлади, у таманно билан лабини тутди, ортиқча қимтинмади, йигитни ўзидан четлатмади; ахир бу ўйин-ку, ростакамига эмас. Бироқ шу чоғ биров Прохорнинг бошига калтак билан қарсиллатиб туширгандек бўлди. Бадмаст кишининг овозига ўхшаш хирқироқ, қаҳрли ва ҳақоратомуз товушда қўшиқ янгради:

Прохорни ўпгандим,
Уч кун ўт ичра ёндим,
Кўпас қайиқда жилди,
Танькани адо қилди.

— Ха-ха-ха!—мазах аралаш кулги ер-кўкни ларзага солди.

— Овозингни ўчир, Оська!— деб қичқиришди йигитлар хахолашиб.— У адабингни бериб қўяди. Черкасини чақириб келади.

Прохорнинг бошидаги шляпа тебранди. У атрофида йигитлар ўтирган гулхан томон юрди:

— Қайси бирингиз?— унинг овози зардали, мардонавор эди.— Сенми?

Унинг қаршисида оёқларини осмонга кўтариб, қўлларини чўзганча, гўё муқаррар калтаклашдан ўзини ҳимоя қилмоқчи, деб барзанги бир йигит чалқанча тушиб ётарди. У кучук бола-никидек чийиллаган товушда жўрттага қичқирарди:

— Мен... менман... Худо ҳаққи, мен... Энди савдогар даб-даламни чиқаради. Улай агар... Оғайнилар! Енимни олинг...

Гулханларнинг ёруғи унинг дўрдоқ лабини, масхараомуз қийшайган афтини ва қисилган мастона кўзларини ёритиб турарди. Томоғидан қиқир-қиқир кулги отилиб чиқарди.

— Иблис!— деб сўкинди Прохор.— Ҳали майна қиялсанми?!— У чаптастлик билан барзангининг оёғидан лой ёлишган катта этигини ечиб олди-ю, қулочкашлаб дилозор-га отди.

У пишқириб, дик этиб ўрнидан турди-да, кўкрагини кериб Прохор устига юрди.

— Ҳа, савдогарвачча! Ҳали шунақами?

— Қоч!

— Қизларимизни хафа қиладиган ҳали сенмисан?! Оғайнилар, чалпак қилинг уни!

Шу чоғ йигитлар уларнинг ўрталарига суқилдилар, қизлар қаттиқ қий-чув кўтардилар.

Таня ҳиқиллаганча:

— Прошенька, жонгинам!— деб уни судрай бошлади.

— Мотька! Эсингни едингми?..— йигитлар барзангини жон-жаҳдлари билан ушлаб туришар ва ғоз сингари чигиллашарди:

— Аввало... қиттакдан отайлик... қизлар тарқашсин... Шовқиннинг нима кераги бор...— Кейин Прохорга ёлворишди:— Оғайни, қаердасан? Прохор Петров! У бехосдан, атайлаб эмас... Қелинлар, ярашинлар.

Мўрчадаги чироқ шуъласи ташқарига тушмайди, мўрча ичинини аранг ёритади, сабаби, ёлғиз дарча хўжайинининг эски иштонлари билан тўсилган.

Йигитлар мўрчага ёмғир ва момақалдироқдан қочиб киришган. Улар ёнма-ён шундоққина ерда, чирпит ёнида ўтиришибди, ароқни ёғлоғида ичишяпти. Тор деворлар ва паст шифтни қурум босган, дуд, совун ва тер ҳиди анқийди, буларга қайнатилган карам ҳидига ўхшаш нордон ҳид омихта бўлиб кетган. Йигит-

лар миқ этмай, апил-тапил ичишади, қалин туз сепилган пиёз билан нонни қаттиқ чапиллатиб кавшанишади.

Бироқ сукунатни барзанги бузди. У ёғлоғига ароқ қуйди-да:

— Сафаринг бехатар бўлсин, Прохор Петров...— деди. Ароқни ҳали ўрадек оғзига қуймасидан бутун коинотни қалдиратиб момақалдироқ гумбурлади; ҳамма сапчиб тушди, жон ҳолатда бир-бирини чангаллади: назарларида мўрча асфала-софилинга кетгандек бўлди.

— Роса қарсиллатди-ку!— деб қўйди кимдир.

Гап гапга қовушмас, гапирадиган гапнинг ўзи йўқ эди, ҳамманинг хаёлини мўрчанинг деворлари сингари қора фикрлар банд этганди. Нафсиламрига, ароқ ўз ишини қилди, мум тишлаб ўтирган йигитлар аввалига шивирлаб, кейин шанғиллаб гапирга бошладилар.

Бироқ бу пайт Прохорнинг қулоғига гап кирмасди. Прохор ўзининг ширин, жозибадор орзулари қанотида парвоз этарди. Дарё тобора шиддаткор, қайиқ эса елдек учиб борарди. Прохор эшкак эшар, Тая эса, қайиқнинг қуйруғида ўтирар эди, Қуёш, снгий шабада, елканлар. Соҳилларда эса гуллар, чечаклар. Гуллар эмас, тилла пуллар. «Тая тилла!»—«Ҳа, Прошенька, тилла!»— «Тая, икковимиз, биллур қасрда яшаймиз»,— «Ҳа, Прошенька, ҳа». Мана кеч кириб, қоронғи тушди. Тоғчумчуқ аста чирқиллайди, рябина барглари шивирлайди. Томирларда қон кўпиради, нам лаблар пичирлайди: «Тая, жоним!»—«Вой, Прошенька».

— Ҳей, Прошка!— Бу овоз кулбада янгради.

Иброҳим бўроқ қутуриб турган тунда, жимир-жимир қилаётган гира-шира қоронғилик ва ялт-юлт чақнаётган чақмоқ остида лойни шалоплатиб йиқилиб-суриниб қишлоқ чеккасидан елдек учиб борарди. Ёмғирнинг тараклаши ва момақалдироқнинг бўғиқ гумбур-гумбури на итларнинг акиллашини, на дарё бўйидаги мўрча ёнидаги қий-чув ва сўкинншларни босиб кета оларди. Мана, ёғоч девордан бир ходани қарсиллатиб-синдириб олишди, шу заҳоти таниш овоз милтиқдек янгради.

Иброҳим кучи борица чопиб бораркан, мамнуният билан ўйлади: «Прошка уришяпти». У қоп-қоронғи зулматда ёғоч деворга, ўйларга, ўртасида ўсган қарағайларга урила-урила, охири ўзига керакли тор кўчага бурилди ва тошларни шовуллатиб, нишабдан пастга сирпаниб тушди.

У қулоғини динг қилиб, ходанинг ҳавода визиллаганини, маст йигитларнинг қичқирганини ва хириллаганини, таёқнинг кўзага теккандек қарсиллаганини, кимнингдир: «Оббо аблаҳ-э!»— деб қичқирганини эшитди ва болохонадор қилиб сўкинди.

Зулмат чақмоқнинг сушт чақнашидан ёришди. Иброҳимнинг кўзи ўнгида қоронғиликдан бир тўп одамнинг жонли жасади қалқиб чиққандек бўлди. Ерда мук тушганча Прохор ётар-

ди, йигитлар унинг дуч келган ерига мушт туширмоқда эдилар.

— Ҳечқиси йўқ... Майли... пишади...— деди Иброҳим. Бироқ пишқириб дағдаға қилди:— Кет, шайтон! — Ёнбошидаги пўлат совуқ жаранглади:— Ханжарни кўрдингми? Жонингдан тўйганмисан? Қҳ! Сўяман!

Йигитлар бўридан қўрққан қўйлардек миқ этмай тайсаллаб қолишди, уларнинг оёқлари чалишиб қаёққа қочишларини билишмас, қўрқувдан жиққа ҳўл бўлган кифтларига гўё черкасининг ханжари дастасига довуру санчилгандек туюлар эди. Йигитлар йиқилишар, хириллашар, жонларидан умидларини узиб буталар орасига судралишар, бир-бирларига тўқнашиб, пешоналари гурра бўлар эди. Биттаси ўзини дарёга отди, бироқ назарида қасоскор ханжар бу ерда ҳам унинг вужудига санчилгандек бўлиб, чўчкадек чинқирди-ю, сувда билтанглай бошлади.

Черкас эса, бу аснода ўйинқароқ йигитларнинг қуёнюраклигидан хушфезъллик билан ажабланганча, жойида қимир этмай турарди. Кейин довдираб турган Прохорнинг ёнига одимлади, гирибонидан чангаллаб, қўзичоқдек баланд кўтарди ва силкитди:

— Яна қизларнинг орқасидан югурасанми? Яна ароқ ичасанми?

Прохор пишиллаб, тупуради.

— Бевош!— деб қичқирди Иброҳим ва уни улоқтирди.

Прохор дарҳол хушёр тортиди. Иброҳимга қўрқув аралаш меҳри товланиб кетди, ўзини мурғак, бахтсиз ҳис этди. У худди жазоланган боладек ҳиқиллаб, айбдорларча қунишди ва йўлга тушиб, уйи томон сургалди.

Унинг орқасидан бадқовоқ черкас савлат тўкиб борарди. Унинг Прохорни эркалатгиси, кўзларига қарагиси, далда берадиган илиқ сўзлар айтгиси келар эди.

— Кейинги сафар қовурғасини синдирамиз! Итваччани!— деб қичқирди у чийиллаб.

Прохор гандираклаганча қадамни илдамлатди.

Йигитлар бутун тун бўйи асов йилқилардек қишлоқда изғишди. Татьянанинг уйи олдида тўхтаб, черкасни ҳалол муштлашишга чақиришди.

Эрталаб Татьяна зор-зор йиғлади, бетлари отаси тортиб юборган иккита шарақлаган тарсақидан ўт бўлиб ёнарди. Пишқирганча печка олдида гивирлаб юрган ойиси азбаройи каловланиб қолганидан пешбандига бурнини қоқди.

Черкас эса ёнгини шимариб олиб, ханжари билан зўр бериб дарвозага чаплаган шармандалик тамғаси — қорамойни қиртишлаб кетказмоқда эди. Татьяна ёстиққа бошини буркаб ётар, елкаси силкинар, кўзларидан шашқатор ёш оқарди.

— Татьяна ҳали жуда кўп йиғлайди. Прохор Петрович! Хайр!

Ҳаво тунд, шивалаб ёмғир ёғар, Прохорнинг дили хира, чи-роқ ёқса ёришмас эди.

Татьяна истиқомат қиладиган Подволочная қишлоғи узоқда қолиб кетган эди. Қайиқ мудроқ дарё оқимларини қувиб ўтганча, сассиз сузиб борарди. Дов-дарахтлар билан қопланган соҳилларнинг бир хиллиги юракни сиқарди, шивалаб ёғаётган ёмғирнинг кўкиш тўрлари остида теварак-атрофдаги ҳамма нарса шумшук, бефайз кўринарди.

Ёнган ходада бўйинини эгганча гўё томоғига суяк тиқилиб қолгандек бир қарға зўр бериб қағилларди: «Қ-қағ, қ-қағ». Бир жуфт зағизғон дарё ёнида, ёмғирдан йилтиллаётган тош устида чакаги чакагига тегмай чағилларди.

Саркаш дарё Прохорнинг қалбига соғинч ҳисларини солди. Қайиқ олға интилар, йигитчанинг хаёли эса ҳануз Татьяна томон учар, ўз ўйларини ҳайдаб юборишга у оғизлик қилар эди.

— Бас, етар кўнгилхушлик қилганинг... ишлаш ҳам керак, — деди ниҳоят Прохор ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган кишидек ўз-ўзига ва шашт билан дафтарни олиб, дарёнинг қайишлиларини суратга тушира бошлади, ҳар сафар аниқ вақтни қайд қилди.

— Ҳов, Фарков! Манави анҳорнинг номи нима?

Элликларга борган қора соқол, қўллари узун, сертомир, ёноқлари туртиб чиққан мужик Константин Фарков эшакка ушлаб ўтирарди. У бамисоли лоцмандек йўлбошловчи бўлиб ёлланган. Қайиқни Саркаш дарёдаги сўнгги манзилгоҳ — Ербохомохлягача етказиб қўйиш даркор эди.

Фарков сурранг чакмонининг енги билан манглайдаги терни артди.

— Бу анҳор эмас, дарёнинг эски ўзани. Уч чақиримча нарида ёйилиб оқади.

Прохор дафтарга буни қайд қилди. Саҳифа четига эса: *Таня, Таня... Сени севаман*, деган сўзларни ёзди. Сўнг саҳифани варақлаб, хаёлан қизнинг бежирим чеҳрасини чиза бошлади, шундан кейин, бўйни ва очиқ кўкраги қоғозга тушди. Прохор ширин энтикди, кема қуйруғида ўтирган Иброҳимга кўз қирини ташлади ва расмни қуюқ қилиб бўяб ташлади.

— Мана бу ердан Антип ўрмонзорй бошланади, — деган Константиннинг ўктам овози эшитилди. У мароми билан равон ҳикоя қила кетди. Константин бу ёввойи тайгада бўлиб ўтган қизиқ-қизиқ ҳангомаларни ва ажойиб-ғаройиб воқеаларни биларди. — Антип ўрмонзориди бундай воқеа содир бўлган. Бу ерда, қисқаси, қишлик бир қўналға-манзил бор эди, ҳув мана, ёнидан ўтиб боряпмиз. Қиш палласида исиниш ва чой ичиш учун ямшиқлар атайин йўлни шу ёққа солишарди. Қўналғада Антип исмли чол яшарди. Ундан жилла нарироққа эса, сулув

тунгус қизи дафн қилинган эди. Қиз кечалари гўридан чиқиб тайгада шўхлик қилиб юрар, макру жоду билан шуғулланиб ҳамманинг ўтакасини ёрар эди...

Прохор жон-тани билан бу ерда, қайиқда бўлса ҳам бирда-нига хаёлан уёққа, Таяннинг ёнига бориб қолди ва яна яқин-дагина бошидан кечиргани — ҳижрон азобини қайтадан туйди. «Узоқ вақтга ажрашдикмикан? Балки бир умргадир!»

— Қирчиллама қиш эди, туф деса, тупук яхларди. У эса — жойи жаннатда бўлсин — яланг оёқ, кўйлакчан бўлган. Шу кўйи тош қотиб музлаб қолган.

— Ким? — ҳушига келиб сўради Прохор, унинг лаблари пир-пирар, томоғи қичишар эди.

— Ким бўларди? Антип-да... Эшитмадингми ҳикоямни?

Прохорнинг кўзлари хира, ҳамон олис ёққа термилган эди, бироқ бари бир у ўзини босиб олди.

— Айтавер. Қизиқарли.

— Хуллас, бундай, — деди Фарков норози оҳангда. — Уша жодугарми, шаманками, ярим кечаси лоп этиб Антипнинг уйига келибди-да: «Ҳей, Антип, тур ўрнингдан! Мен марҳумаман, сени йўқлаб келдим, ўйнаб-кулгани келдим, рақс тушгани келдим!» — деб қичқирибди ва ўзи қарсак чалиб қоматини ростлабди, бошдан-оёқ қизил кийим кийганмиш, ҳаммаёғига мунчоқ тақилганмиш, у трепакка шундай дўндириб рақс тушибдики, қишлик манзилда қуюн кўтарилибди. Шунда Антип ўтакаси ёрилиб, уни қарғабди: «Ер қаърига кир алвасти, чириб кет!» Шундай деб кўйлакчан, яланг оёқ қаҳратон совуқда урра қочибди. Нафасини ҳам ростламай ўн беш чақирим йўртибди, шундан кейин муккасидан тушибди, қорга бурни билан кириб кетиб, тарашадек қотибди-қолибди... Оппоқ қордан ҳам оқроқ бўлиб ётганмиш, кўзлариям оқмиш, судак балиғиники сингари шишага ўхшармиш... Шунақа, жигар.

— Ғалати воқеа, — деди Прохор ва Фарковга таажжуб билан қараб қўйди-да, ёза бошлади.

— Ёлгонни ямламай ютасан, — деб ҳайқирди Иброҳим. — Бошингга эшкак билан бир тушурайми! Алдама!

Қайиқ устига тортилган ёйсимон таранг брезентдан кеманинг ўртасида соябон қилинган эди. Шу бонс Фарков кема қуйруғида ўтирган Иброҳимни дурустроқ кўриш учун бўйинни чўзди, кейин эшкакни ташлади-да, деди:

— Нега алдар эканман?

Прохор унинг ёнини олди:

— Ҳечам алдаётгани йўқ. — У кечаги шўриши ғавғо учун Иброҳимдан ўчини олмоқчи эди, бунда Фарковдан ҳам фойдаланмоқчи эди.

Иброҳимнинг кузалган қора мўйлови ва қалин қоп-қора соқол тутган оғзининг икки бурчи қулоғи томон кўтарилди. У заҳарханда қилди:

— Сен кўрдингми, Антипнинг олдига ким келганини?.. Бал-

ки қўчқор келгандир. Нима деганини ўз қулоғинг билан эшитдингми? Балки ўлик чол айтиб бергандир буни сенга?

Прохор бир кўнгли тўнини тескари киймоқчи бўлди-ю, бироқ қўққисдан хахолаб юборди:

— Рост:

Фарков саросимага тушиб, кўзини пирпиратди ва хушёқмаслик билан эшкакни қўлига олди.

— Халқ орасида шундай гап юради... Мен қаттан билай...— деди у шалвираб ва эшкак тагида шалоплаётган сувга тикилганча қолди.

Ҳаво очилди. Ботаётган қуёш нури булутларни тилкалади. Теварак-атроф бамисоли йиғидан тўхтаган қизнинг кулгисидек жилвагар ва жозибадор бўлиб кетди. Прохорнинг ҳам дили равшан тортди. Унинг дўстона ҳазил қилиб Фарковнинг қитиқ патига теккиси келди, бироқ у қовоғидан қор ёғиб, ҳамон сувга тикилар ва жаҳл билан сувни шалоплатиб эшкак эшар эди. Бутун кеч давомида лом-лим демай сузишди, фақат дарё қуюқлашган қоронғиликда тарҳини йўқотгачгина Фарков амр қилди:

— Соҳилга бур! Чаққон, чаққон!

Қайиқ залвари билан қайилар экан, сувни кечиб бора бошлади. Мана, таги соҳил қумида ғижирлади.

Гулхан ёқишди, чой қайнатишди, йўлда отиб олишган иккита ўрдакни пиширишди. Фарков ҳамон ўшшайиб ўтирар, миқ этмас эди. Унинг сал қисик қора кўзлари у ҳақда: «Йўқ, у алдоқчи эмас, барибир ўзини оқлайди, ҳам исбот қилади», деяётгандек бўлар эди.

Қош қорайди. Дарё, тайга, осмон бир-бирига туташиб кетди. Аммо ой чиқдию манзара дарҳол ўзгарди, қаршиларидаги соҳилда ўрмоннинг диккайган қора учлари, қумли нишаблик, дарёдан қаққайиб чиқиб турган илдизлар, улар пойида ой ёғдусида кумушдек товланиб, аста шалоплаётган сув кўзга ташланди.

— Бу ердан қирқ чақирим келади,— деди Фарков.— Ана, Антипнинг қўналғаси,— у дарё ортини қўли билан кўрсатди.— Кўряпсанми, ҳув анави ой шуъласида ялт-юлт қилаётган ойнани. Шаманка ўша ерга дафн қилинган.

Прохорнинг юраги шиғ этиб кетди, бироқ у шахдам овқз билан деди:

— Юр ўшаққа!.. Кўриб келамиз...

— Юр!

Ҳаш-паш дегунча дарёдан сузиб ўтишди.

Қишлик манзилга етишганда Прохорнинг юраги қинидан чиқиб кетай деб гурс-гурс ура бошлади. Фарков ташқаридан эшикни суяб турган тирговични олиб ташлади, сўнг икковлари художўйлик билан чўқинишиб кулбага қадам қўйишди. Кулба ичи зим-зиё қоронғи. Чамаси, ой булутлар орасига кириб яширинганди.

— Нима у?— деб сўради Прохор шивирлаб.

— Қаерда?

Унинг назарида қоп-қоронғи зимистонда худди бўрининг бир жуфт кўзи янглиғ иккита чўп чақнаб тургандек туюлди. Мана, ҳаво қалқиди, алланарса майин шивирлади, чўғлар сўнди, бироқ зум ўтмай бошқа ерда қайтиб ёнди. Прохор мужикнинг қўлидан чангаллаб ушлаб олди.

— Парво қилма... Унинг нималигини биламан... Укки,— деди Фарков хотиржам ва шам қолдигини ёндириб, кўзлар чақнаб турган бурчак томонга юрди. Бироқ бу ерда дуд босган қоп-қора иконадан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

— Тавба,— деди у барча бурчакларни кўздан кечириб,— бундан чиқди, ўша экан.

— Ким?

— Ким бўларди? Нима бало, тушунмаяпсанми?

Фарковнинг овозида ваҳима борлигини сезмаган Прохор шўхчан деди:

— Қизиқ!..

Фарков унга таажжубланиб қаради-да, хижолат чекиб, хотиржам бўлди.

— Сенинг анов калинг ишонмайди. Сирасини айтганда, Антипдан кейин бу ерда Оськино қишлоғидан келган бир саллот яшади. Ёнидан сузиб ўтаётганимизда, ўзинг қаноат ҳосил қиласан. У ҳам жодугарнинг манави дарчадан ёнига кириб келганини кўрган. — Фарков шамни боши узра кўтарди. — Кўряпсанми?

Юқорида, нақ шифт тагида тешик кўзга ташланарди.

— Хуллас, худонинг берган куни жодугар саллотнинг ёнига келарди, саллот ичкилик деганда ўзини томдан ташларди. Бир куни маст-аласт қайтади-да, тунгуска билан қовушади. Қандай қилиб ўзини тийсин. Ахир у бир қошиқ сув билан ютиб юборса бўладиганлар хилидан эди-да. Саллот уни жон-дилидан эркаларди. Нега деганда саллот уни тирик ўйлар эди-да, аслида у ўлик, расмана марҳума эди.

— Қаерга кўмилган у?

— Башарти кўрқмасанг, юр; бориб кўрамиз.

Прохор ҳадик-хавотир билан аланглади. Қоронғилик қуюқлашган, ҳар томондан сиқиб келар, денгиз тўлқини маёқни ўчиришга тиришгани каби, шамни ўчиришга уринар эди. Бегона кўланкалар зулматда осуда липиллар, қулар, кўтарилар. Прохор томон чўзилар эди. Мана, гўё қарсак чалиниб, кимдир аста кулганча рақсга тушиб кетгандек бўлди. Ҳаворанг, дириллаган, совуқ кимса рақс тушганча тобора яқинлаша бошлади.

Прохор жон талвасасида:

— Кетдик, Фарков!— деб қичқирди-да, эшик томон отилди.

— Сенга нима бўлди? Ой-ку бу.

Деразадан ой ёғдуси арвоҳдек мўралади, кўланкалар ерга қапишди, тинчиди, зулмат эса алланарсани кутаётгандек тош қотди.

Қуюқ чангалзор орасидан юришди. Ой йўлларини ёритарди. Қарағай, дўлана шохлари Прохорга илашар, ваҳима солиб шитирлар, йўлини тўсар, қарсиллатиб юзига урилар эди.

— Хўш, ана, қара,— деб Фарков тепаани имлаб кўрсатди ва трубкасани чекди.

Ерга кўмилган иккита баланд устунга нов ўрнатилган эди. Новнинг усти энли қайин пўстлоқлари билан ёпилган эди. Яшил пўстлоқлар гўё тагида ётган марҳума чуқур хўрсингандек титраб турарди.

«Шамолдан титраяпти»,— деб ўйлашди иккови, лекин кўкиш, сокин ҳаво қилт этмади. Ой гўё оёғи учида тургану тайга устига кўтарилолмай лолу ҳайрон эди. Фақат у сурранг қошларини гайирлик билан учириб: «Оббо, тункезарлар-э!»— деяётдек бўлар эди.

Новнинг тирқишидан қоп-қора тўсдек бир ўрам соч осилиб турарди.

— Бу унинг сочи... жодугарники...

— Қоралигини-чи!

Уларнинг овозлари бегона туюлар, гўё тайга қаъридан чиқаётганга ўхшарди. Бир-бирларига қарашди: юзлари ўликларникидек оқ-яшил. Прохор кўкрагида илондек совуқ нарсани ҳис этди. Улар даб-дурустдан қичқириб юборишдию орқаларига қарамай қочишди. Мудҳиш қўрқув уларни қоронғилик ва ўтиб бўлмас чангалзордан югуришга мажбур қилди. Улар бу машаққатли йўлдан худди кундуз куни бийдек даштдан югургандек елиб учдилар.

Қайиқ беҳуда олға интилар, оқ эшаклар титраб-қақшаб кўтарилиб тушар, худди чўқаётган одамнинг қотиб қолган қўлларидек шапиллаб сувга уриларди. Орқа томондан, тайгадан эса, ёввойи ҳуштак овози эшитиларди. Бироқ Прохор эс-ҳушини йиғиб олгач, бу кўксидан ҳуштак чалиб учиб чиқаётган ҳаво эканлигини билди. У эшакни ташлаб, манглайдан муздек терни артди. Икковлари уятдан ер ёрилмадию ерга кириб кетишмади. Улар бир-бирларининг кўзларига қарашдан уялиб, миқ этмай ухлагани ётишди.

Прохорнинг уйқуси нотинч, рангин бўлди. Яккаш оловдек қирмизи нарсалар тушига кирди. Қип-қизил қон. Ер қизил, осмон қизил; тунгус аёли қизил, алвонранг кийимда. Жодугар: «Бойе, қадрдоним, бағрингга бос мени!.. Ҳу, қаттиқроқ, қаттиқроқ!»— дерди. Прохор ҳузур-ҳаловат оғушида, у ўтдек ёниб, маза қилиб ётибди. Шу пайт: «Тур, Прошка... Вақт бўлди!»— деган овозни эшитди.

Прохор уйғонди. Иброҳим уни елкасидан силкитиб, унга жиддий кўзлари билан мулойим тикиларди.

Тонг чароғон, сўлим эди. Қайиқ бамайлихотир сузарди. Дарё солланиб эринчоқлик билан оқар, гўё ҳали ширин уйқусидан бош кўтармаган, эзгу орзуларидан фориг бўлмаган эди.

Тепаликлар учрай бошлади. Узоқда қоянинг яланғоч кўкраги қавариб турарди. Саҳархез какку сайрар, қамишлар орасида ўрдаклар ошиқона қийқирарди.

— Сен кеча нимадан қўрқдинг?— деб сўради Прохор аста.
— Узинг-чи?

— Сен қочганингдан кейин мен ҳам қочавердим.

Икковлари гулишди ва жим бўлишди. Дарё кескин ўнгга, қуёш истиқболга бурилди. Сув эриётган қўрғошиндек милтиллади. Прохорнинг кўзи қамашди.

— Назаримда нов қасирлагандек бўлди. Жодугар билан... шундай қасирладики!— деди Фарков.

Прохор кўзини сузиб, унга ҳайратга тушиб қаради:

— Мен эсам, тунгус қизнинг: «Бойе, қадрдоним, бағринга бос мени!»— деганини эшитдим. Аниқ шундай деди, ҳа.

— Алдаянсан?!— Фарковнинг юзи чўзилиб, кўзлари жиддийлашди.— Худди шу гапни у анови саллотга айтган эди... Сўзма-сўз.— У бекитиқча чўқинди.

— Эсингни едингми? Балки инс-жинсни кўраётгандирсан? Башарангни нега чўқинтиряпсан?!— деб қичқирди Иброҳим.

— Йўқ,— деди Фарков.— Бугун бувимнинг қазо қилганига бир йил тўлди.

Прохор ўйга толди. Туш ва сирли ҳақиқат уни ташвишга солиб қўйган эди. Аллақаерда, олисда зарғалдоқ мунгли сайрарди. Прохор хўрсинди.

— Бўйингни хам қилма! Бошингни тик тут!— деди Иброҳим бардам.

— Ҳадемай, иш бошланади... Ишга алаҳсиб кетасан,— деди Фарков.— Қара, қандай гувуллайди... Еремин остонаси, дейлади бу.

Дарҳақиқат, қуёшга тескари сузишлари билан олистан ўрмоннинг шовулланига ўхшаш овоз эшитилди. Оқим тобора сусая борди, остонанинг гувуллаши эса кучайди, дарё бир неча бор қайилгач, шиддатли тўлқин тўсатдан қайиқни суриб кетди.

— Унгроққа!— деб қичқирди Фарков, унинг овози шов-шувга қўшилиб кетди.— Наҳотки кўрмаяпсан!

Иброҳим тишини-тишига босиб, кучи борича эшкак эшишга киришди, қайиқ тошга бурни билан урилиб, дарёга кўндаланг туриб қолди ва бир ёққа оғди. Фарков сакраб сувга тушди. Сув тиззасига ҳам чиқмасди. Фарков ўлчағични олди-да, оқим билан олишиб, чуқурликни ўлчаб, қирғоқдан-қирғоққа бориб кетди. У алланарса деб қичқирди, қўл силкитди, яна бақирди, бироқ сувнинг гувуллашида овози қалтираб, худди ғўлдираётганга ўхшаб эшитиларди.

— Йўл йўқ,— деди Фарков яқин келиб.— Қани, Иброҳим, шимни еч... Чуқур жойни қидирамиз.

Иккови сувни тимирскилагани кетишди. Прохор эса, дафта-рига остонанинг вазиятини чиза бошлади. Бироқ ишдан чалғиш биланоқ яна хаёлида Таяннинг маъюс чеҳраси намоён бўлар, қалбида тагин ёлғизлик ҳисси уйғонар эди. Прохор Таяни бир-га олиб кетмоқчи бўлганида нима учун Иброҳим ҳайвондек унга бўкирди? Эшак. Нима ҳақи бор?!

Мана, худди шамолда тўзғиған момақаймоқдек Таяннинг сиймоси ёйилиб кетдию, кўз ёши билан ювилған маъюс чеҳра ўрнини қип-қизил кийим кийған, мунчоқ таққан жодугарнинг нозли кулған чеҳраси эгаллади: «Бойе, меҳрибоним!» Прохор хуноб бўлиб уни хаёлидан қувмоқчи бўлди ва узоқ вақт сувга қизиқиб қараб турди: оқим тошлар орасида иланг-биланг қилиб тезоб оқарди. Унинг кўзига кўринған жамики нарса қимир-лаб, суза бошлади: буталар, дўланалар, бодрезаклар, яшил майсазорлар, сокин тайга саробдек жимирлар эди. Оббо касо-фат-е! Яна қип-қизил кийимдаги тунгус қиз рақс тушиб, қуюн-дек чарх урарди. Прохорни имлаб чақирарди ва таниб қол-ған ўрмоннинг буталари орасида ғойиб бўлади. Прохор хо-муш жилмайди: «Алвасти! Шошмай тур. Ҳали қўлимга туша-сан, ўликлигингча эмас, тириклигича, белингни қисирлатаман!» Томирларйда кўпирған қон миясига уради, қуёш вужудини эҳ-тиросли ҳаяжонга солади: севгиси, бутун қизларни ўпиб чиқ-қисч келади.

— Э-ҳе-е-й! Прощка! Буёққа!

Прохор уст-бошини чаққон ечиб ташлайди, сертош дарё тубида юриш осон бўлишлиги учун этигини кияди ва сувга ту-шади. Оқим уни оёғидан олиб қулатади. У чўккалаб қолади, — ёйирай! — ўрнидан туради, яна йиқилади, хахолаб кулади. Тошлар тюленнинг бошидек думалоқ, сирпанчиқ, сув қайнаб-төшади. Прохор қўлларини бесўнақай силкитади ва ношуд дар-боздек мувозанатини сақлашга ҳаракат қилади. Фарков эса дам-бадам соҳилга сакраб чиқади, тол шохларини синдиради ва уларни остонанинг тошлари орасига қистиради. У қайиқ босиб ўтириши керак бўлған йўлни белгиляпти. Прохордан юз сар-жинча нарида икки оқим кўзга ташланади: бири — тўлқин уриб, ҳайқирмоқда, иккинчиси — тинч, ойнага ўхшайди, қуёш нурида ол ранга товланади. Бу оқимларнинг чегараси — остона доира-си. Иброҳим сувдаги тошни қўпорарди. Прохорга узоқдан чер-касининг абжир гавдаси, айниқса қўллари ва елкасида тарам-тарам қора чизиклар тортилгандек кўринди: «Татуировка», — ўйлади у. Бироқ черкасининг олдига келгач, лол бўлиб қолди.

— Гавданг ҳали шунақами, Иброҳим!.. Полвонларникида-қа-я... Бундан чиқди, кучингам бордир...

— Оз-моз бор, — Иброҳим энгашиди-да, бир неча пуд кела-диган думалоқ катта тошни боши узра азот кўтарди: бўртиқ, серпай мушаклари қорача териси остида ўйнади, зўриқди ва худди лойдан ясалгандек ногаҳон тош қотди, сўнг сергаклик билан эгасини амрини кутди.

— Қў! — шундан кейин тош ҳавода қорамтир ёйдек ушиб, анча нарига, сувга шалолаб тушди.

Проҳор азбаройи завқланганидан:

— Урра! — деб қичқириб юборди.

— Нега бақирасан, ишла!..

Проҳор ишга киришди. Ғайрат-шижоат билан тошларни думалатиб, йўлча бошлади.

— Илдин кўраясанми? Уша ёққа юр... Тўғрига! Ун саржинчадан кейин чуқур жой келади.

Иш қизиб кетди. Фарков аллақачон қайиққа тушиб олган, уни оқимга солмоқчи бўлаётган эди. Орқага Проҳор Иброҳим билан ёнма-ён қайтди.

— Роса совқотдингми, Прошка? Спирт ютиш керак..

Проҳор Иброҳимнинг овозида меҳр-муҳаббат оҳангини илғаб олди-ю, гап ташлади:

— Мендан аччиқланма. Сени яхши кўраман.

— Биз ҳам яхши кўрамыз. Ҳечқиси йўқ, ота ўғли, Прошка. Асл йигит!

— Сен билан, Иброҳим, ҳеч нарса қўрқинчли эмас... Сен зўрсан.

— Ханжар зўр... Иброҳим содиқ, итдек садоқатли.

Ҳориб-толиб, совқотиб қайиққа ўтиришди. Қайиқ масофаларнинг танобини тортиб, остоналар устидан ишонч билан елиб борарди...

— Узингга шукур тангрим! — деди Фарков енгил тортиб. — Бир даҳмазадан ўтиб олдик.

— Буёғи нима бўлади?

— Бошимизга ҳали кўп ташвиш тушади. У, жуда кўп ташвиш, биродарлар! Саркаш дарё — қаҳрли.

8

Петр Данилович Громов кўнгилхушлик ва айш-ишратга муккасидан кетди. У ҳаёт сўқмоқларидан тройкада қушдек парвоз этарди. Оёғидан ўт чақнайдиган учқур отлар қўшиланган тройканинг қаёққа учаётгани билан иши йўқ эди. Дўнгликлар, қор уюмларидан ўтадими, жарга қулайдими, унинг учун барибир эди, ишқилиб, қулоғи остида шамол шўх чийилласа, бошида қаҳқаҳа жаранги янграса, жангир-жунгир овозлар таралса кифоя эди.

Дарвоқе, Петр Данилович хўжалик ишлари билан ҳам машғул бўларди. Савдо-сотиқни кенгайтирди, ўн арава аъло нав моллар келтирди ва дўконга Илья Сохатини приказчик қилиб ўтқазиб қўйди. Тайгада смола тортадиган завод очди яна баъзи корхоналарга човут солди. Бироқ буларнинг ҳаммасига панжа орасидан қарар, ишлар ўлда-жўлда эди.

Мария Крилловна катта сут хўжалигини йўлга қўйгани ва

нишга кўмилиб кетгани важидан эри бурнидан ип ўтқазиб лақиллатиб юрганини билмас эди.

Аввалидан у ишни жуда пухта қилди: овга кетдим, дерди-да, Анфисаникига кетарди, ўтинчилардан хабар олиб келай, деб яна Анфисаникига йўл оларди. Паррандалару даррандалар зарарзаҳмат чекмай дориламон юрар, дангаса ўтинчилар донг қотиб, ухлар, ишончли ёрдамчи Илья Сохатих шоҳи рўмоллар билан кумуш пулларни ўзини гўлликка солиб, чўнтагига тиқарди. Хўжайин эса, шишадан қулт-қулт ютишу- Анфисани биларди, холос.

Илья Сохатих — сариқ, жингалак соч одам эди. Юзини буткул сепкил босгани учун ҳам узоқдан қизилмағиз кўринарди, аслида эса у қотма, касалманд, ўтакетган хотинбоз эди. Қишлоқда у биринчи олифта эди, доим ёқа тутиб, қайтарма енг кийиб, рангдор галстук тақиб юрарди, бежирим таёқчасининг тутқаси ҳам оддий эмас эди, тамакидонининг усти ҳам ялтироқ, лекин ичи қалтироқ эди, ичида алламбалоларни кўриб ҳатто ҳазрат Ипат ирганиб тупурганди. Илья Сохатихнинг қўлида яна бир даста бенбо расмлар бор эдики, йигитлар йиғинларда уларни кўриб оғизлари очилиб қолар, қизлар эса гўё уялгандек «Эҳ, шарманда! Башаранг қурсин!» — деб чиқиришарди, кўзлари эса шўх чақнарди ва бепарда расмларга кўз ташлашнинг пайдидан бўлишарди.

Илья Сохатих арзон атир селиб юришни яхши кўрарди, ундан уч чақирим наридан укроп ва саримсоқ ҳиди анқирди. Узуқлари, запонкалари, тўғнағичлари шиша парчасидек совуқ йилтиллари, аммо ҳалланган соғати ва унинг занжири ялтирарди. Бутун бу «маданиятни» у уезд шаҳрида эгаллаган, билимдонлик билан йигитлару қизларнинг бошқини гангитиб қўйишни ёқтирар эди. Нафсламрига, Петр Данилович Громов катта ойлик ва дориламон ҳаёт ваъда қилиб, уни ўша уезд шаҳридан олиб келган эди.

Қизлар унга ошиқу беқарор, энг чиройлилари эса бир-бири билан қирпичоқ эди: Илья Сохатих уларнинг ҳар бирига, фақат сени севаман, деб худони ўртага қўйиб олт ичарди. Гоҳ-гоҳ қизлар шундай жанжал-сурон кўтарардиларки, қўяверасиз: кундошлар жаҳл устида уят-андишани йиғиштириб, халқ олдида қаерда кўнгилхушлик қилганларигача очиқ айтиб юборардилар; биттаси, мен билан фалон ерда, деса бошқаси мен билан пистон ерда, деб сирларини ошкор қилишарди. Кейин ҳовурдан тушиб, эс-хушларини йиғиб олгач, обидийда қилишарди, жаврақи тилларига тўғнағич қадашарди. Лекин бўлар иш бўлган, бўёқчининг нили синган бўларди.

Эрли ёш жувонлар қизлардан қолишмасдилар. Уғринча қўлга кирган тунни у билан шилдироқ сой бўйидаги қийғос гуллаган дўлана тагида ўтказишгани учун ўзларини улкан бахтга мушарраф ҳисоблар эдилар.

Илья Сохатих барча лутфу эҳсонларни беписанд қабул қилар, гарчи эрта баҳордаги мов мушукдек озиб-тўзиб кетган бўлса-да, ишқий муваффақиятларини бағоят жозибадор ҳусну жамолига йўярди. Охири шундай кеккайиб кетдики, ўзининг мафтункор севгиси билан Анфисани бахтиёр қилишга жазм этди.

Бу ишга худди улоқчи отдек бутун вужуди асабий титраб, юраги қафасдаги қушдек питирлаган ҳолда киришди. Анфиса назарида унинг қўли етмайдиган юксакликда тургандек дахлсиз кўринарди. Бу ёқда тагин хўжайин... О, хўжайин калласини сапчадек узиб ташлайди-я! Илья Сохатих ҳеч нарсадан тап тортмай мард бўлиб кетди. Унинг ҳаётдаги ягона орзуси — Анфисанинг висолига етишиш. Демак, дадил жангга, галаба сари олға!

Илья Сохатих узуги билан ингичка мўйловини буради, жингалак сочларини силкиб-силкиб ҳурпайтирди ва гира-шира қоронғида офатижоннинг ҳовлиси томон кетди. Анфиса эшикни очаркан, ундан:

— Ҳеч ким кўрмадимми?— деб сўради.— Сен дарчани тириқтириқ уриб тақиллат! Шунда сен келганингни биламан... Уқдингми? Хўжайин қани? Бирон ёққа кетдимми?..

Анфисанинг кулбаси кичкина, хароб эди: ёнида Петр Даниличнинг кўмагида янги уй қуриляпти. Ҳадемай ҳовли тўйи.

Анфиса стол тузади, самовар қўйди. Илья чўнтагидан бир шиша рябина ароғи ва бир кийимлик Саратов шойисини чиқарди.

— Лутфан ўлчаб кўрсинлар, менимча, ярашади...

Баланд бўйли Анфиса ақиқдек лабларини қисиб, қаққайиб турар, кўзларида совуқ истеҳзо балқир эди. Илья унинг атрофида хўроздек чир айланар ва шойини ўлчаб кўрмоқчи бўлиб, нуқул Анфисанинг жозибадор кўкрагига қаттиқроқ ёпишишга ҳаракат қиларди.

— Менимча, ярашади...

Анфиса унинг тимирскиланаётган қўлига қарс этказиб урдиди, совғани нари итарди:

— Ҳожати йўқ. Зор эмасман.

— Эҳ, Анфиса Петровна!.. Бу ахир хўрлаш-ку... Ҳойнаҳой хўжайин бошдан-оёқ сизни атлас-кимхобга ўрагандир.

— Сени неча пуллик ишинг бор? Совғанг экану ўзинг ҳам керак эмассан менга. Бошимга ураманми сени? Қани ўзинг айтчи, Илюша!

— Шуям иш бўптими ахир. Айтиш мумкинки, аини очилиб-сочилган пайтингиз. Роҳатбахш танҳолик. Ҳузур-ҳаловатда...

Чой устида Илья ёлғон-яшиқ гапларни сўзлади. Роҳиблар ҳаётдан латифалар айтди, Анфиса хахолаб кулди, қўлларини силтади, қулоғини бекитди.

— Вой аҳмоғ-э!.. Қизлар нимангни яхши кўришади? А, Илюша? Чўтир, пучуқ дардманд, рамақижонсан.

— Ўзингиз мени қачон севасиз?— деб сўради у лабларини асабий тишлаб.

— Ҳеч қачон.

— Нотўғри айтяпсиз... Ҳозир исботлашим мумкин.

У мўйловини узуги билан буради, терлаган юзини атир сепилган шойи рўмолчада артиб, эҳтиросли кўзлари илтижо ила боқди.

— Анфиса Петровна, фаришта! Биттагина бўса ҳады қилинг, юзингиздан, Анфиса Петровна!

Бироқ аёл масхараомуз хахолаб кулди.

— Бу қийноқ. Наҳотки тушунмасангиз? Мен беҳад изтироб чекмоқдаман.

— Аҳмоқсан-да, шунинг учун изтироб чекасан.

Бирдан Анфисанинг чеҳраси тундлашди, у гўё эр кишининг лахча чўғ қалбига муздек сув сепгандек бўлди, бироқ бундан Ильянинг ногаҳон ҳирси алангалайдию Анфисага талпинди ва уни белидан қучоқлаб олди.

— Дилбарим! Момақаймоқ!.. Дардимга малҳам бўлинг...

Тўсатдан парда тутилган дарчани биров тақиллатди. Иккови бараварига:

— Уша!— деб шивирлашди. Қўрқувдан приказчикнинг ҳатто сепкиллари оқариб кетди. У типирчилаб қолди.

— Ертўлага туш, чаққон! Улдиради. Бўл тез!

Анфиса Ильянинг устидан оғир қопқоқни ёпди ва димоғи чоғ қиқирлаб кулди. Энди эшикни тақиллатишди. Анфиса эшикни очди.

Оқ фуружка, қўнжи узун этик, бурмабел камзул кийган Петр Данилич кирди. У қалин мўйловини тартибга келтирди.

— Емон ширинсан-да, шайтон... Нега тамаки ҳиди анқияпти? Меҳмонлар келдими? Хўш?

— Ҳзим чекдим.

— Ҳзинг? Қўпдан бери чекасанми? Қани, чекиб кўр-чи...

Анфиса чекди ва йўталди.

— Кучли экан жуда.

— Кучли!— Петр Данилович кулди ва фуражкасини ечди.— Нима ўзим кучли эмасманми? Бир қарагин-а! Қўкрагимни, муштинни кўр...

— Паҳлавон,— деб жилмайди Анфиса. Қалин зигирранг сочи орқасига турмаклаб қўйилган, қирмизи лаблари ярим очиқ.

Петр Данилич унинг оппоқ қўлларидан ушлаб, тўшига торғди. Анфиса унинг тиззасига ўтирди. Пол тагида бетоқат гивирлаган овоз эшитилди. Петр Данилович ҳушёр торғди.

— Мушук,— деди Анфиса ва танга сочилгандек жарангдор кулди.

Илья Сохатих тахта бўлиб қолди. Минг лаънат, бу пастак ертўлага. У иккита катта-катта ёғоч бочка ўртасидаги алламбалода гужанак бўлиб ўтирарди. Дафъатан у кулранг йўл-йўл тринкадан тикилган яп-янги шимининг орқаси ҳўл бўлаётганини сезиб қолди. У дик этиб ўрнидан турган эди, боши қарс этиб

шифтга тегди, «Оббо лаънати! Худога шукур, ҳеч ким сезмади». Шундан кейин у қўли қалтираб нимада ўтирганини текшириб кўрди.

— Хурсанд бўлсинлар... Тузланган қўзиқорин, замбуруг!— у даргазаб пишиллади ва тупурди.

Энди у икки букилиб, уша сурилган энсасини пўпанак босган тахта тўшамага тираганча тик турар ва қандай қилиб ўрнашиб ўтирсамиқин, деб ўй сураар эди. Унинг қулоғига тирқишдан келаётган говур чалинарди.

— Биласанми, ертўлага кимни яшириб қўйганман? Уйнашимни...— деди Анфиса ва ёлғондака шарақлаб кулди.

— Уйнашингни?!— зарда билан сўради хўжайин, пол ғижирлади.

Илья Сохатих оёғи майишиб, яна қўзиқоринлар усига ўтирди.

— Тўхта, қаёққа!— деб қичқирди Анфиса.— Ишондинг-а, шунга? Суф сенга-е!

Илья Сохатих енгил тин олди, ўзини чўқинтирди.

Петр Данилич алланарса деб гўлдиради. Кейин хийла вақт жим бўлиб қолишди. Тирқишдаги нур тасмаси ўчди, уйда чироқни ўчиришди шекилли.

«Рашкдан фалаж бўп қолишим мумкин,— деб ўйлади Илья жаҳл билан; унинг юрак-бағри эзилди.— Кўпасмиш тагин бу... Узининг приказчигидан нозанинни тортиб олди-я... Лаънати, эксплуататор!» У чўнтагини пайпаслади. «Аттанг, гугурт уёқда қолиб кетибди!» Жойини ўзгартирса бўларди. Бироқ у қимир этишга қўрқиб тишини-тишига қўйиб ўтирарди. Уни уйқу элитди. Пинакка кетди, боши шилқ этиб тушди-ю, кўзини очди. Жимжит. Ичи яланиб кетди. У ёғоч бочкани пайпаслади: кабрам. Бошқасини тимирскилади: бодринг! Битта диркиллаган бодрингни олди-да, иштаҳа билан еди.

— Янги тузлаган,— деди у паст овозда.

Манжетини юқорироқ сурди-да, бочкага қўлини тикди. Қўлига антиқа бодринг чиқди, еди.

— Ҳей, жабрдийда! Ухлаб қолдингми, нима бало?

— Ҳечам-да!— деб қичқирди Илья Сохатих оғзини қийшайтириб, ёруғдан кўзини қисганча. У кўз очиб-юмгунча қамоқдонани тарк этди.

— Бақирма-е, шоввоз!— Гарчи Анфисанинг овози жиддий бўлса ҳам кўкраги босиқ кулгидан лопилларди.— Ҳаддингдан ошсанг, нақ гирибонингдан олиб улоқтираман.

Ранжу аламдан ва рашк изтиробидан беҳуд бўлган Илья нолиди:

— Менга катта зиён етказдингиз, яп-янги жакет костюм... Қандай ҳолга тушди-я.

Анфиса лом-мим демади.

— Қолаверса, сизнинг енгилтаклигингиз учун нақ уч соат тузланган қўзиқорин устида ўтиришга мажбур бўлдим.

Анфиса икки ёнбошига шапатилаб урди-да, шарақлаб кулди. Зум ўтмай Ильянинг кўзи жиққа ёшга тўлди, у муштини тугиб, Анфисага ташланди, бироқ у Ильяни шартта қучоқлаб олди-ю, хахолаб кулганча, тер босган пешонасидан чўлп этиб ўпди.

Илья дунёдаги ҳамма нарсани унутди.

— Анфисочка!.. Гули раъно!

— Тўхта, тўхта, тўхта!— Анфиса уни стол ёнига ўтқазди.—
Ке, кайфу сафо қиламиз.

Петр Данилович русларга хос оддийгина ҳаёт кечирарди: дастурхони камтарона, деҳқонча бўларди: у қатиқни, қўй гўштини, ёғли сардакли карам шўрвани яхши кўрарди. Олифталикни билмас, оддий кийинар эди: жазирама иссиқ кунларда ҳушини йўқотгунча нуқул ароқ ичарди. Ҳашам, дабдабадан йироқ бу одам мазкур хилватгоҳда шунча пулни нимага сарф қилишини билмасди. Черковга иона қилди, Анфисага уй қуриб берди. Узига ва унга жиҳозлар, гиламлар, соатлар, гулдор самоварлар харид қилди. Хўш, энди буёғига нима қилади? Эҳ, қани энди Москвага борса! Бироқ учарга қаноти қисқа, ёши ҳам ўтиб қолди.

Ҳар қалай, уч-тўрт ой ичида унга пиянисталар нуқси урди-қўйди: бурни қизарди, юзи шишди, уйқусида бармоқлари титраб, аъзойи бадани қалтирайдиган бўлиб қолди. Кунлардан бир кун шкаф устида қуёндек келадиган иккита шайтонбачча ўтирганини кўриб қолгач, қатъий қарорга келди: «Дам олиш керак».

У икки кун нуқул квас ичиб, карам еди, учинчи кун тайгага йўл солиб, эллик чақиримча ичкарига кирди. Ҳатто Анфиса билан ҳам хайрлашмади.

9

Езнинг ўрталари. Йўловчилар занжилардек қорайиб кетишди. Прохорнинг уч бор бурун пўсти шилиниб тушди.

Ҳаво жуда ҳам яхши, сузиш кўнгилли эди. Тонг саҳарда ўрниларидан туришарди. Прохор чўмилиб олгунча, Иброҳим кабоб пиширарди. Фарков челақдан ясалган қўлбола самоварда чой қайнатишнинг тараддудини кўрарди. Қоринларини тўйғазишиб, бардам тортиб йўлга тушишарди. Улар анча-мунча йўл босиб қўйишганидан кейингина қуёш жамол кўрсатарди.

Иккинчи ҳафтадирки, ҳаводан тутун ҳиди келар, аллақаерда тайга ёнар эди. Қуёш катта қирмизиранг, худди яллиғлатиб

қиздирилган мис баркашга ўшарди. Манзаранинг ўткир бўёғи ва чизиклари сийқалангандек бўлди, масофа чамалаб бўлмас даражада ўзгариб кетди: яқин узоқлашди, узоқ эса ниҳоятда яқинлашди. Оқ-кулранг туман орасида теварак-атроф хира кўкишранг парда ичида қолди: ўрмон, қоялар, ороллар шарпага ўхшаб гира-шира кўзга ташлана бошлади.

— Барибир яхши-а... Иброҳим?

— Ҳаво йўқ. Кўз бор... Пачава, Прощка!

Энди Иброҳим эшкак эшар, Фарков 'рулда ўтирар, дарё ҳали саёз, қайиқ тушган оқим — иланг-биланг, маккор эди. Мана, сувнинг ёйилиб оқадиган жойи келди.

— Прохор Петрович, хўрагингиз борми? Тушликка балиқ тутиш керак,— деди Фарков.

Прохор унга катта-катта пашша тўла қутичани берди ва иккита пашшани тиззасига қўйиб шапатилай-шапатилай пачақлади.

— Тавба, мунча кўп!

Фарковнинг иккита қармоғи бор. Қайиққа олтиндек товонбалиқлар кетма-кет шалоплаб тушарди.

— Роса ёғли,— деб хурсанд бўлди Фарков. Сўнг орадан беш минут ўтгач, шундай деди:— Хўп, энди етар.

Прохор Саркаш дарёнинг сахий инъомларига кўникиб қолган эди, шу боис у таажубга тушмади. Қулай ерни қидириб топди-да, буйруқ берди:

— Фарков, соҳилга!

— Нарироқда тўхтасак, Прохор Петрович,— бўшашиб эътироз билдирди Фарков.— Ҳадемай қишлоқ келади.

Прохор янглишганини фаҳмлади, албатта қишлоқда тўхтаб дам олишга нима етсин: тухум, сут, сузмали кулчалар дегандек, лекин сўзидан қайтса қандоқ бўлади?

— Эшитдингми?

Фарков бўйин товлашга журъат этмайди.

Балиқ шўрва жуда ёғли, бўтқа қуюқ, серёғ, қотган нон сероб, терлаб-пишиб чой ичишди. Иброҳим овқат ўртасида шимининг барча тугмаларини ечиб ташлади, тасмасини туширди ва мамнун кекирди.

— Хўш, Иброҳим, тўйдингми?

— Йўқ.

Кўзлари бўриникидақа ёнади, кейин хиралашади; думалоқ қошиқ физ-физ қозондан оғзига бориб келади, ниҳоят у қаттиқ кекиради, овқатдан лаззатланиб, мизғиб олгани эмаклаганча кўланка томон кетади.

Прохор билан Фарковнинг уйқуси келмайди. Фарков чалқанча ётиб Данилов тепалиғи ҳақида ҳикоя қилади. Бу тепалик ёнидан улар кеча сузиб ўтишган эди. Уша тепаликда гор бор, у ерда яқин кунларгача аждаҳо яшарди. Кундузи ғойиб бўларди, қош қорайиши билан осмонни оловдек ёритиб учиб келарди. У кўпгина христианларни, анча-мунча хотинлар билан қизлар-

ни ўғирлаб кетган. Улар билан у кўнгил хушлар, ўлгудек қийноққа солар экан. Бир хотин ундан жодугар қиз туққанмиш. Антипни ўлдирган анави шаманка бор эди-ю, ўшани:

— Йўғ-э?!

— Алдаб нима қиламан. Мана шу икковимиз ётган еримизда бир эркак аёл кишининг бурнини тишлаб, узиб ташлаган. Аввалига сочидан тортган, кейин фарч этиб тишлагану туфлаб ташлаган... Муқаддас никоҳни бузма...

Ногаҳон қаердадир яқин-орада сув шалоплади, кимнингдир ўкиргани эшитилди:

— Торт, тор-р-р-т-т?!

Эшкаклар сувга урилиб шапиллади, оёқлар остида шағалғижирлади. Прохор ўша томонга диққат билан тикилди. Эртақдагидай оқ ҳаворанг зимистон ҳамма нарсани кўздан яширарди. Бир оздан сўнг кўкимтир туман орасидан Прохорнинг ёнига қандайдир шарпа-махлуқ чиқиб келди. У худди арвоҳдек имирсилаганча сувдан келарди.

— Ҳей ҳаромилар! Торт, торт!

Катта қайиқ. Уни беш киши оқимга қарши қайишда тортиб келар, олтинчиси рул ёнида қаққайиб турар, еттинчиси эса қайиқ қуйруғида туриб олиб, чангак билан йўлда учраган тош ва тўнгаклардан қайиқни четлатар эди.

— Хўш, ҳаромилар, хўш!.. Торт, э ҳаромхўрлар! Хўш!

Беш киши белидан юқорисига сувга тушди ва бутун кучини тўплаб оғир қайиқни соҳилга сура бошлади.

— Қани, чаққон, чаққон, чаққон!— деган пайдар-пай бўкириш ва беҳаёларча сўкиш эшитилди.

— Бу маҳаллий савдогар, армани. Жиноятчи у,— деди Фарков.— Бақирини қанақалигини кўрсатиб қўяман унга. Жиндек пийпалаш керак уни.

Қайиқда тунгуслардан сотиб олинган буғу терилари тоғдек ўйилиб ётар, терилар устига ташланган учта пар ёстиқда худди булутлардаги Будда сингари чўчқадек хўппасемиз бир киши керилиб ўтирарди. Унинг устидаги чодирдек катта оқ шамсия елпиниб, унга соя ташлаб турибди:

— Нега қаққаясанлар? Ҳов, сариқ! Торт, торт!..

Арқонлар узилиб кетай дейди, у батрақларнинг эгилган белларини қийиб юборган. Иссиқ ва зўриқшдан азоб чекаётган одамлар силласи қуриган касал одек пишқириб нафас олишади.

— Аганес Агабабич!— деди Фарков ўрнидан қўзғалиб.— Исмини қара-я, қисталоқни, одамнинг тили келишмайди,— деди Прохорга. — Уни сиёсатчилар, оқподшонинг ғанимлари судрашади. Аганес Агабабич, эшитмаяпсанми?..

— Кўмсизлар?. . — деб сўради бақалоқ.

— Шу ерликмиз. Бу ерда бир одам сен билан суҳбатлашмоқчи. Савдогарнинг ўғли.

Бақалоқ жирканч овози билан:

— А-а-а,—деди ва амр қилди: —Хей ҳаромилар, соҳилга! Қайишни йиғиб ол, арқонни йиғиштир... соҳилга, ҳаромхўрлар!..

Прохорнинг ёнига юм-юмалоқ, калтабақай, қучоққа сиймайдиган бир одам пилдираганча келди: у пишилла, пишқирар, башарасидан шариллаб тер қуяр, ҳўл кўйлагининг ёқаси очиқ, енги шимарилган, кўкраги ва қўлларини айиқникидек жун қоплаган эди.

— Салом сизга,— у Прохорга ёстиқдек дўмбоқ қўлини узатди. — Қаерликсиз?— Унинг овози русларникига ўхшамас, ҳиқилдоғидан отилиб чиқарди.

Прохор калта оёғига палапартиш мовут ва чит ўраган хомсемиз бақалоқни кўздан кечираркан, кимлигини айтди. Савдогар ерга чордана қуриб ўтирди-да, сўради:

— Нима керак сенга бунда? Нима қип юрипсан? Балким савдо-сотиққа айланишмоқчидирсан? — Савдогар пишиллади, пишқириб бурнидан нафас олди, думалоқ тақир бошини чайқайди ва ёқимсиз овозда жекиришга тушди.— Бе-е-ко-ор қиласан! Бу ерда нобуд бўласан... Халқ нонсоф, нуқул ебкетарга мол ундиришининг пайдан. Тартиб йўқ, қонун йўқ, қип-қизил талон-торож. Тунгуслар ҳайвон, тўда, сўйиб кетишданам тоймайди. Ой, маслаҳат бермайман! Ой-ой!

— Нега бекорга алдайсан, Аганес Агабабич,— деди чидолмай гулхан ёнида турган Фарков. — Бизнинг халқимиз яхши. Сен худди зулукдек ёпишиб олдинг уларга, сўравериб қорнинг осилиб кетганини...

— Нима, нима, нима?— Қумда ўтирган бақалоқ товонларини типирлатди, ўтирган жойида Фарков томон оғир айланди. — Нима? Зулук? Мен ҳали зулук бўлдимми?

— Совуқ тушгунча Крайска етиб олармикинмиз?— деб сўради Прохор ташвишланиб.

Товонлар яна типирлади, бақалоқ қаттиқ пишиллаб Прохорга ўгирилди:

— Ҳо-ҳо Йўқ! Нима деяпсан? Тезроқ орқага қайт... Биласанми, неча чақирим? Бу ердан уч минг чақирим. Дарё эса бай-бай-бай. Нақд ўлим.

Прохор четда ўтирган ишчиларни имлаб сўради:

— Ким булар?

— Сийсатчилар... Ғалвачилар... Бадарға... расво. Уларни мана бундай муштимда тутаман!

— Нега расво?— деди Прохор унинг шишинқираган, чўчқаникига ўхшаш кичкина кўзларига савол назари билан қараб.

— Расво бўлмай нима?! Булар подшога, тартибга, капиталга қарши чиққан! Қўйиб бер, энди бу итваччалар елкаларида мени олиб юришсин, қайишнинг азобини татиб кўришсин... Ха-ха-ха... Мен уларни муштимда тутаман!..— Шундай деб у сержун муштини тугди-да, ҳавода силкитди.

— Сенга қолса-ку, бутун халқни муштингда тутардинг-ку!.. — деди Фарков у билан ёқалашиш иштиёқида ёниб.

Бақалоқ ўтирган ерида айланди-да, қичқирди:

— Нима-нима-нима? Ҳов, сариқ! Дафтарни опке-чи! Ҳозир кўрамиз... Сени биламан, ошна... Фарковсан-а? Биламан... Сен мендан юз сўмдан ортиқ қарзсан.

— Сендан ҳеч қанақа қарзим йўқ... Сен ўз баҳосидан ўн баравар қиммат сотасан молингни... Сен бизларни процентлар билан тинкамизни қуритдинг... Сен...

— Нима-нима-нима?

Прохор сиёсатчилар ёнига кетди. Бир вақтлар у шаҳарда бир таниш студент билан ёшларнинг йиғинига борган эди. Ёниб, адолатли гапларни гапиришганди, қўшиқ айтишганди, бошлиқларни, тартибни сўкишганди. Ҳа, сўкканда ҳам ҳаққоний, ўткир сўзлар билан сўкишган эди. Прохорга ўшанда буларнинг ҳаммаси жуда ёққанди; у студентдан кўп нарсаларни сўраб-суриштирган, студент унга баъзи бир китобларни берган, бироқ бу китоблар Прохорга мавҳум, зерикарли кўринган эди. Прохор амал-тақал қилиб уларни ўқиб чиққан ва қарийб ҳеч нарса эсида қолмай эгасига қайтариб берган эди.

— Салом!

Ҳамма унинг тик қоматига, ўткир кўзига, мағрур бошига кўз ташлади. Прохор уларга тамакидон тутди. Чекишди.

— Бу тўнғизни тортиб юриш жонингизга тегмадимми,— деди Прохор.— Бирор ерда гумдон қилсангиз бўлмайдами.

Ҳамма хушнуд кулди; шляпа кийган биттаси хўрсиниб қўйди:

— Очликдан шиша бошласанг, ҳар нарсага рози бўласан. Чалдонлар¹ ишга олишмайди, ўзимиз ҳам ишни ўринлатолмаймиз. Бизга тайгани текислаб шудгор қилишга йўл бўлсин.

Прохор унинг рангпар, қора соқолли юзига қуёшда пишмай, чивин чаққанидан шишиб кетган оппоқ қўлларига қаради.

— Масалан, мен бухгалтерман, дўстим эса, дорипаз,— деди нимжон, кичкина бошқаси,— манави эса, юрист, турган гап, биз деҳқонларнинг ишига ярамаймиз. Ёшингиз нечада, ўртоқ?

— Йигирмада,— деб алдади у, ҳамма ишонди. — Мен ҳам савдогарман,— деди у.— Балки шу ерга келиб ишларман... Лекин мен ишни бошқача олиб бораман.

Ҳалиги шляпа кийган одам ишончсизлик билан қўл силтади. Бироқ барибир қизиқсиниб сўради:

— Қанақа?

— Аввало, мана бу тўнғизни ва мужикларнинг ноини туя қиладиган баттолларни сувга ташлаб чўктириб юбораман... Кейин эса...

¹ Маҳаллий халқ.

Шу чоғ бута ёнида қаттиқ гавго кўтарилди:

— Ўғри!

— Ўзинг ўғри! Ўзинг!

Фарков хода ютгандек гўдайиб турар, узун қўллари салаңларди. Унинг ёнида эса бақалоқ пишиллаганча дик-дик сақрар ва унинг юзига очиқ дафтарини нуқарди:

— Мана ёзилган! Ма-на! Турмага!.. Бадарға!..

— Тупурдим ёзувингга!— деб Фарков жаҳл билан дафтарга туфлади.

Бақалоқ бир ирғишлаб Фарковнинг иягига туширди. Фарков эса жиқ этиб унинг таранг қорнига мушт урди. Бақалоқ орқасига сақради, бўйнини эгди ва муштарини тўлғаб, худди тўнғиз сингари душманига отилди. Фарков унинг семиз елкасига хамирга мушт ургандек гупиллатиб туширди. Бироқ шу аснода мушт билан берилган зарбадан қалпоқдек учиб кетди.

— А-а-а! Қалайсан, ҳаромхўр!

Ҳаммаси остин-устун, тўс-тўполон бўлиб кетди: мана, Фарковнинг оёқлари орасида арманининг боши кўринди, у хириллайди, қонга тўлган кўзларини ола-кула қилади; ана, Фарковнинг ўзи худди катта калтакесакдек ерни тимдалаб, устидан тоғдек босиб ётган бақалоқнинг тагидан чиқиш учун типирчилайди. Осмонни қум тўзони қоплаган, оёқ остида шағал ғижирлайди, ёнаётган шох-шабба ва бутоқлар худди афсонавий олов қушдек гулхандан ҳар томонга сачрайди.

— Бас қилинг!— деб қичқирди Прохор кучи борича ва уришаётганларга ташланиб, уларни ажрата бошлади.

— Тамом, — деди бақалоқ лавлагидек қизариб, ўрнидан эран-қаран тураркан. Кейин у дабдаласи чиққан кўйлагини шимининг ичига тикди. — Яна ўчакишасанми?

Фарков миқ этмай эшкакни олдию бақалоқнинг корсондек кетига қарс этказиб туширди. Худди тарсакидек шарақлаган овоз таралдию гурра кўтарилган кулги янгради. Армани зарбадан жиз этган кетини чангаллади-да, Фарковга тупурди ва команда берди:

— Ҳов, қайиққа!— кейин туширилган шамсияни силкитаркан, ёстнқ устидан ўдағайлади:— Турмага, итвачча, турмага!!! Гувоҳлар бор!

Сув вақирлаб, толиққан оёқлар тагида шалоплади, — одамлар билан кема тобора узоқлашиб, ахири ғира-шира кўм-кўк кенгликлар ичига сингиб кетди. Фақат: «Торт, торт!»— деган ҳайқириғу гармдоридек ўткир сўкиниш эшитиларди.

Прохор узоқ вақт шарпа ғойиб бўлган томонга маъюс қараб турди, кейин ўчиб қолган гулхан ёнига келди. Фарков уришганидан шикастланган кўзини иссиқ чойда ҳафсала билан ювмоқда эди.

Тўсатдан нарироқдаги бута тагида алланарса ғимирлади. Бу Иброҳим эди. У ўрнидан туриб, кунга қаради.

— Ухлаб қопмизми?

— Кимдир ухлаб қолди,— деб кулди Прохор.— Бу ерда қирғинбарот жанг бўлди-ку... Наҳотки сезмадинг!...

— Нега алдайсан,— деди черкас қовоқ-тумшуги осилиб.— Қанақа жанг?

— Рөса донг қотиб ухлабсан-да!— деб қичқирди Фарков.— Қара, оз бўлмаса кўзимни чиқарай дедилар... Расмана жанг... Оз бўлмаса сени босиб кетардик. Устингдан умбалоқ ошиб ўтдик.

— Нега алдайсан!— Иброҳим қовоғини ўйди ва жаҳл билан кўзларини ола-кула қилди.— Нима, ўликманми мен?— Унинг катта яроқ боши ялтирарди.

Прохор билаң Фарков хаҳолаб кулишди.

Иброҳим ҳиқичоғи тутиб, ҳиқиллади-да, чойшакка хомуш қўл узатди.

10

Августнинг иккинчи ярми. Шимол ёзи охирлаб қолди. Сув совиб, пўлат рангида товлана бошлади. Терак ва толларнинг барги сарғайди, улар шамолда сариқ қушлар каби қанот қоқарди. Ажиб шаффоф ҳаво манзарага аниқлик ва ёрқинлик бахш этарди. Рябина ва дўланаларнинг мевалари қўёш нурида ақиқдай товланарди. Сукунат сезгир, овозга ташна эди. Узоқда сайраган зарғалдоқнинг овози нақ Прохорнинг ёнида янграрди; чаңгалзор орасида писиб юрган тулқиннинг шарпаси қулоққа чалинарди. Бўйқушларнинг бир оҳангдаги ноласи тун қўйинини тиларди. Милтиқдан отилган ўқ момақалди роқ каби гулдурадди: узоқ вақт гувуллаб турар, тоғли қирғоқларга урилиб чилпарчин бўларди.

Саркаш дарё ҳамон ўжар, кажбаҳс эди. Унинг табиатида қандайдир ёввойилик, маккорлик бор эди. Баъзан у очик чирой билан жилмайиб, ям-яшил соҳиллар орасидан торгина, тўғри йўлка очади: «Сузаверинглар, азиз меҳмонлар, оқ йўл!»— қайиң эшаклари ялтиллаб, сержозибга олис-олисларга беҳавотир сузади. Бироқ қайилишдан ўтгач, қўққисдан ёйилиб кетади, сузиб бўлмас даражада саёз ва тезоб бўлиб қолади. Шиддатли оқим қайиқни хонларча учириб кетадию тарақлатиб саёз ерга ўтқазиб қўяди. Сув эса дарё тубидаги тошлар устидан ирғишлаб ўтар экан, худди чапдаст қиморбоз гўл қиморбозни калака қилиб кулгандек, сайёҳларни масхаралагандек бўлади. Шунда сайёҳлар сўкина-сўкина совуқ сувда кечиб юришади, чуқурлигини ўлчашади. Тошларни кўчиришади, минг машаққат билан йўл очишади.

Яна тинч, жозибали оқим, яна навбатдаги ўтиб бўлмас, саёз жой ва остона. Ҳар кун аҳвол шу. Тўсиқлар, остоналар, саёзликлар, кичик ороллар.

Вақт эса оқар сувдек ўтиб бормоқда эди. Вақтнинг елкани бақувват, йўли абадий, интиҳоси — бепоён уммон. —

Иброҳим жаҳлдан бўғриқиб кетди: у тишларини гижирлар ва сўкинарди, газабни жўш урганда бодроқ кўзларининг оқи сарғаярди. Прохор гўё ҳамма нарсага Фарков гуноҳкордек, уни қуюшқондан чиқиб сўккани сўккан эди.

— Э, бунақа дарёдан ўргилдим! Дарё бўптими шуям? Ҳаммаёғи саёз! Ғирт аҳмоқлик!.. Қанча вақт бекор кетди...

— Дарё баттол, қаҳрли... Уни худо шундай қилиб яратган,— деди Фарков хотиржам.— У худди одамнинг ўзи, қани унинг феълини тушуниб боқ. Шу вайдан: Саркаш дарё, дейлади. Айни инсон. Ҳа.

Бир куни йўлга тушишларидан олдин Фарков дарёнинг нариги томонидаги соҳилга яқин тақир тепани имлаб кўрсатди-да, деди:

— Бир қаранг-а... Биз, ҳалиги шу тепа олдидан йўлга тушамиз, кун бўйи сузамиз, омон бўлсак қоронғи тушгач, унинг бошқа ёнбошига чиқамиз.

— Нега?

— Она-дарёнинг оқиши шунақа,— деб тушунтирди Фарков шоша-пиша. — Йўлда учта катта бурилиш ясайди. Бу ерда у етмиш қақиримдан зиёдроқ илон изи бўлиб оқадди. Қуруқликдан тўғри юрилса, бир қақирим келади.

Иброҳим бошини сарак-сарак қилиб, тупурди.

Прохор нариги соҳилда қайиқдан тушиб қолди ва қайиқни жўнатиб юбориб, одам оёғи етмаган тайгадан тепа томон юрди.

Мана, у столдек текис, тақир тепада. Қандай юксаклик! Унинг кўзи ўнгида шу заҳоти чексиз-интиҳосиз кенгликлар очилди!

Субҳидам. Шарқ алвон рангга кирди, ер тубидан, тайга қаъридан қуёшнинг майин нурлари таралди. Кўкка боққан тайга рухсори тўқ яшил, тунд эди; ҳали тунги кўланкалар уни тарк этмаганди. Жимжит. Ҳаво қилт этмасди. Прохор соатининг чиқиллашини аниқ эшитиб турибди. Унинг кўнгли безовта. Пастда Иброҳим билан Фарков ёнида у кейинги пайтда қалбида ваҳима туйғуси гимирлаётганини бот-бот сеза бошлади: буни ғира-шира ноаниқ ҳис қилар, гўё аллаким тушунарсиз шивирлаб уни алланарсадан огоҳлантирар, бироқ у иш билан буни унутиб борар эди. Мана бу ерда — тақир тепада яккаю ёлғиз қолган пайтида яна ўша хира туйғу унга ҳамроҳ бўлди, қалб дарвозасини қаттиқ қоқди, юрагига қандайдир изтиробли ғашлик солди. Отасини эслади, хатарли йўлга кузатаётиб, зор-зор йиғлаб, оқ фотиҳа берган онасини ёдга олди: «Прошенька, дилбандим... Худо ўз паноҳида асрасин сени». Уша кезлари Прохор ёш, турмушнинг аччиқ-чучуғини тотмаган йигитча эди. Шу боисдан кулиб қўя қолганди. Энди у қаттиқчиликни кўрди: босиб ўтилган йўл унга ҳали яна ҳадди

ҳисобсиз қийинчиликларни рўпара қилгудек эди. Ҳадемай, кимсасиз, синалмаган дарёда Иброҳим иккови ёлғиз қолади. Ҳадемай сув узра туман сузади, ҳаш-паш дегунча, қарабсизки, қиш ҳам келиб турибди. Нима қилсин? Орқага қайтсамикин? Мана шу аснодагина онаизорининг юрак-бағри қон бўлиб, хавотир олганининг боисини аниқ, чинакамига ҳис қилди: «Прошенька... Худо ўз паноҳида асрасин сени».

Проҳор шуларни эслади, яна қайтадан ҳаёлидан ўтказди, кетма-кет хўрсинди. Наҳотки уни олдинда ҳалоқат кутаётган бўлса? Бирдан ихлос билан ибодат қилгиси келиб кетди, худога илтижо қилиб, ҳомий фаришта юборишини сўради, токи уни бахтиёр қилсин. У ишонч-ихлос билан шабнам инган ясси тош устига тиз чўкди ва юзини ерга босди. У зўр бериб пешонасини тириштирар, хўрсинар, бироқ кўзига ёш келмас, кимдир эс-ҳушини бир ерга тўплашига халақит берарди; у лаблари пичирлаётган ибодат сўзларини тузукроқ эшитмасди. «Муборак фаришта, руҳим ва танам ҳомийси...» Ҳа, ҳа... Бу ўша, ўшалар унга халал беряпти. Таня билан жодугар. Улар гуноҳкорона илжайишади ва олдиларига чақиришади... «Муборак ҳомийим, бизни афв эт, биз сўзимиз, ишимиз, ўй-фикрларимиз билан гуноҳи азимга ботганмиз...» Бироқ ибодат ёрдам бермади, кўнгли ғаш, вайрон.

Мана, кўзига ярақ этиб қуёшнинг илк нури урилди. Алдамчи шарпалар дарҳол ғойиб бўлди. Проҳор дик этиб ўрнидан турди ва чин қалбидан тантанавор ҳайқирди:

— Қуёш! Қуёш!

Қуёшнинг тароватли нурлари ёш қалбини мунаъвар этди, кўнглини босиб ётган ғашлик йўқолди.

— Салом, қуёш!— Проҳор ортиқ ҳеч нарса деёлмади, лаблари пир-пир учди. У мазкур ҳаётбахш нурларда ўзига ишончли ёрдамчи топди, қалби умид ва ишонч туйғуларига лиммо-лим тўлди.

— Сену черкас... Сиз иккингиз борсиз... Ҳеч нарсадан қўрқмайман... Қуёш!

Проҳор текис, бир маромда нафас ола бошлади, кўнгли таскин топди: у кўз ёшларини артиб қаршисида қулоч кериб ётган йироқ-йироқларга тикилди.

Гулхани ҳали гуриллаб аланга олмаган ҳароратсиз қуёш бўзранг осмонда сузар, унинг қийғоч нурлари ёнбағирлар ва тоғ чўққиларини қоплаган дов-дарахтларнинг учларида шашт-сиз таралар эди Бошини солинтириб, мудраб ётган барча нарсалар энди кўзини очди, уйғонди.

Ҳаво сесканди, сарин шабада тайга узра қуюндек елди, иғнабаргли дарахтлар ипакдек майин шитирлаб, ернинг нурафшон хоқонига қадди-бастини кўз-кўз қйлади, яна жимлик чўқади. Фақат жонсарак олмахоннинг хирқ-хирқи ва бургутнинг мағ-рур куркурлаши эшитилади. Олмагон момиқдек думини ёйиб, булоқдан-булоққа сакрайди: мана у ўзига ёнғоқли сўтани тан-

лади,— ош бўлсин!— ҳозир ейди. Бироқ бургутнинг чангали қўрқувдан гужанак бўлган жониворнинг нақ юрагига санчилди унинг кўзи мангуга юмилди.

Прохор шартта милтиқни кўтарди, қарс этиб ўқ овози янгради ва бургутнинг калласи чайир елкасидан учиб кетди. Қушлар подшоҳи жарга тошдек қулади. Жарда айиқ ўкирди, у ўқ овозидан тишларини иржайтириб, башарасини осмонга кўтарди ва буғунинг қонини туфлаб ташлади. Буғуни у ҳозиргина муздек булоқ ёнида бўғизлаган эди. Ана шундан кейин бўлди қиёмат, бўлди қиёмат... қон, дағ-дағ титрашлар, ҳаёт тантанаси учун ўлим давом эта бошлади. Ҳаётнинг темир қонуни кучга кирди.

Қуёш эса ўз йўлида собит эди... Пастда, ердаги арзимас оламда нималар, бўлаётгани билан унинг нима иши бор. У гулханини тобора кучлироқ аланга олдирадди, на адоват, на қувонч ва на қаҳру ғазаб бор эди унинг бу қилмишида.

Прохор тепани тарк этишга шошилмасди. Энди ҳаммаёқ кафтдагидек яққол кўринарди. Саркаш дарё милтилларди. Бу ердан у сокин, илон изи анҳорга ўхшаб кўринарди. «Унда қумурсқадек қорайиб кўринаётган нима бўлдийкин? Наҳотки қайиқ бўлса?»

Пастда, тепа этагидан нарироқда, ингичка кўм-кўк тутун юқорига ўрламоқда.

«А-ҳа, тунгусларнинг қароргоҳи». Қуёш нурига йўғрилган тўқ яшил сайхонликда учта кичкина-кичкина қалпоқли уч ўтов тиккайиб турарди.

Прохор папирос чекди ва тепадан туша бошлади. Бу ўрмон одамлари — тунгуслар ҳақида у Фарковдан кўп эшитган, аммо яқиндан зинҳор-базинҳор кўрмаган эди. Прохорнинг йўлида буғулар учрай бошлади. Улар бақувват, чиройли, шохлари тарвақайлаган эди. Жунлари қуёш нурида йилтилларди, қора кўзлари порларди. Баъзилари туллаган, янги жунлари чиқмаган эди, улар оқсоқланарди: оёқларида туёқларидан юқорироқдаги яралари йиринглаб кетган, уларда оппоқ қуртлар гужғон ўйнар эди.

— А-а, люча¹, кепсан-да, ўрис! Салом, бойе.

Кекса тунгус жингала пўпанакни босиб-янчиб, пилдираганча унинг ёнига келди.

— Салом!— деди у гўлдираб ва Прохорнинг қўлини олиб силтаб кўришди.— Қандоқ кеп қолдинг, бой? Савдогармисан, йўқми? Олов сув борми, йўқми? Порох, питра, қанд, чой? Борми?— Чол қийиқ кўзларини қисиб, майда ажин қоплаган кўса юзини порлатиб кулди.

Тунгус ниҳоят:

¹ Ўз тилида рус, демоқчи.

— Юр!— деб қўл силтади, шундан сўнг улар юриб кетишди.

Узун қўнжли мўйна этик кийган чол ингичка, алифдек оёқларини шахдам ташлаб борарди.

— Қайиқда қуйи томонга юрасанми, юқоригами, бойе?— деб сўради тунгус соҳилга чиқишгач.

— Крайска, мўйсафид, Крайска. Етиб оламизми?

Тунгус унга ҳанг-манг бўлиб қаради ва бош чайқади:

— Йўқ. Нобуд бўласан.

Прохор эътироз билдирди, қизишиб баҳслашди, бироқ тунгус айтганидан қайтмади.

— Фирт аҳмоқ экансан... Ҳадемай қиш... жуда олис, бойе. Узинг асра, пар-вар-ди-гор.

Қароргоҳда уч-оила истиқомат қиларди. Улкан гулхан ёниб турар, атрофида аёллар, кексалар ва ёшлар ғамирлашарди: улар пишириб-куйдиришар, қозонларда гўшт қайнатишар эди. Кир кўйлак кийган, қора, узун кокили хитойларникига ўхшаш, тарашадек қотма тунгус буғи бошидан шохларини қоқиб олмокда эди. Чеккароқда очиқ кўкраги ҳаддан ташқари ифлос семиз хотин ўтирарди. У ўткир қирғич билан ёзиб қўйилган буғу терисини қиртишлаб, теридан замша тайёрларди. Унинг ёнида пўстлоқдан тўқилган ва лой билан сувалган катта тоғора турар, одамнинг ачиган сийдиги тўлатилган бу тоғорада тери ошлашар эди. Кампир алланарса деб йўғон овозда гўлдирар ва зўриқишдан бениҳоя терларди.

— Э, бойе!.. Э!..— У русчани билмасди, бироқ Прохор у милтиқни сўраётганини фаҳмлади. Кампирнинг кўзи чақнаб кетди.

Прохорнинг ёнидан бир қарич ҳам жилмай турган кекса тунгус унга тушунтирди.

— Бу менинг хотиним... Жуда яхши отади... айиқполвонни урган... Талайгина... Узинг асра, парвардигор! Кўзи хиралашиб қолди... Аста-аста ишдан чиқди кўзи...

Кампир милтиқни қўлига олиб айлантирди, томоғини тақиллатди, нишонга тўғрилаб: «пақ-пуқ!»— деди ва боладек қувонди.

Утов ёнидаги кичикроқ гулхан устида ёш аёл куйманарди. У исиб кетганди,— қуёш беаёв қиздирмоқда эди,— аёл белигача яланғоч, фақат кўкраги мунчоқ қадалган тулки мўйнаси билан ҳошияланган чарм сийнапўш билан наридан-бери тўсилганди.

Прохор чол билан суҳбатлашиб тураркан, аёлнинг самбитдек қадди-қоматини, кўм-кўк товланаётган қоп-қора сочидан, лой ёпишган кичкина яланг оёғигача ўғринча кўздан кечирарди.

— Мени қизим у...— деди чол.— Эри ўлди. Ёлғиз қолди. Чатоқ... жуда чатоқ. Уғилча керак, туғмайди...— Чолнинг овози мунгли чиқди.— Мен бойман, буғуларим, мўйнам, у-бу дегандек нарсаларим кўп... Улсам кимга қолади? Ой, жуда ҳам ўғил бола, невара керак. Қосанг-чи, бойе, оз-моз яшагин... Қизим

қаттиқ қучоқлайди, ўзиям оловдек иссиқ, ҳе-хе-хе... Ўзинг асра, парвардигор, ҳеч нарёғи йўқ! Хунукмас-ку? А? Қол, кўнгил кўй унга. Уғил туғиб берса, кетаверасан.

Прохор хижолат чекди. Чамаси ёш жувон русчани тушунарди. У ноз-карашма билан хипча белини эгди, шунда мунчоқ қадалган сийна-пўши сал-пал кўтарилди. Жувон зимдан Прохорга жилмайди.

— Ешинг нечада? Йигирма бешдадирсан-а?— деб сўради чол.

Прохор уялиб:

— Йўқ, ўн еттига кирдим,— деди.

— Ростдан-а! Унда бўлмайди. Ўн етти, гўдак экансан! Т-фу, ишинг пачава!— деди чол пишиллаб.

Прохор қизариб кетди. Тунгуска қадини ростлади, кўзини ерга тикди, эшитилар-эшитилмас алланарса дедию хўрсиниб кўйди.

— Балки қайиқда ёши улуғроқ одам бордир? А?— деб сўради чол тилини яссилаб.

Тўрт қизалоқ Прохорни қизиқсиниб томоша қилишар, у томонга бармоқларини бигиз қилиб пичирлашар, бармоқларидаги кумуш ҳалқалар оқариб кўринар эди. Кейин бараварига кулиб юборишди, гўё бир гала наъмасоз қуш чуғурлагандек бўлди. Кейин баланд бўйли ёшгина қиз томон чопқиллаб кетишди.

— Бошқа қизим,— деди чол.— Жуда ёш... Ширин жуда. Бир қарагин-а...

Прохор шляпасини бошидан олиб, қизга таъзим қилди. Бироқ челақ кўтариб дарёга сувга кетаётган қиз унга ҳатто қиё ҳам боқмай, индамай ўтиб кетди. Унинг баланд кўтарилган магрур бошидаги оч яшил дақана қорамғиз юзидаги қизилликни бўрттириб кўрсатарди. Икки ёни ва этагида кенг қизил йўл-йўли бор тўқ сариқ кофтаси хипча белини сириб турарди: кўкрагидаги кумуш безаклар ва ингичка билагидаги билагузуклар жарангларди. Оёғига гулдор, ҳаммаёғига мунчоқ қадалган этик кийганди.

Қиз ёнбошини сал-пал ўйнатиб, илдам борар ва қуёш нурида тўқ сариқ кофтаси кўкка ўрлаётган алангага ўхшарди.

Прохорнинг юраги ҳаприқди. «Мунча гўзал!..»— дея шивирлади ва уни қувиб тутмоқчи бўлди. Чол Прохорнинг елкасига қоқди, қиқирлаб кулди ва томоғини тақиллатди:

— Маза! Уйлан!.. Қол, тайга кезасан, айиқполвон овлайсан, олмахон отасан... А? Ҳаммасини сенга бераман, барча буғуларни ол!

— Икки йилдан кейин келиб, уйланаман,— деди Прохор кулиб.

Чол умидсизланиб, ҳуштак чалди.

— Ҳозир уйлан! Гапингни қара-ю...— Унинг овози жиддийлашди.— Икки йилда жойимизни йигирма марта ўзгартира-

миз, тополмайсан... Мен бир жойда ўтиришни ёмон кўраман, тайгани кезганман, ҳаммаёқни кўрганман... Уйлаб кўр... Қиз айна етилган!.. О-о, қандай қиз-а! Там-там. — Чол томоғини тақиллатиб, ютинди, кейин Прохорни тайгага судради. — Юр, буғуларни бориб кўрамиз, хўжалик... Уйлан, бойе, уйлан... Яхши маслаҳат беряпман, хўп, де!

Шундай деб қичқирди:

— Ҳей хотинлар!.. Чаққон овқат тайёрланглар! Меҳмонни сийлаш керак... Тез бўлинглар!..

Осуда тун, юлдуз тўла осмон. Прохор соҳилда гулхан ёнида кечикиб қолган қайиқни кутиб ётибди. У бекорчиликдан дафтарига қайд қилинган ёзувларни кўздан кечира бошлади. Кекса тунгус унга анча-мунча қизиқ маълумотларни гапириб берди. Эндиликда у тунгуслар қаерга кўчишини, қишда улар мўл-кўл ҳайвон териларни талончи рус савдогарларининг арзимаган садақаларига айирбошлаш учун қаёққа боришларини биларди. Прохор бу ерга келади ва ҳамма ишни бошқача ташкил этади: токи меҳмондўст, хуштакаллуф бу одамлар яйраб нафас олишсин. Буни қарангки, эрталаб у чиққан тепа бағрида мис бор экан. Мана, теланинг ўпирилган сертош еридан чол топган бир парча маъдан қўлида турибди. Чол тилла тўғрисида ҳам гап очди, тунгуслар тилла қаердалигини билишаркану, лекин буни ҳеч кимга айтишмасакан, чунки руслар келиб, бизларнинг қабилааримизни тайгадан сиқиб чиқаришади, деб ўйлашаркан. Йўқ, яхшиси, ер қаърида ётаверсин!

Албатта, Прохор бу ерда ишлайди, кенг йўллар қуради, ёввойи бу ўлкани яшнатади, далаларни бўлиб чиқади, энг муҳими, шу қўллари билан дарёнинг гирибнидан шартта олади-да, баҳайбат бўғма илоннинг халқаларини ёзгандек, алифдек тўғрилайди. Ҳеч шубҳасиз, албатта шундай қилади. Прохор Громов ўз ҳаётини энди бошляпти. О, қараб туринг ҳали!

Йигитчанинг чеҳраси шу аснода қаҳрли кўриниб кетди, қаншарига чуқур ажинлар тушди ва лабларининг бурчидан кексаларникидақа тарам-тарам ажин таралди.

Барибир қанчалар гўзал-а, бу қиз! Тўсатдан унга уйланса-я... Онаси, ҳойнаҳой рози бўларди, отаси-чи... ҳар қалай, уйга қайтгач, маслаҳатлашади. Тоza қизиқ экан-ку, бу тунгус чол. Ажойиб чол, танти. Спирт топиб ичди-да, маст бўлди, тайгада қол, қизимга уйлан, деб Прохорга роса ёлворди. Қизини кўкларга кўтариб мақтади, ичиб олгач эса, қизига қип-яланғоч бўл, ечин, деб қатгий буюрди; бойе кўрсин, ҳечқиси йўқ, молнинг қандайлигини рўйирост кўрсатиш керак, деди. Майли. Чол қизга ўдағайлаб, қўлларини силкита бошлагач, қиз хахологанча ўтовдан қочиб чиқди ва қайта кўринмади. Кампир эса унинг пешонасига хамир ўқи қошиқ билан қарсиллатиб туширди, — чол обидийда қилди, гулхан ёнига ётди-да, ғужанак бўлиб, шу заҳоти ухлаб қолди.

Прохорнинг юзи яна ёшларникидек тароват касб этди. У кўзини юмганча ётар, лабида кулги жилва қилар эди. Хаёл оти эса ҳеч жиловини бермай уни олис-олисларга олиб кетарди.

Сукунат. Эшаклар шалоплайди. «Қайиқ шекилли». Йўқ, қамиш шовуллаяпти. Йўқ, қундуз мудраётган қуш ёнига писиб бормоқда.

— Бойе... Кўзингни оч, бойе...

Прохор кўзини очди. Бир қиз устига энгашиб турарди. Гунчадек лаблари жилмаяр, чиройли кўзлари жиққа ёшга тўла эди.

— Бундан чиқди, кетишга жазм қипсан-да, бу ерни тарк этмоқчимисан?

— Ҳа, кетишга жазм қилдим,— деди Прохор, бироқ қизга юраги ачиди. — Балки қоларман. Юр биз билан, қайиқда айланиб келамиз.

— Йўқ, тўғри келмайди... Мен тайгада ётаман. Мени қўриқлашади.

— Ётаман деганинг нимаси? Қим сени қўриқлайди?

— Шайтонлар,— деди қиз ва ўкинч билан кулди.— Тагин отам қўриқлайди.— У русчани жуда яхши гапирар, овози ҳам майин, ёқимли эди.

Прохор ўрнидан туришга эринди. У қизнинг кичкина қўлини олди-да, силади.

— Исминг нима?

— Синильга. Мен туғилганимда отам ўтовдан чиққанида қорга қўзи тушибди. Шунинг учун исмимни Синильга, яъни Қор деб қўйишибди... Тунгусларда одат шунақа...

Осмонда юлдуз сероб, аммо қизнинг кийимидаги мунчоқлар юлдузлардан ҳам кўп эди. Прохор меҳр билан қизнинг чарм сийнапўшини сийпади. Қизнинг кўкраги ларзон урди. Қиз сийнапўшини суриб қўйди-да, йигитчанинг қўлини қалқиб турган кўкрагига босди.

— Эшит, қушча қандай патирлаяпти, тук-тук! — У жуда яқиндан йигитчанинг кўзларига боқди. Унинг лабини топиб, ўпди. — Бойе, жонгинам, — унинг овозида ўпкали, интизорли, илтижолу нола бор эди.

Гўё қоп-қора адирдан изғирин эсгандек Прохор совқотди.

— Ҳозир ёнингга ётаман... Қучоқла... Қаттиқроқ, бойе, қаттиқроқ!... Исит мени... Сенсиз юрагим совиб қолади, қоним тўхтайдди, кўзим музга айланади. Икки бетимдаги наъматакдек қирмизи рангни шамол юлқиб кетмайди, кўзларимдаги ёлқинни тун сўндирмайди. Сен, бойе, сен! Наҳотки менга раҳминг келмайди?

Шу чоқ Прохор жар ёқасидаги тошда, нақ сув тепасида ўтирган ёш тунгус беваини кўриб қолди. Гиряи фарёддан унинг кўкраги титрар, тўзиб кетган қон-қора сочлари кўзига тушган эди. Бирдан Прохорнинг қизга озор бергиси келиб кетдию зарда билан деди:

— Йўқ, Синильга, сенга раҳмим келмайди. Ҳув анавига раҳмим келади...

Синильга миқ этмай ўрнидан турди ва югурганча бориб бевани сувга итариб юборди, ўзи эса муз билан ях бўлиб келди.

— Наҳотки болдек олхўри ачиган сутдан ёмон? Ўргилдим-е, сендан! — деди Синильга ва унинг ёнига, олтиндек қумга ётди. — Бундан чиқди, севмас экансан-да?

— Мен бошқани севаман, — деб шивирлади Прохор Синильганинг жазб этаётган чеҳрасидан кўзини узолмай. — Сен гўзалсан, лекин у сендан минг чандон яхши.

— Аҳ, бойе! — деб хўрсинди қиз ва қош-қовоғи осилиб кетди. — Бу ерда қол, қол! Сени кўп нарсаларга ўргатаман. Қўрқинчли ва даҳшатли эртақларни ёқтирасанми? Мен эртақман. Ҳазин, мунгли кўшиқларни яхши кўрасанми? Мен — кўшиқман, юрагим эса сеҳрли чилдирма. Ўримдан тураману: чилдирмани чертиб, сени ўрмон узра йўл тушмаган далалардан, ўрмондан, қордан, баланд қор тепаларидан, қаҳратон совуқдан олиб ўтиб, оё атрофидан айлантираман. Ха-ха-ха!.. Вой, дилгирман, нафасим қисяпти!

Шундай деб йиғлади ва устидан кийимларини ечиб ташлашга уринди, бироқ эплолмади, кийимлари унинг танасига худди совуқ темирдек ёпишиб қолган эди. Синильга узоқ йиғлади, азбаройи юраги сиқилганидан қўлларини қайирди. Ниҳоят унинг йиғиси бошқа бировнинг йиғисига қўшилиб кетди. Тун яримда йолдузлар шуъласида оппоқ тош устига чиқиб олган бева кўзга чалинар, унинг нариги қирғоқда фарёд уриб йиғлагани эшитилар эди.

Прохор ҳамон ўрнидан туришга эринади: у яккаш қулоқ солар, ҳеч нарса уни таяжжубга солмас эди.

— Ишонма бевага! У муғамбир, бошидан кечирмаган нарсага куйиб йиғлаяпти, йўқотмаган нарсасини излаяпти.

Синильга тобора унга яқинлашар, у ўзини ундан тортарди.

— Худди қордек совуқсан-а, Синильга.

— Қорман-да, ахир чиндан ҳам.

— Синильга. Борди-ю, сен ўша бўлганингда сени севган бўлардим.

— Бойе! Мен ўшаман, ўша эса мен.. Танимадингми ҳали?

— Мен уни ҳеч маҳал кўрмаганман. У тўғрисида эртақ эшитганман, холос... У ўзи ўлган... Лекин мен унга жон киргизаман.

— Нима, мен ўлик эмасманми? Сенингча, мен тирикманми? Бойе? Мени ўп ёндир, ёндир. Мени қалбиман гулханига от, иссиқ қонингда фарқ қил, ўшанда мен тириламан. Оҳ, ёлғиз ўзим тобутда ётишим нақадар оғир, сову-у-уқ...

Прохор даҳшатга тушди. У гулханга яқинроқ сурилди, нигоҳини сира Синильгадан ололмасди: бағоят чиройли эди у.

— Бундан чиқди, сен жодугар экансан-да? Анави-чи, ҳалиги...

— Худди ўзи.

Унинг белидан бир парча муз думалаб ўтгандек бўлди. Дағдағ қалтираб, қичқирди:

— Алдаяпсан!!!

— Прохор Громов! — деди Синильга шахдам, бурро қилиб.

— Қаердан мени биласан? Қимсан? — йигитча аъзойи бадани музлаб, ирғиб ўрнидан турди.

Уша сокин тун, осмон тўла юлдуз. Прохор чўқинди, уф тортди. У бир кўнгли бу даҳшатли тушини шу заҳотнёқ дафтарга туширмоқчи бўлди-ю, бироқ эртасига қолдирди: боши ғовлаб кетган, толиққан кўзлари юмilib кетмоқда эди. Гулханны ўт олдирди-да, тарракдек қотиб ухлади.

— Тур, қанақаси, бу... Ҳей, Прощка!

Қайиқ кескин бурилиб сувнинг чуқур жойи томон сузди. Қуёш нури Прохорнинг юзига урилди. У ўрнидан турди.

— Муича расво бўлмаса! — чол қўйиб берган, сув аралаштирилган спиртдан Прохорнинг боши ганг, оғзи тахир эди.

Соҳилда бир тўн эркагу аёл тунгуслар туришарди. Улар қайиқни томоша қилгани ва сайёҳларга оқ йўл тилагани келишган эди бу ерга.

Прохор чолнинг ёнига бориб, ундан сўради:

— Синильга қани?

— Қанақа Синильга? Бунақаси йўқ... Балки қизимни айтаётгандирсан? Утовда ўтирибди, тоби йўқ.

Прохор чолга ҳанг-манг бўлиб қаради ва ҳеч нарсага тушумай пешонасини ишқалади.

«Бевадан сўрасаммикин, балки кечаси олдимга ўша келгандир? Балки унинг исми Синильгадир?»

Бироқ Иброҳим қайиқдан яна чақирди:

— Прощка, кетдик!

11

Сайёҳлар августининг нақ охиридагина минг-минг машаққат ва қаттиқчиликларни бошларидан кечириб, дарё билан беомон слиша-олиша ниҳоят аҳоли яшайдиган сўнги манзил — Ербохомохляга етиб келишди.

— Сиз билан ажралиш оғир... Жуда оғир! — деди Фарков сидқидилдан. — Сизларга ёмон ўрганиб қолувдим... Худо ҳаққи!

Прохор билан Иброҳим, бизни ташлаб кетма, деб қанча ёлворишмасин, Фарков кўнмади.

— У ёқда ўғлим, рўзғор... Уларни қандай ташлаб қўяман? Йўлимни бериб, яхши сузсам, пасхага довур уйга қайтаман... Орқага ахир бир неча минг чақирим йўл босишим керак. Хот-

ним, сувга чўкиб кетган, деб ўйлайди. Иложим йўқ, биродарлар.

Фарков аввал Иброҳим билан хайрлашди, кейин Прохорнинг олдига келди ва худди ўғлидек уни бағрига босди.

— Хўп, Прохор Петрович, хайр, жигар!.. Сендан кўпдан-кўп миннатдорман... Хўш, бир йилдан кейин сени кутамиз. Шунақа... — у Прохорни бир чеккага олиб чиқди. — Буёққа юр, йигит, икки оғиз гапим бор.— У Прохорни уй ёнидаги супачага ўтказди-да, юракдан чиқариб оҳиста сўзлади. — Гап бундай, Прошенька. Сен яхшилаб танангга ўйла, сузиш керакмикин? Кўзингни оч, қиш кеп қолди. Дабдурустдан музлаб қолсаларинг-а? Ахир йўлнинг буёғида тирик жон учрамайди.

— Мен сузишга жазм қилдим.

— Эҳтиёт бўл. Шу ерлик мужиклардан, кексалардан сўраб кўр. Битта-яримтаси билар балким. Хўп, ишинг ўнгидан келсин... Яна нима демоқчийдим... — У Прохорнинг елкасига қўлини қўйди-да, аранг эшитиладиган қилиб шивирлади: — Тунгус аёли, жодугар-чи, анов ўлган... Унинг исми чинданам Синильга эди. Эсладим, худо ҳаққи... Худди шундай, Синильга.

Прохор юраги пўкиллаб унга савол назари билан қаради:

— Нима бўпти?

— Рўйхуш берма унга. Худо кўрсатмасин, ёпишиб олса, ақлдан озасан. Бунақалар тунлари қон сўрармиш. Мабодо сени чақирса, сен калима келтир. Ҳар хил алмойи-алжойи воқеалар бўлган.

Прохор ўзини босиб олдию нафрат билан истехзо қилди:

— Қаёқдаги бемаъни гапни гапиряпсан!

Фарков от сотиб олди-да, ўша кунидек унга миниб жўнаб кетди.

Прохор билан Иброҳим ёлғиз қолишди.

Ербохомохла — мўъжаз, ғарибгина қишлоқ. Унда ёғоч черков бор, қўнғироғи қачонлардан бери чалинмайди: бешинчи йилдирки, донмий кашиши йўқ, йилига фақат бир марта ҳазрат қадам ранжида қилиб, қабристонда барчани баб-баравар дуо қилади, ўлганларнинг руҳига фотиҳа ўқийди. Болаларни чўқинтиради, шундан сўнг тўй шодиёналари бошланиб кетади; ҳазрат текинтомоқ танин тоза қилади нақлига амал қилиб сийди-ичади ва ароқдан юз-кўзи шишиб уйига жўнайди. Халқ қалбидан истехзо, шаккоклик ва надомат ҳисси қолади: диндорлар диндан қайтишади, тил учида худо-олло деб юрганлар эса қўлларини ювиб қўлтиқларига уришади: «Алдов, фирибгарлик».

Ербохомохла аҳолиси қадимдан шу ерда яшаб келади. Уларнинг ота-боболари Ювош Алексей подшо замонидаёқ бу ерга Русдан кўчиб келишган, бир қисми крепостной ҳуқуқдан, солдатликдан қочиб келган, жанг қилиб, Сибирь ерларини қўлга

киритган казаклар ҳам ўрнашиб қолган. Энди аҳолининг нақ ярми ҳайвон овлаш билан шуғулланар, бир қисми алмасоқдан қолган усулда ерни чўқилаб алламбало экар, қаҳри қаттиқ, маккор табиатга қул бўлиб қолган эдилар. Яна аксарияти ғирт товламачи. Улар қўшнилари, бир-бирларини, оталарини, ака-укаларини, хуллас, дуч келган одамни, кўпинча ҳар йили қишки Никола авлиё кунн тайганинг бой неъматларини ярмаркага олиб келган ожиз ва соддадил тунгусларни алдашади. Бу ярмаркага бир ярим минг чақирим наридаги шаҳарчадан саховатли савдогарлар келишади. Ҳатто подшолик кўзи — жаноб стан пристави билан урядник, гоҳо диний эҳтиёжларни қондириш учун пешво келарди.

Аслида бу ярмарка эмас, куппа-кундуз кунн бўладиган ўғнолик, босқинчилик, фоҳишабозлик ва ичкиликбозлик эди. Бу ердан қарийб ҳеч ким қалби ва танаси пок ҳолда кетмасди. Уришиб майиб бўлганлар, юлдуз кўрмай жон берганлар ёки қаҳратон совуқда тарашадек қотиб қолганлар ҳам бўларди: олибсотар тунгуснинг бор буд-шудини шилиб оларди-да, йўлга олов сув — ароқ берарди. Тунгус музлаб ўларди, қор ёғарди-ю излар босилиб кетарди. Ғам-ғуссадан ақлдан озганлар ва бир умрга ногирон бўлиб қолганлар, ёмон касалга ёхуд шунга ўхшаш бирон-бир дарди бедавога гирифтор бўлганлар ҳам учрарди. Ҳар бир одам бу ердан тайгага рус тартибларига, тақдирга лаънатлар ўқиб қайтарди, эҳ, туғилиб нима қилардик, ота-онамизга минг лаънат, деб ҳаётга ҳам лаънат ўқирди.

Бошлиқлар эса, хўжакўрсинга ўзларини ишчан кўрсатардилар, бақирардилар, сўкинардилар, протоколлар ёзардилар, савдогарларни қамоққа тикаман, деб кўрқитардилар. Улар қип-қизил масхарабоз эдилар. «Миннатдорчилик» тарзида қўлга киририлган мўйналарни халталарига жойлаб, уйларига шод-хуррам қайтардилар.

Буларни ва кўпгина нарсаларни Прохор ипидан-игнасигача кексалардан библи олди, унинг дафтари тўлгандан-тўлиб борар, у эса янги варақлар тикар эди.

У мўътабар қариялар — ака-ука Сунгаловларникига кирди. Қариялардан каттаси нуронийликда қиёси йўқ мўйсафид Никита бир юз олти ёшга кирган бўлса-да, ақли хуши жойида эди.

У Прохорга бундай деди:

— Сузавер. Бахтинг ёр бўлса, эсон-омон манзилга етасан. Йўқса, иложинг қанча, кўлмакда ҳам чўкиб ўлиш мумкин, бўтам. Пешонангга ёзгани бўлади.

Никита ёшлик даврини эслаб, Спирька деб атайдиган тўқсон ёшли укаси эса Прохорни огоҳлантирди:

— Ҳадемай қиш келади, гупиллаб қор ташлайди. Ана-мана дегунча совуқ тушади. Бу ерни шимол деб қўйибдилар, совуғи қаттиқ... Йигитча, сен ўйнашма!

— Дарёнинг тез оқадиган ерида қайиқни нақ учириб кета-

ди! — деб эътироз билдирди Никита букчайган белини ростлар экан.

— Қанақасига тез оқсин, ака? Узаннинг ўзи-ку баҳарнов-а, аммо ёйилиб оқадиған ерида-чи?

— Учириб кетади-и-и, — деб ўз сўзида туриб олди Никита. — Сен, Спирька, қўрқоқ бўлиб қолибсан.

Прохор сўради:

— Дарёнинг мансабига неча чақирим?

— Бир ярим минг.

— Остонадан ҳазир бўл, йигитча... — деди тўқсон яшар Спирька. — Остона шафқатсиз, қайғинини тошга уриб чилпарчин қилади.

— Дарё дарёлигини қилади, сен хушёр бўл, ғафлатда қолма! Нимаки бўлса худонинг иродаси билан бўлади. — Никита бобо шундай деб қарилликдан оқ бўлиб қолган кўзларини Прохорга тикди.

Иброҳим эса бу орада уйма-уй юриб йўлбошловчи қидирди. Бироқ биронта одам сузишга кўнмади.

— Зарур кептими? Улимга тик боргандан, уйда тинчгина кўйилиб ўтирган яхши эмасми?

Иброҳим юз сўм, икки юз сўм бераман, деди, бироқ ҳамма бараварига:

— Йўқ! — деб ўз айтганида туриб олди.

Иброҳим қаттиқ хафа бўлди: на ўзи, на Прохор дарё ишларидан хабардор эди.

Улар земство биносида тунашди, қайиқни эса бир стакан ароққа ичкиликбоз бир мужик қўриқлайдиган бўлди. Ҳовли куз кунларидагидек совуқ, шамол трубада гувиллайди, дераза ойналари эса шарақлаб қайнаётган самовар бугидан терчираган. Сайёҳлар совуқдан йанада, иссиққина кулбада маза қилишарди.

— Балки бу сўнгги кечамиздир, — деди Прохор маъюс.

Иброҳим чурқ этмай, ўйчан чой ичарди ва терлаган ярғоқ бошини кир-чир латта билан артарди.

— Ишқилиб, тобинг қочиб қолмадимиз, Прощка!

— Йўқ, — деди Прохор. — Нега энди?

У уйини, ота-онасини эслади. Опасига эркалик қилгисей келди, онаси уни жонидан ортиқ яхши кўради, авайлаб-асрайди, малина муроббоси билан сийлайди... Серолхўри пирогдан лўнда бир бўлагини жон-жон деб еган, маймунжийда киселидан нақ уч талинка ичган бўларди. Қотган нон, балиқ, буғу гўшти меъдасига зигирёгдек урди, зеро ҳар кун ейдиган овқати нуқул шулар. Э, садқан сар деб ҳаммасидан кечгани тузукмикин? Йўқ, ҳамонки шу ишга бел боғладингми, қайтма! Ахир ҳар нима бўлганда ҳам у тунгуслар қимматбаҳо мўйна билан дарёнинг қайси ерига чиқишади, рус савдогарлари қаерда писиб ётишади, шуларни аниқлаши керак. Отасининг амри шу.

Шамол эски ромларга урилади, пала-партини замаска сурилган ойналар дириллайди ва ўлаётган чивинлардек чийиллайди.

— Хўш, Иброҳим, сен нимани ўйлаяпсан?

— Ҳеч нарсами.

Ҳақиқатда эса Иброҳимнинг ўй-хаёллари нохуш. Унинг қалбини шубҳа ҳислари чулғаб олган. «Қаёққа сузади, нима учун? Ахир олдинда одам яшайдиган биронта маскан йўқ, ҳаммаёқ ҳувиллаб ётади, қушлар учрайди, холос. Прохор уёқда кимдан гап сўрайди? Отаси ота эмас, шайтон! Нима учун ўглини муқаррар ўлимга юборди?»

Чироқ хира ёниб турибди. Печка устида семиз мушук ўтирибди: бекорчиликдан у ювинади ва кузги япроқлардек сариқ кўзлари билан ноганиш кишиларни кўздан кечиради. Хонага гандираклаганча оёқ яланг мужик — уй эгаси кирди. Башараси қоп-қора, сочлари тўзғиган, худди ҳозиргина биров билан муштлашгандек. Кекирди, белини қашиди, кейин ерга ўтирди-да, алланарса деди. Гуё оғзи бўтқага тўладек чайналиб гапирарди, сўзни ҳам ғалати ифода этарди: сариқни шарик, самоварни — шамовар, дерди. Айиқлар, уларнинг одати, овчилар уларни қандай қилиб уяларига қамаб олишлари ҳақида аччиқ ичакдек чўзиб, пиғиллаб ҳикоя қиларди. Овчилар кичикроқ арча дарахтини кесишади-да, айиқ уясининг оғзига тиқишади, айиқ арчани ўзига тортиб олади, яна тиқишади, у яна тортиб олади.

— Тортиб олавурди, тортиб олавурди.

— Тур, жўпа! — Иброҳим зардаси қайнаб қичқирди.

Мужик икки қўли билан тўзғиган сочини жон ҳолатда қашиди, чайқалиб кетди, ўрнидан турди ва қаттиқ кекириб, чиқиб кетди.

Ётишаётганда Прохор бундай деди:

— Қел, Иброҳим, шартлашамиз! Агар эрталаб қуёш чиқса йўлга тушамиз. Чиқмаса, орқага қайтамиз.

Иброҳим рози бўлди, лекин маслаҳат солди:

— Орқага қайтадиган бўлсак, қишни кутиш керак.

Прохор Иброҳим икковлари тузоққа тушиб қолганларини билишарди, орқага қайтишадиган бўлса, сув йўлидан бошқа йўл йўқ, соҳилдан эса ҳатто отда ҳам ўтиб бўлмайди. Саркаш дарёнинг сон-саноқсиз ирмоқларида паром йўқ, дарвоқе, аҳоли муҳтож ҳам эмас бунга. Шундай бўлгач, қаёққаям борншади ва нимаям кўришади? Улар учун ёруғ дунё — ўзларининг қишлоқларини ўтлаб бўлмас тайга ва ботқоқ. Чор атроф кўз илгамас кенгликлару, лекин дориламон юришга жой йўқ, оёқ ерга чуқур томир отган, қалб жўшишдан маҳрум.

«Одамлар ажабтовур яшашади, тошма-ей, қандайдир, тўнкалар...» — деб хаёл сурарди Прохор уйқуга кетаётиб. Унинг ёш қалби яшаш, кўриш иштиёқи билан ёнади. У Россияни бошдан-оёқ энга ва бўйга кезиб чиқиши зарур... Балки бутун дунёни кезиб чиқар... Бироқ қачон? У сабза ураётган мўйловини сийпади. «Қим билсин, энди ўн етти ёшга кирдим... Гўдак!»

Бироқ орзулар унинг ёшлигини ниобатга олмайди, уни сеҳр-ли йўлларга чорлайди, оёғи тагига гуллардан пойандоз тўшайди: гоҳ у ўз автомобилида Америкага елдек учади, гоҳ улкан пароходни бошқаради, кит ва тюленлар отади — ёпирай, манави мўъжизани қаранг! — У Дон Кихот, Иброҳим Санчо Панса эмаш. Иккови совут кийиб олиб шайтонлар, иблислар, тайгаларга барча инс-жинслар билан шафқатсиз жанг қилишаётганмиш, кейин гўзал Синильгани охират уйқусидан халос қилиб, тирик, қувноқ, дуру марваридлар билан безанган Синильгани ўзларининг биллур қасрларига олиб кетишганмиш. Хўш, ундан кейин-чи, кейин? Кейин нима бўлди?.. Ётоқхона. Ётоқхонанинг гулқоғозлари қизил. Йигирманчи чироқнинг шишаси ҳам қизил. Синильга ҳам лолақизгалдоқ сингари қип-қизил. Икки кишилик кенг каравотга ҳам қизил духоба кўрпа солинган. Устмуст қўйилган духоба ёстиқлар ҳам, аёл ҳам қизил... Прохор бўғилади. Ўтдек ёнади. Томирларида кўпирган қизил қон қалбини қизил аланга янглиғ ёлқинлантиради. Қалби ёниб, лахча чўғ бўлган. Прохор Синильганинг кийимларини юлқиб ечишга ёшиқади, тезроқ, тезроқ! Кейин нима бўлади? Тўй. Базми жаминид. Меҳмонлар: «Горько, горько!» — деб қичқиришади. Икки ёш бир-бирдан бўса олишини кутишади. Мана, улар шарафига тўп гумбурлайди, барабанлар бада-банг садо тартади.

Прохор уйғонди ва қаердалигини билмай талмовсиради. Ҳаво дим, қоронғи, қўланса ҳид анқирди. Оёғи учиди унга термилганча мушук ўтирарди: унинг кўзлари ёнарди. Иброҳим қандайдир аламзадалик билан уйни бошига кўтариб хуррак отарди.

Прохорнинг уйқуси тарқалмаган, уйқу ёш вужудини қамраб олган Синильга шундоққина ёнида, ярим очиқ лаблари бўсага мунтазир.

— Ҳей, туринглар, шамовар қайнади. Чой шовиб қолади. Сайёҳлар сапчиб ўринларидан туришди.

— Қуёш! — деб қичқирди Прохор — Қара, Иброҳим!.. Демак, йўлга чиқамиз.

— Сен ҳақсан, — деди черкас маъюс.

— Дарё нишабликка кетади энди, маза, — деди айиқдек сержун, соч-соқоли ўсиб кетган ўрмончи мезбон, — буёғига энди шузаверашан, шузаверашан.

Сайёҳлар апил-тапил чой ичишди-да, шошилиб қайиқ ёнига кетишди. Ҳаво очиқ, тинч эди. Черковнинг крести олтиндек товланарди. Қизил ва оқ икки хўроз уришарди, уларнинг бағбақасию тожи чўқиланган, қон томчилари қуёш нурида ёқутдек чақнарди. Бир чўчқа маромида ҳуриллаганча, кўчани намоийшкорона кесиб ўтмоқда, ҳаммаёғига балчиқ ёпишганидан бадани худди мой сурилгандек ялтиллайди. Рўпарадан бир хотин сувга келяпти. Тунука пақирлари шишадан ясалгандек йилтирайди.

— Қайт, йигит, қайт! — деб қичқирди сайёҳларни кузатиб келаётган мезбон. — Тор кўчага бурилишлар!

— Нимага?— деб сўради Прохор ҳайрон бўлиб.

— Хотин киши учраса, йўл унмайди.

Сайёҳлар мезбонга итоат этишди: майли, ишқилиб йўллари бехатар бўлса бас. Мезбон уларга дунёда хотин зотидан ёвуз кимса йўқ, деб тушунтирди. Уни тайгага овга кетаётиб учратсанг борми, тамом, овнинг бароридан келмайди, икки қўлингни бурнишга тиқиб қуруқ қайтасан. Лекин хотин зоти ёрдам бериши ҳам мумкин. Бордию у эшик олдида чатаноғини кериб турсау сен милтиғнинг билан унинг чотидан эмаклаб ўтсанг, овнинг бароридан келади. Агар итингни ҳам шу тахлит ўтказсанг, нур устига аъло нур бўлади.

Мезбон кулмоқчи бўлди, лекин буннинг ўрнига чўлтоқ супургидек гадир-будур, совуқ башарасини қийшайтирди ва акса урди.

Қайиқ ёнида ўнтача эрмакталаб одам йиғилиб турарди. Пўстин, пийма ва қулоқчин кийиб олган ичкиликбоз қоровул сабр-тоқат қилиб терга ботиб ўтирар, сариқ соқоли офтобда гўё алангаланаётгандек кўринар эди.

Қайиқ шитоб билан оқим томон сузди, эшаклар ғижирлади, тинчи бузилган сув гўё жаҳли чиққандек қулдиради.

— Ҳўш, Прошка... қаёққа борамиз? Биласанми ўзинг?

— Йўқ.

— Мен ҳам билмайман. Жуда зўр-ку!

Дарё бу ерда чуқур, кенг, қишлоқдан чиқишгач, оқим уларни суриб кетди, олдинга ҳеч қандай тўсқинликка учрамай елдек учиб боришар, қуёш эса илиққина нур сочиб уларга оқ йўл тилар эди. Орадан кўп ўтмай Прохорнинг чиройи очилди, кўзлари ишонч ва қатъиятдан чақнай бошлади, гарчи охири нима билан тугаши ҳали ноаниқ бўлса-да, у — сафарнинг бехатар, бахтли тугашига имон келтирди. Ҳовлиқма қўшчи ҳам ерга дон сочаётиб, янги ёпилган иссиққина ноннинг иштаҳани қитиқловчи бўйини туяди, лабини ялайди. Кавшанади, тупугини ютади, бироқ табиат унинг жўякларига офат ёғдиради у қиши билан тишининг кирини сўриб чиқади.

— Яхши, Прошка. Ёпирай, роса учираяпти-ку!

Прохор Иброҳимнинг башарасига қараб, черкас дилидагини тилига чиқармаётганини пайқади, индамай қўя қолди.

Сув устида буг айланарди: қуёш тонгданоқ сувни сипқараётган эди. Пешинга бориб офтоб худди ёз кунларидагидек қиздира бошлади. Чамаси у кунлар саногидан адашиб кетган, фаслларни бир сония ўз ўрнига қайтарган, сузаётган икки кишини деб омонат ер куррасини худди қисқичбақа сингари орқага думалатган эди.

Макру ҳийлага тўла бу шафқатсизликни Иброҳим жуда яхши тушунарди.

— Эсингдами, Прошка, Фарков`катта пашша билан... оти нимаёйди? Сўнами? Анави-чи... товоибалиқ тутган эди-ку? Ўша. Ҳўш, биласанми, товоибалиқ ким?

-- Билмайман.

— Биз. Сену мен.

— Сўна-чи?

— Ростданам билмайсанми? — Иброҳимнинг лаблари бурчи юқори кўтарилди.— Ана!— у эшкак билан қуёш томон ишора қилди.

Проҳор ҳеч нарсага тушунмай кўзларини пирпиратди.

— Эшак!— деди зардаси қайнаб Иброҳим ва тўсатдан чинқирди юборди:— Тош-тош, тош!

Қайиқ сув устидаги тўлқин мавжланаётган харсангтошга урилди. Бир томонга шох ташлади, ёни бир оз шилиниб яна сузиб кетди.

— Уннга бур, нега анқаяпсан!— деб қичқирди Проҳор.

Бироқ буёғига энди дарё ёйилиб оқа бошлади. Қайиқнинг сузиши суस्ताшди.

— Ким у?! Ҳей, Прошка? —қайиқ қуйруғида черкас ғимирлаб узоқ соҳилни имлаб кўрсатди.

Соҳилдан оппоқ бир чавандоз уларни қувиб келмоқда эди. У қўлларини силкитиб, алланарса деб қичқирарди. Проҳор эшкакни қўйди.

— Тўхта, тўхта! Барака топ, тўхта-а-а...— деган овоз элас-элас уларнинг қулоғига чалинарди.

-- Соҳилга ҳайда, — деди Проҳор. — Бирор нарсани унутиб қолдиргандирмиз балки.— У чўнтагини пайпаслади: ҳамёни, дафтари ёнида.

Проҳор оқ чавандоз ёши юздан ўтган Никита Сунгалов эканини билди. Мўйсафид қора терга ботган отдан бир амаллаб сирғалиб тушди-да, ерга юзтубан йиқилди:

— Вой, кўзим қамашиб кетди.

Оқ иштони ва кўйлаги жиққа ҳўл бўлиб баданига ёпишиб қолган чол гўё иссиқ ҳаммомдан чиққандек юзи бўғриқиб кетган эди: у тамшанар, кўзлари ола-кула эди. Проҳор сандиқдан спирт олгунча чол ўрнидан турди. Бир қултум спирт уни тетик қилиб юборди.

— Чироғим, барака топ!— деди чол Проҳорга ва қўйнидан чарм халтача олди.— Эсимам кирарли-чиқарли бўп қолти, ўзинг асра, танграм! Ахир сен монастырь ёнидан ўтасан-ку... Шунақа... Хўп, мана сенга бўтам, ўн сўм. Уша ерда роҳибларга ибодат буюр. Миткани ёлга олишсин. Мени Микита, дейишади. Отамнинг исмини айтмай қўя қол. Микита кимлигини биби Марьям билади. Дарвоқе, худонинг бандаси кекса Микита Сунгалов, казаклар зотидан, деб икки энли хат ёзиб бер. Ҳар қалай шуниси маъқул... Йўқса, Оськино қишлоғида яқинда Микита деган қазо қилди, менга ўхшаган қари тўнка.

Сайёҳлар чолга ихлос ва ҳайрат билан боқдилар.

— Бува, сен ҳали тириксан-уу!— деб хитоб қилди Проҳор жилмайиб.

— Юким тахт ҳисоб... Покровда¹ ўламан,—деди чол бамай-лихотир.— Ойим келди мени ахтариб: «Покровда келиб ўраб-чирмаб обкетаман, ўғлим, тайёр бўлиб тур» деди. Сен, бўтам, у мири ёки биттангага катта худойи нон сотиб ол... Энди йўлдан қолманг, худо ёр бўлсин... Қани, миндириб қўй мени.

— Ноумид бўлма, Никита бува,—деди Прохор чолни отга миндириб қўяр экан.— Ҳали яна учрашамиз сен билан.

— Рост, учрашамиз. Лекин бу дунёда эмас, бўтам... Худо сени ёрлақасин, худо сени ўз папоҳида асрасин. Сузаверинг, қўрқманг, дарёга тил теккизманг, у сизни манзилингизга олиб бориб қўяди. Дарё — бамисоли ҳаёт.

— Дам оливолсанг бўларди...

— Мен энди секин, одимлатиб кетаман... Йўлга чиқинглар, кузатиб қоламан...

Оппоқ чол узоқ вақт ям-яшил дарахтлар орасида кўриниб турди, у олислаб кетаётган қайиқни қулочини кенг ёзиб чўқинтирар эди.

12

Сайёҳлар қуёшнинг ардоқловчи нурлари остида яна тўрт кун йўл босишди. Кунлар илиқ, қилт этган шамол йўқ, оқшомлари шафақ ял-ял ёнар, тунлар юлдузли эди, кечаси қалин шабнам тушарди: сайёҳлар совқотишарди. Прохор ечинмасдан кийим-боши билан ухларди. Иброҳим бот-бот гулханга қуруқ смолали тўнка ташларди.

Кун қисқарди, кун ботиши биланоқ кеч киради, ҳаш-паш дегунча ҳаммаёқ қоронғилик қаърига ғарқ бўлади: сузишнинг иложи бўлмай қолади. Бетиним машаққатли ишдан силласи қуриган сайёҳлар уйқуларини ҳаром қилиб бир соат олдин туришга мажбур бўлардилар. Улар кун чиқмасдан анча олдин туришар, ўзларига nasib этган беғубор, текис, яккаю ягона йўлда галма-галдан ухлаб олишарди. Зотан ер юзидаги барча йўллар бир умрга ҳаракатдан тўхтаган, фақат сирли дарё йўлигина тиним нималигини билмас, ҳатто донг қотиб ухлаб қолган одамни ҳам ўз бағрида олиб учар, уйғониб у ўзини уммонда кўрар эди.

Саркаш дарё Ербохомохлядан кунботар томонга қайилди.

Сайёҳлар бешинчи кун бўзранг субҳидамда гўё келишиб олгандек баб-баравар уйғонишди ва ҳанг-манг бўлиб қолишди, қиш кирган эди.

Ҳаммаёққа қалин гиламдек қор тўшалган, ялтирбош тепалар оқ қалпоқни пешонасига бостириб кийган, қайиқ турган сокин сув кечаси билан музлаб қолган эди. Тепада совуқ туман

¹ Покров — диний байрам.

тўлқинланар, у тайганинг қалин ўрмонидан ҳали жамолни кўрсатмаган рангар қуёш томон шошилмай сузар эди.

— Прошка! Нима бу? Қҳ!..

Прохор ҳадеганда ўзига келмади. Қарийб ёз кунларидек туюлган қуёшли кунларнинг ногаҳон қишга айланиши уни лол қилиб қўйган эди, ҳозир кўриб турганларининг ҳаммаси унга улкан қабристон бўлиб кўринади.

У устига ёпиб ётган енгсиз чакмонидан қор уюмини сидириб туширар экан, ҳуштак чалиб:

— Ана холос!— деб юборди.

Олови ўчиб қолган гулхан ёнига осиб қўйилган кийим-бошлар тунги шабнамдан таёқдек қотиб қолган эди.

— Қорним оч... Гулхан ёқ,— деди Прохор хотиржам.— Қўрқма!— У эти увушиб сесқанди. Шартта болтани олдию кучи борича ўтин ёра бошлади. Бирпасда томирига қон югуриб, энди куртак ёзган хавотирлик туйғуси йўқолди.

— Қандай қилиб йўл юрамиз? Ҳаммаёқ муз...— деди черкас.

— Ҳечқисн йўқ! Бу бош нималарни кўрмаган.

Черкас унга меҳри товланиб қаради.

— Балли, Прошка! Юр, афти башарамизни ювайлик.

Прохор таёқни олди-да, музга санчди, муз ойна каби қисрлаб дарз кетдию ҳар томонга тармоқ отди, жарангдор овоз узоқ-узоқларга учди.

Прохор жилмайиб, тўсатдан қичқирди:

— Ке, кураш тушамиз!

Бардам, бақувват бу икки азамат пишқириб, овози борича хахолаб кулганча, осмонга қор тўзонини учириб момикдек қор устида думалашарди.

— Омон-омонми ёки ўлимми?— деб қичқирди черкас Прохорнинг иккала курагини қорга босиб.

— Овқат! Бўтқа!

— Қайнат, мен айланиб келаман,— Иброҳим ўлчагични олди-да, соҳил бўйлаб физиллаганча кетди.

Тонг ота бошлади. Туман йўқолди. Қуёш сўнгги нурларини сочмоқда эди, унинг ранги ўчган. Ўрмон устида Зухро юлдузи милтирайди, энг четдаги баланд тепаликнинг оқ қалпоғи алвон ранга кирди.

— Эҳҳе, ишлар беш! — деди Прохор. — Қуёш.

Гулхан читирлаб, алангаланмоқда. Тутун мавж уради, бир бўлак лось ёғи бўтқада эримоқда, тўйимли бўй димоққа уради. Прохор дам-бадам гулхан ёнидан қайиқ олдига югуриб боради. Қорни сидиради, брезентни қоқади, эшкак ва чангаклардан музни уриб туширади.

Муз билан қопланган кенг, сокин сув секин-аста тўқ қизил ранга кирди; ётоғидан бош кўтарган қуёшнинг нурлари муз устини майин силаб ўтди, бир оздан сўнг буғ кўтарила бошлади.

— Ҳечқисн йўқ!— деди ўзига-ўзи Прохор кулиб. Қуёш нури

унинг ёш, қора кўзларида жилоланарди. Бўтқа мазали эди. Юзида ёғ сузиб юрарди. У бўтқага кўп туз сепиб, маза қилиб ер, конфет билан тош чой ичар эди.

— Буёғи соз-а! Тезоқар!— деб узоқдан қичқирди черкас ўлчагични силкитганча Прохорнинг ёнига чошиб келар экан.

— Тезоқар?

— У-ҳў... Учириб кстади!

Қайиқ музни зўр қийинчилик билан ёриб, имирсилаб ўзига йўл очиб борарди. Иш оғир эди. Қўллар зилдек чангакларни силташдан чарчар, юз-кўзларидан мўлдири-мўлдири тер қуйилар, қўлларидан қалоқдан қон томарди.

Қуёш хушёқмаслик билан нур сочар, муз зўр бериб унинг кийимга нурига қаршилик кўрсатар эди. Пахмоқ аёз тайганинг оқ чакалакзорларида пишиб ётарди. Аёз худди фитначи сингари қувлик билан қуёшга кўз қисар ва бўралаб сўкишга тайёр турган, шилта-шалаббо одамларга қараб мийиғида кулар эди. Кун чошиоқдан ўтди, лекин дарёнинг муз қоплаган бу сокин жойининг яримидан кўпи олдинда ястаниб ётар эди.

Прохор жон аччиғида чангакин ташлади ва харракка ўтириб папирос чекди. Биринчисига туташтириб, иккинчисини, иккинчисига туташтириб учинчисини ёндирди. Унинг кўзлари яшил рангга кирди.

Иброҳим ҳам ишини ташлади, қўлини белига тираб қаққайганча тураверди. Тирсагигача ялангоч забардаст қўлларидан буғ кўтарилар, қирғийникига ўхшаш бурни курканикидек маъюс осилиб кетган, лабининг бурчлари қулоғи томон чўзилиб, газабдан маҳкам қисилган тишларини иржайтирар эди.

— Қҳ!

Улар кўз уриштириб олишди. Чурқ этмай орқаларига, музни ёриб очилган қора йўлга қарашди ва хўрсиниб қўйишдию индамай ишга киришишди.

Кеч кирмоқда. Қоринлари пиёзнинг пўсти бўлиб кетган, аъзойи баданлари зўр бериб ишлаганларидан зирқирар, бироқ ҳаяллаш мумкин эмасди: ҳордиқ чиқариш учун жон койнтиш, дарёнинг тезоқар ерига чиқиб олиш керак эди.

Қуёш сўнги нуллариини ўрмоннинг қора ҳошиясига суркаб оромгоҳга кетди. Иброҳим муштини дўлайтириб қуёшга пўписа қилди ва тупурди.

Қайиқ муз чангалидан қутулиб чиқиб, олдинга шитоб билан интилгач, Прохор кучи борича қичқирди:

— Урра!

Дарё нуқул мағриб томон оқар, қуёш нури кўзларини қамаштирар, қайиқни бошқаришни қийинлаштирар, у ўз билгича учиб борар эди. Дарё саёз, сув тагидаги тошлару шағал кўриниб турарди. Оқим шағални оқизиб, шилдиратарди. Қайиқнинг таи тошларга урилиб қалдирар, тарақ-туруқ қилар

эди. Сув тезоб, ройнш бўлса-да, ҳар дақиқа хавф-хатар таҳдид қиларди.

Мана, орол ҳам кўринди. Доғ-дуг қордан мотам либоси кийган, мунгли қора қояли орол сайёҳлар истиқболига узун қаҳрли бурнини чўзган эди. Унг томонда дарёнинг йўғон тармоғи ястаниб ётибди, сўл ёқда буталар билан қопланган торгина қўлтиқ элас-элас кўзга чалинади.

Иброҳим қайиқни йўғон тармоққа бурди. Орадан бир соатдан мўлроқ вақт ўтгач, қош қорая бошлаганда елиб кетаётган қайиқ зарб билан қумлоққа урилди. Қуюқлашиб келаётган кузги қоронғилик теварак-атрофни чулғаб ола бошлади. Чорночор саёзликда тунаб қолишга мажбур бўлишди.

Кўз очиб юмгунча тонг отди. Икковлон уйғонишиб ҳайрон бўлишди: ухлашдими, йўқми! Назарларида ҳозиргина ётишган эди. Йўқ, қуёш чиққан, теварак-атрофда қор кўзни қамаштириб хоинона ярқирар эди. Сув худди кечагидек қайиқ ёнидан шитоб билан ўтар, олдинда оқ елли тўлқинлар ўйнардди.

— Аввал йўлни топамиз, Прошка... Соҳилга чиқамиз... Иссиқ чой ичиб оламиз... Совуқ!

Кўм-кўк кўкариб кетган, оч-наҳор сайёҳлар муздек сувга иштончан тушишди ва ўлчагичлар билан сув тағини пайпаслай бошлашди. Сув муздек тишлари билан оёқни ғажирди. Улар совқотиб, бекорга овора бўлишиб, азоб чекишиб сўкина-сўкини орқага қайтишди: олдинда йўл йўқ, дарё қумлоққа бориб тақалади, бу саёзликда аранг бир жилга оқиб ўтади! Икки-уч чақиримгача аҳвол шу. Нима қилиш керак? Йўлни тор ирмоқдан солишсинми?

— Шайтон билади буни!.. Одамсиз ҳолимиз хароб, Прошка!..

— Нобуд бўламиз. Олисда ороллар яққол кўриниб турибди. Плансиз қийин. Катта карталар бор, унда ҳамма нарса чизилган. План, дейишади уни.

— Тушунаман,— деди Иброҳим.

Иссиқ овқатсиз апил-тапил нонушта қилиб олишгач, минг машаққат билан қайиқни қумдан чиқариб олишди ва кучлари борича чангақларга тиралиб, аста-секин юқорига-орқага суза бошлашди. Қош қорайгандагина улар худди кечагидек бурнини қаҳрли қанқайтирган оролнинг тумшугига етиб келишди. Оқ-қора доғларга бурканган орол уларга мотамсаро боқарди.

— Падарига лаънат, кечаги бутун ишимиз чиппакка чиқди,— деди Прохор пир-пир учаётган лабини тишлаб, сокин суз сатҳида очилган муз йўлига диққати ошиб тикилар экан. Йўл яна музлай бошлаган эди.

— Тиғпаррондек учсак, чиқиб олардик... Биз эсак йигирма чақирим олдинга, ўн беш чақирим орқага юрамиз... Т-фу!— деди жаҳл билан Иброҳим кичкина тармоқнинг охирига кўз ташлаб.

— Кечасию кундузи икки юз чақиримдан йўл босиш керак. Кечасиям, кундузиям сузиш даркор, Иброҳим.

— Орзуга айб йўқ!— деб қичқирди черкас.— Уйда ўтириш херак!.. Шайтон васвасасига учиб қаерга кеп қолдик!.. Ҳазилми?..

— Ке, қайиқда ўчоқ қураминз, соҳилга тушиб ўтирмаймиз.

— Биронта жин-пин учраса ҳам майли эди... На тунгус, на шайтон бор. Т-фу!

Қайиқни буришган сўл томондаги ирмоқ секин-аста кенгайиб борди, у тезоқар ва чуқур эди.

— Роса кўзбўямачи экан-ку!— деди Иброҳим эшкакни ташлаб, қайиқ пастга ўзи сузиб кетди.

— Ким кўзбўямачи?

— Ким? Сув-да!.. Зиғирча сув, қандай катта бўлиб кетди: кечаги катта сув жа аҳмоқ экан. Алдайди...

— Ҳи, шайтон... Эшитяпсанми, яна гувуллаяпти!

Олдинда бўғиқ гувуллаш эшитилди.

— Шаршара ёки остона!— деди Прохор ташвиш билан тобора кучаяётган гувуллашга қулоқ тутиб.

Ҳорғин қуёш булут устига қўнди. Қаёққа қарама, оппоқ сентябрь қиши. Қаердадир, яқин ерда йўғон овозда лось маърадн.

— Ғозлар, Прошка, ғозлар!

Иброҳим шартта милтиқни олдию қотиб қолди. Дарё ёқалаб учиб келаётган ғозлар галаси тинмай ғоголар эди.

— Эҳ, отиб туширса,— деб шивирлади Иброҳим қалбида аждодлари эҳтироси туғён уриб.— Қўноқ, жонгинам! Буёққа, буёққа!

Мерганларча отилган ўқдан бир ғоз чалпак бўлиб тушди. Безовта бўлган гала сувга қулаган шериги устида қий-чув кўтариб айланди-да, ғамгин ғоголаганча жануб томонга интилди.

— Яраланибди! Тутиб ол!— деб қичқирди Прохор.

— Эшкак эш, эшсанг-чи!..

— От! Милтиқни бер!.. Бер буёққа!

— Эшкакни эш, эш, деяпман!

Шикастланган ғозни оқим қуйи томонга оқизиб кетди, қайиқ унга етиб олди, эшкаклар қисирлади. Эшкак қулоғи гийқиллади.

— Соҳилга, Прошка! Соҳилга!— деб Иброҳим тўсатдан жон ҳолатда қичқирди.— Остона!.. Вой худойим-э! Вой худойим-э!

Ҳазавага тушган сайёҳлар теварак-атрофларида нима бўлаётганини эшитмай ва пайқамай ногаҳон даҳшатли остона олдидаги бурқираб қайнаб-тошаётган пўртанага тушиб қолишди.

— Соҳилга!

— Соб бўлдик... Эй!

— Эшкакка зўр бер!

Эшкак қарсиллаб синиб кетди.

— Соб бўлдик!

— Янгиси қани, янгиси?!

Прохор ирғиб ўрнидан турди-да, жон аччиғида чангакни олди ва уни тошга тираб, итара-итара қайиқнинг тумшугини соҳилга қаратди. Қайиқ тумшугида тишларини гириқ қилиб, зўриқишдан оппоқ оқариб кетган черкас пишиларди. Тўлқинлар қайиқ ёнига урилар, ҳали-замон уни тўнтариб юборадиганга ўхшар эди. Олдинда мингларча ҳайвон сингари остона ғазабнок ўкирарди.

— Яна, яна, яна! Зўр бер!

Иккинчи эшкак ҳам қарс этдию синди-қўйди. Бироқ олишув тугади. Қайиқ нақ остона олдидаги сокин айланмага кирди ва гўё тирик жонзотнинг кураш руҳи билан йўғрилгандек, соҳил томон голибона сузди:

— Уф-ф-ф!..— деди шалаббо бўлиб кетган Прохор дилдираб.

Иброҳим эса хуштак чалди ва оқиб кетган ғознию остонани бўралаб сўкди.

Қалбларини ёлқинлатган кураш ўти ва таналарига сиғмай кетган куч ҳали-ҳануз уларни тарк этмаган, кўзлари ёнар, томпларида қон гупурар эди. Бироқ кўнгиллари жойига тушиб, хотиржам бўлишгач, Иброҳим билан Прохор Саркаш дарё билан яқингинадаги олишувларини юраклари пўкиллаб эслашди ва даҳшатга тушишди.

— Прошка, мабодо бизни тўнтариб юборганда нима бўларди-а?.. Ҳолимиз нима кечарди, а?

— Сузиб чиқардик...

— Чатоқ бўларди... Чўкиб кетганимиз маъқул эди. Нима еб тиркчилик қилганимиз? Қотган нон қани, тишга босадиган нарсалар қани? Ой-ой, Прошка.

— Ҳа-а-а...— деди Прохор тўпори ўйга берилиб ва жиндек тин олиб давом этди.— Тушлик қилиш керак. Икки кундирки, дурустроқ овқатланганимиз йўқ.

— Керак эмас ҳеч қандай тушлик... Чўчқа есин тушликни!.. Сузиш даркор... Бу ерда нобуд бўласан... Юр, остонани бориб кўрамиз.

Прохор Иброҳимга илтижоли боқди, у қошнини чимириб жаҳл билан пишқирди. Прохор унга итоат этиши кераклигини тусунди.

Соҳилдаги харсангтошларни қор босган, силлиқ. Прохор тошлар орасига гупиллаб йиқилди, оз бўлмаса оёғини синдираёзди. Мана, остонанинг бошланиши. Дарёнинг қояли соҳиллари бу ерда жипслашар даражада эди. Лимиллаб келаётган сержило, силлиқ сув залвар билан шу тор дарвозага яхлит қуйилар эди. Пастда терак бўйи шаршара ҳосил қилиб, гувуллаганча айқириб ўз йўлида давом этар, дарров оқариб, қутуриб кетар ва сувдан қаққайиб чиқиб турган даҳшатли тошларга қаҳру ғазаб билан ташланар эди. Сув қайнаб-тошар, телба ҳаракат-

ланар, гувуллаган ва шовуллаган овозлар ер-кўкни ларзага солар эди. Прохор Иброҳимга, Иброҳим Прохорга қичқирар, бироқ на униси, на буниси ўз овозини эшитар эди.

— Хув анави энг хавфли тош! Бало-қазодек турибди! Синаб кўриш керак!— деб қичқирди Прохор яшил харсангтошни кўрсатиб: бу харсангтош худди варақлаб қайнаб-тошаётган сувдан бошини чиқариб турган махлуққа ўхшар, ғазабнок сув унинг устидан оппоқ кокилларини ёйиб, таралиб тushарди.

— Прощка! У тош — ўлим!— деб ижирғанди Иброҳим ва бир тошни олиб харсангтошга отди.— Уни четлаб ўтолмайсан.

У бир ғўлани олди-да, нақ оқимга қўйиб юборди. Ғўла лим-мо-лим сувнинг кифтида сузиб борди, кўпикка чулғанди ва учиб бориб харсангтошга урилди.

«Бу тўғри келмайди, чапроқдан сузиш керак», дея ўйлади Иброҳим ва иккинчи ғўлани чапроқдан қўйиб юборди. Бироқ бу ғўла ҳам гирдобда айланиб харсангтош ёнига учди. Прохор Иброҳимнинг тажрибасига тушуниди ва у ҳам ғўлаларни оқиза бошлади. Оқим нуқул шиддат билан тошга урилар: ғўлани қаердан сувга ташлашмасин, бари бир у махлуқнинг ярғоқ яшил боши томон оҳанрабодек адашмай учарди.

Сайёҳлар саросимага тушиб, ғамга ботган ҳолда шалвираганча қайиқ ёнига қайтишди.

— Нима қиламиз?

— Сузамиз!— деди чўрт кесиб Иброҳим.— Ахир қишлаб қолмаймиз-ку, бу ерда!

Рост, сузишдан бошқа иложлари йўқ, лекин қаердан сузишади? Йўл битта: тўппа-тўғри ажал комига сузиш. Хўш, ўзларини ўзлари қай тахлит ўлдиришгани яхши: пайсалга солмай оч-наҳор ўлганлари маъқулми ёки тўйиб овқатланиб, ҳаётмамот жангига кирганларими? Келинг, бу кучли оғу солинган сўнгги бир қадаҳ гулгун май бўла қолсин.

Қачонки инсон қалби туғён уриб галабага, ҳалокатга, муқаррар жангга талпинса — тан сукут сақлайди; тўсатдан сайёҳларининг иштаҳаси бўғилди-қолди. Ваҳоланки, ҳозиргина иштаҳалари карнай бўлиб турган эди.

— Бўлмаса-чи! Сузамиз!

Иброҳим олдинда турган олишувга Прохорни рағбатлантирди, унга далда берди, уни мард йигит, деб атади, узуқ-юлуқ, пойинтар-сойинтар гаплар билан тоғлиқларнинг, Қавказ аҳлининг ҳар лаҳза бошига тушадиган хавф-хатарни ҳикоя қилди. Донмий босқинлар, отишлар, кўкракка санчилган ханжарлар! Прохор қонли интиқомни, Қавказда бўладиган қонли интиқомни билармикин? О, даҳшат бу, манави дардисар остона унинг олдида ип эшолмайди. Авлоддан-авлодга ўтади бу.

— Ҳеч бокиси йўқ, йигит, қўрқма! Улмаймиз... Омон қоламиз!

— Улмаслигимизни биламан, сузиб чиқамиз.

— Баракалла, йигит! Ҳаммавақт шундай бўл... Курашда одам.. шафтолидек пишиб етилади. Йигирмага кирганинда бургут бўласан. Ғам ема, йигит. Баракалла! Ханжарни қандай тоблашади, биласанми? Утга, сувга солишади, пов-в-в!.. Ут билан сувга. Одамларниям шундоқ қилиш керак... пишиқ-пухта бўласан, бақувват бўласан!

Прохор чуқур, равон нафас олар, кўзлари ёнар, икки бети нақш олмадек эди. У Иброҳимнинг гапларини бутун вужуди кулсққа айланиб — завқ билан тинглар, гўё у мард қаҳрамондек унга меҳри тобора ортиб борар эди.

— Фақат озиқ-овқат масаласи танг... Оз жуда... Икки-уч ҳафтага етади,— деди Прохор.— Нима қиламиз, уларни остонадан нарёққа ўтказиб қўямизми? Бирдан тўнтарилиб тушсак нима бўлади?

— Бўлмаган гап,— деди черкас зарда билан.— Уйлаш керак эмас. Уйласанг, ғарқ бўласан, ўйламасанг, ғарқ бўлмайсан. Қҳ!

Қош қорайди. Теварак-атроф шумшук, бефайз, совуқ. Остона мозиёдагидек ўкиради, гўё унга қўшилиб тўнғиган тайга ҳам ўкираётгандек туюлади.

Тинимсиз шов-шув ва гувуллашдан Прохорнинг боши айланади, юраги орзиқади. Бироқ сархуш қалби қувонч ҳиссига лиммо-лим тўла.

Иброҳим билан бирга жаҳаннам оғзига сузиб келишди. Жаҳаннам биқирлаб қайнайди, кўпиради. Оқим тобора шиддат билан суриб кетаётган қайиқдан бешик-бешик тўлқинлар баҳайбат, қўрқинчи кўринади. Тўлқинлар худди қабристондаги гўрлардек юксалади, парчаланиб кетади, яна қаддини тиклайди. Тонг аёзли, сарғиш, қэёққа қарама, одамни ваҳима босади, совуқ қабристон, совуқ гўрлар, ўлим. Қайиқ азбаройи қўрқиб кетганидан кўзини чирт юмганча пайпасланиб олдинга интилаётган одамга ўхшайди.

— Видолашамиз, Иброҳим... Тагин ким билсин... Алвидо, Иброҳим!..

— Нега алвидо!.. Салом!

— Алвидо, Иброҳим!— Прохор сўнгги кучини тўплаб, охириги марта қичқирди.

— Йигит!..

Ҳамма нарсани гувиллаган овоз босиб кетди. Оппоқ тонг отди, осмон ярқираб кетди. Гувуллаётган сув зарралари учкун энглиг ялт-юлт этди. Шувиллаб, чинқириб, чарх урди. Тайга ырғишлади, осмон тўлқинлар орасига қулаб тушди, ҳамма нарсани шиддатли жаҳаннам қозонида вақирлаб ғайнай бошлади.

— Эшкакни эш, эш!!

— Уҳ-ҳҳ!

— Худога ибодат қил!

— Унгдан ҳайда!

Шовқин-сурон, гумбур-гумбур, гулдур-гулдур. Тамом.

«Прохор ўзи ҳақида хабар берса, чакки бўлмасди. У эрта кўкламда, ҳавода баҳор иси кезганда чиқиб кетган эди. Ҳозир эса капалаксимон қор ёғмоқда, ҳали-замон покров келади. Ишқилиб, Прохор Крайск шаҳрига етиб олса бўлгани, айтишларича, у ерда симда ҳар ёққа тилгиром бериш мумкинмиш: бундан чиқадик, бу ердаги шаҳардан ҳам тилгиром берса бўлади. Приказчик Илья Сохатих тилгиром келган-келмаганини билиш учун азза-базза шаҳарга тушди. Бироқ қуруқ қайтди. Аммо ўзига қизил саҳтиён этик, рождество байрамида бўладиган маскарадга ниқоблар олиб келди».

Камсуқум, хокисор Марья Кирилловна ўғлидан хавотир олиб, шуларни ўйлади, онаизорнинг юраги ўртанар, алоқ-чаллоқ тушлар кўрар эди. Томоғидан овқат ўтмас, ориқлаб кетган эди; ҳеч қадққа чиқмай уйда кўмилиб ўтирар, нуқул кўзининг оқу қораси Прохорини ўйларди: қаердайкин, бечора ўғлимнинг боши омонмикин; дунёнинг бир чеккасига қандайдир нопок черкас билан кетди-я. «Отаси, Петр Даниличнинг парвойи фалак. Маккора Анфиса билан давру даврон суриб, пулни кўкка совуради. Энди очиқчасига кўнгилхушлик қиляпти».

Марья Кирилловнанинг қалбида икки жароҳат бор эди: «Уялсанг бўлмайди, Петр Данилич?.. Қариганда қармоққа... Одамга алам қилади...»

Бироқ бошқа жароҳат яна ҳам қаттиқ азоб берар, кечасию кундузи қалбини зирқиратарди: «Ўғлим Прошенька... Тирикмикин?»

— Мана, сен мени ширин наливка¹ билан меҳмон қиляпсан, лекин юрагим қандай ачишишини билмайсан,— деди сентябрь кунларидан бирида кечқурун қош қорайган маҳал Петр Данилич, қанд чойдан ҳўплаб илтифот-ла маъшуқаси Анфиса Петровна Козиреванинг уйида ўтирганида.

Анфиса жимжилогли билан ёлгондакам нўписа қилиб:

— Сенинг юрагинг гармдори,— деди ва хандон отиб кулди. — Улгудек айёрсан, текинга кўнгил очмоқчисан мен билан. Кўзингни оч, мен анойилардан эмасман. Икки қўлингни бурнингга тиқиб қуруқ қоласан-а.

— Чиройлисану ақлинг тариқчайм йўқ. Ўғлимни айтяпман. Тушунасанми йўқми?

— Тушунмай ўлибманми, тушунаман. Ҳи-ҳи-ҳи! — Шундай деб бирдан ўзгарди, юраги зирқираб кетди, бу ҳол гайрнихтирий равишда рўй берди. Қўққисдан қаердандир бало-қазодек ёпирилиб келди. — Ўғлингдан гап очдингми ҳали? Ўғлимкини у сенга? Ҳароми бўлмасин тагини?

¹ Мева шарбатидан тайёрланган спиртли ичимлик.

— Нима дединг?

— Наҳотки пуштикамарингдан бўлган ўғлингнинг ҳалокат сарин жўнатдинг? Ахир нобуд бўлади-ку, а, Петруша?

— Учир овозингни!— деди хафа, бўлиб Петр Данилич, унинг лабларига, беташвиш, тўсатдан маънос тортган кўзларига қараб.

Шундан кейин икковлари чойни илдаммай ичишди; чурқ этиб оғиз очишмади, гап малол келарди.

Петр Данилич ҳатто хайрлашмай уйига жўнаб кетди. Тун. Оёқ остида кўлмаклардаги замҳарир муз қисирларди, отанинг юраги эзиларди.

Анфиса уйқуси келмай узоқ вақт тўлганиб ётди. Бутун тун бўйи ўзига-ўзи савол берди, бироқ аниқ-таниқ жавоб тополмади: нима учун туйқусдан юраги зирқираб кетди, нима сабабдан хушсурат йигитча қаердандир, ногаҳон хаёлига келди?

Шундан сўнг у бу оқшомни, гаройиб тунни эслади. Эслагиси йўқ эди-ю, лекин ихтиёридан ташқари, ундан изи олмай, кимдир буни, Анфисанинг нотинч ҳаётини, қисматини муфассал эслашни буюрди. «Тирикмикни?»

Шу қоронги тунда Громовларнинг уйида битлиқи дайди Иван Непомняшчий тунаб қолди. Ўзига қолса-ку, Марья Кирилловна бундай меҳмонни ўлса ҳам уйига киргизмасди-ю, аммо приказчик Илья Сохатих билан қизил юзли ошпаз Варвара қўярда-қўймай уни кўндиришди: киргиза қолнинг, ким билсин, балки олис ўлкаларда сандироқлаб келгандир, дейишди.

Дайди ҳам роҳибдек гап, текки томоққа суяги йўқ. Дайди бемаҳал тузалган столда май ичиб, оқ ёғда қовурилган картошкани чапиллатиб ер, очкўзлик билан буғдой нонни паққос туширар, ичкилик ичаверганидан бузилган хирқироқ товушда харада хомуш ўтирган Марья Кирилловнага гап маъқулларди:

— Мен бўламану билмайманми, бегойим? Мен ҳамма нарсани ипидан-игнасигача биламан. Тунгусчаларниям биламан. Тунгус нимаю ҳайвон нима, фарқ йўқ... Хулласи калом, қаланги-қасангилар тўдаси... У жим юради-юради-да, бирдан телба қўйдек тўнини тесқари кийиб оладно шартта отиб ташлайди.

Марья Кирилловна бошини чайқади:

— Наҳотки сен ўша ерда, Саркаш дарёда бўлгансан?

— Ўша ердами, ўша ердасми, ишқилиб ўша атрофда бўлганман Кха-кха!

— Тиқилиб қолмасин, секин еявер... Қаёққа шошасан?— деб кулди кичкина хужрасидан чиққан сепкилдор Илья Сохатих.

— Қиттай бўза бўлса эди,— деди хирллаб дайди,— сизларга бир воқеани сўзлаб берардим... Кха!

Марья Кирилловна оромгоҳига кириб кетди-да, бир стакан ароқ олиб чиқиб дайдининг олдига қўйди.

— Бундан беш йил аввал,— деб ҳикоясини бошлади Иван Непомнящий ёндирувчи суюқликни ютоқиб ичиб,— худди сенинг ўглинга ўхшаб, биттаси хизматкор ёллаб тайгага мол олиб кетибди. Шунақа. Шу кетганича бадар кетибди, на ўлигидан, на тиригидан хабар бор. Орадан икки йил ўтгач, ўша ёққа йўлим тушиб қолди, эшитишимча, овчилар бир гулханга дуч келишибди. Гулхан ёнида икки одамнинг суяк-саёғи ётганмиш. Шунақа. Гумон қилиш мумкин, булар ўша савдогарлар. Шундай қилиб... Кха!

— Худо раҳмат қилсин,— деб чўқинди художўй бека.— Нега уларни бундай қилишди? Қайси гуноҳлари учун?

— Э, суриштириб ўтирадим, бегойим. Шартта ёқасидан олгану кекирдагидан гиппа бўққан-қўйган! Аввал биттасининг бошини гулханга тикқан, кейин бошқасини...

Марья Кирилловна ғам-ғуссага ботиб, қорайиб кетган иконага илтижо билан боқди. Илья Сохатих эса қичқирди:

— Гирт ёлғончи экансан, биродар, оббо муттаҳам-е... Мен ҳам тайгаликман. Тунгусларни сендан яхши биламан. Одамларни бекорга ваҳимага соляпсан, бадбашара.

Дайди баҳса қизишиб кетдию қасам ичиб иконани ўпишга тушди ва шундай жазаваси қўзидики, бутунлай ёлғон-яшиқни тўқиб ташлади: эмиш, савдогарларни гулханга отишганда тунгусларга қарашиб юборганмиш.

Варварушка ҳиринглаб кулар, Илья қичқирар эди.

— Ҳали хўжайин келсин, абжағингни чиқаради сен муттаҳамни. Қип-қизил ваҳимачи экансан, иблис!

Бироқ бадбашара дайдининг гапларига Марья Кирилловна дил-дилидан инонди. Тун бўйи бир-бирдан ваҳимали ўй-хаёллардан юраги ўйнаб чиқди. Кечаси билан ўғли кўз олдидан кетмади. Прохор унга: «Дуо ўқи, ойи, дуо ўқи, ҳолим забун»,— дер эди.

Марья Кирилловна ётоқхонасида, бухўр, табаррук ўлан ва ароқ ҳиди гупиллаб димоққа уриладиган чингилин хонада,— аъзойи бадани спирт бўлиб кетган Петр Данилич совуқ тушгач, пешайвондан шу ерга кўчиб ўтган эди,— ҳашамдор кумуш иконалар қўйилган тахмон тагидаги шамчироқни ёқди, кўзларидан маржон-маржон ёш тўкиб, биби Марьям билан ҳаворий Прохорга жон-дилидан ибодат қилди ва жафокаш сайёҳнинг ҳаётини сақлаб қолишини илтижо қилди.

— Эй, парвардигор, оҳимни эшит, ўзинг қўлла!

Эмакхонада эса уч киши: дайди, Илья Сохатих ва ошпаз Варвара; Марья Кирилловна ухлагани ётоғига кириб, хонанишин бўлиб қолгач, ичкиликка ружу қўйишди, чойу наливка ича бошлашди, Варваранинг хонасида савдогарга аталган пирог мунтазир, уни хўжайиннинг ўзи ейиши даргумон, ҳали таннозининг олдидан эмаклаб келади, Т-фу, т-фу!

Приказчик беҳаё расмларни кўрсатади, дайди хахолайди. Варварушка хандон ташлаб кулади. Илья Сохатих бепарда

латифа айтади, дайди баттар кулади. Унинг кулгисидан қулоқ қоматга келади, қий-чув кулги, ичкиликнинг ҳам таги кўри-ниб қолган.

Девор нарёғида эса Марья Кирилловна тинмай шивирлайди:

— Биби Марьям, ўзинг асра... Мушфиқ меҳрибон она, ҳар балою ҳар қазодан...— Унинг юраги туздек ачишади.

Эрталаб ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ емакхонадаги осма ойнак ярмисидан дарз кетди. Бу чоғ Марья Кирилловна чой ичиб ўтирар, самовардан вишиллаб буғ чиқиб турар эди. Дарвоқе, кеча ҳам самовар кун бўйи ойнакка буғ пуркаган эди, бу-гун бўлса...

— Улди! Вой худойим!..— деди ранг-рўйи докадек оқариб Марья Кирилловна ва шошганча емакхонага йўл олди,— Варварушка, қўзичоғим... Прошньканинг аҳволи ёмонга ўхшайди... Ойнак қоқ ўртасидан дарз кетди... Вой худойим-е, худойим!

Ошпазнинг ичкиликдан боши тарс ёрилай дейди. У нима гаплигига тушунмай, уввос солди:

— Бошингга кулфат тушдими-а... Вой ўлмасам!..

— Ойнак дарз кетди ўртасидан... Бор, тезроқ қараб кел.

— Вой ўлмасам!.. Қараб нима қиламан? Атиги бир рюмка ичувдим... Улфатчилик қилгим келувди... Кечиринг... Дайди қўймади...

Марья Кирилловна дайдига ёшли кўзлари билан ўқрайиб қаради, ароқ ҳиди димоғига гуп этиб урилдию қўл силтаб, дарди дунёси қоронғи бўлиб чиқиб кетди. Бошига туркча шол рўмолини ташлаб, ҳазрат Ипатнинг олдига жўнади.

Ҳазрат Ипат тонг отмасдан ўрнидан турарди, у қирилган турп еб, квас ичиб олган, энди шўх бир куйни ҳуштакда чалиб бостирма тагида асалари уяси ясаётган эди. Унинг ишчан қўлларида арра гириллар, қоқшоқ каби оппоқ қипиқ кигиз этикка, тонгги совуқда тошдек қотган ерга тўкиларди.

— Чатоқ бўпти-ку, азбаройи шифо,— деди ҳазрат Ипат опанинг ташвишли гапларига хулоса ясаб.— Начора, ибодат қилса бўлади. Нега бўлмас экан? Сен, кампир, аза очма. Кераги йўқ... Соғлиғини ўйла.

Кейин атрофда ҳеч ким бўлмаса ҳам унинг қулоғига энгашиб, тийрак кўзлари ўйнаб, аста шипшиди:

— Йигитча қайтади, ғам ема. Лекин завжинг эса... хато йўлга кирди... Жон-жаҳди билан берилиб кетди. Шайтон васасасига учди.

Марья Кирилловна рўмолчасини олиб бурнини қоқди.

— Қулоғингга бўлсин,— деб тайинлади ҳазрат Ипат.— Сен чурқ этиб оғиз очма. Биз сен билан холи гаплашяпмиз. Сенга жоним ачийди, Кирилловна.

— Тинчликми, тақсир?

— Ахир у,— ҳазрат Ипат жуда секин гапира бошлади,— у сен билан ажрашмоқчи. Сен бурнингни қоқмай тур, шошма... Исо алайҳиссалом ҳаққи, йиғлама... Хўш, бу иш унинг қўлидан

келмайди... Бекор айтибди! Бу хусусда қонунларимиз жуда қаттиқ: «Худонинг ўзи айтган, одам ажрамайди». Лекин ҳар қалай огоҳлантириб қўяйман. Ҳушёр бўл.

Марья Кирилловнанинг ҳали навқирон бақувват оёқлари, — ахир у атиги ўттиз олти баҳорни кўрган — ҳазрат Ипатникидан уйига қайтаётганида худди кампирларникидек майишиб кетди. Унинг қалби ранж-алам ҳиссига тўлди, бироқ қалби бамисоли элак эдиким, бугун ранж-алами кўз ёшлари билан бирга дарҳол тугаб битди, фақат қалбининг чуқур ерида чўккан ғам-ғуссагина томчима-томчи орта борди.

Уйига етиб келди, қараса, икки мужик маст-аласт Пётр Данилични айвончага олиб кетишяпти.

— Вой худойим-е, каллаи саҳардан-а! — деб Марья Кирилловна қўлларини бир-бирига урди.

— Кечагиники бу, — деди дўриллаб тиржайганча сариқ соқолли Силантий, бадбахт Анфисанинг девор-дармиён қўшниси.

Эри билан ёлғиз қолишгач, Марья Кирилловна гинахонлик қилди:

— Эҳ, Пётр Данилич, Петр Данилич!

— Ҳўш, минғирлашга тушдингми, дардисар...

— Уйдаги ойна дарз кетди, қарагин... Ёмон аломат... Прошенькамиз, ё парвардигор...

— Учир! — деб қичқирди Петр Данилич хона ўртасида гандираклаб. — Бу ерда гап Прошенькада эмас... Сен ўзинг қачон ўласан, дардисар? Бошимга битган бало бўлдинг-ку...

— Нима, йўлингга гов бўляпманми?

— Ҳа! Қоч йўлимдан! Э, ўша сени! — у филофли оғир стулни силкитди. Марья Кирилловна қочиб қолди, савдогар кучи бори-ча стулни ойнага отди.

— М-ма! Мана сенга аломат!

Чил-чил синган ойнанинг жаранглашини босиб қичқирди:

— Ароқ! Бодринг! Ҳей, Илюха!

Приказчик худди ер тагидан чиққандек, коридордан қалқиб чиқди ва хўжайинга ялтоқланиб уни қўлтнғидан олди.

— Қаёққа опкетяпсан, ётоқхонагами?

— Худди шундай. Сиз лушахлоқ асилзодалар хонадонидагидек ором олмогингиз даркор.

— Ҳе-хе-хе!.. Хўп майли, Илюха... Қойилман сенга. Сен мени расмана савдогар деб биласанми?

— Бўлмаса-чи, озмунча пулингиз борми?! Бошқача бўлиши мумкинми ахир? Сиз шахримизнинг энг олди одамисиз... Пардон.

Савдогар кўнгли тўлиб соқолни силаганича, томоқ қириб каравотга ўтирди.

— Этикни торт!

Приказчик снгини қайтарди-да, ижирғанаётганини хушомад-гўйларча табассуми остига яшириб, янги гўнгга беланган этикларни торта бошлади.

— Оббо жингалак соч-е! Сен, Илья, бахтлисан... Сочи жингалак одамлар бахтли бўлармиш...

— Тўппа-тўғри, Петр Данилич. Улгудек бахтлиман. Пардон.

— Хў-ўш, Покровдан бошлаб, ойига беш сўмдан қўшиб бераман. Мушкулотимни осон қилсанг, бир йўла йигирма бешдан қўшаман. Пошшолардек яшайсан. Уқдингми?

— Мирси. Қандай мушкулотингизни осон қилай?

Хўжайин унга шишган кўзларини тикиб, хириллаб кулди.

— Очиқ айтдим-ку, ахир сен тентакка. Ёш бола эмассан. Ўзинг ўйлаб топ. Эҳ, бит босган жингалак соч!

Илья ифлос қўлини гиламга артар экан, ишшайди:

— Мирси. Бошқа фармойишингиз йўқми?— деди-да, эшик томон юрди.

— Тўхта, сабр қил! Менга қара, ғиз этиб Анфиса Петровна-нинг олдига боргин-да, донолар тилида, гап бундай, хўжайин туни бўйи тегирмончи немис билан майхўрлик қилибди, ўглини соғинибди, деб айтиб кел... Йўқ, кераги йўқ бунинг... Борди-ю, яхши этиб турсин, десанг-чи... уқдингми? Хўш, қани буларни қандай ифода қиласан?

— Қийин жойи йўқ буни,— деди Илья йўталиб,— муҳтарам жаноб фалон-писмадон савдогар салом йўллайди...

— Қанақа фалон-писмадон?.. Эҳ, аблаҳ!..

— Йўли шунақа, Петр Данилич, сизни худди архисрейини кўкларга кўтариб мақтовчи дьякондек таърифингизни хўп келтираман, барча унвонларингизни санаб ўтаман. Айтгандек, мақт хусусида қандай қилиб адашдингиз, журъат этиб сўрасам! Козирева хонимга хайрли тун тилашингиз тўғри бўлмайди, ҳозир оппоқ тонг отган, қор ёғяпти... Пардон...

— Қанақасига тонғ отади? Нима деб алжиялсан?

— Рост айтяпман. Изоҳга ўрин йўқ...

— Ундай бўлса этикни бер... Магазинни очиш керак.

— Э, қўйсангиз-чи!.. Этиб ухланг... Сиз мазза қилиб ухлаб, миянгни тиниқтиришингиз керак. Мен эса, худди худо Саваофдек¹ пардани тушираман, қоронғи бўлади-қолади.

— Оббо хумпар-е!.. Ҳай майли, билганингни қил.

Приказчик эшикдан чиқиши билан савдогар аҳмоқларча ҳичқирди:

— Тўхта, қайт! Хўш, Илья, сенга хотиним ёқадими?

Илья шолғомдек қизариб, афтини буриштирди.

— Яъни қайсиси, Петр Данилич?

— Ғирт аҳмоқсан-да, Ильяхо! Тўғримми? Хўп, бор энди, кўнглинг тортса, майли, урниб кўр... Мушкулотимни осон қилсанг, бошингдан зар қуяман. Бу мушкулот нималигининг мағзини чақ.

Ёлғиз қолган Петр Данилич гоҳ хўрсинар, гоҳ жилмаяр эди. Унинг нигоҳи иконага тушди. Бу ерда ғира-шира қоронғи-

¹ Саваоф — яхудо динидаги худолардан бирининг номи.

ликда шам шуъласи пирпирарди. Савдогар бирдан бўзлаб юборди:

— Прошка, шунқорим!.. Исо алайҳиссалом асрасин сени.
Унинг юзидан кўз ёшлари шашқатор бўлиб оқа бошлади.

14

Икки кун қаторасига очиқ келган ҳаво соҳилдаги барча қорни йўқ қилдию Саркаш дарё қуёш нурида совуқ йилтирай бошлади.

Сайёҳлар ҳали-ҳануз анави хатарли туйғудан халос бўлишмаган, остонадан ошиб тушаётганларида гўё таналарини пичоқ билан тилимлагандек бўлган эди.

— Жжжи!— тамом, вассалом,— деди Иброҳим кулиб.

Ҳанузгача ёввойи тўлқиннинг ўкиргани қулоқлари тагида эди.

— Тикқасига борсанг, омон қоласан. Қўрқсанг нобуд бўласан,— деб ўғит берарди черкас.

Қуёш ва тезоқар сув далдаи дармон бўлди. Муваффақиятга эришишлари аниқ бўлиб қолди. Бор-йўғи икки ҳафтадан кейин Крайск шаҳрига етиб олишади. Жин урсин, ҳар қалай, қанчалар яхши ва қувончли ёруғ дунёда яшаш.

— Қўр-қут етарлими, Иброҳим? Порох, питра озроқ-ку.

— Етади...

Сокин кечки пайт. Шафақ қип-қизил, сариқ ҳошияли.

— Шамол бўлади,— деди Иброҳим.— Едингда тут.

Дарҳақиқат, тун ярмидан оққанда шамол турди. Қайиқни қирғоққа олиб келиб қаттиқ боғлаб қўйишди; тўлқин шалоплаб қайиқ ёнига урилар, соҳилда тайга шовуллар эди.

Совуқ суяк-суягидан ўтиб кетган сайёҳлар барвақт уйғонишди. Дарёнинг қирғоққа яқин саёз жойида қуюн қумларни худди қиш палласидагидек тўзғитар, дарё кўпикланиб қаҳру ғазаб билан тўлқин урарди.

— Рўпарадан уряпти!.. Иш расво,— деди Прохор.

— Дарёнинг кенг жойидан ўтиб олсақ, балки бурилар.

Ҳаво беғубор, Саркаш дарё ҳайбатли эди.

Қайиқ дарёнинг ўртасига чиқиб олди. Шамол нақ башарага урарди. Шамол шиддатидан гўё тўхтаб қолгандек, сайёҳлар зўр-базўр пастга силжишар эди.

Бир соат машаққатли меҳнатдан кейин Прохор орқасига ўгирилиб қаради, гулханнынг симоб рангидаги тутуни яқингина жойдан кўринарди. Черкас қайиқнинг тумшугидан тушиб, эшакка эшишга ўтирди. Қайиқ тез сузиб кетди. Мана, харсанг-тошлар қаққайиб турган ердан ўтиб олишди. Кейин кенг сокин ер бошланди. Қайиқ деярли тўхтаб қолди. Шамол қутуриб, юлқинарди. Мачта титрар, ундаги қизил-оқ байроқни савалар ва таталар эди. Чидаб бўлмас даражада совуқ эди. Шамол

гувуллаб енг ичига кирар, энгил тагида ивирсиб баданни жу-
жиктирар эди.

Сайёҳлар соҳилдаги буталарга қараб, оқим қайиқни орқа
томонга сураётганини пайқаб қолишди.

— Орқага қараб кетявмиз. Зўр бер, Прощка!— Бироқ куч-
лари етмади, қайиқ зўр бериб кетига сузар эди.

— Арқон билан тортамиз.

Иброҳим арқонни елкасига ташлаб тортди. Шамол ураётган
томонга мулкайганича қайиқни судрашга уришди.

Проҳор қайиқ тумшугида ясаган ўчоқларига олов ёқмоқчи
бўлди. У тарашадек қотган бармоқларини иситмоқчи эди, би-
роқ барча ҳаракати зое кетди. Шамол оловни ўчириб қўяверди.

Шамол кум тўзонини ўчириб келиб аямасдан одамнинг
юзига ва яллиғланган кўзларига урар эди. Иброҳим кўзларини
қисиб, бошини паст эганича бутун кучини тўнлаб, одек пиш-
қирар, бироқ қайиқ жуда сўст силжир эди.

— Энди сен торг, Прощка!.. Чарчадим.— У арқонни ташла-
ди ва азбаройн ҳолдан тойганидан гандираклаб қайиқ томон
юрди. Шамол унинг кийимини юлқиб, оқ қулоқчинининг қулоқ-
ларини худди қуш қанотидек икки томонга керган эди.

Қоронги кечгача бекорга уришишди, аммо турган ерлардан
бир қулоч жиллишмади. Эртасига ҳам худди шундай бўлди,
қуёш, кучли шамол, ошпоқ тўлқин. Тайга ҳам ваҳимали гуву-
лаб турди. Пўлга чиқишмади: бекорга овора бўлишнинг нима
кераги бор!

Учинчи кун ҳам дастлабки кунлардагидек бўлди.

Қотган нон, ёрма ва порох тугаши билан улардаги муваф-
фақиятга бўлган ишонч ҳам тугаб битди, ўнгларида ёмон
тушлар кўра бошлашди...

Бешинчи кун қайиқни дарё ўртасига олиб чиқишга уришиб
кўришди. Қаттиқ эшиклар қисирлади, нижирлади, ахир совуқ
эшик қулоқларини юмшатиш осони? Таёқларни чаңгаллаб,
кучлари борича дарё тубига тирашди, таёқлар ёйдек эгилиди,
бироқ сув қуюқ, хамирдек қайишқоқ эди. Черкасининг қўлидаги
таёқ қарсиллаб сийдию у муздек сувга муккасидан йиқилди.
Шу билан орғиқча урилишга барҳам берилди. Яна соҳилда
гулхан ёқишди, қалблари аламга тўлди, умидсизлик ҳисси баш
кўтарди.

Бир-бирларига далда беришди.

— Ҳечқисн йўқ... Шамол тинса, ўқдек учамиз.

— Парво қилма! Тап тортма!

Бироқ кўз тилдан ифодакироқ. Проҳор кўзлари билан чер-
касга сароси берди ва унсиз жавоб олди: «Аҳвол чатоқ, Прощ-
ка!»

Сориш шарт қарти турсади. Кун бетини билан шамол тўх-
тади.

Қўнғиллар қўзонга тўлди, янги тушлар кўра бошлашди,

бир вақт икковлари дарё бурилган жойда, сув ёқасида турган почапўстинли тунгусни кўриб қолишди.

— Бойе, азизим, салом!— деб шодон қичқирди Прохор кўнгли бузилиб.

— Салом, саники-маники...

Елкасида қоп-қора кокили силкинаётган мўйловсиз кекса тунгус ёнига келганларга ҳайрат ва қўрқув тўла кўзлари билан боқди.

— Сен дарёни яхши биласанми?

— Билади... Беш қўлдек билади... Уз-о-оқ! Охиригача билади...

— Қачон сузиб чиқамиз?— деди Прохор ва даммини ичига ютиб жавоб кутди.

— Сузиб чиқолмайсан. Ҳали-замон ҳамма нарса музлайди... Қаттиқ.

— Нима қилайлик энди?— деб сўради Прохор бўшашиб.

— Сувдан чиқ... Қишлаб қол. Тайгани айланамиз... Эҳ-е!

— Биз сузамиз!— деб қичқирди Прохор.

— Ҳалок бўласан,— деди тунгус пинагини бузмай ва ютиб тубкасини сўра бошлади.

— Ахир узоқ эмас-ку, шундайми?

— Узо-о-оқ. Совуқ тушди, сишильга. Қуюн... эҳе... нақд ўлим.

— Бизни Крайска олиб бориб қўй. Қанча сўрасанг бераман.

— Йўқ... меники хоҳламайди... Оз-моз кўкламни кут, кейин майли... Сув кўпаяди... тезоқар... Беш кунда олиб боради, Крайс йўли музлаган.

— Бойе, жоним, азизим,— деб гап бошлади Прохор тунгуснинг енгидан ушлаганча оғзидан бол томиб. У тунгуснинг сузилган қийиқ кўзларига болалардек меҳр билан боқди.— Бойе, уёқда юртимда онам бор... Отам... Мени нобуд бўлди, деб ўйлаб онам ўлиб қолади. Худо ҳаққи, бойе, бизни кузатиб қўй.

— Йўқ, маники хоҳламайди.

— Чавақ-лай-ман!— деб бирдан бўкирди черкас ва тунгуснинг шартта ёқасидан олиб, ханжарини ўқталди.

Тунгус ўзини ерга таппа ташлади ва қўлларини билтанглаб ўзини ҳимоя қилди.

— Юр!

— Қаёққа судраяпсан?

— Юр!

Кечки овқат маҳали чурқ этишмади, икки кишининг димоғи чоғ, учинчи одамнинг эса ичин ит тирнарди. Тунгус овқатга қўл ҳам урмади.

— Хафа бўлма, Прошка,— деб секин жавради Иброҳим йнгитчанинг бўлинига туртиб.— Олиб боради... Дарёни билади. Мажбур қиламиз.

Тунгус уларга ёвқараш қилар, зулмат қўйнида зим-зиё бўлган тайгага жавдираб қарар, даъваткор хуштак чалар, алланималар деб жаҳл билан тўнғиллар эди. Прохор уни гапга солмоқчи бўлди, бироқ у бошини силкитиб: «Меники тушунмайди», деб без бўлиб тураверди, Черкас тунгусни ухлагани ётқизди. Қўлини арқон билан орқасига чандиб ташлади. Узини гулхан ёнидаги дарахтга боғлаб қўйди:

— Қани энди қочиб кўр-чи.— Яна ханжарини ўқталиб, пўпича қилди:— Эва!.. Қҳ!..

Тунгуснинг тўқ бронзаранг юзи нолон бужмайди, пишқирди ва зарда билан узуқ-юлуқ гапирди.

— Нимага ёмонсан? Жуда ёмон... Намунча қийнайсан! Эҳе...

— Эва!— деб дўқ қилди черкас ханжарини ўйнатиб.

— Бойе, Крайска етиб борсак, сенга анча нарса бераман: чой, қанд, порох...

— Аҳмоқ! — деб қичқирди тунгус ва ёввойи мушукдек ҳурпайди.

— Аҳмоқ! Мен қандай қип орқага қайтиб келаман! Хотиним бу ерда, буғулар бу ерда, ҳамма нарса бу ерда... Барака топ, қўйвор, мунча қаттиқ боғладинг? Т-фу!

У юлқинар, арқонни ғажир, ожиз-нотавонлиги алам қилиб, бутун тайгани бошига кўтариб увиллар эди.

Иброҳим муғамбирона томоғини тақиллатиб қўйди-да:

— Мана буни кўряпсанми?— деди ва бинафшаранг қориндор стаканга спирт қуя бошлади.

Тунгус бирдан жим бўлиб қолди, кўзлари ёнди,— гўё юзидан ниқобни олиб ташлагандек бўлди — кўз ёши билан ювилган юзи ёришиб кетди:

— Эҳ-е! Ароқ! Ароқжон! Тезроқ бер! Берсанг-чи, санки-маники... Болдек тотли.— У ашаддий ароқхўр каби қалтирар, сўлакайинни оқизар эди.

— Бошлаб борасанми бизни?

— Бошлаб борасан! Санки-маники... Болдек тотли. Бер тагин, тезроқ!

Нега бошлаб бормайди, бошлаб боради, албатта... Фақат эрталаб қароргоҳига боради-да, озуқа ва милтиғини оладию хотинига бир ўзинг кўчавер, олмахон, лосларни отгин, деб тайинлаб келади... Ахир у ҳам одам, тушунади... Одамларни ора йўлда ташлаб кетиш ноинсофлик-ку, тайга-я бу, худонинг ўзи асрасин! Улим муқаррар бунда; нажот йўқ! Крайска эса ҳамма билан таниш, савдогарлар танишади, чиновник танийди, катта бошлиқ Степка Иванович ҳам танийди... унинг тугмалари ярқироқ, мўйловини айтмайсизми, икки томонга шохлаб кетган, нақ ерга теккундек пичоқ осиб юради, белнга! Бошлиқ Степка Иванович билан қалин ошна. Степка Иванич бир мастни оёғидан судраб турмага олиб борган, башарасига туширган — полицай-да, ахир у...

Иброҳим илжаяди. Прохор қовоғидан қор ёғиб эзма тунгус-

ни кўздан кечиради, унинг кўнгли безовта. Иброҳим тунгусга спирт қуйиб беряпти, ўзи ҳам ичяпти; чой, бўтқа билан меҳмон қиляпти, ўзи ҳам бўтқа еяпти. Тунгус сархуш бўлиб, тилини чучук қилиб гапиради, хахолаб кулади: у жуда боймиш, тева-рак-атрофдаги жойлар уники эмиш, тўрт томонга йигирма кун юрсанг ҳам ҳаммаси уникимиш... Унинг буғулари бир сиқим қумча кўпмиш... У князмиш, тайгада энг улуғ одаммиш...

Барибир кечаси уни дарахтга яна ҳам қаттиқроқ боғлаб қўйишди ва соҳилда гуриллаб ёнаётган гулхан теварагига чўзилишди.

— Хўш, энди қўрқмасак ҳам бўлади, Иброҳим. Уч кишимиз... Тунгус дарёни билади, Башарти шу ерда қишлаб қолсак ҳам бу ердаги ҳамма нарса таниш. Иброҳим, азизим, меҳрибоним!..

— Ҳечқиси йўқ, қўноқ, ҳечқиси йўқ. Энди ишлар беш.

— Онажоним... оҳ, онажоним!.. Қувончдан терисига сиғмай кетади. Ҳузур-ҳаловатда яшаймиз, Иброҳим!..

— Яшаймиз, йнгит...

— Ўсиб-улгайсам, бадавлат, номдор одам бўламан... Ҳалол яшайман.

— Биладан, бадавлат бўласан, номдор бўласан. Ҳалолликка келсак, қийин бу, Прошка.

— Бўламан!.. Крайска етиб борсак, пирожний сотиб оламиз... Юзта, Иброҳим!.. Жуда яхши кўраман пирожнийни...

— Кабоб қиламиз... Чурак ёпамиз. Палов еймиз. Кабоб соламиз, кишмиш.

Черкас донг қотиб ухлади. Прохор уйқусида ҳар хил овозларни эшитди, қўшиқ айтишди, баҳслашишди, сўкишди. Кейин яна ўша шарпалар қўшиқ айтишди, Прохорни қаёққадир чақирди. Қизларнинг овозидан у ҳузур қилди.

— Шайтон!

Прохор дик этиб ўрнидан турди-да, ён-верига алаглаб қаради. Кундузи. Гулхан гуриллаб ёнмоқда.

— Қочиб кетибди, шайтон!— Иброҳимнинг тишлари гижирлади, қўли жаҳл билан ханжарни чангаллади.

Прохор дарахтда осилиб ётган пишиқ арқонга қарадию биров наштар ургандек юраги зирқираб кетди. У кўз олдида ортиқ ҳеч нарсани кўрмади. У қишки қаҳратон совуқ дарё билан қайиқни музлатиб қўйганини, ягона умидлари бўлган қайиқ қалин муз орасида қолганини ҳали билмасди.

Прохор ўрнидан турди ва оёғини судраб босганча ғариб қайиғи томон юрди. У лангиллаб ёнаётган гулханда исган вужудини совуқ ҳаш-паш дегунча музлатиб юборганини сезмади. Йнгитча худди телба-кезик одамдай ёки кун битган мушукдай ғайришуурий равишда том остига, қайиқнинг нақ бурчагига кирди, ичида озгина қаттиқ нон қолган, тарашадек музлаган қопга юзини босди, ўкраб, аччиқ йиғлади.

Иброҳим кун бўйи тайга кезди. На одамзод, на тунгуслар қароргоҳидан юз бор эди, маккор тунгус худди ер тагига кириб кетгандек эди.

Тайгада гўё ҳаёт сўнгандай жимжит эди, ҳатто олмахон ҳам кўринмасди. Совуқ забтига олар, қулоқни чимчиларди, Иброҳим қулоқчинининг қулоқларини тортиб боғлади. У бамисоли ёввойи бугудек тиним билмай дарахтлар ағдарилиб ётган ерлардан, қалли чангалзорлар орасидан ўтди, тайга ҳувиллаб ётарди. Иброҳимнинг руҳи тушиб кетди. Энди унинг нажот кутадиган жойи қолмаган эди. Нима қилсин? Орқага, Ербохомохляга қайтсинми?— Нақ бир ярим минг чақирим-а, аҳмоқ одамгина қайтиши мумкин. Олдинга юрсинми?— Қаёққа боради? Жойдан жилмай, тунгуслар қайтишини кутсинми? Бироқ қочоқ ўтақаси ёрилиб ҳаммани бир тупканинг тагига олиб кетгандир.

Ҳориб-толиб, қаттиқ қийналган черкас соҳилга чиқди. Кузги буталар сарғайиб, қизариб кўринарди. Тоғтерақлардан тилларанг барг тўкилар, тайга эса худди ёз пайтидагидек яшнаб ётарди. Бироқ суронли Саркаш дарёни муз исканжага олган, биллур муз-тобут баҳоргача унинг устига қопқогини ёпган эди.

Иброҳим жар бўйидан дарёга зилдек бир тошни ташлади. Муз заҳа еб оқарди, аммо синмади, тош эса муз қобигидан соққадек сирпаниб кетди.

— Қҳ! Чатоқ...

Кўзларининг оқи сарғайди, кўзлари қисилди, тишининг ғайритабиий иржайиши қаттиқ саросимага тушганидан далолат берарди.

Ҳа, чамаси, ҳаммаси тугади. Лекин Прохорга на бир оғиз сўз айтарди, на шама қилади. Черкас уни нима қилишини биллади. Аввал Прохорни, кейин ўзини саранжом қилади.

Иброҳим қатъий диний эътиқод ила доимий ҳамроҳи — ханжарининг дастасига меҳр ва ҳаяжон билан кўз ташлади ва чаққон, илдам юриб музда ярқираб кўринаётган қайиқ томон кетди.

Кечқурун, кечаси, эртасига кун бўйи гупиллаб қор ташлади, ер бир газ қор уюми билан қопланди. Тунда қаердандир, яқин-орада тинмай укки сайради, у аёзли қишки эртак сўйлаб ҳаёти қил устида турган якка-ёлғиз жонзоднинг қалбига ваҳима соларди.

Иброҳимнинг буркасига бошини буркаб олган Прохор тинчгина мудрарди. Уларни тунгус ташлаб кетган ўша мудҳиш тун Прохорга бахтсизлик келтирди: у безгакка чалинди.

Черкас баджаҳл, хомуш эди. Шайтон! Тунгусни тўнаб, унинг мўйна пўстинини тортиб олиш керак эди. Кўзига кўринса, черкас пўстинига қўшиб, терисини ҳам шилиб олган бўлар-

ди. Қон? Қон бўлса нима қипти? Мана, Иброҳим ўғли қорда юпун камзулда ўтирибди. Гулхан ёни иссиқ, лекин ўтинга қандай боради? Қўллари увушиб қолади, совуқ баданни ачитади. О, қани энди тунгусни, юзта тунгусни учратса! Бордию тайгага қурбонлик керак экан, у мана шу ханжари билан ҳаммасини бўғизларди. Жундор каллалари худди кунгабоқарнинг бошидек шартта-шартта учиб кетарди. Ишқилиб навқирон йигит омон қолса бас.

Бироқ йигит инграр, соат сайин аҳволни оғирлашар эди.

— Иброҳим, азизим. Яна хина бер!.. Ураб қўй мени...

Узун, интиҳосиз кунлар шу тахлит ўта бошлади. Ужар қор тинмай ёғар, гўё осмону фалакда тайгани қорга кўмиб ёборишга жазм қилишгандай эди. Иброҳим жон-жаҳди билан ҳинда сўкина-сўкина кенг курак билан қор курамоқда. Ҳадемай уларнинг манзилгоҳи ёнида қалъадек баланд қор девори қад кўтарди. Черкасининг камзулидан бошқа иссиқ кийими йўқ. У қулоқчинини бостириб кийганидан бир кўзию оқариб кетган бурнининг учи кўринади, ҳолдан тойган черкас терга ботган. Бироқ бақувват қўллари тўнғийди, совуқдан ийишиб кетган, оловга тутса зирқираб оғрийди.

У минг машаққат билан брезентни гулханда эритди ва бир амаллаб ўтовга ўхшаган чайла ясади. Тепасида туйнуги бор бу қўлбола бошпанада гулхан жуда ҳам тутун буруқситарди. Иброҳим кўзлари ёшланиб, йўталар, Прохор эса бўғилар эди. Ҳавонин тозалаш учун брезент этагини кўтаришса, бошпанага гўриллаб шамол кирарди. Иброҳим ўлгудек очикқан эди. Бироқ егулик ҳеч вақо йўқ эди. Ерманинг юқ-юрумини Прохорга асраб қўйган. Узи бир кунда битта кичикроқ қаттиқ пон кемирар, тош чойдан эса ичгани ичган эди.

— Қани, ол, йигит, е... Бўтқа бундан ортиқ бўлмайди. Қўпроқ оша, бақувват бўласан!

— Узинг емайсанми?

— Тўқман... Еявер, парво қилма... Бизда ҳамма нарса етарли.

Иброҳим бекитиқча ютинар, Прохор буркаси остига шўнғигач, худди оч қолган бўрсиқдек тишларини шиқиллатар эди.

Вақт имиллаб ўтарди. Чайла ёнида қабрдек қор кўрғон жадал юксаларди. Диққинафас куллар орасидаги чегара йўқолган, кулранг тун ими-жимиди бўзранг кун билан алмашарди.

Прохор жуда секин, қийинчилик билан соғая бошлади. Иброҳим кундан-кунга маъюс тортар, ичига чироқ ёқса ёришмас эди. Теварак-атрофда ўлим шарпаси кезар, унинг бўғиқ ёқимсиз гнжирлаши ҳаётбахш инсон қалбини тинмай ражир эди. Иброҳимнинг хира тортган кўзлари бежю эди; уларда гоҳ бутунлай умидсизлик, гоҳ яшашга кучли интиҳ ёфодалари балқирди. Бундай чоғда ғайрат-шижрати ҳужуминга келиб апил-тапил оёғига қўлбола чағини илгардию ёруғ дунёга

эмаклаб чиқарди-да, совуқдан дилдираб, увишиб қолган оёқларининг чигалини ёзиш ва худо берса жон озуғи топиш илинжида момикдек қорни кечиб юрарди. Бироқ қора ўлим даргоҳи тайга унинг қалбини музга айлантирарди: чор атроф шумшук, бефайз эди. Черкас ўлар ҳолга келиб, жигар-бағри хун бўлиб чайлага қайтар, гўрга киргандек ичкарига кирар ва тушида босинқираётган Прохорга кўзини лўқ қилганича, қамир этмай тунд қиёфада узоқ ўтирарди.

Қўр-қутлари бутунлай тугагач, черкас йигитга бамайлихотир шундай деди:

— Хўш, Прошка, энди ўлайлик. Адойи тамом бўлдик, Прошка!

Прохор ҳеч нарсага тушунмай, ҳамроҳининг бутунлай ўзгариб кетган ориқ юзига қаради, бир нарса демоқчи бўлди, тили айланмади. Йингламоқчи бўлди — кўз ёши келмади. Ияги қалтираб кетди.

— Опажоним... Суюкли онажон!..

У бурка тагига кирди-да, ғужанак бўлиб ётиб олди. Бурнини қоқди.

Дафъатан черкас ирғиб ўрнидан турди ва тунги мушукдек чайладан чиқиб гойиб бўлди. Олисдан элас-элас қисирлаган ва пишиллаган овоз келди. Черкас қулогини динг қилди. Осмонда хира ой доираси совуқ жимирларди. Ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит. Ўрмон четида қора, исаниқ шарпа кўзга чалинарди.

Черкас совуқ ханжарини маҳкам тишлаганча йиртқич ҳайвондек қор уюмларига бота-бота олдинга сургалди. «Лось»,— деган фикр миясида чақмоқдек чақнади. Сертармоқ шохли катта бошини юқори кўтарганча лось навқирон тоғтракларининг пўстлогини ғажирди. Яқингинада, Черкасининг кўзи қонга тўлди. Ханжардек ўткирлашди. Тишида терлаган ханжар дамидан сўлак оқди. Лось черкасга биқини билан турарди. Бурун паракларидан тизилиб буғ отилиб чиқарди. Ҳайвон томондан енгил шабада эсарди, шу боис лось судралиб келаётган душманининг ҳидини сезмасди. Черкас лоснинг чап курагидан пастроқ ерини мўлжалга олди-ю, йўлбарсдек отилиб, ханжарини ғафлатда қолган ҳайвоннинг юрағига нақ дастасига довур санчди. Жон аччиғидан бўкирган товуш бутун тайгани ларзага солди, қора кўланка бир саржин юқорига сакради, туёғи билан урди, кимнингдир иблисона хахолаши, қўнғироқ овози янгради— шундан сўнг черкасининг кўз ўнгида ҳамма нарса қоронғилык қаърига шўнғиди. У қаттиқ инграиб аранг нафасини ростладнию ҳушидан кетди.

Ҳушига келгач, шоша-пиша қўлини пайпаслади, қўли илиқ эди. «Ҳа, яқинда бўпти...»— деб ўйлади. Унг биқини зирқираб оғриди. Черкас қимирладнию қичқириб юборди, аъзойи баданига игна санчгандек бўлди. У тарашадек қотган камзулининг ичига қўлини тикиб, биқинини пайпаслади. Қовургалари

бутун, лекин кўйлаги елимшак қондан жиққа ҳўл бўлган эди.
«А-ҳа, тепибди, шайтон!.. Ҳеч бўло қилмайди...»

Қор, жанг, ўлим ҳиди анқирди.

«Ҳайвон! Қаерда у?»— миясига ярқ этиб шундай фикр кел-
дию оғриқ босилди-қолди. Ой ҳамон парда ортида жилмаярди.
Черкас ўрнидан турди, ўнг биқинига кафтини маҳкам босганча,
букчайиб издан кетди. Оппоқ ер ўрадек ўйилган, мох билан
аралаш-қуралаш қор теварак-атрофга сочилган эди.

Лось ялангликда орқа оёқларини лайлак қилиб гужанак
бўлганча ўлиб ётарди.

— Яхши! Яхши!!— деди у аста, бўғиқ товушда. Кейин ақл-
дан озгандек хахолаб кулди-да, орқага, чайлага шошилди.
Йўл-йўлакай дам-бадам тўхтаб, қисқа-қисқа ингради.

— Прошка! Яшаймиз! Ўн беш пуд мол гўшти бор!.. Кабоб
тайёр, ёғ бор! Қҳ!

Проخور бурка тагида ёммирлаб инградияу жавоб бермади.

Иброҳим кир сочиқ билан кўкрагини сиқиб боғлади-да, яна
тайгага йўл олди. Тонгга яқин яхлитгина бир бўлак гўшт ва
момиқдек тери билан қайтиб келди.

Кун бўйи гулхан гуриллаб ёнди, гўшт қайнаётган қозондан
хушбўй ҳид таралди. Проخور иссиқ овқатни хушёқмаслик билан
тановул қилди. Иброҳим эса ютоқиб, ёрилгунча еди. Кўзлари
бўкиб қолган ҳайвонларникидек ғилтиллаб, хузурбахш сузилди,
у гар-гар кекирарди. Яна тун кирди.

Черкасининг уйқуси қаттиқ, тўп отиб ҳам уйғотиб бўлмайди,
у тунги увиллашу ғажишишларни писанд ҳам қилмайди. Лекин
Проخور алоқ-чалоқ тушдан ғовлаб кетган бошини бурка таги-
дан чиқазиб, ғалати овозларга қулоқ солди: «Бўронмикин ёки
шайтонлар муштлашяптими», хуллас, тайгада қандай шўриши
ғавго бўлаётганини сира тушунолмади.

Иброҳим тонг саҳарда кўзини очибоқ яна овқатга хуруж
қилди. Очликдан ҳолсизланган танаси мўл-кўл овқат талаб
қиларди. Черкасининг темирдек жағи бир маромда ошиқмай
ҳаракат қиларди. У Проخورга аччиқ шўрва ичиргач, лоснинг
терисини юмшатишга киришди. Уни ёжимлади, буради, хан-
жар билан дағал тескари томонини қиртишлади. Биқини эса
қаттиқ оғрир, кўзларидан учқун сачрар эди. Бироқ черкас Про-
хорни безовта қилмаслик учун тишларини ғижирлатиб, додлаб
юборишдан ўзини тияр эди. Ахир у тилга кирди.

— Мана, қўноқ, пўстин бўлади сенга... Ип бор, игна бор.
Яхши... Энди, қўноқ, совуқ бизга т-фу! Гўшт бор. Соғай, қўноқ,
кейин йўлга... Тўғрига юрамиз, тунгусни топамиз... Топмасак,
т-фу!— ўзимиз чиқиб оламиз.

Проخورнинг бу қирғийбурун, боши ярғоқ, қошлари бароқ
черкасни маҳкам кучоқлаб олгиси келиб кетди.

— Ҳеч қачон сендан ажралмайман... Сен бўлмаганинг-
да ўлиб кетардим... Содик дўст қанақа бўлишини энди бил-
дим.

Бугун Прохорнинг аҳволи бирмунча дуруст. Ёш куч қарши-сида енгилган касаллик борса келмасга кетди. Прохорнинг кай-фияти яхшиланди. Тетикланиб соғайиб кетса, тоғни толқон қилади. Иброҳим билан нарта ясайди-да, унга лось гўштини ортиб, ҳайё-ҳув деб жўнаб кетади.

— Ура, Иброҳим!

Черкас кечга яқин амал-тақал қилиб пўстинни битказди.

— Мана ол, почапўстин... Қундуздан деявер, нақ тулки тери-сидан... Буркани бер менга, ҳа-ҳа, энди совуқ т-фу! Гулхан ёқ, ҳозир гўшт олиб келаман, лоснинг лабини қайнатамиз, буйраги-ни ёгда қовураамиз.— Черкас ҳузур қилиб кўзларини сузди ва лаззатланиб тупурди.— Кетдим.

Прохор бароқ лоснинг терисидан тикилган пўстинни кийдию худди орқа оёқларида типпа-тик турган баҳайбат айиқдек ўзининг кичкина уясидан ташқарига чиқди. Кўп вақтдан бери ёруққа чиқмаган Прохор совуқ тоза ҳаводан энтикиб қолди. Унинг кўзлари касаллик туфайли киртайиб қолгани учун чехра-сида азоб чеккан қалб поклигининг алоҳида белгиси зуҳур этар эди.

Прохор баланд қор деворидан ўтиб, ён-верига разм солди. Еру кўкда совуқ, бегона киш. Дарахтлар кўркам, оппоқ, пахмоқ, қировли. Улар бир-бирининг пинжига суқилиб, одамга оппоқ момикдай новдалари тагидан пинҳона қўрқув билан бо-қади: одам қимирласа ёки томоқ қиргудек бўлса, дув тўкилади-кетади. Бироқ одам чурқ этмасдан қимир этмай турибди. У умри бино бўлиб оқ, кумушсимон ўрмонни кўрмаган, шу боис дарахтларга маҳлиё бўлиб тикилиб қолган эди. Оппоқ жингала ўрмон, оппоқ яқин-йироқлар, ғарбда бўзранг сал-пал яшил осмон. Гўё кимнингдир кўринмас қўли шоша-пиша ундаги гардни артгандек ой тобора равшан тортиб кумушдек товланарди. Сўнг кимдир осмонга аввалига бир-иккитадан, кейин худди қўшчи янги дон сочгандек қисимлаб оқиш юлдузларни соча бошлади.

Сохта олмослар бутун кенгликлар бўйлаб ялт-юлт қилиб, қорли бийдек далалар нуқрадек чақнаб кетгач, Прохор ўзига келди. Тетиклантирувчи аёздан сесканди ва чайлага, қизил тил-ли гулхан ёнига қайтди.

— Эҳ, маза, пўстин қандай иссиқ-а!— деди у ечиннаётиб. Бадқовоқ черкасага нисбатан қалби лиммо-лим миннатдорчилик туйғусига тўлди. Нега ҳалигача йўқ? Бирор кори бад бўлмади-микин?— деб сўради у қора тўнкадан ва жавоб олмагач, уни гулханга ташлади.

Прохор қўлини дафтарга чўзди. Бармоқлари ёзувларга тўла саҳифаларни варақлар, нигоҳи улар устидан паришон сирғалар эди.

«1898 йил. Чамаси октябрнинг охири. Қайси кунлиги номаъ-лум»,— Прохор олов ёнига мук тушиб, ёза бошлади. «Мана, дарддан ҳам халос бўлдим. Аста-секин дармонга кирапман. Балки, онажон, ҳаққимга дуо қилгандирсиз? Ғам чекманг, ҳа-

демай дийдор кўришамиз. Узимни бағрингизга шунақанги отгим келадикки, асти қўяверасиз. Жилла қурса, сиз билан қоз орқали суҳбатлашай, меҳрибоним. Сиздан шу қадар узоқманки, катга тўпни гумбурутатганда ҳам эшитмайсиз. Тирикман, онажон, тирикман!! Соғиниб изтироб чекманг. Мана, бир варақни тўлдираману уни йиртиб олиб шамолдан бериб юбораман. Ёки тушимда ўзим элтаман. Онажон, нега тушимга кирмайсиз? Иброҳим, дўстим! Сен лосни ўлдирдинг. Йўқса, очликдан ўлиб кетардик, ахир биладан-да, қўр-қутимиз йўқ. Сен нималар деб далда берма, Иброҳим, қадрдоним, яхши биладан, на ёрма, на қотган нон қолган. Мана энди, худога шукур, тўқмиз. Гўшт ярим йилга етади. Онажон, ура Қичқиринг, ура! Болагинангиз соғсаломат. Мана, ҳузурингизги бориб, ширин пирог ва мураббо билан чой ичамиз. Яхши ётиб турунг, онажон! Чамаси халоскорим, содиқ дўстим ва хизматкорим келяпти».

Дарҳақиқат, чайла ташқарисида аллакимнинг томоқ қиргани эшитилди. Брезентнинг этаги очилдию Иброҳим эмаклаб кирди. Прохор унга разм солди. Иброҳимнинг кўзлари хира тортган, бежо эди. Прохор унинг гужанак бўлиб, шалвираб ўтиришини кўрдию юраги шир этиб кетди.

— Нима гап?— деб сўради у хавотир олиб.

Черкас индамади. Қулоқчинининг қулоқлари иппини ечди, бароқ папағини бошидан олди ва бўйнини елкалари нчига тортганча гулхан ёнига ўтирди.

— Гўшт қани? Кечки овқатни есак бўларди.

Черкас ҳамон чурқ этмас, гулханга паришонхотир туфлар эди. Ниҳоят у бўғиқ, довдираган овозда гапирди.

— Лосни тополмадим.

— Нега!

— Нимага бақирасан! Тополмадим деяпман-ку... Йўқ... Қоронғи тушиб қолди... Эртага.

Прохорнинг ичи яланиб кетган эди.

— Иброҳим, бўтқа пишир.

— Бўтқа йўқ!— деб қичқирди Иброҳим зардаси қайнаб.

— Қотган нон бера қол... Чой қайнат.

— Қотган нон йўқ! Чой йўқ. Ҳеч вақо йўқ. Мана нкки дона гугурт чўпи бор, ёндирамиз, бўлмаса нима қилардик?

Иброҳим гўё сўкинаётгандек бўлиб-бўлиб, қўрслик қилиб гапирар, ҳар гапирганида Прохор томонга ўқрайиб, зимдан қараб қўяр эди. Прохорнинг унга нисбатан бўлган меҳр-муҳаббатига путур етдию кўнгли қаттиқ озор чекди.

— Нега жекирасан? Тобинг йўқми?— деди у секин, таънаомуз.

— Ишинг бўлмасин.

Гулхан ҳазин чирсиллар, чодирнинг деворларида шаклсиз кўланкалар судралар, бир талай мужилган суяк бўм-бўш тўрвалар ёнида сочилиб ётар эди.

— Ухла,— деб буюрди черкас.— Эртага озодликда бўламиз... Эртага ҳамма нарса бўлади... Бугун ухла! Қаттиқ ухла...— У хўсинди ва кўзларини юшиб, пешонасини тиззасига қўйди.

Прохорнинг таъби хира, дили вайрон эди. Юраги ғаш бўлиб, қандайдир фалокат содир бўлишидан белги берарди. У бор гапни Иброҳимдан сўраб-суриштиришга журъат этмади. Нима кераги бор? «Ухла!»— дейиш осон. Бу мудҳиш соатда кўзга уйқу ксладимиз? Эртага нима бўлади? Наҳотки тайга уларни босиб-янчиб ташлайди?

Прохорнинг эти увишди. Аввалига тишлари такиллади, кейин аззойи баданига қалтироқ турдию ўзини тутолмай дир-дир титрай бошлади. У лось терисига бошини буркаб олди, теридан мох ва ачимсиқ ҳид келарди. Бутун вужуди ҳамон қалтирарди. «...Йўқ, бўлиши мумкин эмас, мумкин эмас. Иброҳимнинг шуңчаки феъли айниб қолди. Эртага ҳаммаси ойдинлашади, эртага улар тетик-бардам йўлга тушишади. Олға, ғарбга, Крайск сари!.. Оббо, жин ургур-э... Нега бунча қалтираяпти? Бир кружка несиқ чой бўлганда... Ром билан. Қани энди егулик бир нарса бўлса, Ҳей, Иброҳим!»

Пўстиннинг ости иссиқ, дим.

Тайга узра дақиқалар ва соатлар ўтиб бормоқда, дақиқалар пўстин остига мўралайди, ҳар бир дақиқа ўсиб соатларга айланади. Вақт ниҳоятда секин ўтади. Прохор шундай аҳволдаки, уйғоқлигини ҳам, ухлаётганини ҳам билмайди, пўстин тагида оғир, зериктирувчи нимадир ғимирлайди, ёш бошни пармалайди, ваҳм босган юракни кемиради.

Балки тонг отгандир? Ёки ҳали кечаси тугамаганмикин? «Бўрилар».

Ориқ, букчайган, кулранг бўрилар оч кўзларини чақчайтириб увиллайди. Еттита улар.

Прохор:

— Бўрилар!— деб қичқириб юбордию гуйғониб кетди. У пўстинни сал кўтариб қотиб қолди. Бўрилардан бири ваҳшиёна улиб нола чекишни бошлаб берди, кейин жон аччиғида акиллаб, бутун гала унга жўр бўлди. Қаердадир яқингинада қўл узатса етадиган ерда. «Улар отни ғажиб ташлайди. Барча сизгирларни, қўйларни, бузоқларни бўғизлайди. Отам нима дейди? Ҳей, турунглар...»

— Бўрилар!— деди Прохор ҳушига келиб, пўстинини бир чеккага итқитиб, кўзга балодек кўрниниб қолган чодирнинг одми матосига кўз югуртириб.— Иброҳим... Бўрилар... лосимизни еб кетишади... Ҳей?

Иброҳим ҳамон гулхан ёнида букчайганча юзини кафтларига қўйиб ўтирарди. Ниҳоят у бошини кўтарди-да, йиғитчанинг юзига қараб:

— Ухла, қўноқ. Бўримас булар. Тайгада бўри йўқ.... Шамол бу. Ухла,— деди.

— Нима бўлди, Иброҳим! Нега йиғламсираб гапиряпсан? Кўзларингам ғалати... А?

— Мен йиғламайман. Алдаяпсан. Мен ҳеч қачон обидийда қилмайман.

У пишиллаб, бурнини қоқди-да, ташқарига чиқиб кетди.

«Бўрилар, — деди йиғитча қатъий ишонч билан. — Э, гап бўёқда экан-да... Аввал ҳам увиллаган эди. Ҳозир яна... Гўштни еб битиришган. Иброҳим мана шунинг учун алазамда...»

Бўрининг овози шамол турганида узоқлашар, гоҳ яқин ерда чийилдоқ, қаҳрли янграр эди. Прохорга бўрининг увиллашига одамнинг охи ноласи қўшилиб кетгандек туюлди. Йўқ, бу қулоғи шанғиллашидан, касаллик асорати миясини ғувиллатганидан; шубҳа йўқ, Иброҳим бундай нола қилмайди. Чодирни кучли шамол юлқиди. Қорбўрон гирдобдек чарх уриб чодирнинг туйнугидан ёпирилиб кирди. Дафъатан тайга гувиллади. Чодирга Иброҳим кириб келди. У қатъиятли, дадил эди. Чимирилган қошлари орасида чуқур ажинлар кўринар, лаблари қимтилган эди.

— Қорбўрон. Қуюн бўляпти, — деди у узук-юлуқ. — Ҳечқисин йўқ, йиғит, бардам бўл. — У Прохорнинг ёнига чўк тушиб ўтирди-да, унинг елкасига қўлини қўйди ва меҳри товланиб, кўзларига боқди.

— Хўш, қалай, Иброҳим, азизим?.. Ишларимиз пачавами?

— Яхши...

— Ёмон?

— Яхши! Яхши! Биқин — ёмон... Огривотти... Суяк, қовурга сирқирайди, — Иброҳим пишқирди, қошлари чимирилди, ҳолсизланиб кўзларини юмди ва худди кўрлардек пайпаслаб йиғитчанинг боши билан елкаларини сийпади:

— Сени яхши кўраман, Прощка... Яхши кўраман... — У бу гапларни гўё Прохор билан бир умрга ажралишаётгандек изтироб ва алам тўла оҳангда айтди. — Яхши кўраман.

Ҳаяжондан Прохор энтикиб қолди. У черкасининг серажин, доно манглайдан ўпди ва беихтиёр унинг ўзига разм солди: аъзойи бадани жунбишга келиб, ларзон урарди. Прохор бўғзига пичоқ қадалган қўзичоқдек ўз тақдирининг ҳукмдорига ишонч билан қараб ўтирарди. Бироқ юраги уришдан тўхтаб қолар ва кўнгли даҳшатли, олдини олиб бўлмайдиган бир фалокат юз беришини сезиб турар эди. Бу фалокат ҳатто оч бўриларнинг қулоққа чалинаётган акиллашида ва ўрмоннинг тобора кучлироқ дарғазаб гувиллашида ҳам сезиларди.

— Ухла! — деди яна черкас дағаллашган, қатъий овозда. — Қаттиқ ухла, уйғонма.

Ётишга тараддуд кўраётган Прохорга гулхан ёнидан тағни қичқирди:

— Алвидо, Прощка!.. Алвидо, йиғит!.. Алвидо!..

«Нега алвидо деяпти? Нима учун алвидо?» — Прохор буни сўрашга уриниб кўрдню лекин чоғи келмади.

Прохор пўстин тагида кўзларини очганча бедор ётарди. Қалласида ғамгин, шошқалоқ, узуқ-юлуқ фикрлар учқур қушларнинг қаноти каби лип-лип қиларди. Тайганинг шовқин-сурони, говур-гувўрида туғилган бу ваҳимали фикрлар шовиллаган, чийиллаган, гувиллаган овозлар қанотида юракка ўрмалаб кирар, уни шипшийдам қилар, қалбидан оҳу нолаларни юлқиб ташқарига отилиб чиқарди. Диққинафаслик ўлимдан бешбаттар оғир эди. Бутун ҳис-сезгини, барча ноаниқ чала-чулла овозлару сўзларни кимдир номаълум кимса худди тройкага қўшилган асов отларнинг икки ёққа айрилиб кетган жиловини жонжаҳди билан чангаллаб олгандек маҳкам чангаллаб олган, азоб берар, васвасага солар ва талаб қилар эди. «Овқат». Енгиб бўлмас, ични таталовчи очлик.

«Овқат!»

Бироқ ейишга ҳеч вақо йўқ. Эртага ҳам тишга босиш ва қоринни алдаш учун ҳатто нон увоғи ҳам йўқ. Хўш, индинга нима бўлади?

«Алвидо, Прошка!.. Алвидо, йигит!»

Черкас ханжарини қайрапти.

Шовқин-суронда, авж олаётган гувиллашда ва тайганинг говур-гувўрида Прохор сезгирлик билан эшитиб турибди, черкас ханжарини қайрапти.

Жингилловчи, таниш товуш. Ярқироқ, совуқ, оташин, алвон бу товуш пўстин тагига илондек ўрмалаб киради, кўзини сузиб Прохорга шишасимон, чивиннинг нишидек ўткир нигоҳини қадайдди.

«Жинг, жинг... Алвидо, йигит».

«Черкас ханжарини қайраб, лосни ўлдиради... Лосни чодирга судраб келади... Гулхан, олов». Прохор жилмаяди, ширин хаёл еуради, жингиллаётган темир овози ғойиб бўлади.

Қилич дами одам каби кўҳна, яшашдан чарчаган, черкасининг қилич дамидек кўҳна қалби ҳам уришдан чарчаган.

Черкас ханжарини қайрамоқда.

Ўткир бўлсин-да. Соч толасини кесиб кўрди: йўқ, ҳали ўтмас. Жуда ҳам ўткир бўлиши керак. Ёлқинли нигоҳ, мия, қалб — ҳаммаси худди тайганинг ер ости ёнғинидек яширин ўт ичиди. Пўлат оппоқ, чеккалари сарғиш-кўкимтир товланади, пўлат барҳаёт, доно, пўлат севиб қатл этадиган забардаст кўлда содиқ, тигни зарб билан кескин силтаса борми, шу билан.

— Ой, йигит, йигит!..

Бир томчи тер черкасининг қирғийшикидақа бурнидан думалаб, унинг тўсдек қора, қалин соқолига тушди. Иброҳим базўр нафасини ростлагач, тошга айланган юраги юмшади, қуюшқондан чиқиб кетган фикрлари тинчиб, ўрнига тушди, қалби рўй бериши муқаррар нарсани аниқ-таниқ ҳис қилди. Лаблари пичирлади:

— Сенга осон кўчади, Прощка... Менга-чи... Ой, ой, Иброҳим ўғли!.. Кавказинг, винонг, узуминг, хушбўй бодоминг қаерда қолади? Олло-олло!..

У теварак-атрофга хира кўзлари билан разм солади, синган қовурғаси зирқираб қаттиқ огриётган биқинига боғланган латтани жон ҳолатда ушлайди.

— Бўриларни тайгага ким юборди? Минг лаънат! Бизларни бу ерга ҳаром ўлларинг деб ким таъшлади? Минг лаънат? Юз минг лаънат! Қҳ!

У шу топда ярқ этиб очилиб кетган кўзлари билан гулханга, тайгадаги сўнгни оловга сўнгни ҳаёт учқунига тикилиб қолди. Шунда унинг бутун ҳаёти кўз ўнгидан қурум босган маржондек бирма-бир ўта бошлади. Ғариб бола — ўзининг қадрдон Кавказ тоғларида бировларнинг молини боқувчи чўпон. Навқирон, бақувват йигит. Яқин-йироқдаги барча овулларнинг энг моҳир чавандози ва мергани. Черкас қизига жўшқин, оташин муҳаббати,—йигирмата қулф билан тақа-тақ беркитиб ташланган ердан уни ўғирлаб чиқиб, хатарли ўқларнинг визиллаши остида тоғ чечаклари сочилган кулбасига елдек учириб кетгани.

Мана, ҳаётдаги оқ маржонлар қайин пўстлоғи алангасида чарх уриб айланади: қурум оқ маржонлар устини қоракуяга бўяйдю черкасинг ҳаёти ўчиб қолган гулханнинг кулидек сўниқ бўлади-қолади. Муқаддас интиқом, ханжар, қон. Оқибат жуфти ҳалолидан жудо бўлган черкас темир билан қовушади, оёғига кишан урилиб, ўн йил сургунда юради. Очлик, қамчи, кишан, Акатуянинг шумшук тоғлари: О, дунёга келган соатига минг лаънат! Гуноҳи нима? Қаердасан, жуфти ҳалодим? Қайлардасан, онаизорим?! Қайда қолдингиз, ям-яшил узумзорлар, атиргуллар, оташнафас қуёш, серсоя чинорлар, қўшиқлар, гулхан атрофида, ханжарлар жарангида бўладиган рақслар? Қаердасан, мовий осмон, қадрдон тоғлардаги чақмоқлар ва момақалдироқ гулдуриси? Эҳ! Ҳаммаси тушдагидек ўтди-кетди...

Уй-хаёллардан зилдек бўлиб кетган черкасинг боши сушт ёнаётган гулхан устига эгилди, трубка ораси очилган тишларидан ерга тушиб кетди. Черкас юрагини чангаллаб, ингради.

Тарашадек қотган чодир ортида қаҳрли увиллаб қорбўрон унга жўр бўлади, гулханга ҳовучлаб қор отади. Совуқ. Гулхан чўчаяпти, гугурт йўқ.

— Алвидо, йигит!.. Кечир мени йигит!.. Қаттиқ ухла...

Черкас бошини азот кўтарди. Трубкани тишлари орасига қистирди, кескин ҳаракат билан ханжарни боши узра айлантирди ва тиккасига ҳавога санчди.—«Қҳ! Шунда, мўлжалга аниқ...»

Ханжарнинг муздек дамидан ўпиб, қинига солиб қўйди. Ханжар билан бирга бутун қалби шишшийдам зулмат қўйнига чўкди.

Нажот йўқ. Тайга бепоён. Саркаш дарё учқур елкасида олиб юрмайди энди.

— Алвидо, йигит!

Қўққисдан ҳаммаёқ даҳшатли гувиллади: кучли бўрон турди. Ғарибгина чодирни шитирлатиб совун пуфакчасидек учириб кетди. Қуюн кўз очиб юмгунча гулханны қорга кўмиб юборди-ю ҳаммаёқ қоп-қоронғи бўлди-қолди.

Фақат бўроннинг гувиллашию унинг дарахтларни илдизпилдизи билан қўпориб гумбурлатиб ерга қулатаётгани эшитиларди. Айиқлар ўкирар, тулкилар акиллар, қорга беланган оқсоч аёл илдиз тагидан қирмиз юз-бошини чиқариб: «Ҳап сенларними... шошмай туринглар... У-ууу...»— деб ўдағайлагандек бўлар эди.

Қорбўрон қабрсимон қор қўрғонни гоҳ текислар, гоҳ тиклар, битмас-туганмас шиддатли қуюн ҳамма ёқда чарх урар, бўрон улкан новдаларни синдириб, яланг далалардан қушларнинг галасидек учирар эди. Ҳамма нарса аралаш-қуралаш, қиёматқойим бўлиб кетди.

Черкас йўталиб, бошини сарак-сарак қилди. Қорбўрон нафасини бўғарди. У аранг нафасини ростлади-да, ханжарини пайпаслади ва жон аччиғида донг қотиб ухлаб ётган йигитнинг устидан пўстинни олиб ташлади:

— Э, бор-э!—ханжар йилтираб кетди...

Бўрон дарахтларни қарсиллатиб қулатар, синдираб ва аянчли бўлақларини худди қуруқ ўтдек қисирлатиб, гувиллаганча дарёнинг нарёғига учириб кетарди. Шиддаткор бўрон тайгани ерга қапиштирарди. Чор атрофдаги ҳамма нарса жунбишга келган эди. Шу ҳалокатли тунда кимда-ким қор бўронда қолган бўлса, хоҳ у кучли бўлсин, хоҳ кучсиз, тирикжон борки, ҳаммасининг шўри қуриди.*

1

Петр Громов гўё учларидан спирт томчилаётгандек, қипқизил шишинқираган, йўғон бармоқлари титраб телеграммани очди ва пешонасига қўндирилган кўзойнагини кўзлари устига туширди, Марья Кирилловна дағ-дағ қалтираб унга ҳадик-хавотир билан қараб турарди.

— Во дариг!— деди савдогар, шикаста овозда икки бети пир-пир учди, юзи тундлашди. — Нобуд бўпти-ку, Прошкамиз! Ана холос! Губернатордан кепти тилгиром...

Марья Кирилловна бошини чангаллаб чинқирганча тиз чўқди, юзини курсининг духобасига босиб ўкраб йиғлади.

— Сабр қил! Тўхта! Нима ёзганини эшитсанг-чи... Балки ҳали тирикдир.

Шундан кейин у қўлларида титраб турган аҳамиятли ва қайғули бир парча қоғозга ёзилган сўзларни баланд овозда ўқий бошлади.

«Алоҳида приставнииг маълум қилишича монастырь ёнидан ва теварак-атрофдаги жойлардан сайёҳлар на қайиқда, на пиёда ўтишган. Қидирув ишларига фақат январь ойларидагина, кўлларда ярмарка очилганда, бегона миллат кишилари буғилар билан йўлни шиббалашгандагина киришиш мумкин. 13013.

Вице-губернатор Нольде».

— Мана кўрдингми? Ув тортма, Марья! Э, одам бўлмайт кет!.. Ахир, сузиб ёки пиёда ўтишмаган, дебди-ку. Ўтиб қолишар балким.

— Қаерда ахир улар?— Марья Кирилловна кўз ёшига ювилган ғамгин чехрасини кўтарди.

— Қаерда, қаерда?.. Худо билади қаердалигини... Балки орқага қайтишгандир. Қараб тур, Груздев хабар қилиб қолар. Ёки Метелев... Ҳар иш худонинг иродаси билан бўлади... Лекнин анов рақамлар нимани англатаркин?

У бурчакдаги хонага чиқди, бу ерда Марья Кирилловнанинг оху фарёди сал-пал қулоққа чалинарди. Петр Данилич у ёқдан-бу ёққа бориб келар экан, паришонхотир такрорларди:

— «13013»... «13013»... Ҳеч нарсага тушунмаяпти... Вой худойим-э!

У пиджагининг чўнтагидан ароқ солинган ясси флягани олди-да, қопқоғини бураб чиқарди ва унга ароқ қуйиб ичди.

— «13013»... Балки ана ўша тунгус-мунгусларга шунча пул бериш керакдир? Э, йўқ... Хомтама бўлма! Истасалар, ўз ёнларидан сарф қилиб йўлни шиббалашсин. Оҳ, Прошка, Прошка!.. Э, меҳрибон парвардигор! Аҳмоқман, аҳмоқман. Йигитни бадарга қилинган қандай кал иблисга қўшиб жўнатдим-а. «13013»... Ильяни чақириб керак.

Товонини кўтариб, оёқ учида юрганча паст бўйли приказчик хўжайини олдига келди ва телеграммани қайта-қайта ўқиди:

— Хўш, нима дейсан, калла?— деб сўради Петр Данилич.

— Менимча ишлар беш,—деди Илья жингалак сочини силкитиб.

— Масалан?

— Масалан, улар тирик, соғ-саломат. Қандайдир тунгусларнинг овулида ётишибди. Хат-хабар юборишга ожизлар. Қаргаданми зағчаданми хабар беришнинг иложи йўқ. Ахир сизга айтиб эдим-ку. Кўклам келса фалакнинг гардиши билан лоп этиб сузиб келишади-қўйишади. Изоҳга ўрин йўқ.

— Ҳм! Хўп, яхши. Хўш, «13013» нимани англатади?

— «13013»?— Приказчик оғзига кафтини тутиб йўталди, пешонасини тириштиради, қошини чимирди.— Бунини қарангки, аниқ жавоб беришга ожизман.

— Ноаниқ айта оласанми?

— Яъни, масалан, мағзини чақолмаяпман... Хато кетган.

— Ишқилиб губернатор пул сўрамаётибдимикин? Қайсики, қидириш учун. Бермайман.

— Асло! Шунча пулни кўкка соуриб-а, ақлдан озиш мумкин!

— Бермайман дедим, бермайман,—деди савдогар чўрт кесиб ва яна бир стаканча ароқ ичди.

У ланғиллаб ёнаётган печга қарай-қарай, қўнжи тиззасидан баланд узун пиймаларини ерда судраганча танҳо ўзи анча вақт хонада кезди.

— «13013»... «13013»... Қашишнинг олдига бориш керак.

У шоша-пиша учинчи стаканчани қуйди-да, чўқиниб, ичиб юборди.

— Хўп ғалати ишлар бўлди-ку... Эҳ, худойим!

Қалин муз қоплаган деразалардан қирчиллама совуқда оппоқ укпардек кун кўринарди.

Петр Данилич уезд шаҳрига жўнаб кетди. Анфиса ёлғиз

қолди. У дилгир, юрагини ваҳм босган. Прохорга ачиниб, унинг аччиқ қисматидан жигар-бағри хун бўлиб зор-зор йиғлади. Ҳар кун кечқурун Анфиса ярим кечасигача Прохорнинг олис ерда ҳоли нима кечганини билишга уриниб картада фол очади, бироқ фалокатдан дарак бериб, нуқул қарга чиқади. Вой, худойим-эй! Марья Кирилловнанинг олдига бориб келсам бўларди: ҳойнаҳой, адойи тамом бўлгандир шўрлик. Лекин қай юз билан бораман? Уйига киргизмай: «Тур, жўна!»— деса-чи.

У шу кўйи юрак-бағри эзилиб вақт ўтказар, Петр Данилич эса, дам олишни хаёлига ҳам келтирмай қушдек елиб бормоқда эди.

— Менга қара, йигит, қўнғироқчаларнинг падарига минг лаънат. Ҳозир қўнғироқчалар экану кўнглимга қил ҳам сиймайди,— деб ўдағайлади у ямшикларга ва бутун йўл бўйи қовоғидан қор ёғиб, мум тишлагандек чурқ этмай кетди.

У интиқ кўзлари билан ўрмонларни чулғаб олган совуқ туманлар орасидан қалқиб чиқаётган қумушранг олис-олисларга, катта доира ўртасидаги тўлин ойга разм солар, ҳамма ерда кўзига Прохор кўрингандек бўлар эди: мана, у Саркаш дарёнинг мавжларида жавлон урмоқда, мана, оғир юк остида букчайиб, қор уюмлари устидан чанғида учиб бормоқда, мана, қолдан тойиб, чинордек қулади, тўнғияпти.

Петр Данилич инграб, чўқинди:

«Табаррук ҳаворий Прохоре! Нобуд қилма уни!..»

Бироқ қўшқоракларнинг ғижирлаши:— «Алвидо, ота... Алви-до-о-о...»— деяётгандек туюлади.

Бутун йўл давомида у гуноҳкор қалбини алғов-далғов қилган шундай нохуш фикрлар исканжасида озор чекди...

Кўпириб кетган отлар совуқ тунда елиб келган шаҳардаги ягона меҳмонхона — «Сибирь номерлари» қамоқхона каби шумшук, зах, муздек гиштин бинога жойлашган эди. Челакка ўхшаш бесўнақай самовар, кираверишда лампамой билан ёнадиган фонарь, ғийқиллаб очиладиган эшик, чиринди ҳиди анқиб турган нимқоронғи тор йўлак.

— Ҳей! Тирик жон борми?— деб қичқирди Петр Данилич ва ҳеч қандай жавоб бўлмагач, чарм тикилган пиймаларини ата-ини тарақлатиб йўлакдан юрди. Бироқ ҳаммаёқ жимжит ва қоронғи.

— Ке, номерларни гумбирлатамиз,— деди у ямшикка, сўнг, иккови жон-жаҳди билан ҳар бир номерни муштлари билан дукиллашиб, тарақлатиб тепа бошладилар. Номерлардан бирини аллакимнинг қўрс овози эшитилди:

— Нима керак, жин ургурлар?

— Мутасадди қаерда?— деб сўради Петр Данилич қувониб.

— Мен қаердан биламан? Жинни-пинними...

¹ Исонинг афсонавий ўн икки шоғирдларидан бири. (Тарж.)

— Мутасадди қаерда деяпман! Ахир кўчада тунаб қололмайман-ку... Мен мусофир савдогарман, Громов...

— Ҳозир чиқай, ўша савдогар Громовга кўрсатиб қўяман... Қочгани жой тополмайди!— жаҳл билан деди ҳалиги одам эшик ортидан.— Аввал шимимни кийиб олай... Шошма... шошма!..

— Кечасиям санқишгани санқишган,— кутилмаганда эшик орқасидан аёлнинг жаврагани эшитилди.— Ухлаганиям қўйишмайди... Алвастилар!..

Петр Данилич уларни болохонадор қилиб сўқди-да, оғзидан боди кириб-шоди чиқиб кейинги номерни гумбурлатди. Мана, ниҳоят йўлакнинг охирида эшик гийқилладию биров чийиллаб бақирди:

— Ким тўполон қияпти? А?

— Менга мутасадди керак,— деди савдогар ва чамадонини кўтариб овоз келган томонга юрди.

— Ким керак?— елкасига пўстин ташлаган киши қоронғилик ичидан чиқиб сўради.

— Мутасадди керак менга!

— Нега?

— Номер зарур бўп қолди!

— Номерми? Тунашгами?

— Ҳа-да.

— Ёлғиз ўзингни ёки жонон биланми, батамом узил-кесил?

— Ёлғиз ўзимман! Мусофирман.

— Шундай демайсанми. Бизда ҳар хил номер бор... Сенга неча пуллиги керак? Уттиз тийинлиги бор. Қиммати бор... Энг яхшиси, бир сўм.

— Бўпти, энг яхшисини бер!

— Юр орқамдан, жаноб мусофир! Кўзингга қара, пешонангни ёрма тағин... Бу ерда тўсин тушиб кетган... Дурадгор тополмай гарангмиз. Шаҳармиш тағин! Ургилдим бунақа шаҳардан... Меҳмонхона эгаси эса авахтада ётибди. Бир ҳафтадан ошди. Сабаби, шаҳар оқсоқоли билан муштлашиб соқолини юлиб олди. Кўзини чиқарди. Сен қаерликсан? Нега келдинг? Ёр-поғ опкелдингми, нима бало? Балки катта амалдордирсан? Табибмисан ё? Билмайсанми, ширинча касаллигини қандай даволайди? Битгаси менга бодрезакни тавсия қилди, шу ерда ўралашиб юрган бир дайди эса тухум совунини чой билан ичишни тайинлади. Ун беш стакан ичгин-да, пўстинга ўралиб ёт, деди... Гарақ-гарақ терлаш учун... Начора, ичиб кўрдим, қани энди томоқдан ўтса. Ўзиям бир ҳафта қайт қилдим. Ўлдим, деб ўйладим, батамом узил-кесил...

Хизматкор худди жонга теккан қоғоф аридек гўнғиллаб савдогарни орқасидан эргаштирди. Улар қандайдир хуфя қиғир-қийшиқ пиллапояли зинадан юқорига чиқишди, тимирскиланиб қоп-қоронғи йўлакдан ўтишди, ниҳоят хизматкор тўхтадию Петр Даниличнинг қўлига ёғи четларидан эриб тушган шам қолдиғини тутқазди ва чўнтагидан ҳар қандай манаман

деган бўрини бир урганда тил торттирмай ўлдирадиган алми-соқдан қолган катта калит чиқарди, кейин уни эшик бурнига тиқиб кучи борича айлантира бошлади. Бироқ, ҳадеганда эшик очилавермади. Хизматкор оёқларини кериб, кўзларини қисди-да, тишларини шақиллатди, бундан қулоқлари ўралган қизил рўмолча тагидаги юзи изтиробли тус олди, у зўр бериб пишиллаганча лаънати эшик олдида беҳуда тоза уринди.

— Т-фу!— деб савдогарнинг ўнг оёғидаги этикка тупурди у тутоқиб ва чийиллади:— Қани, сен бура-чи... Мендан бақувватроқсан.

Савдогар енгини шимарди, кафтига туфлади ва калитни жон-жаҳди билан чангаллаб, ҳар мақомда бураб силкита бошлади. Шунақанги тарақа-туруқ, гумбур-гумбур бўлиб кетдики, нақ тошлар устидан арава юргандек бўлди.

— Шошманг, жаноб мусофир, ҳозир лампамой ёхуд ёғ олиб келаман. Мойламаса бўлмайди. Ушанда очилади. Оҳ, худойим-е! Қулоғим оқади.

Хизматкор келгунча фиғони фалакка чиққан савдогар калитнинг қулогини синдирди.

— Энди нима қилдик?

Савдогар билан хизматкор ҳайрон бўлганча худди ҳайкалдек бир-бирларига қараб туришарди.

— Бошқа номерни очиш керак,— деб маслаҳат берди ямшичк бола.

— Рост!— савдогар билан хизматкор бараварига шодон қичқириб юборишди.— Бунга қара-я, аҳмоқ бўлиб уриниб ётибмиз.

— Бошқасини очса ҳам бўлади,— деди хизматкор.— Бизда бўш номерлар тиқилиб ётибди. Лекин улар унчалик эмас. Баҳоси кумуш тангада саксон тийин, яна тагин бургалар ҳам безовта қилади, батамом узил-кесил...

— Кўпми бурга?— деб сўради савдогар тоқати тоқ бўлиб.

— Жудаям кўпмас-у, аммо-лекин бор... Ўлдирадиган қилиб чақмайди...

Ачимсиқ, димиққан ҳаво савдогарни беҳуд қилди. У бурнини жийриб, деди:

— Хўп, қамоқхона эканми?.. Гап бундай: печга дарров ўт ёқ, самовар қўйгин-да, менга овқат келтир. Қарам шўрва, қовурдоқ, бўтқа дегандек... Чучвара бўлса, чучвара опке.

Хизматкор унга ҳанг-манг бўлиб, дам ўнг кўзини, дам чап кўзини сузиб қараб турди-турди-да, шикаста овозда деди:

— Кўнгилларига оғир олмасинлару бизда бунақа нарсалар йўқ... Пазанда аёл маст-аласт...

— Дарров ўрнидан тургаз!.. Итдек очман...

— Айтгандек, у чалажон... Батамом узил-кесил... Эплломайди... Ароқдан ичи куйиб кетган. Кеча полиция опкетди. Ичак-човоғини ағдаргани...

Савдогар хизматкорга ёвқараш қилди-да, чўрт кесиб:

— Аҳмоқ!— деди.

Кейинги гап-сўзлардан маълум бўлдики, ошхонада ҳеч ва-қо қолмапти, хизматкорнинг ўзи ҳам бир ҳафтадан ошибди-ки, қуруқ нон еб кун кўраркан, энди нон ҳам тугаб битибди. Аламзада Петр Данилич шартта теллагини пешонасига бос-тириб кийди-да, тимирскиланиб, кўчага чиқди. У нафсини қон-дириш учун бир қучоқ булка сотиб олмоқчи эди.

— Амримахол,— хизматкорнинг мунгли мингиллаши эши-тилди.— Ҳозир ҳамма ухлаб ётибди... Ҳадемай соат тўққиз бўлади. Итлар кекирдәкни ғажийди. Бўшатишган улар.

Қор ёғар, ҳаммаёқ зим-зиё қоронғи эди,— савдогар беғубор қор уюмларига бота-бота терлаб-пишиб, очлик азобидан дар-газаб бўлганча, йўлга егулик у-бу оливолмагани учун ўзига лаънатлар ўқиб кўчадан борарди. Хаёлига яна бир зум Про-хор келди-ю, бироқ овқат ташвиши ҳамма нарсани маҳв этди ва дарди-фикри овқат ейиш, еганда ҳам мўл-кўл ейиш бўлиб қолди!

Қани энди қимир этган жон кўринса. Ҳамма гўё қирилиб кетгандек, деразалар қоп-қоронғи эди, соат энди тўққиздан ош-ган бўлишига қарамай итлар ҳам ҳурмасди.

Ой булут ортидан бир лаҳза қалқиб чиқдию унинг хира ёғдусида икки қаватли оқ уй қаққайиб кўринди.

«А-ҳа! Молия бошқармаси... Бундан чиқди қоқ марказ... Жоме...»

Катта дарвоза олдидаги скамейкада баҳайбат бир одам ўтирарди. Унинг устидан худди тунгус ўтовидан кўтарилган-дек паға-паға буг кўтариларди. Петр Данилич бунинг қоровул эканлигини фаҳмлади. Чинакамига шундай эди: жуни теска-рисига ағдариб тикилган иккита пўстинга бурканган, ҳар қан-дай дарёдан бемалол сузиб ўтса бўладиган қайиқдек калиш билан катта кигиз этик кийган тунги қоровул афт-ангори таърифга сизмас қари махлуқни эслатар, устига-устак донг қотиб ухлар эди.

Петр Данилич ҳарчанд уринса-да, уни одамшавандалик билан уйғотолмагач, жаҳли чиқдию устига қалин қиров қўнган, ёқаси кўтарилган қоровулни қучоқлади-да, ерга думалатди. Қоровул инқиллар, худди муз устидаги бўғоз сигирдек, у ён-бошидан-бу ёнбошига ағдарилар ва сира ўрнидан туролмас эди. Петр Данилич худди бегемотдек типирчилаётган қоровулга, унинг беўхшов телпаги ва ит терисидан тикилган қўлқопига ҳамда силкинаётган шақилдоғию ипга боғланган қалайи ҳуштагига қараб қотиб-қотиб кулди.

— Э, қоровул бўлмай кет!.. Бунча бесўнақай!

— Ой, тақсир, қарашвор... Марҳаматингни дариг тутма.

Петр Данилич уни турғазиб қўйди.

— Чўқморни узатвор-чи... Энгашолмайман, — чол бами-соли қопқонга тушиб қолган қари тулкидек аянчли гингшиди.

Савдогар унга залварли чўқморни олиб берди.

— Оҳ, қуллуқ сенга, тақсир! — Қоровул шундай деб қўлқопи-ни ечиб ташладию чўқмор билан анқайиб турган савдогар-нинг бошига қарсиллатиб тушириб қолди.

— Жинни бўлдингми, қари шайтон?

— Кўзинг очилдими? Бундан кейин кечалари одамларнинг тинчини бузмайсан... Муттаҳам...

Чол ҳуштагини чалиб, шақилдоғини шақиллатиб хира, қийиқ кўзлари билан рўпарасида турган уст-боши нозандек одамга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

— Қандай ҳаддинг сизди, қари алвасти? Эртага полиция бошлиғига арз қиламан... Мен — савдогарман...

— Савдо-огар-ман дегин? — деди чол чўзиб, унинг кўксидан залварли нидо отилиб чиқди. — Ундай бўлса бошинг бориб оёғинг келгунча юравер... Бунинг оғир-енгили йўқ. Кимсан ўзинг?

— Громов. Овқат бўлса, яхши бўларди.

— Гро-о-мов? — деб ҳайрон қолди чол ва Петр Данилич-нинг ёнига келиб, унинг башарасига синчиклаб тикилди. — Тайгадан келдингми?

— Ўша ердан. Тайгадан.

— Ана холос!.. Ўзингга шукур. Бундан чиқди, Данилонинг набираси экансан-да. Хўш, Данило бобо ҳаётми?

— Ўлган.

Петр Данилич жаҳли чиқиб, суҳбатни шартта бўлгиси келди-ю, бироқ чол қорнимни тўйдирар, деган умид билан аҳди-дан қайтди.

— Уни танирмидинг, нима бало!

— Бобонг Данилоними? Танибгина қолмай, ҳали тонг-ла маҳшарда у билан ёнма-ён туриб жавоб бераман... Шунақа танирдим уни. Унда ямшчик эдим, тайгада олиб юрардим. — Чолнинг овозида аччиқ алам, биров думини босиб олган илон-нинг вишиллашига ўхшаш оҳанг бор эди. — Бўлмаса-чи! Икковимизнинг қўлимиз қон.

— Қанақасига?

— Бунга сенинг ақлинг етмайди... — Чол маънодор томоқ қирди, чўқмори билан қорни бир урди-да, жим бўлди.

— Менга қара, бобой, қорнимни тўйғизмайсанми, а?.. — деб Петр Данилич илтижо қилди ютиниб. — Кўнглим озяпти. Эрталабдан бери туз тоганим йўқ.

— Кечаси овқатни қайдан оламан? Кечаси ҳамма ухлайди... Дарвоқе, Грабиловкага бориб кўр, ҳозир кўприкдан ўтсанг, у ерда йигитлар тешиккулча ёпишади, алламаҳалгача ухлашмайди. Балки омадинг келар.

Яна у скамейкага ўлигини ташлаб, дўмлайиб ётди-да, шо-

ша-пиша узоқлашаётган қадам товушларининг фирчиллашига қулоқ солар экан, тўнғиллади.

— Қор-ним-ни тўй-ғаз, дейди-я! Ҳм! Топган гапини-чи... Қорнингги тўйғазаман-а, тўйғазаман... Овқат ўрнига бошингга чўқмор билан туширганимга шукур қилиб кетавер... жиноятчининг насли. Т-фу!

Шундан сўнг унинг кекса бошида хотиралар гужғон ўйнади, улар тобора ёрқин ранг ола бошлади.

«Ҳа, марҳум балои азим эди. Уша Данило... Бир куни мудҳиш тунда у билан тайғадан ўтаётган эдик... Бирдан қўнғироқчаларнинг жиринг-жиринги қулоққа чалиниб қолди, биз дарҳол ўзимизни чангалзорга урдик... Менинг қўлимда сўйил, унда чўқмор... Мен-ку, гуноҳимни сургунда ювдим-а, у доғули тилла эвазига қутилиб кетди... Э, аттанг!...»

2

Петр Данилич саҳармардонда «Тичок» қовоқхонасига йўл олди. Субҳидам пайти бўлса-да, қовоқхонадаги барча жон банд эди, тош чойнинг нордон бўйи билан қўй териси ва одамнинг ачимсиқ терлаган ҳиди гуп этиб димоққа уриларди. Бозорга йироқ-ёвуқдан келган деҳқонлар қайноқ ардоб билан совқотган қоринларини иситардилар, уларга олиб-сотарлар, ўзларини «ёғли киндик» деб атайдиган жаллоблар шерик бўлиб олардилар. Мана, «Иванлар» наслидан эканидан беҳабар иккитаси кир-чир, соч-соқоли пахмайган бир тарзда ётоғида ўлгудек совқотиб қаттиқ аёзда оёғини қўлига олганча, бу ерга югуриб келган, энди ҳузур қилиб чой ичмоқда эди. Уларнинг устида аёлларнинг олди очиқ кофтаси, оёқларида дабдаласи чиққан чориқ. Шифт тагида ва пештахтада чироқ ёниб турарди.

Петр Данилич иконага чўқинди-да, озодароқ улфатларга — қассоблар билан балиқчиларга қўшилди. Бир чашкадан чой ичишгач, бутун улфатлар Петр Данилич нима сабабдан келганидан воқиф бўлишди, ва ҳар ким ўз билганича унинг бошига тушган мусибатга ҳамдардлигини изҳор қилди.

— Мен куни кеча Крайсдан келдим,— деди сочи устарада олинган, кўзи мўғулларнинг кўзига ўхшаш забардаст балиқчи,— отларни кечасио кундузи елдириб икки ҳафтада етиб келдим.

— Ҳўш, нима гаплар уёқда?— деб сабрсизлик билан унинг сўзини бўлди Петр Данилич.— Уғлим тўғрисида ҳеч қандай хабар йўқми?

— Назаримда ҳамма савдогарларни учратдим, лекин биронтаси ҳеч нарса демади. Ёш болани муқаррар ўлимга юборишга қандай кўнглингиз бўлди?..

— Шуни айтгин-а, даҳшат-ку,— деб гапга аралашди чек-када ўтирган чол.

Петр Данилич мум тишлаб қолди. У оғзи куйганига қарамай, ютоқиб чой ҳўпларди. Қорасидан оқи кўп соқоли, шишган юзидан тер чиқиб танаси яйраса-да, кўзлари бежо, ҳадик-хавотирга тўла эди.

— Ножўя иш қип қўйдим,— деди у маъюс. — Шайтоннинг васвасасига учдим. Бошим айланиб, жўнатиб юбордим. Савдони кенгайтирай, ўғлимни одам қаторига қўшай, қийинчиликни кўрсин, кўзи пишсин, ўз ҳаётини ўзи бошласин, дедим. Шу ниятда қилувдим бу ишни, жаноблар... Оқибати бошқача бўлиб чиқди... Мана, тилгиром. Бемалол кўз югуртиринглар.

Телеграмма қўлдан-қўлга ўтди: ҳатто хат танимайдиган чол ҳам қатордан қолмай деб уни тескари ушлаб кўзига тутди, ҳидлаб кўрди-да, афсус-надомат билан уф тортиб Петр Даниличга қайтариб берди.

— Ун уч минг ўн уч... Бунинг маъноси нимакин?

— Бунинг маъниси шуки,— деди балиқчи мўғилларникидек кўзларини қисиб.— Турган гап, сизни қўрқитиш ниятим йўқ, лекин ёдингизда тутинг, ворисингизга катта хавф таҳдид соляпти. Бекорга ўлиб кетиши мумкин.

Ҳамма бир-бирига қараб олди, кейин, мусофир нима деркин, деб турди. Петр Данилич юзидан қон қочиб, қалтироқ қўллари билан соқолини силади ва чўзиб:

— Йўғ-э-э? Нафасингизни ис-с-сиқ-роқ қи-линг...— деди.

— Мен сизни беҳуда қўрқитмоқчи эмасман, лекин бу ишнинг охири вой бўлиши эҳтимолдан холи эмас... Мисол учун сиз шундай воқеани кўз олдингизга келтиринг,— балиқчи табуреткани тарақлатиб талмовсираб кўзларини пирпиратаётган Громовга яқин сурилди,— авваламбор, мен сизга айтсам, у ер кимсасиз; иккиламчи,— қор кўкрагингиздан келади, бас, шундай экан, кучукдан бошқа жонзот юролмайди. Э, ким ҳам борарди уёққа? Бирдан бахт кулиб боқсаю ўғлингиз завоп топаётган ўша ерлардан, айтайлик, тунгусми, ёқутми ярмаркага ўтаётиб йўл солса яхши-я... Йўқса... Айбга буюрмайсиз, сизни мутлақо қўрқитиш ниятим йўқ, менимча, вице-губернатор бамаъни жавоб йўллабди. Гапларим тўғрими, жаноб савдогарлар?

Ҳамма тасдиқлаб говур кўтарди, Петр Данилич бошини чангаллаб гўлдиреди:

— Энди нима қилдим? Бошимни қайга урай? Маслаҳат беринг, мўғтабар жаноблар...

— Ҳар иш худодан, кутиш керак. Қанот боғлаб учолмайсан уёқларга.

Петр Данилич жон аччиғида инграб юборди-ю, кафтлари билан тиззаларига шартиллатиб урди.

— Нима қип қўйдим! Мен, жин урган, нима қилиб қўйдим!!

Петр Данилич уч кун муттасил шаҳарда оёғи куйган товуқ-дек зир югурди. Телеграфдан — полиция бошлиғининг ҳузурига, полиция бошлиғининг ҳузуридан — ўзига таниш савдогарларнинг олдига, савдогарлар олдидан телеграфга танда қўйди. Крайска, савдогар Еропкин билан олий мансабли кашш Всесвятскийга юборган ошиғич телеграммага, фақат кашшдан жавоб келди:

«Батафсил суриштирдим. Уғлингиз шаҳарда топилмади.»

Тўртинчи кунга бориб шу маҳалгача чидаб келган Петр Данилич тоб ташладию тонг-саҳарданоқ ичкиликка яна ружу қўйди. Кечқурун номерига кайфи тароқ ҳолда келди. Телпағи билан пўстинини ечмаёқ ўзини каравотга ташлади ва ўксиб-ўксиб йиғлади. Югуриб келган хизматкор ғийқилловчи эшикни шартта очдию минғиллаб сўради:

— Кечирасиз... Нима, тўнашдими сизни?

— Тўнашди!— деб қичқирди Петр Данилич; у кўз ёшлари орасидан қулоғини қизил рўмолча билан боғлаган хомсемиз хизматкорга қаради.— Қим тўнаганини биласанми? Ўзим! Ўзимни-ўзим тўнадим!

— Яъни қайси маънода?

— Эҳ, ошна!.. Бери ке, ўтир-чи... Ичасанми?

— Декохт¹ ичаман... Сабаби — қулоғим оқади. Қимматбахро ғиёҳ, яъни сарсапарель қўшиб тайёрланган ароқ бўлса менга. Батамом узил-кесил.

— Опке! Мана пул, келтир! Сенинг қулоғинг оқса, менинг жигар-бағрим хун бўлиб оқяпти... Бошимга мусибат тушди, ошна, мусибат!..

Улар ярим кечага дёвур ҳушларидан кетгунча ичишди. Хизматкор уч қучоқ ўтин ёқди, номер ҳаммомдек исиб кетди. Савдогар каравотда кўйлакчан ётар, оҳ тортар, чўқинарди, хизматкор эса қулоғидан рўмолчани олиб ташлаган, бундан қулоғи кучукнинг қулоғидек диккайиб қолган, мусулмончасига ерда оёқ букиб ўтирганча чириган тишлари орасидан гап сотарди:

— Бизнинг монастирда ғаройиб чол бор... ҳа, яъни кароматли чол... У ҳамма нарсани башорат қилади... Сен, савдогар, ўшанинг олдига бор, гап шу... Уғлинг ҳақида бугун гапни бирма-бир айтиб беради... Бор, эшитяпсанми... Додлама. Мен ҳам бораман, Қулоғимга пахта сўрайман... Шамнинг ёғига пахтани ботириб беради... шунақа...

— Нима деб ғўлдираяпсан ўзингдан-ўзинг?

— Чолнинг олдига бор, деяпман... Батамом узил-кесил. Чол худонинг измидан чиқмаган, табаррук ҳаёт кечирган...

— Йўқол, чол-полинг билан қўшмозор бўли Чол кўнглимга сигади ми ҳозир... Аҳмоқ!

¹ Декохт — доривор ўсимлик суви қўшиб тайёрланган ароқ. (Тарж.)

— Ўзинг аҳмоқ, — пинғиллади хизматкор уёқдан-буёққа чайқалиб. — Сўкинади тағин... Бойман, деб кўнглиннга келган номаъқулчиликни... Хўжайин мени ўзининг ўрнига қўйиб кетган, мен сенга айтсам... Мишка, ўрнимга қол, батамом узил-кесил, деди... Шу боис жўнаб қол, мусофир, йўқол! Йўқол!.. Ҳозироқ жўна!

— Уҳ-ў, — деб ўшқирди савдогар ва ароқдан бўшаган чирпитни чангалладию шартта хизматкорга улоқтирди.

Хизматкор қуёндек хонадан қочиб чиқди ва гўё эшик қисиб олган мушукдек жирканч чийиллади:

— Войдод! Дод, ўлдиришди!

Қайтишда қўнғироқчалар мунгли жиринглаб, қўшқорақлар алланарса деб гудранар, Петр Данилич эса чананинг катагида ҳорғин мудрар, қўшқорақларнинг говурига қулоқ солишнияма истамас эди. Бироқ улар зўр бериб бир оҳангда тинмай таъкидларди: «Наҳотки нобуд бўлди! Нобуд бўлди, нобуд бўлди... Наҳотки нобуд бўлди?» Бу Петр Данилични тутоқтирар ва қийнарди, у кўзини очмай илондек тўлганиб, чилвирдек эшилар, йиғламсираб инграр ва карахт қўли билан чўнтагидан қизил дастрўмолини чиқарар эди. «Ҳа. Чиндан ҳам... Бекорга юборган эканман Прошкани... Судга беришлари ҳам мумкин ҳали... Балки шундай қонун бордир. Эҳ, бевафо дунё!..»

Яхшиси, уйдан пул олиб дарҳол Крайскка, у ердан қидириш учун бошқа жойларга жўнаб кетгани маъқул. Уёғи ўша ерда маълум бўлади.

У икки кун муттасил мижджа қоқмай шу ҳақда ўйлади: на чананинг аллаловчи чайқалиши, на бекатдаги парқу тўшаклар унга ҳузур-ҳаловат бағишлади. Жаҳл устида ёвуз ишга қўл урган зўраки жинойтчидек уни виждон азоби қийнарди.

Уйига йўлнинг ярмини босиб ўтганида хаёлига лоп этиб: «Саркаш дарёга жўнаворсаммикин?» — деган фикр келди.

— Ямшчик, менга қара! Сенингда, Подволочная қишлоғигача қанча келади?

Кекса мужик шошмасдан ёқасини қайириб, бошини буриб орқага қаради ва шамоллагандек бўғиқ, бутун кўкси хириллаб, савол ташлади:

— Лаббай? Чақирдингми?

Маълум бўлдики, Саркаш дарёгача олти юз-етти юз чақирим экан. Башарти абжир отни файтонга қўшиб, худди ўшанақа биттасини уни алмаштириш учун олиб юрилса, беш кунда етиб бориш мумкин экан.

Петр Данилич эртасинга пихини ёрган ҳайвон овловчи Изотич ҳамроҳлигида одам қадами етмаган ўтиб бўлмас тайгага, Подволочная қишлоғига йўл олди. Йўл огир эди: улар қор уюмларидан ўтишди, гулхан ёнида тунаб қолишди, ҳаво очиқ, совуқ,

сокин эди, йўл ҳам калаванинг учини топишларидан умидвор қиларди.

Ҳайвон овловчи Изотич бадқовоқ, индамас одам эди. У бир кун и йўлда тунаб қолишганда шундай деди:

— Бу ерда, Айиқ жариди икки нафар мўйсафид бор. Сеҳр-гармисол. Одамнинг бутун ҳаётини беш қўлдек билишади. Уларнинг мушуклари бор.

Петр Данилич дарров кўнглидан шу гапларни ўтказди: «Бориш керак. Балки жўяли бир нарса айтишар. Аслида шаҳарда тақводор роҳибнинг олдига бориш керак эди. У аҳмоқ бўлса нуқул монастирдан гап очди. Эҳ, қандай кунларга қолдим-а!

— Ғариб-мискинларданми, нима бало?

— Ушалардан.

Айиқ жарини қор қоплаб ётарди. Қаёққа қараманг, ҳамма-ёқда асрий қарағайлар мудраб турар, азим туп кедр оппоқ момиқдек телпак кийган эди. Жар ёқасида шамол ялаган кулранг қоя пинжиги тақиқланганча қорайиб кетган кулбаи хароба турарди. У бор-йўғи учта гўладан тикланган, гўла ҳаддан зиёд йўғон эди. «Бундай гўлани паҳлавонгина жойидан қўзғатиши мумкин. Гўла деб буни айтадилар!»— деб ўйлади Петр Данилич ҳайратланганча отдан тушар экан.

Нақ печь устидаги супачада иккита қора мушук бошини ёнбошига буркаб ўтирарди. Учинчиси эшикни қитирлатиб миёвларди. Кун ботди. Сайёҳлар кўзи олдида намоеи бўлган совуқ шафақ сариқ ҳароратсиз ўт янглиғ ёлқинланарди. Қаердадир иккита қарға қағиллаб бир-бирига жўр бўлди, уларнинг овози сукунатда тиниқ янгради.

Петр Данилич ихлос билан чўқинди ва кулбага кирди. Қопқоронғи зимистон. Ойна ўрнида қотган ях ёруғликни зўрға ўтказарди. Фақат чоққина печь-ўчоқдаги чўғлар бир умр тилладек қоронғида милтиларди.

Ичкарига кирганларнинг димоғига гуп этиб қўланса ҳид, мушуклар билан димиққан ҳавонинг иси урилди.

— Салом алайкўм!— деди Петр Данилич зим-зиё қоронғиликка ва яна чўқина бошлади.— Тирик жон борми бу ерда?— У пастда, бурчакларда ва қаердадир тепада соққадек алланарсанинг сўниқ милтиллашини кўриб ҳайрон бўлди.

«Мушуклар».

— Ҳей, Назарий бува! Тирикмисан?— деди Изотич.

Қоронғиликда инқиллаган овоз эшитилди, паст, дағал товушда биров жавоб қилди:

— Тирикман. Икковимиз ҳам тирикмиз... Ананий ҳам тирик. У ўрмонда, ўтинга кетган... Мана мен ўтни аланга олдиряпман. Қимсизлар?

— Узоқдан келганмиз.

— Биладан, яқиндан эмас. Ҳайвон овловчилармисиз, нима бало? Ё шаҳарликмисиз?

Изотич маънодор йўталди-да, Петр Данилични тирсаги билан

гуртди ва қалбида тугён урган ҳиссиётдан жўшиб, шоша-пиша деди:

— Худди рисоладагидек! Ҳайвон овловчи ва савдогар. Шаҳардан. Икки кишимиз. Ҳа!

— Биладан тўрт киши эмаслигингизни. Хўп, жойлашиб олинглар. Кулбамиз тор, ивирсиқ. Иним иккимиз бетобмиз. Мушуклар ҳам оч. Пиш-пиш-пиш!

Сўниқ ёрқин соққалар ўчди, яна йилт этиб ёнди, пирпиради ва аянчли миёвлаш хонани тутиб кетди. Қўлбола шамнинг ёғдусида Петр Данилич бўйи шифтга тегадиган дароз, яғриндор қора соқолли чолни кўрди.

— Утира қолинглар, хоҳласаларинг бунга ерга. Скамейкага. Ҳойнаҳой совқотгандирсиз? Балки кўнглингиз чой тилар? Чоймиз йўқ. Қорни эритиб ичамиз бизлар. Рўзгоримиз хароб.

— Овора бўлма, табаррук отахон,— деди Петр Данилич,— менда ҳамма нарса бор.

— Қанақасига табаррук бўлайин? Осий бандалармиз. Гуноҳкори азиммиз. Ҳайронман, нега худо таоло жонимизни олмайди? Ўзинг кечир, парвардигор. Қай мақсадда келдинг, бошингга кулфат тушдимми? Ғариб бўп қолдингми? Хотининг ташлаб кетди ё ўзинг ундан юз ўғирдингми?

Петр Данилич уҳ тортди ва тўлқинланиб, овозини мулозимлаштириб, деди:

— Ундоқ ҳам эмас, бундоқ ҳам... Менинг дардим бўлак. Ўғлим йўқолиб қолди.

У япалоқ тўнкада ўтирган Назарийнинг рўпарасида турар, унинг заҳил, чўзинчоқ юзига, кўксига тушадиган қора соқолига, қат-қат ажин босган баланд манглайини яширган толим-толим сочига баногоҳ қалбидан жой олган пинҳона ҳадик ва ишонч билан тикилар эди. Назарий қуюқ қошини чимирди ва чурқ этмай савдогарнинг кўзларига тик боқди.

— Эрта баҳорда, қорда тайгага жўнаб кетувди. Шу кетганча бадар кетди.

Чол ҳамон унга ўқрайиб қараб турарди. Петр Данилич ўнгайсизланди, даҳшатга тушди. Мушук дик этиб елкасига сапчиди. У тикандек қадалиб турган қоп-қора кўзлардан гўё чангак бўлиб, тилдан қолгандек мушукни бегона, титроқ қўли билан силади.

— Балким бирор нарса биларсан? Айт...— деди у ниҳоят тилга кириб.

— Мен қаердан биладан? Нима, ман жодугарманми? Бу бўлмағур гапларни сенга мужик айтган. Гуноҳга қоласан, мужик.

Изотич чақмоқтошни ўт олдиран экан, томоқ қириб қўйди ва яна тирсаги билан Петр Данилични туртди.

— Йўқ, айтиб бера қолинг,— деди Изотич ихлос билан.

Қорнинг ғирчиллаши эшитилдию кулбага пакана, оппоқ тумор соқолли каллахум чол кирди.

— Омонмисан, Ананий! — деб Изотич унга салом берди.

Чол миқ этмади, жон ҳолатда олдинги бурчакда шам ортида қорайиб турган, дуд босган хира тахтага чўқинди.

— Аҳволларинг қалай, Ананий? — яна сўради Изотич.

— У гапирмайди. Бекорга уни гапга соляпсаң. Дунёдан безган. Ҳеч ким билан гаплашмайди.

Кулба ҳаммомдек исиб кетди. Петр Данилич ечиниб ёлғиз кўйлакда қолди. Дим ва иссиқдан боши оғриди. Чоллар мушкулени осон қилишмагани боисидан у уларнинг ёнига келганига пушаймон бўлди. Шундай бўлса-да, яна бир бор Назарийга мужожаат қилди:

— Нима қилай энди? Уғлимга қандай ёрдам берай? Йўл-йўриқ кўрсат менга.

— Ҳамма дарднинг давоси — вақт. Мен ҳеч нарса билмайман... Чида.

Савдогар чолларнинг кулбасида бир кеча тунаб, улардан нафратланиб, лақма Изотичдан жаҳли чиқиб жўнаб кетди.

Орадан икки кун ўтгач, ғамкаш ва ташвишманд Петр Данилич томига довур қор босган Подволочная қишлоғига етиб келди.

3

Эри жўнаб кетгач, Марья Кирилловна худонинг берган куни жони қийноқда қолган эрининг ва сайёҳ фарзанди Прохорнинг соғ-саломатлигини тилаб дуо қилишни ҳазрат Ипатга буюриб турди.

Ҳазрат Ипат онанинг талабини чин ихлос билан қўлини фотиҳага очиб бажо келтирар, бунинг эвазига жарақ-жарақ пул ва лаззатли пирог билан ичкилик ичарди. Марья Кирилловна пири муршидидан бир бочка олий нав винони ҳам аямасди, ишқилиб, худо таоло унинг кечасию кундузи қилган илтижолари, оҳу ноласига қулоқ осса бўлгани эди.

Марья Кирилловна, худо марҳаматини дариф тутмаслигига ҳазрат Ипатдан кафолат олиб, минг қилса ҳам аёл эмасми, занфалигига бориб, муҳими, ошпаз Варварушка билан Ильянинг аврашига кўниб, фол очириш учун шаманга, яъни иблисининг ёвуз кучларига мужожаат этишга жазм қилди. Лекин у гарчи шаман тунгус ҳазрат Ипатни ичкилик дардидан халос қилганини яхши билса ҳам бу ҳақда унга чурқ этиб оғиз очмади.

Шундай қилиб, декабрь кунларининг бирида кечқурун, мени сўраганларга эрининг ёнига, шаҳарга кетди, денглар, деб тайинлади-да, гунг, букри, малла дарбон кузатувида фол очириш учун қўрқинчли тайгага жўнаб кетди.

«Е худо, мен гуноҳкор бандангни ўзинг кечир!» — бутун йўл бўйи калби шундай деб пинҳона нола қилар, ўзи эса тилдан

қолгандек лом-мим демас эди: ҳамонки бундай ишга бел боғланган экан, худонинг немини тилга олиши, ҳатто бўйнига крест осииши мумкин эмас. Марья Кирилловна шу боис худди худодан қайтган одамдек, крест тақмаган эди.

Йўрға гижинглаганча уларни оппоқ тунда тунгусларнинг қароргоҳига олиб келди. Чана йўлига туташ думалоқ сайхонликда гуриллаб гулхан ёниб турарди. Унинг лопиллаётган шуъласида буғулар топтаган қор бир маромда тебранар, дарахларнинг таналари эса гўё даҳшатли туш кўраётгандек ликиллар, қалтирар эди. Усти чўққи бир нечта ўтов тинчгина мудрар, фақат ўртада турганидан қий-чув ва чилдирманинг даранглаши эшитиларди.

— Оббо!— деди қулоғи оғир Лука.— Мен ҳам эшитяпман. Фол очяпти. О-о! Епирай, шунақанги жазавага тушяптики!..

Марья Кирилловна қўрқа-писа, аланг-жаланг бўлиб, юрагини ваҳм босиб ўтов ёнига келди: назарида бутун сайхонликда инс-жинслар гуҷғон ўйнаётгандек, гулхандан кўтарилаётган қора тутунда шайтонлару ажиналар чарх уриб айланаётгандек бўлди: мана, улар уни кўриб қолишдию ҳай-ҳай сурон билан у томон югуришди.

Ўғли учун худодан кечган крестсиз, шаккок Марья Кирилловна:

— Вой, Лука!— дедию ўзини ўтовга урди.

Бир пудли шаманлик пўстини кийиб, ҳар хил темир-терсак тақинчоқлар таққан шаман Гирманча гулханнинг нариги томонида жазавада зикр тушар, катта чилдирмани гумбурлатиб урар ва қийқирар эди. Ўтовга кираверишда, гулхан олдида эса, буғу пўстагида қорни дўмбирадек шишган, озиб чўп бўлиб кетган чалажон хотин чалқаяча ётар ва маъюс, ёшли кўзлари билан ўлимини бўйнига олгандек қаёққадир, узоққа тикилар эди.

Шаман кирганларга парво ҳам қилмади. Марья Кирилловна бурчакка тикилиб кутиб турди. У шаман ўз хотинининг дарду балосини ямлаб, йўқ қилаётганига, «Ҳам-м! Ҳув-в!»— деб дам солганча қурбонлик буғунинг қонини хотиннинг пешонасига, кўкрагига ва қорнига сураётганига, жазавага тушиб гулхан олдида гир айланаётганига қараб турди. Мана, у оғир инграб, ерга беҳол қулади.

У ҳушини йигиб олганида шаман устидан шаманлик пўстинини ечиб ташлади-да, устма-уст уч марта трубка чекиб, Марья Кирилловнага деди:

— Омонмисан, Машка? Қай мақсадда чопқиллаб келдинг?

— Ҳожатбарор Гирманча...— деб гап бошлади у.— Бошимиз мана бундай фалокат тушди...— Шундан сўнг у ўғли тўғрисида ҳамма гапни ипидан-игнасиғача сўзлаб берди ва чамадонидан совға-саломларни чиқарди.— Бу сенга, буниси хотинингга... Худе ҳаққи... Вой, тавба қилдим, тавба қилдим, тавба қилдим! Ром кўриб қўй, барака топкур... Бошимни қайси деворга уришимни

билмайман. Ақлдан озишим ҳам ҳеч гапмас. Юрагим сиқилгани сиқилган...

— Ҳеч бокиси йўқ... Майли,— деди шаман қувонч билан совға коњьякка ёпишиб.— Ҳозир бораману шайтони калонни, энг зўр шайтонни чақираман... Жуда олисга бориш керак, ой, асти қўясан... Уёққа, ҳа уёққа... Қайдан топасан? Ким билсин, ўғлинг ўлгандир балки, дўзахга, қоп-қоронғи жаҳаннамга бориш керак... Балки ўлгандир, ким билсин.

— Нафасингни иссиқ қилсанг-чи!— деди Марья Кирилловна йиғламсираганча лабини буриб. Кейин бошини кўтарди. Гирманча ўтовда йўқ эди.

Ўтовга бирин-сирин ухлайвериб юз-кўзи шишган тунгуслар кела бошлашди. Ўткир шуъладан кўзлари қамашиб гулхан атрофига тақасимон ўтиришди ва бир пиёладан оташ сувдан берармикан, деган илинжда меҳмон аёлга очиқ чирой билан қарашди. Қани энди берса, оёқ-қўлларига жон кирар, қиш, совуқ, касаллик барҳам топар, ҳар бири бой-бадавлат ва бақувват бўлиб кетар эди.

Ўтовга ҳорғин, ранги ўчган Гирманча кириб келди: ўтган кечадан бери у туз тотмаган эди. Бирон нарса ейиши мумкин эмасди. Бироқ ҳаракатлари чаққон, аниқ эди. У кўзлари чақнаб ўтовни кўздан кечирди-да, буғу пўстагига ўтирди ва шаманлик кийимини сўради. Гирманчанинг яқин қариндоши этигини, зилдек пўстинини, телпагини, қўлқопини берди, чилдирмасини гулханга тутиб қиздира бошлади. Қанча яхши қизиса, чирманда шунча қаттиқ даранглайди.

Шаман асабийлашиб қолди. У тинмай чекар, оғзини карракдек очиб ҳомуза тортар, ҳатто чакаги қисирлар, ҳуштак чалар, бир нарсалар деб гўлдирар эди. Яна тўхтовсиз жағини йириб, ҳомуза тортди.

Ҳаяжонланган Марья Кирилловна гулхanning нариги томонида, шаманнинг рўпарасида ўтирар ва унга ихлос билан тикилар эди. Дафъатан қотма, истараси иссиқ Гирманча ғойиб бўлдию унинг кўзи олдида сеҳргарлик кийим-бошини устига илган оғир-вазмин, салобатли шаман пайдо бўлди.

— Чилдирма!— деб қичқирди у ва тўқмоқча билан таранг тортган терига урди.

Чилдирма бир-икки марта гумбурлади. Шаман ашула бошлади, кейин худди тушида айтаётгандек ингичка овозда тунгусча қироат билан ёнига бойвучча Машка келганини, унинг мушкуллини осон қилмоқдан хурсанд эканлигини, бироқ бугун парвоз қилиши осон кўчмаслигини, аммо бундан ноумид бўлмаслигини, бир йўлини топишга ишонажаклигини сўзлади. Ишқилиб янги қазилган гўрлардаги ҳали чиришга улгурмаган жасадларини қўриқлаётган шарпалардан, кўзи ёриётган аёлнинг бошпанасидан йироқ бўлса бас. Йироқроқ, яна йироқроқ!

Шаман чилдирмани тез, тобора қаттиқроқ чала бош-лади:

— Ҳей, жинлар, тўпланинглари!— У бошини чилдирма ичига тиради-да, келган ҳар бир жинни қутлаб куйлади:— Ҳа, сенми-сан бу, гагара? Зап иш бўлди-да... Энг чаққони ўзингсан... Хуш кепсан! Эсингдами, биз сувга шўнғиб, оз бўлмаса сув тагига стай деганимиз?.. Ушанда ғиж-ғиж товонбалиқлар келиб қолиб, орасидан ўтолмаган эдик. О-о-о... Опанг қани, аканг қани?

Шунда иримчи Марьяга: бирин-кетин жинлар йиғилаётган-дек, кишилар кўзига кўринмай чилдирма четига ўтириб олиб, кутаётгандай бўлди. Юлдузлар кўкдан мўралаётган туйнук ва бутун ўтов қоронғи бурчакларигача ваҳимали инс-жинсга тўлиб кетаётгандек эди. Эси оғиб, ақл-идрокини йўқотганлар назарида бениҳоя қўланса ҳидга тўйинган осуда ҳаво елпинаётгандек, тункезар сеҳрли жинлар шивирлаётгандек, ёруғ жаҳонга чорла-ган танишларини эшитилар-эшитилмас ҳуштак чалганча олқаб кеги узилмай келаётгандек туюлар эди. Меҳрибон ва бераҳм итоатгўй ва қутуриб кетган буғудек асов жинлар етти қават осмондан, ердан ва жаҳаннамдан учиб келмоқда эдилар.

Бир маҳал шаманнинг серзарда, дўриллаган овози янгради:

— А! Бу сенмисан, лаънати илон! Ўтган сафар мени кўр қилиш мақсадида заҳар сочган сенмидинг? Кўриб турибман, алдаяпсан! Кўриб турибман! Мен сендан зўрман! Қани ке, бел-лашамиз!..

Жон-жаҳди билан чилдирмани даранглатиб урди, ўтовдаги ҳамма нарса силкиниб, лопиллаб кетди. Шаман даҳшатли овоз-да ҳайҳайлар, ҳувҳувлар, пўстинига осилган темир-терсак шид-датли сапчиб, жаранглари эди.

Марья Кирилловна тахта бўлиб қолди, юраги музлади, даҳ-шатдан тўлғанди. Вақт ғаниматда қочиб қолиш керак... «Лука, Лука!.. Қаерда у?»

— Тамом!— Шаман шундай деб қичқирдию бор бўйига қо-матини ростлади.— Учиб, чопиб келишди... Тамом! Та-та-та... Та-та-та... О, мунча кўпсиз!.. Чилдирмам зилдек бўп кетди... Ҳей, кўмаклашинг! Мени баландроқ кўтаринг, баландроқ!

У чир айландию чилдирмани кучи борича сўл тиззасига урди ва гулхан атрофида худди чумчуқ сингари бараварига икки оёғида сакрай бошлади. Ҳовҳовлади, қағиллади, нотаниш тилда қўшиқ айтди, шу пайтгача бепарво ўтирган томошабинлар ҳеч ким билмайдиган қўшиққа жўр бўла бошлашди.

— Баландроқ, баландроқ кўтар!

Уларнинг овози худди айиқ ўкиригига ўхшаш қаҳрли, ваҳ-шиёна: улар ўкиришар, кучук каби вовиллашарди; мана, алла-ким бўғилиб қолди, кимдир чинқириб ув тортди. Зикр бошлан-ди. Тўс-тўполон авжига чиқди. Ўтов силкинди.

Шаман гир айланиб, чилдирмани даранглатганча:

— Ҳув-в! Ҳув-в! Та-та-та-та!— деб бўқирди.

— Энди баландламан,— деди у ғойибдан хабар берувчи ким-

садек, овози узоқдан эшитилгандек бўлдию қий-чув товушлар секин-аста босила борди. Мана, бугуда юрилса уч манзил масофа юқори томонига, уч манзил масофа қуйи томонига тенг келадиган дарёни кўряпман... Мана ўтов... Ҳой, ким бор унда? Э-ҳе, кекса Синтип ўтирибди-ку...

— Нима қиляпти у?— деб сўради қоронғилиқдан Лука журъатсизлик билан.

— Тўр ямаяпти, қармоқларни чархляяпти... А-ҳа, ўша ерда етти кўзли жин кўриняпти... У ерда, пастда биронта душман йўқ... яхши.. Ҳой, чивиним! Баландроққа кўтар мени! Олисларни бир кўздан кечирай.

Шундай деб оҳ-воҳ урди, қилпанглай кетди. Темир-терсақлар кескин жиринглади, телпагидаги бойқуш патлари силкинди. Шаман қулоқни қоматга келтириб қаттиқ чинқирди:-

— Кўряпман! Ҳаммасини кўряпман!.. Юз манзил масофани буғуда юрилса...— яна ҳам қаттиқ қичқирди:— Қабрга! Қайт, қабрга тезроқ! Кет, шаман хотин, қабрга!

«Қабр» сўзи Марья Кирилловнанинг қалбига ништардек санчилди, бошига тўқмоқдек урилди. Гўё жонини суғуриб олишгандек қаттиқ фарёд чекдию гурс этиб муккасидан тушди ва тош қотди.

— Сув! Сув келтир тез, қор!— деб ортага суқилди Лука.

— Кўряпман, эшитяпман... тирик...— деб хириллади шаман, катта чилдирма тоғдаги момақалдироқдек гумбурлади.

Шаман бир пудли пўстинида қуюндек чарх уриб айланар, ўтов ичида шамолдек елар, ўтирганларнинг оғзию кўзларига кул уфурағ, гулхан алангаси гувуллаб ҳилпирар эди. Тезроқ, яна тезроқ!

Шаманнинг оғзи оппоқ кўпик билан қопланди, ўзи эса хириллаб-ҳаллослаб нафас ола бошлади. Юрак уриши сусайиб, аранг тепарди.

— А-а!.. Буёқда экансан-да? Хўп, салом!— унинг шивири аранг қулоққа чалинди. Шаман гурсиллаб ерга қулади.

— Чилдирмани ушла! Маҳкам ушла!— бутун ўтовдагилар сакраб ўринларидан туришди: чилдирма ёниб кетса ёхуд ёрилса шаманнинг ўлиши аниқ.

Шаман мук тушганича, кўзларини юмиб ётарди. У дағ-дағ қалтирар, лабларида кўпик ҳалқаланар эди. Уни авайлабгина ўгириб юзини осмонга қаратишди, лабидан оппоқ қуюқ кўпикни артиб олишди, бошига совға шойи рўмолчани ёпишди. Шаман хуррак ота бошлади.

Букри Лука Исонинг номини тилидан қўймай энгашганча беҳуш ётган Марья Кирилловнанинг юзи ва бўйинини қор билан ишқалар эди. Мана ниҳоят у қимирлади ва Лукага бир қур қарадию яна кўзларини юмди.

У бутунлай ўзига келганида шаман Гирманча аввалги жойида ўтирарди. У Марья Кирилловнага жилмайди. Шаман қи-

зил кўйлақда, бўйнида кашишникидақа катта кумуш крест осиглиқ эди. Қашиннамо узун сочлари ҳўл, чигал бўлиб кетган эди. Гирманчанинг таранглашган ва ёшарган юзида ғам-ғусса ифодадаларга тўла тийрак кўзлари меҳр билан чақнарди.

— Эҳе, Машка, салом! Нима бўлди?— деб ундан ҳол-аҳвол сўради у ва ёнида ўтирган одам итоатгўйлик билан узатган трубкани оғзига тиқди: ўтирганларнинг ҳар бири трубкасига тамаки солиб, мана чек, деб унсиз таклиф қилар эди.

— Хўш, Гирманча,— деди Марья Кирилловна уёқ-буёғини тузатиб.— Бир умр унутмайман... Вой, даҳшат!..— Шундай дедию асл муддаога кўчишдан ўзини тийди. Қим билсин, тўсатдан... Тилига гапир, деб амр қилар, бироқ тили калимага келмас эди.

Бирдан Гирманчанинг ўткир тамаки тутуни орасидан ташвишсиз овози янгради:

— Тирик. Рост, бутунлай тирик... Чой ичиб, курсиллатиб қанд тишлаяпти... Шунақа.

— Қаерда, тайгадами, қордами?— Марья Кирилловна яқинроқ сурилди.

— Узо-о-оқда...— Гирманча ўйга чўмиб ҳар тарафга эранқаран қаради-да, ўнг томонни кўрсатди.

— Уёқда!

Марья Кирилловна рўмолчасини чиқараётиб, жилмайганча:

— Тирикми?— деб сўради. Лаби қийшайиб кетди.

— Тирик, соғ-саломат... Чиройли... Шаман хотин қутқарди уни, у хотин қабрдан турди...— деб алдади Гирманча.— Худони ўзи асрасин ишқилиб... Черкас эса ҳаром қотди...

Марья Кирилловна ҳам ғамдан, ҳам қувончдан йиғлаб юборди ва гапиролмасдан Гирманчанинг бўйнига осилди.

Она тақдирга шукрона ўқиб, чин ихлосу имон билан худога сифиниш учун умидвор ва хушвақт кайфиятда уйига қайтди.

4

Шимолӣ шаҳар Крайска энг машҳур савдогар Яков Назарич Куприяновнинг уйдаги нақшинкор печкада ўт ланғиллаб ёнмоқда. Шифтдаги биллур шокилалӣ чироқ нур сочмоқда. Кумуш самовардан паға-паға буғ кўтарилмоқда, онла аъзолари чой ичишмоқда.

Яков Назарич катак-катак рўмолчаси билан манглайини артар, жужунча куйлагининг кенг ёқаси очиқ, малла соқоли тагидан калта, оппоқ бўйни кўриниб турибди. Семиз, икки бети қипқизил, паст бўйли, лекин яғириндор, миқти бу одам эллик бешларга борган эди. Оқ оралаган малла қўнғироқ сочлари қулф уриб турарди. Йўғон панжаларида олтин узуклар ялтирарди.

— Ич, азиз меҳмон, ич,— дерди гавдасига ярашмаган ингичка, қарийб хотинча товушда ёнида ўтирган Прохор Громовга.—

Чамаси, тайга сени аллада азиз, тўрвада кўпам магиз қилмаган чоғи...

Прохор пйманиб жилмаяди, юқори лабида эндигина сабза урган мўйловини силайди ва: «Қани, яна битта...»— деган ёзув ёзилган катта чашкани мулойим бека Домна Ивановна томонга аста суриб қўяди.

Учинчи кундирки, у шу ерда.

Кеча губерна марказидан рождество байрамга гимназистка Нина келди. У шод-хуррам, зеро дарс, қироат қилишлар ортда қолди, шумшук пансиондан қутулиб ота-онасининг шинамгина фэйзли уйига келди, буёқда тагин бундай меҳмон. Қанчалар хушрўй, қойилмақом! Четдан қараганда бир оз одамови. Э, ҳеч-қисн йўқ... Вуй қарашини, ҳеч кўзини узмайди-я!..

Нина дарҳол катта-катта кўзларини пича қайрилган қора қошлари тагига яширди-ю, шу заҳоти навқирон меҳмонга бирдан лабларининг бурчида табассум қилди. Жа қизиг-а!.. Унга кўйлак тикиб бериш керак.

Прохор Яков Назаричнинг кенг-мўл жун фуфайкасида яйраб ўтирарди. Йўлда унинг тоби қочган, ич-ичига ботган бетлари ял-ял ёнар, кўзлари бежо аланг-аланг қилар эди. Унинг бит босган энгил-бошини — тайгада узоқ муддат қолиб кетган ҳар қандай одамга бу бало жиппа ёпишиб оларди,— обдан буглаш, ювиш ва қуритиш керак эди.

— Рождествони бизникида кутасиз-а? Шундай эмасми?— сўради Нина.

Ҳар сафар қизнинг жўшқин овози янграганда Прохорнинг юраги шиг этиб кетарди. Тотли хижолат ҳислари бутун вужудини чулғаб олар эди.

— Шундай эмасми?

— Йўқ, Нина Яковлевна...

— Яна Яковлевнами? Бу қанақаси?— деди у ва ноз билан столга чойқошиқни уриб тақиллатди.— Бундай деманг!.. Оддийгина — Нина, Ниночка деяверинг...

— Яхши. Хаёлим паришон. Ёввойилашиб кетдим... Афв этинг. Иброҳим икковимиз уйга шошилишимиз керак. Ойимлар хавотир олаётгандилар, отам...

— Бекор айтибсиз! Биз сизни қўйиб юбормаймиз,— деди Нина қизишиб.

Унинг ота-онаси ҳам шу гапни қувватлашди:

— Қол, йигитча. Уша уянгга борасан.

— Йўқ,— деди Прохор чўрт кесиб. Ҳамма ялт этиб унга қаради; овози амирона, эътирозга ўрин йўқ.

— Ҳа, ройиш бола экан,— деди Домна Ивановна пича сукутдан кейин бошидаги мунчоқ қадалган тўрни тузатаётиб.— Кутавериб ота-онасининг жигари хун бўлгандир ҳойнаҳой. Хусусан, Марья Кирилловна қаттиқ соғингандир... Бора қол, кўзинчоғим.

Прохор папирос тутунини ичига тортди ва баланд манг-

лайига тушиб турган бир тутам сочини жаҳл билан бир томонга силтади. У вояга етган, чиниққан, йигирма яшар йигитга ўхшар эди. Фақат дўриллаган овози сирни очиб қўярди. Бундай кезларда Прохор ўнғайсиз ҳолга тушиб томоқ қирав ва курсида типирчилар эди.

— Отанг, Петр Данилични танийман. Бўлмаса-чи,— деб учинчи марта гап очди Яков Назарич, бироқ гапни гапга улолмай тутилиб қолдию олтинчи стакандан кейин қаттиқ кекирди.

— Дада!

— Нима, дада, дада! Қорин қулдираяпти, пиво сўраяпти... Оббо хоним ойим-э!.. Олий маълумотли...

— Ҳозирча олий эмас... Олий маълумотли бўламан...

— Иншооллоҳ,— деди Домна Ивановна меҳр билан қизининг елкасини силаб.

— Ҳа, бўлса бўлар... Илож қанча... Нафсиламрига шунча мол-дунёми билан ўқиб ҳам нима қиларди, гап билгунча иш бил, деганлар... Уйланмоқчи бўлган йигитлар шунақанги кўпки элимизда, косов олиб қувлаш қолди. Тунов куни Павел Панкратич келди, нима дейди денг: «Гулдек қизинг бор экан... ўқитиб нима қиласан? Эрга бервор...»

— Дада!

— Ўзининг ўғли бор, вояга етган... Ҳа, куёв топилади-и,— Прохорга суқланиб қаради Яков Назарич.— Куёв дейишга арзийдиган йигитлар топилади. Ҳечқиси йўқ, Ахир мен, азамат Прошенька, бобонг Данилони ҳам танирдим. Оҳ, паҳлавон эди, бўйи бир саржин келарди! Довюррак! Ҳеч нарсадан тап тортмасди! Сен ҳам бобонгга тортибсан, йигит. Туриш-турмушинг, афт-ангоринг ўшанинг ўзи. Олманинг бир палласи ую бир палласи сен.— Яков Назарич алланарса эсига тушиб ўзинча жилмайди.— Отангда пул серобми? Қара-я! Данило ўлими олди-дан унга давлат қолдиргандир-да, фақат... Э-эҳ!..— У чап кўзини қисиб, муғамбирона жилмайди-да, энсасини қашиди.— Менимча, пулни елга соуаради, ношуд у. Охири бахайр бўлмайди...

— Қўйсангиз-чи, отаси! Сизнинг нима ишингиз бор?— деб, Домна Ивановна аччиқланди ва эрининг гапини бўлди.

— Бахайр бўлмайди, ҳа,— деб Яков Назарич ўзиникини маъқуллади бош ирғатиб.— Кўнглингга оғир олмагину, азамат Прошенька, ишнинг кўзини биладиган одам эмас у. Бўшанг. Хотинбоз. Тезроқ ўсиб-улғайгин-да, ҳамма ишни ўз кўлингга оливол. Иш юришиб кетади... Чиң сўзим.

— Мени ҳали кўрасиз. Мен ҳали шундай ишлар қилайки,— деди Прохор мағрур, шавқ-завқ билан ва қизга кўз қирини ташлади.— Модомики худо мени ўлимдан асраган экан, мен...

— Жангга кетаётиб мақтанма. Ешсан ҳали,— деб уни огоҳлантирди уй эгаси.— Кўрасиз, эми-иш. Ҳовлиқма! Хўш, кейин-чи, нима қилмоқчисан?

— Ҳар нарса!— деди Прохор шаҳдам.

Суҳбат билан бўлиб вақт ҳам ярим кечадан оғди, Нина ухлагани кетди. Прохор маҳлиё кўзлари билан уни эшикка довур кузатиб турди, сўнг қоронғиликда секин-аста унинг бир текис қадам ташлаши тинди.

«Кетди... Қанчалар чиройли-я!— деб кўнглидан ўтказди Прохор Яков Назарич нима сўраётганини тушунмай.— Яхши ётиб тур, Ниночка! Яхши ётиб тургин...»

Эртаси кун Прохор ёғли нонушта қилиб, Нина билан шаҳар айлангани кетди.

Куприяновдан олган қарзига аллақачон қўй терисидан тикилган калта пўстин, қулоқлари узун буғи мўйнасидан қилинган телпак харид қилган эди. Бу кийим-бошда у хушқомат ва чиройли кўринарди. У одмигина, оқ ёқали кўк пўстин ва оқ шапкача кийган Нинага ҳадиксираб ийманибгина разм соларди. Қизнинг ўйчанлик ва маъюслик ифодаси зуҳур этган очиқ нигоҳи, гунча лаблари, сутдек оппоқ, соғлом қизиллик барқ урган чеҳраси ва бўлиқ, келишган қадди-басти унга ёқарди.

«Рус соҳибжамоли. Қани энди...»

У ана шу «қани эндига» ҳозирча чуқур маъно беришга ожизлик қилар, фақат қалбида қандайдир ажиб, янги бир нарса куртак ёзаётганини сезар эди. Унинг қиз билан бетўхтов гаплашгиси, мудом хаёл сургиси келар, ўзини қахрамон этиб кўрсатгиси, бирор жиҳати билан ажралиб тургиси, хуллас, унга ёққиси келар эди. Бироқ тили, ўй-хаёллари, ҳаракатлари суст, ҳамон унинг олдида қисилиб-қимтинар, унга кулгили бўлиб кўринишдан кўрқар эди. У қизни маълумотли, ўзини чаласавод, дағал деб ҳисобларди, шу боис, Нина ундан:

— Уқийингиз нима бўлади? Нима, китоблардан барибир юз ўғирасизми?— деб сўраганида у шолғомдек қизариб кетди.

Прохор ўйлаб турди-да, совуққа чидамсиз, тайгада тўнғиган қулоқларини ишқалаб жавоб берди:

— Уқийман, мактабда ўқийманми, йўқми, билмайман, лекин ўқийман. Аниқроғи, уйда ўқийман. Китоблар, программалар сотиб оламан...

— Йўқ, мен бунга ишонмайман. Уйда ўқиб бўларканми? Шаҳарда, одамлар кўзи олдида, жамоат орасида ўқимоқ даркор.

— Уйда ўқиса ҳам бўлади. Истак бўлса бас,— деди Прохор.— Нима, сизга ўқиган одамлар ёқадими?

— О, бўлмаса-чи!

— Шунчаки ақлли, кучли одамлар-чи?

— Ақлли ва кучли одам осонгина билимдон бўлиши мумкин. Ҳа.— У лабини қимтиб, мийиғида кулиб, Прохорга меҳр тўла кўзларини тикди.

— Уриниб кўраман,— деди Прохор ва тутилиб қўшиб қўйди.— Сизга ёқиш учун...

— Ха-ха-ха-!.. Менга жуда ёққингиз келяптими? Жуда галати-я!

Прохор тойиб кетдию оз бўлмаса Нинани йиқитиб юборай деди. Улар топталган йўлнинг ўртасидан боришарди. Кўча бўм-бўш, зоғ учмас-эди. Онда-сонда бошдан-оёқ ўралиб олган бесўнақай гавда кўзга ташланарди.

— Мана олтин конларининг хўжайини Фокиннинг уйи,— деди Нина.— Унинг бир неча миллион пули бор, бироқ парвози паст; шу ерда тухум босиб ўтиради. ҳамма нарсадан мамнун. Зиёфатлар беради. Бир куни маст приставни шакар бочсига тиқиб нишабликдан думалатиб юборган. Иш губернаторгача бориб етди. Барибир бости-бости қилиб юборишди.

— Пул — қудратли куч,— деди Прохор тўлқинланиб.— Ниночка, сиз нима дейсиз, мен бой бўламанми-йўқми?

— Сиз шундоғам бойсиз.

— Шуям бойлик бўптими?! Мен чинакамига бой бўламан.— Прохорнинг кўзлари ёнди, овози ўктам чиқди.— Чинакамига бой бўламан. Катта ишларни йўлга қўяман. Буларни пухта йўлаб қўйдим.

Қиз кулди ва уни муфтаси билан секин урди.

— Нечага кирдингиз, Прохор.

— Уттизга.

— Ха-ха-ха! Сал паст тушинг!

— Йигирма бешга. Мен отамгаям, онамгаям ишонмайман. Улар мени ўн саккизда деб ўйлашади. Адашишади, ҳисобдан янглишишади.— У зарда билан гапирар, одимлари шахдам, лайлакюрнш қилиб борар эди. Нина унга аранг етиб юрарди.

— Жуда хилватгоҳ экан шаҳрингиз, ширинликлар йўғ-а,— деди у.— Жуда пирожний егим келяпти.

Қиз кўзларини катта очиб, шарақлаб кулиб юборди.

— Эҳ, болагина! Қандай соз-а, бу! Ҳозир уйга борамизу торт пиширамиз. Хўш, нима дейсиз?

— Бўпти,— деди Прохор шикаста овозда ва ичида ўзини сўқди: «Аҳмоқ».

— Танцани яхши кўрасизми?

— Йўқ, қизиқтирмайди,— деди у ёлгондаки сиполик билан.— Тоқатим йўқ.

— Ҳм, бунга қаранг-а,— деб пинҳона пичинг қилди қиз.— Сиз қандақадир ғалатисиз.

— Ғалати?— Прохор қадамни секинлатди.— Ким билсин, балки ғалатидирман. Лекин мен ҳаётга эрта қадам қўймоқчиман! Ўқитувчи машҳур рассомлар ва созандалар ҳақида гапириб берган эди. Улар болагигидаёқ ҳалиги нима эди?

— Истедодми?

— Ҳа, худди шунақа! Масалан, Бетховен, шекилли. Шунақаси борми? А-ҳа! У тўрт яшарлигидаёқ ўзини намойиш эта бошлаган. Балки мен ҳам ўшандайдирман. Фақат ўз йўлида созанда. Саноат, тижорат бобида.

— Сиз қўғирчоқ ўйнамайсизми?

Прохор саросимага тушиб тўхтаб қолди.

— Мунчаям тилингиз заҳар-а!

— Мен-а? Ҳа-я...— Нина яна хандон ташлаб кулди ва аразлаган Прохорни енгидан тортди.— Шаҳар тугади, юринг хув дарахтзорга борамиз.

— Бўпти. Лекин нима учун нуқул мени калака қиласиз? Мендан куладиганларни ёқтирмайман.

— Ростдан-а? Илтимос, Прохор, қошингизни чимирманг. Ярашмайди бу сизга.

Нина уни худди ўргатилган айиқдек эҳтиёткорона қўлтирдидан олди. Прохор хуш ёқиб пишиллади ва ичида яна ўзини койиди: «Нима сабабдан мен ўзимни ёввойиликка соляпман! Вой аҳмоғ-э!»

Тор эгри-бугри йўлдан сўйилган молнинг тўнғиган бутун таналари ортилган аравалар турнақатор бўлиб кела бошлади. Тишларини иржайтириб турган чўчқаларнинг оғзи таъсирли ва аянчли: гўё ҳайвонлар ҳамон унсиз чинқираётгандек ва пичоқ остида чийиллаётгандек эди. Бўйинларидаги чуқур жароҳатлар туйнукдек очилиб турар, қуюлган қон қип-қизил анор доналаридек совуқда қотиб қолган эди.

Бу манзарадан Нина беҳуд бўлди: унинг қалбида инсоннинг шафқатсизлигига нафрат ҳисси уйғонди. Прохор эса, томоғини тақиллатиб:

— Вой-бу, қандай бойлик! Мана шунисига борман! Хўжайин бўлсам, консерва заводи очаман. Ёғли гўшт, ёғли балиқ, чиллар солинган тунука қутичаларга: «*Прохор Громовнинг савдо уйи*», деб ёзиб қўйилади ва улар ҳаммаёққа, ҳатто чет элга жўнатилади. Мен қандайдир тилсими бор қушхона очаман. Америкада ўқиб келаман. Ўз қўлим билан буқаларни сўяман... Мен...

— Фирт қассоб экансиз-ку... Яхшимас. Жирканч бу! Мен эсам этемас бўлмоқчиман.

— Этемас! Қанақа миллат бу?— деб сўради Прохор.

— Миллат нима қилиб юрибди бу ерда?— деди Нина ўз устунлигини писанда қилган оҳангда.— Эт емаслик— мол сўймасдан кун кечириниш. Тирик жонни бежон қилмаслик.

— Э, шунақами,— деди Прохор эсини йиғиб олиб, аламдан лаблари титраганча.— Йўқ, мен бунга қўшилмайман. Қон яхши нарса. Мен чўчқа қони ва ёғига сирка қўшиб тайёрланган лиқ-лиқни яхши кўраман.

— Биз нечоғли бошқа-бошқа одамлармиз-а,— деди Нина хўрсиниб.

5

Оғзида мазаси қоладиган ширин таомлар тайёрлашди. Прохор қаттиқ чапиллатиб уч кишининг овқатини бир ўзи еди. Нина сабр-тоқат қилиб, унга қизиқиш билан қараб ўтирди. Чўқиштиришар, ичишар эди. Прохор ҳам ҳеч кимдан қолишмасди.

— Нима учун саёҳат вақтида бошингиздан ўтган саргузаштларни менга батафсил сўзлаб бермайсиз?— деди Нина меҳмонга.

— Кечқурун бафуржа. Ҳатто кундалик тутганмай. Уқиб беришим мумкин.

Яков Назарич зўр иштаҳа билан осетра балиғини покпокиза туширарди. Ароқ ичиб юрмаган Прохор сархуш бўлди: у мудом масъуд жилмаяр, қизнинг гул-гул очилган чеҳрасига тик қарар эди.

— Қани, ёшлар, ичайлик!— деб мезбон қадаҳ кўтарди.— Ёшларнинг соғ-саломатлиги учун! Урнимизга қолаётганлар... бахтли яшашсин.

— Ура!— деб қичқирди Прохор. — Ниночка, сизнинг соғлиғингиз учун! Ха-ха! Гўштсиз овқат дейдию ўзи бўлса, қовурилган чўчка боласи билан бўтқани туширади.

Мезбон ичди, бошини силкитди, оқ оралаган қўнғироқ сочлари силкинди.

— Билардим, ҳа, билардим бувангни. Йигитча, бўлмасамчи. Сенинг буванг ва менинг отам, жойин жаннатда бўлсин, улфат эдилар. Ҳар гал мўйша ярмаркасидан қайтаётганида бизникида тўхтарди. Надоматлар бўлсинки, ота-онамни ўлдириб кетишди, худо раҳмат қилсин... Отамниям, онамниям... Ўлдиришди, йўлтўсарлар ўлдиришди... Сизнинг элингизда... Кўп йил бўлди бунга... Эҳ, қуй яна! Зубровкадан. Гиёҳ солинганидан.

Прохор пудингдан аранг бошни кўтарди. Яков Назарич эса, кўк тукли духобадан тикилган нимчаси устига тушиб турган йўғон олтин занжирни таталаб, ингичка овозда деди:

— Нинани менга худо берган. Тирноққа зор эдик, қиз кўришни жуда-жуда истардик. Биби Марьямга илтижо қилдик, худо фарзанд ато этди. Домна тўққиз йил туғмади, кейин бўйида бўлди.

— Дада!

— Кронштадтга Иван ҳазратга телеграмма юбордик, шундан кейин иккиқат бўлди... Домнани айтаяпман. Иннайкейин бахтли Нина дунёга келди... Уни қара, қандай чиройли! Тўғрими? Прохор? Хўш?

— Дада! Қўйсангиз-чи!

— Жудаям чиройли...— деди Прохор.— Кам топилади бунақаси!

— Шунақа, ҳа... Ўсиб-улғай, чирогим... Ҳе-ҳе... — Яков Назарич Прохорга кўз қисиб қўйди-да, қизнинг елкасига қоқди. — Эҳ, баҳоси йўқ буни!

Иброҳим, тез уйга кетамиз, деб Прохорни шоширарди. Прохор пайсалга соларди... Куприяновлар оиласи унга маъқул тушди: ноз-неъматларга тўла дастурхон, тайгадан кейин мунаввар беҳишт каби шинамгина уй эди, муҳими эса, Нина. У қизнинг ўзидан устунлигини алам билан эътироф этар,

газарнда қиз кўп ўқигандек, кўп нарсани биладигандек эди. Ҳар сафар Нина жиддий суҳбат бошлаганида у қизга бас келолмаслигини билиб ўзидан аччиқланар эди. У кўп ўқишга ва кўп нарсани билишга ўзига-ўзи сўз берди: зеро жоҳил одам фақат тайгада яшашни мумкинлигини кўрди. Ҳа, у хат-саводини чиқаради. Уқинишли одам бўлади.

Кўнлардан бир кун улар ёқилган камин ёнида ўтиришар эди. Нинанинг тиззасида кўзларини сузиб оловга тикилганча, ҳур-ҳур қилиб мушук ётарди.

— Ҳа, Ниночка,— деди Прохор; у куракдек кафти билан мушукни силар, лекин зўр бериб қўлини қизнинг сонига текказишга ҳаракат қилар эди.

— Қулогим сизда,— деди Нина қовоғини солиб ва мушукни ерга олди.

— Иқрорман. Сиз тўғри пайқадингиз, мен ёшимга нисбатан сипо ва каттаман. Бундай бўлишимга Саркаш дарёю тайга сабабчи. Жуда қийин бўлди! Охири ўлишимиз муқаррар бўлиб қолди, одамнинг бўлса ўлгиси келмайди. Кейин, қўлни ювиб қўлтиғимга урдим, касал бўлиб қолдим, овқат йўқ, совуқ. Ҳеч нарсани ўйлагим келмай қолди. Муҳими — совуқ. Ҳаддан ташқари совуқ. Бррр!..

Прохор аъзойи бадани қалтираб, стулини ўтга яқин сурди.

— Бола бечора! Ачинаман сизга.

— Ғаройиб тушлар кўрдим. Ким билсин, каллам ўзи шунақа тузилганми? Уга ғаройиб. Тагин даҳшатли. Айниқса охиргисин.

— Қайси тушингизни айтаяпсиз? Яна Синильгангизни кўрдингизми?

— Ҳа. Ушани.

Нина бир зум ўйга толгач, деди:

— Унинг тобутини қандай топганингизни яна бир марта гапириб беринг. Умуман, ўша тун ҳақида. Фақат шошилманг.

Прохор тафсилотларни ёдга олиб, Нинани қўрқитиш учун баъзан бичиб-тўқиб Фарков билан шамаи қизнинг қабрига борганини бирма-бир сўзлаб берди. Ойдин кеча, осма тобут, ўзудек қоп-қора соч... У урра қочганини, ортидан ҳуштак тевози эшитилганини, марҳума. Синильганинг: «Бойе, ўп мени!»— деб шивирлаганича сўзлади.

Нина чўчиб тушди ва чўқинди.

— Қандай даҳшат!

— Ўша кечанинг ўзида туш кўрдим. Ҳамма нарса қип-қизил, яна бўсалар...— Прохор ўз гапларига қулоқ солиб, оҳиста гапирар эди.— Кейин бошқа туш, ҳамма нарса оппоқ: таниш деҳқон қиз Таняни кўрдим...

Нина чуқур ўйга толиб, оловга тикиларди. Ҳонадаги ним-қоронгилик тебранар ва олов билан бирга алланарсалар деб шивирлар эди. Мавҳум сукунат чўмган қоронғи бурчакларда Нинанинг назарида Синильганинг маъюс, жонсарак арвоҳи

яшириниб тургандек туюларди... Мана у, мана, жияпти...
Нина чинқириб юборди.

— Нима бўлди, ойимтилла? Менман-ку бу. — Ошпаз хотин шарпа чиқармай мушукдек юмшоқ қадам ташлаб, улар ёнидан ўтди-да, темир косов билан ялт-юлт қилаётган иссиқ кўмирларни ковлаштирди.

— Жуда кўрқоқ экансан-ку,— деди Прохор.

— Асабим чатоқроқ... Бизнинг гимназияда кечалари қизлар шўхлик қилишади. Спиритизм¹ билан шуғулланамиз, арвоқларни чақирамиз... Шу боис...

— Мен сизга яна баъзи нарсаларни ҳикоя қилмоқчи эдим. Бундан ҳам кўрқинчлироғини!

Нина ён-верига аланглаб қаради ва қулоқ солди, дераза ортида бўрон гувуллар ва қоронғи ойналарни ялар эди.

— Чироқни ёқинг. Қоронғида ўтиролмаман.

Ёруғ чироқнинг пушти абажури қоронғилик қаърига чўмган бурчакларни ёритиб, яқин келтирди. Бурчаклар тинч, бўм-бўш.

— Утин ташланг, совқотдим.— Нина елкасига шол рўмолини ёпди ва юмшоқ курсига ўрнашиб ўтириб олди.— Жуда қизиқ экан, хўп, қулоғим сизда,— деди у қарийб шивирлаб. Унинг ранги оқариб кетганди.

Прохор хижолат чекди, лекин парвойи фалак деди:

— Йўқ, яхшиси, мен сизга ёш тунгус бола ҳақида ҳикоя қилиб бераман... Жуда кулгили воқеа... Бир куни кекса тунгус мени ўтовига олиб борди...

— Ғирт хотинбоз экансиз-ку!— деди Нина пешонасини аста тикиллатиб, жиркангандек афтини бужмайтириб. — Бева, Ганя, яна қандайдир Анфисани тилга олдингиз...

— У бизнинг яқин танишимиз, қишлоғимизнинг олди гўзали.— Прохорнинг овози қалтиради.— Мен уни ўйламаман. Синильга менга охириги туш кўрганимда у ҳақда ҳамма гапни гапириб берган. Мен ҳайронман, балки бу ўнгимда бўлгандир.

— Сиз қандай қилиб жон сақлаб қолганингизни яна бир марта эшитмоқчи эдим.

— Бемалол.— Прохор тажанг бўлиб гугурт чақди, чекди.— Мен жон бераётган эдим. Эсимда, дабдурустан бўрон бошландию ҳаммаёқ тўс-тўполон бўлиб кетди. Чодирмизни бир четга улоқтирди. Қуюн устимдан пўстинни юлқиб олди. Чарх уриб айланаётган гирдоб оппоқ, совуқ эди... Мен бошимни чиқардим, шунда бирдан кўзимнинг ўнгида нимадир оловдек, худди чақмоқдек ярқираб кетди. Кимдир менга пишқирди, сўнг ҳайвон сингари даҳшатли қичқирди, кимдир тўнтарилиб тушдию думалай бошлади. Думалаётган Иброҳим, унинг қўлида ханжар бор эди. Кўриб тургандим, лекин ўзи

¹ С п и р и т и з м — ўлганларнинг арвоқлари билан сўзлашиш мумкин, деган бемаъни даввога ишонинг.

энди буни тан олмаяпти. Нега қичқирганини эса, айтмаяпти. Сизга ҳам айтмайди, яхшиси, унинг жаҳлини чиқарманг, сўраманг...— Прохор дам-бадам чекар, ютоқиб тутун ютар ва пишлلاب тутунни ҳалқа-ҳалқа қилиб ичидан чиқарар эди.— Кейин узоқда итлар акиллади. Мен яна, бўрилар бўлса керак, деб ўйладим. Йўқ, итлар экан, биласизми, чанага қўшилган итлар экан: ёқутлар кўлларга, ярмаркага кетишаётган экан. Бизни оливолишди. Шу тахлит ўлим чангалидан қутулиб қолдик. Дарвоқе, сизга айтган эдим.. Ҳеч эслолмайман, қаттиқ касал, таъбим тирриқ эди, шунгачаи ёки шундан кейинми, балки худди шу чоғдадир, мен Синильгани кўрдим. Эсимда, у чир айланар, чилдирма чалиб қўшиқ айтар эди. Кейин жуда кўп гапирди, ҳаммаси эсимдан чиқиб кетди.

Иккиси узоқ жим ўтиришди. Печдаги ўтин чирсиллар, мушук миёвларди.

— Менинг барча саргузаштим шу,— деди Прохор хўрсиниб.

Нина хотиралар уни изтиробга солганини фаҳмлади. Унга далда бергиси келди, бироқ қандай сўзлар билан далда беришини билмади. Сумкачасидан бир дона карамелли конфет олди.

— Манг, конфет. Аччиқдан кейин яхши бўлади.

Прохор паришон ҳолда конфетни оғзига солди ва:

— Беҳуда гап!— деди.

— Нима?

— Синильга. Қип-қизил уйдирма. Биринчи марта тўйиб овқат егандик. Охири мазам қочиб қолди. Ҳар хил бало-баттарлар хаёлимга келди. Босинқираш. Масалан, гўё бошимни айиқ ғажиб ташлаганмиш, ўрнига эса янгиси, арслоннинг боши ўсиб чиққанмиш. Меъ айиқни ўлдириб ўзимнинг бошимни топиб олганмишман, лекин у кўз ёшлари билан ювилган, соқолли эмиш... Ҳушимга келганимда чиндан ҳам йиғладим... Ойим эсимга тушди. Теварак-атроф эса совуқ, кимсасиз. Қутулишга ҳеч қандай нажот йўқ. Мана шунақа, ардоқли Ниночка... Шундай... Уликлар ҳеч қачон кезиб юрмайди.

— Юради. Тана эмас, руҳ. Бу метафизика дейилади. Йўқ, адашдим, мистика. Ҳа, чамаси, мистика, балки бошқачадир. Мен Фламарионнинг «Умри боқий арвоҳлар» деган китобини ўқиганман. Унда марҳумларнинг бошидан ўтган жуда кўп воқеалар тасвирланади. Круксда ҳам...

— Бўлмаган гап!— деди Прохор зарда билан ва папирос қолдигини шартта каминга улоқтирди. Шу чоғ Нина унинг назарида қизалоқдек кўринди. «Ҳа мен эрқакман, сен ожизсан»,— деб кўнглидан ўтказди у мамнуният билан.

— Яков Назарич, ухлаганингиз йўқми, ҳузурингизга кирсам майлими?— деб Прохор мезбоннинг эшигини тақиллатди.

— Киравер, чироғим, тортинмай киравер. Сен ўз ўғлимдек бўп қолдинг.— У халатда катта ёзув столи ёнида чўт қоқиб ўтирарди. Стол устида идора дафтарлари, бланклар, моллар-

нинг нусхалари уйлиб ётарди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди.

— Индинга жўнаб кетяпман.

— Йўғ-е! Шошилиб нима қиласан?

— Борай энди. Яков Назарич, менга қарзга бир ярим ёки икки минглик мол беролмайсизми?

— Нима қилмоқчисан?

— Йўл-йўлакай сотиб кетаман.

— Ҳи!. Оббо кучуквой-э, эркалатиб шундай деганим учун узр. Бу ишинг менга маъқул. Ҳа! Майли, майли.— У оғзининг таноби қочиб жилмайди. Курсисини одоб билан тик турган йигитчанинг ёнига сурди-да, этагидан тортди:— Утир-чи. Гаплашамиз.

Прохор стул четига чўкди ва бировга муте одамдек ҳурмат сақлаб ўтирди.

— Хўш, тўғри қиласан. Лекин молларни қандай олиб кетасан? Ахир йўлда ушланиб қоласан-ку.

— Мен қўш отли иккита извошда гизиллаб жўнайман. Кеча савдогар Болдирев темир йўлга поездга чиқди, Москвага кетяпти. Унинг ямшчигини кўндирдим, ўн сўм чойчақа бердим, яна қовоқхонада ароқ ичирдим. Селянка едик. Менинг мол олиб кетаётганимдан у қишлоқларни хабардор қилади. Бу ерлар хилватгоҳ. Сизлардан темир йўлгача неча чақирим? Минг чақиримми? Уйлайманки, ҳаён бўлади.

— Оббо шайтон-э!— деб қичқириб юборди савдогар, ёлгон-дака даргазаб бўлиб. — Ахир понимши яримта қиласан-ку бу аҳволда!. Ҳи! Бераман, бераман, ола қол. Эртага саҳарда бос-тирмага борамиз.

Иши ўнгидан келганидан Прохор терлаб кетди.

Шаҳарни у юраги туздек ачишиб тарк этди. Ниночка хат езишга ваъда қилди.

Уни кузатишга ғам-ғуссага ботиб чиқди. Мезбон билан бека меҳмонга насиҳат қилишди, чўқинтиришди. Орқа-ўнгингга қараб юр, тунлар нотинч, одамлар баттол, Иброҳим сендан кўз-қулоқ бўлиб турсин, деб тайинлашди. Хўп, оқ йўл!

Прохор чанада қаққайиб турганча, буғу мўйнасидан тикилган қулоқлари узун қалпоғини узоқ силжитди. Бироқ муюлишда абжир отлар шартта қайилдию Прохор гуп этиб йиқилди.

6

Худди нариги дунёдан келгандек, ғоят қадрли ва кутилмаган меҳмон Прохор Громов туғилиб-ўсган уйига, Медведево қишлоғига кириб келди.

Кажавали чанада уч киши: Иброҳим ва ота-бола ўтиришарди. Отаси ўғлини кутиб олгани юз чақирим йўл босди;

Ўглидан аллақачон «тилгром» келган, иккинчисини Куприянов жўнатган эди:

«Кутиб олинг. Кетяпти».

Учга оқ саман елдек учиб борарди. Петр Даниличнинг отлари от эмас, аждаҳо. Қишлоқдан қамчини шарақлатиб, қўнгироқларни жаранглатиб, қор тўзонини кўтариб ўтишди. Мана, черков — «Ўғлимни ўз паноҳингда асраганинг учун ўзингга шукур, худойим!» — мана, яшил том, ҳамма томлардан баланд уларники.

Қуёшнинг ўткир нури кўзни қамаштиради. Янги уйининг дарвозаси олдида Анфиса турибди; у оппоқ қўлини соябон қилиб, Прохорнинг юзига суқланиб тикилди.

Петр Данилич унга қундуз телпагини силкитди.

— Ким бу? — деб сўради Прохор. — Анфисами?

Мана бу эса... ҳамма кўчада, дарвозаси олдида турибди. Ошпаз Варвара, бежирим калта пўстин кийиб, шапкасини чаккасига дол қўйган Илья Сохатих; старшина, букри; турли-туман катта-кичик итлар, ҳазрат Ипат ва ҳатто Данило бува-нинг арвоҳи ҳам шу ерда тургандек туюларди.

Теварак-чеккадан одамлар югуриб келишди — қизиқ-да, ахир. Тирик, соғ-саломат экан булар!

— Қара, онаси, сенга қандай бургутчағи олиб келдим! Танияпсанми? — деб қичқирди хўжайини.

— Ёпирай! — деб хитоб қилди ҳазрат Ипат ва маъқуллаб хуштак чалди.

Она йиғлади, Прохор кўзёш қилди.

Иўлдан келган Прохор кечга довур ухлади. Чойни озода хонада бутун оила жамоат жам бўлиб ичишди. Прохор дафтарга қараб-қараб тинмай ҳикоя қилди. Отаси ўглининг гапларини жон қулоғи билан индамай эшитар, унинг юзида гоҳ завқ, гоҳ газаб, гоҳ даҳшат ифодалари акс этиб турди. Онаси эса, хўрсинар, чўқинар, ўглининг ҳикоясини қулоғи билан эмас, балки қалби билан тинглар эди.

— Мана тирикман, соғ-саломатман. Мени Иброҳим қўтқарди.

Отаси эран-қаран ўрнидан турди ва сал-пал чайқалиб ошхонага чиқди.

— Дадам яна ичганми дейман?

— Ичяпти... — деди она. У уҳ тортди, лаблари пирпиради. — Турмушимиз ёмон...

Ота қайтиб келди. Орқасидан сал букчайганча Иброҳим кирди.

— Утир, — деди ота.

— Бизники тураверади, — деди Иброҳим.

— Утир! — деб қичқирди ота. — Буёққа эмас, уёққа, курсига. — У духоба сирилган курсини хона ўртасига сурди ва тоғлиқни ўтқизди.

— Онаси! — деди ота. — Айт, ҳамма бу ерга келсин. Чақир уларни.

Прохор онасини безовта қилмаслик учун чаққонлик қилиб ошхонага югуриб чиқди ва одамларни чақирди: зум ўтмай букри, ошпаз ва кучер бўсағада пайдо бўлишди...

— Мана бу одам, болалар, ўғлимни муқаррар ўлимдан қутқариб қолган, — деди ота Иброҳимни кўрсатиб. — Шу вадан мен, таниқли савдогар уни тақдирламоқчиман. Иброҳим! — деб мурожаат қилди унга. — Сен балки бадкирдордирсан, лекин ҳечқиси йўқ, ҳамманинг бошига ҳам тушиши мумкин бундай шўриши ғавғо, лекин сен... бундан чиқди қалби тоза одам экансан. Шунинг учун бутун рус қалбимдан миннатдорман. — У тоғлиқнинг қаршисига тиз чўкмоқчи бўлиб талпинган эди, Иброҳим сапчиб ўрнидан туриб кетди:

— Хўжайин! Кераги йўқ!..

— Утир! Утир! Ҳей, ҳаммаларинг таъзим қилинглар унга, ҳамманг! Варвара! Илюха! Ҳаммаларинг қуллуқ қилинглар. Иброҳим! Сенга оқ от инъом қиламан. Ол... Кучер! Черкасга отни эгару жабдуқлари билан бер. Илюха, Иброҳимга энг яхши мовут, этик, шойи, — истаган нарсасини бер. Дарвоқе, шошма, шошма, — у ётоқхонадан чет элнинг милтиғини олиб чиқди.

Иброҳим тиз чўкди, милтиқни ўпди ва овози қалтираб, бундай деди:

— Қҳ! Раҳмат, батька... Модомики менга милтиқ, от берган экансан, ёдингда тут, батька, мен сен учун, Прощка учун, бека учун ўлишга тайёрман... Уламан! Сени худо ўз паноҳида асрасин, батька... Раҳмат, батька!

Кечаси алла-паллада Прохор ухлагани ётганида Марья Кирилловна унинг ёнига ўтирди ва меҳр билан юзига тикилди. Қанчалар хушрўй!

Прохор ҳам фарзандлик меҳр-муҳаббати билан онасига бошдан-оёқ тикилади. Нега бунчалик сўлиб қолди? Мана ажинлар, кўзлари орасида қандайдир чизик кўринади, жозибали, мулойим лабларининг бурчлари сал осилиб турибди. Унинг онасига раҳми келиб кетди.

— Нуқул хўрсинасиз-а, ойи... Нега бундай қиласиз?

Опаизор ўғлининг бош томонига ўтирди, унинг пешонасига тушиб турган бир тутам жингалак сочини четга суриб дўнг пешонасидан ўпди. Прохор уни бўйнидан қучоқлаб, юзига юзини босди.

— Қошки эди хўрсинмасам, лекин иложи йўқ-да... Нуридийдам Прощенька!

— Нима, қийинми сизга?

— Йўқ, унчаликмас... — деди у чуқур хўрсиниб. — Мана энди уйдасан, ўзинг кўрасан.

— Ойижон!.. — деди у ва ўрнидан қўзғалди. Унинг кенг кўкраги очиқ эди. Занжирдаги олтин крест ялтирарди. — Меҳрибон онажоним... Мен улгайдим, ҳеч кимга хафа қилдириб қўймайман сизни. Отамдан азизроқсиз менга. Хафа қилдирмайман.

— Қийин, Проша, жонимга ора киролмайсан... У бўштоб одам... Қолаверса айб унда эмас... Гап бошқа ёқда...

— Қани нимада?

— Бошқа ёқда, Проша... Ҳатто айтишга тилим ҳам бормайди. Худо шоҳид, мендан кечди, — у рўмолчасини олиб, йиглаб юборди.

— Ойи! Ойижон...

7

Орадан кўп ўтмай, расмана, сибирча масленица¹ етиб келди: мўл-кўл блина, ароқ, чучвара, қаймоқда қовурилган балиқ тайёрлашади, ҳадди ҳисобсиз қўнғироқчалар билан бежалган тройкадаги ёлдор отлар гижинглайди, қўшиқ авжига чиқади, сайиллар бошланади.

Уч-тўрт кун ичида бир тўда бола нақ черковнинг ёнидаги катта майдончада «шаҳар» бунёд қилишади. Қордан қилинган бу қалъа баланд бўлади. Чавандозни бемалол бошигача яширади. Шаҳар атрофи кенг айланма йўл, белига арчалар санчилган. Уртасига, «шаҳар»нинг қоқ марказига таёқ ўрнатилган, унга беҳисоб байроқчалар осилган. Петр Данилич ранг-баранг читни аямаган. Таёқнинг учига гилдирак ётқизилган, «гуноҳ тўкиладиган» якшанбада Петр Данилич гилдиракка бир бочкача ароқ қуяди. Ана томошаю мана томоша! Ўша якшанбада эпчил кишилар шаҳар олишади. Кимда-ким таёқ ёнига от қўйиб келса, ароқ ўшаники. Лекин бир йўла шаҳарга чиқиш осон эмас.

«Гуноҳ тўкиладиган» якшанба куни маросим батартиб бошланди — православлар гурра-гурра ибодатга келишди. Чараклаб қуёш чиқди, ҳойнаҳой чошгоҳга бориб сумалаклар эриб чак-чак тома бошлайди, қор кўзни қамаштириб жимирлайди, ҳавода баҳор иси кезади.

Ҳатто қўнғироқларнинг жангир-жунгури ҳам шўх рақсни эслатарди: бу бир оёқли саллот Ефимканинг иши, ўша авж қиляпти!

«Чорак блина, чорак блина!» — кичкина қўнғироқлар силкиниб жўшқин жарангларди.

¹ Славянларда ва бошқа христианларда қишни кузатиш ва деҳқончилик ишларини бошлашга бағишлаган байрам.

«Ярим блина, ярим блина, ярим блина!» — деб ўртача мискекирдик қўнғироқлар жўр бўларди.

Уч юз пудли баҳайбат қўнғироқ эса, салмоқланиб вазмин дарангларди:

«Блина»!

Бир оёқли қўнғироқчи Ефимка тумшуғини кўтарганча, оғзи қулоғида муғомбирона боқиб, оёғини катта қўнғироқ томон қўйилган тахтага тираганча зўр бериб чилвирларни тортмоқда. Биринчи қўнғироқчиман деган ўйдан у терисига сиғмайди. Қаранг-а! У қўнғироқлар овозидан маст: тирсаклари силкинади, боши лиқиллайди, ёғоч оёғи типирчилайди, соғ оёғи тахтани тепади. Ҳа, кўкрагини тўп ўқи тигпаррондек тешиб ўтса ҳам у сезмайди. Улганида ҳам қўнғироқларни чалаверади:

Бир данг этар,—
Данг, данг этар,
Бир данг этар,
Данг, данг этар,
Данг, данг, данг!

Ефимканинг тасавурида кўзи олдидаги ҳамма нарса: қуёш, кулбалар, ўрмон рақс тушаётганга ўхшайди. Мана ахир... ха-ха! Кучук терисидан тикилган янги қўлқоп кийган Наум бобо азда-базда черковга келаётиб, таққа тўхтади-да, ҳассасини қор уюмига тиқиб, ўйинга тушиб кетди. Кейин бирданга тўхтадию оппоқ соқолини қўнғироқчи томонга кўтариб ўшқирди.

— Ҳей, шаккок! Томоғингга блина тиқилиб ўлгур... Ибодатдан олдин гуноҳ иш қилисан-ку!..

Қўнғироқчи Ефимка парво қилмай хохолаб кулганча қўнғироқларни сайратади:

Бир данг этар,—
Данг, данг этар,
Бир данг этар,
Данг, данг этар,
Данг, данг, данг!

Черковда одам гиж-гиж. Кампирлар ва чолларнинг юзлари имон-ихлосдан ёришган,— бир ҳафтадан кейин барча гуноҳларини кашишга тўкиб-солишади,— гумбаздек аёллар эса, эркаклар билан кайфу сафо қилиб, блина туширишмоқда.

Сочли, сочсиз, кал бошлару яна алламбалолардан ачимсиқ бўй ва ароқ ҳиди таралар, меҳробдан эса бухўрнинг кўк тутуни сузиб чиқарди. Кампиршолар маъсумона пешоналарини тириштиришиб: «Туф-э, қовоқхонанинг ўзи!...» — деб тўнғиллашади ва черковни бошларига кўтариб баб-баравар чучқиришади. Болалар оғизларига шапкаларини тиқиб, пиқиллаб кулишади ва ота-оналаридан шапалоқ ейишади.

Ҳазрат Ипат рисоладагидек хизмат бурчини адо этса ҳам

худди қизиқчилик қилаётгандек лоф-қоф урарди. Ахир унинг ҳам нафси бор, блиналар ва икра егиси келади. Кеча ёрилгунча блина еганидан ҳазратнинг эси оғиб қолган. Ҳамма ёқда: иконалар қўйилган ерда, меҳробдан, гумбаз тагида, то черков эшигигача блина.

— Менга қара,— деб шивирлади у бухўрдан берган одамга, — қор опке менга. Башарамга суртиб, жиндак тетикланай.

Меҳробнинг ўнг томони энг бақироқ эркаклар билан болаларга тўла. Улар жон-жаҳдлари билан шундай бақиршидики, овози йўғон Митродор амакининг томоғи зириллаб кетди. «Э, кишварпаноҳ!»— деб шундай бўқиршидики, ҳазрат Ипат тоқати тоқ бўлиб уларга бухўрдонни силкитиб ўғит берди:

— Секинроқ, православлар! Пастроқ олинг.

Прохор Громов онаси билан олдинда турарди. Петр Данилич ҳам черковга келишга истак билдирди: шам қўйди, «ҳиқ-ҳиқ» қилиб турди-да, жуфтакни уриб қолди. Анфиса Петровна меҳробнинг чап томонида, пиллапояда турар ва гулзордаги атиргулдек ял-ял ёниб, ҳуснини кўз-кўз қиларди. Мингларча кўз унга қараб тўймас, бировлар маҳлиё бўлиб, бошқалар бадхоҳлик билан тикиларди. Жуда сатанг-да, бу соҳибжамол, сатанг!

Прохор қон чиққудек лабини тишлади. Унга қарашни истамайди, қарамайди! Бироқ у худди оҳанграбо игнани ўзига тортгандек, унинг нигоҳини ўзига тартади. Махлуқ!

Анфисанинг орқароғида турган Илья Сохатих оҳ чекади. Дам-бадам чўқинади, қўлини атайин баланд кўтаради: ахир узукларини ва билгаузугини одамлар кўрсин-да.

Ҳазрат Ипат жиддий панд-насиҳат қилди. Ҳаммани астар-аврасини ағдариб даъном берди.

— Сиз православ бўла туриб ғайридиннинг ишини қиялп-сизлар,— деб хитоб қилди лавҳни таранг қорнига босиб.— Худонинг улуғ рўзасига ўзингизни қай тарзда шайлаяпсиз? Ёввойиларча рақс тушиб, қийшанглаб, беадаб қўшиқлар айтиб ва бўлмағур ишлар қилиб, шундоқми? Фалокат ёғилгай бошингизга, қиёмат-қойим бўлгай! «Ароқ ичманг, у бузуқлик сари йўллайди!»— деган машойихлар. Хўш, сизлар-чи? Сизлар худонинг марҳаматидан бенасиб аллақандай ёввойи ҳиндларга ўхшаб ичкилик ботқоғига ботяпсиз, эс-ҳушингизни йиғинг! Ахир ёш болалар ўсяпти, улар сизларнинг ахлоқсизликларингизни кўришяпти. Ута қайғули иш! Қандайдир иблисона ўйин топганингизни-чи! «Шаҳар олиш» эмиш. Бундай от ўйнатишлар маъжусийларнинг томошахонасида бўлғувчи эди, сиз бўлсангиз, бу разолатни худонинг уйи ёнида тиклабсиз. Хулласи калом: ҳушингизни йиғинг, православлар. Зеро бу кунлар ибодату пушаймон қиладурғон кунлардир. Омин!..

Қуёш водийга бош қўяётганида қишлоқда қасир-қусур ўқ овози янгради. Болалар қулоқни қоматга келтириб тартарак чалганча қишлоқнинг у бошидан-бу бошига югура бошладилар.

— Чиқинглар!! Чиқинглар! Шаҳар олгани!

Петр Данилич таъминотидан шаҳар атрофида муҳтарам меҳмонларга аталган баланд тахта супа ясалган. Бу ерда унинг оила аъзолари ва қишлоқнинг казо-казолари йиғилишди. Фақат Прохор қўнғироқхонага кетди. Бу ердан ҳаммаёқ кафт-дек кўринади, қолаверса, Анфисани кўришга тоб-тоқати йўқ.

— Ҳазрат Ипат қани?— деб сўради Николай шинелини кийган, шоп-мўйлов пристав.

— Уйига кетди, жаноби олийлари,— жавоб берди старшина.

— Қоринларидан нолиб гапирдилар, — деб ҳурмат билан гап қистирди Илья Сохатих ва ҳатто ҳарбийчасига қўлини чеккасига теккизди.

Ярим қишлоқ дув этиб кўчага чиқди. Ҳамманинг чеҳраси қизил, табассумдан яшнаган. Қуёш сахийлик билан нур сочар, черковда крестлар ёнар, рўпарадаги ҳазрат Ипатнинг уйидаги дераза ойналарида шафақ ўйнар эди. Қалъада, қор шаҳар дарвозаси ёнида ва дарвозадан нарида икки томонда тартарак ушлаган бола-бақраю ўсмирлар тўпланиб туришарди. Улар ўткир кўзлари билан йўл ёқасига ҳушёр тикилганча ҳуштак чалишар ва кулишарди.

Мана тор кўчадан бир чавандоз учиб чиқдию отига қамчи босиб ғаройиб шаҳар устига йўналди. Унинг ортидан иккинчиси, учинчиси чиқди. Тобора яқинлашишмоқда. Болалар қийқириб, ҳуштак чалиб, тартаракларни тирилмата бошладилар, чавандозларнинг устига думалоқланган қор, муз парчалари, от гўнги ёғилди, аёллар чинқириб орқа оёқларида тик турган отларнинг нақ тумшуқлари олдида рўмолчаларини силкитишарди. Чавандозлар отларни қамчилар, пошналари билан тепар, ҳайҳайлар... «дрр» деб қичқирар эдилар, отлар хириллар, чир айланар, орқа оёқларида туриб ўйноқлар ва ёнбошлари билан аста сурила-сурила қувноқ одамларнинг шағал тўккандек хохлаши остида урра қочардилар.

— Лў-лў-лў!

— Чавандозмиш булар! Суф сенларга!..

— Ароқ ўткир эканми? Лў-лў-лў!..

Митька Дунькин оддан пўрт учиб кетди... Яна тор кўчадан ва дарвозадан янгидан-янги чавандозлар от қўйиб кела бошлашди: биров асил тулпорда, бошқаси қирчанғи отда.

— Қара, қара! Азроил сиз миниб олибди, Азроил!

— Қани?

Дарҳақиқат, қалъа йўлларида биридан жон аччиғида шаталоқ отганча бир сизир лорсиллаб чиқди, уни икки калтабақай маст киши қамчи билан савалаб келарди. Улар мункиб кетиб тумшуқлари билан қорга шўнғишар, уриниб-суриниб ўринларидан туришар ва сизир ортидан югуришар, сизир эса озор чекиб баланд кўтарилган думини силкитарди: мана у тўрт оёқлаб турган бир мужикни шохига илди, мужик бўридек

увиллаб қаёққадир бостирма тагига судралиб кетди. Оқ чакмон кийиб чанги ушлаган Азроил сигирда қилт этмай ўтирарди.

— Азроил! Азроил!..—деб бўқирди халқ.

Шу чоғ кашишнинг дарвозаси ғийқиллаб очилди. Сариқ кокилдор отда шошилмай ҳазрат Ипатнинг нақ ўзгинаси чиқди.

Унинг юз ифодаси ланж, қийиқ кўзлари сузилган, гўё мудраётгандек мункиб-мункиб кетарди. Отини одимлатиб шаҳардан узоқлашди. Ҳамма таажжубга тушиб жим бўлди. Кўк кулоҳ кийган гувалабош кашишнинг елкаси тор, орқаси кенг, орқасидан қараган одам уни тепаси чўққидор ғарамга ўхшатарди.

— Отахон қаёққа кетаётибди экан?

— Қаёққа бўларди томорқагадир-да... Балки темирчининг олдигадир,— дейишди одамлар.

Дабдурустан отахон бирпасда жонланиб кетган отининг бошини кескин бурдию тирсақларини силтаб, қийқирди ва қулоқини бостириб кийиб, ногаҳон шаҳарга от сурди.

Атрофдагилар ҳайратга тушиб бир лаҳза данг қотиб қолдилар. Кейин бирданига қийқириб, чинқира кетдилар, тартараклар тариллади, ҳуштаклар чалинди, учта гармошка янгради, ҳамма шаҳарни ҳимоя қилишга отилди.

— Овора бўласан, отахон! Лў-лў-лў!

— Найранг қилмоқчи бўлдингми? Ха-ха-ха!.. Панд-насиҳатингдан ўргилдиму!..

— Уҳ! Уҳ! Ҳай-ҳай-ҳай!.. Йиқит уни! Йиқит!

Эркаклар қалъага ирғиб чиқишди, отахонга қор, шапка, қўлқоп, этикларни ота бошладилар. Бақиравериб ҳамманинг томоғи бўғилиб қолди, ҳолдан тойди. Отахон ғаройиб шаҳарга уч марта ҳамла қилди, уч сафар ҳам чекинишга мажбур бўлди. Унинг оти қутуриб кетди: чир айланади, ўйноқлайди, оғзи кўпириб кетган, туёғидан бошигача титрайди.

— Чух, жонивор! Чух!— деб ҳазрат Ипат қамчилаб отни қистайди. От пишқириб, кўкка сапчийди. Яна бир сакраса... шаҳарни оларди.

Бироқ шу пайт қандайдир бир мишиқи бола отнинг думи тагига ёнаётган таёқни тикса бўладими?! От худди жин теккандек маст-аласт хотинлар орасини ёриб ўтди-да, кетини отиб, думини силтаганча ўқдек учди, ҳазрат Ипат отнинг бўйнига сурилиб кетди ва оёқ-қўли билан худди кана сингари отга ёпишиб олди. Аммо от чопиб кетаётиб бир силкинган эди, ҳазрат Ипат от устидан учиб кетдию оёғи осмондан келиб, белигача қорга тикилиб қолди. Халойиқ шовқин-сурон солиб, ғавғо кўтарганча унинг ёнига чопди. Ҳазратнинг жуббаси оппоқ қор устида мотамсаро ёйилган эди. Жуббаси тагидан ипдухоба кийган икки оёғи таёқдек чиқиб турар, киссасидан қайин пўстлогидан қилинган тамакидон билан бир даста карта тўкилган эди. Икки оёғи секин-аста қимирлар, гоҳ ажралар, гоҳ қўшилар, гўё катта қайчи алланарсани базўр кесаётганга ўхшарди.

Паёт бўйли мешқорин қашинини кўпчилиқ бўлиб қордан чиқариб олишди. У қор уюми устида жимгина ўтирарди. Ер-кўкни қаҳқаҳа, чинқирган, ҳайҳайлаган овозлар босиб кетган эди.

Отахон соқолидан қорни қоқиб ташлаб, кўзларини ишқалади ва ўзини чўқинтирди:

— Деразадан қараб турдим-турдим-да, эҳ, лапашанглар! Ҳатто шаҳар олишга ҳам уқувлари йўқ, деб ўйладим,— деди у йўталиб.

— Соғлигингиз қалай, отахон?— деб лутфан сўради югуриб келган пристав.

— Ту-зу-ук,— деб қўл силтади ҳазрат Ипат.— Шунақа бир қоп гўштман... Бу қургур нуқул пастга тортади, азбаройи шифо.

— Кет, кет!— деган кескин овоз янгради. Шаҳар қаршисида, йўлда оқ от минган черкас турарди.

— Болалар! Иброҳим!

Ҳамма булутдек дарвоза томон кўчди. Иброҳим тишини иржайтирди, отни қамчилади, от олдинга отилди ва қаттиқ сурон остида дарвозани ортда қолдириб, қалъа устидан қушдек учиб ўтди.

— Ура! Иброҳим! Ура! Ура!— майдондагилар шодон қийқирдилар.— Қалъадан ошиб ўтди-я! Биродарлар! Оббо шоввоз-э!

Кўнғироқхонада Иброҳимнинг ёнига Прохор югуриб келди. Қазо-казолар ҳам тахта супадан шаҳар ёнига шошилишди: қандингни ур, черкас! Черкас эса ҳаммага очиқ чеҳра билан жилмаяр, бироқ болалар ҳатто унинг жилмайишидан ҳам қамчидан кўрққандек кўрқишарди. У папагини энсасига сурди-да, тер босган кенг манглайини очиб, деди:

— Ингитга дарвоза нима деган нарса? Тоғ учраса, қҳ! Писандмас! Ўйна, қўноқлар, ароғимни ич!..— Шундай деб одамларнинг бир оғиздан: «рахмат», «ура», деган нидолари остида бир-бир шаҳардан чиқиб кетди.

— Қаерда яшириниб ётувдингиз, Прохор Петрович?—деб чуғурлади Анфиса.

Прохор қошини чимирди ва ҳамма эшитсин, деб овозини баралла қўйиб, атайин онасидан сўради:

— Нега бу хотин сиз билан тахта супада ёнма-ён турган эди, ойижон?

— Қайдам, Прошенька.

— Сиз билмасангиз, ким билади?— деб сўради у зарда билан.

— Мен, — деди ўшқириб отаси ва ўғлини қўлтиғидан олиб, одамлардан четроққа етаклади.— Гақ бундай, ўғил бола, йўлимга гов бўлма, орқамдан пойлаб ҳам юрма, аҳмоқлик қилма. Уқдингми? Йўқса, сен билан бошқача гаплашаман.

Прохор силтаниб қўлини бўшатди-да, тез-тез юриб уйга кетди.

Кечкурун Петр Даниличникида блинахўрлик қилишди. Ал-батта, Анфиса Козирева ҳам иштирок этди. У нуқул Прохорга илтифот кўрсатар, унинг кўзларига тикилар, бироқ йигитча ҳар қанча оғир кўчмасин, бунини пайқаманга олар ёки офатижонни камситиш учун шартта гапини бўлар эди. У қанча кўп аччиқланса, қалбида қандайдир ғалати туйғу шунча кучли тугён урарди: кошки уни урса, ўлдирсаю фарёд чекиб, ўзини унга отса ва совуқ, тотли лабидан бўса олса.

Уни эса ҳамма саволга тутати:

— Прохор Петрович, нима бўлганини гапириб беринг... Барака топинг илоҳим.

У ўнинчи бор хавф-хатарга тўла саргузаштлари ҳақида янгидан-янги тафсилотлар, ажойиб-ғаройиб воқеаларни эслаб ҳикоя қила бошлади. Бироқ ҳикояси пала-партиш, пойма-пой чиқди, зеро Анфисанинг жоду кўзлари унинг фикрларини чалкаштириб юборди.

— Мен, тоза ҳавода бир оз айланиб келаман,— деди у ва ўрнидан туриб чиқиб кетди.

Юлдузлар чарақлар, фируза осмон гўё яшил ранга мойилдек, ой ўроғи ҳам яшилроқ эди. Черков ёнида гулханлар ёнарди. Йигитлар жувонлар билан қизларни олов устидан сакраб ўтишга мажбур қилишар, ўзлари ҳам сакраб эдилар. Қий-чув, кулги, қийқириқ. Олов баланд, думини мастона ликиллатади. Гармошка, рақс, ўпишишлар.

Прохор одамлар қрасида чинордек бўй чўзиб турарди. Жувонлар билан қизлар уни гулхан ёнига судраб келишди. Прохор худди учқур отдек олов устидан лип этиб сакраб ўтди. Солдат хотини Дуня унинг бўйнига осилиб лабларини оғзи билан нам қилди. Ундан ароқ ва пиёз ҳиди анқирди. У жувонни шундай қисдики, унинг қовурғалари қисирлаб кетди. Дуня чинқирганча қорга ағанади ва бир йўла Прохорни ҳам тортиб йиқитди. Шу заҳоти минди-минди бўлиб кетди.

Прохор инқиллаб-синқиллаб устидан босиб ётган одамлар тагидан чиқиб олди-ю, тўс-тўполон бошланиб кетди. Ҳай-ҳай сурон ва қий-чув худди урушдагидек авжига чиқди.

Прохор исиб кетди. У калта пўстинининг ёқасини очиб, масталаст хотинлардан жон сақлаш учун майдондан лўкиллаб кулбалар томонга қочди. Йўлида дам-бадам мастлар учрарди. Прохор чопачопа қишлоқдан чиқиб олди. Итлар вовиллади. Узоқда, зулмат бағрида элас-элас ўрмон кумуш рангда товланарди. Ўша ёқдан уккининг бўғиқ ноласи эшнтиларди. Хаёлига тайгадаги шаман қизнинг тобути, черкас унга ханжар ўқталган сўнгги қўрқинчли пайт, жодугарнинг чилдирмаси ва Синильга келди. Қандай даҳшатли туш! Бу туш ҳақида ҳеч ким билмайди: на Иброҳим, на онаси. Қандай созки, у тирик, шу ерда, диёрида, яқин

кишилариининг ёнида. Не бахтки, унинг бошида Иброҳим бор, онаси бор! Бироқ нега қалби бундай нотинч уради? Анфисами? У шу ерда кўкдаги ярим ой олдида қасам ичишга тайёр, отасини унинг чангалидан ажратиб олади.

— Ойи-и-и! Отам бошингизга қандай кунларни солди?..

Бирдан унинг қичқиргиси ва сўкингиси келиб кетди. У онасининг ҳар бир тола сочи ва эрта тушган ҳар бир ажинни учун ундан ўч олади. Бироқ қандай қилиб?

— Қандай?

Шу пайт тўсатдан Анфисанинг кулиб турган жозибали чеҳраси ва кишини васвасага солувчи гунча лаблари намоён бўлди.

— Ниночка!— деб қичқирди у шайтон васвасасидан халос бўлишга уриниб.— Жонгинам, Ниночка... Ёрим!..

Ойдин кеча. У ўрмондан қайтиб келмоқда. Масленица давом этмоқда. Гулханлар ҳамон ўшандай ёнар, ёш-яланг қўшиқ айтиб атрофидан айланар, у ер-бу ерда мастлар қор кечиб юрар, қишлоқнинг бош-оёғида хўроз қичқирар эди.

Мана, кўр ойдин ичидан тройка қалқиб чиқди, жингилдоқ ва қўнғироқлар жаранг-журунги янгради. Прохор ёнидан гизиллаганча отаси ўтиб кетди. Биқинида Анфиса. Бошида оч ҳаворанг рўмол. Отаси мастона овозда айданарса деб қичқирди ва телпагини силкитди. Анфиса хандон ташлаб кулди, унинг гусса аралаш янгроқ кулгиси қўнғироқчаларининг шўх жарангига қўшилиб кетди.

Прохор ичида: «А-ҳа!»— деб қўйдю сездирмай уйга югурди.

Тройка савдогарнинг уйи олдида турарди, Прохор ўзини рўпарадаги кўланка орқасига олди. Отаси Анфисани ўпиб: «Бор, худо ёр бўлсин», деди-да, зинага тирмашиб чиқа бошлади. Анфиса чўзиб: «о-оҳ!»—деб нола қилдию аввало шошилмай, кейин тез-тез юриб уйга кетди.

Прохор кўпириб кетган отлар олдига югуриб келди ва ямшичкка амирони шипшиди: «Чаққон ҳайда!»—шундай деб у сакраб ямшичк ёнига чиқиб олди.

Қўлини кўксига чалмаштирган сарвиқомат танноз бошини куйи солганча уйга чўмиб борарди. Прохор тизгинни сиқимлаб ушладю ҳайқириб отларни устига солди.

Танноз ялт этиб орқасига қаради ва ўзини четга олмоқчи бўлди:

— Прохор! Ҳаёт...— бироқ шатакчи от уни қоқиб кетди.

Прохор:

— Ҳей, босиб кетаман! Кўзнинг кўрми!— деб қичқирдию тройка гизиллаганча йўлида давом этди.

Бошдан-оёқ қорга беланган, ранги қордек оқ Анфиса ўрндан турди, бир зум тек қотди, узоқлашиб бораётган тройкага кўз ташладю зор-зор йиғлади. Тройка ўрмон томон учиб борарди. Прохорнинг кўзлари ёнарди. Тунги осмонда юлдузлар чарақлар-

ди. Прохор лабларини тишлади, унинг боши айланарди. Тунги осмондаги юлдузлар ҳам айлана бошлади, ой чархпалак бўлиб ерга қулади. Диққатпазлик, ҳароратсиз бир ўт, ситамгар уят ва шафқат...

Петр Данилич сўкар, бутун уйни бошига кўтариб бақирар, Прохорни топиб берасан, деб дўқ урар эди.

Иброҳим кирди, кўзларини даҳшатли олайтирди-да, деди:

— Қичқириш на ҳожат? Бекани хафа қилиш на ҳожат? Мастсан, ухла. Йўқса, чавақлаб ташлайман.

Петр Данилич алланарса деб тўнғиллади ва дарров ёта қолди.

Тараша лақабли ялмоғиз кампир Анфисанинг таранг оппоқ баданини скипидар билан ишқалади. Анфиса ингради, унинг оёғи билан ёнбоши қаттиқ оғрирди. Тараша эртага Анфисани ҳаммомга олиб боради, бошидан етти марта ўгириб сув пуркайди.

— Кўзинг қаёқда эди? Ким бундай қилди?

— Узим. Узим.

У туни билан мишжа қоқмади. Тун бўйи, аёзли тонг отгунича ўйлади. Ғариб юраги ёнади, ташна! «Лочин, лочин!.. Қалбим ҳароратини сенга бераман. Ҳамма нарсадан: ёруғ дунёдан, жаннатдан кечаман. Мендан қочиб қутулмайсан... Лочин!»

Прохор бутун тун бўйи қаҳраб совуқ тонг ёришгунча Нина Куприяновага мактуб ёзди. Езгиси келмаганию Нинани унутиб юборганига ҳам қарамай, барибир қўлига қалам олди. Бир сатр ёзади-да, бошини чангъллаб, хона ичида кезади, кейин ёзганини ўчирадию яна ёзади. Энг нафис сўзларни топишга уринади, бироқ назарида бу сўзлар сохта, дағал, совуқ туюлади. Мактубдан, сатрлардан унинг қалбига Анфиса ўпкали кўзлари билан тикилади.

— Ёрим,— дейди жаҳли чиқиб,— ёрим, Ниночка...

Бироқ Анфиса бу сўзларни менга айтяпти, деб ўйлаб унга бош ирғади ва бутун вужуди билан талпинди.

Прохор гурс этиб столга урди, хатларни парча-парча қилиб йиртиб ташлади ва ечинмасданоқ ётди. Тушига шаҳардаги, жамоат йиғинидаги рождество арчаси кирди. У бантик таққан кичкина боламиш, иштони тиззаданмиш. Узун камзулдаги қандайдир амаки унга олтин тойчоқ совға қилганмиш.

9

Анфиса тез кун ичида соғайиб кетди. У ҳеч кимга чурқ этио оғиз очмади. Прохор ҳам индамади.

Қалли қор ёққан эди. Прохор иккита қуён отиб уйига қайтиб келарди. У Анфисанинг дарвозаси ёнидан ўтиш учун атайин йўлни тўп солди. Қуёш заррин нур сочарди... Баҳор нафасини сезган

чумчуқ галалари шўх чирқилларди. Анфиса супачада ўтирарди. У пахтали нимча кийган, бошига қимматбаҳо шол рўмолни галати қилиб ўраган: пуштиранг қулоқлари очиқ, рўмолнинг узун икки учи орқасига ўтказилган эди. Ёнида башанг кийинган Илья Сохатих турарди.

— Салом, Прохор Петрович,— Анфиса ўрнидан турди. Баланд бўйли, миқтигина, унинг юзига эркаланиб боқар эди.

— Салом!— Қиё боқдию ўз йўлига қараб кетди. «Жин олгур, қанчалар чиройли-а!» Кейин орқасига ўгирилди, шунда юраги гупириб кетди:

— Илья! Уйга бор! Ма, қуёнларни олиб кет.

— Бугун ахир, Прохор Петрович, кун тартибида байрам-ку.

— Гапни чўзма!— лаблари пирпиради. Йўқ, бу ҳафтафаҳм пайтавақулоқни Анфисадан четлатади.▲

Кунлардан бир кун кечқурун Прохор уйда ҳарислик билан Жюль Верни ўқиб ўтирган эди.

— Омон-эсонмисан, чироғим.

У бошини кўтарди. Қаршисида қора сарафан кийган Тараша турарди. Боши лиқиллайди, бит кўзлари тикандек қадалади, оғзи қуриган қайин пўстлогининг ўзи. Прохор ўқишда давом этди. Тараша унинг ёнига ўтирди-да, худди мойланмаган эшикдек ғийқиллаб, қиқир-қиқир кулганча унинг елкаси ва бошини силай-силаё оҳ-воҳ қилиб деди:

— Оҳ, жонидан ортиқ севади-сени!

Прохор китобдан кўз узмаса ҳам қулоғини динг қилди. Жюль Вернининг ойга учиши аросатда қолди.

— Олсанг-чи. Қари бўлмаса, энди йигирма иккига қадам кўйди.

Прохорнинг икки бети нақш олмадек қизарди-ю, қотиб қолган сатрлар бирдан ғойиб бўлди.

— Худди узукка кўз қўйгандек бўларди-да!.. Лоақал отангни ундан четлатасан, онангни қутқарасан.— Унинг калласи лиқиллар, кўзлари ёшланган, ундан чириган нарса ва қабр тупроғининг ҳиди анқир, бироқ гаплари худди доғ сувдек куйдирар эди.

— Хўш, кампир, тишларинг борми?— деб сўради Прохор.

— Йўқ, чироғим, йўқ.

— Эсиз... Бўлганда битта қўймай қоқиб олардим, жўна!

— Аҳмоқ экансан, чироғим,— деди Тараша ва йиллар давомида акашак бўлган белнини чангаллаб оҳ-воҳ қилганча ўрнидан турди.— Чўчқадан тарқаган экансан мен сенга айтсам. Шундай соҳибжамолни қўлдан чиқарсанг-а! Умрим бино бўлиб, бунақа маликани биринчи кўришим. Бутун ўй-хаёли сенда... Эҳ, аҳмоқ, ландавур!... Жа бўлмаса онангга раҳминг келса-чи. Куйиб, адойи тамом бўлди-ку.— Сўнг қаддини ёйдек букиб инқиллаганча таёққа таяниб эшик тқмонга юрди.

— Кампир, менга қара,— деб уни қайтарди Прохор ва қў-

лига бир сўм тутқазди.— Менга айт-чи, кампир, лекин ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очма, эшитдингми? У отамни севадими?

— Огангни?!— қичқириб юборди Тараша.— Худо сақласин... лақиллатади... Бошига урадимиз уни...

— Алдаяпсан... Менга қара, кампир! Приказчигимиз Ильюха тез-тез бориб турадимиз уникига? Менга қара, кампир...

— Нега қалтирайсан? Сени севади, билдингми, сени! Озмунча одам келадими уникига... Ойнадек равшан, асалга арилар ўч бўлади. Бир куни дегин қашиш келди. бир хурмача қаймоқни паққос туширдию кетди-ворди, лақиллатади у.

— Алдаяпсан! У отамнинг ўйнаши... У...

— Т-фу! Қари киши билан кўнгилхушлик қиларканми ҳеч замонда. Айтяпман-ку сенга,— ёлғиз сени дейди... Эҳ, болаи лодон! Сен уни ҳаммомда кўр, эриб сув бўп кетасан... Уйланиш тараддудига тушиб қоласан. Ҳаловатингни йўқотасан... Бордию шаҳарлик семиз бақалоққа уйлансанг, ёш умрингни хазон қиласан, болакай. Балки унинг афти ангорига қарашнинг ўзиёқ зарарлидир...

— Айт унга... Майли, ҳеч нарса дема... Бор.. Хўп, бор, бора қол: Улдираман уни, шундай деб айт... Улдираман.

У узоқ вақт тинчий олмади. Жюль Вернини стол тагига улоқтирди. Геометрияни қўлига олиб, саҳифаларни шилдиради варақлаб ҳеч нимани идрок этмай ўқиди. Шайтон бу Анфиса. Унинг кўзи ўнгиди гуллар орасида ечинади: «Салом, Прохор Петрович!» У шошилмай сувга тушади. Йўқ, бу Таня... Жонгинам, Таня, қасрдасан, беор, антиқа қиз, Таня? Гипотенузанинг квадрати баробар... Минг лаънат гипотенузага! Нима кераги бор менга гипотенузанинг? Менга пул ва иш керак.

Унинг олдида қора соч Ниночка рақс тушяпти, боши узра қўлида гипотенузани ушлаб турибди, гипотенузанинг учидан тутганча, жилмайиб уни бир текисда равон айлантиради: «Тир-ли, тарли, тир-ли-ля... «Ниночка!» У диванга ағанаб кўзларини юмди. У Ниночкани ўпиб, ечинтира бошлади. Нина кулади, қаршилик кўрсатади. У илтижо қилади: хўп, дея қол. Прохор қизлар ичдан нималар кийишини ҳеч қачон кўрмаган.

Қон миясига урди, оғзи қуруқшади, кафтлари намиқди.

— Мана отангизга қишлоқ почтасидан «Нива» опкеллишти, сизга эса хат бор. Соғлигингиз тузукми? Қизариб кетибсиз...— деди Варвара.— Суратларни бериб туринг. Иброҳим билан бир томоша қилайлик.

«Суюкли Прохор Петрович, аччиғингиз чиқмасин, мен сизни Прохор деб атайман,— ёзганди Нина.— Бу учинчи хатим, сиздан жавоб йўқ. Гуноҳдан кўрқинг. Отп нима эди, Анфиса шекилли, ўша бева ишқилиб бошингизни айлантириб қўйгани йўқми? Начора, ўзи йўқнинг кўзи йўқ, деганлар-ку. Чамаси ҳамма эркаклар бир хил. Мен эсам, жуда ақлли бўлиб кетдим, биз адабий тўғарак ташкил қилдик, баъзи нарсаларни ўқиб ўрганимиз, рефератлар ёзямиз, тўғаракка адабиёт ўқитувчи-

си Долго раҳбарлик қилмоқда; жуда дилкаш одам. Ҳеч нарса ўқияпсизми? Йўқса, йўлларимиз айри тушади... Қачон дийдор кўришамиз? Келинг, хилватгоҳда шунча димиқиб ётганингиз етар».

Нина шоша-пиша, ажи-бужи қилиб олти саҳифа ҳар хил нарсалар ҳақида ёзган эди.

— Ҳа,— деди Прохор,— ўқиш керак.

Хатни охиригача ўқимай хонада юра бошади. Умуман, хатга совуқ муносабатда бўлди; Нинанинг қиёфасини алланарса тўсиб қўйдию у туман қўйнига сингиб кетди, сиёҳда битилган сатрлар жонланмади.

— Ҳа, ўқиш керак.

Юра туриб у ўзини ойнага солди: чиройли, баланд бўйли, ягриндор. Қора майин мўйловини чимдиди. Хатни охиригача ўқиди, охирида шу сўзлар ёзилган эди: «Сизга хайрихоҳ ва сизни с... Нина».

Анфисанинг кўзлари уни муттасил кузатар, жилва қилиб уни имлаб чақирар эди. Алвасти!.. Шу чоғ сиёҳда битилган сатрларнинг охири жилоланди, у хатни диққат ва меҳр билан яна бир марта ўқиб чиқди. Албатта, Нина унинг хотини бўлади. Бунга у ўзини муносиб равишда тайёрламоғи даркор.

У сургун қилинган Шапошниковнинг олдига кетди. У қалбда Нинанинг сиймосини ва ноаниқ орзу-истакларини жо қилиб борарди. У ерга боққанча ўй суларди.

— Аҳ, лочин, бўйнини ҳам қилиб кетяпти-я.

— Анфиса!— деб қичқириб юборди Прохор. Ўзига нима бўлганини дарров билолмади. Гўзал унинг рўпарасида бошини адил кўтарганча олди очиқ пахталик нимчада турарди. Қўлларини кўксига чалмаштирганча, мана, ўтли нигоҳи билан унга суқланиб бөқди ва бутун вужуди ила толпинди:

— Лочиним!..

Прохор шартта четга бурилдию муштарини тутганча нари кетди

— Ёнимга қабёқдаги ялмоғизларни юборишга қандай ҳаддингиз сиғди?— деб қичқирди у, кейин ижирганиб илова қилди:— Суюқоёқ!

Қани энди орқасига ўгирилсаю унга қараса: турган гапки, у йигитнинг елкасига кўз узмай қараб турган бўлади. Йўқ, қарамайди, бети қурсин! Унинг зардаси қайнарди. Олдиан Марья Кирилловна чиқиб қолди.

— Ойи, азизим!..

— У билан нимани гаплашдинг?

— Мен уни суюқоёқ деб сўқдим. Уйгами?

— Уйга. Кашишнинг хотини олдига боргандим. Сен, Прошенька, ундан нарироқ юр!.. Ёмон жувон у — Анфиса. Илонинг ёғини ялаган.

— Ойижон, нималар деяпсиз асти? Жонгинам!..— У онасини қучиб ўпди ва орқасидан қараб қолди. Прохорнинг онасига

юраги туздек ачишти. У энг чеккадаги кулба олдига келди, бу срда Шапошников турарди.

Шу аснода Марья Кирилловна Анфисага духоб келиб қолди, четлаб ўтмоқчи эди, иложи бўлмади:

— Углимни ўз ҳолига қўйинг, Анфиса Петровна... Наҳотки сизда инсоф-диёнат бўлмаса!

— Қаердан чиқди бу гап? Ё тавба! Тилингиз бесуяк экан.

Аёллар худди ёвлашгандек бир-бирлари ёнидан индамай ўтиб кетишти.

Шапошников соқолдор, бароқ қош, тепакал, лекин сочлари узуи, ингичка овозда дудуқланиб гапиради. Гашираётганида қийин сўзлар чиқиб қолса, гўё сўзларни кўзларидан сиқиб чиқармоқчи бўлгандек, кўзини маҳкам қисади.

— Эшитишимча, дорилфунунни тугатган эмишсиз?

— Ҳа, тугатганман... Ҳуқуқ институтини. Утиринг. Хўш, хизмат?

Прохор Шапошниковнинг революционер эканлигини, генералними-е, губернаторними жонига қасд қилиб, Акатуйда жазо муддати ўтаганини, ҳозир сургундалигини биларди.

— Мен ўқимоқчиман, шу ерда... Сиз, масалан, немис тилини биласизми?

— Йўқ,— деди Шапошников ва пенснесини тақди.— Тўғрироғи, биламану, лекин унчалик эмас.— У ўтирди-да, оёқларини чалмәштирди. Этиги тешилган, лой, шимиям йиртиқ, қўли дагал, тирноқларининг ости-қоп-қора,— ғирт мужик.

Прохор кулбага разм солди. Хира дарчадан ёруғлик аранг ўтади: токчаларда қушлар ва майда ҳайвонлар, бурчакда тулкими бўри куённи тилка-пора қилаётгандек тасвирланган. Стол устида узала тушиб ётган олмахон, ништарлар, каноп, сим. Лок ва гиёҳ ҳиди анқийди.

— Тулум ясааяпсизми?

— Ёриб кўряпман.

— Бундан чиқди сиз мени ўзингиз билган ҳамма нарсага ургатар экансиз-да?— деди Прохор; у четга қарашга ҳаракат қилар, овозида ясама такаббурлик сезилар эди.— Кўнглингиз тўқ бўлсин, мен яхши ҳақ тўлайман. Умуман, истагим шуки... Одам бўлмоғим даркор.

— Ота-онангиз мажбур қилишяптими бунга?— деб сўради Шапошников серсоқол иягини кўтариб.

— Узим. Узим хоҳлаяпман.

— Жуда соз! Албатта отангиз сизни ўйлайдиган аҳволда эмас.

— Нимадан бошлаймиз?— деб унинг сўзини бўлди Прохор.

— Келинг, тарих, география билан шуғулланамиз. Дарвоқе, менда Ключевский билан Реклю бор. Ё пасхадан кейинми-а?

Прохор салмоқланиб деди:

— Йўқ... Вақтингиз бўлса, ҳозироқ бошлаймиз.

Шапошников пенсенесини ечди, кўзини сузди ва Прохорга разм солиб, кўнглидан: «Аломат!»— деган гапни ўтказди.

10

Кечкурун, вақт алламаҳал бўлиб қолган. Марья Кирилловна ухлагани ётган. Илья Сохатихнинг хонасида хурсандчилик. Иброҳим бошини қўлларига қўйганча чалқанча ётибди ва хотинлар тўғрисида ҳар балоларни бичиб-тўқияпти. Илья Сохатих дам-бадам малла жингалак сочларини орқага ташлаб ҳиринглаб кулади, қаламни оғзида ҳўллайди-да, альбомга ёзиб қўяди:

— Қанақайди, қанақайди?

— Ёз,— дейди Иброҳим ва ёлғон-яшиқни тўқиб ташлайди. Қалам тинмай ёзади. Илюха қотиб-қотиб кулади, энтикади, хахолайди. У ҳам ўзини кўрсатгиси келади. Альбомга кўз ташлаб, пиқиллайди, ҳўл оғзини артади ва ҳикоясини бошлайди:

— Мана, масалан, ошпаз қизнинг тўрани танигани... жуда қизиқ. Бор экан, йўқ экан, бир ошпаз қиз ўтган экан, унинг сонлари йўгон, сенга ўхшаш биққидек семиз экан, Варварушка...

— Ха-ха-ха-ха-ха-ха!

— Хуллас, унинг кўзини боғлашибдию галма-галдан ўпа бошлашибди: иккита дарбон, кучер, малай ва яна уч солдат, ошпаз қиз ким ўпганини топиши керак экан.

Иброҳим мўйлови ва тишлари орасидан кулади; вишиллайди, ҳуштак чалади, томоғини тақиллатади, тишларини шақиллатади. Ошпаз ичақ узилди қабилда кулади: қоринни чангаллаб олган, тебранади, чурқ этмай олдинга-орқага чайқалади, ўзи эса қип-қизил мағиздек, хўппасемиз, ёриламан дейди, бирдан ўзини тутолмай шунақанги чинқириб юбордики, қулоқлар шанғиллаб кетди, сўнг яна тебраниб, силкина бошлады. Худди ўлиб қоладиганга ўхшайди.

Илья Сохатих ҳавони искади, жирканиб бурнини жийирди ва бундай деди:

— Халқ нодонлигини ҳисобга олганда, сиз поэзия деган нарсани тушунмайсиз... Мана, масалан, мувашшах. Эшиттинглар!— У ароқ ичди, ошпаз хотин билан Иброҳимга ҳам қуйиб берди ва альбомни титкилади-да, қандайдир бегона, эчкининг маърашига ўхшаш овозда ўқиди:

Азизгинам, гўзал фариштам,
Нозик-ниҳол қаддинг — муродим.
Фақат бахти қародирман мен —
Илья Сохатихнинг зурёди.
Сенга, сенга интилурман, ҳа,
Ақлдан ҳам озсам майлига!..

Сўнги икки сатрни у жазаваси тутгандек ҳайқириб, йиғламсираб ўқиди ва жон ҳолатда маст ошпаз хотиннинг оёғига йиқилди.

— Алвидо, дўстим, сенга талпинаман!— у малла бошини унинг тиззасига урди, сочлари тўзиб кетди ва йиғлаб юборди. Унинг кайфи ошиб қолган эди.

Варвара бирдан бўшашиб кетди, гўё унинг вужудида илиқ ув оқиб тушгандек бўлди: оҳ-воҳ қилиб, энгашдию приказчикнинг бўйнидан қучоқлади ва овозининг борича, ўкириб, даҳшатли ув тортди:

— Валинеъматим!.. Илю-у-у-шен-ка-а-а!.. Йиғлама.

Илья Сохатих сирғалиб унинг қучоғидан чиқди-да, дик этиб ўрнидан турди:

— Тентак! Наҳотки сен, менинг ичак-чавоғимгаю қалбимга бу йигит ишқибоз экан, деб хомхаёл қилсанг?.. Аҳмоқ!

Черкас каравотдан кўзгалди ва Ильяга жаҳл билан кўзларини чақнатиб қаради.

— Мувашшах дейди буни,— Илья шойи рўмолча билан кўз ёшини артди-да, ароқ ичди.— Бунда бош ҳарфларда маҳбубанинг исми битилган, бироқ қимни севишимни сиз ҳеч қачон билмайсиз. Эҳ, меҳрибонларим... Варвара! Иброҳим!.. Қимни эҳтирос билан севишимни ва изтироб чекишимни сизлар билмайсиз.

— Била-ми-и-из,— деди чўзиб ошпаз қўлтиғининг тагини қашиб.— Ушани-да! У ҳамманинг бошини айлантиради. Анфиса маккора...

— Тўғри!— деб қичқирди Илья ва қарсақ урди.— Тўғри. Бироқ у маккора эмас. Бунақа ҳақорат учун тумшукқа туширадилар.

Хонада яшил қинғир-қийшиқ шарпалар кезарди: ҳамма нарса негадир чайқалар, беқарор ғувилларди. Нафсиламр, Иброҳим сўқияптими ёки кавказча қўшиқчи минғирлаб хиргойи қиялптими, Варвара эса, йиғлаяптими ёхуд шайтони кўзиб ич-ичидан куляптими, билиб бўлмасди. Ароқ сероб эди. Исли туман жимирларди.

— Уйланаман... Улай агар, уйланаман!.. Никоҳ, яъни...

— Уйлан... Уйинга тушамиз!

— Варварушкага — ёқут... Иброҳимга — олтин соат... Ноз қилади у... Ашаддий душманларим бор... Душманлар!

— Сўямиз!.. Душманни...

— Марья Кирилловна, бечора, айтувди,— деди ҳиқиллаб ошпаз.— Уйлантириш керак уни, деб... Сени-да. Золим эрининг дастидан йиғлагани йиғлаган боёқиш...

— Бекага раҳмим келади,— деди Иброҳим.— Баҳоси йўқ хотин Марья, мана шунақа... Эсиз!

— Жа чиройли-да, бу алвасти Анфиса!— деди Варвара.— Унинг баданига эркак экану хотин кишининг қараши ҳам гуноҳ. Дунёга камдан-кам келади бунақаси.

— Анфиса-я! Вой! Мени кўрарга кўзи йўқ!— деб қичқирди Илья ва жингалак сочларини тўзғитди.— Биродарлар, мени уйлантириб қўйинг! Бош қўшинлар!.. Биз у билан... Савдогар хотин бўлади. Шаҳарда, гиштин уйда яшайди. Мен баъзи нарсаларни жамғариб қўйганман, фақат гап орамизда қолсин... Анфиса! Гўзал фаришта! Лола!

У эчкидек ирғишлаб, унга ҳавойи бўса жўнатди.

Хонада шарпа чиқармай Прохор пайдо бўлди. Тўсатдан Ильянинг юзи олқиндидек бўп қолди. У шоша-пиша альбомни олдию ёстиқ тагига тикди.

— Нима у?

— Ҳеч нима, Прохор Петрович, шунчаки... Эрмак!

— Кўрсат!

— Нега кўрсатар эканман. Шуям иш бўлдимиз? Ахир бу узимнинг буюмим.

— Кўрсат!— деди Прохор бўғилиб, сўнг ёстиқни ерга улоқтириб, альбомни олди.

— Ҳар хил маза-бемаза нарсалар ёзилган бунга. Юз-кўзи очилмаган сиздек хушаҳлоқ ўсмирнинг ўқиши одобдан эмас. Уятли гаплар ахир...— Илюха типирчилади, эҳтиросли кўзларини мастона сузди, қўлини эса қўрқа-писа альбомга чўзди:— Кўз югуртиришга арзимайди, Прохор Петрович. Пардон, марҳамат.

Прохор шошилмай муқовасига ўралган газетани олиб ташлади.

Илья гужанак бўлиб, анқовсираб туксиз оғзини очди. Қизил сахтиён муқовага зар ҳал билан қуйидаги сўзлар битилган эди:

«ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ
ИЛЬЯ ПЕТРОВИЧ СОХАТИХГА
СЕВГИМНИНГ РАМЗИ СИФАТИДА
АНФИСА ПЕТРОВНА ҚОЗИРЕВА
ЭСДАЛИККА ТУҲФА ҚИЛАДИ»

Теласида — тож.

— Хў-ў-ш-ш,— деб истехзо билан чўзди ўсмир, кейин ўтирди-да, рюмкага ароқ қуйиб ичди.— Кўп бўлдимиз туҳфа қилганига?— сўради у.

— Нима десам экан?.. Яқинда. Текшириш мақсадида бўлса, қип-қизил англак-ялмовчилик. Кутилмаган ҳодиса.

Прохор ароқни бамайлихотир ичди-да, ўйга толди.

— Биз бу ерда тасодифан дўстлар даврасида улфатчилик қилиб ичдик. Очиги, соғлигим ҳам ҳалигидақа... Зерикиб ўлади киши...

— Зерикиб ўлади?— деб сўради Прохор худди босинқираётгандек. Кейин тетиклашди, кўзлари ёнди.— Мана, ҳозир. Илюша, кўнглингни хушлайман. Анфиса Петровна севадими сени? Дўст сифатида айт, Илюша? Хўш?

— Бамаънироқ нима десамикин?— приказчик кўпикланган оғзини артди.

— Шошма...— Прохор ташқарига чиқдию зум ўтмай лимоннинг пўсти солинган бир графин ароқ келтирди.— Оғ!— деди у приказчикка бир пиёла ароқ тутиб.

— Кўп эмасми?

Прохор ҳам ичди.

— Кел, Илюша, каравотда бирга ётамиз.

— Жуда кўнгилли бўлади,— деди Илья. У бутунлай маст бўлиб қолди, тили зўрга айланарди. Прохорнинг юраги гургургур уради, қулоқлари Илюханинг сўзларини ўпқондек ютоқиб ўзига тортарди. Улар ёнма-ён ётишар, Прохор оғиркарвон айниққа ўхшар, Илюша эса икки қўлчасини кўкрагига тақаганча ялтоқланиб турган юмронқозиқни эслатар эди.

— Мен ҳам бахтсизман, Илюша...

— Биладан, биладан... Ҳаммаси отангиз туфайли... Эҳ, онажонингиз, онажонингиз!.. Шундай дилсиёҳлик уйда. Ҳа, мен бу ишни узил-кесил тўғрилайман, кўнглингиз тўқ бўлсин... Айтганимни қиламан...

— Начора? Упишдингларми?

— Ҳа-да, қойиллатиб ўпишдик.

— Батамом-а!

— Батамом бўлганда қандоқ. Худди рисоладагидек. Пасхадан кейин унга дил розимни айтаман. Худо ёрлақаса, тўй қиламиз. Мирси.

Прохор томоқ қириб, сўради:

— Гўзал аёлни ўпиш яхши бўларканми, Илюша?

— Оҳ!— деди у энтикиб қийиқ кўзларини юмар экан.— Ҳатто ақл бовар қилмайди...

— Айтгин-чи, қандай... Хўп, дея қол, Илюша, оғайни...— Прохор эркалаб уни қучди. Илья тилини яссилаб, ҳиринглаб, бепаравуз оғзини ялай-ялай куракда турмайдиган уят гапларни валдирай бошлади.

Прохорнинг хаёли вақалбида Анфисага нисбатан муҳаббат ўти чақмоқдек чақнаб, рашки қўзиганидан унга нафрати ҳам ортди. Икки бети ловиллаб ёнди, тайгада шамоллатиб қўйган тиззаси зирқираб оғрий бошлади, оғзи қуруқшаб қолди.

— Сен Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо»сини ўқиганми-сан?— шартта сўзини кесди у Ильанинг.— Уша китобда Раскольников деган студент бор. Мен ўша студентни жуда яхши кўраман... Довюрак!

— Мен ҳам студентларни яхши кўраман,— деди Илья,— мисол учун, Алехин, сиёсатбоз...

— У кампирни ўлдирган...

— Йўқ, қотиллик бўлмаган, балиқ тутган.

— Мен Раскольниковни айтяпман! Аҳмоқ!— У мушти билан приказчикнинг иягига туртди-да, ўрнидан туриб эшикни қарсиллатиб ёпганча чиқиб кетди.

— Шайтон!— деб вишиллади Прохор лайлакюриш қилиб бораркан.— Анфисага қандай уйланишни кўрсатиб қўяман!— У қалтирарди. Ой деразани ёритиб турарди. Стулни ерга ургиси, бировни дўппослагиси, хафа қилгиси келарди. Дераза раҳига ўтирди-да, иссиқ пешонасини ойнага босди. Кўса ой гўё масхара қилаётгандек ундан куларди.

«Анфиса!»

Анфиса чақиргандек бўлди. Юраги увушди, пайдар-пай тепа бошлади: ўсмирни у ой тагида ҳаворанг товлаётган беорларча яланғоч сув парисидек, қор босган кенгликларга, ўша хатарли водийга чақирар эди.

— Бадбахт!

Онасининг хонасига қаради. Иккита шамчиरोқ ёниб турибди. Отасининг каравоти бўш. Марья Кирилловна тушида инграмоқда. Отаси қани? Кечқурун кўрган эди-ку. Қаердайкин? А-ҳа, ҳали шунақами?..

Катта эшикдан эҳтиёткорлик билан кўчага чиқди-да, Анфисанинг уйига қараб кетди. Ой бурнини ажабтовур пучуқ қилгандай ва Прохорга тилини чиқаргандай бўлди. Тупуради бунга! Ана уй. Уйнинг тагига келди-да, ўймакор чорчўпга осилиб, алвастининг деразасига ловиллаётган қулоғини босди. Жимжит. Отаси ичкарида бўлса керак. Деразани аста қоқди. Унга, ойимнинг тоби қочиб қолди, дейди.

Парда қилт этмади. Деразада тўқиб битказилмаган қора пайпоқ кўринади, ниналари ҳамон дикқайиб турибди. Қаттиқроқ тақиллатди. Ухлаб ётишибди. Хўрозлар қичқирди. Кучи борича панжарага мушт туширди, ойна жаранглаб, чил-чил синди. Прохор ерга энгашганча югуриб, тор кўчага ўзини урди.

11

Петр Данилич эрталаб келди. Қажавали чанада қоп-қоп ун турар, ўзи эса бошдан-оёқ унга беланган эди.

— Қаерда эдинг, ота? Тегирмондами? Уша ерда ётиб қолдингми?

Ароқ ҳиди анқиди, ерга ташлаган унинг телпагидан тўзондек ун кўтарилди:

— Қаерда ётардим бўлмаса?

Прохор ичидан зил кетди,— қилмишидан уялди ва кўчага йўналди. Черков қоровули кеча синган ойна ўрнига янгисини қўярди. Прохор баттар мулзам бўлди. У қўлларини энги ичига тортиб, бўйнини хам қилганча алланарса тўғрисида ўйга чўмгандек шошилмай борар, кўзлари эса олма-кесак териб, дилхоҳ ойналарга термиларди. Даҳлиздан челак кўтарган қизча лип этиб чиқди. Бир кўнгли, Анфиса Петровнанинг соғлиғини сўрамоқчи бўлди-ю, бироқ бунинг ўрнига: «Қани энди сувни унга ўзим олиб келиб берсам», деб ўйлади. Хаёлида гармдоридек

аччиқ, ҳирсли фикрлар ғужғон ўйнади. Бир лаҳза онасининг сиймоси кўзи олдига келдию юраги туздек ачишди, лекин Анфисанинг эҳтиросли шивирлаши жозибадор эшитилдию унга дош беришга ўзида куч тополмади.

— Йўқ, асло... Асло!..— деб вишиллади Прохор жунжикиб, сўнг силкинди-да, илдам юриб қишлоқ чеккасига йўл олди. Бошини қайси деворга урсин? Ишлаш, ўқиш керак, вақт ўтиб кетаяпти. Шаҳарга жўнаб қолсамикини? Онасини, отасини қандай ташлаб кетади? Отам ичкиликдан бош кўтармайди. Ойим азоб чекади. Буёқда, анави... алвасти! Тижорат ишлари билан шуғулланиб, ер ҳайдаб отам, онам ва Анфиса билан шу хил-ватгоҳда яшаб, ёш умримни хазон қилишим инсофданми? Ахир ҳаётимни Нина Куприянованинг ҳаёти билан боғлашга аҳд қилганман-ку. Ҳа, ҳа, тамомила тўғри. Қандай соз бу. Нина чиройли, ақлли, у мени йўлга солади, ҳақиқий одам қилиб ештиради. Ниночка! Ёрим!..

Мана, қишлоқ ҳам ортда қолди. Оппоқ яланглик. Март қуёши тагида қор товланади. Ҳамма нарса қалбида алғов-далғов бўлиб кетди. Баҳор!— Прохор қаттиқ хахолаб кулди-да, ҳаққалаганча тайга томонга югурди:— Ҳе-хе!— у бақириб ашула айтди, пошнасиди чир айланди, ҳуштак чалганча, ўтириб-гуриб ўйинга тушди. Дала ҳам рақс тушгандек, ҳуштак чалгандек бўлди, пахмоқсоқол тайга гўё пириллади, қуёш унга заррин нурини сочди ва қаҳ-қаҳ урди: «Ҳе-хе!..»

Черковдан қўнғироқнинг мис карнайига ўхшаб бўғиқ садо эшитилди. Прохор таққа тўхтадию телпагини олиб, чўқинди, у рўза тутган эди.

— Жинни, тентак!— деди у топталган қор уюмларини кўздан кечириб.— Бир ботмон ерни топтабман, ўйин тушиб.

Унинг томирларида қон гупирарди: бирор иш қилгиси, жавлон ургиси келарди. Қараса, йўлдан бир мункиллаган чол келяпти.

— Яхшимисан, Прохор Петрович!

Прохор чолни оёғидан шаппа ушладию уни думалатди. Чолнинг соқоли диккайди, орқалаб келаётган бир боғлам ўтинни сочилиб кетди.

— Эсингни едингми! Боқувдаги айғир...

— Ха-ха-ха! Тур, бува, баҳор!— Прохор ўтинни орқалаб, олди-да, қишлоқ томон юрди.— Хўп, бува, етиб ол! Йўқса, елкамга мингин-да, хўроз бўлиб қичқир.. Сен сеҳргармисан ўзи?

— Т-фу, эси наст!

Прохор уйга келиб, черкасининг қўлидан белкуракни олди-да, қора терга ботгунча сарғиш елимшак қорни куради.

— Ўтин ёришни хаёлингга ҳам келтирма... Узим ёраман!— деб қичқирди у оғзи-қийшиқ саржинчига. Дарҳақиқат, ибодатдан кейин кечки овқатин еб бўлгач, ойдинда бир саржин ўтинни ёриб ташлади. Кучи танасига сиғмайди, тезроқ баҳор кела қолсайди: милтиқни оладию паррандаларини ўққа тутди, роз

қонини ботқоққа тўкади, шунда ўзининг қони гупиришдан тўхтайди. Қон!.. Ҳа, қон тўкса, бирон жониворни ўлдирса, яхши бўларди!..

Март, кашишнинг сариқ, ўзига ўхшаш семиз эркак мушуги қувурда ўтирганча, жазмани Машкани кутарди: Прохор мўлжалга олдию гўмбурлатиб отди,— мушук боши билан қувурга урилди. Прохор жилмайди, Югуриб кетаётган кучукни шартта отиб ташлагиси келди.

— Шўхлик қиялпман де!— қичқирди черкас.— Онангни қўрқитма!..

У яна кўп гапларни гапиришни истарди-ю, лекин жўяли гапларни тополмади.

Кашишнинг жуббасига бухўр ва ёнган мум ҳиди ўтириб қолган. Унинг қорни эса ўсимлик ёғи билан толқонга тўла эди.

— Алҳосил, табаррук зот, менга ато этган пешволик...— бироқ овози бўғилиб қолдию ҳазрат Ипат оддий тилда минғирлади:— Яна гуноҳларинг йўқми? Йўғ-а? Отангни йўлига гов бўлмадингми? Йўқми? Битга-яримта кўхлик беванинг ҳуснига учмадингми? Алдама, гапларимизни худонинг ўзи эшитиб турибди. Бундай чиқдики, йўқ? Узингга эҳтиёт бўл, ёшсан, ақлинг расо эмас, бева эса ҳаром-ҳариш ишларга ўч, шайтоннинг домига илнган, боз устига, ёмон касал.. Ҳали-замон бурни чириб тушади.

Прохор уятдан иситмаси чиқди, юраги чўғ бўлиб ёнди:
«Ол-а, алдаяпти, риёкор, қўрқитяпти!»

— Алҳосил, табаррук зот менга ато этган пешволик... гуноҳингдан ўтаман ва ижозат этаман, болакай.

Прохор черковдан художўй бўлиб чиқди, кўнглида фаришталар куйлайди, аммо оёқларин олдида иблис думини ликилла-тади. Ялатма изғирин визиллаб учади; қуюн уюрма бўлиб айланади.

— Эртага худонинг марҳаматига етаман! Улуғ нарса-да — дин дегани. Қушдек енгил тортдим-а!

У думли шайтоннамо қуюн ортидан, Анфисанинг дилхоҳ деразалари ёнидан ўтиб кетаётиб, чироқ шуъласи милтиллаганини, дераза тагида Илюха турганини кўриб қолди.

— Илья!

Осмонга учдими, ерга кирдими, ғойиб бўлди-қолди. Ялатма изғирин унинг изларини кўмиб юборди. Прохор бир ёнга қийшайиб кетган кулба ёнида шивирлади-да, тилла танга олиб иккита ўспиринга тутқазди:

— Кўрдингларми!— деди у тор кўчани имлаб кўрсатиб.

— Биламиз, ўргатма...

Қишлоқда даққионусдан қолган, бир кам юз баҳорни кўрган Вахрамёюшка дегани бор эди. Унинг бир оёғи ёғочдан, раҳматли Нахимов ҳаётлигида Қрим урушида оёғини шрапнель учириб кетган эди. У ўн еттинчи қайин оёқни ишлатиб

тугатмоқда эди. Вахрамеюшка ана шунақа қадимий киши эди!

Прохор пасхада одамларни ҳайрон қилмоқчи бўлдию Вахрамеюшка билан кечаси бекитиқча тўпни қазиб олишга киришди; тўп черков боғчасида ётар, вақт ўтиши билан тупроқ тагида қолиб кетган эди. Шоҳ Борис замонасида бўлса керак шу ердан ўтган казак отряди тўпни ташлаб кетган, оқибатда у шу ерда жойрастони топган эди.

— Фақат дамингни чиқарма...

— Нима девотсан?

— Оғзингни очма...

— А! Қаттиқроқ бўкир! Оғзимга бўкир.. Қулоғим том битган.— Чол лаққабалиқдек тишсиз оғзини очди. Прохор лабларини чўччайтирди-да, унинг кўҳна оғзига кучи борича бўкирди.

— А-ҳа! Бўпти!— деб шодон жавоб берди Вахрамеюшка ва кўз қисиб қўйди.— Мавриди келмагунча ҳеч ким билмаслиғи керак... Хуфя дегин... Бир гумбурлатсак эхоналари ўйнаб кетади... Шунақа!

Прохор уйига шод-хуррам қайтди: бойиб, машхур бўлиб кетади ҳали, ҳақиқий тўп олади.

— Биз баъзан Нахимов билан, жойи жаннатда бўлсин...

Еғоч оёқ қалин қорда гичирлайди: зим-зиё тунда Анфисанинг эшиги гийқиллайди. Прохорнинг қалби орзиқади. Эҳ!

«Ниночка, ёрим!.. Ҳадемай пасха. Бизда ҳали ҳам совуқ. Ниночка, пасха. Қачон дийдор кўришамиз, Ниночка? Мен сенин ўпаман... Уч марта, минг марта. Мен сенинг хатингни олдим у жавоб ёзмадим-а. Чўчқаман, бетайинман».

Шу ерга етганида қалами синиб қолдию у хуфя кундалигини қулфлаб қўйди. Тентаклик ва болалик. Тарақ-туруқ қилиб пиймасини ечди. Тагига чарм қопланган пийма ерга тарақлаб тушди. Прохор томоқ қирди-да, чўқинмасдан ўрнига ётди:

— Хайрли тун!

«Ун икки инжил оятини тушириб, Исо алайҳиссаломнинг изтироблари ҳақида тинглаш, шамлар парпираб-парпираб пурнур чарақлашини кузатиш нақалар буюк қувончдир...»— деб кўнглидан ўтказди художўй Анфиса.

Атроф зим-зиё ва сокин эди. Черков олдида шамлар осуда жилди, улар бир-бири билан шивирлайди, кўз қисади. Сонсаноксиз шамлар. Ҳар бир шам жонли — қўл ва юрак. Анфисанинг қўли оппоқ, ҳассиққина; юраги ноаниқ — оҳанграбо. Прохорнинг шами онаси Марья Кирилловнаникидақа — йўғон, зарғал жингалали. Ғамбода Марья Кирилловна уйига кетмоқда эди.

Прохор ўзининг шамини ўчирди-да, қоронғилик пардаси орқасига яширинди ва шу қоронғилик оралаб Анфисанинг ортидан яшириниб кела бошлади. Анфисанинг шами чеҳрасини

сийлаб ўтар, унинг лабларини пичирлатар, лўппи, чиройли бу лабларда оғу ва бол бор эди. Яна қизларникидек жозибали чеҳрасини айтмайсизми?!

Анфиса шамга шивирлайди:

— Еримни дуо қил, унга таъзим бажо айла, э шамчироқ... Сарлочиним! Азамат!

Проخور қоронғиликка шивирлайди:

— Беномус!.. Қара-я!.. Художўй!..— Проخور Анфисани севадим, ёмон кўрадим, бунни тушунолмасди.

Уйда чой ичишарди. Бўғриқиб кетган Петр Данилич, юраги куйиб стакан кетидан стакан бўшатарди. Ундан ҳаммом ва супурги ҳиди келарди.

— Уф! Тоза савалади-да, хумпар. Ҳатто иссиқдан супурги ҳам шитирлаб кетди. Уф!.. Ҳей, Иброҳим!

Иброҳим ошхонада тухумнинг оқини аралаштирар, пасхага бутунлай шаҳарча, безе, деб аталадиган пирог пиширмақчи эди. О-ҳо! У ҳамма нарсани эллайди... У...

— Ҳеч чанқовимни қондирмаяпти. Талинкага қор солиб кел, чойга қўшиб ичаман. Яхши кўраман бунни.

Лавлагидек қизариб кетган черкасининг юзи, кўзи қип-қизил, иссиқ ярғоқ бошига супургининг барги ёпишиб қолган.

Муқаддас пайшанба — пайшанбаларнинг асили, Марья Кирилловна билан Варвара олдиларига пешбанд тутиб олишиб, энгларини тирсакларидан юқори шимаришиб, ошхонада кучаниб хамир муштлашар, кўкракларни лопиллар эди. Қаторасига нкки кеча ширин кулча ёпишади, бир талай меҳмон келади, ахир «улуғ айём», ноз-неъматлар бисёр бўлиши керак. Илюха Сохатих, жаноб Илья Петрович пайшанбаликка туз туяяпти.

Мис даста ҳар сафар жаранглаганда бошини сарак-сарак қилиб, назокат билан:

— Жон-дилимдан яхши кўраман бу айёмни,— дейди.

— Сен Ибрагимушка, черковга борасанми?— деб сўради бека.

— Бораман, Марья. Ширин кулчани табаррук қилиб келаман. Зарил.

Ошпаз хотин оғзини кўксига тутиб ҳингиллади ва черкасга кўзини ўйнатди:

— Ахир сен тасқара нўғойсан-ку, ғайридин.

— Барибир... тупурдим... Кавказ борсам Муҳаммаднинг умматиман, бу ерда Исонинг. Барибир... Тупурдим. Исо тирилди...

— Ибрагимушка, ҳали Кавказга кетиш ниятнинг борми кўнглингда?— деб сўради бека.

— Йўқ, нега энди,— деб у тухум оқи тўла талинкани тақ этказиб столга қўйди ва бармоқларини ялади.— Черкас бами-соли ит, вафодор.

— Бизларни ташлаб кетма, Ибрагимушка.

Кўзи қиярканми ташлаб кетишга? Бека бу гапни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасин. Бу ер унга ёмон эканми, Прошкани ишо-

ниб топширишмадимми? Прошка ўғлидан афзал. Худо асрасин уни! Гап шу! Бу гапларни тоғлиқ черкас айтди. Бу ерда черкасни ўз туғишганларидек авайлаб-асрашади, бундан ортиқ унга яна нима керак? Ишқилиб уни ҳайдамасалар бўлгани, оёқлари тагида итдек жон беради. Ибрагимушка рост гапиряпти, у қил-вирилкни ёмон кўради. Қҳ!

Марья Кирилловна кўнгли бузилиб:

— Яшайвер, худо омадингни берсин,— деди.— Лекин жуда тортинчоқсан, ҳеч нарса сўрамайсан. Пасхада сенга соат совга қиламан.

Черкас пишиллади ва кўзларини ғазабнок ола-кула қилди.

— Тегирмонда бўлдим, тегирмончининг тумшугига туширдим... Хўжайинининг унини ўғирлама! Муттаҳам! Ўғирликни кўрсатиб қўяман сенга!

— Кўп бўкирма! Қутурган,— деди ошпаз хотин қўлини силтаб.

— Муттаҳам! Хўжайин маст, аҳмоқ. Пул қадрини пўчоқча билмайди... Муттаҳам! Прошкани тез катта қилиш керак... Муттаҳам! Уйлантриш керак... Хўпам яхши қиз, Куприян Крайска... Муттаҳам!

— Мунча вайсадинг... Фингшима... Жим бўл!— деди ошпаз ўқрайиб.

— Тегирмонга бошқа одам олиш керак... Унинг ташмалайди. Бошқа приказник керак. Мол ўғирлайди. Мана сенга, муттаҳам, ярамас!— у ханжарини қинидан суғуриб Илюхага ўқталди.— Чавақлайман!..

Илюха ўсал бўлиб хахолаб кулди, чўзинчоқ юзидаги сепкиллари қорамтир тусга кирди.

— У жаҳл отига минганида уни томоша қилишни жону дилимдан яхши кўраман,— деди Илюха тузни элакдан ўтказар экан.— Ижозат этинг, Марья Кирилловна, мен тухумларни бўйайин,— деди у.— Варвара, қизил бўёқли пакет қаерда эди?

— Агар уйингга илон ўрмалаб кирса, қурьонда айтадики, унинг бошини пошнанг билан мажақла, дейди. Сени уйингга, Марья, илон ўрмалаб кирмоқчи. Хотин у. Биламан. Кўряпман. Куйма, Қҳ!

Марья Кирилловна секин уҳ тортди, скамейкага чўкиб йнглади ва хамир юқили қўли билан кўзини артди.

— Эҳ, шошма ҳали!..— деб хўрсинди черкас.— Эсиз... Бундоқ!

Бутун ошхона, униқиб кетган шифтдан тортиб, печдаги сўнгни кўмирғача оҳ ургандек бўлди.

12

Пасха тун қорбнги, кўкламги уйқудек теран. Билъакс, черков девори ичидаги гулханлар шу қадар ловиллаб, гуриллаб, билтанглаб ёнардики, олпоқ черков пушти рангга кириб,

жилваланиб ликилларди. Одамлар отда, пиёда, кети узилмай келарди. Мана, гулхан ёнига қоронғилик ичида битта отга мингашган уч одам қалқиб чиқди: олдинда, отнинг бўйнига яқин жойда хўжайин, унга тиралиб ўтирган хотини; унинг орқасида онасининг калта пўстинини чангаллаб олган ўспирин.

Деразалардан тушаётган чироқнинг заиф нурларидан зулмат оқариңқираган, дарвозалар гижирлайди, говур-говур эшитилади.

Гирч-гирч қилган салмоқли қадам товуши: бу катта янги этик кийган черкас. Қорамой ва аллақандай нарсанинг тотли ҳиди димоққа урилди. Черкас ширин кулча олиб кетяпти. Тошдек қотган ерга пошнанинг равон ва жарангдор урилгани эшитилади: тақ-туқ, тақ-туқ, дарахтнинг хушбўй иси келади ва оппоқ бир нима сузади. Бу оқ шол рўмол ўраган Анфиса бўлса керак, у ҳам ширин кулча олиб келяпти. Прохорнинг кўзлари йўлбар боласиникидек ўткир: ҳа, у Анфиса, гулларнинг бўйини таратиб келмоқда. Ҳей, бу ёққа қара!

Кўкламги нимжон қор нимллаб тушмоқда. Мана, ярим кеча қўнғироқнинг овозини ҳарислик билан ютиб юборди ва аллақадерда, тайга ортида қўнғироқ жаранги акс садо бергандек бўлди. Бола-бақра, амма-хола, қиз-жувон ва эркакларнинг патаги-га курт тушиб қолди.

— Ҳей, хотин, тура қол!.. Даранглатишди..

Анфиса кулчасини деразанинг ўнг томонига қўйди, Иброҳим эса ёнма-ён қўйди. Анфиса жилмайди ва тақ-туқ, тақ-туқ юриб иконалар қўйилган ерга борди-да, пальтосини ечди. Оқ кашмири кўйлак унинг хушбичим, расо қоматини ва баланд кўкрагини сириб турарди.

Прохор Вахрамеюшканинг елкасига қоқди. Вахрамеюшка ебтўймас зағчадек оғзини очди. Прохор унинг оғзига қичқирди:

— Уни черковнинг эшигига олиб борамиз, қаттиқ гумбурлайди! Эшитдингми?

— Бўпти!— деди Вахрамеюшка ва йўталди.— Биз у сўлоқмонни оғзига ҳўл латта тиқамиз, ўнтача пайтавани бошлаб жойлаймиз. Роса гумбурлайди! Эсхоналари чиқиб кетади...

— Хавфли. Портлаб кетса-я?

— Ургатма! Биз, баъзан Нахимов билан...

Қўнғироқлар басма-басига жаранглар, одамлар куйлар, тун эса тўсатдан сув қуйгандек жимиб қолган эди. Креслолар, иконалар, туғлар, шамлар... Милтиқлар қасирлади. Тартақлар тарилларди, отлар осмонга сапчиди. Худди ғор оғзидан чиқаётган улкан илонни эслатувчи турнақатор одамлар ҳамон черков дарвозасидан сирғалиб чиқарди, мана, у бутун черковни жонли ҳалқаси билан ўраб олдию пўсти мингларча шамлар шуъласида жилоланди.

Қўнғироқхона тинчиб, фақат катта қўнғироқ қоронғилик қўйнида ҳорғин даранглаётганида Прохор, Вахрамеюшка ва яна икки мужик тўпни бекитиқча дарвоза ёнига олиб келишди.

— Эшиклар олдига судра,—деб гудранди Вахрамеюшка.

Порох солишди, Вахрамеюшка борлаб, ҳафсала билан ҳўл латталарни тўп оғзига тиқа бошлади;¹ сувли челақдан уч газ келадиган пайтава олади-да, бурайди ва тўп оғзига тиқади, боаларга эса буйруқ беради:

— Охкелларинг яна, қаттиқ гумбурлайди!

Прохор қўрқиб, бобога қўлини пахса қилди: хавфли, портлаб кетади.

— Худо ёр бизга!— деди Вахрамеюшка чайқалиб.— Ургат-ма. Баъзан, биз...

Черков эса, тирбанд, дим, тантанавор. Ҳазрат Ипат бардам-тетик, тинмай бухўр тутатади. Кампирлар бидирлашади. Меҳробнинг ўнг томонида казо-казолар. Чап томонида Анфиса. Полиция бошлиғи ярғоқ бошини, мўйловини, эполетларини ялтиратиб турибди. Унинг паст бўйли, семиз хотини ҳушёр бўлиб эрини кузатади. Эрининг эса Анфисага қарагиси келади. Узун камзул кийган Петр Данилич қўлларини қорни тагида қовуштирганча, худди тавфиқли одамдек тирилган Исонинг кўзларига тикилади. Янги ҳаворанг кўйлак ва кўкрагига ўқлар қадалган черкаска кийган Иброҳимнинг кумуш белбоғи ва кавказча ханжарининг дастаси ялтирайди, чўқинтирилмаган черкас ширин кулчалари ёнида астойдил чўқинади, у терлаб кетган. Шамлар терчираган, эриб тушган, одамларнинг бошлари узра кўкимтир тутун сузади.

Черков қўшиқларининг шинавандаси мирза хорни бошқарарди. У камертоғни¹ қўлига урди: до-ля-фа,— сўнг, силкитган эди, сочлари гир айлантириб текис олинган ўн беш чоғли эркак томоқларини йиртар даражада ўкиришди:

«Тилга олиб номини, муқад...»

Шу пайт даҳшатли гумбур янградио черков ларзага келди, эшиклардаги ойналар жангир-жунгур қилиб дув тўкилди, одамлар энкайиб қолдилар, бўсагага яқинлар додлашиб ўтириб олдилар, кашиш эса ирғиб тушди ва бухўрдонини қўлидан тушириб юбориб орқага тисарилди. Бир зум ҳамма ҳайкалдек қотиб қолди, бутун черковдагилар анқайишган эди. Порох ҳиди анқиди, дарвоза олдида юракни ёрувчи фарёд эшитилди. Черковга ранги бўздек оқарган бир бола югуриб кирди:

— Тўп... тўп отишди! Тўп портлаб кетди!

Ҳамма фиғон чекиб, чўқинди. Иброҳим черковдан лип этиб чиқиб кетди. Одамлар орасини ёриб ўтиб, унга полиция бошлиғи эргашди. Дарвоза тагидан меҳроб олдигача пичир-пичир: «Прохор тўп отди. Прохор». Анфиса ранги қум ўчиб шамдонни чангаллаб олди, оёқ-қўли бўшашиб кетди. Мирза қўл силкитган эди, хор пайдар-пай: «Исо тирилди»ни олди. Ҳазрат Ипат азбаройи юраги ёрилганидан йигирма марта бир жойнинг ўзига бухўр тутатди, оқсоқолнинг маслаҳатига кириб, черков ша-

¹ Камертон — доим бир хил овоз чиқарадиган айри пўлат асбоб.

робидан мўл-кўл нўш этганидан кейингина у меҳробда ўзига келди.

Анфиса ўнгга қаради: Прохор! Тўқ яшил ихчам венгерка кийган Прохор Петрович қошини чимирганча, отасининг дашномига жавобан ўзини оқлаб, чамаси алланарса демоқчи эди. Она сезгирлик билан қулоқ солар ва бош чайқар эди. Анфиса беҳол кўзларини юмди — «тирик!» Сўнг шукроналик табасуми бутун чеҳрасига ёйилди: «Мушфиқ биби Марьям!» Қалби ўртаниб, шодон уриб кетди. «У, у яккаю ёлғиз!» Чинакамига қалби уни излаган эди, узоқ излаб мана энди топди, Ҳеч кимга бермайди. О, ундан кўра шарманда бўлгани, ўлгани маъқул. Лекин ё раб... ё раб... ҳеч замонда унинг учун қалби ва вужудини сақладими? «Мушфиқ-муштипар биби Марьям, ўзинг биласан, қалбимни кўриб турибсан. Кўмак бер!» Анфиса Петровна тиз чўкди, бошини бўялган тахталарга қўйиб, нола қилди: «Худойим, худойим, ўзинг кечир, гуноҳимдан ўт! Пок бўлишга, умримнинг охиригача унга вафодор қолишга ёрдам бер». Ўзи билан селвор бўлиб черковда бўлаётган гап-сўзларни ҳам эшитмади.

Черковда эса ҳазрат Ипат Иоанн Златоустнинг сўзларини ўқишни тугатмоқда, христианлар эса ўпишмоқда эдилар. Чамаси ҳамма ўпишиб бўлди. Ҳазрат Ипатнинг лаби шишиб кетди, дьячок қизил тухумларга тўла, тўртинчи қўл саватини меҳробга олиб кириб кетди. Иброҳим ширин кулчалар ёнидан узоқлашди. Хўжайинлар билан ўпишиш учун одам тўла черковдан ўта бошлади, йўлида учраган одамга ташланиб, завқ-шавқ ила ўпа бошлади: «Салом... Майрам... Тирилди!» Эркаклар тўсанакки бу ҳамладан кўзларини лўқ қилиб, отлар сингарни пишқиришди, кампирлар эса: «Илоё қуриб кет...»— дея қарғаб тупуришди ва жирканиб бошларини сарак-сарак қилишди.

Мана, Анфиса Петровна қаддини ростлади, қўлини кўксига қовуштирди ва ҳамманинг кўзи олдида, гўё ҳусни жамолини ойнага солаётгандек, шошилмай худди маликалардек кибру ҳаво билан Прохорнинг ёнига борди.

— Прохор Петрович, Исо тирилди!— деб уни аста қучди ва шунчаки дил-дилидан ўпди. Черковдаги минглаб одамлар кўксидан: «Оҳ!..»— деган нидо отилиб чиқди. Прохор лавлагидек қизариб, тахта бўлиб қолди. Анфиса Петр Даниличга истехзо билан ялт этиб қарадию орқасига ўгирилганча черковдан чиқиб кетди.

Петр Данилич кўзларини чақчайтирди, муштини тугиб, яна очди, юзи тундлашди. Прохор яширинча лабини ялади, оҳ, қандай тотли!— шунда ранж-алам, уят ва бахтдан бутун вужуди ўт бўлиб ёнди. Шу билан бутун тоат-ибодат туш янглиғ ўтиб кетгандек бўлди.

Орқа томонда вишиллаб, пичирлаша бошлашди.— Бу — нвир-шивир олдинга ўрмалади: «Вахрамеюшкани ўлдиришди... Беллари бақувват... Товон тўлаб қутулишади». Петр Данилич-

нинг ичини ит тирнар, қора терга тушиб кетган эди. Ихраб, чуқинар экан, манглайи ва елкасига шунақанги қаттиқ урардики, қўли теккан жойи зирқираб оғрирди. Марья Кирилловнанинг қўли қалтирарди: у гўё пасха байрамига эмас, азага келгандек эди.

«Охири бехосият,— деб говур кўтарарди черковдагилар.— Бехосият, бехосият».

Прохор қандай қилиб йўлга чиқиб қолганини эслай олмайди. Бундай қараса, хўмрайишиб отаси билан ёнма-ён кетяпти. Тонг сентябрь ойидагидек сарғиш эди, янги ёққан қор ер сатҳини момикдек қоплаб ётарди.

— Туғилаверишади бу аҳмоқлар!.. Аммо ўлиб қолса борми, кип-қизил дахмаза... Нодон!.. Дўппослаш керак.— Отаси зуғум қиларди.

— Уни огоҳлантирувдим, гапга кирмади,— деди Прохор; овози болаларниқига ўхшаб ингичка чиқди.

— Гўдак! Нодон!

— Нега сизнинг жаҳлингиз чиқаётганини биламан.

— Нимага экан?— деб сўради отаси пишиллаб.

— Ҳалиги, сиз билан эмас, мен билан ўпишганига мён айбдор эмасман,— деди Прохор овози қалтираб.

— Айбдор эмасмиш... Хўроз айбдор! — деди хириллаб Петр Данилич.

— Ота, келинг, шу гапга чек қўяйлик.

Қайинларнинг учлари қиров эди. Ол ранга кирди. Зағчалар эрталабки ташвиш тўла овозлари билан чағиллаганча учиб ўтди.

Маза қилиб пешингача ухлашди. Иброҳим ўз ҳужрасида ўтирар, унинг ҳиқичоғи тутган эди. У пасхада ширин қулча еб бўкиб қолганди. Сузмали пирогни унинг ўзи ўйлаб топган эди. Пирогга у нималарни тикмади; черкаснинг кўнгли айнимоқда эди.

Прохор хизматкорлар турадиган уйга кирганида Илья Сохатих қийшиқ ойна олдида ўзига оро бермоқда эди.

— Уникигами?— деб заҳарханда сўради Прохор.

— Худди шундай, Прохор Петрович, ўшаникига.— У эчкига ўхшаб ҳингирлади ва духоба шляпасини кийди.— Соғ бўлсинлар! Висол!— шундай дедию таёқчасини тикиллатиб жўнаб кетди.

— Иброҳим,— деди Прохор тараддудга тушиб ва чуқур хўрсиниб, ўтирди.

— Биламан,— деди Иброҳим хомуш.

— Худо ҳаққи, менда айб йўқ... Лекин, Иброҳим, севаман... Тушунасанми...

— Аҳмоқ, Прощка!

— Курашявман... Тушунаман, яхши эмас.

— Сенга Куприян ога керак. Нина... Ишни битказиш... Бу эса — т-фу!

— Қаллам шишган, говлаган. Ҳам аччиқ, ҳам ширин, биласанми? Ойимгаям ачинаман...

— Уйла, йигит, Прошка... О! Чўчқа... Хотин думини ликил-латади... Эшак, болакай! Ортиқ ҳеч гап айтмайман. Қҳ!

Проҳор хонадан афсус-надомат чекиб чиқиб кетди.

«Падарига лаънат! Нима бўлди аслида?.. Падарига лаънат!»— дерди у ўзига-ўзи. Бироқ сўзлари пуч, калласи ғовак эди.

Вахрамеюшканинг кулбаси нимаю итнинг ини нима, фарқи йўқ; у похол устида оҳ-воҳ қилиб ётарди.

Бурчакда хотини йиғлаб турарди.

— Хўш, қалай?— деб сўради Проҳор ва ўтирадиган нарса қидириб, тўнтарилиб ётган бочкачага чўқди.

— Байрамни деб... чапараста ўпишишди, лаънати... тўп...— деди бобой чайналиб.— Уламан...

Ҳадемай фельдшер келди, кўрди.

— Чолни тузатинг,— деди Проҳор,— юз сўмнинг баҳридан ўтаман.

— Қийин,— деди фельдшер.— Иккита қовурғаси синган.

— Вой, ўламан, ўламан!

Кампир баттар ув тортди, Проҳорнинг ияги учди, у кампирни елкасидан ушлаб, қулоғига энгашди.

— Буви,— унинг овози қалтиради,— ахир мендаям гуноҳ йўқ. Начора, бахтсизлик рўй берди... Мана, буви, ол, ҳозирча.— У кампирнинг тиззасига бир сиқим кумуш танга тўқди-да, чиқиб кетди.

13

Ҳаво очиқ, байрам шодийнаси давом этарди.

Проҳор Шапошников билан тайгага кетди. Улар шамола ялаган, мох ўсган тақир жойни топишди-да, гулхан ёқиб, чой қайнатди.

— Хўш, Проҳор, ширин ҳаёт меъдангизга уриб, уйдан чиқиб кетдингизми? Балки уйингизда вино дарё бўлиб оқиб ётгандир...

— Илож қанча, сиқилиб кетдим... Табиатни жон-дилимдан яхши кўраман... Баҳор.

Баҳор осмондан тушиб кела бошлади. Қуёш муз қобиғини устидан ечиб ташладую нурлари чўғ янглиғ ялт-юлт порлай бошлади. Бор бўйича узала тушиб ётган ер қуёшга бағрини тутар ва тириклай кўрпа тагига кўмилгандай қимир этмай уйғонадиган вақтини кутар эди. Оёққа қалқ, ер, уйғон! Қуёш тобора иссиқроқ, қизғинроқ исита бошлади; баъзи ерларда оқ чойшаб тутай бошлади, офтоб эса олтин омовчи билан бамайлихотир, зўр бериб ўз нури билан қорни шудғор қила бошлади. Бир оз фурсат ўтгач, жилғалар чуғурлайди, яна бир муддатдан сўнг

дарёлар оқади, иссиқ жанубий ўлкалардан қушлар учиб келади. Қишки сўнги қор лахтаклари чуқур жарларга тиқилади ва қуёшнинг ўткир кўзлари ёлқинида эриб йўқ бўлиб кетади.

— Баҳор яхши нарса-да,— деди Шапошников оловдан трубкасини ёндириб.

Бутун кенглик зангор тусга кирди. Кўркем қишлоқ худди ҳаммомдаги қиздек бугга чулганган, фақат ҳовур устидаги крестгина ярақлар, туман узра байрам қўнғироқларининг овози ҳар томонга енгил ва шўх қанот қоқарди.

— Сизнинг ҳаётингиз бамисоли баҳор,— деди Шапошников.

— Мен ҳаётни сира билмайман... Мен ҳеч нарса билмайман, бошлаш керак. Ўргатинг.

Прохор кўкрагида қўлни чалмаштирганча қишлоққа ўйчан, маънос юзини ўгириб типпа-тик турарди.

Шапошников соқолини қашлаб қўйиб, гўё узоқ маърузага тайёргарлик кўраётгандек қўлни ҳавода ўйнатди.

— Ҳаёт,— деб гап бошлади,— яъни табиатнинг ошкор ва пинҳон яхлитлиги, ҳодисалар, хусусиятлар...

— Мана, сиз ҳамини бамаъни гапирасиз, мен эса тушунмайман...

Хонага Анфиса кирди, кўзларини сузиб, қидирган одамани тополмагач, бўсағада тарадудланиб тўхтади, гап-сўз зумда тинди. «Мен ҳақимда гаплашишаётган экан»,— ўйлади Анфиса.

Марья Кирилловна самовардан стаканга чой қуйиб эрига узатди. Полиция бошлиғи билан хотини кўз уриштириб олишди, ҳазрат Ипат яхна гўштли талинка устига энгашди.

— Байрам қутлуғ бўлсин,— деди Анфиса; ҳеч кимга қарамай секин чиқиб кетмоқчи бўлган эди, бироқ шу пайт ўн иккинчи рюмкани бўшатган Петр Данилич дик этиб ўрнидан турди-да, жилмайганча, қўлни ишқалаб, оёғи учиди юриб, одоб билан Анфиса томон юрди.

— Черковда ўпишолмадик... Анфиса Петровна... Хўш, Исо тирилди...— лабини қийшайтирди-да, кейин шарақ этиб Анфисанинг юзига тарсаки тортиб юборди.

Ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди, Анфиса индамай уйдан чопганча чиқиб кетди.

— Болани йўлдан уриш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман сенга!— деб бўкирди у Анфисанинг орқасидан.

Марья Кирилловна қувончдан кўзлари жиққа ёшга тўлиб, чўқниб қўйди.

— Мен камбағал бўлишни истамайман... Бўлмағур нарса бу! Мен бой бўламан. Бой бўлмоқчиман. Сиз ҳам менга бўлмағур гапни гапирманг,— деб эътироз билдирди Прохор қизиб,— мана, енг, пишлоқ...

Шапошников бир зум ўйга чўмди ва мийғида кулди.

— Начора,— деди у ширин чойдан хўплаб.— Савдогарлар орасида дуруст одамлар бор. Лекин кам. Бу фавқуллодда ҳодиса. Икки бошли бузоқ мисоли. Масалан, Калуга яқинидаги Гончаров, фабрикант. Уни аксари одамлар ҳурмат қилишади, Унинг ишчилари фойдага шерикдирлар, умуман...

— Калуга яқинидаги Гончаров!— Прохор ёзиб олди.

— Ё бўлмаса, Шахов... Уям ғалати, антиқа одам. Азза-базза Монте-Карлога бориб, пилдироқ ўйнайди ва талай пул ютади. Қотириб қўяди ўзиям. Бизнинг ташкилотимизга ёрдам берган... Дарвоқе, кейин маълум бўлдики, у товламачи экан.

— Мен қандай одам бўлишимни билмайман; лекин ўйлайманки, ёмон бўлмайман мен... Сизнинг социализмингиз билан ишим йўқ, фақир киши панада қабилди...

— Нимаям дердик,— деди Шапошников хўрсиниб ва йигитчанинг чақноқ кўзларига қизиқсиниб қаради.— Бундан чиқди, биз сиз билан ғоявий душманлар эканмиз. Ғоявий. Лекин бундан биз умуман душманмиз, деган маъно чиқмайди. Биз қалин дўст бўлишимиз мумкин.

Прохор олмахонга сўта отди ва жилмайганча деди:

— Мен, Шапошников, душманлар билан бирга бўлишни яхши кўраман. Қизиқ-да... Қон доим қизиб туради.

Прохор Шапошниковнинг елкасига чанг солдию хахолаб кулганча уни таппа босиб, курагини ерга теккизди:

— Келинг, кураш тушамиз. Хўш!

— Кураш тушмаганман,— деди Шапошников.— Уф!— ўрнидан туриб устини қоқди.— Сиз ўспиринсизу, аммо катта одамнинг гапини гапирасиз... Эҳ, бошқа муҳитда сиздан бамаъни одам чиққан бўларди.

Олмагон яна шохдан-шоҳга сакради. Қуёш нурида қизиган қарағайдан смола ҳиди келарди. Қуёш уфқ томон оғди.

— Муҳит — уч пул!— деб қичқирди Прохор югуриб келиб, гулхан устидан сакраб ўтаркан.— Билагингда куч бўлса, муҳит сенга бўйсунди.

— Ҳаётда ҳамма нарсани енгиб ўтиш даркор,— деди Шапошников ўйга толиб, кўзни чирт юмганча.— Даставвал одам ўзини енгиши керак.

— Узини енгиши керак, деган гапнинг маъноси нима?

— ...Ўтиб кетади,— деди байрам муносабати билан кайфи ошиб қолган ҳазрат Ипат. У жон таслим қилаётган Вахрамёшқа устига энгашиб, пешонасини деворга, қўлини чолга тираб, бўғиқ овозда унга таскин бера бошлади. Кейин юм-юм йиғлаётган кампирни дуо қилди.— Бардам бўл, ошна,—«ҳиқ-ҳиқ» қилиб, деворларни ушлаганча кулбадан чиқиб кетди.

...Анфиса диванда ҳайкал сингари ўтирар ва худди ўликдек шиша кўзлари билан ўймакор печга тикилар эди. Нафас оляп-

тими, йўқми? Қаршисида Илья Сохатих гирдикапалак эди. Қувса ҳам, пўлиса қилса ҳам кетмасди.

Қош қорайди. Куёш тафтидан тушди, юзига яшил парда тутдию бутун осмон яшилворий тусга кирди. Туман совуқ уфура бошлади.

— Бас,— деди Прохор устозига.

Олисида Таня қўшиқ айтиб, ўйинга тушмоқда эди. Синильга ўз тобутида ухлаб ётарди. Ҳей, Таня, ҳей, Синильга! Бироқ аслида унинг кўзи ўнгида осмоннинг яшилворий пардасию ийманибгина милтиллаётган кечки юлдузлардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

— Қаёқларда сандироқлаб юрибсан?— деб қарши олди уни дарвоза тагида йиғлаган ошпаз хотин.— Ахир ҳайвон ойингни уриб дабдала қилди-ку.

— Нега?

— Ким билсин, нега. Бир бало учундир-да. Аввал Анфисканинг тумшуғига туширди, кейин эса...

Прохор венгеркасини ечди ва атайин гурс-гурс қадам ташлаб емакхонада ўтирган отаси ёнидан ўтди-да, ойисининг ёнига кирди. Онаси каравотда янги кўйлақда ётибди, енги йиртилган, оппоқ елкаси моматалоқ.

— Ойижон, меҳрибоним!

Онасининг бошига ҳўл сочиқ ўралган. Сирка ҳиди анқийди. Шамчироқ. Ҳаворий Прохор тасвири кумуш ромда. Турибди. Самбиттол диккайиб қолган. Она ўғлига ётсираб кўз ташлади. Прохор хижолат бўлди. Зум ўтмай унинг қаршисида тиз чўкди. Онанинг кўзлари, бирдан кулдию шу заҳоти жиққа ёшга тўлди. У ўғлининг бошини бағрига босди ва ҳарчанд уринмасин, кўз ёши билан фарёдини тия олмади. У йиғидан энтикиб, ўғлининг қулогига шивирлар, уни чўқинтирар ва бошини маҳкам бағрига босар эди:

— Қандай кун кўраимиз? Қандай яшаймиз?.. Анави пловнинг дастидан адо бўляпман. Эй худо, жонимни олсанг-чи!

— Онажон, қадрли онагичам!.. Ҳозир отам билан гаплашиб кўяман.

Она уни қўлига ёпишди:

— Худо ҳаққи, қўй! Ўлдирадн сени...

— Ойижон! Бир ёқли қилиш керак буни...

Она жонҳолатда ўрнидан турди:

— Прошенька! Прохор!

Аммо у отасининг ёнига чиққан эди. Отаси стол ёнида сўғиз ўтирар, мастона хотинчалиш овозда тупугини сачратиб, чайқалганча қўшиқ айттарди:

Боплаб мени урдилар,
Танҳо ўларман тезда
Адабимин бердилар...

— Камол топ, бобой, болаларга эрмак!— деб хахолаб кулди Варвара. У осма чироқни ёқди.— Сочинг оқарганда уят ашула айтганингга бало борми... Т-фу!

— Ҳиқ!— ҳиқиллади чол.— Илюха ўргатди менга... Аҳмоқ — ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ.

— Варвара, ошхонага чиқ!..— Прохор унинг орқасидан эшикни ёпди.

— Ҳа-а, олифта, лочин,— деди Петр Данилич сўлаги оқиб.

— Ота...— деб гап бошлади Прохор ва стол қиррасини ушлаганча унга рўпара бўлди.— Сен отаммисан, йўқми? Ойимга эрмисан ёки...

— Сен кимсан ўзи?

— Одамман.

— Сен-а? Одам-м-м!— У диванда ғимирлади, ғўлабир, баҳайбат: сўнг кўзларини лўқ қилиб Прохорга қаради, ниҳоятда ҳайратга тушгандек оғзи ланг очилиб қолди.— Итваччасан!— деб чийиллади,— қурвақавачча!.. Т-фу, мана сен кимсан!

— Агар ойимни урадиган бўлсанг, судга бераман. Шаҳарга бораман, прокурорга арз қиламан...

— Вй! Вй, Прохор Петрович, отагинам!— ота тилини яссилаб чийиллаганча масхара қилди, юзида сохта қўрқув ва илтижо аломатлари пайдо бўлди.— Прокурорга!.. Қўзичоғим, Прохор Петрович, раҳм қил!— кўзларини қаҳрли чақнатиб, ҳиҳилаб кулди.

Унинг масхара қилиши Прохорнинг юрагига ништардек санчилди.

— Зуғум ўтказишларига йўл қўймайман!.. Зўравонлик бу!.. Ойимнинг аҳволига бир қара, чалажон қилиб урибсан-а. Қайси гуноҳи учун?!— деб қичқирди Прохор болаларча чийиллаб, тирсақлари силкиниб, қўллари кўзи олдига кўтарилдию у бутун вужуди билан қалтираб кетди.— Нега урдинг, ота?.. Қайси гуноҳи учун? Ахир у менга она, аёл киши...— Юзидаги ҳар бир мускули пир-пир учди, сочининг толасигача зирқираб оғриди.

Отаси айиқполвонга ўхшаб, қаддини ростлади ва ётолга иккала муштни билан гурсиллатиб урди:

— А-а?! Ҳимоячи!— у лапанглаб стол оша энгашди-да, хириллади:— А-а-а!

Қарракдек очилган қора оғзидан Прохорнинг димоғига тугун ва қўланса ҳид урилди. Уғил капалаги учиб ўзини орқага ташлади, бироқ қўққисдан кўзларини чақнатиб, гумбурлатиб столни муштлади:

— Ҳа, ҳимоячи!

Улар ҳарсиллаб бир-бирларининг юзига нафас пуркашар ва даг-даг қалтирашар эди.

— Нима учун уйда тартиб йўқлигини, ит эгасини танимаслигини сен ўзи биласанми?

— Биламан!— деб қичқирди Прохор.— Анфисанинг касрига шундай!

— Ростдан-а? Билагон экансан.

— Уят сенга, ота...

— Менга-я? Эҳ, мишиқи, ярамас!.. Черковда у кимни ялаб-юлқади, сеними, меними?

— Қўй, уни! Йўқса уй-пуйи билан қўшиб ёқиб юбораман...

— Нима?! Отанга ақл ўргатяпсанми?!

— Мен ҳеч кимдан қўрқмайман... Отиб ташлайман уни!

— А-а-а!..— Петр Данилич ўглининг ёқасидан олди. Тугмалар дув тўкилди. Прохор отасининг жундор муштини тишлади ва қўлига бир урди-да, юлқиниб қичқирди:

— Улдираман!— қочиб чиқиб кетди у.— Улдираман фоҳишани!

Онаси фарёд уриб, ерга қулаганини Прохор кўзлари билан эмас, қалб кўзи билан кўрди.

Йўлак қоп-қоронғи эди. Савдогар — ота, Вена стулининг оёғидан чангаллаб ушлади. Прохор йўлакдан чопиб борарди.

— Қаёққа? Исо... тирилди...— бу девор тагидан меҳмонга келаётган кашиш эди.

Стул лопиллаб ўғилнинг кетидан қоронғиликка учди. Тақ этиб теккан стул зарбидан кашиш гумбурлаб ерга ағанади.

Ваҳшийлашган даҳшатли Прохор Иброҳимнинг хужрасига бостириб кирди. Иброҳим хужрани бошига кўтариб, қаттиқ хуррак отиб ухлаб ётарди. Прохор шартта унинг ханжарини суғуриб олдию ошхона орқали чиқиб кетди. Тезроқ, тезроқ, қон совимай, ханжар қизигида бир ёқли қилиш керак.

— Улдираман.

Оёқ тагида ер силкинади, осмон гўё бошга тегадигандек паст тушган, йўл худди гордек зим-зиё, тақдир Прохорни олдинга етаклаётир. Унинг учун бошқа йўл йўқ, бошқа йўлнинг ҳожати ҳам йўқ!..

Даҳлиз, зинапоя, уйча, парда, чироқ. Чароғон уй. Тақ этиб пошна билан эшикни тепди, боши, елкаси билан урди:

— Ҳей, эшикни очинг! Ичкарига киритинг! Бошимизга фалокат тушди...

— Прошенька, сенми? Лочин...

Лўкидон шиқирлаб кўтарилди, эшик ғичирлади. Ханжар ярақлади:

— А-а-а...

— Кет, шайтон!— Прохор тўнтарилиб тушди.— Ханжар ўқ-талишни кўрсатиб қўяман сенга!

Хунук, айни чоғда ёқимли овоз эшитилди ё тун баҳорги овози билан чуғурлади, ёки қорбўрон гирдибод уриб айланиб увиллади. Бу Иброҳимнинг кўксига ўксиб-ўксиб йиғлаётган Прохор эди. Тили айланмас, қўллари зил-замбил эди... Ё, олло, олло!.. Иброҳим йигитни қандай овутишни билмасди.

— Прохор, сен йигитсан. Сени яхши кўраман... О!.. Жуда яхши кўрамиз... Уламиз... О!..

Прохор қаттиқ ҳақоратланган ва алданган боладек зор-зор йиғларди. Улар қучоқлашганча, бир-бирларига суянишиб қоронғиликда шу тахлит келишарди. Черкас бурнини қоқар ва пишилларди.

14

Ўспиринлар Илюхани уриб дабдаласини чиқаришди; у икки ҳафта оқсоқланиб юрди ва чап биқинига скипидар билан ит ёғи сурди. Ўспиринлар ваъда қилинган мукофотни олишди, лекин Прохордан қаттиқ дакки эшитишди, «Фирт аҳмоқ экансанлар! Бир одам кечқурун қизларнинг ёнига кепти, ичипти, сиз эса унга тиргалиб, қовурғасини синдирибсиз. Шуям иш бўптими! Ахир Анфисанинг уйи олдида пойлаб туриш керак эди. Аҳмоқлар!»

Ҳазрат Ипат ҳам икки ҳафта хизматини адо этмади, манг-лайнинг моматалоқ бўлган ери тузалиб кетмагунча диний маросимларга бормади. Петр Данилич унга жубба учун ажойиб мато берди: қизил матога тарам-тарам кўм-кўк йўл солинган эди. Иброҳим кўз қувонадиган жубба тикди. Хўп қўли гул одам-да, бу черкас! Тўғри, жубба кавказча камзулга ўхшаб кетарди, бироқ ҳазрат Ипатга жубба ҳам, черкасининг иш билиши ҳам жуда маъқул бўлди. У чуқур миннатдорлик билан Петр Даниличнинг қўлини узоқ силкитди ва хитоб қилди:

— Азбаройи шифо! Миннатдорман!

Ҳа, кейин тўпнинг оғзи ёрилиб кетганидек, ҳар қалай, кампирнинг эри Вахрамеюшка барибир қазо қилди.

Шу икки ҳафта ичида яна бундай воқеа рўй берди: баҳор келди.

Петр Данилич жанжалдан кейин хийла вақт ўзини тийиб юрди: тез-тез тегирмонга борар — бу ерда деҳқонлар тўғонни тузатишмоқда эди, — уйга эса кўпинча ҳушёр қайтар эди. Прохорга у гоҳ ширин муомала қилар, гоҳ бутунлай уни пайқамангандек юрарди. Бироқ черкас савдогарнинг кўнглига нима тугиб қўйганини билар, шу боис Прохорни огоҳлантирар эди:

— Прошка, ҳушёр бўл... ҳалиги нима эди? Кўзингга қараб юр...

Баҳор келиши билан Прохорнинг мўйлови қорайди, овози шаҳдамлашди. У Шапошниковникига борар, ўқиб-ўрганар, гап маъқуллар ва баҳслашар, уни уйига таклиф қилар эди. Отаси ўқрайиб, дакки берарди:

— Бит бостириб юборади ҳаммаёқни.

Иброҳим бошқа фикрда эди.

— Шапкини этагидан маҳкам тут, Прошка. Ичишни яхши кўрсаям мияси бутун, нима десанг де, ақли расо.

Прохор меҳнатсиз туролмасди, болта ушлагиси келарди; ёнига дурадгорни олди-да, икковлашиб тайгадаги кўлда чўми-

лишга сувача ва катта қайиқ ясашиди. Бу Медведоводан уч чақиримча нарида эди. Хилваттоҳ, чор атроф пахмоқ тайга. Шу ернинг ўзида кўл бўйида қизил танали қарагайлардан қилинган овчилар уйчаси — қишлоқ. Петр Данилч бу ерга қадамни босмасди. У овни ёмон кўрарди. Прохорга эса бу уйча қошонадан азиз, неча марта милтиқ билан шу ерда тунаб қолган. Тонг чоғлари тайгани айланган ва тулки, олмахон овлаган.

Прохорнинг кўнгли хотиржам бўлди. Бироқ баҳор ўз ишини қилди, зимдан томирлардаги қонни ёқимли жўш урдирди. Аёллар тўғрисида, Ниночка ҳақида ўтли, бетизгин ўйлагиси келар эди. Хўш, Анфиса-чи? Анфиса уни ҳаяжонга солмасди. Рост, баъзан унинг висолига етишни, тишларини ғижирлатиб, уни додлатиб қийнашни дил-дилидан истарди. Шундай қийнасаки, жигар-бағридан қон отилиб чиқса. Черковдаги анави бўгани ҳеч замонда унутиб бўларканми? Иккинчи томондан, онасининг ранж-аламини ва у албастининг касрига уйларида пайдо бўлган дўзахдан баттар ҳаётни ҳам ҳеч қачон унутма олмасди. Бироқ дунёда ўзининг қон-жонида кўпирган бутун ҳиссиётларни бекаму кўст билладиган одам йўқ. Ҳатто доно қарға ҳам бошига қаерда ўлим тушишини олдиндан билолмайди.

Ота яна ичкиликка ружу қўйди. Тўрт кун сурункасига ичди. Прохор билан Марья Кирилловна унинг кўзига кўринишга қўрқишарди. У гўладек думалаб ётар, семизлигидан ичи куйар, хириллар, қор келтиришларини сўрар, бироқ қор йўқ эди. Прохор унга ачишиб қарар ва кўнглидан:

«Балки ўлиб қолар. Яхшими бу, ёмонми?»— деган гапини ўтказар эди.

Кечқурун Прохор Иброҳимнинг ҳужрасига кириб уни тополмади. Каравотда Илья ўтирар ва гитара торларини тингиллатар эди.

— Эртага дўконни текшираман. Эрталабдан,— деди Прохор.

— Текширишининг нима ҳожати бор?— деб жавоб берди Илья тиржайиб.— Ҳеч вақо йўқ у ерда, сичқонлар ҳасса таяниб юрибди. Дарвоқе, нимаям дердим,— кейин хўрсинди у кўнгли оғриб.

— Мол кам бўлса, сенинг думингни туғиш керак. Нима кеганинг бор?

Илья негадир ғужанак бўлиб олди, сўнг тишларини иржайтириб деди.

— Мен, Прохор Петрович, ҳар қалай, хоним Қозиревага нийкоҳга розилик беришни таклиф этмоқчиман. Дўст сифатида, очигини айтяпман сизга. Жаноб полиция бошлиғига совчи бўлишини илтимос қилиб, бош эгмоқчиман, сизнинг отангиз вакил ота бўлади.

Прохорнинг кўзлари ўтдек чақнаб кетди.

— Анфиса розими?

— Ҳа, башарти, тасдиқлаш жоиз бўлса, шундоқ, бутунлай ризо. Анфиса Петровна билан эртага узил-кесил гаплашиб олоқчиман. Никоҳ маросимига аталган шамлар йўлда, почта олиб келяпти. Гулларни ҳам.

— Бордию Анфиса кўнмаса-чи?— деди Прохор зарда билан пешонасига тушиб турган бир тутам сочини бураб.

— Ё раб, унда шамлар билан гулларни пуллайман. Э, йўқ, ишончим комил.

— Уйлан, уйлан, жин урсин сени!— деди Прохор гижиниб ва чиқиб кетди.— Қулогингда бўлсин, эртага.

— Худди шундай, кечқурун, маъқул кўрасизми?

...Петр Данилич ниҳоят ўрнидан турди. Прохор унга шундай деди:

— Менимча, ота, Илья Сохатихни бир текширувдан ўтказиш керак. Дўконда ўзим ишлайман. Иброҳим ёрдам беради.

— Ишинг бўлмасин. Ким керак менга, ким нокерак, ўзим биламан,— деди чўрт кесиб отаси.

Кечқурун тегирмонга кетди.

— Уч-тўрт кун бўламан. Иш. Кутманглар.

Эртасига эрталаб Прохор дўконни текширди. Уч тўп алвон кам чиқди.

— Тўққизил шойининг қолгани қани? Кўк креп қаёққа кетди?

Илья довдираб қолди. Прохор бир тўп читни олдию Ильянинг қоқ бошига туширди:— Муттаҳам!— Приказчикнинг шляпаси оғзигача сирғалиб тушди.

Илюха тупугини сачратиб ўшқирди:

— Муттаҳам ким, ҳали номаълум! Сиз отангиздан сўранг! У сурништирмай таннозига ташигани ташиган... Алам қилмай-дими?

— Қайси таннозга?

— Қайсилгини ит ҳам билади, бит ҳам. Анфисага!

— Э! Сенинг бўлажак хотинингми?

— Балким.— У бармоқлари титраб, шляпасини тўғрилади.— Шундай ажойиб фасонни бузиш!.. Аввал нималигини билнинг. Тилимни тишлаб олай дедим-а. Суф, сиздақа савдогарга! Сиз ҳали ҳақиқий коммерсантларни кўрмагансиз...

У бурини торта-торта хўп алжиди, лекин Прохор унга қулоқ солмади. Унга анави қизил шойи кофточкани ким совга қилдийкин? Отасими ёки Илюхамми? Э, барибир эмасми...

— Бекит!— деди у.— Озиқ-овқат молларини эртага тортиб кўрамиз.

Кечки соат олти бўлибдики, у туз тотгани йўқ... Дўкон мустаҳкам омборда, уйларида тўрт том нарида: бурчакда эди. Дўкондан чиқаётиб, бош яланг, елкасига шол рўмол ташлаган Анфисанинг уйларига қушдек учиб кетаётганини кўриб қолди.

— О, шайтён!— деб сўкинди Прохор. У билан учрашшни истамай, Шапошниковникига кетди. «Нима керак унга? Илюханинг олдига келяптимикин? Қайлигининг ёнига? Шайтён!...»

— Ҳей, Павлуха!— деб чақирди у городки ўйнаётган ўспиринни.— Бугун кечкурун анавини... илинади... Уқдингми?

— Уҳў,— деди кўзини қисиб Павлуха ва таёқни шу қадар куч билан отдики, ёғочлар ҳар томонга сочилиб кетди.

Шапошников қора терга ботиб, пишиллаганча олакаламушнинг янги шилинган терисини таёқчаларга тортмоқда эди.

— Келсинлар, бойвачча!..

— Олакаламушдан бошқа тишга босадиган ҳеч нарса топиладими?

— Ғоз гўшти бор... Кеча пистирмада чайиргина бир ғозни уриб туширдим. Мисрдан учиб кепти... Қаноти тагида денг, муштдек-муштдек мушак.

— Менда мана бунақаси,— деди Прохор ва бир шиша рябина ароғини чиқарди. Буни текширув пайти дўкондан оливолган эди.

— Оҳо! Усяпсиз, ўртоқ!— деди Шапошников оғзининг таноби қочиб жилмайганча. Кейин печка оғзига шўнғиб ғозни олди.— Олинг, энг.

— Менга оғир, ичсам дейман...

— Ҳи-ҳи-ҳи!— деб айёрона ҳиҳилаб кулди Шапошников ва пенсенесини ечди.— Сизгаки оғир бўлса, бошқаларга қандайикин?

— Сиз ҳалиям камбағалликдан гапиряпсизми? Менга бошқа томондан оғир... Интизорлик...

— А-ҳа! Дунёнинг ташвиши тушдими бошингизга! Мақтовга лойиқ!.. Еб ўтиринг. Тўшидан олинг. Ҳа-а. Ичамизми? Жуда соз. Рябина ароғи жони дилим. Сиз мабодо шунчаки ароқ ичмоқчидирсиз? Мен ароқни ҳам яхши кўраман. Уйда бор. Мана, чашкалар. Лекин рюмка йўқ. Хўп, соғ бўлинг. Катта, тўлагина йигит бўлинг. Нима? Дарров иккинчи чашканиям бўшатмоқчимисиз? Бир йўла-я? Оҳо-ҳо!— рябина ароғи уни хушчақчақ қилиб юборди. Сергап бўлиб қолди, дудуқланишиям камайди.

— Ростини айтсам, сен сирка сўраб келмагансан, сенга сирка керакмас,— деди Варвара Анфисага, маъноли бош чайқар экан.— У йўқ, кетган.

— Ким?— деб сўради Анфиса қошини учуриб.

— Ким-ким... Узи! Сенга қайсиниси керак? Эҳ, тасаддуқ! Еш боланинг, Прохорнинг нима қиласан бошини айлантириб? Шартта жўнавормайсанми шундоқ ҳусни жамолинг билан. Шаҳарда маза қилиб яшардинг, еганинг олдингда, емаганинг кетингда. Княгиня бўп кетарминдинг балки. Ростим. Бу ерда эса... Қишлоқда, ўрмонда яшаб юрибсан. Сенга маҳлиё бўлиб,

Илюха ҳам мов мушукдек озиб-тўзиб кетди. Эҳ, тасаддуқ!.. Чиройлисан, ростим.

— Бунга мен айбдорманми?

— Бу хотин нега ивиришиб юрибди бу ерда?— деди пишиллаб Марья Кирилловна қовоғидан қор ёғиб.

— Сиркага кўнгли суст кетибди,— деди ошпаз хотин тагдор қилиб.

— Анфиска,— деди Марья Кирилловна,— хўжайиндан еган калтагинг камлик қилдими?!

— О-о, узилишиб кетамиз,— деди Анфиса шўх-шодон, айна чоғда аламзадалик билан ва қўлини бигиз қилиб пўписа қилган бўлди.— Уни мен бунақа урмайман. Шунақанги тарсаки тортаманки, муз ёруғига боши билан шўнғимаса ҳисобмас... Узилишиб кетамиз!

— Бор, йўқол!

— Эҳ, Марья Кирилловна!.. Йўқол,— деб масхара қилди у хўрсиниб.— Сизам, йўқол, дейсиз. Истасам, уч кунда бу ердан қорангиз ўчади... Хотин эмас, курк товуксиз...

Бека ўзини йўқотиб:

— Йўқол! Йўқол!..— деб қичқирди ва эшик ёндорини ушлаб қолди, чеҳраси ожизлигидан дарак бериб кўз ёши билан ювилди.

Анфиса ўз куч-қудратидан энтикиб, бошини беписанд азот кўтарди-да, жилмайиб туриб, скамейканинг бир чеккасига ўтирди:

— Хоҳласам, ўтиришим ҳам мумкин.

— Сурбет! Бузуқ! Вой худойим-э, ёнимга тушадиган одамам йўқ.— Марья Кирилловна шартта орқасига ўгирилди-да, жўнаб қолди.

Анфиса унинг орқасидан зардали қичқирди:

— Гуноҳга ботасиз, гуноҳга! Умрим бино бўлиб бузуқ бўлган эмасман! Хушчақчақ яшайман, лекин ўзимга маҳкамман. Худо шоҳид...

— ...Мана, масалан, олмахон,— деди Шапошников тили тутилиб, оёғи чалишиб.— Бу ҳайвон галалашиб яшайди, яъни яна сиз бунда социал муносабатлар принципини кўрасиз... Чумолилар салтанатидаги ҳамжиҳатлик ҳам маълум.

— Чумолиларнингиз — уч пул. Улар ниманиям тушунадию ниманиям кўради, разил ўрмаловчи-да!

— Оҳо!— деб хитоб қилди Шапошников ва пошнасиди бесўнақай айланди.— Улар сиз билан биздан кўпроқ нарсаларни кўришади ёки мисол учун асаларилар: уларнинг ҳар бир кўзида йигирма олти мингта кўзчалари бор, улар балки ультраби-нафша нурларни кўришар...

— Тупурдим уларнинг ўша нурига.

— Ёки олмахон... Олмахонлар галалашиб кўчганларида,

қўзиқоринларни юлиб, бутоқларга санчадию ўзи илгарилаб минг чақирим нарига бораверади. Дарахтларда қурушиб ётган қоп-қора антиқа қўзиқоринларга кўзингиз тушганми? Улар кимга аталган. Гап шунда-да? Улар балки бир йилдан кейин орқадан келадиган олмахонларга аталган... Бемалол еявер! Бу, сизнингча, ҳамжиҳатлик эмасми?

— Аҳмоқ ўша сизнинг олмахонларингиз.

— Хўш, қани айтинг-чи, сизнингча, ким аҳмоқ эмас?

— Бургут.

— Бургут? Хўш, ундан қандай наф бор?

— Э, нафининг нима кераги бор,— деди Прохор, рябина ароғи ва танасига сигмаётган кучдан яшнаб.— Бургут булут орасидан ҳамма нарсани кўради. Боши оққан томонга учади. Қўнглига келган ишни қилади. Бургут — озодлик.

— Оҳо!

— Овқат ейишни хоҳласа, пастга ўқдек отиладию лақма олмахоннингизни тилка-пора қилиб ташлайди. Хоҳласа, тўда-тўда чумолиларни қаноти билан тўс-тўс қилиб юборади. Бургут — куч.

— Оҳо! Ие, сиз шахсиятпараст экансиз-ку.

— Мен-а? Мен шунчаки — Прохор Громовман.

15

Прохор уйига келгач, ошхонада қайта овқатланди: Шапошниковнинг ғози олмахоннинг бир йил бурунги қўзиқоринидек қуруқ экан.

— Ойим нега безовта?

Ошпаз хотин дарров шивирлаб суюнчи олди:

— Ҳали: «Уч кунда қоранг ўчади» дедими?—сўради Прохор.— Ойимни тағин курк товуқ, деб атадимми? Уни хафа қилдимми?

— Ҳа, деяпман-ку.

У кечликни хўмрайиб еди, йўл-йўлакай сут ичди: сабаби, шошиларди.

Варвара унинг алланарсага жазм этган кўзларига ҳадик-хавотир билан тикилиб сўради:

— Қаёққа?

Прохор милтиқ билан ўқдонни олди-да, чиқиб кетди:

— Ойим сўраса, айт, мен кулбада тунайман. Ғозлар учиб келяпти.

— Ҳазир бўл!— деб қичқирди Варвара орқадан.— Ҳеч милтиқни қўлидан қўймайди. Оҳ, юрагим бир нарсани сезяпти...— у хўрсиниб, столга карталарни ёйиб ташлади ва чилликнинг қиролини тахлаб, Прохорни фол оча бошлади.

Прохор эса қатъият билан Анфисаникига борар, ҳар бир қадам ташлаганида ўзига-ўзи уқтирар эди: «Уч олгани кетяи-

ман.» Тўппончасини, пичогвини пайпаслади. Ҳаммаси жойида. Лекин, майли, Анфиса қўрқмай қўя қолсин, булар гозлар, олмахонлар, балки оёқ остидан лоп этиб айиқ чиқиб қолса, унга аталган. Анфиса Петровна билан эса ўзи ётиги билан гаплашди, унинг онасига қўпол муомала қилиши яхши эмас, ахир у она-ку. Тушунадими буни Анфиса, она! Ҳа, бамаъни одам билан, опаси билан гаплашгандек гаплашадн, балки у алвастини сўқар, балки узун сочларидан бураб ерга улоқтирар, балки... Прохор азбаройи жазаваси қўзиганидан тўппончасини яна пайпаслади.

Қадами илдамлашган сари кайфияти ҳам тезроқ ўзгара борди, ўзи ва хўрланган волидаси учун қаҳру ғазаби орта бошлади.

Унинг черковдаги бўсаси-чи? Тотли, ҳа-ҳа, тотли, ҳаёсиз. Бироқ у анойи эмас, бу ишни қай ниятда қилганини тушунади. Рашкми? Петр Данилич унинг юзига тарсаки тортибдими?.. Ҳа, шод у, иблис, шод.

— Кимлигини рўй-рост башарасига айтаман... Отам билан ўралашди, Илья билан, дуч келган одам билан. Тўшама. Ифлос, малъун...

Прохор икки сакраб айвонга чиқди ва эшикни тақиллатди. Бироқ эшик берк эмасди, у даҳлизга кирдию аёл билан юзмаюз келди... Анфиса қичқириб юборди. Қўлидан ёниб турган шам тушиб кетди. Иккови дарров энгашдию қоронғида шамни тмирскилаб қидира бошлашди.

— Сизни ҳеч кутмаган эдим...

Прохор чурқ этмади, аъзойи бадани таҳликали титрарди. Уларнинг қўллари ерда сирпанади, учрашади. Қандай ҳароратли қўллар!

— Вой, устимда ҳеч нарса йўғ-а!

Хонага киришди. Анфиса ҳарсиллаб эшикнинг илмоғини солди, шоша-пиша, ҳовлиқиб дарпардаларни туширди. Прохор кўзларн билан уни кузатиб турди:

— Гап бундоқ... Келганимнинг боиси...

— Ҳозир, жичча сабр қилинг... Вой, устимда ҳеч нарса йўғ-а!

У яна эшик олдига борди, илмоқни туширди, қоронғилик кучоғига шўнғиди, кўчадан дераза қопқоқларининг бирин-кетин тарақлатиб ёпилгани эшитилди. Темир болтлар худди тўнғиган илонлардек дераза ёндорлари орасидан хонага сирғалиб кира бошлади: «Бир балони бошляпти шекилли?»

Анфиса қайтиб келиб, яна эшикни беркитгач, у калондимоғлик билан жиддий сўради:

— Нима қилиясиз? Мен сиз билан уришгани келдим...

Анфиса олдинги бурчакда турарди.

— Мен билан-а? Уришгани?

— Ҳа!— деб у столни кафти билан урди.— Уришгани.

У оғзини ёпишга ҳам улгурмади. Анфиса учиб келиб унинг бўйинига осилди:

— Лочиним!.. Лочин...

Унинг лаъл лаблари нам, худди иссиқ асалга беланган гулардек, қўллари баайни чирмовуқ, ўзи эса, ёндирувчи аланга. Бироқ Прохор итариб уни ўзидан четлатди:

— Қандай балони бошламоқчисиз?

Яна эҳтиросли туман бутун вужудини чулғаб олди. Яна ўша кўзлар, ўша қўллар, ўша ташна лаблар унинг лабини қидиради.

— Мақсаднинг нима ўзи?— деб қичқирди Прохор қўрқоқларча ва тикмачоқдек, кучли жувонни итариб юбордию гандираклар кетди, кенг скамейкага ағанаб тушди, гўё ўзини ҳимоя қилаётгандек қўлларини чўзди:— Шилқим!

— Жону жаҳоним!— Анфиса унинг олдига тиз чўкиб, йигитни қаттиқ қучоқлади,— Сўк, ур, отиб ташла. Сенсиз ҳаёт йўқ менга... Меникисан!..

— Жинни!— Прохор дағ-дағ қалтираб, юлқинди ва шу заҳоти ҳолсизланди. У кафтларини аёлнинг таранг елкасига тиради, Анфиса эса, нуқул унинг лабига талпинар, кўйлагининг кенг энглари баланд сурилган, яланғоч оқ-пушти қўллари қайноқ, қўрқинчли эди.

— Нар и бор, Анфиса! Епишма!— деб илтижо қилди у беҳол, хуморланиб, ўзини-ўзи ичида сўкар экан. Бирдан у гайрихитёрый равишда ўзининг ўнг қўлига эрк берди, қўлини Анфисанинг иссиқ елкасидан олди да, унинг юзига бир уриб ширин жонига азоб берди:— Қоч! Жўна!

Анфиса тиз чўкиб турган жойидан турди ва қандайдир шалвираб қолдию аччиқ алам билан ингради. Прохор қалт-қалт титрар, кўзи тиниб кетган эди. Анфиса ёнгинасида орқасини ўгириб турибди, сочлари тўзғиб белига тушган. У боши узра кўтарилган қўлларини қайирганча турар, нолаю фиғондан бутун вужуди титрар эди. Прохор нима қилишини билмас, саросимага тушиб қолган эди.

Анфисанинг нолаю фиғонидан, қўлларини қайириши, елкасининг силкинишидан, ўсмирда дафъатан унга ипсбатан нафрат ва шафқат ҳисси ўйғонди. Сўнг довул янглиғ тўғри қалбига ёпирилиб кирдию юрагини безовта қилди, шунда қалби қай ҳиссиётга эрк беришини, руҳини нимага асир этишини билмай қолди. Нафрат ва шафқат бор эди. «Муғамбирлик қиялпими ёки севадимми?»

— Анфиса!— деб чақирди у аста ва буёғига нима дейишини билмай тутилиб қолди. Анфиса ҳамон унсиз фарёд чекар, сочлари ўшандек тўлқинсимон чайқалар эди.

«Муғамбирлик қиялпти».

— Сен мени нобуд қилмоқчисан шекилли, Анфиса.

Бу гапни эшитиб, аёл қаттиқ инграб юборди ва эшик ёндоирини чангаллаганча, беҳол ергача сирғалиб тушди-да, нола қила бошлади.

— Мен бунга бардош беролмайман,— деди Прохор ва ўрнидан турди.— Кетдим.

«Севади»,— ўйлади ўзича,

Прохор кўнглидан шу гапни ўтказиб, кўзларини қўллари билан яширганча ўйга толиб, имирсилаб эшик томон юрди. Тўхтади. Анфисага елкаси оша қаради. Худди Анфиса каби қўлларини боши узра кўтариб, ҳақиқий йўл қаердалигини ўйлаб топмоқчидек қўлини қайирди. Бироқ қалб ақлнинг кушандаси. Уйга қандайдир тўфон бостириб киргандек иккаласи жойидан учдию ҳароратли қўллари билан бир-бирини чирмаб олди ва улар алланарсалар деб чуғурлашиб, ўпишишди. Бўсалар аввалгидек тотли, кўз ёшларидан шўртанг эди.

— Сен шу ерда қоласан,— деди Анфиса.— Оҳиста чуғурлашамиз ва астагина бир-биримизни эркалаймиз.

— Бу ерда хавфли,— деди Прохор.

— Чол кетган. Уч кун бўлади у ерда,— деди Анфиса. Прохорнинг юзига ғам соя солди. Анфиса луқма ташлади:— Кўнглингга ёмон гап келмасин. Мен тозаман. Сенга бутун қалбимни очиб кўрсатаман.

— Биламан,— деди Прохор, унинг гап оҳанги Анфисанинг қалбига ништардек санчилди.

— Яна сизнинг приказчигингиз ҳам безорижон қилади,— деди Анфиса, ҳадик-хавотир билан илжайиб.— Мен уни қўтиритдек ёмон кўраман. Ҳақиқатда... сиқилиб ўлади одам... Ёлғизлик.

Прохор индамади. Лекин бутун вужуди жунбишга келган. Кейин газабини босиб, деди:

— Альбом-чи, хўш? Сен ҳал билан ёзилган альбомни унга совға қилмабмидинг?

Анфиса кўзларини катта очди:

— Мен-а? Илюхага-я?

— Ҳа, майли,— деди у энди хотиржам.— Мақтанибди-да, аблаҳ!

Унинг юраги ширин орзиқди, асаби таранглашди. Прохор хўрсинди. «Кетаман... яхшиси — дарров жўнаб қолиш керак...» Анфиса самовар қўйди. «Яхши қол!»— деб қичқиргиси келадю овози чиқмайди, аъзойи бадани бегона одамнинг измида. У парда девор ортида бошқа хонада, идишларни тақирлатади, шкафни очади, бир жойдан иккинчи жойга ўтади. Аммо доимий овозлар тўсатдан тиндию хона сув қуйгандек жим бўлиб қолди. Фақат Анфисанинг ҳиқиллаб йиғлагани эшитилади. Прохор, у қувонганидан йиғлаяпти, деб ғурур билан ўйлади. Албатта, қувончдан. «Бас, ўзига жуда ҳам бино қўявермасин». Мана, у гул-гул очилиб, шўх-шодон чиқди.

— Кел, наливочка ичамиз... Шунақанги ширинки! Ўзим тайёрлаганман.

Наливка, қон сингари қуюқ, ширин эди. Прохор бирпасда маст бўлиб қолди. Анфисанинг ҳам кайфи ошди.

— Қола қол, жоним! Сени кетказмайман.

Туш бу. Гўқ, түш эмас, алдоқчи мудроқ. Ёқимли, ширин мудроқ аро бўшашибгина жавоб беради:

— Илож қанча, қоламан. Бу тунни сен билан бирга ўтказаман. Истасанг... Фақат бу ерда эмас, ўрмонда, кулбада. Розимсан?— деб сўрайди у; овози ҳаяжон билан қалтирайди.

— Розиман... Жоним! Милтиқни эса, шу ерда қолдир. Биз ўзимиз билан фақат иккита қалбни, сеникию меникини олиб кетамиз. Шундай эмасми?

— Елғиз шу тунда... Бошқа ҳеч қа-чо-о-он!.. Эшитдингми? Ўзингча ҳар хил хаёлга борма...

— Жоним! Бу тун мен учун ҳаётдан ҳам ширинроқ бўлади...

Бу илиқ зим-зиё тунда баҳор кези уйғонган оламда бутун мавжудот муҳаббат нашъу намосини сурмоқда эди. Муҳаббат дов-дарактларнинг куртакларини ёзди. Утлоқларни чечакларга буркади, ерларга ўт-ўландан яшил либос кийгазди. Иссиқ, фараҳбахш шамол бутун борлиқни муҳаббат зимистони билан яширди,— ўпишинглар, севинглар!— Шамолнинг ўзи ҳам оламини, ўтларнинг поясидан тортиб кедрларгача, қояларгача назокат билан ўпмоқда... Упишинглар, севинглар, табиатни шарафланг! Кўзсиз қуртларнинг зимистонда кўзи очилди,— кўзингизни очинг, севинг! Илонлар вишиллаб, заҳарли тилларини чиқарганча кулча бўлиб ўралиб олишди. Уларнинг совуқ қонлари муҳаббат лаззатидан яна ҳам совиди. Шу зимистон тунда илонлар ҳам бир-бирларини севишди. Мана, айиқ ўқирганча таёқ билан бошқа айиқнинг бошига гумбурлатиб туширди; шу орада яна бештаси ҳаёт-мамот жангини бошлаб юборди. Тайга эгилади, ынграйди, ерда қулаб ётган дарактлар қасирлайди, бир ботмон ер ўйиб ташланган; айиқлар бўкиради, тирноқларини синдиради, тупроқ қондан лойга айланиб кетган. Урғочи айиқ эса, қулогини қисиб, бир чеккада ётибди, тингшаниб қулоқ солади ва тилини осилтирганча ҳарсиллаб нафас олади. Тилидан сўлаг и оқади. Мана, бўрилар увиллаб уч донра олиб, бир-бирининг кекирдагига ўткир тишларини санчишади. Ғажибинглар, муҳаббат ўлимдан ширин, муҳаббат ҳамма нарсанинг бошланиши! Тонг пайти эса, худди ёлғирга тўйинган қум янглиғ янги ҳаётга қонган она айиқ ўзини офтобга солиб ётарди.

Тирикчилик худди шу тарзда — ҳаётдан-ҳаётга, мерос қолган тобутлардан, ўлим оша, қоронғилик оша, ойдан-ойга, нақт уммони оша абадиятнинг ибтидосиз гардиши бўйлаб ўтиб келмоқда.

Мазкур зим-зиё илиқ тунда юлдузлар ҳам ёрқинроқ чақнади, зийрак одам уларнинг ошиқона шивирини эшитиши мумкин эди. Юлдузлар эҳтиросдан титрарди, мана, биттаси узилиб кетдию ўқдек учиб, ёнганча бўшлиқдан-бўшлиққа қулаб туша бошлади.

Одамлар! Табиатни шарафланг, заминни севинг, ҳаётни севинг!

Прохор Петрович, бу тунни бир умрга эслаб қол, Анфисани қандай севганингни эсингдан чиқарма!..

Кулба соз, афсонавий! У баайни тайга ўртасида ўсиб чиққан қўзиқориндек. Уни ўрмон хўжайини айиқполвоннинг ўзи қўриқлайди, эшит, ана, ўкиряпти, ана, қаердадир қайинни таёқ билан уряпти. Кўл мавжланади. Қамишлар орасида ўрдаклар ғақиллайди, юлдузлар сувга телмиради. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи ва сокни. Бироқ тун тирик. Кулба ичига яшил игнабаргли дарахтларнинг новдалари тўшалган.

— Жоним, жоним!— дейди Анфиса.

Тахта тўшама момикдек майин рангдор йўсин билан қопланган. Анфиса кичкина каминга ўт қалаган. Смолали ўтин порохдек ёнади. Иссиқ, қизғиш, сархуш қилувчи нимқоронғилик.

— Анфиса,— деди Прохор.— Мен маст бўлиб қолдим.— У иссиқ йўсин устида ётибди. Бошида хушбўй пичан, игнабаргли дарахтнинг нафис бўйи ҳавода кезади, Анфиса аланга шафағида афсонавий кўринади.

— Нафасим бўғиялпти,— деди Анфиса.— Эшикни қия очиб қўяй. Ўрмон ҳувиллаб ётибди, бирор айиқ демаса, гапимизни эшитадиган одамнинг ўзи йўқ.

У эшикни қия очди. Тунги қоронғилик эшик тагида девагайлаб турибди. Ичкарига интилиб, кулбага бостириб кирмоқчи бўлади, бироқ олов ёруғ, шуъласи ўткир.

— Исиб кетдим,— деб Анфиса эринибгина керишади ва кўйлагини счади. Ич кўйлаги оппоқ, бели хипча, нафис кўкраги ҳарир шоҳи остида диркиллайти.

— Қандай чиройлисан-а!.. Бироқ мен жойимдан қўзғалолмайман. Мастман. Буёққа кел, Анфиса!

Анфиса оҳиста жилмайди унга жавобан, оёгининг учига кўтарилди ва сочларини тутунсимон бир ҳилпиратиб, олов атрофида гир айландию эҳтирос-ла ингради: «О-о-ҳ!»

— Бу тун меники, дилкаш дўстим, Прошенька,— деди у ва йигитга яқинлашди. Бироқ Прохор унга талпинган эди, Анфиса ич кўйлаги остидаги кўкрагини диркиллатганча орқага сакради ва кулганча бармоғини ўқталиб пўписа қилди:

— Йўқ, жоним, йўқ. Шошилишнинг нима кераги бор? Ҳали укки сайрагани йўқ. Мен бу тунни томчилаб симираман. Сен билан исчоғли ширин, кишини сархуш этадиган шаробни смирғандек.

Шундан сўнг тўлгондню новдалар устига йиқилди, қўлларини юқорига кўтарди, кўзларини хуморланиб юмди. Прохор тиграрди, у ўрнидан қўзғалиб, унга ҳарислик билан тикилди, бир тутам қора сочи пешонасига осилиб тушди.

— Ичишга бир нима бер,— деди у томоғи қақраб.— Мажолим қолмади.

— Бир зум сабр қил. Ҳозир ҳузур қиляпман. Ҳаммаёғим зирқираб огрияпти. Эҳ, жонгинам!.. Шошма, мени батамом ичиб, чанқоғингни қондирасан. Шу-шу умрбод ичганинг ичган, мендан қочиб қутулолмайсан...

— Ажойиб алвастисан-да, жодугар,— деб хўрсинди у.— Умрим бино бўлиб сендақа гўзал хотинни кўрмаганман, ер ютсин сени!

— Ниманиям кўрибсан. Прошенька, лочин? Таняними ёки иқирт тунгус аёлингними? Боласан ҳали, лочин. Сен Анфисани ҳам кўрганинг йўқ. Бу Анфиса эмас, у отанг совға қилган бўз кўйлақда. Анфисани кўрсанг борми, бир умрга қалбларимиз туташади, ўла-ўлгунча бир-биримизга чамбарчас боғланамиз. Каптарча!

Шундан сўнг қўл виноға узатилди-ю, ҳорғин кўзларига мудроқ инди. Прохор тушидами-ўнгидами яна шундай деди:

— Алвасти!

— Ҳа, мен алвастиман! Балки алвастидирман.

— Сен ёмонсан,— деб шивирлади унинг лаблари уйқусида.— Сен отамнинг бурнидан ип ўтқазиб олдинг, ойимни қийнайсан, озор берасан... Она!.. Сен!.. Керилма, мени севади, деб... Кўнгил хуши учун қиляпман бу ишларни... Аёллар ҳамиша ширин ва... сурбет бўлишади.

— Гапир, гапир, лочиним, нега жим бўп қолдинг?— деб гўлдиради гўё олов.— Ухляяпсанми?

— Менинг қайлиғим бор!— деб қичқирди Прохор ва чўчиб тушди.— Мен уни севаман... Қандай қилиб сенга уйлана оламан? Ўзингга бино қўйма, бас... У ифбатли қиз. Сен расвосан... Менга керагинг йўқ. Қеғ бу ердан, жўна...— Ранжу аламдан унинг юрак-бағри эзилди. Бироқ ўрмондаги кулбага сукут чўмганди. Анфиса қани? Олов ҳам Анфисани қидирар, Анфиса эса ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди.

— Ниночка! Ниночка!

Анфиса иссиқ қўллари билан уни баттарроқ қаттиқ қисди, кўзлари, пешонаси, лабларидан хўп ўпди: «Лочин, ҳаётим шамчироғи!»

Шу билан ҳамма нарса қаёққадир гумдон бўлди... Пағапаға қор ёға бошлади, бўрон увиллади.

— Анфиса, Анфиса...

Бошдан-оёқ қизил энгил-бош кийган Анфиса гулхан ёнида бир қўшиқни хиргойи қилиб ўтирарди. Кейин унга оҳиста, мунгли овозда деди:

— Нинани ҳеч қачон эсингга олма. Унут Ниночкани! Эшитяпсанми, Прохор? Наҳотки сени қўлдан чиқаришимга ишонсанг! Ҳеч кимга бермайман. Ёдингда тут!

— Отам ўлдиради мени, ўлдиради. Қандай қилиб сени хотинликка оламан? Уйдасанг-чи.

— Ўзингни-ўзинг ўлдирасан... Мениям ўлдирасан... Оҳ! Оҳ!

— Гапираётган сепми, Анфиса!— уйқули овози билан сўрагандай бўлди аллаким бўрон орасидан.

— Ҳа, бу Анфиса, сенинг қисматинг...

— Йўқ, йўқ, мен билан ким гаплашаётганини биламан! Бу сенмисан, Синильга?.. Эшикни ёп... Қор кўмиб қўяпти мени. Мен қўрқаман. Уляпман... Иброҳим... Иброҳим!

Прохор уйқули кўзларини очди ва қичқириб юборди: Синильга йўқ, унинг рўпарасида қип-яланғоч Анфиса турарди. Унинг зебо қомати қаршисида олов сўнди ва худди қуёш олда тургандай хиралашди. Қуёшдек балқиган Анфиса таърифга сиғмас гўзаллиги билан кўзни қамаштирган, титроқ қўлларини Прохорга чўзди:

— Фақат сен биринчисан!.. Фақат сен учун барқ уриб очиламан, дилкаш ҳамдамим. Елғиз сени дейман!

Прохор гўё момақалди роқ гулдураб, яшин ургандек гангиб қолдию қувноқ қийқирганча унинг бежирим оёқларини ўпа бошлади:

— Анфиса! Анфиса!.. Қисматим...

Йўсин момикдек майин, игнабаргли дарахт новдалари хушбўй, укки яқин жойда эрталабгача нола чекди...

— Қойил! Донг қотиб ётибман де,— сўзланди черкас трубкасини тутатиб.— Ҳоз оддингми, йўқми? Нима оддинг?

У Прохорнинг оёғида ўтирарди.

Прохор ёввойиларча, жон ҳолатда кулбага кўз югуртирди.

— Милтиқ қани? Винчехор?

— Опкелганим йўқ уни... Опкелмадим шекилли?

— Қойил! Қҳ!

— Кўп бўлдими келганингга?— деб сўради Прохор овози дўриллаб.

Иброҳим индамади. Прохор, бир кўнгли, сен бу ерда Анфисани кўрмадингми, деб сўрамоқчи бўлди-ю, лекин андиша қилди: баногоҳ бу туш бўлса-чи, Анфиса кулбада мутлақо бўлмаган бўлса-чи... Умуман, нимагадир уялди, гўё жаҳл устида бировни ўлдириб қўйгандек кўнгли ғаш. Жин урсин, ҳойнаҳой тушдир... Бироқ ичкилик шишаси бўш ётибди-ку. Иброҳим ҳамон миқ этмайди, лекин ниманидир билади: томоғини тақиллатади, кўз қисади. Қув жуда бу Иброҳим. Жин урсин! Нега индамайди?

— Юр, қайиққа қорамой сурамиз,— деди черкас.

— Йўқ.

Улар уйга қайтишди. Қушлар чуғурлашар, ям-яшил ўлар кўзни қувонтирар, қуёш порлар эди.

— Уф, иссиқ! Баҳор шунақа келди!— деди Прохор.

Унга ҳаво етмас, боши айланар, нафаси бўғилар эди.

Ҳайвонлар сўқмоғидан юришди. Прохор Иброҳимдан сал орқада қолди-да, Анфисанинг оддий илгакли ҳаворанг пайпоқ боғичини пинҳона ўпди.

— Иш чатоқ, Прошка,— деди черкас унга тенглашиб.— Милтиғингни Илья отангга опкелиб берди. «Қасрдан олдинг?»— «Анфисанинг уйидан».

Прохор қоққан қозикдек қаққайиб қолди.

— Қачон келди отам?

— Кечаси. Сен, Прошка, отанг билан ўчакишма. Жим юр. Фирт ваҳший. Ўлдиради.

16

Аммо негадир ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолди. Шуниси таажжубки, отаси ғиринг демади. Ойиси эса бу гаплардан бехабар эди. Фақат Илья салла ўраган сўфидек бошини боғлаб юрар ва ўз-ўзига ўдағайларди:

— Мен баъзи бировларнинг юзидан ниқобни олиб ташлайман. Мен кимнинг амри фармойиши билан кўзимни кўкартиришганини биламан. Бу Прохорнинг иши...

Қолаверса, Анфисанинг югурдаги Тараша кампир ҳам дўконда Прохорга шипшиди:

— Унинг ўз калити бор, билдингми, Илюханинг, Анфисани эшигига тушадиган. Милтиқни у ўғирлаб, отангга олиб бориб берган. Нима даданг урдими сени?

Прохор ундан хат бериб юборди:

«Мунча ширин бўлмаса наливканг. Кечасию кундузи сени ўйлайман. Аламзадаман. Отамни, сени, ўзимни ўйласам, дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетади. Минг лаънат бунақа ҳаётга! Менга қара, сен кулбага борганмидинг? Ким эди кулбадаги? Кейин сенга қолганини айтиб бераман. Отам кўз-қулоқ бўлиб юрибди. Қасрда учрашсак экан? Бошим тандирдек қизиган. Яхши қол, менинг Анфисам».

Якшанба куни Анфиса ибодатдан кейин бойвучча Громовани йўлда қувиб етди, иккови черковдан келаётган эди.

— Байрамингиз қутлуғ бўлсин, Марья Кирилловна,— деди ва уятчан жилмайди.— Мен аҳмоқни кечиринг, Марья Кирилловна, тилимга куйдирги чиқсин.

Марья Кирилловна унга ёвқараш қилдию қадамини тезлатди.

— Худони шафе келтириб, инжилни қўлимга олиб оит ичаман, сизнинг олдингизда гуноҳим йўқ.

— Ундоқ бўлса нега у сенга уй қуриб берди?

— Бунн ўзидан сўранг. Ишқилиб алдамаса бўлгани. Уйимни кўриб раҳми келдими, ким билсин. Рост, мен кўнглимни хушлаш учун ноз-қарашма қилишни яхши кўраман, феълим ўзи шунақа, шундоқ туғилганман. Биров пияниста ёки бадкирдор бўлиб туғилади. Мен эсам енгилтакман. Лекин Петр Даниличга ҳеч ким эмасман.

— Бу гапни сен гапирма, мен эшитмай...

— Худонинг марҳаматидан бенасиб бўлай... Ераб!— Анфиса шайтонийиги қилди. Марья Кирилловнанинг ҳам лаблари пир-пир учди.

— Хўп, майли, фақат ўғлимга озор берманг, Анфиса Петровна, кўзичоғим... Биби Марьям ҳаққи ҳурмати. Унинг қайлиғи бор...

— Қайлиқ ҳали хотин дегани эмас,— деди Анфиса тагдор қилиб.— Қайлиқни одам топади, хотинни эса худо беради.

— Вақт топсангиз уйга кириг.

— Олдингизда қанчалик гуноҳкор эканлигимни энди билияпман. Петр Данилич учун мен энди қичитқи ўтман. Ёнимга яқин келолмайди.

Марья Кирилловна ётоғида икона қаршисида мук тушди-да, шодланиб узоқ ибодат қилди, Прохор кириб қолган эди, уни маҳкам бағрига босди:

— Анфиса дуруст аёл экан-ку.

Прохор илжайдию бирдан ўйланиб қолди. У онасининг бевақт оқ оралаган қора сочларининг фарқидан меҳр билан ўпди-да, деди:

— Ҳа, ҳа. Жуда яхши аёл у, ойижон. Бекорга унга маломат тошлари отишади.

— Аммо ароқни эркаклардек симирармиш.

— Наливкани, ойижон, наливкани.

— Уни Илюхага олиб бериш керак... Нега у бошини боғлаб юрибди?..

— Нима? Уша аҳмоққа-я!.. Анфиса Петровнадек гўзал аёл нақ князга муносиб-а, бордию бирон катта шаҳарда бўлса...

— Рост, жуда чиройли,— деди онаси.— Қарасанг кўз узолмайсан, — бирдан эсини йиғиб олди.— Эҳ, Прошенька! У ҳеч кимга хотинликка ярамайди. Итшумуртнинг меваси ҳам чиройли, лекин еган одам ўлади.

Прохор эшикка қараб юрди. Марья Кирилловна уни орқасидан чўқинтирди:

— Э худойим, маккора аёлларнинг домидан сақла уни... Ҳаворий Прохоре, отагинам!

...Илюха томорқада тўппончадан белкуракка ўқ узмоқда; у ярим қутн ўқни исроф қилган, жуда дарғазаб эди:

«Ундай бўлса, мана бундай, йўқса, ана ундай... Мен у тептакка қўш қўллаб қалбимни тақдим этиб унга катта ҳиммат кўрсатибману... Майли, кўрамиз. Бадарга бўлса бадарга. Усиз менга ҳаёт йўқ. Отиб ташлайман уни! Балки тасодифан ўзимни ҳам».

Прохор сездирмасдан унга яқин келди:

— Нима қилияпсан?

— Ҳеч нарса, белкуракни отиб, машқ қилияпман, Прохор Петрович... Аммо теккизолмаяпман.

— Қани, қани,— Прохор тисланиб анча жойга борди-да, кетма-кет учта ўқни нишонга аниқ урди. Тўппончани ерга ташлади-да:

— Хўш, Анфиса Петровна совға қилганмиди сенга альбом-ни?— деди ва йўлга тушди.

— Ҳи-ҳи-ҳи!.. Шунақароқ.

— Узинг ўзингамасми ишқилиб?

— Ҳи-ҳи-ҳи!.. Мана унинг касрига шафқатсиз азоб тортяпман,— шундай деб у салласини кўрсатди,— болалар уришди. Сизнинг тавсиянгиз билан эмасми ҳар ҳолда, пардон?

Прохор ҳамон Анфисанинг уйи атрофида айланиб юарди. Қулфларни текширган киши бўлиб уч марта дўкони олдига борди. Лекин барибир Анфисани кўролмади. Қаерда у? Наҳотки унга талпинмайди, нима қиляпти, нималарни ўйляпти, ким билан? Жамолнинг кўрсат, Анфиса, жилла қурса, бир лаҳза дийдорингни кўрай... О, падарингга лаънат Илюха соядек эргашиб юрибди. Хув, ана тўсиқ орқасидан оқ салласи кўриниб турибди. Эҳ, бошқа вақт бўлганда Прохор тош отиб пешонасини ёрган бўларди.

Уйда, тушликдан кейин пирог еб, сут ичиб ўтиришганда отаси шундай деб қолди:

— Гап бундай, Иброҳим бориб меҳмонларни чақириб келсин, карта-парта дегандек. Зерикиб ўлди-ку одам, буёқда байрам...

Отаси кейинги кунларда жуда меҳрибон, тушликдан кейин атиги икки рюмка ичди, энди ўғлига меҳри товланиб тикилиб ўтирибди. Прохор бунинг сабабини тушунолмади гаранг. Отасининг олдида юзи шувўт, нимагадир қўрқади. Албатта, отаси ҳамма гапни билади. Ҳа, қўрқинчли.

— Менга қолса, Петенька, Анфиса Петровнани чақирардим,— деди бека йманибгина.— Майлими?

— Чақиравер, Маша, чақира қол...— деди у.— Шапалоқдан кейин чиқишни хоҳлармикин? Ахир бурнидан эшакқурт ёғилди-ку. Ҳа-ҳа...

Марья Кирилловна хаёлида тинмай дуо ўқир, ўзига, бутун оламга жилмайиб боқар ва: «Ишқилиб кўз тегмасми. Рўшноликка ҳам етдик! Лекин ҳайронсан»,— деб ўйлар эди. Бироқ юраги бу жумбоққа жавоб ахтаргандай дукиллаб урарди.

Прохор томорқада узоқ кезди. Тирноғини кемирди, сочларини тўздирди, тинмай чекди. «Унга нима бўлди? Нима бўлди, Прохор Петровичга!» Буни унинг ўзи ҳам билмасди. «Эҳ, елкага халтани осангу бошиг оққан томонга, ўй-хаёлисиз ёлғиз тоза қалбинг билан бу ердан узоқ-узоқларга жўнаб кетсанг. Қани сен, э, тоза қалб?...»

Ҳамма нарса сузади, тебранади, бири ўрнини бошқаси олади. Нина йўғлаганда— Анфиса кулади, Нина кулганда— Анфисани қоронғилик ютиб юборади. Шунда Прохорнинг қулоғи-

га қоронғилик қаъридан унинг ўпкали, қасосли фарёди эшитилади. Қанчалик уқубатли ва азиятли бу... «Анфиса, Анфиса...»

Қайинда чуғурчуқ айғир тойчоқдек қийқиради, ҳуштак чалади, чуриллайди, томоғида қўшинининг полизидаги қудуқ чиғири қандай гижирлашини кўрсатгандек бўлади.

Нинадан келган хатни учинчи бор ўқиб чиқаётган Прохор ўйга чўмиб, хўрсинди. Кейин ҳамёнидан унинг фотосуратини олиб хат билан устма-уст қўйди-да, майда-майда қилиб йиртди ва ҳаммом ёнида пошналари билан лойга булғалаб тепди. Ҳа, лойга.

Едингда тут. Прохор Петрович, буни ҳам!

Қурбақалар қаердадир дарё ёқасидаги ботқоқда муҳаббат нашъасидан маст бўлиб, зўр бериб вақилларди. Яна чуғурчуқ чамаси муҳаббат ҳақида куйлар, бошқа чуғурчуқлар ҳам муҳаббат қўшиғини куйлаб унга жўр бўлар эди. Соз жуда ва қўшиқ, боқий умр тимсоли! Созмикин? Прохор бу ҳақда ўйла-масди. У ҳаворанг боғични — ўша оддийгина илмоқли боғични чиқарди-да, дам бир юзига, дам бошқа юзига, кўзига босди ва қайта-қайта ўпди.

Кейин ҳаммомга, пошналар билан лойга қорштирилган хатга кўз ташлади-да, уйига кетди.

Ҳовлида боши узилган ўнларча ўрдак ва товуқлар типирчилар, париллаб учиб тушар эди: уларнинг кесилган томоғидан вақирлаб қон отиларди. Қон! Ошпаз хотин энгашиб, семизликдан инқиллаб-синқиллаб, катта қонли пичоқни майсага артарди. Қон ҳалқоби, унинг юзи ҳам қон.

Оғилхонада қулоқни қоматга келтириб чўчқа боласи хунук чийилларди; черкас чўчқа болаларини сўймоқда эди. Кечки овқатга тайёргарлик кўришяпти.

Прохор қонхўрларча тишини иржайтирди, оғзи тупукка тўлди. Бирданига унинг жазаваси тутиб, сўйгиси, юлқигиси, қон тўккиси келиб кетди... Оғилхонанинг берк эшигига болаларини қутқармоқчи бўлиб қари она чўчқа чинқирганча бостириб келди. Прохор уни қулоғидан чангаллаб ушлаб олди. Чўчқа тишини унинг қўлига санчди. Прохор чўчқани бир тепди-да, оғилхонага бостириб кирди. Юраги орзиқиб черкасининг қўлидан пичоқни тортиб олди. Шиг, шиг!..

Чуғурчиқлар ҳамон муҳаббат қўшиғини куйлар, қурбақалар янада жарангдорроқ вақилларди. Ой чиқди. Баҳор оқшоми тугамоқда.

Ҳа! Кечлик энг қизиган палла.

— Қаранг-а, Прохор Петрович!.. Мана ўзи. Нақ Рустами Достон-а!

У Анфисанинг ёнига ўтирди. Ҳа-ҳа, Анфисанинг ёнига! Отаси шуни амр қилди:

— Анфиса Петровнанинг ёнига чўка қол, бу ер тор.

Отаси оз ичди.

— Томогимдан ўтмаяпти, жўралар... Маъзур тутинг.

— Эҳ, сени бир бало қилишган. Емон кўздан асрасин.

— Уқитиб ташлаш керак,— деди чийиллаб старшина.

— Нима қипти,— деди кашниш кўз қисиб шодон.— Ихлос билан дуо қилсак ажаб эмас, яна ичиб кетса,— у негадир куракдек тили билан кенг кафтини ялаб қўйди. Ҳамма кулиб юборди.

— Оғзингиздан ел олсин, тақсир,— деб кулди бека Петр Даниличга баҳорий, майин боқиб.

Петр Данилич иш, тегирмон ҳақида гапирарди. Энди у ерда янги ишлаётган тегирмончининг миллати латиш эмиш, бадарга қилинганмиш, скрипкани қийиб чалармиш,— меҳмонларга унинг ўзи қуйиб берар ва зимдан анави икки кишини кузатарди. Улар ўзлари билан жуда андармон. Улар юзларимиз хотиржам, ҳеч нарса сезилмайди, деб ўйлашар, лекин четдан тикилиброқ қараган киши...

— Вой!— деб юборди Анфиса; у изтироб билан ингичка қошларини чимирди, кулди ва анордек қизариб кетди. Прохор катта этигини унинг туфличаси устидан олди.

— Эсимга бир нарса тушиб кетди. Шундай кулгилики!..

— Ёпирай, айтиб беринг. Анфиса Петровна, айта қолинг, илтимос,— деб оғзи қулоғига етиб кулди шопмўйлов пристав. Хотини ёнида йўқ эди-да.

— Шунчаки арзимас гап... Шундай қилиб... Прохор Петрович, горчицани буёққа суриб қўйинг.

Прохор унинг айтганини бажо келтирди.

— Ёқтирасизми?— деб сўради у ва этиги билан унинг туфличасини босди.— Ёқтирасизми, горчицани?

— Ёқтираман, ёқтираман.— Туфлича этик тагидан чиқиб, устида дикирлади.— Жону дилим горчица!..— «Севаман, севаман». Туфли дикирлаб шундай дегандек бўлди.

«Э-ҳе»,— деб кўнглидан ўтказди Анфисага ошиқ пристав ва мўйловини бураб, жўрттага ерга портсигарини тушириб юборди, кейин энгашиб, стол тагига қаради.

Бироқ этик билан туфлича ёнма-ён тек турарди.

— Эҳе-е,— деди пристав Феодор Степанович Амбреев мунгли ва аста ҳуштак чалиб вилкани тузланган қўзиқоринга санчди.

— Жуда бир-бирига муносиб-а!— деб шивирлади старшина ҳазрат Ипатга.— Қайси бири чиройли, ажратолмайсан...

— Иккови, азбаройи шифо,— деб гўлдиради ҳазрат Ипат, ке, ошна, икковимиз бир селава қилиб ичайлик.

Прохор талинкага жимжимадор қилиб «А» ҳарфини ёзди. туфлича «тушунаман» дегандек этикни босди, кейин «П» ҳарфи пайдо бўлди. Прохор бахту саодатдан ҳаммани ўпиб чиққиси келарди.

Вино қулқуллар, рюмкалар жиринглар эди. Меҳмонлар кулишар, Марья Кирилловна ҳам жилмаяр эди.

Прохор қиселли таянча устига мук тушганча аста гавирди:
— Яқинда мен кулбада туш кўрдим. Тушмикин у? Билмайман.

— Албатта туш... Бўлмаса-чи.

— Менга қип-ялангоч, жуда чиройли...

— Унинг ҳам ўнг кўкрагида меникидек холи бормиди?

— Қанақа сеникидақа?— қошини керди Прохор.

— Укки сайрармиди?— Анфисанинг нигоҳи Прохорнинг лабларига қадалди.

— Туш эмасмиди у? Туш эмасми? Айт менга,— деб шивирлади Прохор титраб, бутун вужуди муҳаббат қўшигини куйлади.— Туш эмасми?

— Келинлар, ичамиз,— деди Анфиса баланд овозда.

Шунда тўсатдан...

— Гап бундоқ, бўталоғим Прошка, ўғлим...

«Бунни отаси айтдимми?» Прохор бошини кўтарди: «Лаббай, ота». Прохор даммини ичига ютди. Дастурхон атрофидагилар жим бўлиб қолишди. Петр Данилич чап қўли билан соқолини силаб, ўнг қўли билан столни чертиб, ҳаммага қарата чўрт кесиб гапирди:

— Бирон ҳафтадан кейин, сен Прохор, Иброҳим билан Саркаш дарёга жўнайсан. Мол, пул оласан-да, бирон ерга ўрнашасан... савдо қил...

Прохор тагидаги ер ёрилгандек бўлди.

— Бир йилдан кейин уйлантирамиз... Ҳм...— отаси янада лўнда қилиб гап қистирди ва негадир жаҳл билан тамоқ қириб, Анфисага бўридек кўзларини чақчайтирди.

Оназор сапчиб ўрнидан турди, қўлларини эри томон чўзиб алланарса деб қичқирди, меҳмонлар олаговур қилишди, йўталишди, бироқ олтин узукли қўл нақ юракка урилгандек столга қарс этиб тушди.

— Айтилган сўз — отилган ўқ. Тамом!

17

Йўл тараддудини кўра бошлашди. Бу кўнгилсиз воқеадан Марья Кирилловна ётиб қолди. Ота эса, тезроқ қимирланглар, йўқса сув камайиб кетади, деб шоширгани шоширган эди.

— Менга жонинг ачимайди, ота... Қувяпсан...

— Ачинаман,— деди бўғиқ овозда Петр Данилич.— Шунинг учун ҳам қувяпман-да. Тананга ўйла...

Прохор отаси ўзидан бақувватлигини сезади, шу боис ёш йўлбарседек думини қисиб оҳиста ўкиради. Аслида четдан қараганда у хотиржам: кечлик устида отаси айтган гаплар унинг вужудидаги ҳамма нарсани куйдириб кул қилди, бироқ қалбда умид бор; бирор мўъжиза юз беради ҳамма иш тескарисига айланиб кетади.

— Хафа бўлма, Прошка, майли!.. Ишлар жойида!— деб тасалли беради черкас.— Мен биламан... Биламан, йигит,—

бармоғини сирли нуқиб ёлгондака пўписа қилади ва кўз қисади.— Шундоқ бўлгани дуруст. Жуда соз.

Энг ёмони шуки, Анфисани кўришнинг иложи йўқ, отаси уни ҳам, Анфисанинг эшигини ҳам пойлаб юрибди. Отаси ҳушёр, баайни мушук.

Шаҳардан почта орқали юборилган китоблар келди. Яхши бўлди. Прохор китобларни олди-да, Шапошниковни кетди. У иштончан эди: «Э, афв этасиз!»— сандиққа тақалиб турган стол устида ётган шимини ямамоқда эди. Ип нақ бир қулоч келади. Игнани ўтказди-да, эшик олдигача тисарилиб боради.

— Еттита ямоқ солинган учта тешилган жойи бор экан, ҳаммасини биратўла тузатмоқчиман. Йўқса игнанинг кўзидан ип ўтказиш ўлимдан қийин, қўлим ҳам қовушмайди бўёқда.

— Мана, мен маданият тарихини олдим, Липертники шеклли... Ҳа, Липертники,— деди Прохор китобга қараб.

— Уқидингизми?

— Йўқ, Уни тайгага олиб кетаман.

— Ҳали тайгага кетяпман денг? Нега? Узоқ вақтгами?

— Отам қувяпти,— деб хўрсинди Прохор ва ранжу алам билан мўйловини юлди.

— Аттанг, аттанг. Уша ўзингизнинг Саркаш дарёнгизгами? Афсус, йигитча. Сиз борманг, туপুরинг.

— Осон эмас бу.

— Уртада аёл борми? А-ҳа, тушунаман. Қулоғимга чалинган эди, узр. Қишлоқда гийбат гапсиз туриб бўлмайди. Сиз даставвал ўзингизда нарсаларга қандай муносабатда бўлиш туйғусини камол топтирмоғингиз даркор. Шунда юксак хулоса чўққисига кўтарилиб,— фаҳмлаяпсизми, юксак!— сиз масалани шартта ҳал қилишингиз керак. Мен аёлни севаман. У ҳам мени севади, тушуняпсизми? Ошиқ-маъшуқлик. Нур устига аъло нур. Аммо бунинг бир «лекини» бор, анча аҳамиятли «лекин», айтиш мумкинки, ҳамма нарсдан устунлик қилувчи «лекин». Шунда мен: «Ё ундай, ё бундай» дейман. Ё у билан алоқани бутунлай узаман, ёки уни оламан. Киши азму қарориди мустаҳкам, чўрткесар бўлиши керак. Мана масалан, мен...

Мана, пакана, соқолдор бу киши игна ушлаганча шими ёнидан эшикка танда қўяр, гаплари ипдек узун эди.

— Осон эмас бу,— деди Прохор яна, негадир Шапошниковдан жаҳли чиқиб,— калава шундай чигалки,— хўрсинди у.

— Э? Осонмас денг?— Шапошников зарда билан игнани ямоққа тикди, бироқ игна бармоғига санчилди.— Сиз калавани шартта-шартта узиб ташланг. Шартта! Ниҳоят отангиз билан борди-келдини йиғиштиринг! Шартта!

— Шапошников, азизим!.. Шунақанги зерикаманки!.. Қалбим бўм-бўш... Мен билан кетинг. Азизим!..

Шапошников панжаси билан сочини таради.

— Сиз билан! Сиз билан к-ке-етай? Ахир... бу... унчалик осонмас...— деди у дудуқланиб.— Менга мумкин эмас. Бадарга қилинган одамман. Пристав қўймайди.

Прохорнинг кўзлари ўйнади:

— Сиз хулоса чўққисига кўтарилинг-да, шартта пристав билан борди-келдини йиғиштиринг. Шартта!

— Менга қаранг...— деди Шапошников чайналиб ва бирдан иштонини кўтара-кўтара хижолатомуз хахолаб кулиб юборди.— Оббо сиз-э, нозик жойидан олдингиз-ку...

Ота қаттиқ изтироб исканжасида эди. Ичини қурт кемирарди. Йўқ, унга азоб бераётган ичига кириб олган қурт эмасди, ихлос билан обизамзам ичиб, табаррук кулча тамадди қиларди, юрак азоби эди бу, шундан ўғли жўнаб кетишига икки кун қолганда сабр-тоқати битдию Петр Данилич ичкиликка ружу қўйди.

У дим, хуфя ҳужрада ёлғиз ўтирар ва графинга ҳасрат қиларди:

— Эҳ, Прощка, Прощка! Уғлим... Сен ахир менинг ўз пуштикамаримдан бўлмаганмисан? Сен менинг қалбимга кўз ташла... Уғлим... Прощка!.. Кў-нглим-га, қара,— у муштидан бош бармоғини ажратди-да, кўксига нуқди.

Кечқурун унинг ёнига Иброҳим кирди:

— Хўжайин!.. Прощка икковимиз кўлга бориб балиқ тутиб келамиз. Дудлаймиз уни. Йўл узоқ, Саркаш дарёда ярайди кунимизга.

— Бораверинглар,— деди хўжайин.— Ильяни чақирвор... Ҳа-я, қўноқ, менга қара, ичганимни ҳеч кимга айтма... Китоб кўряпти, дегин. Чақир Илюхани!

Иброҳим иккита отни эгарлади: биттасини Прохорга, Қазбекни ўзига.

— Гап бундай,— деди Петр Данилич олдида икки букилиб турган Ильяга.— Бошинг тузалгани йўқми ҳали?

— Худди шундай, тузалгани йўқ,— деб ҳиҳилаб кулди у юраги пўкиллаб, чириган тишларини кўрсатиб.

— Биласанми, сен итваччани бутингни йириб ташлайман.

— Бунинг ҳеч қийин ери йўқ, Петр Данилич,— деб у яна тиржайди ва қаншарини артди.

— Гап бундай... Бугун кечаси Анфисанинг зинасида ётасан. Уйи олдида... Туни билан гингиб чиқ... Уқдингми? Ит бўлиб акилла.

— Жуда бош устига,— деди Илья лаббайгўйлик билан.— Бўлмаса-чи, албатта, Петр Данилич!.. Қўққисдан, масалан, уларнинг уйида милтиқ... Кимники? Қандай сабабга кўра?

— Йўқол, итвачча!

Бу тун Анфиса мижжа қоқмади. Кеча ҳам кўз юмгани йўқ. Оғир! Эҳ, унинг қалби почор, Прохорнинг қалби почор! Ҳали у ёш лочки, журъатсиз. Лочки, лочки, наҳотки биргаликда тўйиб-тўйиб йигламай учиб кетасан? Йўқ, нима бўлса бўлар, ҳамма доиг қотиб ухлаб қолгач, унинг олдига боради, дераза тавақасни қоқиб: жоним, буёққа чиқ, дейди.

Илья Сохатих ташқарида, Анфисанинг зинасида ётарди, у тагин Анфиса эшикни ичкаридан очмасини, деб қулф тешигига калит солиб қўйди, ўзи эса, эҳ, қани энди лоп этиб Прохор келиб қолса, унда хўжайиннинг оёғига ўзимни ташлардим у кўзёш қилиб, қадрли хўжайин, гап шундай-шундай, мен Анфиса билан қонуний никоҳда турмоқчиман, дер эдим, деб хаёл қиларди. Албатта, хўжайиннинг жон-пони чиқиб кетарди: «Аблаҳ, ярамас!»— деб бақирарди, ажаб эмаски, тумшугимга бир тушириб ҳам қоларди, аммо шундан кейин: «Уйлан, мол!»— деган бўлармиди. Инсофли савдогарлар донм шундай қилишадди.

Бирдан пол қисирлади, Илюха қулоғини динг қилди, эшик орқасида кимдир қулфга калит солмоқчи бўлиб уринди ва сўз қотди:

— Ким у майнавозчилик қилаётган?.. Қулфлаб қўйишибди...

— Салом бердик, Анфиса Петровна, собиқ хоним Анфиса Козирева, бўлажак... кимнинг фамилиясига ўтишингизни билман...— деди Илья Сохатих эшик тагида пўстинда ётган жойида.— Афв этинг, биз бу... ахборотингиз учун,— ҳар қалай назокат билан телпагини силкитди у.

Эшик орти сув қуйгандек жимиб қолди, гўё тирик жонни ер ютгандек бўлди.

Кўл бўйида катта гулхан гуриллаб ёнарди. Балиқ тузук илинмасди. Ой сув сағҳидаги сўқмоқни кумуш ранга чулгар, кулба ойдинда бошдан-оёқ ҳаворанг тусга кирган эди. Қадрдон кулба! Қанчалар сокин, мунгли! Тайгани қанчалар зим-зиё қоронғилик пардаси қоплаган.

Черкас тупурди-да, дабдурустан сўкинди:

— Бошқа қармоқ керак... Катта... Бунда шайтон тутайди балиқни... Падар лаънат! Трубкини унутибман...

Прохор энгдек бошини аранг кўтариб, черкасининг отга миниб олганини кўрди.

— Кутиб тур,— деб қичқирди у.— Трубкини обкеламан. Яхши қармоқ келтираман. Чуҳ, чуҳ!— деб ҳайқирди у Қазбекни қамчи билан уриб.

«Мунча абжир-а,— деб кўнглидан ўтказди Прохор Иброҳимни ўйлаб.— Ҳа, Орада эртаги кун бор. Индини йўлга. Яхши қол, кўл, кулба; яхши қол, гўзал Анфиса! Ойижон, яхши қол, яхши қол!» Қалбида қанча армон! Хаёлига Саркаш дарё ва ўша ўлим хавфи тугилган даҳшатли тун келди. Нима учун яна

кетяпти? Ўлганими? Хаёлидан орзу-истаклари ўтар, тайга устида ой сузар эди. Қанчалик хаёл сурганини Прохор ҳисоблагани йўқ, балки бир дақиқадир, балки бир соатдир, билмапти.

Аммо укки ҳали тайгада сайрагани йўқ, шу чоқ рўпарасида черкас пайдо бўлди.

— Ма трубка, чек... Ма қармоқ...— Кейин унинг ёнига ўтирди.

Бир чеккада отлар пишқирар ва думларини силкитиб тунги чивинларни қувар эди.

— Ке, Прощка, ухлаймиз. Мен шу ерда ётаман, сен кулбага бор.

— Мен сен билан гулхан ёнида ётаман... Чивин кўн у ерда...

— Кулбага бор!— деб ўшқирди черкас.— Мен кулбадан чивинни ҳайдаб чиқардим... Эшкни маҳкам ёп... Жўна!— сўнг унинг орқасидан қичқирди:— Буркани ташлаб кет менга. Кулбага... Илтимос!..

Орадан бир дақиқа ўтгач, Прохор буркани ушлаганча кулбадан телбалардек отилиб чиқди ва шодиёна хахолаб ўзини черкасинг устига ташлади.

— Иброҳим! Иброҳимжон! Иброҳимжон!— деб ерда уни думалатганча кал бошидан, пешонасидан ва қирғийиникидек бурнидан ўпа бошлади.

— Тўхта, эшак! Тамакни тўқвординг. Эшак!..

Бирдан укки сайраб юборди. Қуллуқ сенга, тун қуши, ўрмон кўрки. Прохор шамол ял-ял ёнган лолақизғалдоқдан бўса олгандек ўз Анфисасини ўпар эди. Улар ёнма-ён ўтиришар, бир-бирларидан кўз узишолмас эди. Иккови худди ёш боладек йиғларди. Анфисадан гул ва тунги шабнам бўйи тараларди:

— Черкас мени отда елдек учириб келди.

Нима ҳақда гаплашишди улар? Номалум. Ахир ўсмирлик ёшлик билан омхта бўлиб кетди, бу ўрмондаги сўнгги ҳузурбахш тун. Майли, игнабаргли дарахтлар уларнинг муҳаббат шаробини сўнгги томчисигача сипқариб тўймаганларини ҳикоя қилсин, майли, қамишлар уларнинг шивир-шивирини эслаб қолиб шамолга шитирлаб сўзлаб берсин, майли, укки уларнинг хайрлашув онларидаги суҳбатини ўрганиб олиб, тақлид қилсин.

— Мана, бахтли кунларимиз кўз очиб юмгулча ўтиб кетди, лочин. Қўрқаман, қўрқаман...

— Ҳа, Анфиса, ҳа. Жонганим... Ўтиб кетди...

Анфисанинг уйи тепаликда эди, у ердан шакардан бўшаган, огзига тахта қоқилган бочка тўппа-тўғри қичитқи ўт ўсиб ётган ташландиқ ерга думалаб тушди. Тонг саҳарда бочка атрофини хотинлар ўраб олишди,— хотин-халаж бирин-кетин судралиб сувга чиқишгани, пиянниста бир деҳқон эса бочканинг тагини уриб тушира бошлади.

Хотинлар:

— Хақ! Ҳазрати Исо-ку!— деб чўқинишди ва нари чекинишди.

— Сохатих! Сенмисан?!— деди пияниста деҳқон оёғи қалтираб ва ҳайратдан қичитқи ўт устига йиқилди.

— Пардон... Мирси...— деди хириллаб Илья Петрович, гўё дарахт ковагидан мўралаган уккининг кўзидек кўзларини тешиқдан лўқ қилиб.— Уф-ф!.. Улишимга сал қолди-я. Бунн қаранглар-а, қандай англашилмовчилик... Шайтон! Афти ангорини номаълум, башарасини латта билан ўраган бир киши мени гирибонимдан олдию унинг ичига тиқиб юборди... Мен эса мизғигандим... Тун.

Илья Сохатих анҳорда чўмилди ва сувга тушган мушукдек уйга жўнади.

— Бунн қара-я, Иброҳим... Қандайдир муттаҳам бирдан мени бошим билан бочкага тиқиб юборса бўладими! Кечаси...

— Аблаҳ!— деб сўқди Иброҳим ҳамдардлик кўрсатиб.

Эртаси кунн Прохор Иброҳим билан Саркаш дарёга жўнаб кетди Яхши бор, Прохор Петрович! Сафаринг бехатар бўлсин!

1

Ер қуёш ёнида худди ўт кетган тайга устида визиллаб учган чивин сингари шитоб билан елади. Бўшлиқда на юз йиллар, на минг йиллар бор. Бироқ ер баайни тутқундек ўзи билан ўзи андармон, ўз орбитаси бўйлаб огишмай муттасил ҳаракат қилади. Саркаш дарё вақт тимсоли тиним билмай оқади, ернинг қуёш атрофидаги вақт спирали бўйича ҳамда қуёш билан биргаликда босган ҳар бир қадами инсон учун йилни белгилаб беради.

Узундан-узун уч йиллик инсоний умр бир сониядек ўтди-кетди. Учинчи йилнинг охирларида Прохор Петровичдан Медведево қишлоғига телеграмма учди. Петр Данилич билан Марья Кирилловна! Қувончли телеграммами бу ёки қайгулими? Иккови одамий сўқир қалб нидосига қулоқ осиб, баб-баравар қувончли, ҳа, қувончли, дейишди.

Бироқ бу вақт ичида Саркаш дарё устидан уч марта муз лўстлоқни шилиб отди, шунча фурсат ичида мана бундай воқеа содир бўлди.

Прохор, одамларга яқин бўлсин, деб Саркаш дарёнинг ўрта оқимида манзил қурди. Бироқ ҳатто абжир бургутга ҳам бу ердан одамлар яшайдиган жойгача анчагина йўл эди.

Унг қирғоқ баланд. Теварак-атроф қалин бутазор. Бироқ мана, чечаклар барқ уриб очилган, қизил наъматаклар гуллаган, яшил водий. Дарё ёқасида думалоқ тепа, худди тўнтарилган-жомга ўхшайди. Манзилгоҳ шу ерда бўлади.

— Тепа устида баланд минора қураман,— деди Прохор.— Ҳар куни дарёни томоша қиламан ва ўзимнинг пароходларимни кутиб оламан. Қара, қанчалар гўзал манзара!

— Яхши!— деб маъқуллади черкас.

Чодирда сафар чоғидагидек яшашди. Балиқ, парранда, мева, қўзиқорин. Кузга келиб олтига дурадгор, уларнинг орасида Константин Фарков ҳам бор эди,— беш деразали ўртамиёна уй, кичкина ҳаммом, моллар учун омбор ва икки охурли отхона қуриб беришди. Уй ёнига, узун хомага лавҳа қоқишди:

Черкас новдалардан ўзига кавказликларнинг уйига ўхшаган уй қурди, уни лойсувоқ қилди ва у ҳам.ходага:

Жаноби Иброҳим ули сартарош

деган сўзлар ёзилган лавҳа осди.

Ишларга Иброҳим бош-қош эди. Унга бир оз жир битиб, йилтиллаб қолди. Прохор эса озиб кетди. Жонбозлик уни пароканда қилиб юборганди. Қўнглидан Анфиса, Нина, онаси, отаси жой олган эди. У Константин Фарков билан тайгада ҳафта-лаб тентирар, анҳорларни, булоқларни, тоғларни кўздан кечирар эди.

— Бу ерда олтин бўлиши керак.

— Ҳа,— деди Фарков.— Тунгуслар қаердалигини билишадди, лекин айтишмайди. Руслардан қўрқишадди, руслар келса ҳаммаёқни расво қилади, ўзимизни қувиб юборади, деб ўйлашади.

Бир кун улар устунлар билан ўралган жойга келиб қолишди: номсиз анҳор ёнида деворлари нураб тушган, буталар ва ўт-ўлан билан қопланган чуқур қудуқ.

— Бу ерда қандайдир боён ширкати билан олтин излаган,— деб хитоб қилди Фарков, чириган устунларни кўрсатиб.— Анча бўлган бунга, чоллар гапириб беришганди. Олтин кишини васвасага солади. Хуллас, у касал бўлиб қолади, ширкатнинг ейишга ҳеч вақоси йўқ, шундан кейин орқага қайтишади. Қаёққа йўл солишни билишмайди, бу орада қаттиқ совуқ тушади, қор... Турган гапки, уни ўлдириб ейишади, ўзлариям битта қолмай гумдон бўлишади. Худо раҳмат қилсин!

Прохор ёзиб олди ва план чизди.

— Сен бу ерни эсда сақлаб қола оласанми? Манзилдан топиб келасанми? Биз бу ерда ишни дўндирамиз. Мана, кўрасан, Константин.

Куз эрта тушди, сентябрдаёқ ёмғир ёғиб, қор келди. Булутлар билан бирга Прохорнинг қалбига ҳам диққинафаслик ўрмалади. Дурадгорлар ҳисоб-китоб қилишди. Фарков қолишга рози бўлмай, уйига жўнаб кетди. Қор устидан биринчи йўл тушгач, хотини билан ўғлини олиб келармиш. Халойиқ билан бирга черкас ҳам ўз оти Қазбекда хат-хабар учун почтага жўнади. У Подволочнаяга, Прохор Нинага, уйига, Шапошниковга, турган гапки Анфисага ёзган хатларни олиб боради. Почтачи Подволочная қишлоғидан, Танянинг юртидан, бир ойда икки марта хатларни бўлисга олиб боради ва уёқдан жавоб олиб келади. Ишқилиб, черкас уёқдан келган ҳеч нарсани унутмасин, балки

китоблар, посилка бордир, энг муҳими, мактуб, Анфиса ёзган мактуб. Иброҳим бўлади-ю, унутадими. Гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

— Менга қара, Татьяна олиб келсанг-чи, — деб ҳазиллашди Прохор кўзларини ўйнатиб.

— Қанақа Татьяна сенга? — деб қичқирди черкас. — Мени ўзим Татьяна!

Прохор ёлғиз қолди. Уй, тайга, кулранг булутлар ва совуқдан дилдираган Саркаш дарё.

У китоб мутулаа қилар ва ўйлар эди. Ҳа, бу ерда бир йил ёки икки йил яшайди, лекин отасининг ёнига бормаиди. У отам эмас, бағритош, қип-қизил пяниста, ўғлини ҳайдади. Жудо сози Худога шукур, Прохор оёққа туриб олган. Мана, тунгуслар келсин, барча молларни сотади. Уларга хушмуомала бўлади. Ҳақиқа хибнат қилмайди. Шундан сўнг, довруги бутун тайгага ёйилади. Бу ҳали бошланиши. Кейин Прохор энг шимариб ишга тушади, токи халқ бу ўлкани қанчалик ўзгартириб юборганини кўрсин, одамлар, ўша Шапошников ҳақиқий уддабурон одамнинг қўлидан қанақа ишлар келишини ҳис қилсин.

Лекин қандай ишлашу яшаш керак! Ахир ҳаётда биронта таянч, тиргак керак-ку. Ойисими? Йўқ. Қолаверса, у рўзгорини ташлаб кетишни кўзи қиймас: аёллар худди мушуклардек иссиқ ўрнида жон беради. Маъшуқасими? Йўқ, у тўғри келмайди. Анфиса билан ҳам у яшай олмайди. Анфиса — зўр куч. Унинг тишини синдириши мумкин. Анфиса — тош. Кўнгил хушлаш учун бошқани топади.

Хотин! Ана топди. Унга хотин керак. Албатта, Нина Куприянова... Нина... Масала ҳал! У келаси баҳорда унинг олдига боради.

Печда олов чарс-чурс қилиб, лангиллаб ёнади. Прохор у бурчакдан-бу бурчакка бориб келади, куйлайди. Итлар олиш керак. Яна мушук ва товуклар ҳам. У балиқ шўрва қайнатади, котелокда чой дамлайди. Том устидан изгирин елиб ўтади, уй иссиқ. Иссиқ жойда яшаш қанчалик яхши. Уйчаси нақадар шинам: кенг, ёруғ. Анфиса, қадрдоним, хаёл суриш учун лоақал тушимда кел!

Узининг биринчи саёҳати пайтидаги ёзув дафтарларини олиб, тартибга келтира бошлади. Унинг қароргоҳи «Громово» Подволочная қишлоғидан беш юз чақирим берида. Ҳа, шундай. Мана, муюлиш, мана, дарё шаҳобчаси ва қизил қоя. Хўш. Аҳоли яшайдиган охириги қишлоқ — Ербохомохлагача уч юз чақирим. Анави икки мўйсафид ҳаётмикин, отлари нимайдиям... Ҳозир, ҳозир... Сунгаловлармиди? Худо йўлига шам ёқиш учун орқасидан атайлаб кун бўйи от чоптириб келиб пул берган юз ёшли Никита Сунгалов тирикмикан? Йўқ, ўлган бўлса керак, мана бу ерда унинг сўзлари ёзилган: «Покровда ўламан».

Дераза ортида ҳаяллаб қолган ўрдаклар визиллаб ўтмоқда. Прохор шартта милтиқни қўлига олди, бироқ хаёл суриб жойи-

га илди ва яна ён дафтари билан банд бўлди. Қанча хотира Қани энди уддаласаю ёзса!

Қош қорайди. Прохор ёруғ чироқни ёқиб алламаҳалгача шуғулланди. Ярим кеча. Толиқтирадиган сукут. Прохор сукут ва ўйлардан чарчади, дераза ортида алланарса гувуллайди. У ташқарига чиқди. Зим-зиё. Қорбўрон оралаб сал наридаги тепалик томон пайпаслаб юрди. Тайга гувуллар, қаердадир, яқин жойда дарё кўпириб оқар эди. Бироқ ҳеч нарса кўринмасди. Гувиллаётган бу қоронғилик жонли нарсага ўхшайди, у қулқуллайди, унинг чеки интиҳоси йўқ. Шамол уриб турганда бундай қоронғилиқда ёлғиз одамни ваҳм босади. Одамнинг қалбига ваҳима солувчи бу ёвуз куч шартта чангалини урадию осмону фалакка олиб чиқади ва чирпирак қилиб учуриб кетади, тирик қолиш даргумон. Йўқ, унинг оёғи тагидаги замин мустаҳкам. Овора бўлади!

Прохор шляпасини силкитиб, бақирди:

— Ҳей, Саркаш дарё! Салом!... Мен сенинг соҳибингман! Шошма, пароходлар сувингни тилка-пора қилади. Мен сени жиловлайман, сен менинг машиналарим филдиракларини айлантирасан. Истасам, сенга бу ердан эмас, бошқа ердан оқишни амр этаман. Чунки Прохор Громов сендан кучли!— У шамолдан йўталди, бироқ хахолаганча шляпасини силкитиб қаттиқ қичқирди: — Урра!

Саркаш дарё эса, кўпириб, пишқириб океан томон сўқирларча оқар эди.

Фақат ўн учинчи кун дурадгорлар аранг Подволочнаяга етиб келишди. Иброҳим Фарковникига тушди. Ҳаммаёқ ивиришиб ётар, уй қийшайиб қолган, деразага ойна ўрнига ҳўкизнинг пуфаги тутилган эди. Лекин овқат сероб эди. Кўнглинг тортгунча еявер, май ҳам бор.

Эрталаб Иброҳим почтачининг олдига кетди. Бешта хат келган, биттаси «Прохор Петровичнинг ўз қўлига тегсин» дегани Анфисадан эди. Мана газеталар, манави эса, китоблар солинган посилка. «Бу Шапкиндан». Яна учта катта-катта той. «Бу мол».

У буркаси тагида иккита хат олди-да, уларни почтачининг қизил бурни тагида силкитди:

— Башарти буни йўқотсанг, ўзингдан кўр, каллангни ола-миз!

Битта хатга қинғир-қийшиқ шундай сўзлар ёзилган: «Пошойим ошпаз Варвар».

Почтачи қийиқ кўзларини қисиб хатга кўз югуртирди-да:

— Худди товуқ изидек чаплаб ташлабди,— деди.

Бошқа хат Крайска, Нина Яковлена Куприяновага. Черкас бу хатни ўпди ва кўзларининг пахтасини чиқариб қичқирди,

— Ўзим ташлайман! Сумкани бер, қани сумка? Йўқотсанг, ханжар билан қорнингни ёраман!..

Қизил муҳр босилган, Анфисага ёзилган хатни эса, ёнида олиб қолди-ю, Фарковникига жўнади. Ҳойнаҳой ҳозир Прохорнинг ҳиқичоғи тутган, Анфисанинг юраги ўртаниб кетган бўлса ажаб эмас.

Иброҳим қатиқ ичиб, морошка¹ билан чой ичар, Анфисанинг ўзи очган хатини ҳижжалаб ўқир эди:

«Нуридийдам, Прошенька, дилкаш ҳамдамим. Сен кетдинг у қалбим қарчиғайнинг чангалига тушган қушчадек питирлаб қолди. Вой худойим-е! Бирон-бир хабар қилсанг нима қиларди, оппоқ кўксимни захга бериб ётайинми ёки оққушга айланиб сен томон парвоз ётайинми, лочин, лочиним!»

— Маккор! — деб гўлдиради черкас оппоқ тишлари билан бир бош пиёзни қурсиллатиб чайнаганча, ўқишдан тўхтаб.

Мана, қизил муҳр, шир, шир... — хатни очди:

«Жоним Анфиса, суюкли Анфисочка! Мана биз Иброҳим билан етиб келдик. Сен эса ёнимизда йўқсан. Кўзимга кулба, ўша ҳузурбахш кеча, ҳожатбарор ботирим сени отида учириб келган-бошқа тун... кўриниб кетади, Анфиса! Мен ҳадемай...»

— Маккор! — деб вижиллади черкас.

— Хўш, нималарни ёзишибди? — сўради Фарков.

— Ёзишибди дейсизми! Ёзишади, — яхши. Дуруст ёзишади...

— Ҳай, худога шукур, — деди Фарков чўқиниб, — ма, ич.

Черкас ичди, туфлади ва бақавли Сулаймон адолатини қилиб севишганларнинг хатларини ёниб турган печга ташлади.

2

Анфиса Петровнанинг қалби яланғоч ўрмондаги инини тарк этган қуш уясидек бўм-бўш. Прохордан айрилиб қолганидан кейин жуда қийналди, интизор бўлиб ундан хат кутди: мана, Петр Даниличнинг уйига почтачи келди, ҳамма олди! — унга хат йўқ. У гўё ҳақоратлангандек кўнгли ўксиб уйига кетди: уят-андиша ва надоматдан юраги ўртанар, чолнинг фар кўзлари ҳам айилдек ботар эди: Петр Данилич ҳатто орқасидан хуштак чалиб қўйди.

«Шунақа гап, Прохор Петрович, учирма лочин, шунақа. Қандай илон уни у ерда авради экан? Буёққа опкелинг илонни, буёққа!..» Шундан кейин у кетма-кет стаканлаб наливка ичади, лекин маст бўлмайди. Балки у ёзган хат йўқлиб қолгандир, майли, яна қон, кўз, ёшлари билан эркалаб хат ёзади, ярим кечада ўрмондаги тўнканинг смоласи билан елимлаб ёпиштиради, ўшанда ҳам жавоб келмаса, ҳамма нарчасини ташлайди, да, совуқми, совуқ эмасми, оёқ яланг қор кечиб унинг ёнига йўл олади.

Ғам-ҳасрат тўла хат ёзила бошланди.

¹ Ботқоқликда ўсадиган хушбўй мевали ўсимлик.

Вақт ўтиб борар, Петр Данилич муттасил уникига келгани келган эди. Бироқ унинг илтижолари тошга ёмғир қор қилмагандек Анфисага таъсир этмасди.

Бир куни у бўронда маст бўлиб келди, ҳаммаёғи қор. Елкасига милтиқ осган

— Хўш, Анфиса, хушёр бўл!— унинг кўзларида қатъият ва қандайдир ёвузлик ифодалари.

— Ургани келдингми мени?— тап тортмай сўради Анфиса қувноқ овозда.

Петр Данилич писмиқлик билан жим турар, ўпирилган ўрадек қоп-қора кўз чапоқларида ёвуз кўзлари Анфисанинг чеҳраси қаршисида бежо жавдирар эди.

Анфиса ўзини орқага ташлади,— ақлдан озган шекилли?— бурун парраклари биллинар-биллимас титради. Нимқоронғиликда назарида Петр Данилич милтиқ ўқталаётгандек туюлди. Унинг чаккалари муз бўлиб қолди.

— Нима гапинг бор, Петруша?

— Ке, эркала. Лоақал... бағрингга бос... Қани!..— Петр Данилич Анфиса томон юрди.

— Қоч, тегма,— деди Анфиса ўтакаси ёрилиб.— Мен уни севаман.

— Прошканими?

— Ҳа.

Петр мастона гандираклаб кетди ва милтиқни ерга урди. Анфиса қошини чимирди, худди ўлимни кутгандек қунишди. Петрнинг кўзлари ола-кула бўлди. Зилдек муштини тугиб, ёзиб хириллаганча деди:

— Бундан чиқди... Бундан чиқди, сен отани ўғилга, ўғилни отага худди айиқдек қайраётган экансан-да! Сен! Гижгижлаб уриштирмоқчисан?

Анфиса совуқ, ички дард билан бегона овозда кулди. Петр Данилич шу заҳоти дамини ичига ютди, Анфиса эса, бошини қийшайтириб, титроқ бармоқлари билан пўписи қилганча, ўша бояғи кулгиси орасида сўз қотди:

— Тарсаки эсингдами, Петя?

У бегона бир алфозда деди:

— Ўлдираман уни... Агарда мени суймасанг, ўлдираман... Сени ҳам ўлдираман.

Анфиса янада айёрона кулди, унинг лабларидан яна ҳам оҳангдор сўзлар учиб чиқди:

— Демак, сен қари аҳмоқ сургунда юришни истаб қолибсан-да? Мол-дунёнг нима бўлади? Хўш, Петя? Йўл бўлсин сенга ўлдириш! Бўрдоқи буқа, адо бўлгур.

— Анфиса, ўйнашма!— деди Петр милтиқни чаңгаллаб, худди тутқаноқ тутгандек қалтираб.

Анфиса жаҳли чиқиб, кўкрагига шундай урдик, унинг шарақлашидан чироқнинг шишаси жингиллаб кетди.

— От! От, разил иблис. Қани!..

Аввалларни, черкас билан Прохор машъум Саркаш дарёга кетишганда, ошпаз хотин Варвара, кечаси ухлагани ётар экан, кўзёш тўкиб дуо ўқирди:

— Ўзинг асра, раҳминг келсин, бечора татар... Иброҳимга... Ҳимоячи фариштасиям йўқ у тентаккинага... Кимга илтижо қилишимниям билмайман. Муқаддас Иброҳимгамикин ё...

Бироқ секин-аста ойдан ой ўтиб, ҳамма нарса унут бўлдию ерни совуқ ел қуритгани каби, ошпаз хотиннинг кўз ёшлари ҳам қуриди.

Бир куни қандайдир мўъжиза билан Иброҳимнинг хати унга етиб келди, фақат шуниси ачинарлики, на кашиш, на пристав, на сиёсатдонлар бундан биронта сўзни ўқишолмади.

Ҳазрат Ипат:

— Азбаройи шифо, фаҳмига етолмадим,— деб ҳуштак чалди ва хахолаб кулди.

— Оббо, алам қилмайдими-а!— деди Варвара ўкиниб ва қалби азбаройи илиқ туйғуга лиммо-лим бўлгани важдан табаррук мактубни бўтқага қўшиб ёмоқчи бўлди, шундай қилсам зора унинг мағзини чақсам, деб ўйлади. Аммо Илья Сохатих уни бу йўлдан қайтарди.

— Ахир ким мактубни бўтқага қўшиб ейтиди?! Э, сендақа қоҳинадан ўргилдим! Оббо, каллаварам-э, ўйласанг бўлмайдими, бўтқани бош билан ҳазм қилиб бўлмайди, унинг қаёққа кетишини ўзинг бинойидек биласан-ку. Эҳ, бўхтук!..

— Ҳа-е, Илюшенька!.. Вой, эсим қурсин!

— Менга бер, альбомимга солиб қўяман, бу хатни ёзувчи, яъни черкасининг ўзи ўқиши даркор... Кўз ёшларингизни артинг!.. Мумкин бўлса, тезроқ карам шўрвани келтиринг!.. Марш!

Илюха хурсанд бўлиб кетди: эндиликда дўконда ўзи хон, кўланкаси майдон, хўжайин ичгани ичган, бека ишларни секин-аста ўз қўлига олаётган бўлса ҳам барибир хотин киши бўлганидан хотинлигига боради. Муҳими, Илья Сохатих шунинг учун хурсанд бўлдики, Прохор онасига ёзган мактубида унга ҳам салом йўллаган ва гап орасида, у билан Анфиса Петровнанинг бошини қовуштириб қўйилса чакки бўлмасди, деб шама қилган.

Илья ўз фикр-мулоҳазасини Анфисага изҳор қилганида унинг фиғони фалакка чиқди. Ҳечқиси йўқ, орадан икки ҳафтача вақт ўтсин, бир йўлнинг топади.

Кунлардан бир куни Анфисаникига ширакайф Шапошников келди. Қаноп сўраб кепти. Қаноп?! Ҳа, ҳа, қаноп, жониворлардан тулум ясаётганида ичига тиқиб учун. Турган гапки, кейин, чой, суҳбат, ширин кулгилар.

— Худо ҳаққи, айтинг, сиз баайни Зухро юлдузидек бизга учиб келгансизки, гўё...— шундай дея у дудуқланиб қолди.

— Сизнинг доно гапларингизга ҳечам тушунмадим. Қандай маълумотлисизлар-а. Жўнроқ гапиринг.

— Кимсиз, қаердансиз? Чехрангиз бағоят антиқа, оддий эмас, ҳаёт тарзингиз...

У тугилиб қолди. Шапошников аслида сира ҳам каноп учун келмаган эди: нима мақсадда келганини яхши биларди. Прохор унга хат ёзиб юборган эди: «Анфисадан бир хабар олсангиз, отамга муносабати қандай, хуллас, юриш-туришини, сиз оқу қорани таниган одамсиз, менга маълум қилинг».

Анфиса меҳмонга тикилганча муддаони кутиб турарди. Меҳмон тагдор қилиб, зарда билан гапирарди. Анфиса ўзини хафа қилмоқчилигини фаҳмлади.

— Кимсан, деб сўраяпсизми? Мен — Анфисаман, аёлман.

— Равшан!

— Бир куни Прохор Петрович алвасти, деб атаганди. Нима ҳам дердим, алвастидирман балки? Сиз нима дейсиз?

— Қўйинг, ундай деманг.

— Лекин қаерданлигимни ўзим ҳам билмайман. Нега суриштиряпсиз бунни?

Нега бўларди, шунчаки сўради-да: бир хил одамлар ҳайвонларни, бошқалар юлдузларнинг ҳаракатини кузатишади, яна баъзилар тошлар, тоғлар, ер қатламлари билан қизиқишади. Шапошниковни эса ҳаёт ва одамларнинг бир-бирига муносабатлари қизиқтиради.

Жим ўтирган Анфисадан унинг вужудига қандайдир кўзга кўринмас куч қўйилиб, гавдасини тешиб ўтганча, уни бутунлай асир этган эди. Энди Шапошников тутилмасдан равон гапирар, пенсне тагидан қатъий боқаётган кўзлари мулойимлашиб, икки бетига қизиллик тепган эди.

— Қўпларнинг қалби сизнинг ҳақиқий чиройингиздан ўртади. Сизнинг ҳусни жамолингиз, яъни қадди-қоматингиз ҳаммаси жозибали, бунга шак келтириш ножоиз. Тушунаяпсизми? Яъни жуда гўзал. Албатта, сиз ҳар қандай одамни бахтли қилишингиз мумкин... Бироқ қалбингиз...

— Менинг қалбим,— деб унинг гапини бўлди Анфиса,— кимни хоҳласа, ўшани севади.

— Жуда саз! Лекин биласизми? Сизда эҳтирос кучли. Яъни, нима десам экан... Сиз ўз ҳис-туйғуларингизда булутлар оша парвоз этасиз, сизнинг қалбингиз — қўшиқ, қанақадир қароқчилар қўшиғи, лўлиларники янглиғ. Ахир яшаш керак, ер юзида — оддийгина яшаш керак.

— Оддийгина? Қанақасига оддий яшаб бўлади, Шапошников, жонгинам?— Анфиса меҳр билан унинг елкасига қўлини қўйди.

— Осон жуда бу,— деди у қизариб, Анфисанинг иссиқ қўлини авайлабгина елкасидан олар экан.— Ҳаммавақт ҳам юракка ишонавериш керак эмас. Ақл билан иш кўриш керак. Мана, масалан, сиз бир йигитчани жон-дилингиз билан сеvasиз...

— Мана, масалан, мен йигитчани, Прохор Петровични жон дилимдан севаман,— Анфиса жилмайди ва иккала қўлини унинг елкасига қўйди.

— Прохор Петровични-я?— деб сўради Шапошников эсан-кираб.

— Ҳа, лочиним Прохор Петровични.

Шапошников бўйинини эгиб, хижолат чекканча бурнини тортиди, Анфисанинг кўзига жиққа ёш тўлганини кўрди.

— Қўйинг, Анфиса Петровна, хаёлингизга ҳам келтирманг буни,— деди овози қалтираб.— Нобуд бўласиз.

— Шапошников, азизим Шапошников, асл инсон! Мен уни севаман, ўла-ўлгунимча севаман. Келинг, очик манглайингиздан бир ўпай. Сизнинг қалбингиз буюк, лекин ардоқдан бебаҳра; сен бойқушдек ёлғиз яшайсан. Умринг ўтиб боряпти, аччиқ тутундай. Уйлансанг бўлармиди... Бу хилватгоҳда пичоққа илинадиган хотин ҳам йўқ. Эҳ, шўрпешона!

Шапошников аввалига кўзларини чақчайтирди, худди кўзи ўнгида онаси тирилгандай бўлди; кейин бурни ачишди, кўнгли алғов-далғов бўлди.

— Ҳа, ҳа, ҳа... Ҳақ гап, тўғри... Ҳа-ҳа-ҳа... Қалбингиз олтин сизнинг.— У ўрнидан турди, уйнинг тўрига ўтди ва кир дастрўмолига бекитиқча бурнини қоқиб, томоқ қирди.

3

Қуёшли беғубор тонг. Қиш шаштидан қайтди. Кечаси эсанг иссиқ шамол барча қорни ялаб битирди: оёқ ости нам, ям-яшил. Прохор манзилдан узоқ кетишга қўрқади: адашади киши. Олмаҳон энди момикдек бўлиб қолган. Унинг белида олгита олмаҳон, уйга борадиган вақт етди. А-ҳа, буғулар. Сон-саноқсиз. Тунгуслар келишди. Уй рўпарасида, қўрғон этагида ўтовлар тикланган.

— Молларингни кўрсат, бойе,— деди қийшиқ оёқ чол.

— Мана, бер,— деди унинг ёш ўғли.— Олмаҳон, тулки, қундуз. Худо асрасин, кўп... Алишамиз!

Чолнинг Жагда исмли ёшгина невараси қайин дарахтига суяниб туради. У чиройли эгилган ва Прохорга шодон кўзлари билан тикилар эди.

Мўйна чиндан ҳам кўп эди, Прохор уларни молларга алмашди. Тунгусларнинг кўнгли тўлди.

— Сен ҳалол дўст экансан Сен алдамчи, муттаҳам эмассан.

Жагданинг ёш отаси буғуга сакраб минди ва:

— Бўпти, яна кут, бойе!— деганча тайгага кириб ғойиб бўлди.

Прохор Жагдага тош кўзли кумуш исирга совға қилди. Онасига трубка билан тамаки. Жагда жилмайди, алланарса деб

шивирлади, юзлари анордек қизарди. Тайгага ўзини урди. Унинг овози тайгада кечга довур қўнғироқдек жаранглаб турди.

Тайга устига ой чиққанида Прохор қўрғонга кетди. Тайга о-и сурма рангда, Саркаш дарё кумушсимон товланарди. Прохор Жагданинг кўзлари таъқиб қилаётганини сизди-ю, дарё бўйига тушди. Дарё четида учта катта қайиқ арқон билан қозиққа боғланган ҳолда тош қотиб турарди. Унинг тижорат флоти шу. Прохор қайиқ томондан енгил қайиқчани туширди-да, дарёни кесиб ўта бошлади. Ойдинда сайр қилгиси ва хаёл сургиси келди унинг. Одамларнинг ва жажжигина Жагданинг келгани қанчалиқ яхши бўлди. Лаблари ақиқдай, нам, мунчоқ қадалган сийнабанди тагидаги кўкраги ҳам диркиллаган бўлса керак.

Прохор ўрмоннинг ичкарисига юрди. Тайга тобора қалин, ўтиш қийин бўла борди. Мана, яланглик. Кўзи олдида алланарса лип этиб кетди. Прохор милтиғига ёпишди. Шох қирс этди, во ажабо! Прохор ўзини Жагдага отди. У капалаги учиб ялангликдан югурди. Прохор қуш кетидан учган ўқ-ёйдек унинг орақасидан учди.

— Жагда! Жагда!

Мана, игнабаргли дарахтлар шувиллади, унга этиб қолаёзди, нафас олиши эшитиляпти.

— Вой!— Жагда таёқнинг учига тираниб, мунчоқли бошмоқ кийган оёқларини саланглатганча ағдарилиб ётган катта дарахт устидан лип этиб сакраб ўтди. Прохор ҳаллослар, жиғибийрон бўлар эди:— Тўхта!— У милтиғини ташлади ва бурун парракларини кериб, қиз ортидан бургутдек отилди. Томирларида қон гупирарди: «Қочиб кетади, жинқарча!» Яна титроқ — худди қамчи излари тушгандек, оқ-қора тасмадек яланглик, Прохорнинг қалби қамчи зарбидан қон талашган: қайишлар учадди, мингларча ой жинмирлаб рақс тушади, мингларча липилловчи учқур оёқлар кўзини қамаштиради. Баногоҳ зулмат ва ўт, йиқилиб ётган Жагдадан бўлак ҳеч нарса йўқ.

— А-ҳа, жинқарча!

Жагда қўрқиб кетди, йиғлади, кўзларини қафтларининг орақаси билан тўсди. Титраётган бармоқлари орасида қандайдир кеч очилган чечак, ундан чўлялпиз ҳинди келади.

Уйга кўр ойдинда қайтишди. Прохорнинг юраги қафасдаги йиртқичдек эркиликка талпинар, кўкси унга торлик қилар эди. Прохор қалтирар, ҳарсиллаб нафас олар эди: у шартта кўксини ёргиси, ҳаяжонга тушган баёвгина Жагдани кўксига қамраб олиб, қийнаб буйдалагиси келарди. Тўнғиган ердан қалин туман кўтариларди; мана, у Прохорнинг белидан, Жагданинг кўксидан келди, иккови худди қайиқда кетаётгандек оппоқ туман узра суза бошлашди. Жагда аста пиқ-пиқ йиғлар, Прохор эса бурун парракларини керар эди.

— Мен буғуларни қидириб юргандим. Мени нима қилиб қўйдинг? Нега бундай қилдинг?

Унинг қўли унсиз туман остига шўнғиди, Жагда чайқалиб кетди-ю, итоатгўйлик билан юмшоқ йўсин устига йиқилди.

Дарё ортида кучуклар вовилларди, Жагданинг онаси қичқириб, қизини чақирарди. Бутун тун ҳадемай туманга чулганди, улар иккови туман орасидан дарё томон юришди.

— Бу ерга қандай келиб қолдинг? Сувдан ўтиб келдингми?

— Тўлқин сенинг кемаңгни олдимга суриб келди. Нега мени хафа қилдинг?

У йиғламсарарди: дарёдан қайиқда сузиб ўтишгунча Жагда бўғиқ, жимгина йиғлади. Бирдан Прохорнинг қизини эшкак билан ургиси, сувга ташлаб юборгиси ва билтанглаб қичқаришига, ёлворишига, тўлқин ютиб юборишига қараб тургиси келиб кетди.

— Нега йиғлаяпсан?

Жагда индамади.

— Нега йиғлаяпсан?— деб қичқирди Прохор, шу пайт қайиқ туман пардасига бурканган қирғоққа келиб урилди.

— Айтмайман, айтмайман сенга,— уят ва эҳтирос билан деди Жагда ва шартта уни қучоқлаб, лабларидан ўпди.

Прохор уйига келиб, кундаликка ёзиб қўйди:

«17 сентябрь, тун. Жагда. Жагда — бу қайин дегани. Аммо у олмахонга ўхшайди. Нега Муҳаммад уммати эмасман-а? Ниня билан биргаликда уйимда Жагда ҳам яшаган бўларди».

«Яна албатта Анфиса ҳам... Бўлмаса-чи...— деб ўйлади у.— Ҳозир нима қилаётганимкин? Ҳойнаҳой ухлаётган бўлса керак». У ҳам ҳозир ётади, чарчади, нивиб кетди. Иброҳим тез қайтармикин, Анфисанинг хатини тезроқ олиб келармикин?

— Яхши ётиб тур, Анфисочка!

Эрталаб Прохор ухлаб ётганида кулба тунгусларга тўлиб кетди. Улар ерда ўтирганча, чекишарди. Ҳеч қачон ювинмайдиган тунгуслардан бадбўй ҳид келарди, устига-устак буёқда яна тамаки тутуни. Прохор аксирди, кўзларини очди.

— Мана, бойе, иккита қароргоҳини бошлаб келдим,— деди Жагданинг ёшгина отаси.— Кўнглиңгни тўқ қил, барча тунгус энди сен билан савдо қилади. Савдогар борки, алдади, талади, тилхатларни чигаллаштирди, муттаҳам. Мана сен ҳақиқий дўст.

Прохорнинг моллари оз қолди, омбор алишилган мўйналарга тўлиб кетди, бу — катта пул эди. Тунгуслар мамнуи, шод-хуррам. Энди янги дўстлари ароқ берса бас. Прохор уларни жуда сийлаб юборди: барча эркагу аёл ялписига маст бўлди. Ёш тунгус хотин-қизлари ё жуда чиройли, ёки жуда хунук, кампирлар эса шафтолиқоқидек буришиб кетган. Прохор ҳам маст бўлди. Эрталаб кўнгли айинди. Саркаш дарёга чўмилгани кетди. Замҳарир муз: сувда сузати, совуқ. Эҳ!

«Нега кеча Жагда кўринмади? Қаерда у?» Жагда баланд

кедрнинг уч-учига чиқиб олиб, мунгли кўзлари билан уни дарё-гача зимдан кузатди.

Прохор қайиқда дарёнинг нариги бетига сузиб ўтди ва милтиғини топгани ўрмонга йўл олди. Кечқурун алламаҳалда чарчаб, ҳафсаласи пир бўлиб уйига қайтди. Жагданинг ўтовига қаради, ўтов бўм-бўш. Уй ёнида бир тўп тунгус ғужғон ўйнардди. Улар бир-бирларини узун кокилларидан ушлаб судрашар, тупуришар, йиғлашар, бақириб қўшиқ айтишар эди. Прохорни кўриб чувиллашди.

— Мана сенга мовут, қайтариб ол, мана шакар, чой, ун, қўрғошни, порох. Ҳаммасини қайтариб ол. Ароқ берсанг бўлгани.

Прохор уларни ҳайдади. Улар унинг оёғи тагига йиқилиб, этигини ўпишар, орқасидан тиззалаб, эмаклаб юришар, йиғлаб, ялиниб-ёлворишарди:

— Ароқ бер, дўстим! Нобуд бўламиз, дўстим!

Прохорнинг таъби тирриқ бўлди. У бир чолга шундай деди:

— Истайсанми, мана шу ханжар билан кўзингни ўйиб олмаман? Ушанда бераман.

— Қайсинисини? Чапиними?— деб сўради чол.

— Ҳа,— деди Прохор ва ханжарини чиқарди.

Чол бирпас ўйлаб турди-да, деди:

— Майли, Битта кўз ҳам етади. Олмахонни отиш учун ўнги Чапини ўйиб ола қол. Майли.

Прохор унинг олдига ишонч билан келиб, ханжарини кўтарди. Чол қўлини силтаб, тилини яссилаб деди:

— Сен билдирмасдан ўйиб ол, яширинча, мен билмай қолай!.. Йўқса, жуда қўрқинчли... Худо, ўзинг асра... Вой!

Прохорнинг кўнглида жирканиш ва ачиниш ҳисси уйғонди. У чопганча кулбасига кирди-да, эшикни қулфлаб, ухлагани ётди. Тушида Жагдани кўрди. Жагда унинг устига энгашиб, кўзи ва лабларидан ўпди. Прохор уйғонди ва уйқу аралаш Жагдани қўлидан чангаллаб ушлаб олди:

— Жагда, сенми?

У юлқинди.

— Керакмас, бойе... Хайр!— шундай дедию қочиб кетди. Прохор ирғиб ўрнидан турди, деразани очиб юборди. Ташқари туман, уёқда, дарёда сув тошни яларди. Прохор эркалаб узоқ чақирди:

— Жагда, Жагда!

Бироқ туман сукут сақларди.

4

Шу зайлда ҳафта кетидан ҳафта ўтаверди. Иброҳим ишчилар билан қайтиб келди. Хўш? Анфиса хат юбормадимми? Нега, нега энди?!

Ойлар ўтди, оппоқ қирчиллама декабрь келди, баайни уқпардек енгил. Тунгуслар келишади, кетишади, маъюс, итоатгўй Жагда ҳам улар билан бирга. Бироқ жажжи Жагда Прохорнинг қалбига жо бўлиб қолмади: унинг қалби бошқа туйғу билан. Анфисага нисбатан мағрур ранжу алам билан оғуланган. У гоҳ жеркиб, гоҳ ёлвориб бир неча бор черкасни сўроққа тутди:

— Балки сен Анфисага ёзган хатимни тасодифан йўқотиб қўйгандирсан? Анави-чи... қизий муҳрли... Айт?

— Йў-ў... Нега йўқотай... Халтага ўзим солдим.

Ҳаво хушбўй, тоза, жарангдор. Ҳар кун эрталабдан кечгача томлар устидан иккита тутун кўкка ўрлайди: биттаси Прохор билан черкасининг, иккинчиси Фарковнинг кулбасидан... Фарковнинг йигирма яшар ўғли Тимоха — ҳўкиздек бақувват, новча, гардани ғовак, манглайи кенг йигит. У қаттиқ хахолаб кулишни яхши кўради, ишгаям ўлгудек ўч, отасига деярли ёлғиз ўзи уй қуриб берди.

Кейин тайгага бориб, дарахтларни ағдара бошлади.

— Йўл солмоқчиман.

— Қаёққа?

— Ким билади, падарига лаънат... Бир жойдан тешиб чиқарман. Ишсиз зерикаман, Прохор Петров...

Шўнда Прохор унга соҳилда бандаргоҳ қуришни амр этди. Тимоха чўтир, у тирсакларини кериб лапанглаб юради, ўзи эса хирсдек кучли. Тимоха Прохор учун бамисоли хазина. Прохор уни хат-саводга ўргата бошлади, черкас ва эр-хотин Фарковлар ҳам ўқишга истак билдирдилар.

Прохорнинг ҳаёти мароқли ўта бошлади. Фарков билан ўқтин-ўқтин овга чиқар, баъзан уларнинг орқасидан тайгага девдек бўлиб Тимоха бостириб келарди. У ҳам гапирар, бироқ оғзи шалоқ, сўкагон эди. Унинг танглайини сўкиш билан кўтарган бўлишса керак. Айтарли ҳеч нарса демасди-ю, аммо сўзларни шундай бежардики, буни ўзи ҳам сезмасди. «Айиқ овламоқчиман», деган гап унинг тилида шундай жарангларди:

— Мен у онангни эмгурни, Прохор Петрович, баттол, айиқ қисталоқни, онасини кўрсатиб қўяман... Занғар...

Прохор аввалига хахолаб кулиб юрди, кейин аччиқланди, сўнгра қўлини ювиб қўлтиғига урди.

Иброҳим овга бормас, Мавра Фаркова билан бирга тунгус аёлларига пуллаш учун кафтан тикарди.

Отаси билан онасининг хатлари анчайин саёз эди, Нина, ёзда уйга қайтмайман, дугонамнинг дала-ҳовлисида меҳмон бўламан, деб ёзганди. Прохор ундан оз эмас, кўп эмас, учта хат олди, бу хатлар меҳр ва назокат, айни чоғда киноя-пичинг билан битилган бўларди, бироқ Нинанинг бу охириги хати Прохорнинг таъбини хира қилди: энди уни узоқ муддат кўрмайди. Бундан чиқди, баҳорда овора бўлиб Крайсска, Куприяновларникига боришдан маъни йўқ. Э, нима қипти, мўйналарни Ербо-

ломохляга олиб бориб, ярмаркада сотади. Уйига ҳам бормайди: Анфиса билан ора очиқ, онаси ажи-бужи қилиб шундай ёзибди: «Худога шукур, ҳозирча тинчлик».

Масала ҳал. Яна бир йил шу ерда яшайди, китоблар бўлса бор. Шапошников орқали шаҳардан янги китобларни олдириши мумкин.

Совуқ тоб ташлади. Изғиринлар бошланди. Тайганинг пахмоқ пустини гоҳ яшил ранга кирар, гоҳ оқарар эди. Прохор қиш ичи учта айиқ, бир нечта тулки, ҳадди ҳисобсиз олмахон отди.

Жавонда ва стол устида карнай қилиб ўралган чизмалар. Улар болаларча қизил, кўк, сариқ бўёқлар билан безатилган. Мана, унинг рус услубидаги ғўлалардан қилинган саройнинг хомаки чизмаси: миноралар, хўрозлар, чор атроф боғ ва турган гапки, шийпончали фаввора. Мана мўъжаз ибодатхона. Мана шу ернинг плани, бу ерда йўл, у ерда йўл, бунда завод, тахта тиладиган машина, мана, конларнинг планлари, уларга шаҳарга талабнома юбориш керак.

Прохор Константин билан, черкас билан маслаҳатлашади. Хомчўт қилишади. Черкас бошини чайқаб, томоғини тақиллатади. Тимоха шодон сўкинади, башараси туман орқасидан боқаётган ойга ўхшайди.

Баҳорда Прохор Иброҳимдан ярмаркадаги савдодан тушган йнгирма минг сўм пулни отасига юборди ва унга: «Прохор келолмади, иши кўп», дейишини тайинлади.

Ёз ўртасида мол келди. Уни Иброҳим билан отаси Петр Даниличнинг ўзи етказиб келди.

Прохорнинг хўжалиги катта. Бир десятина¹ ер ҳайдалди. Жавдар ва арпа бошоқлари тўлалигидан бошини эгиб турибди. Бир ёқда полиз, асалари уялари. Константин Фарков асаларларнинг кафилини олган. Тимоха тайга билан жанг қилмоқда: у тўнкаларни ҳайвондек қўпоради, ағанаб ётган дарахтларни ёқади; ялангликни кенгайтириш ва келаси йилда теварак-атрофни шудгор қилиш керак. Бир ёқда сигирлар, отлар, товуқлар. Учта яп-янги уй. Иккитаси баҳорда келган онлали ишчиларга атаб қурилган, учинчиси харидор тунгусларга, емакхона ўрнида. Бутун бошли қишлоқ. Тепаликда хўжайин Прохор Петрович Громов жойлашган. Бу йил ёзда унинг иягидан майин соқол ўсиб чиқди. У чор атрофга, тайгага, чопқиллаб юрган исдиқи болаларга бургутдек кўз ташлайди. Олаговур: итлар вовиллайди, сигир маърайди, хўроз қичқиради, ялангоч бир тирмизак қичитқи ўт устига йиқилиб, додлайди. Ҳаёт! Ахир бу ерда, бутун атрофда ҳеч нарса йўқ эди.

Прохор Петрович отасига ғурур билан дейди:

— Буларнинг ҳаммаси йўқдан бор қилинди.

¹ 1109 гектарга баробар.

Отаси уни олқади, бир ҳафта ичкиликбозлик қилди-да, жўнаб кетди. Анфиса тўғрисида лом-лим дсмади.

Куз кетиб, қиш келди.

Прохорда нон, асал сероб. Тунгуслардан тиним йўқ. Омбор мўйнага тўлиб кетди, пул бор. Эски савдогарларнинг тагига сув кетди. Қишда Ербохомахлядаги ярмаркада савдогарлар, агар Прохор қорасини ўчирмаса, уйига ўт қўямиз, ўзини эса ўлдирамиз, деб гап тарқатишди.

Баҳор олдидан тайгадаги ҳаёт Прохорга малол кела бошлади. Унга янги таассуротлар, одамлар, жамоат керак. Тайга унинг оёқ-қўлини боғлаб турарди. Бешта уй, дала, хўш, яна нима? Унинг кўнгли катта ишни қўмсар, кенгликлар ва ҳавога мўл-қўл тайгада нафаси бўғиларди.

Шапошников унга ёзган эди:

«Бу қанақаси, ёш дўстим, умрингизни нега беҳуда ўтказаясиз? Хўшёр бўлинг, тагин қалбингизни чивин кемриб кетмасин. Нима учун буёққа, Медведовога қадам ранжида қилмаясиз? Бу ерда онлангизга тааллуқли бир шўриши гафго бошланяпти. Лекин мен гийбат ботқонига ботишни ўзимга эп кўрмайман. Ҳа, нима гапнингизни ўзингиз ҳам чамаси пайқаётган бўлсангиз керак. Етиб келишни сизга маслаҳат бераман».

«Бу Анфиса ҳақида-ёв» — деб ўйлади Прохор, бироқ пинагини ҳам бузмади. Уни ўзга олис ерлар оғушига чорлар, баҳорнинг муаттар бўйи билан уйғонгандек Нина Куприяновнанинг сиймоси муттасил ўзига тортар эди. Шу аснода бирдан ундан ҳаворанг, хушхид хат келиб қолди. Нина уни шу кўклам албатта Крайска, бизникига келинг, бу ерда бир ойча меҳмон бўлиб турасиз-да, кейин биз билан Урал орқали Кама, Волга бўйлаб Нижнийга, у ердан Москвага борасиз, деб таклиф қилибди. Ахир у Россияни, одамларни кўрсин-да, Россияни, мамлакат юраги — Москвани билмаса бўладими! Демак, бориши шарт. Йўқса, Нина унга дўст эмасмиш.

Прохор босар-тусарини билмай қолди, у енгилтак ва шўх бўлиб кетди. Ҳамма нарса унут: хўжалик, уйлар, тунгуслар иккинчи даражали бўлиб қолди.

— Прохор Петрович, иккита ғунажин туғди!

— Падарига лаънат ғунажинларни, падарига лаънат жўжаларни! Ҳей! Тимоха!

Тимоха ўз ишини билади, ҳаш-паш дегунча иккала қайиқни тўнтарди-да, кечасию кундузи тешик-тирқишларига мос пахта тикди ва устидан эритилган қатрон қуйди, мапа марҳамат, Прохор Петрович, истасангиз денгизу уммонга сузаверинг.

Ҳайбатли сув қалқиб чайқалдию тинди, Прохорнинг савдо қайиқларида ранг-баранг байроқлар ҳилпиради. Прохорнинг ўзи — атаман, Константин Фарков ясовул, Тимоха — оддий қароқчи. Яна абжир бир мужикни ҳам ишга олишди. Хўжаликни Фарковнинг хотини билан хизматкор Петрга ишониб ташлаб кетишди.

Прохор, отамга олиб бориб бер, деб қўлига йигирма уч минг сўм тутқазиб, Иброҳимни уйига жўнатиб юборди.

Қайиқлар жилди. Қасир-қусур ўқ овози. Содиқ черкасинг жикқа ёш кўзлари. Прохорнинг мағрур, қатъий овози:

— Эшкакни сувга ботир! Кетдик!

— Сафаримиз бахайр бўлсин! Ё парвардигор, ўзинг қўлла! — деб художўйларча чўқинди Фарков.

— Оббо онангни эмгур-э, тузук-ку, энағар! — деб хахолаб кулди Тимоха ва майнавозчилик қилиб қип-қизил башарасини чўқинтирди.

— Эшкакка зўр бер! — шунда эшкаги қарс этиб иккита бўлиниб кетди.

Иброҳим Медведово қишлоғига йўл тараддудини кўраётиб Прохорнинг Анфисага ёзган сўнгги хатини чойнакдан чиқаётган бугга тутиб, очди-да, пишиллаб ва терга ботиб ўқиди:

«Анфиса Петровна! Сиз энди мен учун йўқсиз. Бироқ қулонингизда бўлсин, агар ҳаддингиз сиғиб ойимни хафа қиладиган бўлсангиз, сиз билан чинакамига гаплашиб қўяман. Сизнинг менга бўлган алдамчи муҳаббатингизга тупураман. Сиз, ҳақиқатан ҳам алвастисиз. Мен баъзи нарсаларни билиб олдим. Қишлоғимиздан чиқиб кетишингизни маслаҳат бераман».

— Қҳ! Балли, йигит! — Иброҳим бармоқларини қисирлатди ва бу хатни ҳафсала билан телпагига тикиб қўйди.

5

Бугун Прохор ғамгин. Ербохомохляда унга оппоқ чол Никита Сунгаловнинг қазо қилганини айтишди. Қачон? Бурноғи йили. Қай фаслда? Нақ покровда.

— Ҳаҳотки покровда? — Прохор хийла вақт анқовсираганча кўзларини пирпиратиб турди, у ҳайратга тушди, кўнгли алланечук безовта бўлди.

У мўйсафиднинг қабрига борди. Айнан шу ерда унинг кўнгилида изтиробли ваҳима уйғондию чуқур ўйга толди. У яланг бошини эгганча турарди. Қора арча пахмоқ дастпанжаси билан крестли тупроқ уюминни яширган эди. Крестга бир жуфт нилачи илиниб қолиб, қанотларини пириллатарди. Телада қарга қағилларди. Яна Прохор биринчи сафарини, мавҳумликни, қўрқувни, қордаги ҳалокатли тунни эслаб кетди... Мана соқол-мўйлови ҳам чиқди, беташвиш ёшлиги ўтиб кетди, ирмоқлардан кечди, олдинда — қаттол тошлар билан Саркаш дарё, олдинда бутун бошли ҳаёт. Ҳеч замонда у Саркаш дарёдан қўрқарканми? Асло! У ҳаётдан ўйнаб-ўйнаб, зилдек тош-метин оёқлари билан дадил ўтади, бутун ўлкани гуллатиб юборди, минглаб одамни бахтли қилади. У... Хўш, охири нима бўлади? Худди мана шундай қабристонда крестли дўнгликми? Йўқ, бу қумлоқда у охират уйқусида ётмайди, фақат курашиш, ишлаш керак, ўзига ишониши даркор. Бироқ ҳар қалай машаққатли ва хатар-

лидир ҳаёт йўли! Қоп-қоронғи зимистон; олдинда ҳеч нарса кўринмайди. Эски ва янги гўрлар орасида ёлғиз ўзи. Нима учун бу ерга келди? Хуллас, ҳаётда уни ким суйайди, оқ фотиҳа бериб олис йўлга уни ким йўллайди?

Бирдан қалби муздек ва нотинч бўлиб қолди. У хўрсинди ва дилидан шуни ўтказди: «Никита бобо, ўзинг мададкор бўл!» Назарида қабрдан жавоб келгандек бўлди: «Сузавер, чироғим... Ўнгу сўлингга қара-а-а!»

Шовла қайнаб-тошар, мавжланиб кўпирар эди. Саркаш дарё кўксини тошларга урарди. Саркаш дарё даҳшатли эди...

— Салом, Ниночка! Азизим, жоним Ниночка...

— Прохор, сизмисиз? Соқолни ўстирворибсиз-ку. Ҳозироқ бориб олдириб ташланг.

Хушрўй Домна Ивановна дўмбоқ қўлчасини чўзиб:

— Салом, салом, азиз меҳмонимиз...— деди.

Албатта, ҳол-аҳвол сўрашишди ва биринчи галда чой ичишди. Чойга ўша олис қиш кечасидагидек ҳаммомдан чиқиб Яков Назарич Куприянов қадам ранжида қилди.

— Епирай! Прохор!!— деб шодон қичқирди у гавдасига мос тушмаган хотинчалиш овозда. Кейин Прохорни айиқполвондек қучоқлаб уч марта қаттиқ ўпди:— Оббо, сен! Э, кап-катта одам бўп кетибсан-ку! Азбаройи худо, чинорга ўхшайсан-а... Бўйингам бир саржин келар-ов?

— Йўғ-е, Яков Назарич,— деди Прохор дўриллаб, сим-ёғочдек қаққайганча.— Ким айтади мени новча деб? Бақалоқман-ку.

Ҳамма кулди.

— Ҳе-хе... Унда мен чўп-устихон эканман-да?— деди мезбон ва кафтлари билан таранг қорнига шапатилади.— Хўш, отанг, оинг қалай? Кўп бўлмадимми хат ёзишганига? Черкасчи, ҳалиги оти нимайди? Хўш, тайгада кўп пул топдингми? О-ҳо, соз-ку! Сендан уддабурон одам чиқади. Онаси, опке топган-тутганингни!

Прохор ўзини арши аълода ҳис қиларди — яхшилаб ювинди, яп-янги ички кўйлак-иштон, боғичли янги венгерка, эчки терисдан тикилган этик кийди.

— Сиз бирам очилиб кетибсизки, Ниночка,— деди у.

— Илгари хунукмидим?

— Йўқ, мен... аслида... айтмоқчи эдимки...

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, мақтайвер! Хотинлар мақтовни яхши кўришади,— деб мезбон ҳеҳелаб кулди.— Қани, коньякдан ол! Ҳа, ҳа, худди бувангининг ўзсан. Отанг бевош, ирода-сиз, хотинбоз. Шундай деб айт унга. Шунақа мишмишлар юрибди... Ҳа-ҳа.

Прохор қизарди, энсаси жунжикди. Нина чашка устига энгашганча унга ора-сира қараб қўяр, шўх бир қўшиқни хиргойи қилар, жилмаяр эди. «Сипо ва киноячи», деб ўйлади Прохор ва Яков Назаричга мурожаат қилди:

— Мана, Нина Яковлевна сизнинг саёҳатга чиқмоқчи эканингизни ёзган эди. Ростми шу?

— Э, шунақами ҳали!— Нина ёлғондака қошини чимириб кичқирди.— Менга ишонмадингизми?

— Тўғри, тўғри, чиқамиз,— деб йўталди мезбон.

— Ҳозироқ узр сўранг! Тиз чўкинг!..

— Оширворма, Нинка.

— Баракалла, Нина, чизган чизигингдан чиқарма! Ўнгитнинг бошини айлаптир, ҳе-ҳе-ҳе!

— Дада!

Чиндан ҳам яхши! Худди ўша кечагидек. Шокилалли чироқ, қориндор, савдогарлар зотидан бўлгандек самовар, пироглар, қиёмлар, Яков Назаричнинг яшилворий мошкичири соқоли ва жингалак сочи, ҳатто жужунча пиджаги ҳам ўша-ўша. Ҳамма нарса ўша кечадагидек соз, кўнгилли. Фақат ўша кеча унинг қалбида Анфиса йўқ эди. Нима учун у ҳозир дафъатан чақирилмаган кўланка янглиғ қалқиб чиқдию қаердандир, Нинанинг ортидан унга ўқрайиб қараб турибди?

— Мен жуда ҳам шошилаётганим йўқ. Ишқилиб Нижегород ярмаркасига улгурсак бўлгани,— деди эртасига Яков Назарич Прохорга.

Улар шаҳардан ўтиб, дўконга кетишди. Кун иссиқ, қуёш порлаб турарди. Соябон тутиб олган Яков Назарич қора терга ботган, рўмолчаси билан елпинар эди.

— Мен молни аллақачон жўнатиб юборганман, баҳорда, ўзимиз билан қорабурул тулки мўйнаси ола кетамиз, яна битта қордек оқ тулки мўйнаси ҳам бор. Хўп антиқа-да ўзиям! Худо ҳаққи, рост!

Дўкон яп-янги ғишт растада, уч бўлмали эди. Дўкондор — Яков Назарич дўконга қарамай қўйганди, у нуқул қишлоқма-қишлоқ ярмаркаларда юрар, кўпгина қишлоқларда дўконлари бор эди. Бу ерда ҳисоб-китобни тартибга солиш лозим эди. Прохор ўз хизматини таклиф этди. Яков Назарич хурсанд бўлди. Икковлон эрта тонгда кетиб, кечгача дўконда қолиб кетишарди. Тушликни Нина кузатувида оқсоч олиб келарди. Баъзан Нина дўконда узоқ қолиб кетарди, бир кун Прохорга ленталарни саралашга қарашди, аммо ишлари юришмади, навларни аралаштириб юборишди, гап сотишдан тўхташмади, Яков Назарич буни кўриб думалоқ кўзойнагини манглайига кўтарди-да, деди:

— Қани, қўзичоқ, бу ерда ўралашмай уйга бор. Сендан ҳаён эмас, зиён кўриш мумкин.

— Дадажон,— деди Нина қундузнинг мўйнасини силки-тиб,— биласизми қадимги Русда терини — мўйна дейишган?

— Ўзинг «мўйна».

— Йўқ, рост, мўйнадўз деган сўз шундан келиб чиққан. Уқиганман ахир. Ё бўлмаса қўлқоп, қўл сўзидан.

Яков Назарич яккаш Прохор Петровични кузатарди. Баҳоси йўқ одам, наҳотки Нина ғафлатда қолса?

Дўконда тўртта велосипед бор эди.

— Энг яхшисини танлаб ол, миниб юрасан!— деди Яков Назарич.— Хизматинг учун албатта.

Прохор совгадан жуда хурсанд бўлди, миннатдорчилик билдирди; шу куни кечқурун бурнини қашқа қилди, аммо икки кундан кейин минишни бир амаллаб ўрганди.

Жўнаб кетишадиган фурсат яқинлашиб қолди. Домна Ивановна тиниб-тинчимас, йўлга озуқа тайёрлаш керак эди.

— Афсуски, Ниночка, сиз велосипед минишни билмайсиз,— деди Прохор салқингина кечки пайт.

— Нега бундай дейсиз? Фақат сиз билан юрса одам шарманда бўлади, биронта дьяконни уриб кетасиз.

Барибир шаҳар четига йўл олишди. Текис йўлдан елдек учиб боришди. Чечаклар очилиб ётган кенг ўтлоққа дуч келишди.

— Келинг, чечаклар терамиз,— деди Нина ва бир даста бўтақўз териб келди-да, Прохорга узатди:

— Маца сизга. . . Унутманг...

Шу аснода, уёқда, узоқда черкас Анфисага сўнги хатни тутқазди.

— Ниночка!— деб хитоб қилди Прохор.— Шундай дейишингиз гуноҳ эмасми? Сизни унутиб бўладими?

— Раҳмат, Ибрагимушка,— деди Анфиса хатни ўқиб чиққач, унинг лаби қийшайди.— Прохорингга ҳам раҳмат... Прохор Петровичга.

Прохор гулдастани ўпиб, бағрига босди.

— Қани энди... Фақат айтишга қўрқаман,— деди у кулгисини аранг тийиб.

— Гапириш шартми? Мен шундоғам сизни тушунаман,— деб кулди Нина бармоғини бигиз қилиб. Прохор уни қўлидан ушлаб олди.

— Нина... Ниночка!...

...Анфисанинг қўлидан хат тушиб кетди. Унинг катта очилган кўзлари ерга тикилган эди.

— Нима бўлди?— деб сўради черкас.

— Ҳеч нарса, Иброгимушка... Нега уни ёлғиз ташлаб келидинг?

— Прощка уйланмоқчи. Қайлиқ танлашга кетди.

— Қайлиқ?...— Бошқа ҳеч нарса демади.

...— Нина!— деди Прохор изза бўлиб ерга қараганча, шляпасининг барини тимирскилаб.— Эҳ, қани энди сиз... бир нарсани...

— Жинимдан баттар ёмон кўраман, «эҳ-пэх» деган гапларни. Сени севаман, демоқчимисиз? Шундайми?

«...Сизнинг алдоқчи муҳаббатингизга тупураман». Шу сўзни Прохор ёзаяптими? Анфиса худди рақс тушаётгандек пайдар-пай депсинди, столга мушти билан гурс этиб урди-да, калласини сарак-сарак қилди.

...Шодликдан Прохорнинг юраги гурс-гурс уриб кетди. Олтинранг шафақ кўзини оларди. Нина майса устида худди ёмғирдан кейинги гулдек муаттар бўй таратиб, жозибадор жилмайганча ёнгинасида ўтирарди. Прохор уни бир боғ пичандек шартта қучоқлади-да, чалқанча ётқизиб лабларидан ўпди.

— Ярамас бола! Қандай ҳаддингиз сиғди?!— У фиғони фалакка чиқиб ирғиб ўрнидан турди.— Шилқим!— Велосипедини етаклаб чопганча йўлга чиқди-ю, уйи томон елдек учди.

Ҳанг-манг бўлиб қолган Прохор ўзининг «дукси»га базўр минди. У йиғламоқдан бери бўлиб, ўзини аҳмоқ, аблаҳ деб койиғанча йўлда уёқ-буёққа чайқалиб бораркан, шаҳарга кира-веришда қандайдир бир кампирнинг корсонига урилиб кетди-ю, велосипеддан учиб тушди.

6

— Салом, Қизил шапкача,— деди Анфиса мунгли овозда.— Сен билан суҳбатлашгайи келдим.

Бир пайтлар Анфиса билан илк бор учрашиб, ундан буён ўтган вақт ичида Шапошников ўзига шундай оро берган эдики, уни таниш даргумон эди: пахмоқ соқоли ўрнида яхшилаб кузалган соқолча, узун сийрак сочларини гир айлантириб олдирган, ювинган-таранган, озода, ҳатто тирноқларининг ости ҳам топ-тоза. Анфисани кўриб боши осмонга етди, кун иссиқ бўлишига қарамай янги каламинка пиджагини елкасига ташлади. Ярғоқ боши тантанавор ялтирарди.

— Мана бу хатни ўқиб мағзини чақ-чи, саводхон.

У пенснесини тақди, ўтирди ва бурун катакларини тепага кўтарди. Анфиса унинг юзига тикилганча асабий нафас олар эди. Бурчакларда бўри, қуёнлар ва майда ҳайвонлар турарди.

— Ҳм-м!..— деди у чўзиб, кейин оёғини чалмаштириб тоза артилган этигининг тумшугини ликиллатди. У Прохорга хат ёзиб чақимчилик қилганини эслади, эслади-ю, ўзидан хафа бўлди, уялди.

Анфиса савол назари билан қошини чимирди.

— Одатдаги гап,— деди у мужмал қилиб.

— Одатдаги?! Қанақасига одатдаги бўларкан?

→ Ҳм-м,— деди Шапошников яна сирли қилиб.

— Ҳўп, майли, худога ҳавола!— деди Анфиса қўл силтаб ва бўйинини эгди.

Шапошников бурнини ушлаб кўрди. Анфисанинг ҳаворанг кофтаси остидаги бўлиқ кўкрагига кўз қирини ташлади. У Анфисани қийнагиси, гап билан узиб олгиси, унга дил розини айтгиси келди. Лекин нима учун у бу оддий аёл олдида ўзини йўқотиб қўяди? Наҳотки ҳусн таъсири шунчалик кучли ва жозибали? У бошининг каттагина ярғоқ ерини силади-да, хўрсиниб, тилга кирди:

— Ҳаётга сиз қандай кўз билан қарайсиз?— Шу заҳотиёқ бемаъни савол бергани учун ўзини койинди.

Анфиса ўйланмасдан жавоб берди:

— Оддий кўз билан, Шапкин. Марварид, атлас-кимхоб керак эмас менга. Мен севгилим билан қуш сингари шохга қўнғиб, сайрасам бўлгани... Бутун умр бўйи. Бундан бўлак, дилкаш дўстим, Шапкин, ҳеч нарсани истамайман. Токи бош айланиб кетгунча у билан ёнма-ён ўтирсанг. Шу алфозда ерга қуласанг-да... ўлсанг.

Шапошников кўзларини сал қисди ва стулини унга яқин сурди.

— Ҳаёлпарастлик бу. Оддий ҳавас,— деди у.

Анфиса шартта стулини ундан нарига сурди.

— Агар билмоқчи бўлсанг, мен бошқача аёлман.— У сирли, айни чоғда қандайдир ваҳимали жилмайди.— Менинг вужудимда сен кўраётгандан бошқа яна бир одам мавжуд, Шапочка. Уҳ, у шундай баттолқи! Пичоғи бор...

— Пичоғи бор?— деб минғиллади Шапошников асабий.

— У пулға, ширин шаробга, тиллага ўч! Очофат, ҳайвон. Баъзан у менинг кўзларимдан боқади. Қўрқаман.— Анфиса бу гапларни жунжукканча елкалари қалтираб, гирих тишлари орасидан гапирди.

Шапошников унга қараб, чўчиб кетди, гужанак бўлиб олди: унинг кўзлари сўника, бемаъно эди.

— Анфиса Петровна!

— Қўрқаман, қўрқаман...— деб янада секинроқ шивирлади у ёнбошига чайқалиб ва аллакимдан ўзини ҳимоя қилаётгандек қўлларини силкитиб тисарилди. Кейин ногоҳон сапчиб ўрнидан турди-да, ер тепинди:

— Эҳ, ҳаёт, сариқ чақага қиммат! Шапочка, винодан ол!

Шапошников ҳам ирғиб ўрнидан турди:

— Анфиса Петровна!

— Вино, деяпман! Йўқми? Яхши қол!

— Шошманг, азизим! Бир дақиқа сабр қилинг...— у Анфисанинг қўлларидан жон ҳолатда ушлади-да, ҳамдардлик билан сўради:— Ахир нима гап ўзи?

Анфисанинг кўзларидан шашқатор ёш қуйилди:

— Гап кўп нарса устида эмас, Шапошка. Гап менинг аёлга хос қалбимда... Эҳ! Хўп, омон бўл, дўстим... Кўриб турибман, менга жўйли маслаҳат беролмайсан. Бунда ақл билан иш кўриб бўлмайди... Эҳ... Бир амаллаб ёлғиз ўзим эплайман. Яхши қол!

Анфиса Шапошниковдан бир қарич баланд, уни қучоқлаганда Шапошников юзи билан унинг кўкрагига тақалди. Китоб шайдоси бўлмиш бу доно одамнинг титраб, қалтираётганини сезиш унга хуш ёқарди. Шапошников тишлари такиллаб, дудуқланганча:

— Сиз... сиз менга маслаҳат беринг, Анфиса... Ҳадемай сургундаги муддатим тугайди, менинг эса кетгим йўқ... Анфиса... Анфиса Петровна... Кетолмайман,— деди.

— Ҳа, ишонаман... Кетиш қийин,— деди Анфиса.— Сен бизнинг ботқоққа қулоғинггача ботгансан. Гумбаздек бир хотинга ёки бирваракайига иккитасига уйланасан ҳойнаҳой. Кейин, ичкиликка муккангдан тушиб, бирон-бир девор тагида ўлиб кетасан...

— Йўқ, бундай эмас. Йўқ, йўқ! Кулгу бўлишга ор қиламан... Лекин мен...

— Ҳаётингни кафтдагидек кўриб турибман, Шапочка... Шундай бўлади.

— Қаердан била қолдингиз буни, худодан ваҳий борми ёки?

— Вой тавба-е, ахир мен алвастиман-ку!

Хонага секин-аста ғира-шира қоронғи чўка бошлади. Бўри, қуёнлар ва майда ҳайвонлар кулранг қоронғилик қаърига сингиб кетди. Шапошников гурурт чақди ва қўлбола шамни ёқди. Угирилиб қараган эди, Анфиса кўринмади. Шапошников таажжубга тушиб, сал довдираб қолди, бўри, қуёнлар ва ҳайвончалар жой-жойида эди. Яна стол устида хат, унинг устида, ўттиз уч сўм пул турарди. Хатда шу сўзлар ёзилганди:

«Ўзингга ол, камбағал ўртоқларга ёрдам қил. Бу пуллар хосиятсиз».

Петр Данилич черкасга шундай деди:

— Сен бизникида қоласан. Прохор ҳали-вери қайтмайди.

Иброҳим бекор ўтиролмади; у сотиш учун Варвара билан конфет қилди,— хўжайинга фойда-ку ахир,— дарвоза тепасига эса донмий лавҳа ўрнатди:

Тўхта! Сартарош Иброҳим ўғли!

Бироқ кунлардан бир кун хўжайин мастлигида: «Бутун уйни расво қилди!.. Топган жойини қаранг...»— деб уни таёқ билан уриб туширди. Шундан кейин Иброҳим лавҳани халбжойнинг мўрқонига қоқди: яққол кўринади, одамнинг бўйи ҳам етмайди.

Хўжайин ўқтин-ўқтин қишлоқларга, бой деҳқонлариникига ўткир асал пивосини ичгани, қизлар-жувонларга илакишгани борарди: бир куни хотини учун ҳайвон оловчи мужик уни уриб дабдаласини чиқарди. Петр Данилич нақ бир ҳафта белини кў-

таролмай ётди, мужик уни кўргани келди ва мингирлаб узр сўради:

— Санлигингни билганимда ҳеч замонда шунчалик дўппослармидим... Қоп-қоронғи эди-да... Падарига лаънат хотиним Матренани... нима, сандек одамдан аярмидим уни?

Петр Данилич Анфисаникига кирар, бироқ у рўйхуш бермас, қайсарлик қилиб ундан ўзини олиб қочар эди. Бундан у дарғазаб бўларди. Анфисага, сени уйдан қувиб юбораман, деб дўқ урарди. Нима қипти, ҳайдаса ҳайдар, дунёда бошқа жой кўриб қоптими? Анфиса унинг кўзи олдида лаш-лушларини сандиққа жойлай бошлади. Қаёққа бормоқчи? Унинг олдига. У ким? Анфиса кимнинг олдига боришини Петр Данилич билди. Шу бондан унга таъна қила бошлади, кейин бўралаб сўқди, бироқ Анфиса чурқ этмади, бундан у баттар тутатди ва мушт кўтарди, Анфиса пинагини бузмай: «Уйингга бор, бетайин Анфисани ёмонлаб эсга олма. Хайр!»— деди. Петр Данилич кўзёш тўкиб унинг оёғига йиқилди: «Кечира қол, ҳамма нарсага эга бўл». Уйига келиб хотинини чалажон қилиб урди. Марья Кирилловнанинг ҳаммаёғи кўкариб юрадиган бўлиб қолди, у кечасию кундузи бир нарсани ўйларди: «Проход уйлансин, ҳамма ишни топшираману монастирга кетаман».

Петр Данилич хўжаликни ўз ҳолига ташлаб қўйди, бироқ хўжалик қаровсиз қолса-да, даромад келтирарди. Марья Кирилловна мудом хўжалик ташвишчи билан яшарди, ғаразли ният билан бўлса-да, бу ишда унга Илья Сохатих қарашарди: бека унга сени Анфиса Петровнага уйлантириб қўяман, деб ваъда берган эди.

— Анфисочка, қани айтнинг-чи, мен қачон юридик важ-корсонларсиз, сиздан қатъий равишда талаб қилишга журъат этгум?— деб тиқилинч қиларди у гўзал Анфисага.— Ахир пировард-натижада барча беҳуда нарсалардан кўз юмиб, гигиена билан медицинага ишонинч керак-ку... Уйланишнинг иложи йўқлиги учун ҳусни жамолингиз мени азоб-уқубатга ташлади-ку.

— Яқин қолди, Илюшенька!. Ҳадемай сени уйлантираман... Ҳа, кўпларни уйлантираман, чироғим...

— Оҳ, бас, ортинг қийиқлик қилманг! Буларнинг ҳаммаси сизнинг томонингиздан майнавозчилик... Қуёшдек порлоқ чеҳрангиз мени куйдириб кул қияпти.— Илья сариқ жингалак сочларини тўзғитди; унинг оғзидан дабдабали сўзлар ўрнига тупук сачради.

— Сиз ҳамманинг бошини айлантирдингиз, ҳатто бир одам,— мен унга сажда қилардим, шунақа ажойиб одам эди,— сизнинг ҳусни латофатингизга ошуфта бўлиб сочини тақир қилиб олдириб ташлади ва савдойнга ўхшаб қолди... А-ҳа, куляпсизми?! Хўш, агар юрак ютиб айтгудек бўлсам, бу аҳволни кўриш менга, яъни сизнинг қайлигингизга осонми, а?

Ҳазрат Ипат жон ҳолатда афтини бужмайтирар, лўппи лунжларини кафти билан қисиб, бодрингдек кўк буринини танқай-

тирганча шишган кўзларининг қири билан юраги пўкиллаб Петр Даниличнинг ўнг қўлини сергак кузатиб турарди.

— Би-ир-р!— Петр Данилич ўнтача зич карта билан кашишнинг нақ бурнининг учига қарсиллатиб туширди.— Икки!

Ҳазрат Ипат калласини лиқиллатиб, хирилларди:

— Секинроқ!.. Азбаройи шифо.

— Уч! Ахир, мен тақсир, кампирим билан ажрашмоқчиман...

— Тўрт!

— Маъқул кўрмайман. Вой!

— Беш!

— Худога шукур, қутулдим... Суз,— деди ҳазрат Ипат кўзларидан мўлтир-мўлтир қуйилаётган кўз ёшларини артиб.

— Кеч бўлиб қолди.

— Буни қара-я, золим, фирром. Қасдимни олсам бўларди? Тобинг қалай?

— Кеч бўп қолди. Борай.

— Қаёққа, уникагами? Меликтриса Кирбитьевнаникигами? Ута бемаъни. Рост, лекин... Ута сулув,— у карталарни сузди, хўрсинди ва чўқинди:

— Узингга шукур!

Петр Данилич атайин ён берди. Ҳазрат Ипат унинг кўкимтир бурнига худди мужик от ўгрисини ургандек аямай урди.

— Хўш, тақсир, ҳалнги гапга нима дейсиз?— деб сўради Петр Данилич ва рўмолчасига бурнини қоқди. Рўмолча қон бўлди.

— Йўқ, йўқ, ошна, мени сотиб ололмайсан. Арзон берясан... Рост. Бу ишкал иш, очиги, ифлос... Дарвоқе консисторияда¹ ошна-оғайниларим ҳам бор.

Петр Данилич кашишникдан алламаҳалда чиқиб, Анфисанинг олдига йўл солди. Бироқ бир қути конфет ва яп-янги модали туфлини оливолиш учун уйига қайтди. Бу туфлини унинг илтимосига кўра пристав шаҳардан сотиб олиб келган эди.

Пристав эса шу аснода семиз, мижгов хотинига, бадарғадаги инқилобчиларни текшириб келаман, деб баҳона қилиб, ҳазрат Ипатнинг уйи сари юрди. У энди ётмоқчи, ёлғиз кўйлак-иштонда кичкина ойна олдида ўтирар ва шишиб чиққан бурнига вазелин сурмоқда эди.

Анфиса ҳам уйда ойна олдида ўтирар, шоколад еб, лентали похол шляпани бошига кийиб ўзини кўзгуга солар эди.

— Ким берди сенга шляпани? Ие, конфетларни-чи?! Э-ҳе, худди меникидақа-ку. Приставми?— ҳол-аҳвол сўрагач, суриштирди Петр Данилич.

— Ҳа, пристав.

Петр Данилич ўтирди ва столни бармоқлари билан тарақлатиб чалди.

¹ Консистерия — революциядан илгариги Россияда архиерей хузуридаги маъмурий ва суд органи. (Тарж.)

... — Мен, ҳазрат Ипат, сизни муҳим иш важидан безовта қилишга журъат этдим,— деди пристав, кашиш билан сўрашгач, хуш мўйловини бураб.— Юрак дарди бу...

— Ахир мен фельдшер бўлмасам! Менда, Федор Степанич, валерьянка йўқ. Ҳе-ҳе-ҳе... Кечирасиз, мен иштончанман.

— Мен ҳарбий кишиман,— деди пристав меҳр билан қилишининг дастасини силаб.— Мен дилдан чиқариб гадираман. Менинг ажралишимга ёрдам берсангиз.

— Ажралиш? Қанақа ажралиш? Ким?!— деб ҳайрон қолди ҳазрат Ипат ва вазелинли банкани қўлидан тушириб юборди.

— Мен. Хотиним билан.

Ҳазрат Ипат бит кўзларини приставга лўқ қилганича, тош қотди.

— Пристав дегин?— сўради Петр Данилич хомуш.

— Ҳа, ҳа, ҳа,— тасдиқлади Анфиса.

Петр Данилич Анфисанинг бошидан шляпасини юлқиб олдию ерга отди.

— Бу қанақаси? Петр Данилич... Ҳали ўз эрким ўзимда эмасми?

... — Сен-а? Хотининг билан-а?— деди ниҳоят ҳазрат Ипат тилга кириб.

— Ҳа, ҳа, ҳа,— деди пристав кўзларини жавдиратиб, кўкрагини керганча.— Биласизми, жинни бўлиб қоламан, тасаввур қилинг-а, Анфиса Петровна — мен учун ҳаёт-мамот масаласи...

Ҳазрат Ипат ирғиб ўрнидан турди, сонларига уриб, хахолаб кулди:

— Оббо, довдирлар-е! Эҳ, сиз тийнқисизлар... ҳаммангиз дарди бедавога йўлиқибсиз-ку!— У семиз қорнини селкилатганча хонада яланг оёқ чопа бошлади.— Гоҳ бири, гоҳ бошқаси, гоҳ учинчиси. Ха-ха-ха! Хўп, фараз қилайлик, мен сизларни ажратиб юбораман... Маъзур тутасан, иштончанман... Сиз йигирма чоғлисиз, у эса битта. Ахир бир-бирингизни отиб ташлайсиз-ку... Эҳ, аҳмоқлар, узр, Федор Степанич... Ҳақ гап...

— Яна ким?

— Ким, ким? Ҳадемай пойтахтдан етиб келишадн. Мана ким... Мен ҳам қараб турмайман. Шартта соч-соқолимни қирдираману Меликтрисанинг бўйнига осиламан: мени се!— Ҳазрат Ипат яна семиз сонларига урди ва хахолаб кулди.

Кейин ичкиликбозлик бошланди.

... — Мен сен учун ҳамма нарсани муҳайё қиламан, уйнинг бекаси бўласан,— деди Петр Данилич суюлиб кетиб.— Кашиш консисторияда ажратиш масаласини гаплашиб кўрмоқ-

чи. Йўқса, хотинимни шундай жонидан тўйдираманки, монастырга кетишга рози бўлади.

Улар маймунжийда мевасидан қилинган наливка ичишди. Иссиқ! Анфиса кофтасининг ёқасини очиб қўйган. Петр Данилич худди мушукдек ҳузур қилиб кўзларини қисганча Анфисанинг оч сариқ, қалин сочларидан, яланғоч елкасидан ўпади. Бироқ Анфиса муз-ях, қалби тақа-тақ берк.

— Мен ҳусну жамолимни ҳаммага улашсам дейман. Кўриб кўзи қувонсин. Нима, бундан бир ерим камайиб қолармиди: қалбим қувончга тўлади. Мана, тириклайин бўйнини сиртмоққа суққан бир бахтсизни эркаласам борми, қарабсизки, тирилиб турибди-да. Демак, бунда гуноҳ йўқ. Гуноҳ бўлганда, ичимни ит тирнарди. Менинг кўнглим эса хотиржам. Мен ҳеч кимнинг ўйнаши бўлган эмасман, Петя, сенинг-ку ҳеч қачон.

— Менга тег, деяпман... Тентак!..

— Қанақа қилиб тегай сенга? Сен абжирсан, лекин қарисан. Уйланган тақдирингда ҳам мен ўз чиройимни маликалар худди ғариб-мискинларга тилла улашгани сингари бошқаларга улаша-вераман. Черкасинг зеркиб қолса, эркалайман; калавасининг учини йўқотиб қўйган бирон мишиқи мужик ичкиликка берилса, унйям ҳусним билан ром этаман...

— Маст бўп қолсан.

— Менга шундай эр-керакки, токи у мени бир қадаҳ лиммолим майдек ютсин, бошқа бировга ҳатто бирон қатра қолдирмасин, бутунлай симирсин. Шундай лочин бор. Гарчи у бошқа ёққа парвоз қилган эса-да, кўнглим сезиб турибди, у менинг уямга қайтади... Истамаса, буюраман!

— Анфиса! Бу гапларни сен кимга айтяпсан?

— Сенга, Петенька, сенга...

Петр Данилич жаҳл билан сапчиб ўрнидан турди, бир тепиб табуреткани учириб юборди-да, Анфисага ташланди.

— Одамманми сенга ёки тўнками? Ўлдираман!— У нафаси бўғилиб хириллар, жуда даҳшатли эди.

Анфиса лип этиб ўзини четга олди, совуқ жилмайди, бармоғи билан лўписа қилди.

— Ханжарча эсингдами, Петя? Ушанда тирик қолганингга худога шукур қил. Хитой табибига раҳмат. Ўткир заҳар, жичча тиксам тил тортмай ўласан. Мана ўша ханжарча.— Унинг қўлида эгри ханжар ялтираб кўринди.

... Пристав кашишнинг олдидан сувга тушган мушукдек шалвираб чиқди. Қоронғи кўчада гандираклаганча, анча вақт тимирскиланиб юрди. Унинг оёғи тагида юзларча йўл тебраниб, осмонга сапчир, алпон-талпон қадам ташлар эди. Энг четдаги йўл туйқусдан бир чақирим тик кўтарилдию, кимдир қарс этиб манглайинга туширди. Манглайи музлаб қолгандай бўлди, қаттиқ оғриди.

— Э, бўталоғим!.. Бу ёқларда сандироқлаб юрган экансанда?— унинг тепасида аллаким шундай деб қичқирди.

«Хотиним»,— деб ўйлади пристав.

...Энди ҳазрат Ипатнинг ёнига Иброҳим кирди. Сўйилган ғозни қўлтиқлаб олган черкас иконалар қўйилган катта шамчироқ ёниб турган кенг тахмонга қараб чўқинди. Ҳазрат Ипат бошини столга қўйганча, ўтирган кўйи ухлаб қолган эди.

— Кха!— йўталди черкас. Ҳазрат Ипат тамшаниб, хуррак ота бошлади. Черкас қаттиқроқ йўталди. Кашиш хуррак отишда давом этди. Черкас қичқирди:

— Ҳей!— сўнг депсинди.

Ҳазрат Ипат кирланган бошини кўтарди, оғзини очди. Иброҳим яна жон-жаҳди билан чўқинди ва ғозни узатди:

— Гап бундай, тақсир, кашиш ота, ма. Имонимни гаровга қўймоқчиман. Варварани олмоқчиман.

— Ажралиш?!— кашиш курси-пурси билан иргншлаб тушди.— Ажралиш?! Жин урсин, минг лаънат!.. Жонимга тегиб кетди ажралиш...

— Табаррук сувдан соч, муқаддас дин ҳаққи... Чўқинтир, Муҳаммад умматиман. Мусулмон.

Ҳазрат Ипат ғозни бошидан чангаллаб ушлади-да, уни ликиллашиб черкасни қувди:

— Жўна-жўна! Кечаси ажралишга бало борми? Шайтон вас-васаси. Архиерейга айтиб бераман.

— Эшаксан, тақсир, бошқа нарсамас!— деб қичқирди черкас баланд зинадан тушаётиб.

Маст ҳазрат Ипат ғозни итга ўхшаб искади-да:

— Азбаройи шифо,— деди ва бурчакка улоқтириб, ухлагани унинг ёнига бориб ётди.

Осмону фалакда ҳилол тик осилиб турарди. У ҳаммаёқдан аниқ кўринарди. Нина билан Прохор ҳам Урал тоғлари орасига кириб боришаркан, ҳилолга суқланиб боқишарди. Тунги сукунатда поезд гилдираклари тарақлар: паровоз ҳар қичқирганда тоғда акс садо узоқ-узоқларга таралар эди. Поезд елдек учиб бораркан, телба-кезик сингарни қоп-қоронги жарлар устида, қоялар ёнида осилиб қолгандек туюларди, ҳозир паства қулайдигандек кўринар эди. Нина ўтақаси ёрилиб, ўзини вагонга урди. Прохор ойга ялт этиб қаради: «Қишлоғимда, Медведовода нима гаплар?»

Бу лайт Медведовода приставнинг хотини унинг башарасига шапалоқ билан урар, Шапошников эса гўзал Анфисани туш кўрар эди.

7

Нина билан Прохор орасидаги араз Уралга стишгачгина барҳам топди. Прохор озиб кетган, хомуш эди. Яков Назарич

хар хил гумонларга бориб, роса бош қотирди, Нинадан суриш-тирди, бироқ қизи лом-мим демасди.

«Ҳа, ҳа», деб мулоҳаза юритди Яков Назарич ва Екатеринбургда буфетда кириб шунақанги кўп ичдики, вагонга ўз оёғи билан юриб келолмади, кўтариб олиб келишди.

— Буёққа қаранг, Прохор, тезроқ қарасангиз-чи, устун: Осие — Европа, — деди Нина тўлқинланиб. — Биз энди Европадамиз, шу вадан маданиятсизликка чек қўямиз, европалик бўлинг. Қани, яраш-яраш! Қўлимни ўпинг!

— Инночка! — деб қичқириб юборди Прохор. — Қанчалик хурсандман!

Улар майдончада туришарди. Вагонлар: «Ажаб бўлди, ажаб бўлди, ажаб бўлди», дегандек тарақларди.

— Мен ўшанда ҳазиллашувдим, Инночка...

— Ҳазил? — деди Нина лабини қимтиб. — Нега бўйнимни тишладингиз? Мана, — шундай деб у кофтасининг баланд ёқасини қайирди. — Нима, отмисиз? Ҳозиргача ачишади.

Прохор болаларча кулди. Нишабликка тармашаётган филдираклар «Тоғ, тоғ, тоғ», дегандек бўларди. Яков Назарич эрталаб уйғонгач, ёшларга кўз ташладию, ҳамма нарсага тундунди.

— Ҳей, кондуктор! — деб қичқирди у. — Ҳозир қанақа бекат?

— Нижний Тагил. Бу ерда катта заводлар бор, бамисоли шаҳарча.

— У, қандингни ур! Бир сўлкавойни олгину юкни деразадан ташла. Ҳей, болалар, чиқинглар — ҳордиқ!

— Нега? Нима? Қанақасига? — Нина эътироз билдирди. Прохор хурсанд бўлди. Завод бўладию тўхтамай ўтиб кетишадими? Рост.

— Заводга тупураман! — деди Яков Назарич кўзларини уқалаб. Муҳими шуки, калламга сизлар билан бир кўнгил очиш фикри келди. Эҳ, болажонларим, болажонларим!..

Улар шаҳарчадаги яккаю ягона расво мусофирхонага тушишди. Чол тушликка шампань виноси билан овқат буюрди ва ёруғ дунёда яшаш ва юрган йўлингда турли-туман заводларни, бағоят кўркам Урал тоғини учратиш қанчалик соз, буёқда икки ёш қалб эгасининг, яъни йигит билан ўқиган қизнинг ҳамнафаслиги нур устига аъло нур, деб қадаҳ кўтарди. Дафъатан Яков Назарич йиғлади, кулди, «ура!» — деб қичқирди. Нина билан Прохорни ўпди, уларга ҳам ўпишншни буюрди, ота-она олдида бунинг ҳечқиси йўқ, пана-пастқам жойларда ўпишиш гуноҳ, деди. Сўнг шилқ этиб ўрнига ўтирдию шу заҳоти донг қотиб ухлаб қолди.

Кун иссиқ, дим эди, аммо Прохор билан Нина завод атрофида фидойиларча айланиб юришарди. Яков Назарич эса тонг

саҳардан совуқ кўкат шўрва ва муз солинган окрошка ичар, ёриладан даражасига келган эди.

Прохор ҳовлиқма ишбилармонлиги билан Нинани безор қила бошлади. У заводнинг барча цехларини муфассал кўздан кечиришга маъмуриятдан рухсатнома олган ва чамаси, шу кунлар ичида анча-мунча нарсага ақли етиб қолган эди.

Чакка соқоллари оқариб-кетган, қирилган бошига тақя кийган старший инженер уни сўроққа тутди:

— Сизни нима учун заводлар бунча қизиқтиради?

— Мен сизнинг музейингизда бўлдим,— деди Прохор унинг кўзларига тик қараб,— ва Буюк Петрнинг Демидов номи битилган мисдан қуйилган ташаккур ёрлигини кўрдим. Уша Демидов бу ишни шу ерда бошлаган экан. Уйлайманки, кўп ўтмай шундай ёрлиққа сазовор бўламан. Мен — сибирликман, кўп бўлмасам-да, ҳар қалай, сармоям бор. Бироқ бу бир урвоқ, холос, мен пул топишнинг йўлини биламан.

Инженер чайқалиб кетди ва кўзойнагини тузатди.

— Мени тагин қалбаки пул ясовчи деб ўйламанг,— деб уни хотиржам қилди Прохор шоша-пиша,— йўқ мен серғайрат, каллали одамман. Мен ўзимизда саноатни тикламоқчиман.

Инженер рўпарасида турган, қорамағиз, мардонавор чеҳрали барваста паҳлавонга қизиқсиниб разм солди, у бельгиялик эди, лўнда, аниқ иборани яхши кўрарди. Шу боис сўради:

— Тикламоқчиман? Бундан чиқди, уёқда саноат бўлган экан-да!

— Йўқ,— деди Прохор,— тиклаш эмас, нима дейиларди!.. Ҳалиги... бунёд этиш!! Сизни ўз қўлимда, Саркаш дарёда кўришни жуда истар эдим. Ижозат этинг, исми шарифингизни ёзиб олай.

— Альберт Петрович Мартенс,— деди жилмайиб инженер,— лекин ўтинаман сиздан, мендан инженерларни ва умуман, одамларни айнитиб олиб кетманг. Хайр.

Прохор инженернинг сўнгги гапини ўзича бошқа нарсага йўйди.

— Мендан қўрқиб кетди, Ниночка. Бундан чиқди, менинг қадди-бастимда бир нима бор экан-да, а Ниночка?

Қиз охири, ундан орқада қолди, ахир у вишкаларга, домна печларига тирмашиб чиқиб юрмайди-ку, қайтанга ишчиларнинг турмуши билан танишгани, улар яшайдиган бир нечта уйларга кириб чиққани маъқул эмасми? Бу очилган кон шекилли? Ҳа, шундай. Тупроғи нега қизил; лойми, нима бало? Ҳа, сирасини айтганда, бу емирилган диорит, таги қўнғир темир тош, чуқурроқ қатламларда магнитга айланиб кетади.

— Диорит дегани нима?

Бу ерда Нина унга узундан-узоқ тушунтириб ўтирмайди-ку,— унинг ўзи ўқиб-ўрганиши даркор: тоғ ишлари билан қи-

зиқса, геологияни, петрографияни¹, умуман, бошқа фанларни ёд олсин... Ҳа, ҳа, Прохор шундай қилади. Лекин бу Нина бунча ўқинишли-а, ҳатто одам ўнғайсизланади. «Эҳ, билимдон!»— деб ўйлади Прохор алам қилиб ва юраги эзилди. Яна кўз ўнгида Анфисанинг сиймоси лоп этиб намоён бўлди. Дилкаш, содда, жозибатор қиёфа бирпасда қайноқ завод ҳаёти ичра, югур-югурда ғойиб бўлди.

Прохор Сименс печларини, қадимги гидравлик ёғоч болғани, прокат машиналарини, турбиналарни кўздан кечирди, аввалига буларнинг ҳаммасини қоғозга туширмоқчи бўлди-ю, бироқ бу иш қўлидан келмаслигига иқрор бўлди. Бироқ дафтарчалари қайдлар, хомаки чизмалар, эскизлар ёки: «*Даставвал буни ўзимда жорий қилишим керак*», дегандек лўнда жумлалар билан тўлиб кетди. У бир неча мастернинг ва ишчиларнинг исми шарифларини ёзиб олди: ҳадемай уларни ишга чақиради. Бу ерда қанча олишади? Арзимаиди, у буларга анча кўп ҳақ тўлайди, яхши боқади, уларнинг тураржойлари иссиқ ёруғ бўлади. Начора, улар дўненинг чеккасига бўлса ҳам бажонидил боришади, бу ерда ҳаётлари баайни дўзах. «Қачон чақирасиз тўрам?». «Яқинда».

У ишчиларни жуссасига ва овозига қараб танлади; барваста, овози йўғон кишилар орасида йирик гавдаси ва гумбурлаган овози билан отнинг қашқасидек танилган темирчи Ферапонт ҳам бор эди. У «чийилдоқларни» ёқтирмас, уларга ишонмасди, бу одат бутун умри бўйи унда сақланиб қолганди.

Эртасига заводда, Саркаш дарёдан бой заводчими, фабрикантми келганмиш, ер тағида илон қимирласа билармиш, илмини сув қилиб ичганмиш, ишчиларни танлаяпганмиш, пулнинг бетига қарамасмиш, деган миш-миш тарқалди. Яна бир этак гап... Ёнида хотиними-ей бормиш, у бамисоли фаришта эмиш, чолдеворма-чолдевор юриб одамларга тасалли берганмиш. Маруха Қолченоговага кўз очиб юмгунча доктор олиб келганмиш, бировга чит, бировга нон улашганмиш. Ҳаммаёқ ифлос; ахир сиз одамсиз, худо буюргандек инсоф-диёнат билан яшанг, сизлар бўлсангиз, ичасиз, хотинингизни урасиз, деганмиш, Иван Плетневнинг оила аъзоларига пойабзал келтириб берганмиш, ҳамма йиғлабди, унинг ўзи ҳам кўзёш қилибди. Фаришта!..

Кечқурун мусофирхона олдида ишчилар тирбанд. Паспортларини олиб келишган: барака топинг, тўрам, меъни ёзинг. Ҳатто ишженер ҳам келди. У ишчиларга дарҳол тарқалишни амр этди ва зингиллаб зинапоядан чиқди. Урта бўй, ғулабир, йиғирма икки ёшларга борган бўлишига қарамай сочига оқ оралаган ишженер қорамағиздан келган, истараси иссиқ, соқоли тоза қирилган, кўзлари мўғулларникидек қора, пешонаси кенг эди. Қадди-бастаи ҳарбийларникидек расо ишженер пошналарини тақиллатиб Нинани қўлидан ўпди:

¹ Петрография — геологиянинг тоғ жинслари — минераллар ва тошларни ўрганадиган бўлими. (Тарж.)

— Инженер Протасов!— тилини чучук қилиб гапирганидан овози ширали чиқди.

У булар билан амалий нуқтаи назардан танишгани келган эди. Ахир у ёш, билимдон, серғайрат, янги йирик ишга қўл ургиси келади, бу ерда ҳамма дов-дастгоҳ кўҳна алмисоқдан қолган, устига-устак, заводда узоқ қолиб кетмаслиги пешонасига ёзилган, ижод қилиши учун имконият йўқ, фикрлари карахт, боши билан қоғозга, фармойишларга, икир-чикирларга шўнғиб кетган.

— Биз, Андрей Андреевич, оддий, лекин садоқатли одамлармиз... Бухўр тутатамиз,— деди Яков Назарич Прохорга кўз қиқиб. У Прохорнинг хатти-ҳаракатига худди томошага қарагандек хушвақт қараб турди-да, бирдан ўзини актёрдек ҳис қилди.— Қани, қизим, шампань келтир!

Алламаҳалгача ўтиришди. Андрей Андреевич ишчилар ҳаётини билиши, ҳур фикрлаши, умуман, ақл-фаросати билан Нинани лол қолдирар, тилини чучук қилиб гапириши ҳам унга ёқимли туюлар эди. Прохор ҷамадонидан ўз ер-мулкидан олиб келган жинсларни чиқарди. Инженер Протасов уларни диққат билан кўздан кечирди. Бу мис қолчедани, мана буниси чамамада дурагай-лазарит, манави эса, о-ҳо!— қаҳрабо! Буниси олтин зарралари аралашган қум. Ҳажми бўйича қанчадан миқдорда? Таркибининг проценти: Прохор билмайди. Афсус, Ҳар қалай бу — бойлик. А-ҳа, ёмон! Қойилмақом. Ўҳ-ҳў, Прохор Петровичда намуналар сон-саноксиз экан!..

— Мен уларни текшириб кўраман,— деди инженер.— Минералог ўз кўзларига ишонмаслиги керак. Микроскоп, ўлчов асбоби, ҳовонча, реактивлар керак. Бу маълум нарса.

Не ажабки, у келиб кетгач, интилишлари ҳар хил бўлган ёшлар ҳам, Яков Назарич ҳам уларни бир мақсад бирлаштирганини сезишди. Бу иш инженер Протасовнинг шарофати билан юз бердики, оқибатда ҳам ўзларига, ҳам унга, ҳам ишларининг бароридан келишига ишонч ҳосил қилдилар. Прохорнинг урилишлари энди Яков Назаричга, у орқали Нинага анча-мунча бамаъни кўриниб қолди.

— Бу одам баркамол экан, шундоқ кўриниб турибди,— деди Яков Назарич.

— Менимча, унчалик эмас,— деди Прохор бош силкиб пешонасига тушган қора бир тутам сочини орқага ташлаганча.— Овози йўғон эмас экан...

— Ажойиб, ажойиб киши!— деб унинг сўзини бўлди Нина.

Эрталаб Прохор Яков Назарич билан пўлат эритиш заводига кетишди. Дўзна ўзининг ясси оғзидан луд ва олов гурқади. Қуюқ оч сариқ тутун булути завод устини қоплаган эди. Мўъжаз «кукушка» деган паровозча эса шўх хунтак қилиб тор издан кичкина вагонеткаларни тўртиб борарди. Жоме ёнида, Де-

мидовга ўрнатилган ҳайкал олдидаги майдончада, балчиқда чўчқалар ёнбоши билан ағанаб ётар ва ҳуриллар эди. Бошлари латга билан танғилган икки нафар чўп-устиҳон ишчи касалхона томонга ўтди. Ҳовуз ортидаги уйчалар, осмон, майдон ҳаммаси чанг сингари сурранг, бир хил.

Улар шиша томли баланд бинога киришди. Йигирматача ишчи белкураклар билан ингичка жўяклар кавлашмоқда эди. Бу жилга сингари жўяклар домна печлари олдида бошланиб, кейин тармоқ отиб кетарди. Бундан эриган чўян оқади. Андрей Андреевич слюда кўзчадан печнинг алангали қорнига қаради, мастер билан маслаҳатлашди ва ишчиларга буюрди:

— Фартуқларни олинглар!

Ҳамма чарм фартуқ тутди, қўлқоп кийди ва катта кўк кўз-ойнак тақди.

— Бошланг!

Темир косовлар ишга тушди-ю — домнадан оқ оловсимон пўлат отилиб чиқди: у жўякдан оқиб бораркан, лов-лов ёнар, учқунлар сочар эди.

Ҳаво бирпасда қизиб кетди. Ишчилар ўзларини кўзни олувчи оқимга уришар, жўякдан оқиб бораётган чўян йўлига чапдастлик билан белкуракларни санчишар, ўзларини четга отишар, ҳалоқатли чўян оқими эса керакли томонга бошқа жўяклардан оқа бошлар эди. Ҳаво ўт селини пуркарди. Ишчиларнинг соқоллари сачраган учқунлардан читирларди. Тер шариллаб қўйиларди. Олов жўяклар кўзни қамаштириб нишабликка бурила бошлади. Домна оғзидан ўтли лава сочарди, ишчилар эчкидек ирғишлашар, ҳаво эса, дўзахдек қизиб кетган, бир зумдан кейин ҳамма нарса барҳам топадигандек эди.

Яков Назарич пальтосини бошига тортди-да:

— Прохор, қоч, куйиб кул бўласан! — деб қичқирганча урра қочди.

Орадан пича вақт ўтиб чўянга қўлбола лейкалардан сув сочишгач, Прохор Протасов билан чиқиб келди.

— Ҳа, бу иш жуда машаққатли, — деди инженер Протасов. — Бироқ қарайдиган жойга борамиз. Тунука қиладиган ажойиб прокат машиналари бор. Бизда энг яхши нави, листакўмир ишлатилади. Бизнинг тунукалар бўёқсиз ҳам зангламасдан юз йил туради. Юринглар!

— Э, ўзингиз бораверинг, — деб қўл силтади Яков Назарич. — Шундоғам кўздан ажрашимга озгина қолди. Мен яхшиис бориб пиво ичман.

У шу алфозда ҳатто заводнинг кўк кўзойнагини ҳам ечмай гандираклаб, гудранганча уйига кетди.

Прохор инженер билан қўшни цехга кирди. Қизиган темирнинг ял-ял ёнган тасмалари липиллаб кўзга ташланарди, вал айланарди, ишчилар қисқичлар билан тасмаларни учларидан чаққон илиб олишар ва югурганча навбатдаги прокат машинага ўрнатишар эди. Олов тасмалар эса ҳавода сузиб ҳар йўналиш-

да, ҳар томонга ўи, йиғирма марта букиларди. Ҳей, ҳушёр бўл, илиб ол, илиб ол! Сўнг ҳамма нарса айланади, ҳаракатланади, тўлғанади, бўшлиқни олов билан тилимлайди. Прохор ишчиларни қизиқсиниб кузатарди: уларнинг ҳар бир қадами, қўлининг ҳар бир ҳаракати худди моҳир цирк гимнастикачилариники каби аниқ ҳисобга олинган.

Мана, омборлар, мана, бу сермашаққат меҳнатнинг самараси: темир, пўлат ва чўянинг турли навдаги юз минг пуд намунаси. Ерни босиб янчиб юбормагани таажжуб! Прохорда ҳам худди шундай бўлади. Йўқ, кўпроқ, яхшироқ, улканроқ бўлади.

— Тўп борми, сизларда?— деб сўради Прохор Протасовдан.

— Тўп? Нима кераги бор?

— Шундоқ... Тантана учун. Менда бўлади! Мен яхши кўраман.

Протасов кулиб қўйди.

Эртасига эрталаб саёҳатчилар йўлга тушишлари керак эди. Бироқ Прохор албатта платина конларида бўлмоғи шарт, ахир бу ердан олис эмас. Қолаверса, у истаганча нарса ўрганолмади.

— Йўқ, шоввоз,— деб эътироз билдирди Яков Назарич.— Бу аҳволда сен билан ярмаркага рождество олдидан етиб бориш мушкул.

Яхши. Унда у конларга ярмаркадан кейин келади ва бир-икки ой туради.

— Биз сиз билан, Прохор Петрович, вақти келиб, Бельгияга, Аргентинага, Трансваалга борамиз,— деди Протасов хайрлашаётиб.

8

Кама энсиз бўлса ҳам сувга сероб, тик қирғоқлари қияла-масига жингала дарахтлар билан қопланган, унда яна қишлоқлар, ялангликлар, қулф урган экинзорлар кўзга ташланади.

— Вуй, қандай ажойиб черковча! Прохор! Прохор!— деб кўрсатди Нина дурбин билан.— Новгород услуби. Ун бешинчи, ўн олтинчи аср.

Прохор расмлар, схемалар, қайдлар туширилган ён дафтари устига мук тушганча штурвал рубкаси ёнида ўтирарди. Янги-янги таассуротлардан унинг калласи шишиб кетган, кўнгли эса Уралда, тарақ-туруқ машиналар ёнида эди.

— Ҳа, ҳа, ажойиб черков... Менга ҳам ёқди,— хийла вақтча машғулотидан чалғиб ўксинди у ва илова қилди:— Бизнинг Сибирда яхшироқ.

Яков Назарич газетага тикилганча, оғзидан сўлаги оқиб, мункиб-мункиб кетаётган эди.

— Саккиз, тўққиз яри-и-им-им,— деган овоз келди пастдан.— Чуқур.

Қисқа ҳуштак овози эшитилди: ўлчашни бас қилинг, кема энди бемалол суза олади.

Богород қишлоғи ёнида Кама Волга билан туташади.

— Волга деганлари ҳали шуми!— деб пичинг қилди Прохор ва кўзларини сузиб ҳуштак чалди.

— Ҳа, Волга,— деб жавоб берди Нина.— Нима сизга ёқма-
дими?

— Сиз Саркаш дарёни кўрганингизда борми?

— Прохор! Тенглаштириб бўларканми ҳеч замонда? Қаранг, қандай гавжум бу ер. Бу чинакам улкан йўл. Қишлоқлар, шаҳарлар... Ана — элеватор. Сизнинг пастқам дарёнгизда нима бор!

Оқизоқ кемалар, баржалар, пароходлар, катерлар бот-бот кўрина бошлагач, Прохор фикрини ўзгартирди:

— Мана бунисига қойилман!— деб қичқириб юборди у.— Қаранг, бир, икки, уч. Ҳув, уёқда яна тутун кўриняпти. Дурбинингизни бериб турунг. О-ҳо, қандай баҳайбати келяпти!

— Боғларни, ҳавони айтмайсизми!— деди Нина завқланиб.

— Ҳа, ҳаво жуда ёқимли,— деди юмшоқ туфли, олифта панама кийган Яков Назарич улар ёнига шарпа чиқармай келиб,— Ҳей, маҳрам, иккита пиво! Хўш, болакайлар, яхшими?

Прохорнинг димоғи чоғ.

— Яков Назарич, шу ишларни Саркаш дарёда ҳам йўлга қўйиш керак-ку.

— Сармойни қаердан оласан?— деб сўради савдогар кафтини пешонасига соябон қилиб.

— Отамдан оламан. Бошланишига...Ердаям, конлардаям хазина кўп. Қазиб оламан!

Савдогар ҳайрон бўлди, лекин меҳр билан унинг елкасига қокди.

Нина, Прохорда муҳаббат иштиёқи камлигидан маъюсланди: ўзи-ку, ҳали ёш, севадиган пайти, лекин ишбилармон чолдек ён дафтарини қўлидан қўймайди, аҳён-аҳёнда кулимсрайди, шу аснода хаёли қаёқларда эканлиги ёлғиз худонинг ўзига аён. Гўё ҳамма нарса тўғрисида гаплашиб бўлишган, муштарак фикрлари қолмай, муҳаббатлари тугаган, завол топган. Йўқ у ҳали чинакамига гунча очмаган севгиларининг бунчалик бесамар тўлишини истамайди. Хўш, Прохор нимаси билан уни ўзига жалб этади! Хўш, нима учун вақт ганиматида бунга чек қўймайди?

Прохор Нина тўғрисида қисқа ўйлайди: бир қошиқ сув билан ютиб юборгудек гўзал эмас, лекин чидаса бўлади, дуч келган қиз-жувон билан изтиробсиз, қаршиликсиз, бир ёқлама ва сийқа висол онлари меъдага тегди... Ҳатто Анфиса... Анфиса нима бўпти?.. Рост, Анфисадек жувон дунёда йўқ. Бироқ тақдирни боғлаш ўринлими? У Прохор Громов. Анфиса бўлса Анфиса! Номуносиб ва дашатли. Демак, Нина қолади. Прохор қўпол, бақувват, чинордек азамат, Нина эса, самбиттолдек но-зик. Бироқ ўжар, қаттиққўл. Нимаси жалб этади уни? Отасининг давлатими? Шундай бўлса, бу ишга чек қўйгани дуруст

эмасми? Йўқ, бутун вужуди билан Нинани кўмсайди, унинг ишқида ўртанади. Нина водийда, у тоғда, худди ёнбағирдан думалатилган тошдек, қиз томон шитоб билан интилади.

Тун салқин, осуда ва юлдузли. Худо нақадар саховатли! Уз хазинасидан қанчадан-қанча олтин зарраларини осмонга сочган. Эй, тилла Сомон йўли, қаёққа элтасан? Ҳалқанг ортида нима бор, ҳеч нарса борми ўзи? Мана, Нина кўзларини осмону фалакка тикиб сенинг олтин йўлларингдан фаришталарни изламоқда. Бироқ, унинг кўзлари ожиз, қаршисига ҳам, юксакка ҳам тикилиб, бир қулоч жойни кўради, холос. Бахтсиз кўзлар, шўрлик одам! Кўзлари ёшга тўла бўлса-да, аммо хаёллари масрур. Ҳа, фаришталар бор! Мана улар шу ерда, унинг ёнида, хаёлларида. Улар орасида албатта Прохор ҳам бор!

Прохор ҳам осмондаги тилла зарраларга қарайди. Бироқ унинг нигоҳида тама ва ҳарислик зоҳир. Унга фаришталар керак эмас. Қўлидан келса, қароқчи сингари бутун осмонни ўғирласаю барча юлдузларни киссасига урса. Ана ёмбилар, битта, иккита, бир йўла еттита ярқироқ ёмби. Етти Оғани чироқлари... О, марҳаматли худо! Қани энди битта олтин юлдуз ерга тушса...

— Етти оғани ва гулларнинг кичикдан-кичик йўлдоши. Билмадим, сиз кўряписизми йўқми?— деди Нина.

— Сизнинг йўлдошингиз менман,— деди Прохор ва унинг пинжигга тикилиб у билан ёнма-ён скамейкага ўтирди. Нина салпал ўзини четга олди, бироқ унинг хаёлини қизиқиш ва кучсизгина иштиёқ банд этган.

— Нина...— дейди Прохор ва унинг қўлини қўлига олади.

Ердан гуллаб-яшнаётган боғ-роғларнинг муаттар бўйи димоққа уради. Симобий тун олтин учқунлар, ғилдиракларнинг тақир-туқури, пароход ортидаги югурик оқ-сариқ долғалар ҳукмида. Тингланг, пўлатга пайванд қилинган инсон закоси қандай хўрсиняпти, меҳнат қиляпти; у табиий кучни енгиб пароходни бошқариб бормоқда. Пароход шиддат билан ошиқиб олға интилади, у манзилига вақтида етиб бориши керак, манометр тилчаси хатарли силкинади. Корпус титрайди, оёқ тагида пол лопиллайди. Лекин ҳатто улкан харсангтош устида ўтирганларида ҳам барибир уларнинг тағларидаги тош лопиллаган бўларди. Нина унинг қўлини силайди ва алланарса деб шивирлайди. Симобий тунда оппоқ қиз, оёғида эса оқ туфли. Прохор лаби билан олтин медальонни суриб, унинг кўкрагидан ўпди, қиз йигитнинг бошини кўкрагига босиб чаккасидан бўса олди. Улар дамларини ютиб, узоқ вақт шу алфозда жимгина ўтиришди. Рубкадан вальсинг ўринсиз оҳанги эшитилар, у ерда чироқлар порлаб турар эди. Эҳ, қани энди чироқларни ўчириб, оҳангни йўқ қилишнинг иложи бўлса! Сукунат, кўм-кўк осмону юлдузлардан кўнгилли нарса бормикми?

— Ниночка!..

— Гапирма, барака топкур... Индама...

Улар яна ҳам маҳкамроқ бир-бирларининг пинжларига тикилишди. Ёмбиларга чулганган Сомон йўли оёқлари тагига пойандоз бўлди.

Эрталаб Нина отасининг каютасига кирди:

— Дадажон! Мен Прохор билан брудершафтга¹ ичмоқчиман. Майлими?

— Бу яна қанақа янгилик?.. Портвейнми, нима бало ичмоқчисан?!

— Йўқ дадажон, йўқ!— деб кулди у, бироқ шу чоғ каютага малла соқолли, қора кўз бир киши кириб келди.

— Э, Лука Лукич! Ниночка, Прохорни чақирвор. Хўш, ишлар қалай?

— Ҳаммаси жойида, Яков Назарич. Моллар бут, яхши етиб борди. Дўкон очилди. Мўйнанинг нархи баланд, олди-сотди яхши, мен бир кўнглим молларни сотмай турсаммикин дегандим, нархлар кўтариладиганга ўхшайди. Менимча, катта даромад қиламиз.

— Мана шунақа, Прохор Петрович,— деди Яков Назарич кашта тикилган жужун кўйлактаги Прохорга.— Бу Лука Лукич, менинг бош ваколатдорим. Иззатимни ўрнига қўяди, менга ҳурмат кўрсатиб, ўзининг хўжайини сифатида кутиб олгани Нижнийдан келди. Қаерда чиқиб ола қолдинг ёнимизга?!

— Исадида, қайиқдан.

— Хўш, ишлар қалай, Лука Лукич? Қани, яна бир бошдан гапириб берчи. Прохорга қизиқ. Бу Петр Данилич Громовнинг ўғли, катта коммерсант бўлади.

— Ҳа, кўриниб турибди,— деб маъқуллади ваколатдор ёш норғул йигитчага бошдан-оёқ разм солиб чиқиб: Сўнг савдо ишлари ҳақида яна батафсил сўзлаб берди.

Хўжайин кўнгли тўлиб, сиполик ва мамнуният билан соқолини сийпаб, сўради:

— Ҳужжатлар ёпингдами?

— Фактуралар, накладнойлар, счётлар идорада, Нижнийда, асосий дафтарнинг иккинчи нухасини олиб келдим.

— Қани, буёққа узат-чи... Ўтир, ўтирсанг-чи...

Ваколатдор ўтиришни хаёлигаям келтирмас, Прохор ҳам катак-катак рўмолча билан юз-кўзини артганча қаққайиб турар эди. Хўжайин тилла кўзойнагини дам пешонасига қўндириб, дам бурни устига тушириб, дафтарни узоқ вақт кўздан кечирди.

— Қанча олмахон тайёрладинглар?

— Саксон беш мингта.

— Қанча темир-терсак моллари харид қилингани қаёрда қайд этилган?

— Барака топинг, малол келмаса, Т ҳарфига қаранг...

¹ Дўстлик, қадрдонлик учун чўқштириб ичмоқ ва бир-бирларини сенсирай сошламоқ. (Тарж.)

Шу чоғ оқ кийинган, кўкрагига бўтакўз қадаган қорамағиз, қора соч Нина келиб қолди.

— Дадажон, юринг, нонуштага. Мен стерлядь буюрдим.

— Ҳозир, ҳозир... Менга қара, Прохор, ҳалиги сиз у билан қандай наливка ичмоқчи бўлдингиз? Нинка, қанақа эди?

— Брудершафт,— деди Нина оппоқ садафдек тишларини кўрсатиб жилмаяр экан.

— Эшитмаганман. Хорижникими, нима бало?

— Йўқ, ўзимизники,— деди Прохор жиддий.— Қўлда солинган.

— Ҳозир, ҳозир, Проша, телеграмма жўнатиш керак, сен чаққон қимирла... Ез, мен айтиб тураман.

9

Нижний Прохорни ҳайратга солмади, чунки оддий шаҳар эди. Бироқ ярмаркадаги тўполон ва ишчанлик уни мафтун этди. Нина Кремль минорасидаги тарих музейига, китоб магазинларига борди, Нижегород ўтмишига оид китоблар харид қилди ва уларни мутолаа қилишга киришди. Прохор эса ярмаркада зир югурар, магазинларга, омборларга кирар, ҳамма нарсанинг баҳосини сўрар, дафтарига нархларни, фирма адресларини ёзиб қўяр, даста-даста прејскурантларни йиғиб олган эди. Охири у нима харид қилишини билмай довдираб қолди. Ваҳоланки, тайгасида қилажак ишлари учун баъзи нарсаларни харид қилиши даркор эди. Ёнида йигирма беш минг пули бўлиб, яна Яков Назаричга эллик мингга мўйна топширган эди. У бой, ҳамма нарсани сотиб олиши керак. Лекин афсус-надоматлар бўлсинки, техникага унинг тиши ўтмайди, маслаҳатлашадиган одами ҳам йўқ.

Унинг биринчи қилган иши шу бўлдики, у ўзига кумуш тутқаси энгашиб турган қип-яланғоч мафтункор аёл қиёфасида ясалган таёқча сотиб олди, Нинага учи яшил тошдан ишланган қизил зонт харид қилди. У таёқчасини парвойи фалак силтаб, зонтни қўлтиғига қисганча хиёбондан кетаётиб тўсатдан ўйлаб қолди: «Ахир Нинага бу таёқча ёқармикин...» Скамейкага ўтирди, беҳаё тутқани синдириб олдида чўнтагига тикди, ҳассани буталар орасига иргитди. Кейин зонтни очди. «Расво, бацкана! Қизил... Шунақаям бемаъни нарса бўладими!» Шу заҳотиёқ уни бир татарга пуллади, дарвоқе бир тангадан туширатишира ўлиб-тирилиб савдолашди.

— Арзийдиган нарса олиш керак.

У трамвайга тушиб, асосий корпусга борди, ўзига Мозер олтин соати, Нинага марваридли ва қўш олмосли узук, Яков Назаричга ажойиб қушларнинг сурати туширилган хитойча сариқ халат олди. Сўнг харид қилган нарсаларини кўтариб уйига пиёда кетди.

Салқин тушди. Кечки пайт. Волгада қизил ва оқ сузғичлар ёнди. Соҳилнинг яшил ёнбағирларига шафақнинг майин жилоси кўнди. Кремлнинг оппоқ деворлари қирмизи тусга кирди, суртанг оқшомнинг ҳарир пардасида узоқлаша-узоқлаша, ярмарканинг ғала-ғовури тинди. Прохор бульвардан борарди.

— Яхши йигит, ижозат этинг, тутатиб олай,— шундай деб скамейкадан турди-да, унинг олдига оқ қўлак ва сербар қора шляпа кийган баланд бўйли оқ сариқдан келган аёл келди.

Прохор папиросидан кулни пуфлаб учирди-да, пошналарини бир-бирига уриб тақиллатди:

— Бемалол...

Аёлнинг қайсиям ери Анфисага ўхшаб кетар эди: қошлари, қади-қомати, сочлари, сезилар-сезилмас айри ияги, фақат кўзлари бошқача эди.

— Яхши йигит, биласизми, сиздан ўтиниб сўрайман,— деди аёл кўнгироқдек овозда, мовий кўзларини ярим юмганча жилмайиб.— Мени морожний билан меҳмон қилсангиз...

— Яхши қолинг,— Прохор фуражкасини кўтариб қўйди-да, гарчи қадамини секинлатса ҳамки, кибру ҳаво билан жўнаб кетди.

— Яхши йигит, тўхтанг!— орқасидан жарангдор овоз эшитилди.

Орқасига ўгирилган Прохор ёнига ҳашамдор аёл илдам келди.

— Сиз шундай аломатсизки! Сизни ўзим морожний билан меҳмон қиламан. Ўзим вино қуйиб бераман. Юринг, айш-ишрат қиламиз... Жоним!..— Аёл шартта унинг қўлтиғидан олди, локланган туфлилари будьварнинг қумида липиллади.

— Маъзур тутасиз, маъзур тутасиз... Ахир мен...— бўшгина қаршилиқ кўрсатди у. Кўк камзули тагидан оқ жужун қўлак ғарибона кўзга ташланарди, аммо унинг кўзлари чақнади.

— Жоним, мен сизни кўрганман... Сизни кўпдан севаман...

— Қаердаям кўрардингиз мени? Бўлиши мумкин эмас. Маъзур тутасиз! Менинг эрким ўзимда эмас... Қайлиғим бор.

— Қайлиғим бор? Оҳ, мунчаям яхши!— деди у овозини ўзгартириб, сўнг Прохорнинг кўзларига тикилиб мийиғида қиқирлаб кулди.— Сиз — менинг суянган тоғимсиз. Биласизми, сизни қаерда кўрганман? Сизни тушимда кўрганман. Ҳа, ҳа, ха... Жоним, суюқлим, суянган тоғим!— У шошилиб асабий гапира бошлади.— Ҳа, ҳа, ҳа.— Прохорни овози билан ром этиши, эҳтиросини кўзгатиши керак, йўқса, тихирлик қилиб, ҳали-замон кетиб қолиши мумкин.

— Сиз сибирлик савдогармисиз? Биламан! Ҳа, ҳа, ҳа... О, азизим жоним,— овози худди Анфисаникидек янгради.

— Йўқ, йўқ, ҳеч иложим йўқ, хоним... Ахир қайлиғим бор,— деди у борган сари ҳаяжонга тушиб.

— Сиз, марҳаматли жаноб, чамаси, мени фоҳиша гумон қил-

япсиз шекилли! Уят-е, уялинг! — аччиғи чиқиб гапирди аёл ерга боқиб

— Йўқ, асло, хоним! — деди Прохор. — Хаёлимгаям келгани йўқ бундай гап.

— Биласизми, мен кимман? Мен графия Замойскаяман. Ҳа, ҳа, ҳа... Лекин дамингизни чиқарманг, эрим рашкчи. Мен сизни ўз қасримга олиб кетаман. Айтгандек, йўқ, қасрим Краковда, у ерда мункиллаб қолган эрим яшайди. Бу ерда эса... шунчаки, оддий ҳужрам бор... Жоним, рози... ҳа, ҳа, ҳа?

Прохор хижолат чекди.

— Лекин тушунсангиз-чи, графиня хоним, — деди Прохор тоб ташлаб, — чиндан ҳам менинг қайлиғим бор бу ерда... бўлмаса-ку, бажонидил... Масалан, мана халат... Яков Назарич учун... — У тугунчани силкитдию шолғомдек қизариб кетди: ахир унинг қаршисида тунгуска эмас, графиня Замойскаянинг ўзи турибди... Оббо, оvsар-е, аҳмоқ!

— Халат? Яков Назаричга? Мунчаям яхши! — бошини силкитиб, хахолаб кулди.

Прохор унинг садафдек тишларига ва қирмизи лабларига қаради.

— Мен, графиня хоним, розиман, — деди у йўғон овозда ва мардонавор йўталиб қўйди.

— Шўх экансиз, бирам шўх! — деб қилпанглади ипакдек эшилиб графиня. Прохор ҳам қилпанглади, ийиб кетди: «Осмон узилиб ерга тушармиди, — деди у ичида чўрт кесиб: — Минг лаънат унга!» — Бу сўз графиняга қарата айтилганмиди, Нинагами ёхуд Анфисагами, Прохор учун барибир эди. «Минг лаънат унга».

Яков Назарич тун ярмидан оғса ҳамки, чўт қоқиб, дафтарга битиш билан овора эди. Ёнида Нина ўтирарди. «Прохорга нима бўлдийкин?» У кўк ва қизил қалам билан китобчаларга Нижегород ёдгорликларини қайд қилар, шаҳар ва ярмарканинг планини кўздан кечирар эди, мана ниҳоят кўзи жимирлаб кетди.

— Дада, мен энди ухлайман.

— Қаёқларда сандироқлаб юрибди экан, Прохор тушмагур?

Яков Назарич терлаб кетган, томоқ қирар, Москва қвасини ичар — ҳушёр, жиддий эди. Бир томчи ҳам ароқ ичмаганди. Эҳ, эси паст танбал, қаёқда юрибди?

Дераза ланг очик, пардалар аста ҳилпирайди, уларни Волгадан учиб келган шабада тебратади. Кўчалар қоронғи ва жимжит, аҳён-аҳёнда миршаб ҳуштагини чуриллатади, бир саёқ маст бақиради, мана улар ашула айтишиб, Прохорнинг овози эшитилгандек бўлади. Яков Назарич дарпарда тагидан қоронғилк қўйнига шўнғиди. Маст саёқлардан иккитаси томоғини гижирлатиб беўхшов қўшнқ айтади, учинчиси эса бўкириб увиллайди:

— Нима тўполон! Ичдингми, кетавер йўлингга!— пастдан амирона овоз эшитилди.

— Тавба қилдик, жаноб миршаб, отахон!.. Мишка айбдор ҳаммасига... Мишка, овозингни ўчир, лаънати! Йўқса, асфаласо-Филинга...

Мишка ўчакишгандек баттар увиллади:

— Валақлаш-ди-и-ю...

Миршаб жон-жаҳди билан ҳуштагини чуриллатди, маст саёқларнинг тапир-тупир қилганлари эшитилди ва узоқда тинди. Яков Назарич деразани ёпди.

— Йўқ, у эмас.

Бошқа дераза ёнидан кўйлакчан, яланг оёқ Нина ўзини парда орқасига урди.

Проход оппоқ тонг отиб, кун ёйилганда икки қўлини бурнига тикқанча қуп-қуруқ қайтиб келди. Бир тутам сочи тиришган пешонасига тушган, кўзлари ва лабларидан жило йўқолган, улар бежо, сўниқ эди.

— Э, Прошенька... Қаёқларда юрибсан, тойчоқ?— деб хушмуомалалик билан кесатди Яков Назарич ювинаётиб. У шаҳодат бармоғини лаби билан ҳўллади-да, столда турган туздонга тикди ва шундоғам оппоқ тишларини туз билан арта бошлади.

— Шундоқ, биласизми, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа...— деб гап бошлади Проход шалвираб,— кеча мактабдош ўртоғимни учратиб қолдим...

— Хўш, хўш, хўш...— деб унга кўз қисди. Яков Назарич бармоғи билан тишини ишқалаб.— Ўртоғимни дегин, Ҳе-ҳе-ҳе...

— Хуллас, у мени уйига чақирди, кечликни бирга қилдик,— деди базўр Проход ва қизариб кетди.— Бир маҳал ёмғир ёғиб қолса бўладими. Чор-ночор ётиб қолдим.

— Ёмғир?!— бараварига сўрашди ота-бола хахолаб кулиб, айни чоғда кайфлари бузилиб.— Сизларда ёққандир ёмғир, бизнинг губернияда ёққани йўқ... Хўш, хўш, хўш....

«Қанчалик аблаҳман-а, қанчалик олчоқман! Нега алдаяпман!»— Проход стулга чўкаётиб, ўзи ҳақда жирканч билан ўйлади.

Парда ортидан Нина чиқди. Яков Назарич оғзини чаймоқда, соқолини баландга кўтариб фарғара қилмоқда.

— Ниночка,— Проход унинг олдига бориб, бошини эгди.— Салом, Ниночка!— Сўнг шивирлади:— Олчоқ... Мен олчоқман!..

— Салом, Проход,— деди Нина катта-катта кулранг кўзларини унга савол назари билан тикиб.— Қим экан у ўртоғинг? Мен билан таништир...— отасидан пинҳон тутиб сўради:— Нима гап?

Бироқ Яков Назарич чўқиниб қўйиб, дастурхонга ўтирди. Самовар аллақачоноқ стол устида шарақлаб қайнаб ётарди. Чурқ этмай чой ичишди.

— Бор, Нина, телеграммани ташлаб кел, тезроқ... Мана,— деди отаси.

Нина кетгач, Прохор безовталаниб, ташвишга тушиб қолди.

— Яков Назарич,— чолнинг катта бурнига қаради, кўзини четга олди, яна қаради.— Трамвайда йнгирма беш минг сўм пулимни ўмариб кетишди.

— Ажаб бўпти,— деди Яков Назарич ва рўмолчасига бурнини қаттиқ қоқди.

— Менга қарз бериб турсангиз.

— Қанча?

— Кўп эмас... Беш минг...

Яков Назарич яна бурнини қоқди ва қулочкашлаб рўмолчаси билан столга қўнган арини урди. Кейин ҳамённи олди-да, Прохорнинг олдига битта юзталиқни ташлади.

— Майна қиляпсизми, Яков Назарич?— деди Прохор жаҳли чиқиб, қошларини керганича.— Ахир мол ўтказиб қўйганман сизга... Узимникни сўрапман...

— Ютганинг ўзингники, оғзингдагиси гумон, ҳали қачон сотамизу,— деди чол ва пуфакдек шишиб ўрнидан турди.

— Демак, сиз Прохор Громовга ишонмас экансиз-да?— деб ўрнидан қўзғалди саросимага тушиб баҳайбат Прохор ҳам.

— Прохор Громовга биз ишонамиз,— деди Яков Назарич пинагини бузмай,— Прошкага эса ишонмаймиз. Сен итваччани иштонингни ечиб, юмшоқ жойингга боплаб уриш керак; мана бундоқ, мана бундоқ, мана бундоқ!..— Унинг фақат юзи ял-ял ёнар, жилмаяр, кўзлари эса қаҳрли эди,— у ўнг қўлини силкитар, айлантирарди.— Мана бундоқ, мана бундоқ!— дер эди у тупук сачратиб. Кейин шляпасини юлқиб олдию ёлғиз жилеткада чиқиб кетди, бироқ шу заҳоти қайтиб келди ва пиджагини олди. Уни йўл-йўлақай кияр экан, жаҳлдан пишқирарди.

— Вой шайтон-е!— деди Прохор ва трюмонинг олдига келди. Ойнадан унга заҳил рангпар юз, киртайган бежо кўзлар қараб турарди. Боши тарс ёрилгудек оғрир, кўнгли айнир, оёқлари қалтирар эди. Унга, ана, мўътабар хоним, ҳашамдор таноз, графиня Замойская қандай оғу берди экан? Ол-а! Графиня Замойская эмиш! У мочағарни бадбўй кўлмакка ташлаб чўктириб юбориш керак. «Ниночка, Ниночка, қанчалар ифлос, қаллобман-а!» У диванга ётди, ҳарчанд урнимасин, ҳеч балони эслолмани. Қирмизи апельсинлар, электрлампочкалар, гуллар чириллаб айланар, ҳамма нарса кўз олдида дик-дик сакрарди, эсида, еди-ичди, рақсга тушди, башаралар, елкалар, ёнбошлар лиқиллади, кимдир кучи борича роялнинг клавишларини даранглатди, балки унинг бошига туширгандир, ҳаммаёқни сурон, тақир-туқур, гумбур-гумбур босиб кетди! Гоҳ тинади, гоҳ зўрайди, ҳамма нарсани туман қоплади; туман, булут орасида — у,

офатижон дилни қитиқлайди, булутдек еп-енгил: жоним, жоним!— дейди, мана, булут устига миниб, қаёққадир сузиб кетишяпти. Хона, тўрлар, тўзғиган сочлар, сархуш этувчи атир ҳиди,— жоним, жоним, ич!— бир, икки қултум ютди, оҳ урди, чақмоқ чақдию жаҳаннам қаърига қулади.

— Ҳа,— деб ўзига-ўзи уқтирди Прохор,— бу ер сенга тайга эмас!

Кейин қаердаям бир пастқам ерда уни миршаб уйғотди, сўнг эрталабки ибодатга чақириб қўнғироқ чалишди, Прохор чўнтагини кавлаган эди: на соат, на пул қолганини билди, шипшийдам қилиб кетишган эди.

Кун бўйи у карахт ва ланж ҳолда Нина билан биргаликда санъат музейини, Кремлдаги Преображенский жомесини кўрди. Нина диққатга сазовор нарсалар тўғрисида унга батафсил изоҳ берди, ҳар бир кўҳна санам қаршисида, ҳар қайси мақбара рўнарасида ибодат қилди, рус диёрининг буюк ўғлони Минин қабри олдида эса тиз чўкди. Паришонхотирлик билан қўлини силтаб турган Прохор, Нина таъзим бажо қилаётиб кўз қирини ташлаганини кўриб, ихлос билан чўқинди ва таъзим қила бошлади. У Нинанинг олдида юзи шувутлигидан хижолат чекар, қиз эса жўрттага қилгандек унга азоб бериб, чурқ этиб оғиз очмас эди.

Улар ҳориб-толиб узум харид қилишди-да, ҳордиқ чиқаргани Гребешокка боришди. Волга ва Оканинг нарёғи, ярмарка, қишлоқлар, кўҳна монастирларнинг черковлари, ўрмонлар, далалар кафтдагидек яққол кўринарди. Қуёш бир маромда нур сепарди. Волга ва Ока бир маромда оқарди. Бироқ ҳамма нарса жонли, ҳаракатда, вақт измида, туғилади, ўлади.

— Нақадар саз ва қайғули!— деди Нина хўрсиниб.

— Нина...— деди Прохор шахдам ва унинг қўлини олиб, бўлиб ўтган шўриши гавғони ипидаи-игнасигача сўзлаб берди. Нина полон жилмайди.— Мендан нафратланасанми?— деб сўради у.

— Ҳечам.

— Нима учун?

— Чунки, сени севаман.

Прохорнинг лаблари титради: ортинқ лом-мим дейишга ҳоли келмади. У худди тавба-тазарру қилган гуноҳкор ҳожатбарор саамга қарагандек Нингага тикиларди.

— Мен фақат бир нарсадан хавотирдаман,— деди у ба-зўр.— Ишқилиб ўрганиб қолмасанг бўлгани бунга.

— О!— деб қичқириб юборди Прохор ва онт ичмоқчи бўлиб оғзини жуфтлаган эди, ёнгиналарида шўх овоз янгради: «Епирай, қандай бахтли учрашув!»— Шу заҳоти уларнинг рўнара-ларида ердан чиққандек Андрей Андреевич Протасов ҳозир бўлди.

У оқ формали китель кийган, кўкрагига олимпик белгиси

таққан, бошида оппоқ инженерлик фуражкеси; қўлида семиз портфели бор эди. У бу ерга тижорат ишлари билан уч-тўрт кунга келган эди. Учрашганларидан у беҳад хурсанд бўлди, Яков Назаричнинг соғлигини сўради. Сибирь пристанида бўлган-бўлмаганларини суриштирди. Бўлмадингларми? Унда балки бирга сайр қилармиз. Жуда соз. Кулибин қабрида ҳам бўлмадингизми?

— Ким ўзи Кулубин?— деб юборди Прохор.

— О, сиз бунга билмоғингиз шарт,— деди инженер.— Бу ўзича етишган зукко ихтирочи, табиатидаги жоҳил рус закийлигига бориб, бутун Европа мамлакатлари чиқитга чиқарган ва аллақачон унутиб юборган нарсалар устида бот-бот бош қотирган. У ҳатто арзирли нарсаларни: масалан, тухумнусха соатни ихтиро қилган, бу соатда Исо тирилади, мирносицлар пайдо бўлади. Фаришталар куйлайди. Бу соатдан кейин Екатерина Иккинчи уни ўз марҳаматига олади... Бўлмаса-чи! Питерга чақиртиради, жой, мукофот, нафақа тайинлайди. Ҳазрати олияларининг этаклари узун, ахир саройдаги ялоқхўрлар, хушомадгўйлар ва закийлар бўлмаса, уларни бошқа ким ҳам меҳру ихлос билан кўтариб юра олади...

— Тилингиз мунча заҳар!— деди Нина.

— Ҳеч-да! Менинг Кулубинни ёмонлиқ қилиш ниятим йўқ. У ажойиб арк кўприги ихтиро қилди. Ўз расчети бўйича. Ўйлайманки, бу расчёт учун русча таваккалчилик асос бўлган. Ҳо!.. Бизнинг бутун тақдиримиз мана шу ўзи етишиб чиққан рус закийларидадир: ё очиқ эшикка бостириб кирамиз, ёхуд бошимизни қояга урамиз. Шоирлар билан жарчилар шу заҳоти айюҳаннос солиб, закийларга ва рус халқига қасидалар ва ҳамду сано ўқийдилар: улўғ халқ, сара халқ! Чиранчиқ Европа назарида эса бизнинг маҳдипарастлигимиз¹ гўё беназир заковати-миз албатта — пўпанак ва беҳуда нарсадир!

Инженернинг ёниқ сўзларидан Прохор завқ-шавққа тўлиб, қизишиб кетди

— Анави тутунни кўряпсизми, Прохор Петрович? Ҳув ана... Биласизми, у нима? Бу Сормово заводлари. Икковимиз уларни бориб кўрмоғимиз керак... У ерда кема ва ер кавлайдиган машиналар ясашади.

— Кемалар?— деб хитоб қилди Прохор.— Бўпти, борамиз! Умуман, Андрей Андреевич, мен сиз билан бафуржа гаплашсам дегандим.

— Бош устига.

— Андрей Андреевич,— деди Нина унинг тийрак кўзларига меҳр билан тикилиб.— Сиз кўҳна иконалар ва ўтмиш ёдгорликларига қизиқасизми?

— Бўлмаса-чи. Мен агар билсангиз, ашаддий икона жин-

¹ Баъзи бир динлардаги Исо ёки маҳди осмондан тушиб инсониятни қутқаради деган эътиқод. (Тарж.)

нисман Ўйда, Уралда роса йиққанман, уларни: Фряжскийники дейсизми, Строгоновники дейсизми, ҳатто улар орасида Андрей Рублевнинг иконаси ҳам бор.

— Мунчаям бахтлисиз! — деди Нина хўрсиниб.

— Сиз уйланганмисиз? — деди Прохор хўмрайиб.

— Йўқ.

Нина билан Прохор ялт этиб бир-бирларига қарашди. Инженер дарҳол уларни тиңчитди:

— Уйланмайман ҳам.

10

Ярмарка охирлаб қолди. Яков Назарич ҳавойиларча соқолини ихчамгина қайчилатди, сочини олдирди, кулранг фасон кастюм, пальто, ҳаворанг галстук, қўлпайлоқ, бежирим таёқча сотиб олди. Бошдан-оёқ ўзгариб кетди, ёшарди. Қорини ичига тортиб, қаддини бир қадар ростлади. Қандайдир эгилиб, шох ташлаб, шўх бир оҳангни ҳуштакда чалиб, ярқироқ таёқчани ҳавода айлантирганча сайр қилиб юарди.

Прохор ишга шўнғиб кетган, ўлиб-тирилиб Андрей Андреевичга кўмаклашар, у эса Прохорга ёрдам берар эди. Бирга Сормово заводларига боришди. Прохор Протасовнинг маслаҳати билан ўзига чоғроқ, йигирма от кучига тенг кемача, иккита насос, буғ двигатели, мўъжаз тахта заводи учун қисмлар буюртирмоқчи бўлди. Дарвоқе, олтин конларининг дастлабки жиҳозларига инженер Протасов унга смета тузиб беради, чамаси, оз деганда ўттиз-қирқ минг сарф қилиши керак.

Яков Назарич ғиринг демай Прохорга эллик минг сўмга чек ёзиб берди ва елкасига қоқди: «Омадингни берсин!»

Прохор файтонларда юарди: зеро чўкичлар, мисранглар, кетмонлар харид қилиш зарур эди — у йигирмата жойда ҳар бир тийин устида қийишди — Прохор энг яхши нарсаларни арзон олишнинг пайдан эди. Бир жуфт чодир, йиғма каравотлар, ҳатто брезент қайиқ сотиб олди.

Нина қалбидаги иштнёқ ўтини сўндирилмасди: Андрей Андреевич санъат заршунбси эди. Ора-сира икковлон черковларга, шаҳар чеккасидаги монастирларга боришар, инженер унга йўлда икона чизиш ва рус меъморлиги ҳақида маълумот берар эди. Улар ҳатто Ярославлга боришга ҳам аҳдлашиб қўйган эдилар. Дилкаш, шинаванда одам Андрей Андреевич!

Прохор бошда бунга асло парво қилмади, бироқ кейинчалик аччиғи чиқди, охири белкурак, чўкич ва кетмонлардан қўлини ювиб қўлтиғига урди-да, Нинанинг ёнида бўлишга уринди.

— Агар сен Протасов билан Ярославлга борсанг, Нина, мен хафа бўламан.

— Нима учун?

— Хафа бўламан, вассалом,— Прохорнинг қоши чимирилади, овози қалтиради.

— Нина унақалардан эмас,— деди қиз тагдор қилиб ва бирдан уни ўпиб олди.

— Ниночка, бундан чиқди севаркансан-да.

— Нима деб ўйлагандинг! Ахир мен графиня Замойская эмасман-ку.

Кечга яқин Прохор яшиқлар, юқлар, белкурақлар уйиб ортилган аравада номерга қайтиб келарди. Азбаройи жой етишмаганидан оёқларини нақ аравакашнинг елкасига узатиб юборган эди.

— Унг-ро-о-оқ!..

Рўпарадан бежирим фйтон шитоб билан келарди. Файтонда шляпасини чаккасига қўндирган Яков Назарич ўтирарди. У шоввозларча сўл қўлини тиззасига тираб, ўнг қўли билан бир жононни кучоқлаб олган эди. Елкаси билан эса унинг кифтига беозоргина ўзини ташлаган, худди қайинга айиқ суянгандек туюлар эди. Яков Назарич жонондан зонтини олди-да, дарров уни пана қилиб, юзини яширди.

— Э-ҳў!— деди Прохор чўзиб.— Графиня Замойская бўлмасиң тагин!..— шундай деб хохолаб кулди.

— Оббо, тирранча-е, таниди шекилли,— деди минғирлаб Яков Назарич зонтини хонимга қайтариб бериб. Сўнг яна унинг пинжига тиқилди.

— Епирай, бунчаям дўмбоқсиз-а, хоним. Корсетингиз йўғу қовургангиз билинмайди-я. Улай агар.

Сибирликларнинг номери кенг-мўл, уч деразали эди. Парда-тўсиқ ортига Прохор жойлашганди. Уч киши суҳбатлашиб ўтиришарди. Андрей Андреевич хайрлашиш учун бирров кирган эди: эртага у Уралга жўнайди. Нинанинг қалби алғов-далғов, бунинг сабабини ўзи ҳам билмас эди: унинг ўй-фикрлари икки йўл оралигида қолган дарвиш мисол. Гоҳ бир ипни, гоҳ бошқасини тортади. Инженернинг қалбига туташган ип — олтин тор. Янғроқ, ингичка. Прохорнинг қалбига туташган ип — арқон.

Анави иккови эса гап билан овора. Нима ҳақда гаплашишяпти? Айрилиқ пайти маъюс, тантанавор сукут сақлаш ўрнига бу гапларнинг нима кераги бор?

— Хуллас, яна бир бор айтаман. Кемангиз баҳорга тайёр бўлади. Бўлак-бўлак ҳолда уни Сибирь ҳавзасига етказиб келасиз. Бу ерда йиғасиз-у тўғри Саркаш дарёга тушираверасиз. Хўп бўлмаса,— Андрей Андреевич фуражкасини олди-да, ўрнидан турган Нинага яқинлашди.

— Нина Яковлевна! Сиз менга шунчалик кўнгилли дамларни бахш этдингизки, мен... Ижозат этинг, қўлчангизни ўпиб қўяй...

— Яхши боринг, яхши боринг... Биз ҳаммамиз сизга жуда

ўрганиб қолган эдик, Андрей Андреевич... Сизсиз зерикамиз, қола қолинг!

— Бурч... ишлар,— шундай деб шартта Прохорга ўгирилди.— Сиз билан ҳали бирга ишлашамиз!

— Демак, масала ҳад. Менга келасиз.

Прохор уни кузатиб чиқди. Нина деразага ёпишди. Инженер Протасов оқариб бир кўрнидию қоронғиликда ғойиб бўлди. Қанча вақтга! Балки бир умрагидир.

Нина юмшоқ курсида, нимқоронғи бурчакда хомуш ўтирарди. Кийим-боши ҳам қора. У кўк кўзлари билан мижджа қоқмай зўр бериб истиқболга нигоҳ ташлар, бироқ унда ҳеч нима ни кўрмас, ҳеч нарсага тушунмас эди.

Прохор лайлак юриш қилиб бир девор олдидан иккинчисининг олдига шахдам бориб келар, соқолини бурар, гоҳ қовоғини уяр, гоҳ жилмаяр эди. У истиқболни очиқ-ойдин, аниқ-таниқ кўрарди. Ҳали қулоғи тагидан Протасовнинг сўзлари кетмаган, ишга чанқоқлик кучига куч қўшмоқда эди. Ишқилиб бошланишига кўпроқ пул бўлса бас, Прохор ҳаш-паш дегунча бутун округга довруқ таратади. Отаси кўп пул бериши даргумон: ўзи топади, ландавур эмас. Бироқ ҳар қалай, Анфисага мурувват қилади; а, йўқ, ҳечам-да, Анфиса Петровна, ўз араванғни ўзинг торт! Хомтама бўлма!

— Яков Назарич бунчаям ҳаяллаб қолди? Нима бўлдийкин?

Нина жавоб бермади. Балки унинг саволини эшитмагандир.

Прохорнинг шахдам қадами худди сандонга урилган босқондек Нинанинг тинч хаёлларини пароканда қилади: Андрей ва Прохор. Қайси бири маъқул? Албатта Прохор саркаш, бироқ у ройиш, меҳр-муҳаббат билан уни истаган кўйига солиши мумкин. Буидан ортиқ унга яна нима керак? Ахир у бугун эрталаб кўзёш тўкиб ибодат қилганида, биби Марьям сани ортидан: «Прохор» деган сўз ёзилган хат олгани бежиз эмас-ку.

— Ниночка,— қадам товуши юрагига урилди.— Ке, гаплашиб оламиз. Диванга ўтир.— Прохор унинг белидан қучди. Нина авайлабгина унинг қўлини четлатди ва нари сурилди.— Ниночка, азизим!— У энгашди ва ерга қараганча, бармоқларини жипслаштирди.— Сенга уйланишим ахир сир эмас-ку, а?

— Қайдам,— деди Нина парвойи фалак, кузакдаги шабададек совуққина.

Прохор унга юзини ўгирди.

— Ҳали шунақами? Нега энди? Ниночка?!

— Сен мени астойдил севмайсан. Ҳатто бутунлай севмасанг ҳам керак...

— Мен-а?!— Прохор қоматини ростлаб, кафтларини тиззасига тиради.— Мен астойдил севмайманми?

— Ҳа, сен,— деди Нина кўзларини ярим юмиб.— Қолаверса,— у кўкиш тусга кирган тунги дераза томонга юзини ўгирди.— Қолаверса... Сен анча-мунча хотин кўргансан: Таня, қан-

дайдир Анфиса ва... бу ердаги... аяни... Мениям бир жазманим бор эди... Балки мени бундай ҳолда олишни истамассан...

— Алдаяпсан?!— Прохор дик этиб ўрнидан турди, жирканиб тишларини иржайтирди ва муштини тугди.

Нинанинг мол-дунёси нима бўлади? Унинг улкан иш режалари пошна остида қолган суваракдек топталди-қўйди.

— Алдаяпсан! Алдаяпсан!— деб вишиллади у юрак-бағри эзилиб. У Нинани уришдан ёки ҳақорат қилишдан ўзини базўр тутиб қолди.— Ишонмайман... Алдаяпсан...

— Сираям алдаётганим йўқ. Бор ухла, ўйла, ибодат қил, эртага айтасан.

— Ибодат қил?.. Ҳа-ҳа! Сендақа художўйдан ўргилдиму! У депсинди ва «А-а!»— деб асабий қичқирганча кетма-кет муштини бир-бирига урди. Кейин рўмолчасини олди-да, уни силкитганча таҳдидли фарёд чекиб, букчайганча, елкасини чиқариб, ихчам тортиб, ғам-ғуссага ботиб ўз бўлмасига кетди.

Коридорда мастона ғала-говур эшитилди:

— Чаэк!.. Қаерда менинг номерим?.. Қаттиқроқ куйла! Байроқ кўта-ри-ил-лди-и-и, ярмар... Эй, Лукич, қўшил!..

Прохор юзига рўмолчани босганча қоронғиликда турарди. Нина титроқ қўллари билан уни орқасидан қучоқлади ва меҳр-муҳаббат билан энсасидан ўпди. Ҳамма нарсани шамол учуриб кетгандек бўлди — ҳонада шовқин-сурон кўтарилди, Яков Назарич солдатча қўшиқ бошлади:

Байроқ кўтарилди, ярмарка очи-и-иқ!..

Келмоқда оломон...

— Ҳей, Нинка! Прохор кўнгил очяптими?.. Омон бўлинглар...

Байроқ кў-ў-ў...

Ваколатдор Лука Лукич ҳам печкани ушлаб олганча, бир нималар деб мингирларди.

11

Анфиса тўлишиб, очилиб кетди. Петр Данилич у деса жонини беради. Бироқ Анфиса бамисоли тош, ҳеч нарса кор қилмайди. Петр Даниличнинг соч-соқоли оқариб кетди. У бағритошнинг баҳридан ўтсамикин ёки ўз жонига қасд қилсамикин?

Кунлардан бир кун Громовларни қишлоққа чучварахўрликка таклиф қилишди, Петр Данилич, касалман, деб бормади, Марья Кирилловна ёлғиз кетди.

Анфиса кўзгуга қаради. Лўлиларникидақа катта исирга тақди, бошига узун шокилални ҳаворанг рўмол ўради, чўқинди-да, йўлга тушди.

«Эҳ, нима бўлса бўлар!.. Пешонам шўр-экан, рўшнолик кўрмай ўтаман шекилли».

— Яхшимисан, Петя,— деди у ичкари кириб.

Петр Данилич ароқ ичаётган эди.

— Йўқол,— деб қичқирди у.— Худо ҳаққи, йўқол!

Анфиса ўтирди. Петр Данилич бўшашиб, тебрана-тебрана кўзини қисиб унга тикилди.

— Ие, сенмисан? Бери ке. Салом... Менга нуқул ажипалар кўринади. Сени ажина деб ўйлабман, ахир сен алвастисан-ку...

Анфиса индамади, кейин таъна қилди:

— Эй, Петр, Петр... ўзингни аямайсан, ичганинг ичган.

У Петр Даниличнинг олдига келди. Юраги ачиб оқ сочили чаккасидан ўпди. Чол бирдан бошини чайқаб, чинқирганча ўкраб йиғлаб юборди.

— Истайсанми, бир сўз билан сени инсофга келтираман? Истайсанми, Петя?

Петр Данилич тинчиди, кўз ёшларини артиб қулоқ солди.

Ён томондаги хонада яширинча, писиб «шайтон» ҳамма гапни эшитиб турарди:

— Мен ҳадемай ўламан, Анфиса,— деди Петр чайналиб.— Сени деб ўламан.

— Қўй, тупур!.. Гўрда ётиш ҳам жонингга тегар ҳали...

— Йўқ, ўламан, ўламан, кўнглим сезиб турибди...— Петр Данилич қаддини ростлади, уф тортди ва тузланган бодринг еди.— Эндликда сенга ҳам кўнглим йўқ. Бутун юрак-бағрим куйиб кул бўлган, Кўмир қолган, холос...— Унинг кўзлари маъносиз боқадди, ароқдан ва кўз ёшларидан қизариб кетган.

Анфиса узоқдан кифтларини чайқалтириб калта этикларини ғарч-ғурч қилганча печка томон юрди.

— Истайсанми, сенга тегаман, Петя? Хўш!

Петр унга тикилди, «шайтон» яшириниб турган хонага қаради.

— Йўлдан урмоқчисан. Домингга илинтирмоқчисан. Оламан, мени алдай олмайсан. Сен ажинасан,— деди у бўшашиб ва ароқ ичди.— Ажинасан сен, ажина...

— Мана, қара. Ажинаманми?— Анфиса чўқинди.

— Сен ажинадан баттар кўрқинчлисан. Сенга қулоқ солсам, хотинимни ўлдиришга мажбур қиласан.

— Йўқ!— Анфиса калта этикларини ғарчиллатиб Петрнинг олдига келди.— Мен қалбимни лойга топтайдиган унақалардан эмасман. Бу сенсан Петя, хотинингни жонини оладиган. Ажраш, уни ўз ҳолига қўй! Сенгаям, унгаям яши бўлади. Ахир, ажрашаман, ажрашаман, деявериб миямни қоқиб қўлимга бердинг-ку. Мана энди яхшилиқча ажраш... Тезроқ бир ёқли қил. Яширинча сен билан оғиз-бурун ўпишишни истамайман. Шунақа, чол.

Қўшни хонада турган «шайтон» томоқ қирди. Қичқирди, стулни тарақлатиб сурди.

Анфиса кечаси алламаҳалла уйига қайтаётганида шайтон-черкас йўлини тўсди. Осмонда ой сузар, унинг ёғдусида ханжар йилтирар эди.

— Кўрдингми буни!— Иброҳимнинг темирдек тирноғи совуқ

таҳликали пўлатни чертди.— Кўрдингми, деяпман! Сенга бу — ажраш.

Эрталаб Иброҳимни пристав чақиртирди.

Сўз қисқа, лекни салмоқли бўлди, «Анфиса» сўзини эшитганида пристав хўрсиниб, кўзларини ола-кула қилди.

— Бу шундай... шундай хилқатки... Келиб-келиб сен мараз... кўрсатиб қўяман сенга... Ҳей юзбоши! Қама уни!..

Орадан икки соат вақт ўтгач, ҳали уйқуси ўчмаган Петр Данилич бу воқеани эшитдию приставга хат ёзди. Хатни Илья Сохатих олиб келди. Мастликда ёзилган ҳарфлар ажи-бужи, жумлалар қинғир-қийшиқ эди. Хатда бундай дейиларди: «Сени нима жин урди, айёр кал. Татарни дарров бўшат, йўқса уни олиб келгани тройкада ўзим бораман. Ҳозироқ майшат қилгани етиб кел, коньяк, қўзиқорин, нози неъмат муҳайё. Сенга бир гап айтаман, айёр кал. Етиб кел».

Икки кундан кейин Марья Кирилловна қайтди. Унинг орқасидан чопар шаҳардан телеграмма олиб келди.

«Нина менга тегिशга рози. Ота-онаси оқ фотиҳа берди. Ойим икковинг қарши бўлмасанг, телеграмма юбор. Москва, Метрополь, 17-тинчи номер. Қишни шу ерда ўтказаман».

Петр Данилич билан Марья Кирилловна ҳар бири ўз ҳолича хурсанд бўлиб кетишди. Петр Данилич: Прохор уйланса чама-си бу ерда турмайди, шаҳарда яшайди, менга халал бермайди, деб ўйлади. Она эса, ўғлимнинг олдига кетаман, кирини ювиб, овқатини қил ўтираман, ишқилиб, бу ерда заҳарли илон билан ёнма-ён яшамасам бўлгани, йўқса монастирға кетаман, деб ўйларди.

Иброҳим Қазбекни эгарлади, у юз чақирим йўл босиб шаҳарга телеграмма элтади ва Москвага жўнатади.

Заррин куз фасли. Тайга уйга чўмган, гўёки ўтган фаслига ачинади, игнабаргли дарахтлар шувиллайди. Далалар шип-шийдам, зағчалар учиб кетган, уйларда янги ғалла ҳосилидан ёпилган ноннинг хушбўй иси димоққа уради. Иброҳим орзулари қанотида отда кетяпти, кўнгли тоғ. Яккаш Прохорни ўйлайди. Прохор «Куприянни қизи»га уйланмоқчи бўп дуруст иш қипти, яхши қиз, тўкис. Қайтиб келганидан кейин Иброҳим ҳам ошпазга уйланади. Қҳ, қойилмақом! Фақат Анфисани гумдон қилиш керак, бекани ҳимоя этиш даркор, ана унда олам гулистон бўлади. Оила иноқ яшайди...

У Илья Сохатих қўли билан ёзилган телеграммани хўжайин номидан телеграфчига топширди. Телеграфчи бундоқ қараса, телеграмма тагига ажи-бужи қилиб қуйидаги сўзлар битилган:

«Прошка, етиб ке, уй нотинч, битта-яримтани саранжомлаш керак. Иброҳим ўгли ушбуни ёзди. Жа зарилсан».

— Тўғри келмайди бу,— деди телеграфчи,— хўжайини хафа бўлиши мумкин...

— Меники хафа бўлмайди... Нима қипти?

— Унда алоҳида қоғозга ёз.

Иброҳим роппа-роса бир соат овора бўлиб, терлаб-пишиб, пишиллаб хатни ёзиб телеграфчига узатди.

— Кимни саранжомлаш кўзда тутилади?— деб сўради телеграфчи.

— Сени нима ншинг бор?— деди черкас кўзининг пахтаси чиқиб ва оппоқ тишларини кўрсатиб. Кейин босиқ жавоб берди:— Кимни, кимни?.. Уйни қайта қуриш, дўконни бошқа ерга кўчириш керак...

У, хўжайинининг тилгроми билан бирга Прохор менинг тилгромимни ҳам олади, деб хурсанд бўлиб орқага қайтди. Аммо кулгили ажи-бужи хат шу ерда, разил шаҳарда қолди: унинг мазмуни Москва чегарасига етиб бормади. Телеграфчи ҳар хил «алмойи-алжойи» нарсаларнинг ашаддий ишқибози эди, унинг бир дафтари бўлиб, маълум ва машҳур одамлар унга ўз исми шарифларини зикр этган эдилар: уезд полиция бошлиқлари, диндорлар, ўқитувчи Филимонов, хазиначи, варшавалик фоҳиша Хеся ва бошқалар. Иброҳимнинг телеграммасини ҳам у нодир ҳужжат сифатида ҳалидагилар ёнига тиркаб қўйди, Телеграфчи бу ҳужжатни дафтарга тикиб қўяётиб мўйловли, тишсиз оғзини очиб, шўх кулди. У вақт уммонида нималар яширинганини, тақдирлар ҳудуди кечгач, мана шу ажи-бужи ёзилган хат бир куни ёруғ дунёга қалқиб чиқиши, тилга киришини ва аввалдан белгиланган сирли давра бўйлаб айлангач, гумдон бўлишини билмасди.

...Ногаҳон Анфисанинг қалби ўртанди. Худди тиш оғриши сингари зирқирагани зирқираган. Бунинг боиси унинг эгри, алдам-қалдам йўлга кирганидан, бу зим-зиё йўлда мўмин-қобил Марья Кирилловна турганидан, орқа тарафдан Прохорнинг қасоскор нидоси эшитилганидан, теварак-чеккадан таънаомуз товушлар шивирлашидан бўлса ҳам ажаб эмас. Виждон, виждон, сени одамлар ўйлаб чиқарганми ёки худо? Тинч қўясанми ҳеч! Башарти бор бўлсанг, нима учун одамларга азоб берасану кимнинг амри билан уларнинг кирдикорларини фош этасан? Ҳа, майли, ҳечқиси йўқ, тинчлик, хотиржамлик,— бирок тўсатдан нега юрак сиқилади? Анфисанинг юраги зирқираб оғрийдди, кечасию кундузи ўртанади.

Учакишгандек букчайган Тараша кампир келди, бурнини жийирди, шишадек оқ кўзларини қисди.

— Эшитдингми, гиргиттон? Прохорни савдогарнинг қизига унаштиришипти, симдан тилгром кепти. Ҳадемай тўй бўлармиш.

— Нима бўпти,— деб жавоб берди Анфиса хотиржам.— Киройи куёв бўлса, шундай куёв бўлар.— Анфиса хотир-

жам гапирса-да, юраги шунақанги гурсиллаб уриб кетдики, кўзлари пирпираб, наздида ҳамма нарса ирғишлай бош-лади.

Йўқ, Тараша алдаяпти, бўлмаган гап! Анфиса атайин Громовларнинг кошонасига борди. Мана, Марья Кирилловнанинг ўзи унга даҳшатли ва ҳалокатли телеграммани олиб чиқиб тутқазди. Анфиса йиғлади. Марья Кирилловна йиғлади, иккови бир-бирини қучиб, ўпишишди. Онанинг бўсасида саодат ва нажотдан нишон. Анфисанинг иссиқ бўсасида тобут ва бўхур нишонаси бор эди. Агар Марья Кирилловна беназир ҳис-туйғу соҳибаси бўлганида Анфисанинг қалбни пора-пора қилувчи пинҳона фиғонини эшитган бўларди.

Мана шунинг учун унинг телба юраги зирқираб оғрир, шафқатсиз тақдир эса, унга мана шундай қақшатқич зарба берган эди. «Ҳай, майли!.. Кўрармиз ҳали, олишиб кўра-миз!»

Дилидан шу сўзларни ўтказиб, тўғри Шапошниковнинг олдига кетди.

Подшо жиноятчисининг қорни қаттиқ оғрирди, у бурнидан чиққунча қиров нинган бодрезак еган, энди иссиқ печка устида мук тушиб ётар, унинг ҳам юраги эзилар эди. Қарангки, юраги ғаш, зирқирагани зирқираган. Нима бу, бирор фалокатдан даракми ёки виждон тилга кириб мудҳиш қисматдан огоҳ қиляптими? Виждон, виждон, нима керагинг бор.. Урни таги йўқ, беҳуда гап бу!

Сурги дори ва вино ичиб юборса, олам гулистон...

— Салом, менинг Қизил шапкачам, сени йўқлаб келдим... Телеграмма, тилгиром ҳақида эшитдингми? Юпат.

Шапошников печь устидан Анфисанинг ҳорғин чеҳрасига, титраётган, шалвираган қўлларига разм солди.

— Қандай юпатаман сизни, Анфиса Петровна? Юпатишдан олдин асабларингизни жойига келтириш керак.

Анфиса билинар-билимас жилмайди, маҳзун интизорлик билан унинг кўзларига, тиришган серфикр манглайига қаради ва тилга кирди:

— Ҳали ҳамма нарса барбод бўлгани йўқ, тўй бўлмайди, деб умидвор қил мени... Йўқса... Эшитяпсанми, Шапкин? Чолнинг ёнига бораман, қалбимни чилпарчин қиламан. Шунга жазм этдим.

Сиёсий маҳбус печь устидан чаққон тушди: унинг чеҳрасида, кўзларида чуқур изтироб аломати, Анфиса дил-дилидан қувонди: бу Шапкин оддий одам эмас, худонинг азиз бандаси, унинг дардига албатта шерик бўлади. Аммо сиёсий маҳбуснинг баттар юзи бужмайиб кетди; беҳаловат, бетоқат.

У эшик бандини чангалладно гужанак бўлганича, умил-сизланиб деди:

— Чолнинг ёнига борманг. Бошингизга урасизми чолни. Ялло қилиб ёлғиз яшайверинг.

— Қанақасига ялло қилиб? Қандай яшайман? Қалбим бўм-бўш...

— Меҳнат қилинг,— деди шикаста овозда у қулдираётган қорнини ичига тортиб.

— Э, меҳнат қилинг, денг!.. Эсингдами, Шапка, тунов кунни кечкурун сенга нима деган эдим? Ичимда илон бор. Очкўз, ярамас илон. У яккаш, ейман, деб хархаша қилади... Йўқ, Қизил шапкача, мен тамом бўлган одамман... Тамом!

— Афв этинг, мен ҳозир...— сиёсий маҳбус шундай. дедию югурганча хонадан чиқиб кетди.

— Икки дунёда ҳам Прохор уйланмайди,— деб қичқирди Лифсиса Шапошниковнинг кетидан.

Данилич эса, ичгани ичган, қорнидаги қурт ғимирлаб қолган, қизил бош бу баҳайбат чувалчанг тинмай вино талаб қилар эди.

Прохор Москвада театрларга, музейларга борди. У Нинанинг маслаҳати билан кўҳна Успенский жомесида Исо алайҳиссалом муридларнинг майитларига қўлини теккизганида, тўсатдан Анфиса эсига тушди-ю, дабдурустдан ҳамма бўлиб ўтган ишлар бирма-бир хаёлидан ўта бошлади. Анфиса кун бўйи унинг кўзи олдидан кетмади; ухлагани ётганида хиралик қилиб тушига кирди. Прохор Нинага чурқ этиб бу ҳақда оғиз очмади, лекин хаёли бир қадар пароканда бўлди. Нинага бўлган севгисига рахна тушди, қадрли Анфиса Петровнага ишқий мактуб жўнатгиси келди.

Мактуб — мактуб, қалб — қалб. Унинг қалби ўша аёл томон, тайга томон талпинди. Нега? Билмайди. Балки Анфисани ўлдириш ёки аксинча у билан умрбод бир тан, бир жон бўлиш учундир.

Унинг ўй-хаёллари бекордан-бекорга, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса, шунчаки «бесабаб» алғов-далғов бўлгани йўқ. Анфиса кечасию кундузи у ҳақда ўйлагани ўйлаган эди. Анфиса бами-коча ўз қисматининг соҳилида ўтирар, қисмати уммонига юрагининг қирмизи қон сиқиб турган парчаларини сидирар, гайриқонуний пинҳона фикри тўлқин уриб, кўз очиб-юмгунча Москвага етар ва ўша ердаги соҳилга, нақ Прохорнинг қалбига бориб урилар эди. Тўлқин Прохорнинг қалбига шунақанги шитоб билан урилардики, юрагини жунбишга келтириб, юраги яна сиқиларди ва Прохорни ҳоли жонига қўймай уёққа, тайгага, Анфисанинг ёнига судрарди. Нега?— билмайди. Балки Анфисани ўлдириш учундир, балки у билан умрбод бир жон — бир тан бўлиш учундир.

Кўзи пишган Яков Назарич буни пайқар, жиловни қаттиқ

тортар ва қамчини кўрсатиб, йўлдан адашган йўрғага дағдаға қиларди.

Вақт худди йўрғадек ел қанотида учиб ўтади, чанг-тўзон, қор парчалари қишнинг туёғи остидан сачрайди,— чекин энди, аёз!— жанубдан оқтумшуқ зағчалар учиб келяпти...

— Хуллас, гап бундай... Фақат сен дод-фарёд қилма...

Марья Кирилловнанинг юраги шиг этиб кетди, қулогини динг қилди.

— Хўш, демак... Мен шаҳарда баъзи кишилар билан гаплашиб келдим.— Облакатлар деб аталадиган пиянисталар бор. Мени, фараз қилайлик, меҳмонхона номерида бир аёл ёки қиз билан қўлга туширадилар... Ҳазрат Ипат ўргатди. Кейин ажралишамиз, бутун айбни ўз бўйнимга оламан, сен озодсан. Кимни ёқтирсанг, ўшанга тегаверасан. Хоҳласанг Илюхага тегиб, Сохатих хоним бўлиб юрасан.

Марья Кирилловна тупурди, сўнг деди:

— Ҳамонки ичкиликка ружу қўйиб, худонинг марҳаматидан бенасиб бўлган экансан, билганингни қил. Менга эр-пернинг даркори йўқ, ўғлимнинг ёнига кетаман.

Орадан бир ҳафта ўтгач, бўйни узилган товуқлар қор устида умбалоқ ошди, чўчқалар чийиллади. Сон-саноқсиз чучвара қайнай бошлади — Петр Данилич Илюхадан тортиб, бутун қишлоқнинг казо-казоларини чақирди. Нима гаплиги ҳақида ломим деб оғиз очмади, бу ҳангомани енг ичида ўтказмоқчи бўлди. Турган гапки, Анфиса ҳам дастурхон атрофидан жой олди. Ҳамма шу ёрда, савдогарнинг меҳмоннавоз хонадони барчани ўз бағрига олган. Марья Кирилловна кўринмайди: эридан тириклай тул қолган бу муштипар она ўз хонасига қамалиб олган, ҳеч кимни кўргиси йўқ. Соғлиғи ҳам анча ёмонлашган: юраги бесаранжом уради.

Кечқурун алламаҳалда, ҳамма еб-ичиб кайф қилган пайтда Петр Данилич шукуҳ-салобат билан чайқалиб ўрнидан турди, меҳмонлар ҳам туришди. Петр Данилич қадаҳ кўтарди.

— Бу зиёфатнинг боиси бор, қадрли меҳмонлар. Биз эрхотин ит-мушук бўй қолдик, эндиликка худди рисоладагидек ажралишмоқчимиз. Эс-ҳушимиз бир таннозда бўлиб қолди...— Савдогар шундай деб Анфисага қаради, Анфиса ранги қум-қув ўчиб, маъюс кўзларини меҳмонларнинг боши оша деразага тикиб ўтирарди.

Меҳмонлар томоқ қиршиди, хижолат чекиб пишиллашди, кимнингдир стули ағанаб тушди, приставнинг талоғи зирқиради, кўзи тинди. Илья Сохатих эса чўчқаники сингари кўзларини чақчайтириб ўтирди, яна дик этиб туриб кетди.

Савдогар ҳаммани чақноқ бахтиёр нигоҳи билан кўздан кечирди ва бирдан қош-қовоғини уйиб, Ильяга депсинди:— Йўқол!— Илюха унинг кўзига шайтон бўлиб кўринди. Илюха-

нинг шохлари диккайиб турибди, думи билан столни савалаяпти.— Йўқол!..

Илья Сохатих лип этиб ўзини приставнинг кенг елкаси орқасига олди, унинг елкасидан буғ кўтариларди.

— Хуллас, умумий хулоса чиқариб, эълон қиламан...

Анфиса аста унинг сўзини бўлди:

— Йўқ.

Проставнинг елкасидан кўтарилаётган буғ ўчди, талоги оғримай қўйди. Илья Сохатих яширинган еридан шўппайиб чиқдию тойчоқдек ҳингиллади. Савдогарнинг оғзи ланг очилди: мажолсизланган бармоқларидан қадаҳ сирғалиб тушди, чил-чил сиғди, приставнинг шпорлари ҳам шўх жиринглади.

— Йўқ, йўқ, йўқ,— деди Анфиса бурро, аммо ҳалигидай паст овозда.

— Ё тавба,— деди ҳазрат Ипат ва қалқиб кетди.

— Нима-а-а?— савдогар Анфисага ўқрайди, бурун катакларидан, кўзларидан гўё ўт сочди.

Анфиса овозини баралла қўйиб:

— Йўқ, Петруша! Йўқ! Йўқ! Йўқ!— деди ва курсига шилқ этиб тушди-да, титраб-қақшаганидан, тирсақлари столга урилди.

Шу чоғ сутдек ойдин кечада чароғон мовий йўлда қўнғироқчаларини шўх жаранглатганича учта тройка елиб борарди, орқадаги иккитасига сандиқлар, мол-дунё ортилган, олдингиси-да Прохор, Нина ва Яков Назарич Куприянов ўтиришар эди.

12

Орадан бир ҳафта ўтди, якшанба етиб келди. Бугун расман баҳор. Қуёш гўё баслашгандек қиш билан сўнги марта беллашди. Қиш енгилди, муздек кўз ёшлари тўкди: ҳаммаёқдан чак-чак томади. Бўғотлардаги сумалаклардан қорга, дарвозалар олдидаги кўлмакларга чак-чак томади. Томчилар кўлмакдан кўлмакка, жилгадан-жилгага ўтади, дам қулқуллайди, дам чулдирайди, бамисоли шўх куй, ҳаммаёқ, нашъали: баҳор!

Прохор шод, Нина Куприянова шод, сайр қилиб юришибди, томчиларга қулоқ солишади. Шўх-шодон кулишади: ёш қалблар қуёш ва баҳордан масрур.

Улар ортидан кўзга кўринмас Анфиса соядек эргашиб юради.

Нина Куприянованинг қалби муҳаббат туйғусига лиммо-лим, қувончи ичига сиғмайди. Нинанинг шу қувонч билан холи қолгиси келади.

Оқшом. Нина дарвозадан чиқди ва тепалик томон юрди. Гира-шира қоронғиликда унинг шапкачаси ва лўстинининг ёқаси оқариб кўринарди. Тепаликда, черков олдида турганча энди бошини кўтариб рангпар юлдузларга қараб, ҳузурбахш орзу-истакларга эрк берган ҳам эдики, тўсатдан ёнида тунгуска пайдо бўлди.

— Қоч, ойимтилла, қоч...— деб шивирлади у эҳтиросли, оғоҳлантирувчи овозда.

Нина унга ялт этиб қаради. Мўйнага бурканган, маржон-мунчоқлар таққан тунгуска ундан атиги икки қадам нарида турарди: унинг чехраси гўзал эди.

— Қоч, ойимтилла, қоч... Севма, ташла... жўна!.. У бошқани севади.

Шунда Нина Куприянова бир фалокатни кўнгли сездию қони қочиб, кўз олди қоронғилашди.

— Сен кимсан?— деб сўради ранги докадек оқариб кетган Нина талмовсираб.

— Синильгаман...

Нина ҳадик-хавотир билан тунгускага қаради. Назарида у кўкимтир осмонда гира-шира даҳшатли қоронғилик қаърига сизиб кетаётгандек бўлиб туюлди.

Нина шоша-пиша уйга қайтди. Олдиан Иброҳим чиқди:

— Нега ёлғиз юрибсан? Прошка қани?

Прохор бу чоғ Шапошниковнинг уйдан чиқиб келмоқда эди: у Нинага олмахоннинг тулумини совға қилиб келтираётган эди. Тор кўчадан чиқиши билан рўпарасида Анфиса пайдо бўлди, бошдан-оёқ тунгус мўйнасида, шокилалар ва мунчоқлар осиб олган. У иккала қўлини Прохорнинг елкасига қўйди-да, нақ унинг кўзларига боқиб кулди.

Прохор елкасини учирди, йўлни чапга солди, у ўнг томонга ўтди. Прохор ўзини ўнг томонга ташлади, у чап томонга ўтди, шу тахлит рўпарамар-рўпара бўлишди. Кўзлари тўқнашди.

— Қоч, илтимос қиламан, қоч,— деди Прохор аста, бўшашибгина, ланж оҳангда: у Анфиса аъзойи баданини ўраб-чирмаб олаётганини сизди, бу ишга чек қўйиш учун алам билан зўриқиб қичқирди:

— Қоч, Анфиса!.. Мендан нима истайсан?

Анфиса уни гапиргани қўймай, оғзига лабларини босди. Прохор юлқинди, Анфисани баҳор иси анқиб турган кўкимтир қор уюмига итқитиб юборди ва лайлакюриш қилиб қочди. Анфиса унинг орқасидан қичқариб қолди:

— Барибир ҳаётда сенга рўшнолик бермайман! Узимни бир нима қиламан, сени ҳам соғ қўймайман!..

У қор уюмидан турмас: қалт-қалт титрар эди. Олмаҳон тулуми қорда қорайиб кўринар, думини ёйганча қулоғини қорга босиб ётар, гўё сирли бир нарсанинг тагига етмоқчидек сукут сақлаётганга ўшар, кўкси томон қайнлган олдинги панжалари юракка ботгувчи эди. Прохор уйга тулумдан қолган қуруқ ёғочни келтирди, холос.

Унаштириш маросими борар, никоҳ кун яқинлашиб келар эди. Тараша кампир Прохорга хат олиб келди ва деди:

— Эҳ, йигит! Сулув Анфисамни адои тамом қилдинг. Уйланиб, тезроқ жўнаб кета қолганинг тузук эди...

Анфиса бундай деб ёзганди:

«Лочин, лочин!.. Бу қанақаси ахир? Наҳотки муҳаббатим хазон бўлган бўлса? Биргаликда ўтказган анави тунимизни эсланг, Прохор Петрович. Укки нола чеккан, черкас ўзининг учқур бедовида мени олиб келган эди. Прохор Петрович, лочин, наҳотки унутган бўлсанг буни? Наҳот Анфисанинг муҳаббатини қандайдир савдогарнинг қизига алмашсанг? Нимаси билан ром қилди у сени? Наҳотки бойлиги билан? Ахир қувонч пулда эмас-ку, бундоқ бир танафизга ўйлаб кўринг, Прохор Петрович, тасаддуғинг бўлай. Наҳотки сенга попук таққан, жингалак соч, ўқимишли шаҳарлик қиз керак? Эҳ, сен бунақа эмассан, лочин! Учқур қанотингни қайирма, панд еб қолма. Мен бўлсам сени шундай севардимки, дунё кўзингга жаннат бўлиб кўринарди. Қалбим кўрини бутунлай сенга бағишлардим! Лочин, лочин, Прохор Петрович, жувонмард, мени ўйла. Мудом йиғлаганим йиғлаган, кечаю кундуз... Ранж-алам жигар-бағримни хун айлади. Раҳм қил».

Прохор Петрович унга жавоб ёзди:

«Анфиса Петровна. Сиз атайин йўлимга ғов бўляпсиз. Ахир ҳадемай никоҳимиз бўлади. Сиз ақллисиз, юрагингиз ҳам ёвуз эмас. Тушунинг ахир, мутлақо қайтариб бўлмайдиган ишга вақтида барҳам бериш керак. Ҳа, сиз муғамбирлик қиялпсиз. Мени севмайсиз. Мен сиздан биронта жавоб хати олганим йўқ тайгада юрганымда. Сиз мени эмас, ўз сеҳру жодунгизга мафтунсиз, ке, унинг бошини айлантираману майна қилиб, ташлаб кетаман, деб ўйлайсиз. Анфиса Петровна, жиддий илтимос қиламан, мен билан ҳазиллашманг. Жўнаб кетинг».

Имзо чекди, креслога ястаниб папирос тутатди. Ўйга толди. Хаёлига ҳар хил нарсалар келди... Аввалига ўй-хаёллари тутқич бермай, қандайдир тўсиққа дуч келгандек қийинчилик билан туртина-суртина ўзига базўр йўл очса, кейин равон қуйилиб кела бошлади, ниҳоят гир айланиб, алгов-далгов бўлиб кетдию дарров боши айланди, манглайини муздек реза тер қоплади. Ручкани чангаллаб, ён-верига олазарак бўлиб қаради ва ҳаммаёқ сув қуйгандек жимлигига қаноат ҳосил қилгач, ёзди:

«Анфиса! Сен алвастисан, алвасти... Сени ҳечам унутолмайман, Анфиса! Мени қай кўйларга соляпсан? Наҳотки бутун тоат-ибодат уч пул бўлса? Анфиса? Мен уйланганимда ҳам, барибир, сени севаман... Ўша тун ҳам, сенинг беғубор вужудинг умрбод хотирамдан ўчмайди... Анфиса! Жўнаб кет...»

— Майлими?

Прохор чаққонлик қилиб хатни чўнтагига яширди. Нина оқ ҳарир кийган, сочлари паришон эди. Хонага танга-танга ёғду тушиб турар, ой қизни ҳаворанг нурга чулғаган. Чироқ сариқ

шуъла сочар эди. Нина Прохорнинг рўпарасида хотиржам, арвоҳ сингари тикка турарди.

— Ҳозир Петр Даниличнинг олдидан чиқдим,— деди у.— Нега бунча безовтасан? Нима бўлди сенга?

— Ҳа, юрак ҳалидақа... Жин урсин...

— Петр Данилич менга бир нарса совға қилди... Мана, ниқоб ичида...

— Кўрсат.

— Йўқ, рухсат берилмаган... Тўйгача.

Прохорнинг бегона, совуқ назари аста-секин илди, бироқ кўзлари ҳамон олазарак эди.

— Қимга ёздинг хатни? Кўрсат.

— Совғангни кўрсат аввал,— деди Прохор, қон чаккасига уриб, лўқиллатди.

— Иложим йўқ.

Нина хўрсинди, «хайр», деди-да уйдан чиқа бошлади. Прохор унга пўстинини олиб берди-да, хонасигача кузатиб қўйди. Қайтаётиб, Анфисанинг уйи олдида тўхтади. Пардалар туширилган, тирқишдан чироқ шуъласи кўринарди. Кирса-чи? Бир дақиқага? Йўқ, керакмас.

У уйига келиб, унга ёзган хатини йиртиб ташлади.

Яна баҳор кечаси эди. Ҳаво иссиқ, ҳаммаёқда чак-чак томчи томчилайди: чиқиллайди, чирсиллайди, қулқуллайди. Шу иссиқ тунда томларда мушуклар қичқиради, тайгада иблис баҳор куйини хуштакка солиб чалади, укки оҳ уради.

Нина ёлғиз, Марья Кирилловна ёлғиз: кексалар тегирмонга жўнашга тараддуд кўришяпти — маишат қилишмоқчи; озиқ-овқат олишди-да, тройкада жўнаб кетишди.

Подшо жиноятчиси Шапошников ёлғиз, Анфиса Петровна ёлғиз. Диққатпазлик. Иброҳим ёлғиз, ошпаз Варвара ёлғиз. Илья Сохатих аллақаёққа ғойиб бўлган.

Шундай кечада ёлғизлик азобини тортиш зарур кептими? Қоронғи, ҳатто ой билан юлдузлар ҳам қаёққадир гумдон бўлган: осмон шип-шийдам, ҳаво осуда, фақат томчиларгина тинмай чўлп-чўлп этади.

Марья Кирилловна ҳали ётгани йўқ. У Нинага сеп — олти жуфт кўйлак тайёрлаяпти, яшил абажурли чироқ ёниб турибди, чироқ остида кулранг мушук кучала бўлиб ётибди. Ғирчиллаган оёқ товушлари.

— Кечиргайсиз, Марья Кирилловна,— деди унинг ёнига оёғи учидан юриб келган Илья Сохатих.— Худо ҳаққи, пардон... Хуллас, юрак ютиб... Ҳалиги, нима дейиларди...

— Нега келдинг?

— Сизнинг ёлғизликда зерикиб ўтиришингизга йўл қўймайман, буни ўзимга раво кўрмайман,— шундай деб креслога ўтирди.— Ҳовлида чак-чак томиб ётибди мудҳиш томчилар. Барча бочкалар ажойиб обиҳаётга лиммө-лим тўлган. Эҳ, қанчалар тиниқ-а, бу сув, Марья Кирилловна!

Марья Кирилловна ҳеч нарсага тушунмай мулойим маржон кўзлари билан унга термилиб турарди.

— Бунча ясаниб олмасанг? Ботинканг ҳам ярақлайди.

У ногаҳон пешонасига тушган бир тутам сочини орқага ташлаб, кўзини лўқ қилиб тикилди.

— Марья Кирилловна!— у шундай чинқирдики, мушук дик этиб ўривдан туриб кетди.— Марья Кирилловна! Сизни шундай севаманки, ҳеч нарёғи йўқ... Худо ҳаққи, мени қувманг, ўтинаман, гапларимга қулоқ беринг... Йўқ, дейдиган бўлсангиз, ўзимни осаман... Мирси.

— Сенга нима бўлди? Нималар деяпсан?!— деб хижолат чекди ўтакаси ёрилиб бека.

— Маша!— приказчик унинг олдида тиз чўкди ва уни ютоқиб ўпа бошлади.

— Аҳмоқ, эшак!..— деб асабий кулди бека.— Бадмаст, иблис! Йўқол!..

— ...Сени нима қилсамикин, Қизил шапкачам?— деди Анфиса қайғули овозда.— Чойдан қуяйми яна?

— Нима қилсангиз ўзингиз биласиз, Анфиса Петровна. Хоҳласангиз ўлдилинг... Менга барибир...

Шапошников маъюс, хомуш эди. Бўғиқ, дард билан гапирар, тутилар эди. Шу кунлар ичида у чўкиб, кексайиб қолган эди. Ичкиликка ружу қўйганидан кўз ослари халта-халта бўлиб қолган эди. Кийимлари ҳам эски, йиртиқ-ямоқ эди.

Анфисанинг нигоҳида раҳму шафқат ифодаси зуҳур этдию, қўли графинча томон чўзилди.

— Ич, Шапкин, гаф чекма... Эҳ, Шапкин, Шапкин! Сенинг ҳам бошқалардан бир тукинг ўзгасиз, сен ҳам вужудимдан баҳраманд бўлишга интиласан... А-ҳа... Қўл силтаяпсанми! Йўқ, демоқчимисан? Қалб амри дейсанми? Сиз буқалар қалбни рўкач қиласиз, аслида дардингиз мана бунда...— У жон ҳолатда кафтлари билан ҳаворанг кофтаси тагидан тирсиллаган кўкракларини чиқарди-да, силкитди.— Мана сизларнинг қалбингиз! Ҳаммангиз бир гўр... ҳатто ҳазрат Ипат ҳам.

У энтикиб-энтикиб ҳаллослаб нафас олар, кўзлари масхарабми-ей ёхуд жирканчу алам биланми-ей чақнарди.

— Эҳ, ноинсофлар!— деди у ўкинч билан ва наливкани ичиб юборди.

Шапошниковнинг бурни қичиди: у чўнтагидан пайтавасимон бир нарса олди ва дарров яшириб, ўрнинга тозароқ латта чиқариб бурнини қоқди-да, деди:

— Мен бошқаларнинг кирдикори учун жавоб бермайман. Мен ўзимга-ўзим жавоб бераман. Бутун жисми жоним, асабларимдан тортиб миямгача сизнинг ихтиёрингизда, сизда ақл, чирой ва юксақ нисоний фазилатлар жамулжам, Анфиса Петровна. Бироқ буни ҳамма ҳам пайқайвермайди.

— Менда шайтон билан фаришта бирлашиб кетган... Мана, кимлар...

— Қайдам, қайдам...— деди Шапошников секин.— Билмадим, билмадим,— деди у овозини баланд қўйиб.— Бунинг аҳамияти йўқ... Мен сизни севаман!— қичқирди у.

Шу аснода савдогарларнинг ошпази Варварушка ҳам чинқириб юборди. Сабабки, Иброҳим кўнгилхушлик қилгани донг қотиб ухлаб ётган ошпазнинг қўйнига кирмоқчи бўлган эди.

— Туф-е, касофат!— деб минғирлади у.— Утакамни ёрдинг-ку... Туф-е! Қачон сен яшшамагур ғайридин, чўқинасан, ергина юткур шайтон, ўзинг кечир, парвардигор?

Сир тутишни обдан тайинлагач, Нина қўлидаги совғани Прохорга ҳар қалай кўрсатди.

— Қара, муъжиза бу... Нақ тўғнағичимга монанд.

— Ҳа, чиндан ҳам,— деди Прохор Пётр Данилич совға қилган бриллиант исирға билан Нинанинг тилла гардишли бриллиант тўғнағичини қиёс этаркан.

Куприяновлар кенг-мўл уйни ижарага олишган эди. Ерга гулдор пойандозлар солинган, девори тоза, оқланган, нақшинкор шифтда қандайдир дарбадар рассом тахтадан ишлаган оқ каптар силкиниб турар эди.

Прохор эшик илгагини илиб, Нинани кучоқлади. Қиз унинг бўйнига осилди. Прохор қайлиғини ўпиб, сўради:

— Менинг хотиним бўлишга розимисан? Ҳозироқ, шу дақиқада?

— Э, бор!— деб Нина уни четлатди.— Тўйгача-я?

— Ҳа, ҳозир.

— Худо хайрингни берсин, Прохор... Нега мени ҳақорат қиласан?!

— Қизиқ.

— Нимаси қизиқ?

— Шундоқ... Сиз барчангиз, шаҳарлик қизлар роҳибаларсиз, тегманозиксиз.

У хонада нари бориб-бери кела бошладн. Нина унинг қадам ташлашига қараб турди.

— Баногоҳ сеидан кўнглим қолса-чи?— деб сўради у.— Уйланаману кейин совийман-қўяман...

— Менга қара,— деди Нина.— Нега ўша хатни менга кўрсатмадинг?.. Қимга ёзгандинг? Унгами? Анфисагами? Кейин. Нима учун мени у билан таништирмайсан? Нега?

— Нима қиласан танишиб?

— Керак, шуни хоҳлайман.

Проҳор камзулини сириб турган кавказча белбоғини ечди ва қайта тақди-да, ўйга чўмиб деди:

— Кейин... Мавриди келса...

— Мен ҳозир танишмоқчиман.

— Ҳозир-а? У аллақачон уйқуга кетган.

...Бироқ Анфиса шу дамда сочларини ёйиб, ойдек балқиб маст Шапошниковнинг қаршисида турар ва сўзлар эди:

— Эҳ, тентаккинам, кайфинг ошиб қолди-ку... Ёт, ухла...

— Анфиса, Анфиса Петровна, — Шапошников қўлларини кўксига босиб, титраб-қақшар, икки бетидан, соқолидан ёш думаларди. — Биламан, мени севолмайсиз... Ёлвораман!.. Заҳарланг, ничоқланг!

У сандиққа юзтубан қулади ва кучук боладек аянчли ингичка овозда увиллади:

— Итман!.. Ҳа, ҳа... Ит бўлиб эмаклайман, оёгингиз остида, оёгингиз остида...

Анфисанинг ҳам йиғлагиси келди. У чуқур хўрсинди, нигоҳида чексиз ғам-ғусса кўринди; Шапошниковнинг букчайган елкасини меҳр билан авайлабгина силади ва деди: «Беҳуда ҳаммаси, қўй». Сўнг уни чаққон ечинтирди, оёқ кийимини ечди. У қаршилиқ қилмади. Ўзининг каровоти ёнига суяб келди ва тоза чойшабу кўрпа тағига ётқазди.

— Ё раб, ё раб, — деб шивирлади Шапошников. — Нималар бўляпти ўзи? Тушимми, ўнгимми?

Унинг аъзойи бадани қалтирар, юзининг мушаклари пир-пир учар, кенг дўнг пешонасини тер босган, соқоли силкинар эди. Анфиса иконалар қўйиладиган токчадан бўйнига осиб юрадиган, ипга боғланган бутча олди.

— Мана, дилгир кишиларнинг қувончи биби Марьям, — деди у. — Унга ишонасанми, Шапкача?

— Йўқ, ишонмайман...

— Чўқин, ўп уни. У сени ўз паноҳида асрайди. Бутун ғам-андуҳларинг ўтда ёнган мумдек эриб кетади. — Анфиса бутчани унинг сержун кўкрағига тақиб қўйди-да, деди: — Айиққа ўхшаш сержун экансан... Ҳечқиси йўқ, худога ҳавола!.. Ухла, шунқор.

Чўқинтирди-да, чироқнинг пилигини пасайтириб чиқиб кетди.

Унинг зангори ётоғи шу заҳоти бефайз бўлиб қолди. Чироқ шуғласи милтиларди. Шапошников ўзини бахтли гўдак ҳис қилди. Унинг танаси роҳатижон илиқлик ва сокин ёғдудан ҳузур қиларди. Нарёқда, эшик ортида, қўшни хонада эса мовий, нурли, бамисоли онасидек малак. Жонли кўзга кўринмас ришта уни онаси билан боғлайди. Онаси алланарсалар дейди, аллалайди. Шу билан қалби таскин топиб, таъби равшан тортиди: чироқ милтиллайди, туң қўйнида томчилар чўлп-чўлп томади.

У жинмайди, кўзини юмди ва ҳушидан кетди.

Яков Назарич Нинани Громовларникига жўнатгач, Прохорга шундай деди:

— Менга қара, чирогим, бўлажак куёвим... Гап бундай... Хўш, Нинка учун сенга ўн минг бераман... Пул байкада, Москвада. Уқдингми?

— Кам-ку... Мен кўпроқ берарсиз дегандим...

— Т-фу!— дедию Яков Назарич ўзини аразлаганга солиб, хонада пилдираб юра бошлади. У ҳар вақтдагидек жужунча костюм ва пийма кийиб олган эди.— Ҳали камми бу сенга? Ноинсоф!

— Ишни йўлга қўйишга кам... Режаларим катта.

— Конни кўзлаяпсан... «Ишончли»миш яна... Кам дегин?!

— Конни қўлга киритсам, соз бўларди-ку.

— Буёқда яна сеп — идиш-товоқ, қошиқ, кумуш, тилла буюмлар — нақ йигирма беш минг туради... Камми, ноинсоф?..

Яков Назарич югуриб келдию ўтирган Прохорнинг ёқасидан ушлаб силкитди ва қичқирди:

— Камми? Қани айт, камми?! Бўғиб ўлдираман сен ноинсофни!

Прохор хахолаб кулганича:

— Йўқ, етарли менимча... Чиндан ҳам бўғиб қўясиз шекилли...— деди.

Яков Назарич ҳам хахолаб кулди-да, Прохорни ўпди ва елкасига қоқиб тайинлади:

— Хўп, энди бор... Жўна, жўна!.. Ҳозир ётаману ухлайман... Ҳа, Нинани жўнат буёққа. У ҳойнаҳой ҳозир сизникида...

Прохор қалби шодликка лиммо-лим тўлиб, Анфиса сингари кифтини соллантирганча, эшик томон юрди.

Яков Назарич узоқлашиб бораётган унинг кенг елкасига тикилиб туриб қичқирди:

— Тўйни Крайска қиламиз... Шундай базм берайки, донги етти иқлимга кетсин. Ҳамма ҳавас қилсин!

Кечки пайт, қулоч кериб ётган замин тепасидаги осмон сарғиш тусда. Заррич, совуқ шафақ олабайроққа ўшар, яланг ер эса қорайиб кўринар эди. Прохор ерда юрмай, осмонда учиб борар, қанотлари — олтин орзу-умидлардан эди.

Яков Назарич Нинани расмана бир соат кутди. Ярамас қиз қаёққа гумдон бўлди? Жаҳл устида у ювина бошлади, ювиниб бўлиб қараса, илгакда сочиқ йўқ. Роса қидирди, сочиқ ерда ҳам йўқ, кўкда ҳам. Нинанинг хонасига қараш керак. У қизнинг чамадонини тортиб олдида, жаҳл билан ерга ағдарди: шишачалар, қайчи, тугмачалар, узуклар жиринглаб сочилиб кетди. Ие, бу нима? Яков Назарич эгилиб бегона сағри гилофни қўлига олди.

— Оҳ,— хонага югуриб кирган қиз отасига сапчиди.— Дада, тегманг, тегманг, жойинга қўйинг.

Юзи ҳўл Яков Назарич аямай қизини четлатиб ғилофни очди ва кўзини шапкўрларча сузиб, уни кўзларига тутди.

— Қаердан олдинг?

— Петр Данилич совға қилди...— У жилмайиб отасининг важоҳатига қараб турди.

— Чироқни опке... Чироқни опке!..— авзойи бузилиб қичқирди у.— Ерит!

Исирғалар ўтдек чақнади, товланди, чолнинг юзи липиллаб учди, оғзи қийшайиб, титради.

— Ё кўр бўп қолдим...— деди у ва бир оз сукут сақлаб нафасини ростлади,— ё... ақлдан озяпман.

— Нима бўлди, дада, нима?— деб сўради Нина капалаги учиб.— Қалбакимасми ишқилиб?

Отаси пишилларди. Ичида қайнаб-тошаётган қаҳру ғазаб кўксини тешиб юборгудек эди. Дафъатан кўз ўнгиди оқ ва қизил бир нарса лип этгандек бўлди. У тишларини тишларига босди. Ҳўл юзи бирпасда қуриб қолди. У ғилофни чўнтагига солиб қўйди-да, тўлқинланиб деди:

— Йўқ, ҳеч нарса... Шундоқ...—шундай деб пўстинни елкасига ташладию чиқиб кетди.

Нина тахта бўлиб қолди. У бошини эгди, қўллари шалвираганча икки ёнига осилди, унинг ҳашаматли бурма кўйлаги жон ҳолатда баданидан ҳалпиллаб тушди. Босиб келаётган фалокат бутун вужудини чулғаб олди.

Уша заррин шафақ ял-ял ёниб, ер қорамтир тусда ястаниб ётган оқшом чоғи Анфиса Петровна четан девор ёнида яланғоч, баланд қоратерак тагида Прохорни пойлаб турарди. Мана, қош қорайди, осмонда сон-саноқсиз дурлар чақнай бошлади, тун кирди, Прохордан эса дарак йўқ. Оббо, таннозининг олдида, тоза ушланиб қолди-ку! Эҳ! Майли, зарари йўқ! Анфиса сезяпти, лочин унинг домидан ҳеч қачон қутулиб кетолмайди. Анфисанинг кўнгли сезади, қачонки черковга олиб бориб, бошларига тож кийгизишсагина ҳамма иш барҳам топади. Мана, шунда ғаройиб иш юз беради. Анфиса, бутун черковга эшиттириб: «Прошенька, лочиним, жонгиним!»— деб қичқирадию тожлар дув тўкилади.

Йўқ, бу сафар Анфисанинг ошуфта, алдоқчи қалби паид берди, у Прохорни бекорга кутди. Прохор пинҳона сеҳрли занжирни узиб ташлади, мана, у отасининг олдида туриб, мамнун гапиряпти:

— Худога шукур, худога шукур!.. Муродимга етдим. Ишқилиб бўлажак қайнатам мени чўмичда қоқмасин-да, деб хавотир олиб юргандим. Мана энди, ота, сендан бир нарсани сўрайман, аччиғинг чиқмасин.

— Ҳўш, нима экан у?— паришон кўрингани билан сергаланиб сўради отаси.

— Қаңча пулингиз бор, ота?

Отасининг кўзи олдидан сарғиш тўлқинлар узра Анфисанинг сиймоси сузиб ўтди. Отаси жеркиди:

— Сени нима ишинг бор?

Ўғил отасига синчиклаб, ғазаб билан тикилди-да, деди:

— Нега ишим бўлмас экан? Ахир икки йилдан кўпроқ ишладим. Қумуш пул билан етмиш минг топдим. Қани пуллар?

Сарғиш тўлқинлар пуштиранг олди, илондек тўлганди, Анфиса сузиб юраркан, отанинг юзига тикилганча жавоб кутарди; ота қичқирди:

— Отангдан ҳисоб сўрашга ёшсан ҳали!.. Итвачча!..

Прохор жон ҳолатда стол устига энгашди, рўпарасида отаси ўтирибди, у отасининг манглайига пишқириб, кафти билан қарсиллатиб столни урди.

— Қани пуллар?.. Менинг пулларим?!

Ота сапчиб ўрнидан турди, пушти тўлқинлар йўқолди. Анфиса ғойиб бўлди, унинг ўрнида Яков Назарич бўй чўзди.

— Петр Данилич; гаплашиб олишимиз керак,— деди у ва Прохорга чиқ, дегандек эшикка ишора қилди.

Прохор кенг елкасини учириб, ўшшайганча мағрур чиқиб кетди. Петр Данилич тик турганча қолди. Яков Назарич унга:

— Ўтир,— деди-да, эшикни зич ёпиб қўйди. Кейин катак-катак рўмолчасига бурнини қаттиқ қоқди-да, Петр Даниличнинг ёнига ўтирди: унинг кўзлари қизарган, бежо. Петр Данилич кутяпти. Яков Назарич ғилофни олди-да, исирғани чиқарди ва уларни силкитиб бамайлихотир сўради.

— Қаердан олдинг бу исирғани?

Петр Данилич хийла вақт Яков Назаричнинг кўзларига қараб турди-да:

— Сотиб олганман,— деди.

— Алдаяпсан,— деб хотиржам жавоб қилди Яков Назарич, бироқ қўлидаги катак-катак рўмолча силкинарди.— Алдаяпсан!— деб ўшқирди у қошларини чимириб ва ўрнидан кўзгалди.

Петр Данилич меҳмонининг якка кифт бўлиб оёғини базўр судраганча бурчак томон сурилганини кўрди; бурчакда эса унинг кўзига кўм-кўк гулқоғозлар билан қўшилишиб кетган Анфисанинг шарпаси кўрингандек бўлди, унинг кўзлари ёнади. Петр Яков Назарич орқага қайтганини кўрди, унинг гапини эшитди:

— Бу исирға марҳума онамники. Ҳа, ҳа...

Петр чакқасидаги сочлари қимирлаганини сезди.

— Ҳа, ҳа,— деб такрорлади Яков Назарич, у оғзини очиб ҳаво ютади, гапириш оғир унга. Қўли билан кўксини чангаллади.— Бундан чиқди, отам билан онамнинг сенинг отанг, Данило бобо ўлдирган экан-да. Шундоқ. Илгари ҳам гумонсираб юрардим ўзим...

Анфиса чайқалиб кетдию бир зумда Петрнинг олдига сузиб келди.

Петр Данилич ўришдан тўриб, қичқирди.

— Оғзингга қараб гапир! Ҳаддингдан ошма!

— Оббо, хафа бўлдиларми ҳали!— деб пичинг қилди Яков Назарич қўлини белига тираб.

— Бунақа гап учун башарага туширадилар!

— Т-фу!— Яков Назаричнинг юзи бўғриқиб кетди.— Туф!

Узун, зилдек стол ўз-ўзидан силжиди, қийшайиб қолди, стуллар, креслолар ҳар томонга йўрғалади, шифт қисирлаб, эгилди.

— Қизим билан келиб-келиб қароқчилар уясига тушиб қолибмиз-ку!

Петр Данилич гумбурлатиб столга мушт туширди: у ғазабнок, бироқ мана, оёғидан дармон кетдию креслога шилқ этиб тушди. Кимдир оёғига латта тикди. Ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди. Барча нарсалар сургалади, кўзгулар деворлардан сапчиб тушиб ирғишлайди. Анфисанинг шарпаси ғойиб бўлди.

Тарақ-туруқ қилиб югурганча Прохор кирди. Шу заҳоти ҳамма нарса стол, стуллар, деворлар ва кўзгулар жой-жойида бўлиб қолди. Прохор дам отасига, дам Яков Назаричга кўз ташлайди. Отаси кресло қанотига ёнбошлаган, бошини кафтлари билан қисимлаган, кўзи юмуқ. Яков Назарич қандайдир бутунлай бесўнақайлашиб кетган: қўллари қайилган, бири юқорида, бири пастда; оёқлари тиззасидан букилган, ўнг оёғининг товони тўпиллатиб полни тепади, лабларидан қичқирган овозу аламон сўлаги учади, кўзларида қаҳру ғазаб. Прохор бойнинг ўнг пой этигининг товонида чарм ямоқ борлигини биринчи марта кўриб турибди.

Прохор ҳовлиқиб Яков Назаричнинг олдига борди:

— Нима гап?

— Қароқчивачча!.. Йўқол!— деб чинқирди Яков Назарич ва тупурдию Прохорга мушт тушира кетди. Сўнг чолларга хос бўлмаган илдамлик билан пўстинини енгидан судраганча чиқиб кетди.

Яланғоч қоратерак ёнида турган Анфиса Петровна кимдир шалоп-шалоп қадам ташлаб тобора яқинлашиб келаётганини ва алланарса деб гўлдираганини эшитди:

— Эҳ, қароқчилар! Оҳ, қонхўрлар!

Анфиса овоз эгасини танимади. У чуқур хўрсинди, тун осмондаги сон-саноксиз дурларга узоқ термилди ва ўйга ботиб бир-бир босиб уйига қайтди. Дарғазаб Яков Назарич эса уйига бос-тириб кирди-да, йиғлаб ўтирган қизига тирғилди:

— Заха емаганмисан, ишқилиб? Гапир...

— Қанақа заха, отажон?

— Қанақа, қанақа?.. Жин олсин сени...

14

Алланечук ҳамма нарса аралаш-қуралаш, айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Изидан чиқди. Кечаси билан эртасига кун бўйи тин-

май ёмғир қўйди. Оппоқ тонг отгунча ва уззуқун Нина йиғлади, қўлларини қайирди.

Прохор эрталабданоқ тайгага кетди, милтиқ ҳам олгани йўқ. У телба-кезик одамдек боши оққан томонга кетарди. Қалласида ҳеч қандай ўй-фикр йўқ эди гўё унинг на танаси, на қалби бор, тайгада у эмас, бегона, мубҳам бир одам боряпти, Прохор эса уни четдан кузатиб турарди. Ёмғирда ўйсиз-хаёлсиз телба-кезик одамдек кетаётган мана шу бегона, карахт одамга унинг раҳми келарди.

Петр Данилич яна ичкиликка ружу қўйди. Ҳа, рост. Худди шундай бўлган. Бу исиргани у отаси марҳум Данилонинг қутичасидан олган. Кўкариб кетган, совуқда гул ташлаган мис сим билан боғланган ўша кўҳна қутичада бунақа нарсалар сероб эди.

Буёғи қандоқ бўлди, наҳотки маълум ва машҳур савдогар уларни, яъни Громовларни хароб қилади?

— Топаман, вассалом,— деб гўлдиради Петр Данилич.— Хомтама бўласан! Исбот қилиб кўр-чи!.. Қаердан олдингмиш, сотиб олдим.

Марья Кирилловнанинг исирга ва кечаги можародан хабари йўқ: у меҳмонда эди. Шаррос қуяётган ёмғирда кўҳна брезент зонтини боши узра тутганча, у Куприяновларнинг уйига борарди. Анфиса деразани ланг очдию:

— Ҳали ҳеч нарсадан хабарингиз йўқми, Марья Кирилловна?— деб сўради.

— Йўқ. Нима эди?

— Уйингизга қайтинг. Жуфти ҳалолингиздан суриштиринг.

«Илон! Ғар!» Марья Кирилловна кўнглидан шу гапни ўтказса ҳам Анфисанинг оқи оққа, қизили қизилга ажратилган чиройли чеҳрасидан кўзини аранг узди. Шаҳло кўзларининг жозибали ва маъсумлигини айтмайсизми, сочлари ҳам фарқи тўғри таралган: «Алвасти! Иблис!»

Марья Кирилловна лом-мим демай уйига равона бўлди, бироқ уни ичкарига киритишмади: «Маишатбозлик қилишяпти, киритмасликни тайинлашган».

У аразлаб, тумшайиб қўл зонтини тақиллатиб, эрининг ёнига борди:

— Бу қанақаси, Петр? Шуюм ишми?

Петр Данилич кўз ёшларини артиб, хириллаб қўшиқ айттарди:

Менинг сарсон бошим, менинг тош бошим,

Сени яна қанча юргу-у-ум кўтариб...

Тунга яқин ҳаммаёғи лой, ҳўл, кўзлари нурсизланган Прохор ўрмондан қайтди. Шими, курткасининг енги йиртилган. Сочларида ва картузида игнабарг дарахтларнинг игналари. У эндиликда бегона бўлиб қолган ўз дарвозаси олдида тўхтади,

бирпас ўйлаб турди-да, дарвозани қоқди. Ҳовлида ит ақиллади. Сўнг хизматчининг овози эшитилди:

— Нима дейсан? Ие, Прохор Петрович, сенмисан? Уйга қўйма, деб тайинлашган.

Прохорнинг кўзлари чақиндек чақнади-ю, лекин ёмғирда ўчган учқундек сўнди. У ёлворди.

— Худо ҳаққи, оч. Бир нарсани билсам бўлди.

Елворгувчи, ингичка овоз уники эмасди. Дераза шарақлаб очилди. Прохор деразада ҳеч кимни кўрмади, фақат аламга тўла бўғиқ дағдагани эшитди:

— Бор, тошингни тер! Йўқса, пешонангдан отаман.

Дераза ёпилди. Прохор Нинанинг чинқирганини ва йиғлаганини эшитди. Унинг қалби ўртаниб кетди. Йиқилиб тушмаслик учун дарвоза ёндарига суянди. Шу чоғ дарвозанинг тирқишидан, нақ бурнининг тагида конверт кўринди:

— Прохор Петрович,— деб шивирлади хизматчи тирқишдан.— Ма, ушла, бериб қўйинг деганди.

Қоронғи. Чамаси Прохор уйига кетяпти, оёқлари лойни эзгилайди, бирин-кетин гугурт чўплари ёниб-ўчди: «*Прохор, жонгинам...*» Йўқ, ўқиб бўлмайди, қоронғи.

— Хўш, Прошенька, уйландингми?— деб хира пашшадек гингиллайди Анфисанинг овози.— Бокира, бегуноҳ малакни слдингми? Алвастидан тондингми?

Прохор қадамиши илдамлатди-ю, нариги томонга ўтди, Анфиса изма-из эргашиб келаверди. Анфиса яна қулоғига гингшиди:

— Ҳа, майли, ҳечқиси йўқ... Алвасти барибир сени ром этади... Севасанми ахир?

— Анфиса... Шундай пайтда нима кераги бор буни? Шундай пайтда...

— Э-э, Прошенька... Э, қадрдоним. Қўлимдан чиқиб кетолмайсиз... На сен, на отанг... Менда сеҳру жоду бор...

— Анфиса... Анфиса Петровна!

Уларнинг нигоҳлари тўқнашди. Анфисанинг нигоҳи қаҳрли, мағрур, Прохорники эса баёвгина. Улар четан девор ёқалаб ёнма-ён боришарди. Рўпарада чироқ милтилларди.

Унинг ярим очиқ лаблари кишини жазб этар, оппоқ садафдек тишлари ярақлар, лой кечиб бораётган абжир оёқлари юракни срзиқтирарди. Прохор тўхтадию улар изма-юз туриб қолишди. Уларни бир-биридан сийрак нимқоронғилик ажратиб турарди.

— Нима хоҳлайсан ўзи, Анфиса?

— Сени хоҳлайман.— У тез-тез эҳтирос билан нафас ола бошлади; у ўзи билан олишарди, юрагига, қўл-оёқларига буйруқ берарди, бироқ юраги таранг кўкрагига гурс-гурс урар, қўллари эса оққушлар янглиғ Прохорнинг бўйнига чирмашмоқчи бўлиб, баланд кўтариларди. Йўқ, аҳдидан қайтди, қўллари жонсизлангандек икки ёнига шалвираб тушди.

— Ташла, ташла уни! Мен ҳаммасини биламан, Прошенька... Қелинга ажойиб нарсa совға қилган эмишсиз?

— Хўш, кейин-чи?— деб шивирлади Прохор.— Ташлама-сам-чи? Хўш, уйлансам-чи?

— Бермайман, кўзичоғим, бермайман! Айтяпман-ку сеҳру жодум бор, деб... Сеҳру жоду...

— Кейин-чи?— Прохор безгак тутгандек қалтирар, қулоғи шанғиллар эди.

Аффиса секин кулди:

— Пулингиз қулоғини ушлаб кетади. Бадарға қилина-сиз...— шундай дедию совуқ хахолаб кулганча ура қочди.

Қалам ёзилган кўк мактуб:

«Прохор, жоним! Севгилим! Йўл эпақага келди дегунча жўнаб кетамиз. Чол азму қарорида мустаҳкам, иш кўзгамоқчи, сизнинг шаҳрингизда бу ишни кўтариб чиқмоқчи. Гарчи исроғада бувимнинг номи ёзилган бўлса ҳамки, мен бунга ишонмайман. Чолнинг кўзи ўткир, ўқибди. Қанчалик даҳшат-а, булар! Лекин бунга сенинг, менинг бахтимизнинг нима даҳли бор? Умуман... жоним, руҳингни туширма! Бу худо томонидан юборилган синов! Унутма мени! Ишонаман, ҳамма иш жойида бўлади. Ҳозир бўлмаса ҳам кейинчалик. Тун бўйи сен ва ўзимизникилар ҳақида дуо ўқийман. Сенинг Н.

Р. С. Тайгага борма! Телеграммани кут. Утинаман, ёлвораман. Ойимни йўлга солишга уриниб кўраман. Н».

Мактубни гўё икки киши ўқиди. Аслида фақат Прохорнинг ўзи ўқиган бўлса-да, бошқаси унга халал бериб турди, ҳиринглади, алланарса деб гўлдиради. Чироқнинг сарғиш шуъласи билан кўк мактуб орасида кулранг пардани силкитди.

Прохорнинг калласида ўрмон сурони авж олди. Тайга жилғалари шилдиради, юраги сиқилди.

Кимнинг олдига борсин энди у? Ойиси ухлаб ётибди. Отасининг олдига бормаиди. Прохор ечинди, ёмғирда ивиб кетган ички кўйлагини ечиб ташлади ва яп-яланғоч ётди. Қалтиради. Устига пўстин ёпди. Қалтироқ яна баттар авж қилди. Боши зил бўлиб кетди. Хаёлини ё уйқу, ё алаҳсираш чулғади...

— Хўш? Сенга не бўлди?

— Иброҳим, сенмисан?

— Ким бўларди? Хўш?

Манглайц кенг черкас қизил кўйлак кийган, иштоңчан, яланғоч эди. У трубкасини буруқсатганча унинг ёнида стулда ўтирарди. Қуюқ қора қошлари, соқоли тўсдек қорайиб кўринарди. Черкас кўзини қисиб тикилди, алланарсани ўйлади. Прохорнинг мясию қалбига разм солди. Сарик чироқ қийшайиб, яшил қалпоқчасини кўзига туширгунча Прохорнинг қалбига тикилар, у ҳам ўйлар, одамлар нима деркин, деб қулоғини динг қилиб турар эди.

— Нима қилай энди?— деди Прохор куюниб, оҳиста, ҳорғин овозда ва йўталди.— Сен яккаю ёлғиз... Энг садоқатли. Ҳа, Иброҳим... Ҳаммаси тамом бўлди... Нина жўнаб кетади.

— Тамом, Прошка.. Қҳ!.. Э, аттанг. Прошка... Қизга ачинади одам!.. Сенга ачинади..

Чироқ қулоқ солиб турарди. Одамлар индашмасди. Чироқ қулоқ солар, нима учун индашмаётганини тушунар эди. Прохор пиқиллаб йиғладию кўзларини пирпиратди.

— Нега тайгага бординг? Жикқа хўлсан. Касал бўлсан..

Черкас бошини қуйи солинтирди. Шифтда қўниб турган пашша виз этиб учиб тушдию черкасининг ярғоқ, сариқ бошига қўнди.

— Чақади,— деди Прохор. Унинг нафаси қайноқ, қисқа-қисқа эди.

— Эртага мўрчада бугланамиз, тури билан ишқалаймиз.

— Ҳа,— деди Прохор.— Чироқни паст қил, кўзни огрит-япти.

Шуъла санчди, чироқ сариқ тилини тақиллатиб, қалпоқчасини чаккасига қўндирдию ҳаракатсиз рақс бошлади.

Қоронғи. Иссиқ. Стул ғижирлади. Бошига ҳўл қўл босилди.

— Хўп, майли, Прошка. Сен ёшсан, мен ошимни ошаб, ёшимни яшадим. Қайғурма... Ухла!

Ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб, чигаллашиб кетди. Қаёққа қараманг: крестлар, крестлар. Деразаларнинг мотамсаро, қора ромлари сарғиш жимирлар, бурчакда ялтёрбош, сержило, гунг тонг писиб турар эди. Бесўнақай одамлар Прохорни кўтаришиб, ўтқазишар ва сув беришар эди. Мана, фельдшер Нил Минанч; унинг оёқлари ва танаси йўқ, боши беўхшов, қўллари таёққа ўхшайди, оғзи— нақ ўра. Мана, ҳазрат Ипат: «Азбаройи худо!»— дейди у ва дуо қилади. Унинг бўйнидаги крести оловдан, эғнидаги жуббаси тутаяпти. «Иссиқ,— дейди фельдшер,— Азбаройи худо...»

— Ойи,— деб овозини синайди Прохор.— Нега куласиз? Ниночка қани?

Нина йиғларди. Унинг кўз ёшлари бамисоли тошга ёққан ёмғир эди.

— Ҳай, майли,— деди Прохор,— менга ортақ ҳеч нарса керакмас.

Кейин уни бўлак-бўлак қилишди, бошини бураб чиқариб шкафга яшириб қўйишди.

Ҳаммаёқ тинчигач, Прохор ўридан туриб, кўзгу ёнига келди ва керишди. «Аҳмоқлар»,— деб ўйлади у. Кўзгудан унга соғлом, қорамағиз йигит кулиб турарди. Прохор уни таниди. Прохор қушдек енгил тортиб, хурсанд бўлиб кетди. У елкасига венгеркасини ташлади, ёстиқ, гугурт олди ва писиб роҳатижон, меҳрибон маҳбубасиникига бормоқчи бўлди. Бироқ, қараса, эшик қулфлоглиқ. «Қўриқлашяпти, аҳмоқлар», Прохор дераза олдига борди-да, гугуртни ташлади,— у илиб олди, ёстиқни

ташлади, у илиб олди, кейин ўзини отди. У уни кўкрагига босиб ўпди.

— Тобим йўқ,— деди у.

Унинг мовий хонаси. Бурчакда сарғиш тонг писиб турибди, осуда, ялтирбош, сўниқ. Нажоткорнинг чироғи ёруғ. Қазил шуёла унга им қоқди. Нажоткор унга нигоҳ ташлаб, ўйга чўмди. Прохор чўқинишга эринади. У танбаллик билан:

— Салом, худо ҳаққи!— деди.

— Салом, лочин,— деди у.

Шундан сўнг икковлари юмшоқ каравотга, ҳаворанг парқу кўрпа остига шўнғидилар.

— Уйқум келяпти,— деди Прохор,— ухлайман. Албатта сени жонимдан ортиқ яхши кўраман.

Жонбахш қадрдон Анфиса уни қайноқ, асалдек бўсалари билан ухлатди. Тонг ер бағрлаб олтиндек товланганча сирпандию ҳаворанг кўрпага, Прохорнинг оёғига қўнди ва уни оппоқ булутга чулғаб эртаки-ей, воқеий ҳикоями-ей сўзлай кетди.

15

— Нима бало, ҳаммангиз жинни бўлиб қолдингизми?— деди Анфиса Шапошниковга.— Петр эсини йўқотгунча ичибди, уйдаги ҳамма нарсани синдириб ташлабди. Иброҳим уни омборга қамаб қўйибди... Маҳкама бошлиғи хат устига хат йўллаяпти, бугун яна келишини хабар қилибди. Илья ҳам ўзимни осиб ўлдираман, деб пўписа қилади. Тавба, эсларингни еб қўйдиларингми?

Шапошников бошини эгиб, кўзойнаклари остидан рўйирост Анфисага, унинг лабларига, бағбақасига, иккита кулдиргичи бор юзига тикилиб турар, унинг овозини эшитардию, нима дейётганига тушунмасди.

— Эшитяпсанми? Нега индамайсан? Шапка!

— Уйлаяпман...— деди у маъюс ва соқолининг тагини қичиди. Кейин ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёққа юрди. Пакана, кулгили эди у. Жун белбоғининг попуклари ғариб осилиб турарди.— Мен сиз ва ўзим ҳақимда ўйлаяпман. Бизнинг йўлимиз айри тушган. Ўзимиз ҳам икки тоифа одамлармиз. Фожиавий одамсиз, Анфиса Петровна, яъни жўнроқ қандай ифода қилсам экан фикримни? Хуллас... Тилим лол... Фикрларимни бир ерга жамлай олмаяпман. Гапнинг қисқаси, орқангиздан қора кўланка, қисматми-ей, кузатиб юрибди. Шунга қараб, ўйлайманки... Чамаси ҳаётингизни хунук тугаллайсиз...

— Гапир, гапир, Қазил шапкача, гапир...— Анфиса парвойи фалак ёнғоқни қарсиллатиб чақар, лаблари ва бурни ёнида яқинда тушган ажинлар кўзга кўринар эди.

— Қочиш керак, Анфиса Петровна... Ҳа... Яъни, мен қочишим даркор. Қаёққа? Билмайман! Жаҳаннамга! Чамаси илгари

хам мен шу ҳақда гапирган эдим. Мен ўзимдан-ўзим қочишим керак...— Сўнгги сўзларини у бўшашиб, умидсизланганча гапирди ва ухлаётгандек кўзини юмди.

Анфисанинг чароғон хонасидаги қалин қора дарпардалар тушириб қўйилган. Сувоқдан чиққан оппоқ деворлар маъюс тортди: улар алланарсани фаҳмлашган, ниманидир кутишади. Атир-упа қўйилган, оёқлари ингичка столча устидаги кўзгу ҳам ҳадик-хавотир билан олдинга энгашган. Кўзгуда меҳмоннинг чалишиб кетаётган жонсарак оёқлари акс этади, этикларининг едилрилган тумшуқлари савол белгисидек чўққайиб қолган. Чироқнинг ҳаворанг қалпоқчаси орқали таралаётган шуъласи мудроқ ва сирли, худди қабристондаги ойни эслади.

— Емон,— сукутда меҳмоннинг овози эшитилди.— Шундай ёмонки, нарёғи йўқ. Кимни севасиз ахир, Анфиса Петровна, астойдил, қаттиқ, эрмак учун эмас, жону...

— Прохорни.

— Ҳай, ҳай. Бундан нима чиқаркин? Рост, сизда макр деган нарса анча-мунча, лекин қизни абгор қилмасангиз керак!

— Э, ҳеч вақтда нима ишташимни ўзим биларканманми? Қизиксан-а, Шапкин. Эртага балки сени истаб қоларман? Эҳтимол, бир умрга сеники бўларман.

— Йўқ, Анфиса Петровна. Сиз хавфлисиз! Жуда хавфлисиз, Анфиса Петровна! Уша тунда менга қилган илтифотингизни ҳеч қачон унутмайман, сиз ўшанда меҳрибонлик қилиб бўйнимга худонинг сиймоси — иконани тақиб қўйдингиз. Мени авф этинг, иконани кераксизлиги учун хўжайинимга бердим: икки фунт пиёзга алишдим. Шунақа... Уша тундан кейин мен қандайдир руҳан мажруҳ бўлиб, шифтга тикилиб ётдим ва муттасил ўйладим. Мен ўша тунда эс-хушимдан бегона эдим, бунинг учун уят менга. Эсимда турибди, мен овсарларча йиғладим, кадр-қимматимни бир пул қилиб, оёқларингиз тагида судралдим. Уша тунда сиз руҳимни ўтқир оғу билан заҳарладингиз. Нима қиласиз, одамларни бунчалик қийнаб? Мен на Прохорга, на Петр Даниличга ҳавас қиламан. Одамларни бунчалик қўғирчоқ қилиб ўйнаш керакмас.

— Хўп, қани айт-чи, мен нима қилишим керак, баттол?— деб чинқирди Анфиса зардаси қайнаб ва бир сиқим кедр ёнғоғини меҳмоннинг шумшук соқолига отиб юборди.

Шапошников сесканиб тушди. Ёнғоқлар тақирлаб худди қиқирлаб кулаётгандек тоза полда сочилиб кетди, кўзгу им қоқиб, чайқалди, мудроқ деворлар худди аскарлардек қаддини ростлаб ғоз қотди.

Бир жуфт ёнғоқ меҳмоннинг соқолига илашиб қолди. Шапошников шошилмай чақди ва уларни еди. Кейин дудуқланиб гапирди ва бурчакдаги нақшанкор печь ёнига борди.

— Ҳаяжонланиш ярамайди, зарарли,— деди у.— Юзнинг ранги ўзгаради. Хуллас, тўғри мулоҳаза юритганда, сиз Про-

хорни ўз ҳолига қўйлишингиз керак. Петр Данилич хусусига келсак... Мен бундай фикрдаман...

— Қавша, кавшасанг-чи, сақични!

— Дунёда ахлоқ-одоб деган нарса бор. Ҳа. Дарвоқе, буни сизга... Хулласи калом, сиз Марья Кирилловнанинг тақдири билан ўйнашяпсиз.

Анфиса жаҳл билан тиржайди.

— Наҳотки, ҳамма подшо жиноятчилари сендақа, а? Мағзава!

Қийшиқ елка Шапошников хафа бўлди. Қўлини орқасига қилиб, йўл-йўл тўқима пойандозни гижимлаганича хонада кеза бошлади.

Анфиса ўтирди-да, кўзгуга ўгирилди. Кўзгу унинг чеҳрасига тикилди. Анфисанинг чеҳраси ҳаяжонли, тунд эди. У чурқ этмасди. Шапошников йўталди, стулга шарпа чиқармай ўтирди. У ёнғоқ солинган идишга қўлини чўзди, бироқ мулоҳазага бориб ниятидан қайтди, қўллари шалвираб тушди. Индамай ўтиришди.

— Исирға ҳақида эшитдингми?— деб сўради Анфиса алоҳа кўзгудан.

— Эшитдим,— деб жавоб берди деворлар, соқол, серажин, тақир манглай.— Орадан кўп вақт ўтгани учун бу далил ўтмайди. Жиноят содир бўлганини исботлаш амримаҳол.

Анфиса кўзгу олдига келди-да, тароқ билан сочини тўғрилади.

— Хоҳлайсанми, сенга бир нарса кўрсатаман, ҳужжат... Прокурорга кўрсатсам борми, Громовларнинг уйи куяди.

Анфиса кофтасининг ичига қўлини тиқиб, крестга боғланган ҳожатбарор калитни олди.

Шу кунни кечқурун Иброҳим Куприяновлар тушган уйга кириб борди. У ўз одатича кавказчасига илдам одим отиб эмас, гўё зил юк орқалагандек алпон-талпон қадам ташлаганча сурғалиб келди. Ҳориб-толган, ҳафсаласи пир бўлган Яков Назарич йиртиқ, йилтиллаб кетган диванда дам олиб ўтирарди. Нина сафар ҳозирлигини кўрар, лаш-лушларини жойламоқда эди.

— Хўш, нима дейсан, касофат?— деб сўради савдогар.

Черкас қулочкашлаб, уқувсизлик билан иконага чўқинди ва тўсатдан ўзини Куприяновнинг оёғи тагига ташлади:

— Меники ўлдирди сени онанг, отанг... Меники!— деб черкас нола қилди, қошини чимирди, қўлларини кўксига чалмаштирди.

Савдогар дарров унинг гапига тушунмади, зарда билан сўради:

— Нима деб гўлдираяпсан? Нима?

— Ота-онанг мен ўлдирган... Меники!

Нина рух қанддонни қўлидан тушириб юборди, кўзлари олаиб кетди.

— Сен?!— Яков Назарич дик этиб ўрнидан турди ва катта мушук сичқонга ҳамла қилгандек панжаларини ёзди. «Сотиб олишган,— деб ўйлади у.— Сотиб олишган аблахлар».— Алдаянсан, ифлос махлуқ... Узингни бадаргага духоб қиялсан,— деди у бўғриқиб паст овозда.

— Нима қилсанг қил, хўжайин... Мен...

— Қаерда ўлдирдинг? Қачон? Уларнинг кўриниши қандай эди?— дўпиллатиб подни тепди Яков Назарич. У дам сапчиб ўрнидан турар, дам ўтирар, дам халатининг этагини очар, дам ёнар эди.— Алдаянсан, ярамас, қонхўр, жиноятчи нобакор!..

Черкас тиззалаб турган ерида олдинги бурчакка ўғирилди ва икона олдида қўлини силжитиб, бўғиқ овозда дўриллаб гапирди:

— Меники чўқинган... Ҳазрат чўқинтирган... Мана, худо. Исса Кристо!... Олло!.. Буви Мария... Мен ўлдирган...

Нина бошини печкага қўйганча, дағ-дағ қалтирарди.

— Тур ўрнингдан, иблис, кўппак!.. Эшикнинг олдига бор, гапир... Тўхта, тўхта! Гапир!

Черкас тилини яссилаб, бидирлай кетди:

— Меники каторга қочган, тайгада юрган. Қурсоқ оч, ош йўқ. Қарасам — тройка. Ямшикни чавоқладим. Чоли чавоқладим, кампирни чавоқладим...

— Кўринишлари қандай эди? Усти бошлари-чи?— деб қичқирди савдогар ва юрагини чангаллаб қолди.

Иброҳим совуқ кафти билан пешонасининг терини артди, қуюқ қора қошлари паст-баланд учди.

— Қулоқ сол, хўжайин... Меники алдаган йўқ... Эшит...

Черкас гапидан адашиб, дудуқланиб, гўё тафсилотларни эслашга уринаётгандек қийналиб ҳикоя қилди. Азбаройи тўлқинланганидан чиройи очилиб, юзини мунчоқдек сариқ тер қоплади, ҳаво кўксидан тиқилиб ҳуштак чалиб чиқа бошлади. Терга ботиб, ҳаяжонга тушган Яков Назарич ҳам ўзлигини унутиб деворга осиглиқ милтиқни илиб олди ва ҳамон чўккалаб турган черкасни кўксига тепди:

— Қани!... Эшик ёнига бор!...

Нина чинқирганча отасига ёпишди, бироқ у қизини аямасдан четга улоқтирди. «Қоч!!»— Нина югуриб кўчага чиқди.

— Меники алдаган йўқ... От! Тўғри юракка!..

Черкас ўрнидан турди, елкаси билан эшик кесакисига суянди ва сертармоқ қон томирлари ўқлоғидек ўйнаган йўгон биланги билан кўзларини тўсди. Юзи бир зумда салқиди, чўзилди ва бўзариб кетди.

Мана, милтиқ отилишга шай. Яна бир сония ўтгач, ғазаб ўти савдогарни ўч олишга даъват этади. Одатда мамлакатнинг овлоқ жойларида одамлар ўз душманларидан шу тахлит ўч оладилар.

Нина жон аччиғида қичқирганча кўчадан югуриб борарди. Громовлар уйининг зинасидаги пиллапоялар дукиллаб хавф-

хатардан дарақ берди. Нина ўзини Марья Кирилловнанинг кўксига отди. Шундан сўнг икковлари йўл-йўлакай чўқина-чўқина орқаларига қараб югурдилар.

— Улдиреди, ўлдиреди уни!.. Улдиреди...— нафаси оғзига тикқилиб аранг гапирарди Нина. Уйга етишларига уч қадам қолганда гумбурлаб милтиқ отилди.

— Вой худойим-е, ўлдирди!..

Қаердадир ит хунук увиллади. Ҳаммаёқни туман босган, уйлардаги чироқлар хира милтиллайди.

Дарвоза эшигидан хизматчи қалқиб чиқди.

— Қаерда отишяпти?

Воқеа бундай бўлган эди. Яков Назарич дармони қуриб, милтиқни улоқтирди. Шунда тепки босилиб кетди. Яков Назарич ўқ овозидан чўчиб тушди, диванга беҳол ўтириб қолди. Бирдан, у қизидан, ўзидан, черкаسدан уялиб кетди. Деворлар ҳам унга дашном бераётгандек бўлди. У фақат жаллод ролини ўйнамоқчи, черкасни қийнамоқчи, юрагини ёрмоқчи эди, лекин ҳайвоний эҳтиросга берилиб, ошириб юборди. Оз бўлмаса, қўлини қонга бўярди. Туф-е, сенга шайтон васвасаси! Ожиз одамни минг оҳангга солиб, йўрғалатасан-а! Савдогарнинг оёғидаги қадоқ аламга кирди. Юрагининг ёни сирқираб оғриди. Савдогарни кишини беҳуд қилувчи диққатпазлик қуршаб олди. У истисқо касалига мубтало бўлган одамникига ўхшаш зилдек оёғини узатди, қўлларини диванга тиради, энсасини деворга босди ва кўзларини юмди. Шу паллада бўғриқиб кетган гўштдор юзидан маржон-маржон тер қуйилди. Соқоли, қалтираётган жағлари билан бирга силкинарди; у пастки лабини тишлади-да, минғирлаб оҳу фиғон чекди.

Кўзларини очганда қўлини қовуштирганча чўккалаб турган Иброҳимни кўрди.

— Бадарға!..— қаҳру ғазаб билан пичирлади Яков Назарич.

Иброҳим билан ёнма-ён Марья Кирилловна, Нина, ҳаммадан олдинда Прохор тиз чўкиб туришарди. Қасалдан турган Прохорнинг кўзлари жавдирар, ўнг бетиде чаккаси орқали пушти рангга кирган терисида тарам-тарам ажин кўринарди:— у пальто, телпак, пийма ва ич кўйлақда эди.

— Утинаман сиздан, ялиниб-ёлвораман!— деб илтижо қиларди Прохор. У қўлини Яков Назаричнинг юмшоқ тиззасига қўйди ва унинг мовий, нам, пирпираётган кўзларига тикқилди.— Иброҳимга шафқат қилинг... Тайгада у ҳаётимни сақлаб қолган.— Одамни ҳимоя қилиб, шу оддий сўзларни айтганида унинг қалби ва онги теран шод-хуррамлик ҳисси билан лиммо-лим тўлди. Чор атрофдаги ҳамма нарса ярқираб кетди, кўзлари чақнади. Яков Назарич пишқириб нафас олди, ўрнидан турди, оёғи чалишиб парда тўсиқ ортига ўтди. У ерда бурнини қоқди, ҳеч кимга қарамай сўради:

— Исирға-чи?

Черкас пишиллади, кўкрагига гурчмлатиб урди.

— Данило чолга мен сотган. Узимники.

Яков Назарич ўтирди, ютоқиб муздек сув ичди.

— Сен қароқчига ҳозир айтадиган гапим йўқ. Йўқол, аблаҳ!
Сен ҳам Марья Кирилловна, бор, сенам бора қол, Прошка. Боринглар... Эртага...

Сўнгги воқеадан кейин Петр Даниличнинг дарров кайфи тарқаб кетди, унга дарҳол аввалги уддабуронлиги қайтди, бардам, фаросатли бўлиб қолди.

У кун бўйи Яков Назарич билан ҳамнафас бўлди. Ҳамма иш яхшиликча тугади, Громовлар авлоди шаънига доғ тушмади, черкасининг гуноҳидан ўтишди, тўй бўладиган бўлди.

Тўйни келаси йил Крайскада қилишга, индинга эса черковда номаълум қотил томонидан ўлдирилган савдогар Куприяновлар маросимини ўтказишга қарор қилишди.

Петр Данилич кечқурун Куприяновларникидан қайтгач, черкасни ўз хонасига олиб кирди-да, эшикни ёпиб қўйиб, ўзини унинг оёғига ташлади, унинг совуқ, қўланса, қорамоё сингиган этигини ўпди. Кейин юз сўмлик қоғоз пул чиқарди-да, Иброҳимга берди. Черкас миннатдорлик билдирди-ю, пулни олмади. Исо, худо ҳаммани севишни буюрган; черкас Прохорни севади, ишқилиб, Петр Данилич, Иброҳимнинг қўли қон, деган хаёлга бормаса бўлгани, йўқ, йўқ. Иброҳим ўғли қароқчи эмас.

Прохорнинг касали газак олиб кетди. Илья Сохатих шаҳарга доктор чақиргани бориб келди Нина билан Марья Кирилловна беморнинг тўшаги ёнидан бир қадам жилишмади. Айтмоқчи, Марья Кирилловна ўқтин-ўқтин Иброҳимнинг ҳужрасига кириб турди. Киранди-да, кўзёш тўкиб:

— Мунча яхшисан-а, Ибрагимушка!— дерди ва яна Прохорнинг ёнига ошиқарди.

Хўжакўрсинга тинчлик-хотиржамлик қарор топди. Фақат Прохорнинг касали ташвишга соларди... Бироқ доктор, хавфли ҳеч нарса йўқ, йингитнинг бақувват организми уч-тўрт кунда касалликни енгади, деди.

Черкасининг Яков Назаричнинг олдида жиноятни бўйнига олганини ҳеч ким билмади. Бунни қаттиқ сир сақлашга қарор қилишди.

Елғондака тинчлик ҳукм сураётан бу пайтда ҳар хил имкониятларга шароит туғилди. Олдинда икки тўй: Нина билан Прохорнинг, Варвара билан Иброҳим ўғлининг тўйи бўлиши кутилларди.

Илья Сохатих эса Марья Кирилловна билан бир ёстиққа бош қўйишни орзу қиларди. У бадавлат, машҳур одам бўлиб кетади, лаънати Анфисани бошига урадим!

Азбаройи Марья Кирилловнани ўзига ром этиш учун шаҳардан фрак, ҳал юритилган пенсне, оқ ўзлқоп, бироқ кийилган бантики амиркон ботинка, ҳаворанг трикотаж иштон сотиб олди.

Шаҳардан цилиндр топилмади, бу ерда цилиндрли машъалдорлари бўлган дафн этиш бюроси ҳам йўқ экан, лекин у барибир бу бежирим матоҳни маскарад кийимларини вақтинча ижарага берувчи абжир саргарошдан сотиб олишга мушарраф бўлди. Шунингдек, у Марья Кирилловнага олтин совға — узук харид қилишни ҳам унутмади. Ниҳоят у расмга тушишни кўнгли тусаб қолди. У дағал юзида тантилларча улғурорлик ва жиддий гўзаллик фазилатларини акс эттириш учун ойна олдида узоқ овора бўлди. Пенснеда, цилиндрда расмга тушди. Пенсени у зарурат юзасидан эмас, шунчаки олифтагарчилик учун сотиб олди, бордию узоқ вақт тақса, кўзи ачишарди. Бироқ Илья Петрович ҳаммасига чидади, ишқилиб расмда қойилмақом чиқса бўлгани.

— Мен америкалик лордга ўхшаб тушсам дегандим,— деди у лабларини қимирлатмасликка уриниб.

— Тек туринг! Кўзингизни пирпиратманг,— деб луқма ташлади фотограф.— Лордлар олифтагарчилик учун бир кўзли монокль тақишади. Оғзингизни артинг, малол келмаса, лабларингизнинг бурчида тупук кўринибди. Сал жилмайинг. Оламан... Тайёр. Миннатдорман.

Илья Петрович назокат билан таъзим қилди-да:

— Мирсите,— деб креслодан турди ва пенсени менсимайгина кўзидан олиб, цилиндрни қўлига олди.— Фақат ҳажми жуда катта бўлсин, рамкага қўйиладиган.

Шоввоз приставнинг ҳам ўз дарди бор эди. У қандай бўлмасин, латофатли Анфисанинг ўйнаши ё эри бўлишни орзу қиларди. Лекин қандай қилиб, хўш, қандай қилиб?

Подшо жиноятчиси Шапошников ҳам дунёдаги барча нарсани унутиб, шу хусусда хаёл сурарди.

Кеч ўтди, кун ўтди, тун ўтди. Кўнгироқчи катта кўнгироқни даранглатди, бемаврид мотам ибодати бошланди. Одам сийрак, бироқ Петр Даниличнинг хешлари жамулжам. Анфиса Петровна Козирева ҳамда бетоб Прохор йўқ, холос. Ибодат қилаётганлар ғарибона, камтарона, одатдагича кийинишган. Илья Сохатих эса жуда башанг кийинган — фрак устидан яп-янги тўқ яшил пальтони елкасига ташлаган, пенсне таққан, қўлида цилиндр, енгиди арзон докадан қора боғич. Устига-устак лабини бўяган, атир селган, ула қўйган, юзига қизил сурган, башарасида фожиавий ғам-ғусса зуҳур этади. У шундай жой танласинки, токи сохт-сумбати Марья Кирилловнага рўйирост кўриниб турсин. «Авлиёлар билан фароғатда»ни кўйлашганда у ҳамма қатори тиз чўкди, тақводорлардек чўқинди, афсус-надомат билан иконалар қўйиладиган токчага жингалак сочли иқиллаган бошини эгди. Барибир сабри чидамади. Илья Сохатих жилетининг чўнтагидан ажойиб ёқут кўзли узукни олди, ял-ял ёнаётган тошга ўгринча назар ташлади: юраги орзиқиб кетди. У ўгирилди-да, Марья Кирилловнанинг ёқимли-мулойим чехрасига ва унинг чайир белига разм солиб чиқди. Сўнг кўнглидан:

«Худо ҳаққи, кетворган жувон!»— деган гапни ўтказди-ю, бу совғани Марья Кирилловнага қандай хушмуомалалик билан топширсамикин, деб ўйлай бошлади.

Янги чўқинтирилган Иброҳим ҳаммадан олдинда, меҳроб яқинида ибодат қиларди. Бутун ибодат давомида у тиз чўқиб ўтирди. Жон-жаҳди билан чўқинди, бошини гумбурлатиб полга урди.

Худонинг бандалари Назар билан Феврониянинг қаъдасида ҳеч ким йиғламади, фақат ҳазрат Ипат обидийда қилди ва унинг нидолари йиғи аралаш эшитилди. Бундан ибодат қилувчиларнинг кўнгли бузилди. Пристав эса кўнглидан шу гапларни ўтказди: «Янги жубба тама қиляпти».

Худди у ўйлагандек бўлди. Яков Назарич кашишга жуббага эллик сўм берди ва ота-онасини умрбод ёдга олиб туришлари учун черковга уч юз сўм садақа қилди. Петр Данилич Громов ҳам бўлгуси қудасидан кейинда қолмади, хонадонида кутилган мудҳиш жанжал ва шармандаликдан ажиб бир тарзда сақлаб қолган қодир худонинг руҳи покига сажда келтириб, черковга уч юз йигирма беш сўм, яъни Яков Назаричдан нақ йигирма беш сўм ортиқ садақа қилди.

Нина Яковлевна Куприянова отасидан юз сўм сўраб олди-да, уларни беш сўмликларга майдалатиб, ошпаз Варвара ҳамроҳлигида Медведово қишлоғининг энг ғариб йигирмата кулбасини айланиб чиққанча, пул улашди.

Нина Иброҳимга шундай деди:

— Прохорга тегдим дегунча, сиз Иброҳим, бизда кўзга кўринарли ўринни эгаллайсиз. Мана, кўрасиз. Мен сизни авайлаб-асрайман. Жуда, жуда!

— Куприян хоним! Сенинг кўзинг олдинни кўради. Ишонасанми менга!

— Ишонаман. Ҳаммасини биламан. Тушунаман.

— Бўлди, ортиғи керакмас! Бас қил, бас қил. Ибрагимка ҳам олдинни кўради. Қҳ!— Черкас ҳаяжонга тушиб қизнинг қўлини ҳирс билан ўпа бошлади. Қўлига дам қирғийникидек бурни, дам лабларини босарди.

Эртаси куни эрталаб ота-бола Куприяновлар Медведово қишлоғидан жўнаб кетишди.

16

Ҳеч кераги йўқ! Қайтанга ўша алдамчи бехосият май оғи келмагани тузук эди.

Баъзи йиллари майда овлоқ тайгада қор бўларди, ҳозирчи, ҳатто кексалар ҳам бунақа ғаройиб кўкламни эслашқолмайди,— ҳозир май оғи дим, иссиқ, момақалди роқ устига момақалди роқ гулдурайди. Бунинг сири нимадайкин? Осойишта қишлоқ Медведово алғов-далғов. Қампирлар ҳар балоларни бичиб-

тўқишар, миш-миш тарқатишар эди. Тараша кампир эса, чўрт кесиб бундай деди:

— Фалокат юз беради. Фалокат бўлишни кутниглар. Христианлар!

Бироқ фалокатдан ҳозирча дарак йўқ эди. Нафсиламрига, яшин тушиб Варламовнинг хирмони ёниб кетди, тайганинг у ер-бу ерида ёнғин бўлади.

Петр Данилич Громовнинг юрагига ҳам ўт тушди, Марья Кирилловнанинг қалби ҳам момақалдироқ зарбасидан озор чекди, Громовлар уйи жойлашган замин ларзага келди. Анфиса Петровнанинг оёғи тагидаги ер силкинди. Фалокат юз беради, фалокат юз беради. Фалокат бўлишни кутниглар, христианлар!

Шу дим май кечаси подшо жиноятчиси Шалошников ҳеч ухломасди. У бошини қўлларига қўйганча қаттиқ похол тўшакда соатлаб кўкка боққанча ётар, муттасил ўйлар эди. Қаердир, миясининг бир пучмоғида, ҳаётим поёнига етди, қиладиган ишларимни қилиб бўлдим, деган фикр туғилган ва у борган сари қатъийлашар эди. Яна юз йил яшагани билан бирон нарсани кашф қилолмайди. Ҳеч кимга шодлик бағишламайди, ҳатто ўзининг шахсий бахтини ҳам яратолмайди. Шундай бўлгач, яшашидан қандай наф бор.

Ана шу, ўз ҳаётимни ҳам йўлга қўёлмайман, деган мудҳиш тушунча унинг оромини ўғирлаган эди.

Буёқда тагин Анфисага кўнгили қўйди. Бу туйғу унинг қарахт руҳига чириётган ботқоққа санчилган қозиқдек санчилди-ю янги гулғулага ва изтиробга солди.

Бироқ бу туйғу чинакам яхшиликкамикин ёки ёмонликкамикин? У ўз-ўзига жавоб берарди: «Ёмонликка». Аммо ҳаёти тик жарлик тубига пилдираб кетяпти, бунинг олдини олиб бўлмайди, учай деса, қаноти йўқ.

Мана, ёр-биродарлари яшашяпти, деҳқонлар қўлида батрақлик қилишяпти, сургуннинг барча қийинчиликларига чидам билан бардош беришяпти. Революцион ишларни давом эттиришяпти, мамлакатда бўлаётган воқеаларни мушоҳада қилишяпти, хат-савод чқариш тўғараклари ташкил қилишяпти, баъзилари ҳатто озодлик сари қочишяпти.

— Хўш, мен кимман?

Ҳа, ҳаёт оғир, тушуниб бўлмайди уни.

Хонада шимолий бўзранг қоронғилик. Бўри, олмахон, майда жониворлар сўниқ шиша кўзлари билан деразадан ташқарига, ҳаётга маънос боқадилар. У ерда ўликларга жой йўқ. Эҳ, қани энди қуруқшаган вужудларида лаш-луш эмас, ҳаётбахш қон бўлса!

— Узим ҳам ичига эски-туски нарсалар тиқилган одам тулумиман,— деб ҳасрат қилди у бўрига, олмахонга ва майда жониворларга; унинг қалби бўм-бўш, мушакларида сирқировчи ланжлик.

У дик этиб ўрнидан турди, гандираклаганча ёни билан хонада чопди, ердан трубкасини олиб, чекди, яна орқага-олдинга чопди. Бўри пушти оғзини очганча тишларини иржайтириб унга қарар, қани, одам охири қай кўйга тушаркин, дегандек уни кўзатар эди.

Одам стол ёнига ўтирди. Қўлбола тахта муқовали кундалигини очди. Уч сатр ёзди, бу ишни йиғиштирди. Дўстининг сўнги мактубини олди, ярим бетини ўқидию кейин мактубни ташлади.

— Бундоқ қилиш керак,— у перони сиёҳдонга тикди, қўли эринчоқлик билан ёза бошлади:

«Қадрдоним Анфиса, азизим. Қулоқ бер, қулоқ бер менинг гапларимга...»

Бироқ дил сўзларини қалам билан таърифлаш маҳол эди. Туйғу онги маҳв этди, қалбга ўт ёқувчи сўз бу дунёда йўқ эди.

У ёзганларини чизиб-чизиб ўчириб ташлади, бир кўнгли ўз ҳаётига ҳам нуқта қўйгиси келди. Ҳа, эндиликда у жонини қийнаб чора қидирди: Анфисасиз ҳаёт йўқ унга. У ёстиги тагидан Анфисанинг ҳаворанг кофтасини олди: (ялиниб-ёлвориб эсдалик учун сўраб олган эди), ҳарир шойига пахмоқ соқолини босди ва ўзини Анфисанинг ёқимли бўйнини қучганга солиб, ҳузур қилиб уни искади. Одатда жон талашиб ётган одам килород баллонидан ҳавони шундай ютоқиб симиради.

У овсарлашган юзини олмахонга ўгириб сўради:

— Йўқ, мен сиздан сўраяпман, нима учун бу жиноят?

Олмаҳон чурқ этмади, унинг мунчоқ кўзлари йилтиради: қуёш жамол кўрсатди, хона тонги заррин нурга тўлди.

Шапошников стаканини олди, сандиқ орқасидан шиша чиқарди. Бироқ шиша бўш эди.

Бир куни қечқурун алламаҳалда Шапошниковнинг ёнига Прохор кириб келди. Ҳали у касалдан батамом халос бўлмаган эди, лекин диққати ошиб каравотда ағанаб ётишдан нима фойда!

— Кун бунча исиб кетди-а,— деди Прохор заиф овозда ва ранги ўчиб, ҳолдан тойиб дарров ўтира қолди.

Шапошников каравотда чалқанча тушиб, чўзилиб ётган кўйи этигининг учини лиқиллатиб қуруқ йўталар эди.

— Ҳалиям ётибсизми?

— Ётибман,— деди бир оз сукут сақлаб Шапошников.— Ётавераман шундоқ, чунки эркинлик йўқ... Руҳ эркинлиги йўқ...

Прохор нафратомуз тиржайди, Шапошниковнинг трубкасига тамаки тўлдирди-да, чекди.

— Хўш, сизнингча, эркинлик нима?— деб сўради у ва трубкани сўриб йўталди-ю, четга қўйди.

— Эркинлик?.. Кишидаги шундай кайфиятки бу...— деди Шапошников бўйнини қашиб ва эринчоқлик билан оёқларини каравотдан осилтирди.— Авваламбор, нафасиламрини айтсам,

абадий эркинлик йўқ, бўлмайди ҳам. Ҳа, ҳа, бўлмайди.— У бутун вужуди билан силкиндию рўпарасида ким ўтирганни билмоқчи бўлиб, меҳмонга хира кўзлари билан тикилди.— Прохор Петрович, бу сизмисиз? Салом... Қоронғи... Пинакка кетибман... Мана, шам қолдиги... Еқинг...— У яна ғоздек бўйинини чўзди ва соқолининг тагини қашиди.— Ёхуд бундай: «Ўзим хон, кўлакам майдон, лекин ҳеч ким менга ҳукмини ўтказолмайди». Бу сўзлар ҳаворий Павелники. Энди, эркинлик нима умуман? Сиз шунни сўраяпсиз. Маъзур тутинг, маъзур тутинг!.. Масалан, сийсий эркинлик шундай ташкил топганки...

— Йўқ, сиз эркинлик нималигини тушунайсиз,— деди Прохор ва ўрнидан турди. Яна трубка сўрди, яна йўталди.— Менимча эркинлик икки оғиз сўз билан айтганда: *айтдингми —бажар*. Барча бу тутуриқсиз гапларингизу, лекин-пекнингиз ноўрин...

— Эҳ-е-хе-е-е... Йўқ, жигаргўшам,— Шапошников қўлларини орқасига қилди-да, пилдираганча хонани кеза бошлади.— Йўқ, жигаргўшам! Эркинлик, хоҳлаган томонига еладиган, совурадиган шамол эмас, аланга у — аланга. Сиз нимага **шам** қилаётганингизни билиб турибман. Биламан, биламан... лекин унутмангки, ўз иродасини ва ўз «истагини» амалга оширадиган одам ахлоқ-одоб борасида ҳам буни намойиш қилмоғи даркор...

— Одоб-ахлоқ дегани нима?— Прохор икки қадам ташлаб Шапошниковнинг йўлини тўсди. Шапошников тўхтади, сочлари тўзғинан бошини силкиди ва Прохорнинг дардчил қаҳрли юзига боқди.— Нима у одоб-ахлоқ?— деб қайта сўради Прохор.— Уни айнан сизга ўхшаганлар ўйлаб чиқарган ёки шамол сизгари ўз-ўзидан пайдо бўлганми? Йўқ, Шапошников... ҳар кимнинг ўз эрки бор, ҳар кимнинг одоб-ахлоқи бор...

— Ҳа! Лекин ўлчов, ўлчов... Қисман бўлса ҳам бўлиши керак-ку!

— Э, қисмай-писманнингиз билан қўшмазор бўлинг!..

Эшик унинг қалт-қалт қилаётган елкасига тазийқ ўтказиб, фирчиллаб очилди.

— Топган гапини-чи... Мижғов!— эшик кулбани ларзага солиб тарақлаб ёпилди.

Шапошников деразани илдам очди-да, ғира-шира қоронғиликка қичқирди:

— Менга қаранг, менга қаранг... Ҳей, эшитяпсизми? Анфиса Петровнани хафа қила кўрманг! Биламан, биламан, биламан...

Бироқ тиқ этган товуш эшитилмади. Оқ мушук кўчанинг нарёғида бўзранг бўлиб кўринди. Бир чеккадаги қайишда қузғун силкинди. Жимжит. Ҳеч зог йўқ. Умуман, биров бормикин? Балки Прохор ҳам уникига келмагандир? Йўқ, йўқ... Қанақа бемаънилик бу! Албатта келди,

Шапошников тутақиб, ҳаяжонланиб кўчага чиқди ва биров кўриб қолишидан ҳадиксираб, олазарак бўлиб, ўзини панага олганча дунёда ўзи учун энг кўнгилли уй ёнига келди.

— Ё тангрим! Бошингга не иш тушди, Шапочка? Худди тобутдан тургандексан-а.

— Бошимга ёмон иш тушди, Анфиса... Жону жаҳоним Анфиса!— шундай деб Шапошников ўзини Анфисанинг оёғига ташлади.— Ол мени, қалбимни, ақлимни ол... Шафқат қил! Менга тег ёки чивиндек эзиб ташла.

У аяичли, ҳўнграб йўғлади. Анфиса уни турғазиб ўтқазди. Ўзининг эса аъзойи бадани қалтирарди. У ўзини қандай тутишни, соқолдор бу гўдакни қандай юпатишни билмасди. Ниҳоят, у тилга кирди:

— Эҳ, шўрпешона, нима қилсамикин сени? Эй, волидаи муҳтарам, биби Марьям, ўзинг мадад бер менга!..— Шундай дедию Анфиса оҳ чекиб, иконага чўқина бошлади.

— Икковимиз, Анфиса, бинойидек ҳаёт кечиримиз мумкин. Мен сени, Анфиса, шармандалик ва ҳар хил фалокатлардан қутқармоқчиман...

— Нимадан?

Шапошников уйқусизликдан қизариб кетган кўзларини унга тикиб деди:

— Улимдан. Йўқса, ўлишга қасд қилдим, Анфиса. Номусли одам сингари узил-кесил қасд қилдим. Сенга гапим шу: бордию йўқ, деб мени ўлдирсанг, ўзингни ҳам ўлдирган бўласан, жонимни асраб қолсанг, ўзинг ҳам ҳаёт қоласан. Танла.

Анфиса ҳам ўтирди. У Шапошниковни ҳеч қачон бундай паришонҳол ва ғалати аҳволда кўрмаган эди. У бошини чуқур солинтириб, ўйга толди. Кўз ўнгида шу сония Петр Данилич пристав, Илья приказчик, Шапошников намоён бўлди. Бироқ қалби тўридан Прохор тушиб келдию ҳамма-ҳаммасини худди тўлқиндек супуриб кетди.

Анфиса хиралашган йироқ нигоҳини подшо жиноятчисига тикди:

— Хўш, нима дейсан? Қани, қандай тирикчилик қиламиз?

Шапошников дудуқланмай, ҳаяжонга тушмай бамаъни жавоб берди:— Сиз, Анфиса, ташвиш чекманг, ниҳояти ўттиз беш баҳорни кўрганман, маълумотли одамман, келажагимдан кўнглим тўқ. Ҳозирги бадарға муддати тугагунча шу ерда юрарканман, деҳқончилик қиламан, деҳқонлар ер беришмоқчи бўлишди. Боз устига, тузуккина овчиман, тулум ясашга жуда устаман, Фанлар академиясига тулумлар юбориб тураман, хулласи калом, Анфиса, мен билан муҳтожлик кўрмайсиз.

Анфиса гўё унинг сўзларини диққат билан тинглар, гуноҳкор кўзларини сузар, тақдир бошини силамаган одамнинг нокерак сўзларига қалбини очиб учун ўзини мажбур қилар эди. Кун иссиқ, лекин Анфисанинг елкаси асабий учарди. Анфиса жунжикиб, гулдор шол рўмолга ўралди. Ундан гуркираб ароқ ҳиди келарди. У рўйирост, очиқ-ойдин жавоб бериш ўрнига ваҳимали овозда гапирди:

— Нима кераги бор буларни, Шапочка, тунов куни алоқ-чалоқ туш кўрибман. Нима дейсан, айтиб берайми?

Шапошниковнинг кўзлари бежо, улар ёлқинланар, сўнар, хиралашар эди. У мингирлаб:

— Мен тушга ишонмайман албатта,— деди.— Аммо яқиндан бери бутун ҳаётим мен учун баайни тушдек бўлиб қолди. Ҳозир уйғониб кетаман, мана ҳозир уйғониб кетаман, деб кутганим кутган, лекин уйғонолмайман...— У пешонасини силади, соқолини сийпади, олдинга чўзилган кафтига синчиклаб тикилди ва сўради:

— Менга шуни айтинг-чи, Анфиса Петровна, ҳозир орамизда бўлаётган ишлар тушимиздами, ўнгимиздами! Башарти туш бўлса, илоҳим, у узунроқ чўзилсин... Шунчалик чарчадимки... Қийналиб кетдим...— У сўниқ кўзларини юмди, овози қуруқ ва босиқ эди.

Анфиса тўсатдан илон чаққандек сапчиб ўрнидан турди,— чеҳрасида ҳалокатли нажотсизлик зуҳур этди. У аламли фарёд чекди.

Шапошников чўчиб тушди, оғзи ланг очилиб, букчайганча эран-қаран ўрнидан турди.

— Ваҳм босяпти мени... Қўрқиб кетяпман... Жўна...— Анфиса силкинганча бориб каравотга йиқилди. Шапошников унинг нолайи фигони орасида шу сўзларни эшитди:

— Шапкин! Шапкин! Бахти қаро одамлармиз икковимиз. Ароқхўр бўлдик, иснодга қолдик. Истайсанми, биргаликда ўламиз? Розимисан?

— Мен сен билан бирга яшашни истайман. Яшашни! Бас қил ўша кучук бола Прохорни ўйлашни...— сочлари тўзғиган, соқоли пахмайган, қўрқинчли ва аламнок Шапошников бурнини қоқди, йўталди, Анфисанинг оёқлари ёнига тап-тап урди.

Анфиса каравотдан оёғини осилтириб ўтирди, унинг кўзлари қорайиб кетди, Шапошниковни бўйнидан қучоқлаб ярғоқ бошидан ўпди, аянчли ингичка овозда гингшиди:

— Бугун кўнглим гаш. Адашганимни билияпман. Умрим тугади ҳисоб. Ҳа, паймонам тўлди. Ке, маишат қиламиз!.. Мана, заҳар... Қани севишингни исбот қил-чи!..

Эшик қаттиқ тақиллади. Анфиса шахдам овозда сўради:

— Ким?

— Оч, Анфиса. Мен!

Петр Данилич гўё Шапошниковни пайқамагандек ёнидан ўтиб кетди. Анфиса Шапошниковнинг орқасидан эшикни беркитди.

Шапошников сувга тушган нондек бўшашиб, тўхтаб-тўхтаб, қўлларини тўлғай-тўлғай кўчадан борар, гўлдираб яна бўшлиққа қадам ташлар эди. Энди унинг ҳоли хароб бўлган, умид учқуни сўнган эди.

Петр Данилич жувонга гумонсираб қаради ва ўзини диванга ташлади.

— Мастмисан, нима бало?

— Ҳа, мастман,— Анфисанинг кўзлари чақнади.— Ичганим ичган!— деб пиқиллаб йиғлади-ю, лекин шу заҳоти ўзини қўлга олди. Бамайлихотир шкаф олдига борди ва жавондан коньяк олиб, тўппа-тўғри шишанинг бўғзидан ютоқиб симирди.

— Бу битлиқи нега кепти ёнингга?

— Сен тама қилиб келган нарсага-да.

Петр Даниличнинг юзи пир-пир учди, чап қўлининг жим-жилогли илгак ҳолига келиб, ликиллади.

— Елгон айтасан... Елгон...— деди у аста.— Бу ипирисқи кўнгили хушлагани, ялаб-юлқашгани келган. Мен бўлсам иш юзасидан келдим. Бақавли кенгаш. Она иши хусусида, иккови-мизгаям тегишли нарса бу.

Кечки алламаҳал. Деразаларнинг тавақалари ёпилган, какку соат ўн бир бўлганини билдириб кукулади.

— Мана, христианчасига сенга уйланмоқчиман,— деди у хирллаб четга қараганча.

— Йўқ, Петруша, йўқ. Менга ўғлинг, Прохор уйлапади.

Петр Данилич томоқ қирди, Анфисанинг юзига қаҳру ғазаб билан қаради.

— Эсинг жойидами? Ёки ғирт мастмисан? Прохорнинг қайлиғи бор.

— Ҳечқиси йўқ, кўрамиз ҳали... Умуман, сиз Громовларнинг тақдирингиз менинг қўлимда. Ёдингда тут буни, Петенька.

Шу билан мум тишлагандек иккови жим қолди. Анфиса ҳомуза тортди. Хаёлидан алланарсаларни ўтказганча, Петр Данилич ҳам эснади.

— Бор-э, деб приставга тегсаммикин-а, йўғ-е, Шапошниковга тегсам ҳам бўлаверади. Қиройи текканга яраша, ўшанга тегаман. Хоҳлайсанми, Петя?

— Мендан қанча пул олиш ниятинг бор?

— Қанча бўлса, ҳаммасини. Нақд пулниям, бисотниям. Ҳаммаси меники бўлсин. Ушанда розиман,— деди Анфиса ўйчан, баёвгина овозда, гўё ўз сўзларидан уялаётгандек четга боқиб.

— Бундан чиқди, ўзингни пулга сотмоқчи экансан-да?

— Узимни сотаман. Лекин эркин қушдек яшайвераман.

Бу сафар унинг овози ўчакишгандек чиқди. У кўзларини сизганча, меҳмонга кибри ҳаво билан кўзини лўқ қилиб қаради.

Петр Данилич бошини эгди ва кир, катта тирноқлари билан аввал сёкин-аста, кейин тобора ғазаби қўзиб столни қаттиқ тарақлата бошлади.

— Йўқ, тўғри келмайди. Ўзинг биласан, пулнинг ярми ўғлимга тегишли, қолаверса, Марья Кирилловнани ҳам ўкси-тиш керак эмас. Ахир, ўзингдан қоладиган гап йўқ-ку.

— Унда, йўлингдан қолма. Гаплашадиган гапимиз йўқ. Яхши бор, Петя, жўна. Ё қиттай қуйиб берайми кетар жафосига?

— Ичмайман. Ташладим. Ичкилигингни бошимга ураман-ми? Менга ўзинг кераксан!

— Менга Прохор керак.

— Анфиса!!

— Петька!!

Петр Данилич тупурди, гириҳ тишлари орасидан вишиллаган овоз чиқарди: «Илон»,— бутун ғазабини ерга сочиб, гурс-гурс юриб чиқиб кетди.

17

Бу ерларда Нина Куприянова пайдо бўлган ўша машъум кундан бери Анфиса оромини йўқотган, ўзини қўйишга жой тополмас эди. У: «Ҳозир ёки ҳеч қачон»,— деб иродасини қайрар, бироқ уни бир зарбага жамлашни истамас, иродаси унинг чигал хаёл сўқмоқларида қатралар каби сочилиб кетар эди. Бунинг боиси шу эдики, Анфисанинг қатъий хоҳиши йўқ эди, у снгилтаклик билан гоҳ унга, гоҳ бунга, гоҳ ўзининг кузур тузи — Прохор Петровичга дов қўяр, охири шундай бўлиб чиқардики, ҳаммасида чув тушарди. Тарқоқ хаёлларини бир ерга жамлашига оқилона маслаҳат берадиган одам ортиқ йўқ эди. Шапошников этагини силтаб жўнаворган эди, энди йўқ. Йўқ!

Анфиса ичкиликка ружу қўйди. Унинг ичи куйиб кетди.

Чучварани хом санабди чол! Анфиса хоҳласа, бас, Петр Данилич унинг учун ҳамма нарсани қилади, ўғлини шилади, хотинини гадо қилади, ҳеч қандай ёвузликдан қайтмайди. Бордию чол яхшиликча унамаса, уни қўрқитиб қўяди, унга шундай бир антиқа нарсани кўрсатадики, Петр кўз очиб юмгунича ялоқи итга айланади, унинг кетидан югуради, думини ликиллатади, оёғини ялайди. Дарвоқе, Анфиса аввал Прохорни қўрқитади. Ўзининг сеҳр-жоду кучини сўнги бор унда синаб кўради. Кейин нима бўлса бўлар, ҳозир телба, ўзбошимча аёл феъл-атвори қайси жаҳаннамга итқитишини билмайди. Тезроқ бўла қолса эди...

Анфиса уч кечаю уч кундуз ичди. Ичганда ҳам ёлғиз ичди. Хоналар қоп-қоронғи: дераза тавақалари уч кечаю уч кундуз очилмади. Йилт этган зиё ҳам тушмади бу ерга. Анфисанинг қалби ҳам зиёдан бебахра бўлди. Бутун ҳаётини ўйлаб чиқди, дарё-дарё кўзёш тўкди. Анфиса ўзига суиқасд қилмоқчи бўлар, бироқ қўллари иродасига бўйсунмасди: қўли, мияси, юраги пароканда, таянчи йўқ, ҳукмдор йўқ, фақат яп-яланғоч нажот-сизликкина гўё бурчакда ўтиради, стол устида эса вино тўла стакан. Икона олдида чироқ, Анфиса чироққа мой солади. Эҳтиёткорона мой солади, сўнмас шуъла Анфисанинг қалбида худога собиқ ихлосини ва ҳаётга ишонч ўтини аланга олдирмоқчи бўлади, лекин бунга эпллолмайди: Анфисага худога сиғи-

нишининг ҳожати йўқ, у энди ҳаётга ишонмайди, Анфиса ўлган. Аммо Анфисани гўрга тикишга ошиқманг! Ўлганида ҳам у кўрсатиб қўяди...

Лажойиб-гаройиб тушлар кўрарди у. Бир куни кечаси уйғониб кетди: бошида биби Марьямнинг иконаси, оёғида эса каравот белига ёпиштирилган мум шам турибди. Уни ким гўрга тикишга қасд қилди? Турган гапки, бу ишни тушида ўзи қилган. Пинҳона кўрқув ичида у биби Марьямни ўз жойига қўйди, мум шамни олиб ташлади. Бир куни уйғониб қараса, столга ошноқ дастурхон ёзилган, стол устида сувсиз самовар, чашкалар, мураббó, нон. Ҳайрон бўлди Анфиса: чамаси буларни тушида ўзи қўйган. Қувлардан бир кун уйғониб кўзини очса, ёнида, стулда нақ Прохорнинг ўзи ўтирибди. Анфиса чинқириб юборди.

— Қўрқма,— деди Прохор.— Қўрқманг, Анфиса Петровна. Биласизми, келганимнинг важи...

У ўрнидан турди. Анфиса ҳам турди.

— Ҳозир, ҳозир,— деди Анфиса сарқимада ва энтика-энтика илова қилди:— Мен ҳозир. Қай пайт ҳозир, кечасими, кундузимми?

— Кечқурун, соат ўн бир.

— Аччиқланманг, ёлғиз ўтира туринг. Мен бир зумда,— дедию Анфиса чиқиб кетди.

Прохор кетини узмай ютоқиб папирос чекарди: организм яқингинада касаллик бенасиб этган нарсаларни қўмсар, уларнинг ҳиссасини чиқармоқчи бўлар эди. Ҳаммавақтдагидек гулгул очилиб Анфиса кирди. Бироқ Прохор унинг қовоқларъ шишинқираганини, ингичка қошларида изтироб ифодаларини, чеҳраси билан овозида ташвишли гўсса борлигини пайқайди. Анфиса оқ оддий кўйлақда, сутдек оппоқ билаклари елкасигача очиқ, ўнг елкаси ёнида сунъий қоқигул. Қалин сочлари кулча бўлиб ётган илондек турмакланган. Кўксига юракнусха олтин медальон. Шу медальонда ўзининг бир тутам сочи борлигини Прохор билади.

— Илож қанча, балки мени ўлдиргани келгандирсан? Лекин мени ўлдирилмайсан, мен ўлганман.

— Қўй бу гапларни, Анфиса. Мен иш билан келдим. Тезроқ ўтир.

Бироқ Анфиса ўтирмади. У дераза эшикларини очди, деразаниннг ўзини эса боғ томонга очиб юборди, ташқари чиндан ҳам шаффоф — осуда тун эди. Нилий осмонда барглари сал-пал осилган дарахтларнинг тарҳи кўринарди. Тоза ҳаво Анфисаниннг муқроқ хоналарига қуйиларди, шам шуъласи лопилларди. Олис-олисларда, дарахтлар, томлар ортида, узоқ ўлкада яшин шуъласи сокин ялт-ялт қиларди: ишқилиб момақалдироқ бўлмасин.

Тун сукутида Анфиса оҳиста ўзи билан ўзи гаплашарди:

— Бирга яшаб, бирга ўламин. Агар сен якка ўзинг яшасанг, меннинг ўлганим, лочин.

— Бѣмани гапларни қўй, Анфиса...

Оқ кийинган, ҳаяжонга тушган Анфиса Прохордан уч қадам нарида турар, юмуқ кўзларидан маржон-маржон ёш оқарди.

Прохор ўрнидан турди, хўрсинди, хонани бир айланиб очик дераза ёнига ўтирди. Анфиса унга ўгирилди, шунда Прохор аччиғи чиқиб печка ёнидаги диванга бориб чўкди. Унинг совуқ кўллари елимшак тер билан қопланди, оғзи қуруқшаб қолди.

— Отамни кафангадо қилишингга ва онамни бахтсиз этишингга йўл қўймайман. Отамдағи пуллар унинг ўзиники эмас, меники: мен топганман. Қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаган отам бугун эрталаб шундай довдираб қолдики, обидийда қилиб ораларингга бўлиб ўтган гап-сўзларни узоқ сўзлаб берди. Қулоғингизга қуйиб олинг, Анфиса Петровна, ҳеч қанақа ажраш, ҳеч қанақа тўй бўлмайди... Акс ҳолда... Менга бир қадаҳ коньяк беринг. Дармонсизман,— у столга тирсагини тиради ва чаккасини кафтига босди, ранги кум-қув ўчиб кетди, чироқнинг сариқ шуъласи бурнини ва ич-ичига ботган юзларини сўррайтирар эди.

Ичини ёндирадиган бир қадаҳ коньякни ичиб, қуюқ хушбўй наливкадан ҳўплаган эди, юзи нақш олмадек қизарди, қошлари орасидаги қаттиқ тугун юмшади. Лекин унинг қалби юмшамади, у Анфисани бир умрга ёмон кўриб қолган эди.

— Анфиса, мен сени аввалгидек севаман,— деди аламзадалик билан. Прохорнинг қора кўзларида макр ифодаси яширинган эди; бироқ Анфисанинг паришон нигоҳи бу сафар илғаб ололмади уни, Анфиса лаққа тушиб ишондию ўзини унинг бўйнига отди.

— Севасанми? Наҳотки севсанг?!

— Ҳа, ҳа, ҳа. Фақат гапимга қулоқ бер, илтимос қиламан.— Прохор уни совуққина ўпди, ёнига совуққина ўтқазди.— Қулоқ сол.

Ҳаво етишмай энтикиб турган, томирларида қон кўпирган бир вақтда қулоғига гап кирармиди.

Прохор секин, узуқ-юлуқ гапирар, қадаҳ кетидан қадаҳ бўшатар эди.

— Хуллас, ҳамма иш яхши бўлади... Фақат сен тўйимизга тўғаноқ бўлма, ҳаётимизга раҳна солма. Сени ҳеч қачон унутмайман, Анфиса... Сени пинҳона севаман.

Бу сўз Анфисага чақин ургандек таъсир қилди. Олисда дастлабки момақалдироқ гумбурлади.

— Қа-ра-а-я!— деб чўзди Анфиса. Унинг овози гурс-гурс ураётган юраги таъсирида тўлқинланиб чиқди.— Ана холос... Севги деб бунга айтадилар! Бундай севгинг учун раҳмат сенга. Гап бундай...— у дик этиб турди, бурун парраклари кенгайди; нафаси пишиллаб чиқди. Жим бўлиб қолган Прохорга кўзларини чақмоқдек чақнатди.

— Уйлан, азамат, уйлан,— энди у оёғининг учида турганча, бошини азот кўтариб шанғиллаб гапирарди.

— Уйлан, мен эсам отаиҗга тегаман, барибир сени ўз севгим билан нобуд қиламан. Гапим — гап. Эҳ, нодон!.. Мени ҳали билмас экансан. Ҳамонки, сен мени бир жибилажибонга алмаштирибсан, мен сени, лочин, ҳеч кимга алиштирмайман... Мана, кўрасан!

У коньяк шишасини чангаллаб олди-да, нақ бўғзидан бир неча қултум ютди. Ташқарида дарахтлар шовиллаб, хонага шабада кирди.

— Мана,— деди у ва бўйнидаги крестни юлиб олди,— мана, крестга калит боғланган, калит ҳув анави махфий қутичаники, ўша қутичада эса, ажойиб бир нарса бор. Раҳматлик буванг Данилога оқсочлик қилиб юрган қизлик пайтимда у менга билагозук совға қилган. Билагозукда эса баъзи бир ҳарфлар бор. Баъзи бир... Ҳа-ҳа!.. Буни мен шу ерда яшовчи фаросатли, ақлли, билимдон бир йиғитга кўрсатдим. Яна бир қоғозни ҳам кўрсатдим. Уни Данило бобонинг темир қутисидан топиб олгандим. Унда барча ўлдирилганларнинг исми шарифлари ёзилган. Бобо кечасию кундузи ибодат устида уларнинг номларини тилга оларди. Худди шундай: «Мен ўлдирилган одамлар...»— деб ёзилган. Фаҳмляяпсанми? Бундан шу нарса маълум бўладики, қотил Иброҳим эмас, сизлар қотилсизлар, Данило бобо қотил, имонсиз каллакасар. Бутун қотиллик, Прошенька, сизнинг устингизга тушади...— Анфиса энсақотар, чучмал, худди хиргойи қилаётгандек гапирарди, гарчи унинг овозида таҳдид сезилмай, кўзлари кулиб турса-да, у айтган шафқатсиз сўзлар Прохорни даҳшатга солди.

— Хў-ўш?!— Прохор Анфисани қўрқитиш ва ўзидаги жирканч ҳисси Анфиса олдидаги қўрқувини енгиши учун ўшқирди.

Анфиса унинг ёнига ўтирди, ясама карашма билан сочларини силади, кўзларига тикилди, таҳқиромуз чуғурлади.

— Ана шунақа, Прошенька, истаганингни танла: ё менга уйлан, ё прокурорнинг қўлига туш, суд, шармандалик — бутун мол-дунёнигизни тортиб олишади.— Анфиса уни қучоқлади ва кўзлари қаҳрли чақнаб, Прохорнинг лабларидан ҳарислик билан ўпди.

Прохор қаршилиқ кўрсатишга ўзида куч тополмади, ичкилик кайфини ошириб, латтадек бўшаштириб юборган эди.

— Бошқа туйнук ҳам бор. Балки у туйнук эмас, катта дарвозадир: Куприяновларга тилгром юбораману жонон билан тўйингизни бузгани уларникига етиб бораман.

Прохор эти увушиб дир-дир титрарди. Анфиса ҳам титрарди. Тишлари шақилларди. Прохор сўради:

— Қаерда ўша қутича?

— Қутича ҳув ана, калити мана.

Анфиса илон чаққандек ўзини Прохор ёнидан четга отди, унинг қатъиятдан чақнаган кўзларига синчиклаб, қаҳр билан тикилди, апил-тапил ўрнидан турди. Прохор сапчиб турди-да,

Анфисани билагидан чаңгаллаб, столга ағдарди, стол гижирлаб кетди.

— Билагузук! Калит!..

Анфиса лабларини очмай, мийигида қулди. Прохор жон талвасасида калитли занжирни юлқиб торғди, каравот ёнига югуриб борди ва ёстиқ тагидан тунука қопланган қутичани олди. Анфиса орқасидан унга йиртқичдек ташланди ва кучли қўллари билан томоғидан чаңгаллади. Прохор чаптастлик қилиб, Анфисани тагига босиб олди, сўнг аламзада ва телба бу икки кимса кенг каравотда типирчилай бошлашди. Прохор, тиззасини Анфисанинг кўкрагига тираб, қаҳру ғазаб билан уни бўға бошлади. Анфиса хириллаб қолди. У бутун кучини тўплаб, уни устидан итқитиб ташладию бўридек ғингшиб қўлини тишлаб олди. Иккалови олиша-олиша каравотдан йиқилиб тушишди ва ерда думалай бошлашди. Улар ҳарсиллашар, илондек вишиллаб сўканишар эди. Аччиқ тер ҳиди ҳавони тутиб кетди. Маст Прохорнинг нафаси бўгилди, тинка-мадори қуриди. Унинг тишланган бармоғидан қон оқар эди. Анфиса жаҳл устида Прохорнинг юзини юмдалади, унинг дабдала бўлган кўйлаги ҳам қонга бўялди. Пайт пойлаб туриб, у саҳро бўрисидек бир сакраб Прохорнинг устига чиқиб олди, қўлларини қаттиқ босиб, кўкрагини унинг кўкрагига босди ва кўзларини юмиб уни шиддат билан ўпа бошлади. У нолаю фиғони орасидан яккаш бир сўзни таъкидларди:

— Лочин, лочиним! Аनावи тунни эслайсаними, лочин?

— Алвасти! Минг лаънат сенга!— қон тупуриб сўкинди Прохор.

Анфиса думида тик турган илондек чайқалиб, ўрнидан турди-да, тишини гижирлатди ва тўсатдан Прохорнинг қулоқ-чаккасига тарсаки тортиб юборди. Худди шу чоғ, тарсаки қарсиллаганида, кўзни қамаштирар даражада чақмоқ чаққанида, яқин жойда момақалдироқ гумбурлади. Сочлари тўзғиган, ёввойилашган Анфиса дик этиб ўрнидан турди-да, чўқинди ва диванга йиқилди.

Ташқарида жала қуйди. Анфисанинг кўзларидан ҳам ариқ-ариқ ёш оқди.

Анфиса сўнгги умидсизлик билан фарёд чекди. Прохор гандираклаб бориб, деразани беркитди, ағанаб ётган стулларни турғаза бошлади, Анфисанинг икки дона соч тўғнағичи ва тароғини топди. Унинг бутун хатти-ҳаракати ихтиёрдан ташқари бўлаётган эди, чеҳраси азиятли оппоқ, телбанамо эди. Эшикни бетоқат тақиллатишди.

— Ким?— деб бақирди Прохор зарда билан.

— Прошенька, сенмисан, ишқилиб? Оч тезроқ.

Шилта-шалаббо бўлган ғариб Марья Кирилловна кирди.

— Сени қидиравериб, жинни бўлаёдим-ку. Отанг чақиряпти...

Кучли момақалдироқ яна бутун уйни ларзага солди.

Эртасига эрталаб Нинадан мактуб келди: «Биз пасхадан олдинги ҳафтанинг иккинчи куни етиб келдик. Йўлда отамни авраб, кўндирдим. Иброҳимнинг бутунлай гуноҳидан ўтди. Ҳаммаси унутилди. Турган гапки, отам, онамга чурқ этиб оғиз очмайди. Ойим бизнинг тўйимиздан хурсанд, у сени жуда яхши кўради, дуо қилгани қилган. Халоскоримиз Иброҳимга салом деб қўй...»

Проҳор мактубининг бошини ўқиб, ўйлаб қолди. Тишланган бармоғи зирқираб оғрирди. Марья Кирилловна ароққа солиб қўйилган қайин куртакларидан ўглининг қўлига боғлади. Отаси кирди, ўглининг тимдаланган юзига қаради-да, миқ этмай ўтирди. Угли қўнжи узун этисини кия бошлади.

— Хўш, буёғи қанақа бўлди?— деб сўради чол.— Сен нима деб ўйлайсан? У дўқ қиляпти. Ёмон кўнглисиз ишлар бўлиши мумкин. У жувон баайни ўт. Кўнглига келган ишни қилади. Сен бадавлат қизга уйланысан, пул демаганинг хазондек кўпайиб кетади. Бизнинг мол-дунёмыздан кеч, ҳаммасини Анфисага хатлаб беришга ижозат эт...

— Ойим-чи?— деди Проҳор отасига тик қараб,— лаблари пир-пир учар, чакка томирлари лўқиллар эди, отаси бармоқлари билан соқолини тароқлаб деди:

— Ойингга бало ҳам урмайди. Бир амаллаб кунини ўтказаверади. Балки сеникида яшар. Кўзингни оч, ёмон бўлади. Анфиса бир балони бошлайди.

Проҳор деразадан Тараша кампирининг дарахтлар орасига яширинганча, зўр бериб қўлнинг силкитиб чақираётганини кўриб қолди.

— Ҳозир,— деди Проҳор отасига ва шоша-пиша боққа йўл олди.

Отаси стол устида ётган Нинанинг мактубини ўқиб чиқарчиқмас хонага шитоб билан Проҳор кирди: у узун бурмабел камзулини ва оқ картузини олди-да, чопқиллаб чиқиб кетди. Отхонага кирдию апил-тапил отни эгарлаб, шамолдек учди.

Биринчи почта бекатигача — ўттиз беш чақирим, у роппароса бир соат отни чоптирди.

Бекат ҳовлисига киргач, Проҳор ҳайқирди:

— От беришг. Энг чуқур отлар кўшилган тройка. Ямшчикка бир сўлкавой чойчақа... Шамолдек учир! Отинг зўриқиб ўлса, хунини мен тўлайман.

Фақат училчи бекат ёнидагина бошдан-оёқ лойга беланган Проҳор Анфисани қувиб етди. Проҳор Анфисани зўрға таниди. Анфисанинг юзи бўзранг, ҳорғин, қайсар лаблари қаттиқ қимтилган. Узи оддий кийинган, бошида катта кўк рўмол. Ёнида

Медведово қишлоғининг муаллими — сил касалига мубтало, букчайган, қотма Пантелеймон Павлич Рошчин.

— Сафарингиз бехатар бўлсин, Анфиса Петровна! Салем! Ямшиклар отларни тўхтатишди. Прохорнинг тройкага қўшилган отлари терлаб кўпириб кетган, гандираклайди.

— Анфиса Петровна,— деди Прохор хушмуомалалик билан.— Малол келмаса, буёққа ўтинг. Икки оғиз гапим бор.

Анфиса муаллим билан кўз уриштириб олди. Индамай извошдан чиқди ва секин-аста Прохор билан ям-яшил майсалар устидан юриб кетди. Муаллим Анфисанинг орқасидан тагдор тиржайиб қўйди ва йўтала-йўтала трубкасини чека бошлади.

— Отам барча шартларингизга рози, Анфиса Петровна.

— Менга бу оз.

— У нақд пулу бор бисотни сизнинг номингизга хатлаб беради, ҳамма пулни банкда сизга ўтказади.

— Оз.

— У ойим билан ажрашиб сизга уйланади...

— Оз, оз...

— Сизга ўз муҳаббатимни ваъда қиламан.

Анфиса тўхтади, алам билан қичқириш учунми ёки оғриқ азобидан нола чекиш учунми, ҳар нечук лаблари очилди. Бироқ уҳ тортдию деди:

— Эҳ, ситамкорим! Оҳ, Прошенька, қанчалар ситамкорсан! Прохорнинг юраги ўртанди. У гандираклаб кетди.

Анфиса уни сеҳргар нигоҳи билан чулғаб олди, маъюс кўзларини Прохорга қадаб сеҳрловчи нигоҳи билан уни чулғаб олди, шартга орқасига ўгирилди ва елкаси оша:

— Яхши қол,— деди-да, илдам, шахдам қадам ташлаб извош томон юрди.

— Анфиса, Анфиса, тўхта!.. Охирги гапимни эшит!..

Унинг овозида таҳлика-қўрқув. Анфиса тўхтади, кўзларидан марпариддек ёшлар думалади.

— Чақиришингни билар эдим,— у қаттиқ лабини тишлади, додлаб юбормаслик учун ҳадик-хавотир билан отларга юзланди: ямшиклар отларнинг абзалларини тузатишар, муаллим эса, хомуш букчайганча, унга орқасини ўгириб ўтирар эди.

Анфиса пиқиллаб, чопганча ҳаяжонга тушган Прохорнинг бўйнига осилди ва шипшиди:

— Жим, жим. Биламан, севасан мени... Ахир алвастиманда... Бундан чиқди, Нинадан воз кечасан?

— Воз кечаман.

— Бундан чиқди, меникисан?

— Сеникиман, Анфиса.

— Бир умрга-а?

— Ҳа, ҳа.

— Алдамаяпсанми?

— Онт ичаман сенга!

Анфиса хийла вақт ўйга толиб жим турди.

Мана, унинг гўзал чеҳраси кундек жозибали кулди. Прохорнинг тагидаги ер бирдан силкинди, қалбини муҳаббат ўғи мунаввар этди.

«Буёғи энди нима бўлади, буёғи нима бўлади?!» — хаёлан хитоб қилди бахтсиз Прохор саросимага тушиб, ўкинч билан. Тўсатдан Анфисага бўлган аввалги туйғуси алами жунбишга келди.

Анфиса муаллимсиз қайтишга кўнмади. Прохор дарров бунинг сабабини билди: «Хужжатимни тортиб олиб қўяди, деб қўрқяпти». Бироқ индамади. Орқага учовлон қайтишди: Анфиса муаллим билан ёнма-ён ўтирди, отларни Прохор бошқарди. Орқада ямшичлар билан қўш отли извош келарди. Ямшичлар қўшиқни ванг қўйишди:

Қадрдон юртин истаб,
Қайтди, энди сор лочин.
Мажнунтолга оҳиста
Маъюс қўнди сор лочин...

Кечқурун алла-паллада қайтиб келишди. Хайрлашаётиб Прохор ўз Анфисасига гуноҳкорона таъсирли овозда деди:

— Хўш, энди нима қилсамикин? Сенинг касрингга қип-қизил муттаҳам бўлиб қолдим... Анфиса, суюклим Анфиса, азизим. Хўп, майли! Менга қара... Эртага ёки индинга кечаси кут... Дераза олдида ўтириб кут... Яхши қол, яхши қол, Анфиса, — кейин юзини қўллари билан яшириб нари кетди. — Яхши қо-о-л-л...

Уйдагилар ҳали ухлашмаган эди. Марья Кирилловна Иброҳим билан суҳбатлашиб ўтирар, ҳасрат қилар, ундан ёрдам кутар эди.

— Хафа бўлма, Мърья... Прошкага айтамин. Анфисага қатнамайди... Мен қилади бу ишни. Мен бир нарса билади. Пристав Анфисани олади. Пристав кунда уёққа-буёққа Анфисага боради.

Прохор ўз хонасига кирди ва эшикни қулфлаб олди. Унинг хонаси дафна, олча томчиларининг ҳидига тўлди.

Шапошников ҳам ўз кулбасида бедор эди. Момақалдироқ бўладигандек эди. У момақалдироқдан қўрқарди. Момақалдироқ пайтида у одатда ертўлага тушиб кетар ва у ерда картошка устида дилгир ўтирар эди. Момақалдироқдан у яқинда, серқалдироқ май ойида юрак олдириб қўйди.

Бироқ ҳозир момақалдироқ узоқда, Шапошников кулбасида бўри билан суҳбат қуриб ўтирар эди:

— Люпуссан, сен баччағар, билдингми? Сен ўзингни бўри фаҳмлаяпсанми? Бекорчи гап. Сен — люпус. Гомо гомини люпус эст¹. Эшитдингми? Алдоқчилар. Менимча, одам одамга... Анфиса... Ҳа... ҳа. Ўйлаб кўр, бу шунақа...

¹ Одам одамга бўри. (лат.)

Бўри, олмахонлар ва майда жониворлар унинг жон қулоқлари билан тинглашарди. Бўри думини ликиллатар, ола каламуш шериги билан ҳуштак чалиб хабарлашар эди.

— «Келяпти»,— деди олмахон.

— Ким келяпти?— деб сўради Шапошников.

— «Хўжайин келяпти».

Хўжайин кўзада бўза келтирди.

— Мазасини тотиб кўр... Оҳ, ўткир!.. Сен негадир хаёлпараст бўп қолдинг. Огоҳ бўл, эс-ҳушиңгдан бегона бўлиб юрма, йиғит... Худо кўрсатмасин... Ошналаринг орасида савдойи бўлиб қолганлар йўқ эмас.

Бўри, олмахонлар, майда жониворлар кулиб юборишди.

Ҳазрат Ипат ҳам момақалдироқдан кўрқарди: ўтган ёзда Илья пайғамбар таваллуди олдидан далада уни чақмоқ урган, узоқ вақт чап қулоғи эшитмай юрган эди.

Пристав момақалдироқдан кўрқмасди, лекин хотинидан бало-қазодек кўрқарди. Мана бу кечаси ҳам уларникида маш-маша. Рафиқаси приставга қўлига илинган нарсани: ботинка, туфли, этик, сочини жингалак қиладиган қайчигача отди, буларнинг ҳаммаси виз-виз приставнинг ёнидан учиб ўтди. Мана, қарғиш билан бирга приставга катта ёстиқ учди. Пристав бу гал ҳам чап бериб қолди, ёстиқ стол устидаги ҳамма нарсани супуриб кетди. Сиёҳ тўнкарилиб, хат қораламасини қизил қонга бўяди:

«Табаррук зот епископ Андроний номларига хоксорона авф-нома, қайсики бунда мазкур моддалар қайд этилади:

Биринчи модда. Оилавий ҳаётда бахтсиз бўлганим, қонуний рафиқам Меланья Прокофьевнанинг қаттиқ нафас қисиш касалига мубтало эканлиги ва бутун ички аъзоларининг мой босиб кетгани сабабли, бола туғишга ҳеч қандай қобилияти йўқлиги сабабли (фельдшер Спиглазовнинг тиббий шаҳодатини илова қиламан) ва шу сабаб...»

Хат шу ерга ўтганда узилиб қолган, перо чўчқанинг думини эслатар эди,— чамаси худди шу ерга келганида қулоғи ёнидан қасоскор туфли учиб ўтганди. Тўғрироғи, зоти олийларининг оилавий тарсакига ўрганиб қолган юзига қаттиқ тарсаки тортилган эди. Албатта шундай: пристав ёзаётганида хотини писиб келган-да, бу беҳаё хатни ўқиган, шундан сўнг унинг ўнг юзи ловуллаб ётган, фиғони фалакка чиққан тошбағир рафиқасининг эса кўзи ўтдек чақнаганди.

Дарвоқе, шундай бўлганми, йўқми, лекин нима қилганда ҳам «балолар сабаблари — Анфиса» бўлиб қолаверади.

Яна Илья Петрович Сохатих ҳақида икки оғиз гапирса ёмон бўлмасди. Бироқ у ҳақдаги гапларни эртага довур қўйиб тура-миз.

Эртасига ҳаво очиқ бўлди. Куёш порлар, мотамсаро осмон ниҳоят ғам-ғубордан халос бўлган, ҳаммаёқ нурафшон эди, капалаклар учар, чуғурчуқлар чуғурларди.

Эрталаб Марья Кирилловна ёнига от чоптириб хабаркаш келди: қўшни қишлоқда, бу ердан олтмиш чақирим нарида туғишган опаси касал бўп қолибди. Кечқурун уни черковда кўчириқ қилдиришар экан. Марья Кирилловна қалбига бир эмас, уч алам жо қилиб жўнаб кетди. Унинг биринчи алами — Прохор билан Анфиса, иккинчиси — Анфиса билан эри, мана, худои таоло унга учинчи синовни юборди. Бу — опаси.

Прохор кетиш тараддудиди эди: милтиқ, илвасин халта, ов ити — урғочи Мирта.

— Хўш, қалай? — деб сўради чол ўғлидан.

— Э, мен қаердан биламан? Сабр қилинг... Эс-ҳушимни йиғиб олишимга имкон беринг... — деди Прохор зарда билан ва йўл-йўлакай ўзига-ўзи деди: — Сизлар билан пачакилаша-пачакилаша шу ҳолга келасанки, охири пақ этиб ўзингни-ўзинг пешонангдан отасан.

У ўзига Илья Сохатихни ҳамроҳ қилиб олди ва ёш итни далада овга ўргатиш учун анҳор бўйлаб кетди. Прохор ёлғиз қолишдан кўрқарди: қалби алғов-далғов, кўнгли ғаш, иложи борича узоқроққа кетсаю ҳаммасини унутса. Юраги нотекис урарди, гоҳ тўхтаб қолгандек орзиқар, гоҳ гурсиллаб тепиб мияси ва чаккаларини лўқиллатар эди. Оёғи майишиб кетар, Прохор чайқалар, боши айланар эди. У фляганинг қопқоғини бураб очди-да, ароқ ичди, туфлади: кўнгли айниди. У ароқни приказчикка берди. Илья Сохатих пошналарини бир-бирига тақ этказиб уриб, деди:

— Сизнинг бебаҳо соғлиғингиз учун! Об-ҳавонинг серқуёшлиги билан... Адью!

Прохор иккинчи стаканни тутди.

— Қайлиғингизнинг соҳибжамол гўзал Нина Яковлевнанинг сихати учун!.. Иккинчи марта адью!

Бу тумтароқли гаплардан Прохорнинг афти бужмайди.

Бу орада Петр Данилич Анфисанинг ёнига йўл олди. Эшикни ҳарчанд тақиллатмасин, ҳеч ким очмади. Қашишнинг ёнига кетди. Ҳазрат Ипат қуваларни қараб юрарди.

— Умрингга барака, ҳазрат, очиқ ҳаво кўнглингни мунаввар этсин. Дуо қил, бузруквор.

Ҳазрат Ипат ранги ўнгиган сариқ кулоҳини тузатди, савдогарни дуо қилди ва деди:

— Очиқ ҳаво бу саҳви назардир. Аслида у ёлғон. Ҳаво ёмон.

Савдогар қуёшни қўли билан кўрсатди. Ҳазрат Ипат савдогарни омбор ёнига бошлаб борди:

— Мана қара.

Омбор дарвозаси тепасига оқ қарағайнинг паншахасимон айри бутоғи осилган.

— Мана қара, мана шу бутоқ бамисоли устурлаб, барометрдан ишончли. Банди қоқиб қўйилган, шохи қимирлаб туради. Ҳаво яхши бўлса бандига яқинлашади, ёгин-сочин бўлса узоқ-

лашади, кеча эҳ, қандай турган эди-я. Бугун яна пастга эгилди. Ёмғир ёғади.

— Ҳазрат Ипат!— деб ганни бурди Петр Данилич, исқирт юзида бетоқатлик аломати акс этиб,— Айтиш мумкинки, Аффи са рози. Хотинимни гапимга киргизаман, йўқ, деса қўрқитиб кўндираман. Бир қараб кўр-чи, қонунда нима дейилганийкин...

— Юр, юр, бўпти,— деди ҳазрат Ипат йўл-йўлакай шимини этигининг қўнжига тиқиб.— Шу ишни чакки қиляпсан, мен сенга айтсам, яхши эмас, яхши эмас, азбаройи худо, ноинсофлик бу. Мен сенга тавфиқли тақводор сифатида айтай, қайт бу йўлдан! Чинданам нима...

— Ноз қилсанг, шаҳарда сендан дурустрогини топаман. Яхши қол!

— Шошма, шошма... Сал ҳоврингдан туш.

19

Қош қораймоқда, ғарбдан булутлар карвони сузиб келмоқда, осмон бетини яна секин-аста маъюслик ва мотамсаролик чулғаб ола бошлади.

Қуёш булутлар ортига яширинди, бироқ ҳув анави олис диейда Синильганинг тобути баландда осилиб турган жойда қуёш ёрқин нур сочар, қаттиқ иситарди. Қаҳратон совуқда, несиқ ва шамолда тарашадек қотиб кетган Синильганинг жасади новда худди қоп-қора хокдек мунгли ва ғамгин ётарди. Мана, ҳадемай ер юзини хафагазак даҳшатли тун қоплайди, аммо у тун Синильга ўзининг шаманча қўрқинчили тобутида ётмайди. Худди чақмоқдек ва чақмоқ билан бирга, Синильга, йироқдаги чириган кишанларни парчалаб, азиз кишисига: «Ҳей, Прохор, тўхта!»— деб қичқирса ажаб эмас.

Бироқ эндиликда ҳеч ким Прохорни тўхтата олмайди: унинг фикрлари паришон, у эркин иродасига суяниб шоша-пиша уйига қайтмоқда.

— Қуёш тугиляпти,— деди Илья Сохатих аранг орқасидан етиб келиб.— Яна момақалдироқ гумбурлайди, электр маъносида албатта. Очигини айтинг-чи, Прохор Петрович, найза қаердан пайдо бўлади? Масалан, эсимда, болалигимда бир таниш кампирни чақмоқ урган, тил тортмай ўлган у, унинг қорнидан эса икки қарич тош найза чиқиб турган. Прохор Петрович! Бирданига мен сизнинг собиқ қариндошларингиздан бўлиб қолсам нима бўлади? Лаббай?

Электр шуъласига обдан тўйинган сарғиш, кўк қирмизи булут бутун ер юзини тўсишга ошиқади. Табиатдаги барча мавжудот азбаройи қўрқанидан кичкина бўлиб қолди. Кўкда сузаётган сирли кучнинг чўяндек обир залвари остида улугвор тайга пасайиб, ер бағирлаб юзди: ҳаво жулжикаётгандек бўшангина титраб, обирлашди, тек қотди, ёруғлик чақмоқларга

йўл бериш учун сўниб, гард-тўзондан черковнинг оқ деворларини кўз илғамайди: қоровул апил-тапил қўнғироқхонада қўнғироқни саккиз марта даранглатдию шу билан қўнғироқхона ҳам гойиб бўлди. Уйлар, қурт-қумурсқалар, отлар, одамлар, хўрозлар гойиб бўлишди. Ҳамма нарса кўздан йўқолди. Ҳаммаёқни қоронғи зимистон босди. Шаррос ёмғир қуйди, кейин момақалдироқ қалдиради.

Қоронғидан қўрққанлар чироқларини ёқишди. Анфиса ҳам чироғини ёқди. Соат ичидаги какку саккиз бўлганини билдириб кукулади. Тунми ёки тун эмасми? Каккунинг овозига қараганда — оқшом, бироқ чақаётган чақмоқлар орасидаги фурсат тунни эслатади.

Проход кечаси келаман, деб ваъда қилган. Анфисага дераза олдида ўтир, деб тайинлаган эди. Анфиса дераза олдида ўтирибди. Хаёллари шамол учирган кўкнори уруғидек сочилиб кетди, алланечук асаби бўшашди, лекин қалби жўшиб, юрак торлари таранглашди, у юраги пўкиллаб зарба тушишини кутарди. Лекин зарба қаердан келишини билмасди, балки булутлар орасидан тақдир таҳдид қилаётгандир. Эҳтимол орқадан биров елкасига тикилиб тургандир, лекин шунчалик қаттиқ тикилаётгандирки, шартта ўгирилса бас, қичқириб, гуп етиб қулаш мумкин. Анфиса беҳад ғам-ғуссага ботди.

Шу аснода ялт-юлт чақнаётган чақмоққа чўқинганча Проходнинг ёнига отаси кирди.

— Хўш, қалай?— зўғум қилиб сўради у ва каравотга ўтирди. Унинг авзойи бузуқ, қатъиятли эди.

Касалликдан кейин ҳали дармонга кирмаган Проход отасининг олдида ночор-нотаваонлигини бутунлай ҳис қилди ва у билан ҳамма гапни охиригача очиқ гаплашишга тараддудланиб, ийманибгина индамай қўя қолди.

— Хўп, майли,— деди отаси зарда билан: у шишган кўзларини сузиб, ўғлига ҳақоратомуз тикиларди.— Башарти сен мум тишлагандек миқ этмасанг, мен гапираман. Гапирганда ҳам охириги марта гапираман.

Чол тўрт букланган қоғоз олди-да, уни силкитди.

— Мана бунда ҳамма нарса Анфисага хатланган. Нақд олтиш уч минг. Бундан ташқари, банкдаги анави сенинг пулларинг ҳам унга ўтади.

— Ие!— даст ўрнидан туриб кетди Проход.

— Ие, не..— деди отаси туфлаб.— Пулинг қулоғини ушлаб кетди. Ана шунақа!— У полга бурнини қоқди ва қўлини пиджанинги енгига артди.— Мен унга бултур оғзимдан гуллаб қўйган эдим, мана энди талаб қиляпти. Бизнинг қанча пулимиз борлигини у сену мендан яхши билади.

Проход лабини тишлади, муштини тугди, ёзди. Қреслога ўтирди ва ўшшайиб бошини эгди ва зимдан рақиб отасига кўз қирини ташлади.

— Мен эртага Анфиса билан шаҳарга жўнайман,— деди

отаси.— Хужжатни расмийлаштирамиз ва ажралиш хусусида маслаҳатлашамиз. Аммо-лекин ҳужжат фақат у билан тўйимиз бўлиб ўтганидан кейин кучга киради. Қоғозда қайд этилган бу. Хуллас, сен Саркаш дарёга бориб иш билан шуғулланасан. У ерда ишни яхши бошладинг, хотининг учун ҳам олам-жаҳон пул оласан. Мен Анфиса билан шаҳарчамизга жойлашаман ёки губернияга кетаман. Ишни йўлга қўяман, миллион ишлайман. Суюкли онанг, Марьяга эса уй ва моллари билан дўкон қолади. Дўконда ва онангнинг ёнида Илья бўлади. Фаҳмлайсанми? Қолаверса, онанг монастырга кетмоқчи. Бу унинг иши. Бор гап шу. Чамаси, ҳеч кимни ранжитганим йўқ. Эҳтимол, сени ранжитгандирман. Маъзур тут. Бошқа илож йўқ эди. Анфиса прокурорга бораман, деб қўрқитяпти. Бордию унинг талабни бажо этмасак, юзимизга қора куя чаплайди, сен ҳам Нинадан ажралиб қоласан. Ҳаш-паш дегунча камбағаллашиб, бир умрга шарманда бўламиз. Мана, қандай ҳунар кўрсатиб кетди менинг отам — сенинг буванг, қароқчи Данило, худо раҳмат қилгур.— Петр Данилич занжирда ётган қари итдек хириллаган овозда гапирди, сержун қўллари юмшоқ тиззасида куракдек ётарди. Уринган пиджагининг ёқасида Анфисанинг узун заррин сочи йилтилларди.

Прохор рангпар бармоқлари билан пешонасига осилиб тушган бир тутам сочини безовталаниб тарарди.

— Охирги марта қачон кўрдингиз Анфисани?— деб чўрт кесиб сўради у бошини азот кўтариб.

— Бугун, ҳали сен Илюха билан овга кетганингда...

Прохор аввалига отасининг башарасига жиддий қаради, кейин лаби қийшайиб заҳарханда кулди: у чертиб-чертиб зарда билан гапирди.

— Ёлгон айтасиз. Нега алдайсиз, ота? Тўйингиз ҳақида Анфиса гапириши мумкин эмас... Мумкин эмас!

— Ҳўш, нега энди?— отасининг тагидаги каравот ғичирлади.

— Бунинг боиси шуки...— Прохор ўзига далда бериб, алкаш-чалкаш қадам ташлаб хонани айланди ва дераза олдига келди: қора ойналарни қора жала ювмоқда эди.— Буцинг боиси шуки,— у отасига рўпара келди, орқасида бириккан қўллариини дераза пештахтасига босди ва бошини тик кўтариб, шартта дилидагини айтди:— Чунки мен муттаҳамман, Нинага хиёнат қилдим, мен Анфисага уйланмоқчиман. Унга айтдим бу гапни.

Чол кўзини қисиб, қиқирлаб кулди, каравот ғичирлаб беорларча унга жўр бўлди.

Прохор тош қотди, юзи анордек қизариб кетди, асаблари қалбини ларзага солди.

— Уни севаман ва севмайман!— деб қичқирди у бўғиқ овозда кўзлари ола-кула бўлиб.— Ўзим ҳам ҳайронман. Мен фақат муттаҳамлигимни биламан... Хуллас... Иш бундай бўлди...

Мен уикига бордим. Унга сизнинг ҳамма талабига рози эканлигингизни айтдим... Яъни, унга уйлашингизни ва ҳамма нарсани унинг номига хатлатишингизни гапирдим. У... у... у... буни рад этди. Шунда мен унга, Нинага уйланганимдан кейин сенга, ҳалигидақа, нима дейиларди? Уйнаш бўламан, деб ваъда бердим. У кўнмади. У... у... менга уйланасан, деб шарт қўйди. Узил-кесил... Батамом... Мен бутунлай бош тортдим. Бу гап кечаси бўлган эди... Эртаси куни... Эсингиздами уйдан чопиб қиб кетганим?... У шаҳарга, прокурорга даъвою дoston олиб кетаётган экан. Мен уни қувиб етдим. Шунда менга... мен... У мендан сенга уйланаман, деган ваъда олди. Қани айтинг-чи, энди нима қилишим керак?.. Ота!.. Нима қилай? Ёки сиз, бугун менга турмушга чиқишга рози бўлди, деб алдаяпсиз, ёки у манжалақи... Нопок, ифлос махлуқ... Ота! Нима қиламиз энди? Ота...— Прохор фарёд чекиб деразани кенг пештахтасига шапоп этиб тушди ва чаккасини ҳўл кесакига босди.

Чақмоқ чақди, гумбурлаган овоз янгради. Чол чўқинди.

— Тавба, тавба, тавба...— яна хириллаб кулди.— Аҳмоқ... Аҳмоқ!.. Нима, мени севади, деб ўйлайсанми?.. Севармиш?

— Имоним комил бунга... Севади. Мен аблаҳ ҳам севаман уни... Ҳа, ҳа севаман!— дағ-дағ қалтираб қичқирди Прохор ва сапчиб ўрнидан туриб отасига хезланди.— Ота, мен унга уйланаман!

— Аҳмоқ... Қип-қизил аҳмоқ! Мендан қорнида икки ойлик қомиласи бор, қанақасига сени севсин?.. Қорни дўппайган...— деди отаси шафқатсизларча хотиржам.

Отасининг бу эътирофи шу заҳоти Прохорни тилка-пора қилиб ташлади. У бир сония нафас олишга қўрқиб, оғзини ланг очганча туриб қолди. Бироқ ҳаётнинг енгилмас кучи ундаги саросималикни дарров маҳв этди. Прохорнинг фикрлари ғужғон ўйнаган калласида бирпасда ҳамма нарса ҳал қилиндию барча жавоблар бир нарсада жамул-жам бўлди: жонининг ҳузурни. Унда ўз ҳузур-ҳаловатини кўзлаш истаги қарор топгач, бу туйғу Прохорнинг қалбида қаттиқ ўрнашиб қолди, бoshқа ҳамма нарсани кўнглидан чиқариб юборди. Прохор истиқбол манзараларини кўз олдидан ўтказиб, уларни ошиғич баҳолади.

Мана, Анфиса — Прохорнинг хотини; бу, демак, муттасил отаси билан ит-мушук бўлиб яшаш, Нина Куприянованинг маблағидан маҳрум, оқибатда Прохорнинг кенг кўламдаги иши ва шахсий бахти барҳам топади. Мана энди Анфиса — отасининг хотини, бу, демак, Нина Куприянованинги маблағи унга ўтади, зотан қасоскор Анфисанинги қўлида даҳшатли ҳужжат, ишига ва умуман, ҳаётига ҳамма вақт хавф-хатар таҳдид қилади. Демак, бу аҳволда ҳам Прохорнинг ҳузур ҳаловати тамом. Тамом тамом!

Барча бебаҳо нарсалар Прохор учун қадрини йўқотди, хиралашди. Бейхтиср у кенгликка, бўшлиққа, қаршисида тақдир билан қўшилишиб кетган қоп-қоронғи зулматга қичқирди.

— Ҳомиладорми? Сендан-а? Елғон айтасан!.. Елғон, ёлғон, ота!

Қичқирган у эмас! Прохордаги шиддатли ҳаёт қудрати.

Алдаган эди отаси. Тухмат қилган эди у Анфисага! У ҳам ўз жонининг ҳузурини кўзлаб алдаган, ҳақиқатнинг зигирдек қонунини ҳам назар-писанд қилмаган эди. Аслида алдаган у эмасди: буни ундаги ҳаётнинг ўша сўқир кучи гапирган эди.

Петр Данилич мазаммат қилган Анфиса ҳамон қалдироқ гумбурлаётган дераза олдида ўтирар, боққа, қоронғиликка, чақмоққа, яна худди қалби янглиғ қоп-қоронғи зимистон зулматга тикиларди: Анфисанинг бутун ҳаёти шундай чақмоғу зулмат.

Орадан бир, икки, уч соат ўтди. Ҳамма нарса кўнглидан кўтарилди. Кўз ёшлари қуриди — бу кеча ҳам чекмаслик, йиғламаслик керак, мазкур оромбахш эҳтиросли тунда қалби яна ҳаловат ва тинчлик топди. Кўзни қамаштирувчи чақмоқлар энди унга қўрқинчли эмас, момақалдироқнинг ҳалокатли гумбурлаши ундаги ҳаётга бўлган иштиёқни сўндира олмайди: мана, ҳали-замон у, ҳукмдор Прохор келади.

Анфиса ҳар бир севги соҳибаси сингари сўзамол эмас. Анфиса беҳис, инсоний ақл-фаросат билан ўйламас, унинг бутун вужудини жонбахш куч-қудрат тўлқини қамраб олган эди.

Прохор кечаси келишга ваъда берган, Анфисага очиқ дераза олдида ўтиришни буюрган эди. Мана, Анфиса очиқ дераза олдида ўтирибди, орқадаги стол устида чироқ шамалоқдек ёниб турибди. Кўринг-кўрманг, ромдаги суратнинг нақ ўзгинаси. Дераза боққа қараган, лекин Анфисани, илиқ ёмғирда инларидан ўрмалаб чиққан чувалчанглари демаса, чақмоқдан бошқа ҳеч ким томоша қила олмайди. Чувалчанглар ожиз. Маҳбубидан эса ҳамон дарак йўқ.

Эсингдами, Прохор Петрович дўстим, анови фаройиб тун, кулба, уккининг сайраши, ёдингдами, ўз Анфисангни ўпганинг, унга сени то абад севаман, деб оит ичганинг? Эса ол тезроқ, Прохор, дўсти қадрдоним, тақдир шамшири бўйинга тушмасдан олдин эсла: гуноҳкор Анфиса дераза олдида ўтирибди, унинг пок, маъсум қалби эса сенга интизор... Лекин унинг ҳамдами қаерда? Пинҳона тўй шодиёнаси қани?

Бокира иффатингни суюкли Прохорга бахш этганинга қувон, Анфиса! Иффатингни ҳаммадан: приставдан, Шапошниковдан, Илья Сохатихдан, энг муҳими, Петр Даниличдан эҳтиёт қилганинг учун қувон! Уларнинг ҳеч бири сен билан кўнгли хушлай олмайди. Тухматга учраган қорнинг ҳомиладан холи эканлиги, Петр Данилич ўзининг машъум туҳматини ўглининг олдида на қони, на кўз ёшлари билан юва олиши мумкин эмаслиги учун қувон. «Қувон, қувон, бахти қаро Анфиса, таҳқирланган кўзингни юм ва ҳаёт билан муроса қил!

Бу фикрлар кўнглида акс садо берган Анфиса уҳ тортди, шундан ҳам кўзи юмилди: боғнинг қоп-қоронги ичида чақмоқ чақди, бироқ гумбурлаш эшитилмади. «Мўъжиза,— деб ўйлади Анфиса,— мўъжиза». Ажабланишга улгурмади...

Кечаси соат бир. Момақалди роқ тўхтади, ҳамон шивалаб ёғаётган ёмғир шитирлайди. Прохорнинг хонасига олиб борадиган йўлакда ҳўл, ифлос излар. Иссиққина, қуп-қуруқ пийма кийган Прохор хиргойи қилиб ошхонага кирди, печдан карам шўрва олиб ичди. Урнидан ошпаз хотин турди.

— Овқат опке,— деди Прохор.

Бўтқа еди.

— Яна бирон нарса опке.

— Вой тавба-е. Ер ҳайдаб келдингми?

— Қўй гўштидан йўқми? Қатиқ борми?

У Ильянинг хонасига кириб, уни уйғотди. Икковлон Иброҳимнинг хужрасига қарашди, ҳеч ким кўринмади, черкас йўқ эди. Яна Илья Сохатихнинг хонасига қайтиб келишди. Прохор қўшиқ айтди, кейин унга приказчик қўшилди. Ароқ ичишди. Прохор Ильяни Анфисадан хабар олиб келишга юбормоқчи бўлди. Приказчик кўнмади.

— Йўқ, қаранг, момақалди роқ... Чақмоқдан ўлгудек қўрқаман.

Дарҳақиқат, унинг деразасига иккита адёл зич ёпиб қўйилган эди.

Ҳадемай Иброҳим келди ва тўғри хужрасига ўтиб кетди. У этигини, уст-вошини ечди, емакхонада этигини тозалаб ювди, шалаббо пашматини, ҳўл ичкўйлагини сиқиб, устида Варвара маза қилиб ухлаб ётган печнинг ёнига осиб қўйди ва ухлагани ўзининг хужрасига кириб кетди. Унинг келганини на Прохор, на Илья пайқади, улар гитара чалиб, қўшиқ айтиб ўтиришган эди.

Илья бирпасда маст бўлиб қолди. Прохорни ароқ енголмасди. Прохор қўшиқ айтишдан тўхтаб, узоқ вақт ўтирди; худди аридан ўзини ҳимоя қилаётгандек бошини чайқади. Кўзлари бежо ёнарди. Ниҳоят дилидагини тилига чиқазди:

— Хуллас... Хуллас, у ягона. Унақаси бошқа йўқ... Севаман уни. Фақат уни севаман.

— Ҳа-а... Ойимтилла худди рисоладагидек... Нина Яковловна...

— Аҳмоқ!.. Қўтир эчки!.. Ҳеч балога ақлинг етмайди,— деди Прохор ижирганиб маъюс.

Яна мум тишлагандек сукутга чўмди: ерга боқар, қошини чимирар, бурнини танқайтирар, пешонасини аламли гам-гуссадан тириштирар эди. Қўрққисдан Прохор шундай сапчиб тушдики, стулдан йиқилиб кетишига оз қолди.

— Мени каравотга обориб ётқиз, Илья,— деди у аъзойи бадани музлаб.— Кўнглим айнияти... Чарчадим жуда...

Ҳамма чарчаган эди. Ҳатто ёмғир ҳам чарчади, булутлар дром олгани кетди.

Тонг отиши билан ҳамма билди: Анфиса Петровнани ўлдириб кетишибди. Уни ёвуз одам ўлдирибди.

20

Биринчи бўлиб бу ҳақда Тараша кампир эшитди.

— Унинг уйи ёнидан ўтиб кетаётиб бундоқ қарадим, чирогим, худо раҳмат қилсин, илойим, ёқамни ушлаб қолдим, осмонда эгамнинг хуршиди олами порлаб турибди, Анфисанинг деразаси очик, уйда эса чироқ парпираб ёниб ётибди. Шу деразадан бошқа ҳаммасининг эшиги тақа-тақ берк. Мен амал-тақал қилиб боққа ошиб тушдим-да, қичқирдим: «Анфиса, Анфиса!» Жимжит, тиқ этган овоз йўқ. Лоп этиб калламга, чақмоқ урди-микин, деган фикр келди. Минг машаққат билан пўйдеворга чиқдим, дераза ичкарига қарадим. Ё қудратингдан! Соҳибжамолим ерда чўзилиб ётибди. Оппоқ қўллари икки ёнга ёйилган, тиниқ кўзлари юмуқ, кундуздек қошлари жон аччиғида чимирилган худо шоҳид!.. Пешонасида кичкина тешик, қон чаккасидан ерга оқиб тушмоқда.. Худо урсин, рост гапиряпман, алдаётганим йўқ сира! Момақалдироқ найзаси эса ҳеч қаерда кўринмайди. Фақат стулча тўнтарилиб ётибди, духоба ўтирғичи жойидан учиб кетибди. Мен осий банда, чапак чалиб юборсам бўладими, нақ ерга умбалоқ ошиб тушдим... Ғамгузоримни одил худо ўлдирди, момақалдироқ найзаси билан ҳалок қилди, жонини олди. Кўрган-билганим шу, жаноб урядник...

Урядник чаққон ювинди, април-тапил нонушта қилди-ю, приставга маълумот берди:

— Жан-ноб-б олийлари!.. Ижозатингиз билан маълумот берай: бугун кечаси Козирева хоним момақалдироқ воситаси билан чаккасидан зарба еб ҳалок бўлган.

Медведево қишлоғи бўйлаб, Тараша кампир ҳовлима-ҳовли судралиб юриб, дераза тагида чийилларди:

— Христианлар! Анфисани чақмоқ уриб ўлдирди,— кейин мункиб, қоқилиб нари кетарди.

Бу гапни чала-ярим эшитган болалар чуввос солишарди:

— Анфисани Громов ўлдириб қўйди! Анфисани ўлдиришди... Юринглар!— Сўнг Анфисанинг уйи томон югуриб кетишди.

Маҳаллий ҳукумат вакиллари билан пристав ҳам ўша ёққа шошилди. Черков қоровули қўнғироқ чалиб, ибодат вақти бўлганини маълум қилди. Ҳазрат Ипат бошлиқларга етиб олишга ошиқаркан, қўнғироқхонага қичқирди:

— Ҳой, Кузьмич, туш! Ибодат, сувга уриб кетди! Худодан кўр!— дея қўл силкитди.

Аввал очик деразани боғ томондан кўздан кечиришди. Гувоҳ тариқасида таклиф этилган, сил касалига мубтало букчайган

Ўқитувчи Пантелеймон Рошчин зарда билан йўталди-да, кифтини учириб деди:

— Қанақасига чақмоқ бўлсин бу! Бу милтиқдан отилган чақмоқ бўлса керак...

— Ҳа, ҳа. Рост... Тўғрисиям...— дурустроқ мулоҳаза юритмай рози бўлди пристав. Кўпдан соқоли олинмаган юзи рангпар, у жунжикар, энгашар, керилган кўкраги қорни огриётганидан беўхшов дўппайиб турар эди.

Темирчи очқич билан очди. Ҳаёт асари йўқ, қоронғи уй жимжит. Дераза эшикларини очишди. Уй ичи чароғон бўлиб кетди. Эрмакталаб одамларни ва болаларни ҳайдаб юборишди.

Пристав Анфисанинг жасадини кўриб, тисарилди, кўзларини кафти билан яширди, узугидаги бриллиант қуёш нурида ярақлади. Кейин у стол ёнига ўтирди, ўнбошига ишора қилди.

— Менга сув келтир... Муздек.

Анфиса ўзининг энг яхши либосида: ҳаворанг шойи тикилган рус сарафани ва оқ кўйлагиди, елкасига духоба нимча ташланган, бошида мунчоқ қадалган қалпоқча, пешонасида, чап чаккасига яқин ерда жароҳат ва қора жилға сингари қотиб қолган қон.

Ҳазрат Ипат икона олдида зўр бериб ибодат қилар ва дамбадам марҳуманинг жасадига кўз ташлар эди. Унинг юзи салқиб, ошган хамирдек осилиб қолган эди.

— Ором олгани дорилбақога риҳлат этган банданг Анфисани ўзинг ёрлақа, худойим. Ё раббим! Башарти унинг жонини сен олмаган бўлсанг, қотилинг жазосини бер, меҳру шафқат ва доно...

Терговчи йўқ эди, олис қишлоққа овга кетган эди, уни чақириб келишга от чоптириб чопар йўлга чиқди.

— Илтимос қиламан, инструкцияга кўра, терговчи келгунча ҳеч нарсага тегманг,— деб расмий огоҳлантирди пристав ўзини босиб олиб.

Мансабдор деҳқонлар ҳазратдан кейин чўқинишди. Марҳумага қараб, юраклари ачишиб томоқ қиришди. Кечаси очиқ деразадан ёмғир урган, полда ҳар томонга ёмғирдан ҳосил бўлган ирмоқлар тармоқ отган эди. Ўқитувчининг олма-кесак терувчи ўткир кўзлари думалоқ куйган қоғозга тушди-ю, дарров приставга ўз хулосасини айтди:

— Шубҳасиз бу, ўқ оғзига тикилган тиқин.

Пристав пишиллаб думалоқ қоғоз устига энгашди ва:

— Рост... Тиқин...— деди шикаста овозда.

Полиция пристави ҳеч кимни сўроқ қилмади: эртага терговчи етиб келиши керак. Демак, уй-уйларига кетаверишса ҳам бўлади.

Мансабдор деҳқонлар яна олдинги бурчакка чўқинишди, хўрсинишди ва чиқинишди.

— Яхши қол, Анфиса Петровна... Энди тинчгина ёт. Хўп азият чекдинг. Оҳ, оҳ, оҳ!.. Ким ўлдирди экан-а?

Дераза тавақаларини, эшикни ёпишди, давлат муҳрини бо-
сишди. Вижирдаб ёнаётган сўрғич приставнинг қўлига томди.
Пристав оғриқни сезмади ҳам. Марҳуманинг уйи олдига ўнбоши
иккита деҳқонни қоровулликка қўйди.

Пристав уйига ёлғиз қайтди. У гандираклар, текис ерда қо-
қилар, оёқлари йўлни пайқамай ўз ҳолича одимлар эди. Дам-
бадам рўмолчасини олар, силкитар, кўзига босиб, томоқ қирар
эди. Уйда хотинига деди:

— Анфиса Петровна қийналиб ўлибди. Менга синовни бер...
ҳалиги нима эди... қуруғини — шундай деб пристав ҳўл рўмол-
чани жон аччиғида ерга улоқтирди.

Момақалди роқ пайти ўғли билан очиқчасига гаплашиб олгач,
Петр Данилич аламини ичкиликдан олди. У бир ҳафтадан
ошиқроқ вақт ичмагани учун ароқ дарров суробини тўғрилади-
қўйди. Ерга қуладню донг қотиб ухлаб қолди. Илья Сохатих
униг боши тағига ёстиқ тиқди ва ҳар эҳтимолга қарши ёнига
тос қўйиб қўйди.

Петр Данилич ҳануз уйқуни урмоқда. Прохор ҳам ухлаб
ётибди.

Иброҳим ҳам негадир бугун гафлат уйқусида қотган. Уни
урядник уйғотди.

— Сен қамоққа олиндинг,— деди у ва Иброҳимни олиб
кетди.

Илья Сохатих Прохорни уйғотди. Прохор ҳушини йиғиб ол-
гач, Илья ҳаворанг шойи рўмолчасини олдида, кўзини пирпират-
ди ва юзини қайғули буриштириб, кўзини артди.

— Анфиса Петровна оламдан ўтди.

— Йўғ-э?!— Прохор кўрпа тағида сапчиб турди.— Эсингни
едингни?!

— Малол келмаса, бориб кўринг,— Илья яна тезроқ кўзини
пирпиратди ва яна ҳаворанг рўмолчасига артди.

Прохор кўзлари бақрайиб, устидан кўрпани итқитди ва апил-
тапил оёқларини осилтирди.

— Агар алдаётган бўлсанг, ўттиз иккита тишингни битта
қўймай қоқиб оламан итвачча... Отам қани?

— Ухлаб ётибдилар.

— Улганми, ярадорми?

— Бадкирдор биратўла ўлдирибди-қўйибди..

— Ким?

— Ёлғиз худога аён бу... Эҳ, билсангиз эди, уни қанчалар,
қанчалар, қанчалар мен...

— Отамни уйғот... Иброҳим қани?

— Қамоққа олишди...

— Уйғот отамни!— йиғламсираб қичқирди Прохор. Унинг
қўллари титрарди. У валерьянка ичди, афтини бужмайтирди,

яна томизди, ичди, яна томизди, ичди. Каравотга йиқилдию бошини ёстиққа буркаб ҳайвондек оғир ингради.

— Петр Данилич!.. Петр Данилич, турсангиз-чи...— Илья хўжайинни тортқиларди. У ғингшир, хириллар, тупурар эди.— Кўзингизни очсангиз-чи, вой худойим-э. Бошимизга оғир мусибат тушди... Анфиса Петровна вафот этди.

— Нима, нима? Қаерга ўт кетди?!— хўжайин ёстиқдан капахт бошини кўтарди.

— Азият чекманг, ҳеч қаерга ўт кетгани йўқ, Анфиса Петровнани ўлдириб кетишди. Милтиқдан... ўзининг уйида...

— Ўлдириб кетишди? Анфи...

Хўжайиннинг оғзи қийшайиб кетди, сесканди, қандайдир куч уни бир кўтариб ташлади. Унг кўзи юмилди, чапи эса бақрайганча қолди, у маъносиз, қўрқинчли, сўниқ эди.

— Хўжайин Петр Данилич!..— деб қичқирди Илья ва хонадан югуриб чиқиб кетди.

Прохор, Илья ва ошпаз хотин хўжайинни ердан кўтариб олиб каравотга, парқу тўшакка ётқизишди. Петр Даниличнинг ўнг кўзи очилмас, ўнг қўли билан оёғи ишламай қолган, маърагандек гапирар эди.

Илья ўз хонасига қамалиб олдию тиз чўкканича ихлос билан ибодат қила бошлади.

— Банданг Анфисани ўзинг ёрлақа... Азиз-авлиёларнинг арвоҳи мададкор бўлсин!..— Қалби эса қувончга лиммо-лим эди: хўжайин албатта ўлиши керак, демак Марья Кирилловна, Маша бева бўлиб қолади.— Хўп ажойиб ишларинг бор-да, парвардигор!— У сепкилдор муштчаси билан кўкрагига муштлар, жингаллак соч пешонасини дўқиллатиб ерга урар эди.— Ўзингга шукур, худойим, менга қилган улуғ марҳаматинг учун... Хотираси мангу сўнмасин, сўнмасин...

21

Терговчи Иван Иванович Голубев кечга яқин келди. Юзи шиддатли, деҳқонларникига ўхшаган соқоли оппоқ, ўрта бўй, қотма бу чол шахдам, амирона гапирар, аммо хонаси келса тулкидек мулойимлаша олар, маҳаллий аҳоли қатори ичкиликка ўч эди. У овда шамоллаб қолган, ўзини бетоб сезар, боши оғир, бели сирқирар эди.

Дарҳол дастлабки тергов ишлари бошланиб кетди.

Анфиса Петровнани дераза ёнига, стулга ўтқизишди, тирсақларини пештахтага қўйишди. Анфиса қаршилиқ кўрсатмади. Оппоқ жилосиз чехрасида ажиб донолик ифодаси. Анфиса яшил либосга бурканаётган боғига яна бир марта қараётганидан хушнуд. Хушнуд бўлади-да ахир у зулматга, момақалдиروقқа эмас, кўёшнинг чароғон нурига кўмилаётган боққа қараяпти,— бироқ

гариб боши шилқ этиб бир ёнига оғиб кетаверарди. Бошини бегона одамнинг ёқимсиз кафтлари кўтариб турди. Анфиса жирканиб, қошини чемирди, на қичқирди, на қаршилиқ кўрсатди — Анфиса тақдирга тан берди.

Пешонасидаги жароҳатга чилвирнинг учини қўйишди-да, чилвирнинг охирини нариги боққа тортиб кетишди. Шу йўл билан улар қотилнинг тахминан бўйи қандайлигини билишмоқчи, ўқ қаердан узилганини англашмоқчи эди.

— Мантиқ шуни тақозо қилади,— деб тушунтирди терговчи.

Иш шу ерга етганда жиндек ишқал чиқиб қолди: пишиқпухта мантиқ жўяклар орасида чувалашиб кетди. Терговчи жўякка, мантиқ ва чилвир олиб келган ерга чиқди ва милтиқдан Анфисанинг пешонасини мўлжалга олди.

— Ҳа,— дедию ўйчан ҳолда бурнининг дўнг жойини қашлади.— Қотилнинг бўйи менинг бўйимдек бўлса жўякдан туриб нишонга олиши аниқ. Лекин бадқирдор мендан новча бўлса, у жўякнинг нарғидан ҳам отиши мумкин. Ҳа.

Қўшнининг четан девор томон кетган жўяги шубҳали топталган, бироқ жала изни ювиб кетган.

— Қотиллик жаладан олдин ёки жала пайтида содир бўлган, зинҳор-базинҳор кейинчалик эмас,— деди терговчи комил нишонч билан; ҳамма унинг фикрига қўшилди.

Терговчи дафтарга қисқа қилиб: «Этик», деб ёзиб қўйди.

Қотил четан девордан ошиб ўтган жойни аниқлашди, тахтага ёпишиб қолган қора тупроқ куни бўйи қотиб кулранг тусга кирган, унда пошна излари кўринар эди. Уйга қайтишди.

— Эртага эрталаб бош мяяни ёриб ўқни олиш керак,— деб буюрди терговчи врач хизматини адо этаётган фельдшер Спиглазовга.

Уқитувчи терговчининг эътиборини ерда ётган тиқинга тортди.

— Кўряпман, кўряпман,— деди терговчи афтини бужмайтриб: у «вой», дедию белини чангаллаб энгашди ва қоғоз тиқини олди, уни диққат билан кўздан кўчиргач, ёза бошлади.—Тавба, тиқин қандоқ қип бу ерга учиб келдийкин. Чамаси... Стволга қаттиқ жойланган.

Муаллимнинг ориқ, заҳил юзи унниқиб кетди.

— Газета,— деди терговчи,— газетанинг бурчагидан йиртиб олинган. Урядник! «Русское слово»ни ким олади?

— Громовлар!— деб шодон қичқирди муаллим.

— Худди шундоқ, жаноб терговчи, Громовлар олишади!— деди урядник назокат билан пошнalarини бир-бирига уриб.

Терговчи ёзиб қўйди: «Газета бурчаги».

Громовларникига йўл олишди. Йўлда бир деҳқон терговчи-га маълумот берди:

— Ҳалиги уникига, марҳуманикига, зоти олийлари, яна битта чала одам келиб юрарди, жойи жаннатда бўлсин...

— Улигидами ёки тиригидами?

— Йўғ-э, тиригида... Шапкин... Унинг милтиғи бор. Газета ҳам ўқийди.

Терговчи қисқа қилиб йўл-йўлакай ёзиб қўйди: Ш. М.

Громовларниқида негадир ошхонада жойлашишди. Уй эгала-ри йўқ эди, ёлғиз ошпаз хотин бор эди холос. Стол атрофига ўтирганлари ҳамон Варвара йиғи бошлади.

— Йиглама,— деб таскин берди терговчи.— Яхшиси, шунга айт, Иброҳим ўгли кеча кечаси уйга қай вақтда келди?

— Қаттан биламан қачон келганини... Мен момақалдироқдан кейин, осмон тинчий бошлаганда ётувдим: У ҳали келмаган эди.

— Прохор Петрович қачон келди?

— Билмадим. Фақат улар кечаси жуда кўп овқат едилар. Карам шўрва, бўтқа, қўй гўшти. Кейин Ильянинг олдига кетдилар.

Илья Сохатих аввалига ўнг оёғини олдинга қўйганча, қўли-ни чўнтагига тикиб дадил маълумот берди.

— Иброҳим, фараз қилиш мумкинки, истиқомат қиладиган манзилгоҳига тонготар олдидан қадам ранжида қилган. Кечаси биз Прохор Петрович билан унинг ҳузурига ташриф буюрган эдик, афсуски, унинг сиймосини кўриш бахтига ноил бўлмадик.

— Соддароқ гапиринг. Прохор Петрович оёғига нима кийган эди?

— Пийма. Кейин гитара тингиллатдилар.

— Кеча кечаси ёки бугун эрталаб сиз ҳеч кимнинг лойли этигини ювганингиз йўқми?

— Йўқ... Худо шоҳид...

— Сиз милтиқдан отасизми?

— Худо сақласин... Утдан қўрққандек қўрқаман... Прохор Петрович овда отганида қулогимни беркитиб оламан. Масалан, кеча...

— Узингизнинг тўппончангиздан бирон нарсани нишонга олиб ҳеч отганмисиз? Белкуракка масалан?

— Ҳеч қачон... Айтгандек, ўтган ишни эсга олсак, отганман...

— Опкелинг тўппончангизни...

Прохор каравотда ётарди. Бошига ҳўлланган латта қўйилган. Фельдшер унинг касал, касал эмаслигини текшириб кўрди.

— Кўпдан тобингиз ўқми?— терговчи стулга ўтирди.

— Кўпдан... Тузалиб кетгандим, яна бошланди... Мени шаҳарлик врач даволаган эди.

— Биламан...— терговчи папирос тутатди, стулни Прохорга яқин суриб унинг кўзларига диққат билан тикилди ва бурро, плмоқли савол ташлади:

— Кеча сиз ўлдирганингиз йўқми...— кейин тилини тишлади.

Прохор бошидан ҳўл латтани юлқиб отди, сапчиб ўрнидан турди:

— Нима? Кимни?.. Нима демоқчисиз ўзи?

— Ётинг, ётинг... Ҳаяжонланиш сизга зарарли,— деди тер-

говчи ҳамдардлик қилиб, сўнг муаллим ва пристав билан кўз уриштириб олди-да, қўлини Прохорнинг қалтираб турган тиззасига қўйди.— Сиз, бу одам Анфиса Петровна ҳақида гапиряпти, деб ўйладингизми? Қўйинг-э, Прохор Петрович, эс-ҳушингиз жойидами?.. Мен ов ҳақида гапирдим... Кеча, кундузи, Илья Сохатих билан... Далада бирон нарса отдингизми ёки милтигингиз тозами?..

— Тоза бўлиши даргумон... Отдим, ғозни ўлдирдим, аммо уни тополмадим...

— Ҳай, майли... Ўлдирдингизу тополмадингиз... Урядник, Прохор Петровичнинг милтигини бу ёққа ол-чи.

Пристав ҳамма гапни сўзма-сўз ёзиб борар ручкаси қоғоз устида равон юрмас, қитирлагани қитирлаган эди.

Терговчи уста овчилардек милтиқни қайирдию стволларни ёруққа тутиб қаради.

— Ҳа, асл милтиқ... Льеж... Стволлари Дамашқники... бир стволи чокбори... Дуд янги, кечаги, палағда тухумнинг ҳиди келяпти... Нима учун иккинчи стволда ҳам дуд бор? Ахир сиз бир марта отгансиз-ку.

— Бир марта, йўғ-э, икки марта... Ҳозир эслашим қийин... Бошим...

Терговчи каравот тагидан қўнжи узун этик олди:

— Нима учун этик тоза? Ким ювди?

— Ўзим... Айтгандек... Ҳа, ҳа, ўзим.

— Сиз пиймани овдан кейин кийдингизми ёки кеча кечаси Анфиса Петровнанинг боғидан қайтганингиздан кейинми?— деб суриштирди терговчи уни тилидан илинтиришга ҳаракат қилиб.

— Овдан кейин, албатта,— деди Прохор ўтакаси ёрилиб.— Ҳа, ҳа, овдан кейин,— деб илова қилди ва тирсагига таяниб ёнбошлади.— ҳар қалай қизиқ.

— Нима қизиқ?

— Сиз мени гапдан чалғитяпсиз... Бу қанақа... қанақа... безбетлик?— У ётди, кўзларини юмди ва кенг кафтини пешонасига қўйди. Бармоқлари титрар, кўринишидан хотиржам, лекин ҳар қалай аламзада юзида қон югурар, юзи гоҳ оқариб, гоҳ қизарар эди.

Ўз ишидан кўнгли тўлган терговчи худди ароқ олдидан тупугини ютган пиянистадек ютинди-да, хушмуомалалик билан деди:

— Ҳўш? Этикни сўраганимнинг боиси шуки, Анфиса Петровнанинг боғидаги бир жўякда мана бу пошнадаги саккизта миҳнинг изи қолган. Малол келмаса, кўришингиз мумкин.— Терговчи шундай деб пошнани қалам билан тикиллатиб, этикни нақ Прохорнинг бурни тагига олиб борди.

Прохор қаҳрли кўзларини очди-да, этикни четлатди ва терговчининг башарасига ўшқирди:

— Даф бўлинглар, иблислар! Мен у ерда бўлмаганман.

— Фельдшер!— деб бақирди терговчи ҳам.— Тинчлантира-
диган дори беринг унга. Ҳозирча биз хўжайиннинг олдига кириб
чиқамиз.— Терговчи пошна масаласида жиндек ошириб юбор-
ганини сезди-ю, барибир ўзидан мамнун бўлди.

Петр Данилич кирганларга қўлини тўлгади ва жаҳл билан
алланарса деб минғирлади, каравотда ётган зилдек гавдаси
лорсиллади.

Унинг касаллигига иқдор бўлишгач ва бунинг сабабини тус-
моллаб билишгач, Прохорнинг хонасига қайтиб келишди.
Илья Сохатих шу ерда ивирсиб юрар, ҳар бир гапга қулоқ
солар, зўр бериб қошнини учираар, пинҳона ибодат қиларди; қўли-
да кичкина тўппонча бор эди.

Прохор энди ўчакишиб деворга қараб ётарди.

Терговчи тўппа-тўғри унинг энсасига қараб гапирарди:

— Мана бўлди, Прохор Петрович, тергов тугади. Ҳозирча
албатта... Вақтинча. Ухлаяпсизми, йўқми? Сизга бир ўтинчим
бор эди. Менга беш-ўнта тиқин бериб туrolмайсизми, а? Сизда
картондан ва кигиздан қилинганлари бўлса ажаб эмас. Ёки
тугаб кетганми? Балки тиқинни қоғоздан ясаётгандирсиз?

— Илья! Унга ўн бештами, йигирмата тиқин бериб юбор!..—
деб буюрди Прохор деворга қараб ётганча.

Терговчи Илья Сохатих бажонидил тутган иккита тунука
қутичадаги тиқинларни кўздан кечирди. Прохорнинг тиқинлар-
ни ғамлаб қўйгани терговчига маъқул бўлмади.

— Биласизми, яна бир илтимосим бор,— деди терговчи оёғи-
нинг учига туриб, кейин ўтирди.— «Русское слово»нинг икки-уч
сонини ўқишга бериб турсангиз... Газеталарингиз қаерда? Ма-
нави шкафчадами?— У ойнаванд шкафни очди ва бир қучоқ
газета олди.

Прохор чурқ этмади. Терговчи унинг ёнига келди ва қуруқ
расмий овозда деди:

— Энди терговчи томонга ўгирилиш. Мана, кўряпсизми?—
деб газетанинг устки саҳифасига бармоғини нуқиб давом этди,—
бу ерда газета бурчаги йиртиб олинган. Шу бир парча қоғоз
қаерга йўқолганини билмайсизми?

— Ким билсин қаерга йўқолганини? Ишлатилгандир ахир
бирор нарсага... Эсимда йўқ...— деб гўлдиради Прохор хижолат
чекиб; унинг кўзлари ҳамдардлик излаб ҳозир бўлганларнинг
юзларига олазarak боқарди.

— Олиҳимматлик ила авф этсинлар,— деб орага тушди
Илья Сохатих икки қўлини ёнига босиб.— Уша бир парча қо-
ғоздан мен фойдалангандим, уёқда, ҳожатга борганимда.

— Яхши эслайсизми бунини?— деб сўради ундан терговчи
зугум билан.— Бордию шу бир парча қоғозни сиз йиртиб олган
бўлсангиз, ҳозирок сизни қамоққа олишга буюраман!

Илья Сохатих бир қадам орқага чекинди, башараси ваҳшат-
дан чўзилиб қолди, у чапак чалиб, хитоб қилди:

— Жаноб терговчи! Худо ҳаққи!.. Қайси гуноҳимга?

— Мана бу гуноҳингизга...— терговчи портфелидан бир неча жойи куйган гижим қоғозни чиқарди-да, газетанинг йиртилган жойига қўйди.— Мана, шу гуноҳингизга. Бу қоғоз Қозирева ўлдирилган хонадан топилди, қотил шу бир парча газетадан тиқин ясаган.

— Жаноб терговчи!— шундай дедию жон-пони чиқиб приказик қаттиққўл чолнинг оёғига йиқилди.— Худо ҳаққи, мен бу ердан йиртиб олманман, худо урсин!.. Мен уни масленица-да бултур йиртиб олгандим... Мен...

— Алдадингми?— терговчи Ильяга ўрнидан туришни буюрди.

— Алдовдим, рост... Алдовдим, алдовдим. Шайтон йўлдан оздирди мени...

— Еш хўжайиннинг жонига ора кирмоқчи бўлдингми?

— Худди шундай. Ҳа.

Терговчи приказчикка дўстона кўз қисиб қўйди, йўталди ва деразадан туфлади.

— Хўп, хайр, Прохор Петрович,— у Прохорнинг қўлини сиқди.— Оҳо! Қўлингиз иссиқ-ку. Шифо берсин, шифо берсин. Унбоши! Беморнинг ёнида қоласан. Сиз, жаноб Громов, илтимос, ҳеч қаёққа чиқмай, уч-тўрт кун уйда ўтиринг. Илтимос.— У портфелига бурчати йиртиб олинган газетани солди ва эшикка йўналди. Эшик олдида қуруққина деди:

— Мен сизга, жаноб Громов, жиддий суратда мана бу бир парча қоғоз ва тиқин ҳақида ўйлашни маслаҳат бераман. Этик тўғрисида ҳам. Нима учун ошпаз эмас, шахсан сиз этикка полиздаги жўяклардан ёпишган лойни ювдингиз?

— Газетани Иброҳим ўгли йиртган бўлиши ҳам мумкин,— деб бўшашиб гапирди Прохор деворда ўрмалаётган эшакқуртнинг нигоҳи билан кузатиб.

— Бўлиши мумкин, бўлиши мумкин,— деб дарров рози бўлди терговчи.— Отангиз олиши мумкин эди газетани, онанги, ошпаз хотин. Мени аслида қизиқтираётган нарса бу эмас,— терговчи ҳам эшакқуртга қаради — эшакқурт ағдарилиб тушди.— Мени шу нарса қизиқтирадики, бу бир парча қоғозни милтиққа ким жойлади, Анфиса Қозиревани ким ўлдирди?— портфелига икки марта мушти билан уриб қўйди.— Ҳай, зарари йўқ, секин-аста бунинг тагига етамиз. Яхши қолинг, жаноб Громов.

Ҳамма чиқиб кетди.

Бу шўриши ғавғодан ташвишга тушиб, лолу ҳайрон бўлиб қолган, сўроқдан азоб чеккан Прохор бир соатдан кўп миқ этмай ётди. Кейин Ильяни чақирди-да, дарҳол Марья Кирилловнага хабар беришни ва шаҳарга бориб доктор чақириб келишни тайинлади. Сўнг бемор отасининг ёнига борди, кечга яқин эса чиндан ҳам мазаси қочиб, ётиб қолди.

Тергов комиссияси эса Громовларникидан чиққач, йўл-йўлакай «расмият учун» Шапошниковникига кирди. Ҳолбуки, таж-

рибали терговчи ҳақиқий жиноятчи ким эканлигини яхши биларди.

Ҳаммаёғига сўлаги оққан, гунафшаранг бурни шишиб келган, кўзи кўкарган Шапошников каравотда ётар, уни бўз сочиқлар билан деворга қоқилган ҳалқага боғлаб қўйишган эди. У келганларни бўралаб сўкиб қарши олди, тупурди, ҳаммани ҳайдади, пойма-пой гапларни гапирди.

Кулба эгаси Андрон Титов терговчига шундоқ деди:

— Боғлаб қўйишга тўғри келди; эси кирарли-чиқарли бўл қолди. Ақлидан адашдими-ей бу Шапкин. Икки ҳафта сурункасига ичди. Кейин қарасам юриш-туриши ғалати, гаплари пойинтар-сойинтар, ўтлаб кетади. Бугун келиб қарасам, печга ўт қўйиб, ёғоч тоғорачада карам шўрва пиширяпти. Карам шўрвасини тўкиб ташладим, ёғоч тоғорачада олмахоннинг тухуми ётибди, ичига латта-путта тиқилган. У бўлса менга қичқиради денг: «Бер мол гўштини! Бер мол гўштини!» Нафсиламрига, у мўмин-қобил, яхши йигит. Мияси тўла ақл. Ҳамма фанни ўқиб, сув қилиб ичиб юборган. Кеча кечаси ҳеч ёққа чиққани йўқ...

Бемор ёнида фельдшер Спиглазовни қолдиришди. У беморга тинчитадиган дори берди, қўлини ечди, чой ичирди. Шапошников икки ҳафта мобайнида биринчи бор хотиржам ухлади.

Прохорнинг, Иброҳим ўғлининг милтиқлари, Илья Сохатининг тўппончаси ёнига комиссия тартиб юзасидан Шапошниковнинг милтиғини ҳам қўшиб қўйди.

Медведево қишлоғида яна саккизта сиёсий маҳбус сургуи муддатини ўтар эди. Одамови, хаёлпараст Шапошников улар билан дўстлик алоқалари боғламаган бўлса-да, дўстларининг хаста эканлигини эшитиб, улардан иккитаси уни кўргани келди.

Марья Кирилловнанинг синглиси, Степанида Кирилловна кутилмаганда соғая бошлади. Художўй Марья Кирилловна буни худонинг марҳаматига йўйди ва орадан икки кунни ўтказиб уйига жўнаб кетишга жазм қилди. Бироқ қалби қувонмас: заиф, хаста юраги интизорликдан сиқилар, қандайдир яқинлашиб келаётган фалокатдан ғашланар эди. Ҳайвоний бу қўрқув кучайди, ўтган кечаси мустаҳкамланди. Момақалдироқ тинартинмас, Марья Кирилловна пинакка кетди. Туш кўрди: тушида ўзи. Прохор ва Анфиса яп-яланғоч эмиш. Уларни қандайдир ҳайвон ечинтирганмиш, бироқ у ҳайвоннинг на номи, на афти башараси бормиш. Ваҳимали овоз нуқул қулоғига қуярмиш: «Узук, узук». Шу пайт уйғониб кетибди.

Кечқурун алламаҳалда энди ётаман деб турганида қўнғироқчалар жингирлади-ю, йўлдан бир жуфт от қўшилган арава ўтди.

— Ким бўлди? Бизларникиданмасми?

Худди шундай: Илья.

Илья ҳамма билан очиқ юз билан саломлашди; ҳатто хаста Степанида Кирилловнага ширин сўзлар айтиб, ёнига борди, Марья Кирилловнанинг эса худди асилзодалардек қўлидан ўпди. Марья Кирилловна довдираб қолди. Хижолат чекди ва Ильянинг чиройи очиқлигини ўзича тушуниб, хотиржам сўради:

— Уйдагилар соғ-саломатми, Илюшенька! Мени олиб кетгани келдингми? Войбў, мунча атир сепмасанг...

— Изн беринг, Марья Кирилловна, йўлкада холи айлансак, жиндек иш бор.

— Йўлкалар лой ҳозир, бошқа хонага кира қолайлик.

Киришди. Марья Кирилловна яқинларини сўраб-суриштириб саволлар ёғдирди. Илья миқ этмай турди. Уй кўркем, шаҳар услубида эди. Илья эшикни ёпди ва ёқимли жилмайиб чўнтагидан узук филофини чиқарди, тиз чўкди ва шимини ҳам аямай худди майиблардек сургалиб бурчакда ўтирган бека ёнига борди.

— Марья Кирилловна, Маша!— деб шивирлади у босиқ овозда, унинг ўпкаси тўлиб кетган, аксига олиб оғзига тупук тўлганидан гапиролмас эди.— Маша, айбга буюрма, қабул қил...— аввалига у ҳанг-манг бўлиб қолган аёлнинг нигоҳи олдига узукнинг ёкут кўзини йилтилатди, кейин чаққонлик билан узукни унинг бармоғига тақиб қўйди.

Аёлга қисман бу хуш ёқди ва бировнинг уйида жанжал қилишни истамади. У сўлаги оқаётган оғзини очганча ёпишаётган Ильяни четлатди-да шоша-пиша деди:

— Хўп, бўлди, бўлди... Шилқимлик қилма... Нима, мен қиз бола эдиммики, узук совға қилсанг!

— Мирси, мирси...— у хўрсинди, қўлларини қайириб, таъсирли оҳангда деди:— Яна бир гап бор... Қулоқ сол, Маша, рапорт.— У ўрнидан турди, шимини қоқди, бўялган жингалак сочини орқага ташлади ва йўталди.

— Прохор Петрович... Йўғ-э, ундоқ эмас...— деб гап бошлади бошини лиқиллатиб.— Петр Данилични... бугун эрталаб...

Марья Кирилловна сапчиб ўрнидан турди-да, уни қўлидан ушлади.

— Гапир, тезроқ гапирсанг-чи, гўрсўхта!— шундай деб у депсинди.

— Тинчланинг, хавотир олманг... Ҳаммамизнинг тақдиримиз оллоҳнинг қўлида... Хўш, кеча кечаси Анфиса Петровнани отиб кетишди, милтиқдан. Турган гап, Петр Данилич шол бўлиб қолди, тилсиз ётибди. Прохор Петровичдан қотил сифатида шубҳаланишяпти.

Марья Кирилловна чунонам чинқирдики, Ильянинг эсхонаси чиқиб кетди. У букчайганча юраги ва бошини чангаллаб, алкаш-чалкаш қадам ташлаб эшик томон юрди. Приказчиkning илиги қалтиради, елкасидан муздек совуқ нарса ўрмалаб ўтди.

— Худо ҳаққи, худо ҳаққи!— У ҳушидан кетган бека кетидан отилди.— Қўрқманг... Иброҳим қамоққа олинди, ўша ўлдирган.

Бироқ бу гапни Марья Кирилловнанинг аниқ-таниқ эшитиши

даргумон эди: унинг кўзлари хира, сўниқ эди, у хириллаб гурс этиб йиқилди. Илья уни беҳол ушлаб қолди ва қичқирди:

— Тезроқ, тезроқ!.. Ҳой, ким бор?..

Марья Кирилловна Громова қазо қилди.

Ғам-ғуссадан адоий тамом бўлган, саросимага тушиб қолган Илья Сохатих кечаси қўнғироқчаларни жиринглатиб шаҳарга аравани елдириб борарди. Унинг кўзлари шишиб кетган, дам-бадам йиғлар, шундоққина йўлга бурсини қоқар, ҳаворанг шойн рўмолчаси топ-тоза эди. Чўнтагида сахтиён ғилофда марҳуманинг қўлидан ечиб олинган ёқут кўзли узук ётарди.

Арава кечасиёқ Медведево қишлоғига кириб келди. Аравада наридандан-бери қилинган тобутда Марья Кирилловнанинг жасадн бор эди.

Шу кечаси фельдшер жарроҳлик асбобларини чархлар, эрталаб ўликни ёриб ўқни топиши керак эди. Зотан, мана шу ўқ қотил кимлигини аниқ кўрсатиб бера олади.

22

Осмонни ўркак-ўркак булут қоплаган. Тун. Ғариб, изтиробли, зим-зиё. Бу туннинг тили йўқ: қоровул Анфисанинг дарвозаси ёнида донг қотиб ухлаб ётибди.

Зинапоядаги ҳалқа тақиллаб, жаранглади-ю, Шапошников писиб уйга кириб кетди. Орқасидан афти башараси қоп-қора биров эргашиб кирди. «Биламан, шайтон бу,— деб кўнглидан ўтказди Шапошников,— арвоҳ...»

— Анфиса Петровна, салом,— деди у бамайлихотир.— Салом ва алвидо; сен билан хайрлашгани келдим.

Соат буралди, тош ергача осилиб тушди, какку дарчадан лип этиб чиқиб, уйда юрган кишига уч марта таъзим қилди, уч карра как-ку, как-ку, деб сайради. Тун соат уч.

Алоҳа чироқ ёқилди. Шапошников самовар қўйишга тутинди. Узоқ керосин қидирди, ниҳоят қазноқдан бир чирпит тўла керосин олиб келди. Жуда соз, ҳозир самоварга керосин солади.

— Салом, салом,— деди у дудуқлиниб. Соқолида яқингинада оқарган тола, юзи мумдек заҳил, ўзи ҳам нақ мум кўнғирчоқнинг ўзгинаси, мунгайган, дунёдан умидини узган, ғалати. Кўзлари бежо, улар фақат ичкилик касофатидан айниган мияси буюрган нарсаларнигина кўради. У ёни билан ҳаворанг хонага ўтди. Бармоғини ақлсизларча оғзига тиқиб тўхтади. Шунда ҳангу манг бўлиб қолган Шапошниковга: Анфиса стол ёнида башанг кийиниб ўтиргандек бўлди, у пардек енгил, қиш ҳавосидек шаффоф.

— Анфиса Петровна,— Шапошников панжаларини чамбарақ қилиб ғўлдирай бошлади.— Айтинг-чи менга, ҳаётда сиз нима қидирдингиз, умуман, бирор нарса изладингизми? Табиатда инсон разолатнинг икки хил, ички ва ташқи кўриниши бор.

Шунақами? Шунақа. Бироқ ички кўриниш ташқи кўриниш демакдир. Бунинг акси бўлиши ҳам мумкин. Шунақами? Шунақа.

Соат капгири ҳам гўё: «Шу-на-қа, шу-на-қа», деб таъкидлагандек бўлди.

— Мен сенинг ички кўринишингни маҳв этишга қасд қилган бадкирдорни биламан, Анфиса. Лекин ички кўринишни йўқ қилиб бўлмайди. Бунинг сенинг юрагинг тепмаса, демак қотилнинг ички кўриниши бижғиб кетган... Менинг ҳам бутун аъзойи баданим бижғиб кетган, мен мастман, мастман.— Шапошников оқ оралаган сочини чангаллади, кўзини қисди. Ништар беринглар, келинлар, ҳамма нарсанинг ибтидосини қидирамиз,— у қўлларини ёзиб қанот сингари қоқа бошлади.— Мана, мен мавҳумиятнинг чўққисига кўтариламан, менга тоғдан ҳамма нарса яхши кўринади,— у тап этиб ерга ўтириб қолди.— Уртоқлар, дўстлар!— Унақа ништар йўқ, микроскоп йўқ... Инсон, инсон, сен аввало бошингдан бит топ, бу битнинг бошидан яна бит топ, кейин бу битнинг бошидан ҳам бит топ. Шу тахлит асрлар бўйи қидир. Тўхта, тўхта, фавворанинг оғзини беркит! Инсон, сенинг қисматинг туғилишу туғиш. Сен туғилгач, яратишнинг эвини қил. Хўш, ақлинг борми? Сенинг ақлинг — баайни ойна, ойнага қарагин, ўнг қўлинг чап қўл бўлиб кўринади. Сен кўзларингга ишонма... Анфиса Петровна! Нега сиз кўзларингизга ишондингиз, нега?— деб қичқирди Шапошников ва тўрт оёқлаб турди. Унинг ёнида ичига латта-путта тиқилган бўри панжаларига тумшугини қўйиб ётар, думини ликиллатар, Шапошниковнинг ярғоқ бошини ялар эди.

— Жим ёт! Тентаклик қилма!.. Тур, йўқол!

Бўри осмонга кўтарилиб учиб кетди, самовар ҳам пирр этиб учиб кетди. Шапошников пешонасига қарс этиб урди, ён-верига аланглаб қаради. Емакхона. У ўз кўзларига ишонмай қолди... Наҳотки, бу емакхона? Емакхона. У яна оёғи учиди юриб ҳаворанг хонага писиб кирди. Шифт тагида чироқ ёниб турибди, мўмингина Анфиса стол устида ётибди. Шапошников унинг совуқ кўксига йиқилди, йиғлади:

— Анфиса Петровна, жонгинам! Ахир мен сиз билан хайрлашгани келувдим. Мен касалман, мажолсизман, бахтсизман. Мана, сизнинг олдингизда...— унинг юзи кўз ёшлари билан ювилган, соқоли титрар эди.— Анфиса Петровна! Сиз қандайдир ғалатисиз, фожиалисиз. Мен биринчи учрашувимизни эслайман, Анфиса Петровна, сиз менинг ҳаётим олдида совуқ булут сингари ўтдингиз, мени ғусса шабнам билан чулғадингиз. Бор-йўғи шу, шу, холос... Лекин мен ўша шабнамдан ўрмондаги замбуруғдек тўнғидим. Айтгандек, тагин сиз у мендан қўрқадим, деб ўйламанг. Йўқ, йўқ, йўқ. Тўғри, сиз музлаб қопсиз, кўзларингизни ажал фариштаси мангуликка юмибди. Аммо бу ҳеч гапмас, унчалик қўрқинчлимас... Қўрқинчлиси шуки, менинг калламда иссиқ ғилдираклар айланяпти, нуқул

қаёқдадир интилгани интилган, аччиқ ҳаётимнинг бўлақлари Сир-бирларининг устидан ошиб ўтади. Мен ҳалок бўлдим. Сизни йўқотдим: ҳамма нарсани йўқотдим!— Шапошников бир қадам тисарилди. Кўйлагини тортиб қўйди, жилмайди.— Мен, Анфиса, бугун кечаси қочиб кетаман. Балки мен соқчининг ўқидан ер тишларман, балки тайгада ўлиб кетарман, фақат бу ерда, сенинг ёнингда туролмайман, туролмайман, мен мастман, жинниман. Эҳ, Шапкин, Шапкин!

У туфлади, пенсенсини юлқиб олди, катта тошойна қарши-сига келди, унга ўзининг ёввойи кўзлари билан боқди. Бироқ ойна бўм-бўш, Шапошниковнинг юзи унда акс этмасди. Ойнада тобут, деворлар, нақшинкор печь бор эди. Шапошников йўқ эди. Дарров у ҳушёр тортди, бошининг орқа томонида сочлари қимирлади, у гугурт чертди, ойна олдида ўтни айлантирди; ойна ўжарлик қилар, одамни тан олмасди. Шапошников дағдағ қалтираб ваҳшиёна ўкирди:

— Қани?! Нимага, нима уч-у-у-ун мен йўқман! Бекор ай-тибсан, мен тирикман, тирикман!— сўнг апил-тапил муздек сув турган челақка бошини тикди, пишқирди.— Иблис, арвоқ қорахаёл... Ташлайман, ичкиликни ташлайман. Тезроқ қочиб қолиш керак, хайрлашиб қочиш керак... Соат учдан ошди.— Бироқ сув унинг ақлини тиниқлаштиради, алаҳсираш доврираш чангалидан халос қилолмади. Аммо бир дақиқа у ўзига келди. Ҳамон ўша емакхона, ўша самовар, бир чирпит керосин. Ҳаммаёқ жимжит. Бўм-бўш ҳаворанг хонада мунгли мотама қўшиғини куйламоқда. Ҳаммадан ҳам Илья жонбозлик кўрсатиб, ув тортмоқда.

«Ярамас,— деб ўйлади Шапошников жаҳл билан.— Шайтон... Ўзини кўрсатмоқчи!»

У биргалашиб айтишаётган ҳазин қўшиққа, дераза тавақаларини шамол тақиллатишига қулоқ солди: унинг ҳаворанг хонага киргиси келмасди. Емакхона эшиги ёнидан шошилмай Анфисанинг бахмал ёпилган тобутини кўрсатиб ўтишди, яна ва яна олиб ўтишди. Шапошников эшик кесақисига суяниб кузатиб турди. Бу манзара: тобут, маросим — назарида аниқ, равшан, бироқ йироқда кўринди: гўё у дурбиннинг тескари томонидан қарарди. У бўлаётган бу ишларни ўзига яқинлаш-тирмоқчи бўлгандек, қўлларини қанот каби даъваткор силкиди: бироқ ҳаёт у томон қайрилиб боқмади, даҳшатли ҳаёт ундан бўшлиқ сари узоқлашиб кетди.

Ташқарида шамол гувулларди: дераза тавақалари гижирларди, столга ёзилган дастурхон қимирларди, печь мўрқонида қуюн аянчли нола чекарди. Шапошников гандираклаганча чаккаларини сиқарди, эсини жойига келтириш учун зўр бериб уринарди, кўзлари таянч нуқтасини қидирарди. Бироқ ҳамма нарса кўзи олдида сузиб юрар, фақат Анфисанинг тобути тек турар ва кекса ҳазрат Ипат тобут устига энгашганча ихлос билан бухўр тутатар эди.

У ҳавони тутаман деб, мастларча чайқалиб кетди ва йиқилиб кетмаслик учун жон-жаҳди билан стол четига тиралиб қолди. Стол устида Анфиса пинакка кетган эди. У юраги туздек ачишиб, Анфисага тикилиб қолди. Анфисанинг чеҳраси оқилона, жиддий эди, лаблари алланарса демоқчи бўлардию иложини қилолмасди.

— Марҳаматли хоним, Анфиса Петровна,— енгилгина Шапошников бутун вужуди билан гандираклаб кетди, сержун лабларидан яна алмойи-алжойи сўзлар гўлдираб чиқа бошлади.— Бу уй ҳувиллаб ётибди, бека ўлган, итлар бўшатишган. Эшитяпсизми, эшитяпсизми, тун қандай ув тортяпти?— Шу билан қурум босган қўлларини артистона ҳаракат қилиб, гўё печь мўрконига қоқди.— Марҳаматли хоним, Анфиса Петровна! Кимда-ким ҳаётни тасдиқласа, қарор топтирса, у ўлимни инкор этади. Яшасин ҳаёт, Анфиса Петровна, азизам!

Бирдан унинг орқасида тапир-тупур, тақир-туқур, ойнанинг жаранги янгради: бир чирпит керосин Анфисанинг жасади ёнига ағдарилдию башарасига латта ўралган жундор махлуқ керосинга ёниб турган бир ўрам қайин пўстлогини отди.

— Ҳей!!! Ғаламис!!— Шапошников эси оғиб ҳайқирди, кейин, кўзларининг пахтаси чиқиб бақрайганча қолди.

Шу чоғ олов лов этиб ёндию сариқ аланга хонага ўрмалади. Аччиқ тутун қоронғиликда буралиб, эшила бошлади. Телба бир зумда ҳушёр тортди. Фарёд чекиб махлуқнинг башарасидан латтани юлиб олди ва эшик томон ўзини отди. Бироқ эшик ташқаридан тақа-тақ берк эди: кўчадаги соқчи уйғониб эшикка қозиқ тираб қўйганди. Девор ортида тўс-тўполон: қоровул зўр бериб ҳуштагини чуриллатар, тартаракни чалар, ер-кўкни бошига кўтариб бақирарди:

— Уйга ўт қўйдилар! Уйга ўт қўйдилар!

Ўқтин-ўқтин милтиқ овозлари эшитилди.

Телбанинг ҳуши жойига келди, заиф вужудига куч қуюлди. У ер бағирлаб сузаётган аланга устидан дераза томон ташланди. Анфиса шу ерда ўлдирилган, дераза эшиклари ланг очик эди, бироқ бу ерда олов гирдобни қутурмоқда эди. У тутун ва кўрқувдан бўғилиб, емакхонага, бу ердан қазноққа, қазноқдан юқорига, чордоққа ўзини урди...

Яна зум ўтгач, бир инсон бошпанаси порохдек гур этиб ёнди-кетди...

— Ёнғин!— шу бир оғиз сўз қишлоқ устидан пахмоқ соч қуюндек елиб ўтди.

Кўчаларда одамлар зир югуришар, эшикларни, деразаларни тақиллатишар, югуриб кетаётиб бақирришар эди:

— Ёнғин! Ёнғин!

Деҳқонлар ички кўйлак-иштонларида кўчага яланг оёқ югуриб чиқишар, ўз қишлоқларини таниёлмай кўзларини жае-

диратишар эди. Епирай, бу қандай синоат: ётганларида ёз эди, туриб қарасалар, қаҳратон қиш! Дарҳақиқат, кечаги ифлос кўчаларда, ям-яшил ўт ўсган кўлмакларда қорбўрон елиб-югурар, қор уюмларини уяр эди. Барг ёзган дарахтлар боғчаларда бошини қўрқа-писа эгиб турар, бўрондан шафқат сўраб, икки букилганча таъзим қилар эди. Қорбўрон ўз қанотида қишлоқ устидан бонгнинг таҳликали нидосини олиб ўтар, хўл қор барча деразалар кўзини беркитар, ҳамма уйларнинг деворларини оққа бўяр эди. Беҳудуд сариқ шафақ қаердадир қишлоқ ўртасида ёлқинланарди.

— Ҳей, Марфа! Пийма қани? Қалта пўстин қани?

— Чангак, чангак!

— Христианлар, ёнғин!

Биров чанада, биров аравада, биров отда ошиқиб ёнғин сари кела бошлади. Шамол учирган узук-юлуқ сўзлар қулоққа чалиниб қолди:

— Анфи...са...нинг ...уйи... ёняпти...

Пристав аллақачоноқ ишга киришиб кетган. Кўпчилик бир амаллаб ўт ўчириш машинасини гилдиратиб чиқишди — машина ичига Пипка деган ит болалари билан ўрнашиб олган, қовжираб кетган бочкалар бўш, ичак чириб, ёрилиб кетган, отлар ёқилган фонуслар ва қий-чувда қўрқиб, ўзини ҳар ёққа урар эди. Пристав маст, мушти қонаб кетган, кўкраги очиқ, мўйлови тагидан пайдар-пай сўкинган маза-бемаза гаплар учиб чиқади.

Проход халойиқ орасида кўринмайди; у касал, алаҳсираб ётибди, ёлғиз, ҳамма уни тарк этган: ойиси йўқ, ўнбоши қочиб кетган, Варвара ўт тушган ерда, отаси тилсиз, оёқсиз, Иброҳим йўқ, Илья ҳали қайтмаган.

Қўнғироқлар даранглайди. Кўчада шовқин-сурон тобора авжига чиқяпти. Ташқарида қорбўрон ғира-шира қоронғида сарғиш елпинади. Проход ўрнидан турди, ойнага башарасини босиб, мужмал гўлдиради:

— Мана ниҳоят... Раҳмат.

Анфисанинг уйи тепаликда. Юзларча одам уни зич ўраб олган. Олов сели қуршаб олган уй гуруллаб ва ланғиллаб ёнмоқда. Қорбўрон ёнғинга шитоб билан ҳамла қилади, алаҳга жаҳл билан ўт ва тутун пуркаётган қор тўзонига тупуради, қордан ҳосил бўлган гирдоб тик устун янглиғ ёнғин узун кўкка ўрлайди ва алангага чулғаниб юқорига, қорбўрон томонга кўтарилади. Ин қуришга киришган зағчалар ҳавонинг бузуқлигидан ва тўс-тўполондан безовталаниб, инларидан ўқдек отилиб чиқадилар ва таҳликали чағиллаб қишлоқ устида узоқ айланадилар.

Қизғиш тусга кирган қўнғироқхонада қўнғироқ чалувчилар ўзгарди — чол шу май кечаси бурни билан қулогини совуққа олдириб қўйди. Катта қўнғироқ энди шўх жаранглади — Басятка Мохов, завқ-шавқ билан қўнғироқни жаранглатиб,

қўнғироқхонада кўкка сапчиётган алангага жилмайиб қарарди. Черковдан крест ва иконалар кўтариб, дин аҳли чиқди, туғларни шамол ҳилпиратди. Фonusнинг заиф шуъласи гоҳ пасаяди, гоҳ юксалади, ҳазрат Ипат бухўрдон кўтариб томоқ қириб бормоқда. Устида пўстин, жубба, бошида кулоҳ, оёғида пийма.

Ҳадемай уй бутунлай куйиб кул бўлди.

Қорбўрон тинди, шамол тўхтади, одамлар секин-аста тарқала бошлашди.

Тараша кампир ўт тушган ерга қаради. Қарчиғайнинг тумшуғидек букик бармоғини ўқталиб пўписа қилди ва башорат қилгандек тўнғиллади.

— Худованди карим ўзининг қаҳқорлиги ва қодирлигини кўрсатяпти.

23

Худонинг бандаси Марья тавба-тазаррусиз жон таслим қилди.

Тетик, ўлимни хаёлига ҳам келтирмай, жон бераётган синглисининг олдига жўнаб кетган эди. Лекин тақдир тақозоси билан синглиси тузалиб қолди. Марья Кирилловна эса жазирамай майни, момақалдироқни, Илья Сохатихнинг дил розини бошидан кечирди ва тўнг одамнинг бир оғиз қалтис сўзидан ногаҳон ҳаёт шами сўниб, оппоқ май қорлари устидан тинчгина тобутда уйига йўл солди. Мана энди тобут қопқоғи орасидан нималар бўлганига ажабланиб қарамоқда.

Инсон ҳаётининг пинҳона тақдири шу. Бироқ буни одам олдиндан билмайди, англай олмайди. Хайриятки, шундай.

Ота-бободарнинг васиятларига кўра, қадимдан бир таомил борки, ҳар қандай бообрў одамга тобут учун битта кедр дарахтини қулатиш лозим. Бордию Петр Данилич соппа-соғ бўлганда, ўғли билан албатта энг серсмола, алифдек тик дарахтни танлашарди-да, икки кишилашиб ҳаш-паш дегунча уни қулатишарди. Ҳозир бу юмушни ёлланган икки нафар деҳқон билан черков қоровули Нефедич бажаришяпти.

Битта кедрдан ўнтача тобут ясаш мумкин. Бироқ Марья Кирилловна маълум ва машҳур аёл, унга бутун бошли битта кедр аталган. Иккинчи дарахт қачонлардир латофатли бўлган Анфиса учун. Бордию унинг дарахтидан номаълум марҳум учун учинчи тобут ясашга, балки хафа бўлмас худо раҳмат қилгур.

Учинчи марҳум кимлигини тергов аниқлай олмади. Тергов фақат, ўт тушган ўша қорли-қировли тунда Аркадий Шапошинов гойиб бўлганини аниқлади, холос. Эҳтимол, у кейинги кунларда содир бўлган тўс-тўполон воқеалардан фойдаланиб, қочиб кетгандир. Ахир сургундагилардан кўплари қочишади-ку. Эҳтимол, у оддий сиёсий маҳбус сифатида эмас, разил қароқчи сифатида қочгандир: муҳаббатини рад этгани учун Анфисани

Ўлдиргану яширингандир. Худди ўша одамнинг ўзи уйни. Анфисани ва ўзини ёндириб юборган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Аммо муайян бир далил нима учундир дастлабки тергов протоколига кирмай қолди. Ҳибсга олинган шўрпешона қоровул сўроқда худони ўртага солиб онт ичди, унинг айтишича, ўт қўйган одам қочганмиш, у яъни, қоровул, унга икки марта ўқ узганмиш, томоғини йиртар даражада: «Ушла, ушла уни!»— деб бақирганмиш. Бироқ ҳеч ким унга ёрдам қилмаганмиш. Хўш, ўт қўйган одам уйга қандай қилиб кирди, деган сўроққа қоровул ўз тумшугига бошлаб туширишгач, шундай деди: мен ёнги усти бошда эдим, кун иссиқ эди. Кечаси эса тун яримдан ошганда қорбўрон уриб берди, қалтираб турдим-турдим-да, охири уйга пўстин кийгани кетдим, қайтиб келсам — «уй ичида олов гуриллаб ёняпти».

Ҳа, хийла чигал воқеа.

Ҳамма нарса ҳозирча қоронғи ва сирли. Фақат бир нарса аниқ: куйиб битган уй харобасидан жизғанақ бўлган икки жасад топилди. Инсон турқ-таровати жуда кам қолган уларда. Анфисанинг мағрур чиройи қани? Алланечук қинғир-қийшиқ, аянчли бир нима қопти. Шуниси таажжубки, совиган куюк икки танадаги ўлим азобида тўлганган тўртта қўл жасадларни бир-бирига чирмаб ташлаган, уларни бир жон, бир тан қилиб юборган эди; жасадлар бир-бирларига қараб ёнбошлаб ётишар, гўё кучоқлашаётганга ўхшашар эди. Бу жумбоқни халқ узоқ йиллар давомида эслаб юрди. Ниҳоят, ҳамма нарса каби бу ҳам унутилди.

Яна ғаройиб бир тасодиф: ёнғин ҳамма нарсани кемириб битирган, фақат какули соатигина девордан учиб тушиб, ертўлага қулаган ва ёнмасдан бутун қолган эди. Какку дарчани ланг очган, чамаси учиб кетмоқчи бўлган, лекин оловдан қўрққан эди. Соат миллари учу йигирма уч минутни кўрсатиб турарди. Терговчи вақтни протоколга тиркаб қўйди. Соатни эса Анфисадан хотира сифатида олишга пристав истак билдирди.

Кечга яқин момиқдек қорга тайга кўрки биричи кедр қулади. Унинг учи боярканинг яшил бутасига тушди. Бута тагида дўнг, гўрга ўхшаш қор уюми. Черков қоровули Нефедич қор уюмини оёғи билан титиб хитоб қилди:

— Биродарлар, нима бу? Қушлар-ку!

Титилган қордан иккита ўлик — нар ва мода оққушни топилди. Улар бир-бирларига суқилишиб, бошларини қанотлари тагига яширишган ва шу кўйи музлаб қолишганди. Оққушлар олис иссиқ мамлакатлардан яқингинада учиб келишган, бироқ тўсатдан бошланган кечаги қорбўрон уларга шафқат қилмаган эми. Қамдан-кам учрайдиган бу воқеа ҳам халқ орасида ҳар хил бемаъни мишмишлар тарқалишига сабаб бўлди.

Марья Кирилловнанинг жасадини шундоққина черковга, ёш умри хазон бўлган Анфисанинг жасади ёнига қўйишди. Ҳазрат

Ипат жаноза ўқиди. Одам кўп эди. Марья Кирилловнани яхши кўришар, ачинишарди, чин юракдан озмунча кўзёш тўкишмади.

Онасининг ўлимини Прохорга дарров айтишмади. Петр Данилич эса, бундан хабар топгач, чўқинди: қўли зўрға қимирлади, тили араңг айланиб, гўлдиради:

— Ат-т-а-нг...

Илья Сохатих шаҳарга етиб келгач, Яков Назарич Куприяновга телеграмма жўнатди, жавоб ҳам кела қолди.

«Боролмайман, иш кўп. Савдогар Груздегга учра. У тасодифга кўра ҳозир сизнинг шаҳрингизда. Мен сизнинг қишлоғингиз Медведовога боришини сўраб, унга телеграмма юбораман. У ўрнимни босади. Жуда зарур бўп қолса, ўзим етиб борарман».

Прохор билан Почуй қишлоғида солдаги ярмаркада учрашган ўша Иннокентий Филатич Груздев «Сибирь мусофирхонаси»да тўхтаган эди. Илья Сохатих иккала енгига мотам боғичи боғлаб олиб, туш пайти савдогарни қидириб топди.

— Узимни таништириш шарафига ноил бўлганимдан бағоят масрурман; мен «Громовлар ва компания» фирмаси ходими коммерсант Илья Петрович Сохатих бўламан. Мана, савдогар Куприянов юборган телеграмма, боз устига, яна қатор фожиавий воқеалар. Воқеалар биридан-бири хунук, бунга ҳатто манави мотам белгисига қараб ҳам иқрор бўлишингиз мумкин,— у қора боғичларини кўрсатди, юзини ўгириб кўзларини пирпиратди, қўлини ғамгин силтади-да, кўзларига шойи рўмолчани босди.

— Менга қара, дардисар... Утир, бундоқ одамга ўхшаб гапир... Мен бунақа оҳанжама гапларни ёмон кўраман,— деди савдогар унинг гапини кесиб.

Илья Сохатих чуқур хўрсинди-да, дераза рахига ўтирди.

— Петр Данилич фалаж касалига гирифтор бўлди. Марья Кирилловна тўсатдан қазо қилди, у менинг қўлимда жон берди. Прохор Петрович кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Анфиса Петровна, — бизда шунақа гўзал жувон бор эди,— милтиқдан отиб ўлдиришди. Иброҳимни қамаб қўйишди, Прохор Петровичдан ҳам шубҳага боришлари мумкин. Мана шунақа кўнгилсиз воқеалар.

— Бу ердаги ишларни бир ёқли қилдингми?

— Худди шундай.

— Отларни тайёрланг!

Йўлга чиққунларича Илья Сохатих қаёққадир югуриб бориб, баъзи нарсалар харид қилиб келди. Йўловчилар, «қўлдан-қўлга ўтгандек» йўл-йўлакай почта араваларига тушиб, шамолдек учиб боришарди.

Доктор Медведовога бир кеча-кундуз олдин келди. Унинг ўзига хос муолажа усули бор эди. У Прохорга аввалига латга қилиб бўшаштириб юборадиган дори, кейин от ичса бўладиган

Ўлчовда бром ичирди, ётар олдидан икки стакан иссиқ қизит вино бериб скипидар аралаштирилган шолғом билан аъзойи баданини ишқалади. Бемор кечаси билан уч марта шалаббо ичкўйлагини алмаштирди, эрталаб эса, ҳеч нарса кўрмагандек ўрнидан турди.

Петр Даниличга эса бундай муомала қилди. Қора қошларини уйиб, қаҳрли қиёфада кўкимтир кўзойнаги тағидан тикилганча, унга яқинлашди.

— Чап кўлингизни кўтаринг! Унг кўлингизни кўтаринг! Бўлди, ҳаммаси жойида. Қайси оёғингиз ишламаяпти? Бунисими? Кўтаринг! Яхши. Юқорироқ кўтаролмайсизми? Яхши. Қани, қоронғи, денг...

— Қо-о-оо..

— Қани, қани, хўш... ро-о-оо...

— Ро-о-оо...

— Нғи!

— Уч!!— деб қичқирди Петр Данилич ва кулиб юборди.

— Туринг ўрнингиздан!— деб буюрди доктор.

Бемор унга кўзи жавдираб илтижо билан боқди.

— Қани, чаққон!.. Туринг!..

Бемор оёқларини каравотдан осилтирди. Доктор ўрнидан туришига қарашворди.

— Юринг! Майнавозчиликнинг нима кераги бор. Сиз соппасиз. Юринг!

Петр Данилич касал оёғини судраб босиб, курси томон юрди ва унга бориб ўтирди.

— О-ё-қ денг-чи...

— О-о-о-о...

— Қани, қани, чўзманг... Ёқ!

— Уч!— деб қичқирди Петр Данилич ва яна кулиб юборди.

Доктор хушламай бош чайқади ва: «Массаж!»— деди-дэ, куртқасини ечиб ташлаб, енгини шимарди ва беморни ётқизиб нақ бир соат уни массаж қилди. Секундомер билан томир уршини текширди, юрагини эшитди. Кейин фельдшердан сўради:

— Банка борми?

— Бор.

— Қани олиб келинг-чи. Қон чиқариш керак. Қонни кўпайиб кетибди жуда.

Икки кундан ошди ҳамки, совуқ беш градусдан юқори кўтарилмайди, нақ қишининг ўзгинаси. Кеча совуқ ноль даража эди. Бугун эса қуёш порлаб, қиздиришга тушди, пешинга довуру бутун қор эриб кетди, нам ердан худди совуқда терлаган биянинг оғзидан чиққандек паға-паға буғ кўтарила бошлади. Болалар даладар ва ўрмонлардан иссиқ ўлкалардан учиб келган қушларнинг ўлигини топа бошладилар.

Атала бўлиб кетган йўлдан ниҳоят Иннокентий Филатич Груздев билан Илья Сохатих етиб келишди. Қабристон жимли-

ги чўккан Громовларнинг уйи бирпасда хушчақчақ овоздан обод бўлиб кетди.

Миқти, чаққон, думалоқ қилиб кузалган оқ соқолли Иннокентий Филатич дарров Прохор Петровичнинг хонасига кирди. Прохор мук тушганча йиғлаб ётарди.

— Ие, бу қанақаси?!— деб қичқирди савдогар шахдам овозда.— Бургут эмас, қарга экансан-ку! Нима? Ойнинг ўлдими? Хўш, осмон узилиб ерга тушибдими! Улим бировни олиб кетиш учун ер юзида изғиб юради-да. Дафн қиламиз, хотирлаб зиёфат берамиз. Ғариб-мискинларга юз сўмча улашамиз.

Тур ўрнингдан, тур, тур!.. Отанг касал бўп қолдими? Ҳечқисни йўқ, тузалиб кетади, сену мендан узоқроқ умр кўради. Жононингни отиб кетишдими? Хўп, нима қипти... Аҳмоққа қонун ёзилмаган...— Савдогар ўрнидан туриб ўтирган Прохорнинг елкасидан қучоқлади ва «жолоянингни», деган гапни тилига олганида унинг қалтираб кетганини сездди.— Ҳозир, ҳозир...— Савдогар дик этиб ўрнидан турди-да, эшикни тепиб очди ва қаёққадир югуриб бориб бир шиша ароқ кўтариб келди.

— Буни қара! Смирновка... Бунақаси йўқ бу ерда. Янги, ёнимда олиб келдим. У кафти билан шишанинг тагига бир урган эди, тиқини ўқдек учиб кетди. Стаканга қуйилаётган ароқ қулқуллади.— Қани, ич!.. Рўмолчанг қани? Бурнингни қоқ... Яхши... Афти башарангни арт... Оббо, валакисаланг-э... Читтак!

Бундай меҳмон қадам ранжида қилганидан Прохор хурсанд бўлди, у жилмайди, бироқ қовоғи очилмади.— стаканни қўлига олди.

— Хуш кепсиз, Иннокентий Филатич... Қайси шамол учирди? Жуда хурсандман... Эсингиздами, мен сизга ярмаркада, ҳали яна учрашамиз, деган эдим... Мана..

— Албатта эсимда! Сув елканлари эсингдами? Ич.

Савдогар шишани кўтариб, тирноғи билан қанча ичишлигини ўлчади ва чўқинди-да, қултуллашиб шундоққина шишанинг бўғзидан ича бошлади:

— Эҳ, бўғзи бўғзимга!.. Биттасини хўплайман, бошқасини қуритаман... Узинг қўлла, парвардигор!

Варвара оёғи куйган товукдек зир югуриб пишириш-куйдириб билан овора эди. Иннокентий Филатич, уни опке, буну опке, деб нуқул шоширарди. Кашишнинг хотини билан маҳаллий муаллима ҳам жон куйдириб қарашишарди. Илья Сохатих кўринмасди. У ҳаммаёғи қоракуя, ҳабашдек қорайиб, куйиб битган уйнинг қолдиқларини титар, Анфисадан хотира бўлиб қоладиган бирор нима топишга уринар эди.

— Ҳамма нарса куйиб кул бўпти,— деди у ғамгин.— Ҳатто замбуруғлар ҳам.

Иннокентий Филатич уни хўп койиди, кўз очиб юмгунча дафн маросими учун бир арава қора арча олиб келишни буюрди. Дўқонлар, қазноқлар ва сандиқларнинг калитларини тортиб олди-да, аллақаёққа югуриб кетди.

Орадан кўп ўтмай унинг ҳаракати билан Марья Кириллознанинг янги тобутга солинган жасадини қадрдон уйига олиб келдилар. Анфиса Петровнанинг жасади солинган тобут черковда қолди. Номаълум мурда ётган учинчи тобут эса қўшхонада, Иброҳим азоб чекаётган ҳужранинг ёнида турарди.

Иброҳим ўғлини ҳали сўроқ қилишгани йўқ: терговчи ёнғинда шамоллаб қолиб, ётиб қолган эди.

Дафн маросими эртаси кунига белгиланди. Тўртта гўр қазишди. Қабристон ибодатхонаси яқиндаги дабдабалиси бообрў соҳибага, дўнгдаги, девор ёнидаги, бурчакдагиси ўқ еб ўлган жувонга, қабристон ташқарисиди, далада қазилгани нотаниш марҳумга. Тўртинчи гўрни Тараша кампир ўз полизида ҳалок бўлган бир жуфт оққуш учун қазиди.

Иннокентий Филатич, нотаниш марҳумни ҳам қабристоннинг ичига қўйиш керак, деб хўп тикилинч қилди, аммо кашиш ўжарлик қилиб кўнмади.

— Бу ўзи қандай одамлигини мен қаёқдан билай? Балки бўридир ёки ундан баттардир.

Шаҳардан дьякон ва ёш-ёш бешта ашулачи роҳиба келди.

Эрталабданоқ қуёш ёндира бошлади, қор бўронидан жонсараклаб қолган чуғурчуқлар шўх чуғурлай бошлашди.

Айтиб йиғлаш билан ўтган сўнги жаноза жуда тантанали тус олди. Роҳибларга баъзи маҳаллий ҳофизлар қўшилишди, бинойидек хор пайдо бўлди. Хорда қўшиқ шайдоси доктор ўзининг йўғон овози билан куйлади. Ҳазрати Ипат икки нарсани кўзда тутиб, алоҳида ихлосу ишонч билан хизмат қиларди: биринчидан,— у жаннатмакон Марьянинг христианлар шаън-шавкатини ҳурмат қилганини биларди. Иккинчидан, ўзининг тақводорларча гўссалари ва хизматлари сахийлик билан тақдирланишига ақли етарди. Шу бонс у шошилмай, сидқидилдан бурчини адо этарди. У ҳатто керакли гапларни хатга ҳам туширган эди, бироқ, афсуски, югур-югур, шошилишда хатни уйда унутиб қолдирган эди.

Ёш малла соқол, гувала бош дьякон ўзининг ширали овозини бутун қишлоққа намойиш қиларди. Полга қора арча новдалари сочилган, ойнага оқ чойшаб ёпиб қўйилган, марҳуманинг боши яшил бутуқлар ва қоғоз гуллар билан безатилган. Унинг мумдек чеҳраси гўёки ҳамма нарсани кўриб-эшитиб тургандек миннатдорлик билан жилмаяди. Хонада муаттар бўй кезади, шифт ёнида ҳозиргина жонланган пашшалар гув-гув учарди.

Пётр Данилич шу ерда, марҳуманинг боши ёнидаги курсиди ўтирар ва аста йиғлар эди. Прохор ўқтин-ўқтин тиз чўқар, юзи ўйчан-хотиржам, қўлидаги шамни тикка тутиб турар эди. Жонсарак Иннокетий Филатич чўқинишга, шамнинг сўхтасини олиб ташлашга, бухўрдонга чўғ ташлашга ва хорга жўр бўлишга улгурар эди. Бироқ хорга қўшилиб қўшиқ айтар экан, инсоф-

сизларча сўз тўқир эди: Варваранинг чеҳраси ғам-ғуссадан турланавериб толиққан, қизил кўзлари шишган, унинг ёнидаги бўялган полда кўз ёшларидан жилға пайдо бўлган эди. Варвара бетиним йиғламоғи даркор. Марья Кирилловна вафот этди. Иброҳим эса бадном бўлиб, фалокатга йўлиқди.

Чўқинаётганларнинг охирида шу уйнинг қоровули, ўнбоши, Ерофеев, йўлакка очиладиган эшик олдида эса Илья Сохатих турарди.

Приказчикнинг кўриниши хокисор, паришон эди. Ҳадеганда бели букчайиб, калласи ғамгин эгилиб кетарди. Бироқ тўсатдан у атир сепилган ҳурпайган сочини шартта силкитди-ю, оёқларини ерга мағрур тираб, қўлларини наполеончасига кўксига чалмаштирди ва барча чўқинаётганларни сурбетлик билан кўздан кечирди. Жаноза тугаши олдида у алланималар деб гўлдиради. Тиржайди ва қўлларини силкитди. Унинг гўлдираши тобора кучайиб, жанозага йиғилганлар унга қараб қўя бошлашди, у бўлса бир роҳибага кўз қисиб, бир ҳуштак чалиб қўйди. Унинг ёнига Иннокентий Филатич келди:

— Хўш, дардисар, маст бўп қолдингми?

— Мен маст эмасман,— деб Илья қўли билан оғзини тўсганча чекинди.— Мен тирноғимнинг учидан сочимнинг толасигача бахтсизман. Мен ғам-ғуссадан эс-ҳушимдан адашишим мумкин.

Мана, дьяконнинг бақувват овози янгради. Ильядан бошқа ҳамма тез чўкди. Илья эса пешонасини деворга тираб, камзулининг ёқасини фожиона чайнаб, сўлагини оқизганча бўтадек бўзлай бошлади.

Деразалар ланг очиқ бўлганидан одамларнинг «хотираси боқий бўлсин», деб ҳайқиргани Иброҳимнинг ҳужрасига довуриб борди. Иброҳим эшикни тепиб, қичқира бошлади:

— Шайтон! Чиқариб юбор, шайтон!.. Марья билан видолашишга рухсат бер. Ўтинаман.

Ҳужра эшиги ёнида эса скамейкада номаълум мурда тобутда ётарди.

Сўнги ўпишув дод-фарёд ва қий-чув йиғи остида ўтди. Сўнг тобутни кўтариб кетишди.

Олдинда қора арча уйиб ортилган арава борарди. Аравала букри Лука ва ошпаз хотиннинг жияни Кузька ўтирарди. Лука мотам йўлига арча новдаларини сочиб борар, Кузька эса марҳумани қушлар ҳам эсласин, деб йўлга қолдаги сулидан сепар эди. Қўнғироқларнинг мунгли жаранг-журинги янгради.

Черков ёнида тўхташди. Марҳума атрофидан айланнишиб, сўнги видолашув маросимини ўтказишди. Анфисанинг тобутини олиб чиқиб, йўлда давом этишди.

Илья Сохатих дабдурустдан одамлар орасидан чиқиб, тобутлар ёнига отилди.

— Анфиса Петровна! Марья Кирилловна!.. Тез дийдор кўришайлик... Адью! Адью!..— шикаста овозда қичқирди у ва

жон аччиғида кўйлагининг ёқасини шартта йиртди-ю, қўлларини силтаганча, уйга югурди.

Кейин учинчи марҳумни олиб чиқишди ва қабристон томон кетишди.

Хор якдиллик билан «муқаддас оллоҳ»ни куйлади. Маросим қатнашчиларидан орқада Барвара қўлларини қайриб, мўлдир-мўлдир кўз ёшларини оқизганча фарёд чекарди:

Қаро ерга кириб кетмоқдасан се-е-ен...

Эҳ, кимга қолдирдинг етимларинг...

Тўсиқ ортида черкас ваҳшиёна бўкирарди:

— Алвидо, Марья, алвидо!!

Пристав учинчи номаълум кишининг тобутига кўз ташлади-да, мирзани чақирди:

— Шапошниковнинг қочгани ҳақида барча қишлоқ хабардор қилиндими?

— Бўлмаса-чи... ҳам-маси...

Қўнғироқларнинг мунгли жаранги тинди, кўз ёшлари ҳам, ер ҳам қуриди.

Дафн маросими тугади, одамлар ташвишлардан қутулишди, ҳамманинг қорни сурнай чалиб, марҳума хотирасига уюштирилган зиёфатда лазиз таомлар ейиш иштиёғига тушиб қолди.

Чақирилган ва чақирилмаган меҳмонлар кўп эди. Абжир Иннокентий Филатичнинг ҳаракати билан барча хоналарга дастурхон тузоғлиқ узун столлар қўйилди.

Қайтиб келаётганлар томон болалар югуриб келишар ва:

— Илья Петрович, ўзини-ўзи отиб қўйди... Илья Петрович!..— деб бақаришар эди.

Одамлар дарров қадамларини илдамлатишди. Баъзилар қишлоққа йўртиб қолди. Пристав хотини тоби қочиб уйда қолганидан фойдаланиб, кўҳликкина роҳиба билан гердайиб борар ва унга олди-қочди гапларни гапирар, роҳиби Надя ям-яшил далалару ўрмонларни кўздан кечирар экан, оҳиста қиқирлаб кулар эди.

— Ол-а, яна биттаси!— деди пристав қайғули хабарни эшитгач, қовоғидан қор ёғиб.— Узил-кесилми? Улибдими?— деб сўради у яланг оёқ болалардан.

— Тешворибди! Биқинини!.. Ҳали ўлгани йўқ! Тўлганиб ётибди!— дейишди болалар пайдар-пай.

Доктор билан фельдшер шоша-пиша Громовларнинг дрожкисига¹ ўтиришди, орқага тўртта бола жойлашди.

Илья Сохатих ўз хонасида жон бермоқда эди. У ўзини Анфисанинг куйиб кул бўлган уйи харобазорида отган эди. Деҳқонлар уни кўтаришиб, авайлаб-асраб уйга олиб келишганди.

¹ Тўрт гилдиракли енгил арава.

Бу ҳавойи Ильяханнинг ўзига сунқасд қилиши ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига кирмаган эди. Эҳ, бунчалар оғир-а, мудҳиш ҳаётимиз!

Кишлоқда эса бу аснода йиғи-сиғи, оҳу фарёд эшитилмоқда эди: уч нафар қари қиз — Дарья, Марья, Олена, янги марҳумга аза очишганди; булардан бўлак, ёш бева Непила фиғон қилар, эрли икки жувон Проська билан Настюха ув тортишар, элликларга борган гумбаздек Фекла йўғон овозда ҳўнграб йилларди. Жингалак соч, шўрпешона бу дардисар Илюха аёллар бошига қай савдоларни солди!

Илья оҳ чекар, ранги қум-қув ўчиб кетган. Кўзлари аламнок юмуқ, шимининг тугмалари ечиқ, ўнг биқинидан кўйлагининг қонга бўялган йиртиқ этаги чиқиб турарди.

— Иссиқ сув, дарров!— деб қичқирди доктор.— Муз!

У апил-тапил аптекасини очди-да, губка, дока, шприц, морфий сулема¹ ва зонд олди.

Илья Сохатих кўзини очди, лабларини ялади ва шивирлади.

— Доктор, азизим... ўялпман...

Тараша кампир тиз чўкиб олдинги бурчакда ўтирар ва ҳамма эхтсин, — деб атай баланд овозда дуо ўқир эди.

Доктор эшикни беркитди, халат қийди ва Илья Петровични белигача ечди, губка билан жароҳатни ювди, бурнига кўзойнагини қўндирди:

— Ҳм... Қизиқ. Биқинингизга икки марта отдингизми?

— Икки марта. Биринчиси отилмай қолди. Иккинчиси мўлжалга тегди. Аслида, шундоқ,— Илья Петрович ингради, оҳ чекди, кўзларини ола-кула қилди.

— Ҳа... Қизиқ, қизиқ. Хўп, яхши, чиданг... Ҳозир зонд билан текшириб кўрамиз. Лекин нега ўнг биқинингизга отдингиз? Оғриси, иложи борича қаттиқроқ додланг, фойдаси тегади. Жуда чидолмасангиз, морфий юборишга тўғри келади... Хўш...— доктор сулемадаги резина ичакни олди ва ўлаётган Ильянинг устига энгашди.

Илья Петрович ярқироқ зондга қаради ва сўйилаётган ҳайвондек бўкирди.

— Жуда эрта додладингиз,— деди доктор.— Мен ҳали бошлаганим йўқ... Хўш...— Шундан кейин зонд билан авайлаб унинг биқинидан ўқ ўтган йўлни пайпаслай бошлади.

— Ҳм...— деди яна доктор ва зондни бошқа жароҳат ўрнига тикди.

Илья додлади.

Меҳмонлар эшик тағида доктор чиқишини сабрсизлик билан кутишмоқда эди. Ўз жонига қасд қилган тентакнинг алам билан додлашидан баъзилар нақ ҳушидан кетаёзди. Ҳазрат Ипат чўқиниб, пичирлади:

¹ Заҳар - заққум оқ порошок.

— Эй худо, банданг Ильянинг жонини тинчгина ол... Азбаройи шифо!.. Уннинг билиб-билмай қилган гуноҳларини...

Жафокаш додлашдан тўхтади.

— Улди,— деб ўйлади ҳамма чуқур хўрсиниб ва нигоҳини иконаларга тикди.

Доктор зондни итқитди. Энгашиб хира кўзларини жароҳатга қаради ва шу заҳоти гамгин юзи шўх кулгидан ёришиб кетди.

— Зарари йўқ,— деди у.— Терини ўқ тешиб ўтган. Ўқ йўқ. Қийининг, юринг, дастурхон устида бирга марҳумани эсга ола-миз,— доктор шундай деб чиқиб кетди.

— Нима, нима? Нима?!

— Балоям урмаган,— деди доктор меҳмонларга.— У муттаҳам биқинининг терисини чўзиб туриб, ўқ узган... Лекин нега ўнг биқинига отган?

Доктор Ильянинг хонасига йўл олди:

— Менга қаранг, сиз чапақаймисиз?

— Худди шундай, чапақайларданман,— бирдан кулди Илья ва дуо ўқиётган Тараша кампирга деди:— Буви, ўзингни кўп қийнама... Худо ўз паноҳида асради. Юрак ва ўпкам соппа-соғ...

Ҳазрат Ипат ҳамма билан бирга бурро ибодат қилди:

— «Ҳамманинг нигоҳи сенда, худойим, сендан умидвор, сен уларга хайрли онларда ризқу рўз берасан, уларнинг ҳайвоний ҳавасларини саховатинг ила бажо келтирасан»,— у қулочкаш-лаб ноз-неъматларни табаррук қилди, ҳамма зиёфатга ўтирди.

Стул ўртасида, мўътабар меҳмонлар билан Прохорнинг олдида бодом сути солинган катта графин турарди.

Кўҳликкина роҳиба Надя нондан соққачалар ясаб Прохор Петровичга отарди. Бироқ Прохор қаҳрли ва тунд кўринарди.

Шафақнинг қизил қийғоч ёғдуси тагигача бўшаган шишаларни қирмизи винога тўлдираётгандек туюлар эди.

Оёқ остида топталган қора арчанинг маъюс ҳидигина тирикларга гўё кимдир қатордан кетганини, бир умрга дунёни тарк этганини эслатаётгандек бўларди.

Прохорнинг қадаҳи ерга тушиб, чил-чил синди. Прохор қошларини керди. Қўшни хонада отаси ингради.

— Анфиса Петровна Козиревани Прохор Громов отган.

Бу даҳшатли сўзларни эшитиб терговчи қаршисида ўтирган Иннокентий Филатич стул-пустули билан орқага сурилди, кулиб турган юзида ҳайрат ифодаси балқиб, жиддий тортди.

— Ҳа, ҳа, ҳа...— деб у томонга энгашди терговчи бўйинини чўзиб.— Қотил — Прохор Громов.

Хийла вақт улар бир-бирларининг кўзларига тикилиб қолашди. Терговчининг нигоҳи ишончли ва қатъий эди.

Иннокентий Филатич мойланган этигини ғирчиллатиб аста, оёғининг учида юриб қоронғи бурчакка чекилди, уч юз сўм ёнига яна икки юз сўм қўшди-да, стол олдига қайтди.

— Нима бу?

— Беш юз.

Терговчи стол устидан пулли сидириб ерга сочиб юборди. Иннокентий Филатич полда эмаклаб, итоатгўйлик билан уларни йиғиб олди, ҳамсинини очди-да, ҳар эҳтимолга қарши Буюк Петрининг расми туширилган иккита беш юзталиқни тахт қилиб кўйди.

— Прохор Петровичга қарши қандай асосий далил-исботлар бор?— деб сўради Иннокентий Филатич ширали овозда ва товадек қизиб кетган стулнинг четига ўтирди.

— Асосий далил-исбот — мантиқ,— деди терговчи, у узоқ йўталди ва қўлтиғига термометр суқди.— Сиз, қадрдон дўстим, ўзингиз бир ўйланг, Анфиса Петровнанинг ўлими ким учун фойдали эди? Ҳазрат Ипатга фойдаси йўқ эди, приставга ҳам, сиз билан менга ҳам. Энди буёғини олайлик, ҳеч кимга сир эмаски, чол Громов Анфиса Петровнага уйланмоқчи эди, у эса бутун мол-дунёсини ва маблағини, шунингдек, Прохорнинг маблағини ҳам номига ўтказишини талаб қилган эди. Терговга бу ойнадек равшан бўлган. Терговга яна шу нарса ҳам маълумки, Прохор Петрович савдогар Куприяновнинг қизига уйланиб маблағини кўпайтирмоқчи ва кенг кўламда саноат ишлари билан шуғулланмоқчи эди. Дарвоқе, сиз Прохор Громовнинг кўзлари қанақалигини биласизми? Хўш, биласизми? Анфиса Петровнада қандайдир муҳим бир ҳужжат бўлган. Муаллим, таъкидлаяпти, у Анфисани шаҳарга олиб кетаётган экан, Анфиса ўша ҳужжат билан прокурорнинг ҳузурига бораётган экан. Бироқ йўлда уни Прохор Петрович қувиб етибдию Анфиса прокурорнинг ҳузурига боришдан воз кечибди. Прохор Петрович ўша ҳужжатни Анфисадан олганми-йўқми, билмайман, лекин менга ойнадек равшанки, у ўша ҳужжатдан жуда қўрққан, биласизми, қай сабабдан? Анфиса Петровнанинг тўполон қилишидан! Фаҳмландингизми?

— Бўлмаса-чи,— деди Иннокентий Филатич ваҳима аралаш айёрлик билан кулиб.— Энди изн берсангиз, сиздан дўстона сўрасам. Уша Анфисадаги ҳужжатни ким кўрган? Муаллим кўрганми? Хўш, ўзингиз-чи?

— Афсус-надоматлар бўлсинки, ўша ҳужжатни на муаллим, на мен кўрганман.

— Бўлмасам, йўқ экан ўша ҳужжат, бу хотинларнинг гийбати, чўпчак... Анфиса тўқиб чиқарган.

Иннокентий Филатич шундай деб туриб, минг сўмдан хаёлида беш юз сўмини шартта чегириб ташлади. Терговчининг эса яна йўтали тутди. Кейин хириллаб деди:

— Қозирева хонимни шахсан Прохор Петрович ўлдирган, деб тасдиқлаётганим йўқ. Бу ишда у битта-яримтани, масалан, Иброҳимни ёллаши ҳам мумкин эди.

Терговчи Иван Иванович Голубев ёлғиз яшарди. Унинг икки ўғли — бири Москвада, бошқаси Томскда хизмат қиларди, хоти-

ни аллақачон оламдан ўтган эди. Ўзи бундан уч йил бурун лавозими пасайтирилиб, Крайск шаҳридан бу ерга юборилган эди. Иш юзасидан прокурор билан сену менга бориб қолишган эди. Крайскда унинг Куприяновнинг оиласи ва Иннокентий Филатич билан борди-келдиси бор эди.

— Чойга хушингиз қалай?— деб сўради мезбон.

Керосинкада қайнаган тошчай хушбўй ва аччиқ. Меҳмон чойга икки чақмоқ қанд солди ва деди:

— Менимча, сиз қадрдоним, Иван Иванович, ҳақ эмассиз. Худо шояд, ҳақ эмассиз. Ўша Анфисани черкас ҳам, Прохор ҳам ўлдирмаган. Уни ёниб кетган одам ўлдирган. Балки у, жойи жаннатда бўлсин, ўзига-ўзи қасд қилгандир. Ким билсин, бу ҳам бўлмаса, биронта каторгага келган ёки тайгада изғиб юрган дарбадар ўлдиргандир! Унақалар бу ерда тўлиб ётибди. Тўнаш мақсадида ўлдиришган. Шу гап ёдингизда бўлсин. Башарти шундай бўлса тамом, ёпиқли қозон ёпиқлигича қолаверади ва ҳаммаси сутдек оппоқ бўлиб чиқади, сизга эса бунинг эвазига Громовлар чуқур миннатдорчилик билдиради. Биров мушугингизни ништ демайди. Буни қулоғингизга қўйиб олинг ва яхшилаб эсингизда сақлаб қолинг.— Иннокентий Филатич калласига келган жўяли гаплардан хурсанд бўлиб кетди ва стулда ўтиролмай қолди.— Хўш, шунга айтинг-чи, сиз Анфисанинг ўлими билан ёнғин чиққан пайт,— падарига лаънат шу ёнғиннинг,— орасида марҳумнинг уйида синчиклаб тингув ўтказдингизми?

Терговчи хушёр тортиб ва стаканда қошиқни айлантириб туриб сўради:

— Нима, бу сўроқми? Илтимос қиламан, Иннокентий Филатич, сўроқни йиғиштириңг... Умуман... Мен сиз билан пачакилашиб ўтирмаслигим...

— Э, қанақасига тергов бўлсин... Қўйинг-э, қўйинг-э!— деб савдогар катак-катак рўмолчасини шошганча унга силкитди ва енгил тортиб, бурнини қоқди.— Мен шунчаки...

Унинг қора кўзлари бугун айниқса айёрона боқади: ундя савдогарга хос ҳийла ва ақл-фаросат балқийди. Оқ соқолини ҳафсала билан кузаган. Қип-қизил лўппи юзи қалин кумушсимон туклар билан қопланган. Оппоқ сочи таралмаган, пахмайган, йўғон бўйнида бронза медаль. Қўлларининг бармоқлари калта-калта, бироқ сезгир, югурик. Қўлида фируза кўзли узук. Кийилган сюртук. Этиги «молния» деган қорамой билан қойиллатиб мойланган.

— Хўш, ёнғин чиқишидан олдин тингув ўтказганмисиз, йўқми?

Терговчи чойдан ҳўплади, чироқнинг пилигини туширди ва қоронги бурчакка тикилди:

— Сизга, очигини айтсам, афсуски, хато қилдим. Ёнғин чиқишидан олдин тингув ўтказганим йўқ... Ахир ўт кетишини ким билибди дейсиз?

— Утказганингиз йўқми?!— деб тагини куйдираётган студан ирғиб туриб кетди савдогар. У хаёлидаги беш юз сўмдан яна икки юз сўмни чегириб ташлади.

Терговчи кўйлаги тагидан термометрни олди, диққат билан уни кўздан кечира бошлади.

— Аслида,— деди у,— тинтув ўтказиш беъманилик бўлган бўлур эди: марҳуманинг мол-дунёсида фақат Петр Данилич ва қолаверса, унинг ўғли хабардор эди. Фақат шулар. Уларнинг иккови эса касал. Шундай бўлгач, тинтув йўли билан дастлабки терговда жабрийданинг мол-дунёси ўғирланганини аниқлаш амримаҳол эди... Уттиз саккизу ўндан олти... Яна кўтарилди.

— Хўш, ҳужжат-чи?!— деб бургутдек отилиб келди савдогар.— Ахир ўша ҳужжатни қўлга киритишингиз мумкин эди. Асосий гап шунда.

Терговчи энгаси қотиб афтини бужмайтирдию индамай қўя қолди. Кейин кафти билан столга уриб туриб гапирди:

— Менга қаранг, гап орамизда қолсин. Чурқ этиб оғиз оча кўрманг... Уқдингизми?

— Уқдим, уқдим... Демак, бундан чиқди...— Иннакентий Филатич ўрнидан турди, кучи борича муштлари билан белини ишқалади, қадини ростлади ва беданаюриш қилиб, хонада уёқдан-буёққа танда қўйди. Кейин терговчининг палапартиш каравоти ёнида тўхтади-да, ғижим ёстиқни тузатди ва деди:— Демак, бундай бўлган. Қотил милтиқдан қарс этиб ўқ отгану қочиб кетган — кимдир унга халақит қилган, мол-дунёни ўғир-лолмаган. Кейин, эртаси кун кечқурун яна келган... Қоровулни ичириб, маст қилган ёки турган гап, лақиллатган, буни мен қандай қилганини билмайман... балки арра қиламиз, деб ваъда қилгандир...

— Қоровул қамоққа олинган.

— Ундан кейин очқич билан эшикни очгану шоша-пиша уйни қараб чиққан. Бойлик мўл, лекин қўрқинчли, марҳума ётибди, ўч олишни сўрайди, юракка ваҳима солади. У дадил бўлиш учун шкафни очади, шкафда эса истаганча ичкилик: вино, наливка. Ўғри эса пианиста бўлган. Ёмби топгандек хурсанд бўлиб кетган... Кўзи ўйнаб, молдек ичгану ақлу ҳушидан бегона бўлган... Буёқда сандиқ, уёқда кийим жавони, қоронғи, чироқни олгану уни ағдариб юборган... Ана шунда... Буёқда марҳум тобутдан турган, уни ушлаб олиб, қўйиб юбормаган. Балки ўғрининг ўзи унинг ёнига эмаклаб боргандир, унинг ҳар хил медалонларини ечиб олиш учун! Олов эса гуриллаб ёна бошлаган, тутун, қўланса ҳид... Шунда ўғри жон таслим қилган... Бор гап шу... Шундайми ёки шундай эмасми! Қўлни ташла! Қўрдингми, сенга қотилни топиб бердим...— шундай деб чол сариқ тишларини йилтилатиб хахолаб кулди.

— Ҳа, рост,— деди терговчи ўйчан.— Балки шундай бўлгандир. Ҳозир... ҳозир... Кўтарилиб кетяпти, иблис.

— Ким кўтарилади?

— Ҳарорат. Ҳозир, ҳозир...— терговчи графикка нуқта қўйди ва кўк қалам билан чизди; унинг қўли қалтирарди.— Утгиз саккизу ўндан олти... Хўш?...— шундай деб у дардчил юзини ҳамсўхбатига кўгарди.

— Нима деганимни эшитдингиз-а!

— Албатта эшитдим. Хўш?

— Худди шундай иш олиб бор. Биз сенга...

— Мен балки сиз айтгацдек иш тутардим. Балки... Лекил гап бор-да...— Терговчи қуюқ қошларини ва пешонасидаги ажинларни тантанавор учириб, этажеркадан эски портфель олди.— Мана бу газетани кўряпсизми, унинг бурчаги йўқ. Мен буни Прохор Петровични сўроқ қилаётганимда олдим ундан. Мана бурчаги.

— Хўш, нима бўпти шу билан?

— Мен буни жабрдийданинг уйидан топдим. Бу қотилнинг милтигида тиқин вазифасини ўтаган... Мана кўряпсизми, четлари куйган. Бундан чиқадики...— терговчи башарасига қаҳрли тус бериб лабларини қисди.

— Хўш, нимани англатади?

— Кўп нарсани!

— Чунончи?— деб чайналиб сўради савдогар тилига калтак келиб. Расмана ўтакаси ёрилиб, хаёлан уч юзнинг ёнига беш юз, яна беш юз ва минг қўшди. Қўққисдан қулоқлари қизариб, чакка томирлари лўқиллади, кўз қорачиқлари кенгайдию яна дарров торайди.— Йе, анавини қара, қарасанг-чи!!— тўсатдан чинқирди у ўрнидан тураётиб ва узуги билан деразани чертди; ташқари ғира-шира қоронғи эди.— Ҳазрат Ипат... Маст!

— Йўқ, умас шекилли,— деди терговчи ва орқасига ўгирилди--да, деразага тиқилди. Уни қаттиқ қалтироқ босган эди.

— Йўқ, ўша... йўқ, у эмас... Дьякон...

— Қанақа дьякон?— деб сўради терговчи кўзларини ишқалаб.

— Жанозага шаҳардан чақиртиришувди-ку... роҳиба билан!..

— Қанақа роҳиба билан?

— Жанозада... Уни қара, қара, нималар қияпти? Кха-кха-кха...

Бу орада савдогарнинг қўли моҳир товламачининг қўлидек чаққон ишламоқда эди. У шошиб-пишиб чой ичди, бўғилиб қолди, ҳиқиллади, йўталди, совиган чойни ютди, бўғилди, томоқ қирди. Терговчи шартта дераза олдидан узоқлашди. Савдогар ғоз каби бўйнини чўзиб, ичига тортиб, ғўлдираганча, деди:

— Мен ҳам худди шуни...

— Қани?— деб милтиқдан отгандек ҳайқирди терговчи ва қалтироқ қўллари билан стол устини пайпаслай кетди.— Қоғоз, бир нарча тиқин!— У бир қўли билан савдогарнинг ёқа-

сидан олдию иккинчи қўли билан дераза ромини гумбурлатиб урди ва кўчага қараб бақирди:

— Унбоши! Юзбоши! Оқсоқол!..

— Иван Иванович, дўстим... Ақлдан озибсан. Мен сенга минг сўм, бир ярим, икки минг бераман...

— Ҳей, биттанг югур, приставни чақириб кел!

— Нима бўлди сенга, қутурдингми? Кекса одамга раҳм қил... Уятга қўйма, барака топкур... Иситманг бор. Хаёлингда шундай туюлган... Уч мингни хоҳлайсанми?

Болалар қишлоқ бўйлаб ўқдек учдилар. Биринчи бўлиб урядник югуриб келди. Ундан кейин юзбоши билан иккита деҳқон келишди. Улар ортидан доктор этиб келди.

Сиичиклаб ўтказилган тинтув ҳеч қандай натижа бермади. Иннокентий Филатични қип-яланғоч қилиб ечинтиришди, бутун энгил-бошини силкитишди, йўқолган нарсани топиша олмади.

Иннокентий Филатич тиз чўқар, йиғлар, худони шафе келтириб онт ичар, оппоқ сочли бошига барча кулфату мусибатларни чақирар эди. Қанақа тиқин? Нима учун унинг пок номига доғ туширяптилар? Уни шахсан губернатор билади, у табаррук зот Варсонофий билан таниш... Шундай одам ҳеч вақтда... шундай ноҳўя ишни қиладими?! Қўйинг-е, уят бўлмайдими?! Жаноб урядник, жаноб доктор, марҳамат қилиб шуни эътиборга олсангиз, терговчи беҳуд, у қаттиқ касал, ана қаранг, қарасангиз-чи.

Бироқ Иннокентий Филатични ҳибсга олиб, Иброҳим ўғли ётган хужра ёнига, авахтахонага қамаб қўйишди.

Терговчини доктор каравотга ётқизди. Унинг ҳарорати қирқу ўндан уч даражага кўтарилиб кетди. Терговчи алаҳсирай бошлади:

— Мен, мен, мен... Марья Авдотьевани бу ерга олиб келинг!

Эрталаб пристав Прохор Петровичнинг қўлидан беш юз сўм закалат олди.

— Федор Степанйч, мен сиздан яна беш юз сўм қарздорман. Мени яққалатиб қўйманг... Елғизман... Илтимос, мени жиноятчи деб ўйламанг. Мен бегуноҳман, онт ичаман сизга.

Пристав ошхонадан чиқди. Миршаб қошиқни ташлади, бўтқа тўла оғзини юмиб, қўйлагини кўтара-кўтара, лип этиб стол ортидан чиқди.

— Қоровул... Йигитга кўз-қулоқ бўлиб тур!..

— Х-Х-ў-ўп б-бў-ла-ди... Кха, чих!

Эрталаб полициячи Прохорнинг олдига келиб кетгач, Иннокентий Филатич Груздев озод қилинди. Ҳатто пристав ундан узор сўради; албатта бу ерда англашилмовчилик юз берган, терговчи босинқираб турганида хаёлига нималар келмаган. Хўп, фараз қилайлик, ўша лаънати қоғоз бўлган, лекин терговчи касали хуруж қилиб турганида печга ташлаб юбор-

ган ёки маъзур тутасиз, ҳалиги анақада фойдаланган бўлиши мумкин.

Иннокентий Филатич приставнинг ишончли далилларига Сутунлай қўшилди, у билан дўстона хайрлашар экан, унинг гафтига юз сўм қистирдию холи жойга, ўрмонга ошиқди: унинг ошқозони бурундан эрталаблари мунтазам равишда ишлашга одатланиб қолган эди. Чиқиндилардан бўшалгач, синчиклаб уларни кўздан кечирди. Маълум тиқиндан асар ҳам кўринмасди, у тун билан бутунлай ҳазм бўлиб кетган эди. Нур устига аъло нур.

Аламзада гувоҳ сифатида ҳали муаллим Пантелеймон Рошчин бор эди. Дум-думалоқ, қувноқ Иннокентий Филатич бошига савдогарларнинг духоба картузини кийиб олиб, дўстона суҳбатлашгани муаллимни кига йўл олди. Ичкарида нима бўлгани номаълум, фақат кашниш билан дяккон биргаликда муаллимнинг квартираси ёнидан ўтиб кетаётиб, Иннокентий Филатич зинадан орқаси билан сирпаниб тушаётганини ва оёғи осмондан бўлиб кўчага ағдарилганини кўриб қолишди.

— Э, ҳазрат Ипат! Тақсир, дяккон... Салом бердик,— Иннокентий Филатич аввалига эмаклаб, кейин қаддини ростлаб шодон хитоб қилди, ҳатто духоба картузини сал кўтариб қўйди.

Рухонийларнинг кулгилари қистади-ю, бироқ Иннокентий Филатичнинг ўсал бўлганини кўриб, ўзларини кулгидан базўр тўхтатишди.

— Қандай аблаҳ бўлади-я, қарздор одамлар!..— Савдогар рухонийлар билан ёнма-ён борар экан, камзулидан чангни қоқди.— Уттиз икки сўм ҳарз, ҳайвон. Икки йилдан ошди. Бир тийинни ҳам тўлагани йўқ, қурумсоқ! Бу ёқда тагин зинадан тушаётиб қоқилиб кетдимү пастга думаладим.

— Ҳа,— деди йўғон овозда дяккон, малла соқолини кулгидан селкиллади.— Ахир муқаддас китобда: «бировнинг зинаси хатарли», деб бежиз ёзишмаган.

Бир ҳафтадан кейин терговчи соғайиб кетди. У кўпдан бери энг яхши Бельгия милтиғи ва зотдор ит сотиб олишчи орзу қиларди. Ҳозир шу орзусини амалга оширишга тўла имконият пайдо бўлган эди. Балки у ёстиғи тагидаги минг сўмни топиб олгандир ва касали тутиб турган бир пайтда бу пулни тасодифан ўзиники деб ўйлагандир. Аслида уни ўша кун кечқурун Иннокентий Филатич чаққонлик билан унинг ёстиғи тагига тиқиб қўйган эди. Балки ўзининг пешона тери билан анча-мунча пул тонган ҳалол терговчи бу жирканч поря эканлигини билмагандир. Хуллас, нима бўлганда ҳам у суд мажлиси тугаганидан кейин отпуска олиб Москвага ёки Петербурга жўнаб кетишга аҳд қилди.

Иброҳим ўғлини дастлабки терговда негадир иш манфаати

талаб қилгандек қатиққўллик ва ҳафсала билан сўроқ қилишмади. Тергов бўйича чиқарилган хулоса ноаниқ ва мужмал эди: судланувчилар ўрнини эгаллаши лозим бўлган Иброҳим ўғли билан Прохор Громов жинорий ишда шубҳа қилинар, уларнинг айбини очадиган аниқ далиллар келтирилмаган эди. Айни чоғда, ҳақиқий қотил Анфисани ўзига яқин олиб юрган ва қотилликнинг эртаси куни беному нишон ғойиб бўлган ёки эҳтимол Анфиса билан биргаликда ёниб кетган, сиёсий жиноятчи Аркадий Шапошников бўлиши мумкин, деган уйдирмани рўкач қилдилар. Ниҳоят Иннокентий Филатич бичиб-тўқиган ривоятни ишга солдилар: эмиш, жабрдийда қандайдир дайди томонидан ўғирлик мақсадида ўлдирилганмиш, бироқ қотилга кимдир халақит берганмиш, у ўғирлик қилгани бошқа пайт келганмиш, қоровулни ичириб маст қилганмиш, квартирага кириб буфетни кўриб қолганмиш, удан вино олиб ичганмиш, мастлигида ногаҳон уйни ёндириб юборганмиш ва ўзи ҳам куйиб кул бўлганмиш. Афсуски, ёниб битган Анфиса Козиреванинг бош чаноғидан ўқни олиб бўлмаганмиш, шу боис тергов ҳар хил тахминлар қилишга мажбур эмиш, лекин асло буларни тасдиқлай олмасмиш. Жинорий ишга алоқадор газета бурчагининг йўқолиши ҳам бости-бости қилиб юборилди.

Хулосада терговчи шаҳар врач тасдиқлаган оғир касаллигини баҳона қилиб, суддан қайғули бу ҳолни инобатга олиб, суд терговининг расмана қонун бўйича қатъий ва ғоят пухта олиб борилишини сўради, токи барқарор ҳамда порлоқ ҳақиқат тантана қилсин, зеро терговчи шу муқаддас ишга тажрибасини, барча билимини ва қалб қўрини бағишлаган.

Умуман, хулоса унчалик ишончли бўлмаса-да, анча дабдабали ёзилган эди.

24

Шаҳарчадаги суд зали одамга тўла.

Судланувчилар курсида — савдогарнинг ўғли Прохор Петрович Громов ва сургун қилинган Иброҳим ўғли.

Июнь ойининг охири. Узун, лекин пастдек, худди яссилангандек зал дим. Илья Петрович Сохатих, гувоҳ, нашатир спиртининг ҳидлайди ва олифтагарчилик қилиб бошини атир билан ҳўллайди. Юзига ула қўйган, лаби сал-пал бўялган: чор атрофда, ҳаммаёқда бўйи етган қизлар.

Прохорнинг қош-қовоғи уйилган. Кўзларида ўз кучига ишончифодаси шафқатсиз порлайди. Иброҳим чакак-чакак бўлиб кетган. Яргоқ бошию бурни қолган, холос. Бироқ кўриниши мағрур. У стол ортида ўтирган одамларга менсимасдан ҳақоратомуз, ҳатто ўчакишиб қарайди... У айби нима эканлигини тушунмайди, шу боис ҳаммадан аламзада. Уни чақиринди. У илдам юриб келди-да, таъзим қилди ва кичкина стол ёнига бориб турди. У қисқа қилиб ҳаёт йўлини гапириб берди ва жавоб бера бошла-

ди, сўзларни ғалати талаффуз этади, нуқул имо-ишора қилади. Жавоблар анча бамаъни, самимий, шу бонс суд ва суд маслаҳатчилари, бунинг жавоблари жўяли ва сидқидилдан деган ўйга бордилар.

Проход афтини буриштиради ва кафтларини қаттиқ сиқади.

— Эсингизда борми, судланувчи сиз...— палагда овозда, қироат билан сўради раислик қилувчи. У сочи оқ, қоқсуяк, соқоли қирилган, кўзойнак таққан, кўкрагида судьялик нишони — энли кумуш занжир осган эди.— Эслайсизми, бир кунп кечқурун сиз Громовларникидан уйга қайтиб келаётган Анфиса Қозиревани кўчада қувиб етиб, ханжарингизни яланғочлаб, сени ўлдирман, деб унга дўқ қилганингизни? Эртасига эрталаб бу иш юзасидан маҳаллий приставга мурожаат қилгансиз.

Ҳа, Иброҳим ўша воқеани жуда яхши эслайди. Бўлиб ўтган ишдан тонадиган одати йўқ унинг. Ҳа, чиндан ҳам у Анфисага ханжар ўқталиб, дўқ қилган. Зеро унинг ёшлиқдан одати шунақа, ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ, ҳазиллашиб бировни қўрқитишга ишқибоз. Буни Проход ҳам тасдиқлаши мумкин. Масалан у, Иброҳим ўғли Саркаш дарёда Тэнька исмли қизни ва йигитларни қўрқитган. Мана, Проходдан сўранг, у Иброҳимнинг гапини ёлғонга чиқармайди. Иброҳим уни неча бор ўлимдан қутқарган, Иброҳим уни жонидан ортиқ яхши кўради. Ҳа, у бутун Громовлар оиласини яхши кўради. Айниқса у марҳума Марья Кирилловнага ачинарди. Бева Анфиса эса беканинг бахтига чанг солаётган эди. У Петр Даниличнинг бурнидан ип ўтказиб олиб, беканинг думини тугишни хаёл қилган эди. Шу сабаб Иброҳим Анфисани қўрқитган, шунчаки йўлига дўқ қилган эди. Нима учун бекордан-бекорга унга айб қўйишмоқчи?!

— Айтинг-чи, умрингизда одам ўлдирганмисиз? Йўқми?

— Йўқ, ўлдирмаганман.

— Қавказда-чи?

— У ерда ўч олганман. Қонли ўч. Бизда қонун шунақа, удум. Одат шундоқ... ўлдирмоқ. Ҳа, у ерда ўлдирганман.

Аксари суд маслаҳатчилари ва томошабинлар кўнглида бу тахлит жавобдан кейин, ҳа, Анфисанинг қотили — Иброҳим деган ишонча туғилди. Раислик қилувчи гуё томошабинларнинг кайфиятини сезгандек судланувчига мурожаат қилди:

— Сиз яхшиси Анфиса Қозиревани ўлдирганингизни бўйпингизга олинг. Айбга чин кўнгиладан иқроор бўлиш — жазони енгиллатади.

Йўқ, йўқ! Иброҳимга бундай ўринсиз, бемаъни гапларни гапириш ножонс. У қотил эмас, у ҳеч қачон қотил бўлмаган, бўлмайди ҳам. Оллоҳ бекорга одам ўлдиришни ман этган. Исо ҳам қатағон қилган. Йўқ, у ҳеч қандай айбни бўйнига ололмайди. Унинг қўли тоза.

— Нима учун қотиллик юз берган тунда бунчалик кеч, тонготар олдидан уйга келдингиз? Соат учларда Проход Громов билан Илья Сохатих ҳужрангизга киришганда сиз қаерда эдингиз?

Иброҳим тунда кўлга балиқ тутгани борган, ёмғир ёғиб қолиб, ови юришмаган, тонготар олдидан уйга қайтиб келган эди.

— Балиқ овига кетаётганингизни, кўлда бўлганингизни ёки қайтиб келаётганингизни битта-яримта кўрганми?

— Ҳеч ким кўрмаган. Битта худо кўрган.

— Афсуски, худони гувоҳ сифатида кўрсатиб бўлмайди. Худо кўради, лекин дарров айтмайди. Балки ҳеч қачон айтмайди,— шаккоқларча тиржайди чакак-чакак раис, бироқ кўзойнаги орқали олдинги қаторда ўтирган бош черковнинг олий мапсабли кашинини кўриб қолдию изза бўлиб қоғоз устига мук тушди.

— Ҳай, шунақа денг,— раис бошини кўтарди, кўзойнагини стол устига ташлади ва кўзини қисиб Прохорга тик боқди.— Нега энди Анфиса Козиревани ўлдирмаганман деб тонасиз, ахир уни-сиз ўлдиргансиз, қотил сизсиз!— Раис шундай деб яшил столга тап этиб кафти билан урди.— Марҳуманинг бош суягидан олинган ўқ нақ сизнинг винчестерингизга мос келади. Сиз авахтада ётганингизда буни тасдиқлаган тергов. Ахир балиқ овига борганингизда винчестер ёнингиздамиди?

Ҳа, милтиғи ёнида эди. Бироқ ўша кўни милтиқдан отмаган. Қолаверса, ўқни винчестерга тиқиб ўлчашдан олдин, милтиқ ўқланганми-йўқми, қараш керак эди. Иброҳим ўғлининг фикрича, тергов олиб борган ва ўқни ўлчаган одам — қаллоб, муттахам, алдоқчи.

Раис судланувчидан жаҳли чиқиб, кескин қўйғироқни жинглатди.

— Қайси ўқ? Кўрсат, қўй бу ерга! Узимнинг ўқимни билман.

Бироқ ашёвий далиллар орасида, турган гапки, ўқ йўқ эди. Раис бурнини қаттиқ қоқди, ёнида ўтирганлар билан маслаҳатлашди, сал-пал қизариб судланувчини очқичасига гапиришга ундаб тилёгламалик билан савол берди:

— Бордию Анфиса Козиревани сиз ўлдирмаган бўлсангиз, хўш, айтинг-чи, ким ўлдирини мумкин уни?

Буни Иброҳим ўғли қаёқдан билсини? Нима, у шайтонмиди? Буни тонгла машҳарда, жаннатда ёки дўзахда билиб бўлади, ундан олдин билишнинг иложи йўқ. Қҳ!

— Хўш, Шапошников ўлдира олармиди?

— Шапкин? Йўқ... Шапкин, бировни ўлдирадиган одам эмас. У жуда мўмин, жуда ақлли одам. Анфисани ўлдиршидан нима наф бор унга? Елкангизда каллангиз бўлса, ўзингиз ўйлаб кўринг буни.

Раис аччиқланиб томоқ қирди, шоша-пиша терлаган пешонасини артди ва салобат билан кўксигаги занжирни тўғрилади.

— Хўш, сизнинг фикрингизча, Петр Данилич ўлдира олармиди, йўқми?— деб сўради у жаҳлини босиб, сўнг зўр бериб этигининг учи билан ўнг оёғининг тўпиғини қаший бошлади: чамаси, томошабнлардаги бурга ўрмалаб залга ёйилган эди.

Иброҳим болалардек қаттиқ кулди ва деди:

— Хўжайин ҳар куни маст юрганди. У сигиргаям ўқ текки-золмасди.

Шунда судланувчидан прокурор зарда билан сўради:

— Хўш, хўжайиннинг ўғли, Прохор Громов ўлдириши мумкинмиди, Анфиса Козиревани?

Иброҳим бошини чайқади, оёғининг учига кўтарилди ва шартта икки қадам орқага чекинди:

— Нима деяпсан ўзи? Жинни бўлдингми?— деб қичқирди у прокурорга тишларини иржайтириб, кўзларининг пахтасини чиқариб.— Тезроқ, калламни чоп, юрагимни юлиб ол!.. Ҳеч замонда Прошка ўлдирарканми?.. Прошка Анфисани қаттиқ, расмана севарди. Ундан кўра Анфисани кашиш, ҳазрат Ипат ўлдирган, дея қол. Ақлдан озибсан батамом, судья! Бу йигитни аҳмоқ одамгина суд қилиши мумкин. Батамом аҳмоқ одам. Қўйиб юборинг, сўрайман. Прошкани. Уни суд қилиш керак эмас.

Прохорнинг қалби шодликдан жўшиб кетди, бироқ аини чоғда унда ҳайвоний, мудҳиш туйғу пайдо бўлди.

Сўроқ анча давом этди. Кечга яқин иш прокурор билан ҳимоячиларга ўтди. Суд ва суд маслаҳатчилари учун Иброҳимнинг айбдор эканлиги муаммолигича қолди. Гувоҳлардан: Варвара, Илья Сохатих, ҳазрат Ипат ва бошқаларнинг кўрсатмалари судланувчининг фойдасига бўлди. Йўқ, Иброҳим ўғлининг қотил эканлиги даргумон.

Эртаси куни эрталаб Прохор Громовни сўроқ қилишди ва хўп қисти-бастига олишди.

Залдагилар қизиқениб сергак туришарди: юзларча кўзлар судланувчининг яғриндор елкасига, мағрур тик кўтарилган қора сочли бошига қадалганди. Қўнгироқ жиринглади, залда ола-фовур ва стулларнинг ғирчиллаши тўхтади.

Раиснинг саволлари шундай антиқа тузилган эдики, судланувчи ҳар сафар ўзини оқлаш учун нажот йўлини топиб оларди. Ҳадемай томошабинлар раис судланувчини ёқлаётганини фаҳмлаб қолишди. Бу иш раис шаънига ярашмас эди. Қандайдир тажанг одам ҳатто овозини баралла қўйиб луқма ташлади:

— Ҳа, чамаси, керақли жойини мойлаган кўринадилар.

Бу сўз Иннокентий Филатичнинг қулоғига ўқдек кирди: у уф тортди, шифтга қаради-да, пинагини бузмай инсоф-диёнатли одамдек ўтираверди.

Мана, прокурор Прохорни сўроққа тутди, залдагиларнинг кайфияти дарров ўзгарди.

Ўғлабир, сочлари пахмайган, қора соқоли кўзигача ўсган прокурор тайга айиғини эслатарди. Унинг овози кучли, одамларни ваҳимага солар, мужиқлардек танқабурун, ўткир, хиёл қийиқ кўзлари чақчайган эди. Ундан одатда фақат судланувчилар эмас, ҳатто раис ва бутун зал ҳайиқарди. Исми жисмига

монанд даҳшатли — Страпчалов эди. Шу бадқовоқ одамга қачонлардир Анфиса махфий хужжат олиб кетаётган эди.

— Қани, айтинг-чи, судланувчи,— деб қичқирди прокурор ўз столи ёнида туриб, залдагиларга қараганча. Ҳамманинг бирдан эти жунжикди. Прохор кўйлагининг ёқасини ечди ва прокурорнинг оғзига мутелик билан қаради.— Қани айтинг-чи, судланувчи, бордию Анфиса Козирева тирик бўлганда сиз билан Нина Куприянованинг тўйи бўлармиди, йўқми?

— Балки, бўларди,— деб жавоб берди Прохор бир оз ўйлаб.

— Айтинг-чи, Анфиса Козирева сиз билан жисман яқинмиди? Сиз у билан алоқада бўлганмисиз?

— Йўқ.

— Буни яхши эслайсизми?

— Ҳа.

— Онангизга муносабатингиз қандай эди?

— Жуда ҳам яхши кўрардим уни... Ачинардим...

— Нега ачинардингиз? Ачинишингизнинг боиси нимада?

— Шундоқ... умуман.

— Башарти унга ўлим хавфи таҳдид қилса, унинг учун жонингизни берардингизми?

— Берардим,— деб чўрт кесиб жавоб берди Прохор.

Иброҳим ўгли тилини тақиллатиб, аста пичирлади:

— Яшавор, Прошка!.. Йигит... Қҳ!..

— Онангизнинг шаънини ҳимоя қилиб, одам ўлдиришингиз мумкинмиди?

— Одамни, умуман... ўлдиришим мумкин эди... Жаҳл устида. Анфисани эса ўлдирилмасдим.

— Ахир мен сиздан Анфисани сўраётганим йўқ-ку!— Прокурор шундай деб столни ушлади-да, бўйинини эгди ва айиқникидек калласи билан Прохор томонга имо қилди.— Хўш, нима учун сиз Анфисани ўлдира олмасдингиз?

— Мен уни... У менга... У мени севарди, мени яхши кўриб қолганди... Мен эса, уни севмасдим.

— У сизни севарди, сиз эса уни севмасдингиз... Шундайми? Яхши. Бироқ у таърифга сиғмас чиройли ва ёш эди...— Бундай деб прокурор бароқ қошини учириб, раис ёнидаги стол устида ётган милтиқлар. орасидаги гўзал Анфисанинг фотосуратига ишора қилди.— Нега энди сиз...

— Мен уни хонадонимизнинг ёвуз душмани деб билардим,— деди Прохор прокурорнинг сўзини бўлиб.

— Жуда соз... Хонадонимизнинг ёвуз душмани. Хўш, у туфайли отангиз билан нари-бери бўлганмисиз?

— Йўқ... Дарвоқе, шундай бўлган... Мен онамнинг ёнини олганман, унинг осойишталигини ўйлаганман.

— Қани айтинг-чи, судланувчи, бир куни кечаси отангиз билан ғижиллашиб қолганингиздан кейин сиз кўчага отилиб, йўл-йўлакай: Уни ўлдираман, ўлдираман уни», деб бақирганча

Анфиса Козиреванинг уйига чопганингизни эслай оласизми?
Қўлингизда қурол бор эди...

Прохор гандираклар кетди ва базўр ўзини тутиб қолди.

— Йўқ, бундай бўлмаган,— деди у ишонч билан ва қоп-қора
кокилини орқасига ташлади.

— Мен эса, таъкидлайманки, бўлган.

— Сиз бунга қаердан биласиз?

Прокурор бутун зални бошига кўтариб, айниқдек ўкирди:

— Менга савол бера кўрманг!

Ҳамма қалтираб кетди, Прохор ўзини бир қадам орқага
ташлади. Раис қўнғироққа ёпишмоқчи бўлган эди, лекин қўли
шалвираб, тўхтаб қолди. У минғирлаб:

— Мен жаноб прокурордан шунга сўрар эдимки,— деб гап
бослаган эди, прокурор шартта раиснинг сўзини бўлди:

— Суддан Медведево қишлоғининг деҳқони Павел Тихоми-
ровнинг маълумотини ўқиб эшиттиришини илтимос қиламан.

Павел Тихомиров ўз маълумотида чиндан ҳам пичоқ ушла-
ганча югуриб бораётган Прохорнинг: «Ўлдираман уни», деган
сўзини эшитганини, Прохор Громовнинг авзойи бузуқлигини, у
жини ёки мастга ўхшаб кетганини, уни черкас Иброҳим ўғли
уйига олиб кетганини кўрганини айтган эди.

— Ёлғон!— деб қичқирди Прохор.— Павел Тихомиров биз-
дан қарз. Биз унинг сигирини хатлаганмиз. У биздан ўч оляп-
ти... У алдайди. Ёлғон!

— Ростми, ёлғонми, суд аниқлайди, бу бизнинг ишимиз
эмас,— деди прокурор. Кейин иккала дастпанжасини қалин
пахмоқ сочлари орасига суқиб сочини ҳурпайтирди ва қўрқинч-
ли эртактаги кекса лўлига ўхшади-қолди.— Энди шунга айтинг-
чи, судланувчи; нима учун кунлардан бир кун муаллим билан
шаҳарга кетаётган Анфиса Козиревани қувиб етдингиз, нимага
ўшанда безовта эдингиз ва не сабабдан Анфиса Козирева сиз
билан уч-тўрт оғиз гаплашгач, орқасига қайтди? Ёки бу ҳам
бўлмаганми? Буям ёлғонми?— прокурор қўрқинчли кўзларини
Прохордан бир зум ҳам узмай сув ҳўплади ва пишқириб бурни-
ни қоқди.

Прохор зўр бериб ўйлар, мужмал жавоб топишга уринар,
бирок калласи ғовлаб кетган, юраги қўрқувдан пўкиллар эди.

— Уйланг, ўйланг,— деди прокурор тасалли бериб, кўзлари
эса мугамбирона майин боқди.— Бордию ҳеч нарса деёлмасан-
гиз, жавоб бермай қўя қолинг. Ёки тўғридан-тўғри Анфиса
Петровнани мен ўлдирганман, деб бўйнингизга оларсиз балки.
Рўйирист!

Раис қўнғироқни жиринглатди ва ўзига-ўзи қарши чиқди:

— Бу ерда қотиллар йўқ, шубҳа остидаги судланувчилар
бор.

— Бировга бор, бировга йўқ,— деди прокурор тўнғиллаб.—
Ахир ўзингиз Иброҳим ўғлини худди шундай йўсинда сўроқ қилиб

эдингиз-ку. Хўш, буёғини нима дейсиз, судланувчи, Громов,— деб чертиб гапирди у стол устига энгашиб.

Залдагилар оғизларини ланг очишиб, Прохор нима дейишини бадхоҳлик билан кўтиб, олдинга интилишди.

Бироқ Прохор мум тишлагандек чурқ этиб оғиз очмади. Унинг назарида қўрқинчли эртақдан чиқиб келган бу қари лўли уш, бегуноҳ бир йигитни бурчакка қисиб ифлос, елимшак қўллари билан бўғабтгандек, бу қўллардан пнёз, қорамой ва отнинг тер ҳиди анқибётгандек туюлди.

— Лйтинг-чи, судланувчи,— Прохорнинг талмовсираб қолганини кўриб прокурор мулойим кулди.— Анфиса Козиревани кузатиб бораётган муаллим сизнинг фирмангиздан қарз эмасми? Қарзи учун унинг ҳам деҳқон Павел Тихомировникидек сигирини хатлаганингиз йўқми? Ишқилиб ендан ўч олишга асоси борми у муаллимнинг?

— Йўқ, йўқ.

— Касаллиги боисдан судда қатнашолмаган муаллим Пантелеймон Рошчиннинг маълумотини ўқиб эшиттиришни суддан илтимос қиламан.

Хуллас, муаллимнинг маълумотида айтилишча, фалон ой фалон кун Анфиса Козирева Пантелеймон Рошчиндан, мени ўз ҳисобимга шаҳарга олиб борсангиз, деб илтимос қилади, муаллимнинг қўярда-қўймай нима мақсадда шаҳарга тушмоғингиз зарур бўп қолди, деган суриштиришига у ниҳоят, прокурорга бир хужжат олиб кетяпман, бундан Громовларнинг шўри қурийдил, Прохор эса қайлиги «Танноз Нинкага», уйланолмайдн, дейди.

— Бўлди, бас,— деб прокурор маълумот ўқиётган одамнинг сўзини кесди.

— Билмадим, бу ерда ким ёлгон сўзлаяпти,— деб ясама жаҳл билан сўради Прохор ичидан зил кетиб.— Ўз маълумотида муаллим ёлгон сўзлаяптими ёки Анфиса муаллимга ёлгон сўзлаганми?

— Анфиса ёлгон сўзлаганми ёки ҳозир сиз ёлгон сўзлаясизми, буни суд аниқлайди,— деди прокурор ва бирдан бошини чайқаб қулоқни кар қилгудек гумбурлатиб аксирди. Бурчакда қисилиб турган Илья Сохатих ҳам акса урди. Прокурор яна бошини буқадек чайқади, сариқ тишларга тўла оғзини очди ва яна аксирди. Бурчакда қисилиб турган Илья Сохатих ҳам акса урди. Прокурор яна бошини буқадек чайқади, сариқ тишларга тўла оғзини очди ва яна аксирди. Бунга жавобан Илья Сохатихнинг ҳам қаттиқ аксиргани эшитилди. Прокурор бошини учинчи марта чайқади ва учинчи бор аксирди. Илья Сохатих ҳам учинчи марта аксирди. Прокурор унга қўлнинг бигиз қилиб дўқ урди ва рўмолчасини чиқарди-да, тўртинчи марта аксирди.

Шунда тўсатдан бутун зал хахолаб қўлиб юборди. Раис қўнғироқни жиринглатди. Прокурор залга ўшқирди:

— Тинчлан! Ҳаммангни ҳайдаб чиқараман!

Зал хафа бўлиб жимида. Илья Сохатих талмовсираб турди-турди-да, прокурорга кўзларини лўқ қилиб қараб, бирдан афтини буриштирди ва тўртинчи марта акса урди. Энди прокурор бу мени майна қилипти, деган хаёлга бордию гадир-будур муштани шартта Илья Сохатих томон ўқталди:

— Ҳей, касофат!

Приказчикнинг бурнидан тирқираб қон чиқди, у прокурорнинг дўқи ҳатто узоқ масофадан ҳам нечоғли қудратли эканлигига қаноат ҳосил қилиб, бурнига рўмолчасини босдию йўлакка отилди.

Прокурор баджаҳл ва серзарда бўлиб қолди. У раисга, гувҳоларга, Прохорга ва барча ҳангоматалабларга еб қўйгудек ўқрайиб қарай бошлади.

— Энди, судланувчи, бизга, тушунтиринг-чи,— деб жекирди.— Тушунтиринг, нима учун Анфиса Козиревани қувиб етиш сизга керак бўлиб қолди ва сизнинг қилмишингиздан ранжиган бу ўжар ва мағрур аёлни орқага қайтариш учун қандай суханварлик билан пўписа қилдингиз?

Жавоб топиш учун Прохорнинг ихтиёрида вақт бор эди, шунинг учун у ўйлаб олиб деди:

— Ушанда қаттиқ тобим қочиб қолувди. Анфиса Петровнага нима деганим, у қандай жавоб бергани эсимда йўқ. Чамаси унга, яқин кунлар ичида ўзим шаҳарга тушмоқчиман, сени ўзим билан бирга олиб кетишим мумкин, дедим-ов. У рози бўлди. Бор гап шу.

— Шу холосми?

— Ҳа.

— Муаллим Пантелеймон Рошчин маълумотининг давомини ўқиб эшиттиришингизни илтимос қиламан.

Котиб бир оҳангда ўқишга киришди.

— Анфиса Петровна Козирева, Прохор фош этувчи муҳим ҳужжатни тортиб олишидан қўрқиб, Прохор Громов билан холи қолишга қўрқди, биз орқага учовлон қайтдик. Жабрдийда мен билан ёнма-ён, Прохор Громов ямшчик ўтирадиган пештахтада эди. Анфиса Петровна Прохорнинг елкасига қараб, бир неча бор аста: «Жоним, жоним... энди бир умр меники»,— деб пичирлади. Мен унга қараб: «Сизга нима бўлди? Худди кайфи бор одамга ўхшайсиз...»— дедим. У: «Шундоқ. Бугун жуда хурсандман»,— деб жавоб берди.

— Бўлди!— прокурор столчага кафти билан тап этиб урди.— Хўш, судланувчи, бу сизнинг кейин қандай хатти-ҳаракат қилганингизни эсингизга солмадимиз?

Прохор ҳарсиллаб нафас оларди. Анфисанинг латофатли сиймоси унинг асов хотирасида йилт этиб кетди, қалбини беаёв оғриқ чулғади: «Анфиса, жоним, жаҳоним!»— деб ҳайқиргиси ва Медведевога, олий дилхоҳ мозорга югургиси келиб кетди.

— Хўш?... Суд кутяпти.

Прохор лом-мим демас, тез-тез оғир хўрсинар эди. У фарёд уриб юборишдан аранг ўзини тийиб турарди.

— Ундай бўлса, судланувчи, сизнинг ўрнингизга мен гапираман. Қулоқ бериб тингланг, башарангизга фожиона тус берманг.— Прокурор яна сувдан ҳўплади ва калта йўғон бармоқлари билан қора сочини ҳурпайтирди.— Сиз ўшанда Анфисага, сенга уйланаман, дегансиз. Бунга уни ишонтиргансиз. Мантиқан мулоҳаза қилганда сизнинг ихтиёрингиздаги энг ишончли ва фойдали восита эди бу. Сиз Анфиса Қозиревани лақиллатишни елдиндан ўйлаб қўйган эдингиз. Бу ишни сиз тўла-тўкис уддаладингиз. Жуда соз. Энди бундай хулоса чиқади... Диққат билан эшитинг. Фараз қилайлик, сиз Анфисага уйландингиз. Хўш, унда нима бўларди, сиз дарҳол қашшоққа айланардингиз, Куприяновнинг пуллари сувга уриб кетарди, отангиз эса харалатарала қилиб яшашга ўч, ундан бир нарса униши амримаҳол. Шундайми? Сиз шуларни тарозига солиб кўриб, сиртмоққа тушиб қолганингизни тушунгансиз. Фаҳмляпсизми? Сиз сиртмоққа тушиб қолгансиз...— прокурор бу гапларни бурро, ҳузур қилиб гапирди ва сариқ тишлари билан қийшайиб кетган лабарини ямлади.

Прохор чиндан ҳам сиртмоққа тушиб қолгандек ҳис этди ўзини: прокурор яна нима деркин, бу сиртмоқдан қандай қилиб бошимни асраб қолсамикин, деб шоша-пиша фикр юритди. Прохорнинг асаб торлари таранглашди. У рақибининг кучини кўрди, у шафқат қилмаслигини билди, шу боис ҳеч нарсани юз-хотир қилмай ўзини ҳимоя қилишга бел боғлади. Ҳа, ҳеч нарсани юз-хотир қилмайди.

Прокурор гоҳ Прохорга, гоҳ жимиб қолган залга, гоҳ суд маслаҳатчиларига тантанавор назар ташлаб, масхаралаш оҳангида гапини давом эттирди:

— Сиртмоқ бўйингизни қиса бошлағач, жонингиз ширинлик қилиб ўзингиз ва оилангиз бошига тушган фалокатдан қутулишининг ягона чорасини топгансиз. Жиноий бу чора Анфисани бир умрга гумдон қилади. Шундан кейин уни ўлдиргансиз. Ҳа, ҳа, ўлдиргансиз!— шундай деб прокурор муштинни ранги докадек оқариб кетган Прохор томон ўқталди.— Тақдирингизни қўлида ушлаб турган одамни йўқ қилиш ниятини сиз кўнглингизда пинҳона оз-оздан тайёрлагансиз, бироқ уни амалга ошириш истаги сизда кўз очиб юмгунча аланга олган. Бунга балки момақалдироқ, ҳавонинг электр энгергиясига тўйинганлиги сабаб бўлгандир. Сиз кечаси, момақалдироқ гумбурлаб турганида милтиқни, буни, питрали централкани эмас ҳув, анави қўшоғиз милтиқ ёнида ётган шомполли, айиқ урадиган милтиқни олгансиз. Дарвоқе, тинтув пайтида ўша милтиқни тополмагани учун сизнинг собиқ маҳаллий терговчингиз ишдан четлатилди. Мана, ўша милтиқ. Кўряпсизми? Сиз уни ўқлагансиз, янглишмасам, ўн икки калибрдаги милтиққа мос келадиган тиқинингиз бўлмаган. Шошилишда манави газетадан бир бўлак

қоғозни йиртиб олгансизу уни қаттық гижимлаб, милтиққа тиққансиз. Шундайми? Бу тиқин кейинчалик ҳалок этилган аёлнинг уйдан топилган. Ҳозир у, афсуски, сирли равишда ғойиб бўлган. Бу муҳим ашёвий далил йўқолгани учун собиқ терговчингиз судга берилса ҳам ажаб эмас. Бу омади бир гап. Давом этамиз. Кейин сиз милтиқни чангаллаганча кўчага югуриб чиққансиз, девордан ошиб Анфиса Козиреванинг боғига тушгансиз, деворда кфлос из ва пошналар тирнаган жой бор, ундан сўнг эшиги ёпилмаган ягона дераза ёнига писиб келгансиз. Бу дераза олдида сиз билан келишиб қўйган жабрдийда ўтирарди. У шартлашганингиздек сизни кутарди... Бошқа кимни ҳам кутарди? Албатта сизни! Сиз қоронғиликда бутунлай кўринмасдингиз, Анфиса Козирева эса яққол кўриниб турарди: орқасида чироқ ёнарди. Мўлжалга бехато урганингиздан кейин сиз уйга югуриб келгансиз, этигингизни ечгансиз, умрингизда қилмаган ишни қилиб уни тозалаб ювгансиз, иссиқ пийма кийгансиз ва емакхонага киргансиз. Асаб торларингиз таранглашиб, юрак ўйноғига учрагансиз. Руҳиятингиз оғир жароҳатланиши ҳеч гапмасди. Бироқ инсон организмнинг пучмоқларига яширинган тадбиркор туйғу, ҳар сафар бундай пайтларда бўладиганидек, сизнинг жонингизга ора кирган: баногоҳ организмда бошқа аъзолар ишга тушиб кетгану руҳий изтироблар заифлашган, натижада овқат егингиз келган. Шунда иштаҳангиз билан ошпаз Варвара Зудовани ҳанг-манг қилиб қўйгансиз. Шу тахлит мияга ва жигарга иш топиб бериб, асабингизни қўзғайтган тезоб қон оқимини миядан бошқа томонга чалғитиб юборгансиз. Сиз ҳар қалай тасалли топгансиз, ҳамма нарсани унутиб Илья Сохатихни уйғотгансиз, у билан вақтичоғлик қилгансиз, ароқ ичгансиз, гитара чалгансиз, хуллас, тажрибаси кам қотил қиладиган ишларни қилгансиз. Кейин баъзиларни чалғитиш мақсадида Иброҳим ўғлининг ҳужрасига киргансиз, дарвоқе бу ерга Илья Сохатихни ҳам таклиф қилгансиз. Иброҳим ҳужрасида йўқлигини бу ҳам билиб қўйсин, дегансиз-да.

— Мен ўлдирганим йўқ Анфисани! Бундай дейиш густохлик... Адолатдан эмас!— деб бирдан қичқирди Прохор. Шунда суд унинг лаби қийшайганини, кўзлари бежо ёнганини пайқади.— Уни мен ўлдирганим йўқ... Уни ўлдиришга қўлим бормасди. Мен севаман, севардим уни... Мен...

— Ие, қанақаси бу? Севармидингиз?— деб қичқирди прокурор ҳам.

— Ҳа, севардим... Севардим!

— Ахир хиёл олдин инкор этдингиз-ку.

— Алдаган эдим... Қўрқоқлик қилгандим. Лекин яна қайта айтаман, уни ўлдирганим йўқ.

— Бўлмаса ким ўлдирди уни?— прокурорнинг ўдағайлаши гўё Прохорнинг бошига тўқмоқдек тушди.

Прохор гўё пинакка кетгандек бўлди ва яна телбанамо кўзларини очди. Унинг келажақтаги бутун ҳаёти, бутун орзу-хаёл-

лари чиппакка чиқиб, остин-устун бўлиб қаёққадир жаҳаннамга қулаётгандай, жаҳаннам устидаги туманда Нина Куприянова, инженер Протасов, Константин Фарков, Иннокентий Филатич ва яна жуда кўп нотаниш одамлар сузиб юргандек бўлди. Уларнинг барчаси уни масхара қилиб кулар, қалби, миёси ва башарасига: «Пастқаш, мақтанчоқ, аҳмоқ! Юксак парвоз қилиш сенинг қўлингдан келармиди? Овора бўласан!»— деб вишиллаётгандек туюлар эди. Келажакда қиладиган одамшумул ишларининг минораси чайқалиб, қийшайди ва гумбурлаб жарга қулади. Ҳаёти тугади, ҳаммаси завол топди. Қандайдир қора, ғаройиб куч бирдан қалбига ўрмалаб кирди. Прохор кескин қўл силтаб, прокурор томон юрди ва кўзлари чақнаб, кўксига урди.

— Қотил кимлигини мен биламан?

— Ки-и-и-м-м?— деди прокурор Страшчалов истеҳзо билан ва тиржайди.— Балки ўлдирилган аёл билан куйиб кўмирга айланган Шапошниковдир? Ушами?

— Йўқ, йўқ...

— Балки, ҳув анув, ўқи ҳатто белкуракдан санчиб кетадиган ўйинчоқ тўппонча билан қуроолланган Илья Сохатихдир?

— Йўқ...

— Бўлмаса, ҳазрат Ипат, пристав ва ниҳоят отангиздир? Балки Анфиса Козирева ўзини-ўзи отгандир?

— Уни ўлдирган одам...

— Ким ахир? Ким—айиқ кейинги икки оёғида туриб бўйи баравар ўрнидан турди ва телбасифат Прохор томонга юрди.

— Анфиса Петровнани... Иброҳим ўғли ўлдирди.

Прохор устида иккита қанот силкинди — оқу қора. У қичқирдию гуп этиб йиқилди.

Прохорни ҳушига келтиришди. Қисқа танаффусдан кейин раислик қилувчи ундаи маълумот беришга ҳолингиз келадими, деб сўради.

Прохор:

— Келади,— деб жавоб берди.

Гапни у черкас билан губерна шаҳарида танишганидан бошлади. У бидирлаб, ҳаяжонланиб Иброҳим ўғлини ёмонотлиқ қила бошлади. У гапидан адашар, баъзан айтган гапларини такрорлар, бирор жумлани жазаваси тутиб қичқириб сўзлар, нутқини палапартиш давом эттирар, ўқтин-ўқтин сув ичар, қаерга ўтирсамикин, деб олазарак бўлиб, ҳар томонга аланглар эди. Унга стул беришди, шундан кейин раислик қилувчи ундан хотиржам, ҳаяжонланмай маълумот бера оласизми, деб сўради, зеро судланувчи бундай қизишиб кетган, руҳий ҳолати кескинлашган пайтда хатога йўл қўйиши, судни эгри йўлга солиб юбориши мумкин эди.

Йўқ, йўқ! Прохор ҳозироқ гапларини охиригача эшитишла-

рини илтимос қилади, у ўзини соғлом ҳис этапти, ўзини тўла-тўқис идора қила олади ва фақат ҳақиқатни гапиреди.

— Башарти ҳаяжонланаётган бўлсам,— деди Прохор олмагесак тераётган кўзлари ёшланиб,— бунинг яккаю ягона сабаби шуки, Иброҳимнинг айбини очишим менга жуда оғир, зеро, бу одам ҳаётимни сақлаб қолган, мени жону дилидан яхши кўради... Ҳа, яхши кўради... Менга самимий меҳр кўйган... Модомикч, жаниб прокурор мени қотил деб ҳисоблар экан, турган гап, мен ортиқ Иброҳимнинг айбини яширолмайман... Мен босқинчини юз-хотир қилмайман. У ҳайвонларча овсарлиги билан мендан энг қимматли нарсамни тортиб олди, мени бебахт қилди. Мен унинг айбини яширолмайман! Иложи йўқ!

Тўсатдан Прохорнинг оғзи тўғри бўлиб қолди, юзининг биронта мускули қилт этмади.

Иссиқ ва дим ҳаводан мажоли қолмаган черкас йигит Прохор нима деяётганини тушуниш учун кўзидан уйқуни қувади. Судланувчи Прохор эса ўзини тутиб олиб, хотиржам шахдам маълумот беради. У ўзининг хотиржамлиги ва матонатига соддадиллик билан ажабланади. Қалбига ўрмалаб кирган ёт, қора куч иродасини тобора кучлироқ чирмаб олдию Прохорнинг юраги муз бўлиб қолди.

Ҳа, ҳа, бахти қаро Анфиса Громовлар ҳаётига бостириб кириб, айниқса Марья Кирилловнанинг оромини ўғирлаганидан бери, черкасининг, мен Анфисани ўлдираман, деганини Прохор бир неча бор эшитган. Иброҳим кеча, ханжар ўқталиб, Анфисани кўрқитган эдим, холос, ҳазиллашгандим, одатим ўзи шунақа, деб судни бекорга алдади. Бу нотўғри, собиқ каторгачи Иброҳим ўғли ҳар қандай одамни истаган вақтида ўлдириши мумкин. Прохор Илья Сохатих билан бўлган суҳбатини эслади. Приказчик унга, Прохор Москвада, Куприяновлар оиласи билан яшаб турган пайтида, Иброҳим телеграмма жўнатмоқчи бўлгани тўғрисида гапирганини ҳам хотирлади. Бу телеграммада, Анфисани гумдон қилиш кераклигига очиқ шама қилинган... Афсуски, Прохор телеграммани олмаган, шу боис уни судга кўрсата олмайди.

— Пардон! Бор, бор!— қўққисдан нимқоронғи бурчакдан овоз эшитилди. Бу Илья Сохатих эди. У жойидан отилиб чиқдию чўнтақларини кавлаганча, беданаюриш қилиб суд ҳайъага ўтирган стол олдига келди. Бурнининг усти қон эди.— Мана, марҳамат... Ўз жонимга қасд қилганим оқибатида, бу ҳужжат мендалигини тамоман унутган эканман. Мана у. Менга буни альбомимга хотира сифатида ўз альбомидан олиб шахарлик телеграмфи тақдим қилганди, парокандалик туфайли у зотнинг исми шарифи ҳаёлимдан кўтарилибди, эслолмайман. Бу телеграммани ажи-бужи қилиб жиноятчи қотил Иброҳим ўғли ёзган. Бунга ортиқ ҳеч нарсани илова қилмайман, сабабки, ҳалиги... умуман — шундай деб у ўзини салобатлироқ кўрсатиш учун тирсақларини тебратиб, саллона-саллона жойига кетди.

— Қоғозни ўқинг,— деб буюрди ранслик қилувчи котибга.
«Прошка, етиб ке, уй нотичч, битта-яримтани саранжомлаш керак. Иброҳим ўғли ушбуни ёзди. Жа зарилсан».

Қоғоз қўлдан-қўлга ўтди. Раисда ва суд маслаҳатчиларида у катта қизиқиш уйғотди. Унинг мазмуни томошабинларнинг ҳам диққатини ўзига жалб этди: залда бадхохларча шивир-шивир тарқалди, ҳамма судланувчи черкас томонга ёвқараш қила бошлади. Иброҳим икки марта гапирмоқчи бўлди. Лекин ҳозирча уни сўздан маҳрум этишди.

Прохор энгил тил олиб, маълумот беришда давом этди. Унинг овози қаҳрли ва бешафқат эди.

Қотиллик содир бўлмасдан олдин Прохор чиндан ҳам Анфисага уйланишга аҳд қилган эди. Ҳозир рўйирост эътироф этади, у Анфисани жон дилидан севар, ўзини бутунлай унинг ихтиёрига топширган эди. Анфисага уйланиш билан у ота-онасидаги тинчлик, хотиржамликни тикламоқчи бўлганди. Прохор ўша вақтда Иброҳимдан ҳеч нарсани яширмасди, шунинг учун Анфисага уйланмоқчи эканлигини ҳам яширмаган. Иброҳимнинг: «Эшак, сенинг қайлигинг Анфиса эмас, Нина Куприян», деб жеркиб бергани ҳам унинг эсида. Бу каторгачи Иброҳим ўғли Анфисани жуда ёмон кўрарди. Бу соддадил каторгачи қайта-қайта Марья Кирилловнага: «Йиғлама, Машка... Бу илон Анфисани этигим билан мажақлаб ташлайман...»— дерди. Бу тахлит гапларни Прохор Иброҳимнинг ўзидан жуда кўп эшитган ёки қулоғига чалинган. Шунинг ёдда тутиш керакки, черкас Громовлар оиласигагина эмас, Куприяновлар оиласига ҳам меҳр қўйган эди. Мана, Прохор Анфисага уйланишга қарор қилганини эшитгач, бу жоҳил одам охирги чорани кўрган. У Анфиса ўлса, ҳамма — Громовлар ҳам, Куприяновлар ҳам тинчийди, деб ўйлаган. Иброҳим ўғли Анфисани чиндан ҳам унинг, яъни Прохорнинг милтиғидан отган, бироқ Прохор бу милтиқдан асло фойдаланмас, қазноқда чанг босиб ётар эди. Шу вайдан бу айиқ урадиган милтиққа Медведово қишлоғи маҳаллий терговчисининг — тиришқоқ ва ҳалол одамнинг кўзи тушмаган. Ҳа, Иброҳим ўғли Прохорнинг газетасидан тикин ясаган. Гайритабий ҳеч нарса йўқ бунда... Прохорнинг хонаси ва бугун уй босқинчи учун ҳамма вақт очик бўлган.

Иброҳим ўғли оғзини очганча, чақчайган кўзларини Прохорнинг қоядек елкасига қадаб ҳанг-манг бўлиб ўтирарди. У қулоқларига ишонмас, Прохор нималар деяётганини идрок этгиси келмас эди. У ўзини устига қўққисдан қулаган тоғнинг парчалари остида қолгандек ҳис этарди. Лаблари титрар, қийшаяр, бурун парраклари қаҳру ғазабдан керилар, кўзларидати сариқ доирачалар ёруғликни тўсиб қўяр эди. «Йўқ! Бўлиши мумкин эмас... Бу Прохор эмас, стол олдида турган, унинг овози. У шайтон, шайтон...»

— Кет, шайтон! Ким? Мен?! Мен Анфисани ўлдирган! Йг,

алдаяпсан!!!— черкас сапчиб ўрнидан туриб, тер босган ярғоқ бошини чангаллаганча чинқирди.

Залда бирдан шов-шув, дарғазаб шивир-шивир кўтарилди: «А-ҳа, алдаяпсан-а?! Лазнати қотил!.. Алдадингми?..»

Черкас ўгирилди. Кўзларининг оқи адоватли чақнади. Залда тартиб ўзната бошлашди. Черкасни залдагиларнинг ҳақоратомуз говур-говури остида залдан олиб чиқиб кетишди. Иброҳим ўғлининг чинқириги Прохорни қамчи билан қистагандек бўлди. Прохор черкасининг ўдағайлашида ўзи учун аниқ хавфни кўрди ва шу заҳоти ҳаммасига барҳам беришга жазм этди.

— Мана, кўрдингизми,— деди у жаҳл билан қуруқшаган лабини ялаб. Кейин черкас орқасидан қарсиллаб ёпилган эшикка ишора қилиб, гапани давом эттирди:— Мана, кўрдингизми? Қотил яна тихирлик ҳам қилади. Мен индамай турмоқчи эдим, ҳатто тиз чўкиб суддан бу лақма қотилга жазони енгиллатишини сўрамоқчи бўлгандим, бироқ энди судга, бу қотил бир неча йил бурун Крайск шаҳрида истиқомат қилувчи, савдогар Яков Назаричнинг отаси билан онасини ҳам ўлдирганини маълум қилишга мажбурман. Мен ҳеч кимни ўлдирган эмасман, деган гаплар бошдан-оёқ уйдирма. Суддан телеграф орқали жабрдийдалардан буни сўраб-суриштиришни ёки Куприяновларни, отаси билан қизини, бу ерга чақиртиришини ўтиниб сўрайман. Улар ҳаммасини батафсил сўзлаб беришади, бу каторгачининг мен ва марҳума онам кўзи олдида уларнинг оёғи тагида эмак-лаб, қотиллик қилганига пушаймон эканлигини эътироф этганини айтишади. Бордию бу сўзларим мендан қотиллик тўғрисидаги шубҳаларни олиб ташласа, бениҳоя шодумон бўлур эдим... Тағни кимни? Хотин кишини! Ахир мен унинг ўлганига умрбод аза тутиб юраман-ку.

Яков Назарич Куприяновнинг эски қотиллик ҳақидаги гувоҳлигини Крайск шаҳар бошлиғи телеграф орқали тасдиқлаши Иброҳим ўғлининг тақдирини ҳал қилди. Иннокентий Филатич иш бошқача тус олиши мумкинлигидан савдогар Куприяновни элбурутдан огоҳлантириб қўйган эди. Иннокентий Филатич хатни Медведово қишлоғидан почта билан эмас, тезроқ ва хавфсизроқ деб махсус чопардан бериб юборган эди.

Гарчи судга ошкор бўлган бу янги жиноят, орадан кўп йиллар ўтиб кетгани сабабли, Иброҳим ўғлининг қисмати оғирлаштирмаса ҳам Куприяновнинг муҳим маълумоти суд кўзига черкасни ашаддий, тузалмас қотил сифатида кўрсатиб қўйди.

Шундай қилиб, унинг бошланишида судга берган барча маълумотлари: Громовлар уйдан қайтиб келаётганидан кечқурун Анфиса билан учрашиб қолгани, ҳанжарини яланғочлаб уни ўлдираман, деб қўрқитгани, эртасига эрталаб приставга жавоб бергани, бу ва бошқа маълумотлар, черкас ишонч ва қатъият билан рад этган айблар ҳозир унинг айбини фош этувчи салмоқли далилларга айланди.

Прокурор Страшчалов охиригича нутқида бутун маҳоратини

ишга солди. Гапга чечанлигини, фикрлари теранлигини намоён қилди, жўшиб, шавқ-завқ билан сўзлади. У Иброҳим ўғлини ҳимоя қилиб, жон-жаҳди билан Прохорга ёпишди. У, айбланувчи Громов, «замонамизнинг ўрмаловчи заҳарли илони» ва нафақат ғаразғўй қотил, нафақат ўз жонини сақлаб қолмиш учун содиқ хизматчисини ҳалокатга рўбарў қилган ҳиссиз, сотқин, устига-устак, у ўт қўювчи ҳамдир, деди. (Шу ерда раис эътироз ўрнида қўнғироқни жириглатди.) Ҳа, ўт қўювчи ҳамдир! Марҳуманинг уйига ўт кетиши кимга фойдали? Ёлғиз Прохор Громовга. Нима учун? Бир йўла барча ашёвий далилларни, ҳужжатларни, ёзишмаларни ва бошқаларни йўқ қилиб юбориш учун! Хўш, ҳақиқатда уйга ким ўт қўйган? Ахир уй берк, муҳрланган, эшик тагида қоровул ўтирган-ку, уй ичидан ёнган. Ахир марҳума ўридан туриб, ўз уйига ўт қўёлмайдн-ку. Йўқ, бу ерда шубҳасиз қандайдир найранг бор...

— Шу вайдан сўраяпман, қани ким ўт қўйган? Жавоб берман: албатта Прохор Громов, шахсан у, лекин афсуски, у сонпа-соғ, зиён-заҳмат кўрмаган (раис қўнғироқни жириглатди), унинг ўрнига, яна таассуфки, қандайдир бахтсиз тентак, балки бир қисим чақага Прохор Громов ёллаган пианиста ўлиб кетди. Граждан маслаҳатчилар! Мен баён қилган, ўч олишга даъват этувчи гапларимнинг яхшилаб мағзини чақинг ва виждонингиз ҳаққи ҳурмати бу қонхўр Шейлокка, бадкирдор корчалонларнинг хавfli зурёди кўзига қараб: «Ҳа, айбдорсан!»— деб айтинг.

Барибир прокурорнинг ажойиб нутқига қарамай, суд маслаҳатчилари Прохор Громовга «*йўқ, айбдор эмас*», Иброҳим ўғлига «*ҳа, айбдор*», деб ҳукм чиқаришди.

Шундай қилиб, савдогар ўғли Прохор Громовни суд оқлаб юборди. Бу унга қаттиқ руҳий изтироб ва ўн беш мишга яқин пулга тушди. Пулларни мазкур ғариб шаҳарчада эпчил Иннокентий Филатич қолдириб кетган эди.

Иброҳимни ҳибсга олишди. Черкас суд залидан тўппа-тўғри каторгага кетди. У мияси говлаб, тишларини ғижирлатиб Прохорга ўшқирди:

— Сен аблаҳ экансан!.. Минг лаънат сенга!..

Прохор тошдек қотиб тураверди. Зарбани тик қабул қилди, ҳатто букилмади ҳам.

ТҮРТИНЧИ КИСМ

1

Хув анави, Анфиса ҳалок бўлган кун ёдингдами, китобхон? Ушанда, бутун тайга ва гўёки бутун олам узра момақалди роҳ гумбурлаб, кўз очиб юмгунча қачонлардир Прохор Громов қурган кулба ёниб кетган эди. Уша мудҳиш воқеа содир бўлган кундан бери орадан бир неча йил ўтди.

Саркаш дарё! Сен ўзи табиатда бўлганмисан, сен соҳилини ювган ер ёруғ жаҳонда борми? Ёки кўҳна Петр I замонида тўридан гўри яқин, сўз марваридларини терувчи бахши, токи одамлар унутмагунларича асрлар оша учқур қанотли қўшиқдек оғиздан-оғизга ўтиб юрсин, деб сени ўйлаб чиқариб бутун оламга ёйганмикин?

Шундай ҳам бўла қолсин, майли, ёруғ жаҳонда асло бўлмагансан ҳам дейлик. Лекин мана энди, Саркаш дарё, сен яшаш ҳуқуқини олдинг, сен — Ҳаёт рамзисан.

Мана, уфқда оқ елкан кўринди, соҳилдаги одамлар ҳар хил тахмин қилишади: кема қаёққа сузаркин?.. Жавоб аниқ: кема дарга қаёққа бурса, ўша ёққа, тўлқин қаёққа сурса, ўша ёққа боради.

Хоҳ шамол, хоҳ оқ елкан, хоҳ тўлқинлар қувалашиб бир-бирини қистамасин — ер устидан вақт учиб ўтаверади.

Прохор Громов рулни кескин бурган эди, кема соҳилга тумшуғи билан санчилиб қолди. Ҳаракат қилинг, бўш келманг, Прохор Петрович! Улуғвор Саркаш дарё пойингизда.

Амрингизга мунтазир!

Ҳозир ёниб кетган кулба ўрнида Прохор Петрович Громовнинг қўрғони қад кўтарган. Иморатлари билан у ропна-роса тўрт квадрат чақирим жойни эгаллаган.

Ана, соҳилдаги баланд тепа. Бу тепа ҳам бизга кўпдан таниш. Ёш Прохор ҳаво айнаган тунда худди шу тепа устидан Саркаш дарёга мақтанчоқлик билан сўз қотган.

Эндиликда Прохор Громов ўша вақтдагидек эмас, Саркаш

дарё ҳам бошқача. Тепа ҳам ўз қиёфасини ўзгартирган. Унинг қоқ белида минора кўкка бўй чўзган. Уни Эйфель минорасидан андоза олиб америкалик инженер Кук лойиҳасини чизган. У бутунлай чорқирра тўсишлардан ясалиб, темир болтлар билан мустаҳкамланган. Оғир фермалардан иборат тўртта панжарасини ерга кўмилган минг пудли харсангтошларга тираб туради. Қирқ саржинли минора бутун тайга узра бўй чўзиб ўн чақиримлаб теварак-атрофни кўздан кечиради, дурбин билан Прохор яратган барча нарсаларни яққол кўриш мумкин. Қаттиқ шамол бўлганда, тайга эгилиб-букилиб, қарсиллаганда минора чўққиси чайқалиб, осмонда икки саржинча нари бориб-бери келади. Бутун минора ағдарилиб тушишдан қўрққандек ҳайқириб, шамол билан баҳслашади: гижирлайди, қарсиллайди, тарақлайди. У оч ҳаворангга бўялган ва шоирона ном билан аталади «Огоҳ бўл».

Ўртадаги пролётда Прохор Петровичнинг иш кабинети. Бешта катта-катта корхонадан бу ерга телефон сими тортилган. «Қазиб ол» олтин конидан келтирилган сим миноранинг пастки қаватига туширилган, бу ерда кечасию кундузи раҳматли тўпчи Вахрамеюшканинг амакиваччаси, буям кекса бир оёқли тўпчи Федотич қоровулликда ўтиради. Бир пуд олтин ювилгани ҳамон кондан қоровулга хабар юборишарди. У қилтанглаб кўчага чиқарди ва ўзига-ўзи дерди:

— Тагин бир пуд... Дахмаза, Исо ҳаққи! Баайни қурдум дарё, ютаман дейди... Ўт оч!!— дея пилтани ёндиради. Минора пойдевори ёнидаги тўп гумбурларди.

Мана, тўп гумбурлади, минора силкинди, Прохор ҳам чўчиб тушди ва қоғозга сиёҳ томизди. У аччиқ порох ҳиди кираётган очиқ дераза олдига югуриб келди-да, тепадан энгашиб ўқ овозидан қулоғи том битган Федотичга бекорга бақирди:

— Ҳей! Қари иблис!

Бироқ «иблис» оғзини очганча, оёқларини кериб турарди. Прохор дераза рафидан гул ўтказилган тувакни чангаллаб олди-да, тўппа-тўғри Федотичнинг бошига ирғитди. Бироқ тувак унинг нақ оёқлари ёнига тушди-ю, парча-парча бўлиб кетди.

— Минг марта айтдим сен мурдорга, аввал менга сигнал бер, кейин от, деб!

— Айбдорман! Янглишдим! Сиз бу ерда йўқсиз деб ўйлабман.

— Идорага бор! Айт, уч сўм жарима олишсин!— шундай деб у ўзини ичкарига тортди.

Прохорнинг ёзги кабинетига қимматбаҳо гиламлар тўшалган. Шкафларда делолар. Деразаларда, катта столда минераллар: худди шу ерда мис колчедан¹ ва думалоқ сферосидеритлар, олтин аралаш қизил қум заррачалари, чақмоқтошларнию тур-

¹ Металларнинг, олтингусурт ёки селен бирикмасидан юзага келган бир нечта металларнинг умумий номи (Тарж.)

лари. Шиша пробиркаларда яқинда топилган графитнинг янги кукуни, олтинга бой қум намуналари, маҳорат билан ясалган ёмбилар. Мана, йирик ёмбининг нусхаси, вази 16 фунту 27 миқсол. Асл нусхаси, турган гапки, Прохорнинг уйида, пўлат сандиқда. Деворларда — ранг-баранг жадваллар, графиклар, схемалар, Громов ер-мулкининг умумий плани. Бурчакда ўқланган шуцер ва Дамашқ пўлатидан ясалган, стволига гул солинган ов милтиғи. Милтиқлар ёнидаги айиқ териси устида эшакдек бўри мудрайди. Уқтин-ўқтин бир кўзи билан хўжайинга қарайди-да, яна уйқуга кетади. Дераза очиқ, лекин хонага тамаки ҳиди ўтириб қолган: лўлига ўжаш Прохор Петрович худди лўлидек чекади. Сочлари хурпайган, қора соқоли пахтамайган, хўжайиннинг ойнага аҳён-аҳёнда қарши кўриниб турибди. Мускуллари пишиқ, ялпоқ юзи мисдек қарайган, бурчининг пўсти шилиниб тушган. Кўзлари ўткир, шиддатли. Қуюқ қошлари орасида чуқур тик ажин кўзга ташланади: бу унинг юзига аллақандай фожиавий тус беради. Дарғазаб бўлган кезлари ҳатто бўри ҳам унинг важоҳатини кўриб зир титрарди.

Нина Яковлевна минорага ўқтин-ўқтин бир келарди. Бир кун у чоғроқ икона олиб келди-да, олдинги бурчакдаги тоқчага қўйди. Бўрон турганида икона қулаб тушдию шкаф орқасига думалаб кетди. Шу ётганича ҳали ҳам ўша ерда ётибди. Икона ўлига ҳозир оқ укки қўйиб қўйишган.

Сариқ шиша кўзлари билан — у Прохор Петровичнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб туради, лекин кўрганлари ҳақида миқ этмайди, хўмайиб қўяди, холос. Балки қоронғи кечаларда минора сукутга чўмганида орқа оёқларида тик турган ўзи каби ўлик айиқчага кўрған-билганларини сўзлаб берад? Бўлса бордир, ким билади дейсиз? Одамларнинг тун кечалар минора ёнидан ўтишга қўрқишлари бежиз эмасдир? Одамлар, бу ердан бемаҳалда ўтган йўловчи аёл кишининг нолайи фиғонини эшитишади, дейишарди ё бу даҳшатли минорада кимнингдир қалби азоб чекади, ёки баландлаб эсган шамол панжарали фермалар устидан елиб ўтаркан, ҳуштак чалади, ёхуд ўлик укки гўлдираб ойдаида эртак сўзлайди. Хуллас, одамлар ҳар бало деб вайсашади.

Тентакларча валдирашларни эшитган инженер Протасов қоқ ярим кечада мазкур минора ёнидан бир неча бор ўтди. Ҳатто кунлардан бир кун Нина Яковлевна билан бирга борди у ерга: Нина қўрқар, қалтирар, унинг пинжига тиқилар эди. Минора ишоотлардан узоқда, тайганинг ўртасида турарди. Инженер Протасов қулоқ солиб турди-да, хахолаб кулиб юборди, қоронгиликка қўлини бигиз қилиб, дўқ урди-да, қоровулхона томон юриб, шартта эшикни очиб юборди. Бу ердан бўғиқ ҳуштак товуши, хириллаш ва ухлаб ётган тўпчи Федотичнинг пишқирishi эшитиларди.

— Афсоналар мана шундай барбод этилади, — деди киноҳ

қилиб инженер Протасов. Шундан сўнг оймтилла билан орқа-га қайтишди.

— Сиз ҳазиллашасиз шекилли? Эҳ, беният инсон! Барча сирли нарсаларга, хомхаёлга, эртакка, сирли дунёга ишониш наҳотки ёмон бўлса? Ахир бу аслида энг жозибали, эҳтимолки, дунёдаги энг асосий нарсадир...

— Энг асосийси, бу ҳаёт. Ҳаётда эса — инсон. Мен ақл-идрокка ишонаман: мен рационалистман, сиз эса бидъатга берилган одамсиз, Нина Яковлевна! Токайгача бундай?— у жу-воннинг йўлини тўсди ва қошини фожиали учириб, майин жил-майиб унинг чеҳрасига боқди.— Ахир сиз маълумотли, ақлли аёлсиз...

— Маъзур тутасиз, уэр...— У Протасовни шоша-пиша орқа-га, уйга бошладн.— Сиз масалан француз Шарль Ришени ўқи-маганмисиз ҳали?

— Қип-қизил дахмаза-ку унинг қарашн!

— Афв этасиз! Ахир бундай фикрдагилар бутун бошли бир гуруҳ-ку...

— Ишонмайман...

— Кечирасизу, менинг жаҳлимни чиқаряпсиз, Адрей Анд-реевич...

— Ишонмайман, Нина Яковлевна, ишонмайман! Ҳар бир нарсанинг ўз исми бор. Қолган ҳаммаси, маъзур тутасизу, бема-загарчилик, хомхаёл, афсона.

Прохор Петрович йўқлигида, чет элда, Германияда, Бель-гияда юрганда, улар шу тахлит бир-бирларининг жигига теги-шарди. Ҳозир эса... Прохор Петрович уйда.

У қоғозни сиёҳ доғидан тозалади-да, Федотични тўнгиллаб койганча, ўнг томондаги ғаладондан қизил шойига ўралган: «Олтин рўйхати» ёзув дафтарини олди. Дафтарга ювилган янги бир пуд олтинни тиркади, ярим йил тўпланган бойликни жам-лади, бир юз қирқ уч пуд бўпти ҳаммаси, тақир-туқур қилиб ўрнидан турди, қўлини чўнтагига тикиб, кабинетда уёқ-буёққа юрди. Бўри олдинга чўзиб ётган панжаларидан бошини кўта-риб, Прохорга кўзларини қисиб қаради ва тишларини иржай-тириб, ҳузур қилиб ҳомуза тортди. Прохорнинг оғзидаги труб-ка кўнгилни айнитиб буруқсади.

Мана, телефонлар бирин-кетин жиринглади:

— Алло Ҳа, шундай... Тўхтанг, тўхтанг! Қалам оливолай. Хўп, айтинг. Жавдар уни қирқ беш минг пуд... Жонимга тегиб кетди, бу уни! Хўш, кейин қорабуғдой ёрмаси тўрт минг пуд. Яна!.. Сўк... сўк қанча? Яхши. Оқ уни-чи? Уни минг пуд... Кейин!

У узун рўйхат ёзди, бошқа телефоннинг трубкасини чапгал-лади.

— Хўш? Қулоғим сизда. Нима? Босиб қолди? Ўлганлар йўқми? Нима? Қанча? Эҳ, падарига лаънат! Бола-чақаси бор-ми? Йўқми? Э, садқай сар! Протокол тузинг. Урядник маъ-

лумот олиб келсин. Нима? Менинг вақтим йўқ...— У трубкани улоқтирди ва учинчисини олди.

— Идорами? Иккита телеграмма қабул қилинг! Томск, Кухтеринга. Колияси Громовнинг савдо-сотик хонадони бўлимига. Қатъий счёт юборишсин: жавдар унидан қирқ беш минг пуд, оқ ун ўн минг пуд. Ёздингизми? Яна!— У икки ойга етадиган маҳсулотнинг узундан-узоқ номларини айтиб туриб ёздирди. Тўртта телефон узлуксиз жиринглайди. Прохор афтини бужмайтиради. Телефон трубкаларини жўтаради, идорага буйруқ беради:— Нархини аниқ ҳисобланг, ярим соатдан кейин копиясини менга юборинг.

Уй телефонини олди:

— Нина, сенмисан? Нима дейсан? Тушликни емайман. Вақт йўқ. Коньяк, икра, бир бўлак бузоқ гўшти юбор. Протасов кўрнимадими?

Трубкани илиб, бошқасини қўлига олди.

— Инженер Кук ўша ердами? А-ҳа. Салом, мистер Кук! Хўш, тегирмоннинг лойиҳаси тайёрми? Лойиҳани олиб, роппа-роса соат тўртда келинг. Биз унга олам-жаҳон пул тўлаймиз. Қурилишни дарров йўлга қўйиб юбориш даркор. Иш кенг қулоқ ёйсин. Хўп, майли. Кутаман!

Телефон хиралик қилиб, тинмай жиринглайди. Прохор трубкани олади.

— Алло! Ким? Протасов, сизми? Нима? Шахталарни сув босяпти? Дарҳол ишчилар котлованлардан олинсин, қазувчилар ва дарахт кесадиганлар сафарбар қилинсин. Ҳамма сувни чиқариб ташлашга киришсин! Тинимсиз ишлашсин. Байрамли беги кунларга айлантиришни қатъиян буюраман. Ароқ ваъда қилинсин. Урядник билан соқчиларга тайинлансин, улар норозиларнинг исми шарифларини ёзиб қўйишсин. Ғалвачилар ва бузғунчилар ҳайдаленг, эшнтяпсизми, Протасов? Бордию сув шахтани босиб кетса, сиз жавоб берасиз. Нима? Кафолат беролмайман? Хайр!

Бутун иш куни шундай кескин гап-сўзлар билан ўтади. Прохор асабийлашади, овози бўғилади, бирон-бир ёрдам бериш қўлидан келмайдиган бўридан ачиққланади. Нафисламрига, Прохор Петрович ёлғиз ишлашни яхши кўради.

Соат роппа-роса тўртда бўри ирғиб ўрнидан турди, ғингишди ва эшик олдига югурди: зинадан кимдир чиқиб келмоқда эди.

— Салом, мистер Кук,— деб Прохор Петрович новча, соқоли тоза қирилган, чиройи очиқ кишининг истиқболига пешвоз чиқди,— хўш, қалай?

— Мапа лойиҳа,— деди у тишлари орасидан, нозик, тўғри лаблари билан сигара учини ҳўллар экан.— Расчётлар текшириб кўрилди, лекин...— Америкалик икки бармоғини чўзиб, худ-

ди қисқич билан қисиб ушлагандек тишидан сигарани олди ва уни айлантриб ҳавода ёпиқ эллипс шаклини чизди.— Бироқ меп лойиҳага имзо чекишдан олдин техник кенгаш қақришни маъқул кўардим.

— Кераги йўқ,— деди Прохор Петрович.— Утиринг, лойиҳани ёйинг. Тегирмон меники, техник кенгаш — ўзимман.

— Аммо...

— Ҳеч қандай «аммо-паммоси» йўқ, мистер Кук. Фасад, кесим, план... Ақлим етади. Менга қаранг, нега жон койитиб сайқал бердингиз? Сурат эмас-ку. Қалам билан чизсангиз ҳам кифоя эди...

— Урганиб қолганман шунга.

— Кераксиз одатларни тарк этиш лозим. Қанча чуқурликда харсангтош терасиз? Бир саржинми? Кўп. Икки газ бўлса етади. Мен заминни яхши биламан.

— Афв этасиз, мистер Громофф... Бироқ заминдан заминнинг фарқи бор. Замин тагидаги сувдан жуда қўрқиш керак...

— Бекор гап!— деди Прохор Петрович чўрт кесиб.— Заминдаги сувни биз шпунт билан тўсамиз. Икки ҳисса арзон тушади.— У готовальнаяни топди-да, масштаб бўйича циркулни ёзди ва чизмага нуқта қўйиб белгилади-да, харсангтошлар тагига қалам билан чизиқ тортди.— Мана харсанг. Деворларни ҳам кичкина қилиш керак. Пастда уч яримта ғиштдан, розиман, юқори қават иккита ғиштдан.

— Бироқ... Маъзур тутасиз... оғирлик...

— Оғирлик?.. Бизнинг тайгада тилоғочлар тиқилиб ётган бир пайтда, қўштавр тўсин қўйиш каллангизга қаердан кела қолди? Ахир бу сизнинг темирингиздан пишиқ. Бўлмайди, бўлмайди.— Прохор чертёждаги тўсинлар қаршисига қизил қалам билан белги қўйди.

Америкалик одоб сақлаб пешонасини тириштирди, тили билан сигарасини оғзининг чап томонига сурди ва:

— Мана машиналар...— деди-да, қозон ва механизмлар чертёжини ёйди.

— Бунга тан бераман. Тишим ўтмайди бунақа ишларга. Подшолар ёзганидек: «Шундай бўлсин». Розиман. Сметани беринг. Қанча?

— Етмиш бир минг беш юз ўттиз сўму саксон бир ярим тийин.

Мистер бу рақамларни ўз овозидан роҳатланиб дона-дона қилиб, тантанавор баён этди. Унинг гапига қулоқ солиб ётган бўри бошини ўннга-сўлга эгиб, қуён каби қулоқларини қимирлатди. Рус мақолларининг ишқибози мистер Кук доим уларни янглиш такрорларди. У ялт этиб ҳайвонга қарадию, негадир эслаб қолди: «Бўрини ҳар қанча боқмагин, барибир кўзи оч қолаверади...»

— Қанча, неча тийин?

— Нима? Саксон бир ярим тийин.

— Ярим тийини ҳам бор денг? Жуда аниқ.— Прохор Петрович стулини суриб мистер Кукка яқинлашди ва унинг елкасига забардаст ўнг қўлини қўйди.— Эллик минг! Бир тийин ҳам ортиқ эмас!

— Йўқ, йўқ!— мистер Кук ижирганиб елкасини учирди.— Етмиш бир минг сўм. Тўғри, сизнинг тузатишларингизни эътиборга олиб, умид қилиш мумкинки, ҳалиги...

— Худо ҳаққи, аччиқ ичакдек чўзманг. Эллик минг!.. Ичинг!.. У ўзига ва меҳмонга стаканда коньяк қўйди.

— Техник кенгаш тугади, мистер Кук. Сизнинг соғлигингиз учун!

— Сизнинг соғлигингиз учун!

Мистер Кук минорадан эсон-омон тушиб олди. Кейин оёғи чалишиб уни гандираклата бошлади. Ниҳоят у кўчанинг ўртасига туриб олди ва бутун иродасини сафарбар этиб тўғри юришга ўзини мажбур қилди.

Прохор Петрович бўрига бир бўлак бузоқ гўшти ташлади. У тишларини шақиллатди-да, гўштни чайнамай ютиб юборди.

Кечқурун алламаҳалгача телефон жиринглаши тинмади. Прохор қулоқ тутар, фармойишлар берар, сётларни текширар, дафтарга кириб ва чиқимни қайд этар, чопарларни, хабаркашларни қабул қилар эди. Оқ кўйлагининг елкаси ҳўл бўлиб кетган эди: у бир чирпит клюква шарбатини ичди ва бир халтача тамаки чекди. Қизгин иш билан овора бўлиб, вақт ўтганини ҳам билмай қолди. Аллақачон заводларнинг гудоклари ўчган, ишчилар кечки овқатини еб, зах ертўлаларида, баракларда, ҳатто очиқ ҳавода ухлагани ётишган. Прохор Петрович ҳамон ўтирибди. Миясининг барча толалари фикрдан зарядлангач, хийла вақт безовта бўлади, «бирок аъзойи бадани толиққан, ором нотаида. У кабинетида айланди, бўрининг думини босиб олди-ю, унинг ангиллашидан чўчиб тушди, электрлампочкани ёқди, юмшоқ курсига ўлигини ташлади ва кўзларини юмди. Қани энди мизгисаю уч дақиқа ҳамма ташвишларни унутса. Бироқ юмуқ кўзлари олдидан рақамлар, ёзувлар, векселлар, кимнингдир кулгидан иржайган тишлари, қўл силкитишлар, тилла зарралари аралашган қумлар, чизмалар, хотинларнинг кулгига мойил лаблари, яна ҳад-ҳисобсиз рақамлар тизилди, чизмалар, машиналарнинг деталлари липиллаб ўта бошлади. Қулоғида аллақачон товуши ўчган телефонларнинг жиринглаши янграрди. Хуллас, юз қилсин, минг қилсин, ҳеч нарсани унутолмади.

У бармоқларининг учи билан юмилган қовоқларини силади ва кўзини очди. Унинг қаршисида бўри турар, тиззасига тумшуғини суркаб, ғингширди.

— Хўш, Люпус, уйга кетдикми?

Прохор Петрович ланг очиқ кенг дераза олдига келди. Унинг чарогон уйи кўриниб турарди. Подъезд олдида инженер Протасовнинг извоши. Саркаш дарёда узоқда тутун буруқсатиб, темир ортилган баржани шатакка олган кема сузиб боряпти,

олис жойлар туман билан қопланган. Дарё ортида тайга қорайиб кўринади. Пристанда одамлар ғимирлайди, электрчироқлар порлайди, бандаргоҳдан карнайда қичқирайшади:

— Ҳой, кемадаги! Баржани якорга қўй!

Ҳаммаёқда соқчи итлар акиллайдн. Қоровуллар омборлар ёнида тунука шақилдоқларни тарақлатишмоқда, қаердадир аста гармошка тингилляпти.

— Тўра, мана сизга ойнпошша пальто бериб юбордилар.

Прохор ўгирилиб қаради. Қорачадан келган, оёқ-қўли чаққон оқсоч Настя эғзининг таноби қочиб жилмайиб турибди.

— Шундоғам қора терга ботганман,— деди у, бир кўнгли одатига кўра сўқинмоқчи бўлди-ю, бироқ ниятидан қайтди ва апил-тапил Настяни кучоқлаб, унинг хахолаб кулган нам оғзидан ўпди. Настя кўзини юмди, қаршилиқ қилмади. Бўри анчагина нарига кетди, бурни билан нафас олди ва иршайиб тишларини шақиллатганча пишқирди.

— Ойнпошша сени бемаҳалда минорага юбориб чакки қилади. Ойнпошшанг аҳмоқ. Хизматкор болани юборса ҳам бўларди...

Настя сочларини тузатиб:

— Тўппа-тўғри. Аёллар деса сиз ўзингизни томдан ташлай-сиз,— деди.

— Нима? Сен қаердан эшитдинг бу гапни? Жўна бу ердан!— У депсинди ва тирақайлаб қочган оқсоч орқасидан қаҳ-қаҳ уриб кулди.

Прохор оқ картузини кийди, бўрининг бўйнига металл бўйинбоғни ташлади ва унинг оғзига қамчи тикди-да, минорадан туша бошлади.

Пастда кекса Федотич Прохорнинг олдида тиз чўкди:

— Худони ўртага солиб сўрайман, гуноҳимдан ўт, жарима солма!

Бўри чолнинг ерда таёқдек чўзилган ёғоч оёғини искади.

— Йўқ,— деб қичқирди Прохор Петрович ва картузини бир баладга, бир пастга кўтариб-туширди.— Сиз шайтонларни жиндек бўш қўйса бўлди...

Уйда у инженер Протасовни учратди.

— Сув қалай?

— Зўрлик қиляпти. Сизга қелган эдим, Прохор Петрович.

— Ахир у овқатлангани йўқ-ку,— деди Нина ачиниб.— Прохор, ўтир. Настя, чучварани олиб кел. Чаққон!

Прохор Петрович талинкада икки тўғрам қора нон олиб, қалин қилиб горчица сурди, анчагина туз сенди, бутербродга ўхшатиб бирлаштирди-да, чўнтагига тикди:

— Юринг Протасов.

Эрталаб соат бешда бурнидан тортса йнқилгудек ҳолда, шалаббо бўлиб уйга қайтди. Ишда тахта зинадан сув тўла котлованга йиқилиб тушибди.

У ўз бўлмасида эрталаб соат еттигача ухлади. Уни бўри уйғотди, олдинги икки оёғини диванга тираб эгасининг юзига қаттиқ ириллади. Соат етти яримда бўри ва Прохор Петрович минорага келишди. Одатдаги машаққатли иш куни бошланди.

2

— Ҳа, айтганча,— деди Прохор Петрович ўйга толиб.— Икки йилдан кейин тўйимиз бўлиб ўтганига ўн йил тўлади.

— Биламан. Эсимда,— деди Нина.— Мана, уч йилдирки, отанг жиннихонада.

Прохор Петровичнинг дарров авзойи бузилди ва патнисга тутаб турган трубкини итқитди.

Нинанинг чеҳраси ҳам пир-пир учди. У роҳибаларникидақа узун кўйлак кийган эди. Қатта оппоқ ёқа, энгларининг қайтармаси ҳам оппоқ, бошида бежирим чеҳрасининг оқлигини бўртириб кўрсатаётган қора дурра. Дурра тагидан бир тутам тўқ малла сочи чиқиб турибди.

Нина Бебелнинг «Аёллар ва социализм» китобини қўйди-да, теран сурранг кўзлари билан эрига очиқ боқди.

— Ҳа, ҳа... Жиннихонада. Ўз отанг.

Прохор ўзини босиб, индамади. У бармоғидаги йирик бриллиант кўзли узукни асабий айлантирди.

Нина юраги ачиб унга — меҳр-муҳаббат ва жаҳл билан унинг чимирилган қошларига, эскичасига гир айлантириб текис олинган қора сочига тикиларкан, кўнглидан: «Рус паҳлавони...— деган гапни ўтказарди.— Куч, ақл... Лекин нима учун, нимага қалби бунақа тош?»

— Нина!— у трубкини олди ва шоша-пиша чека бошлади. Ниманик бўлган экан, бўлди. Тамом-вассалом.

Трубка вишиллади, чийиллади. Тихирлик қилди, чашкадаги кофе совиб қолди.

Нина дона-дона қилиб деди:

— Ҳар бир қарорни қайта ҳал қилиш мумкин. Нотўғри қилинган ишни янгитдан ҳал қилмоқ зарур. Тушуняпсанми, Прохор, зарур! Йўқса — иш пачава.

— Прохор Громов шартта ҳал қилади-қўяди.

— Бекор шундай қилади.

— Прохор Громов адашмайди.

— Ростдан-а?!

Прохор зарда билан узукни столга уриб тақиллатди ва айиқ-полвондек бор бўйича қоматини ростлади. Мис рангидаги юзи бўғриқиб кетган, ўқрайган кўзлари худди ўқ сингари қаҳрли чақнар эди.

— Ёдингда тут, Нина!.. Прохор Громов юрганда ерни ларзага солади, тайгани ўт-ўландек таг-томири билан қўпоради... Яхшиси, ҳеч ким йўлимга ғов бўлмасин. Гап шу!

Бироқ дағдағали ва зардали овози Нина Яковлевнанинг ёқимли қараши билан дарров тоб ташлади. У мойланган ва ярқираб тозаланган этигини ғирчиллатиб, итоатғўйлик билан хотинининг ёнига келди. Нина унинг сочидан ўпди ва ёнига ўтқазди.

— Сен безовта бўлма...— деди Нина Яковлевна.— Сен фақат бир нарсани унутма...

— Нина!— кенг кўкраги жужунча кўйлаги тагида керилди, у пишқириб нафас олди.— Менга қара... Кучим танамга сигмай кетяпти, азбаройи худо!...— Шундай деб у қора жун билан қопланган муштларини тўлғади.— Ҳаммаёқни остин-устун қилиб юбораман! Шунақа!.. Яшаганга яраша қойил қилиб яшаш керак! Улиш бўлса, ўлимни ҳам қотириш керак! Яшаш керак бўлса, расмана яшаш лозим. Токи олатасир бўлсин, қўнғироқлар дарангласин, баҳайбат тўплар гумбурласин... Эҳ, Нина!.. Роҳибасан сен!

— Ҳа, роҳибаман. Ўзинг кимсан?

— Менми?— Прохор яна бесўнақай гавдасини кўтарди, кофели чашкани ағдариб юборди.— Мен ҳамма нарсага қодирман. Гапнинг пўсткалласи, мен на роҳиб, на игуменман. На кашишман.

— Эсиз!

— Вужудимда нима бор, ҳайвонми, худоми, билмайман. Аммо бутун тайгани, бутун ўлкани қўзгатаман ва ўзим учун ишлашга мажбур қиламан.

— Сен учун?

— Ҳа, майли, менга алвасти ботқоғини беришсин, мен барча алвастиларни христиан динига киргизаман, оқ кўйлак кийдириб, беш чўққили бош черков қуришга буйруқ бераман...

Нина жон ҳолатда чўқинди, сапчиб ўрнидан турди, эрига қўлини силкиди.

— Мана шунақа одам Прохор Громов... Бу қуруқ сўз эмас, айни ҳақиқат,— деб у паст, ҳаяжонли овозда гапини тугатди ва Нинанинг хипча белидан қучди. Нинадан бухўр, ясин ва соғломлик ҳиди тараларди.

— Мана сен ажойиб уйда яшаяпсан. Қўз олдинда жамол очган манзарага қара. Наҳотки ёмон бўлса?— у хотинини дераза ёнига олиб келди ва оғир дарпардани суриб, қўли билан кўрсатди:— Қара!

Пастда Табриз гиламидек чечакзор ястаниб ётарди. Қизил хиёбонлар, ясиннинг яшил буталари, кедрлар ва арчаларнинг ниҳоллари, шийпончали, мўъжаз минорали ясама тепачалар, узоқда қуёш нурида ялтираётган Саркаш дарё кўзга ташланарди.

— Еқадими? Сенга сўз бераман, Ниночка, қадрдоним, тўйимизга ўн йил тўлганида сен саройда яшайсан.

Нина хўрсинди. Ибодатга қўнғироқ чалинди. Нина чўқинди. Боғнинг орқасидаги йўлқадан қадди расо ҳазрат Александр

бошини азот кўтариб, аста черковга ўтиб борарди. Атлас шляпа-цилиндр ярқирарди. Эғнидаги тўқ кўк жуббани шаҳарлик тикувчи тиккан эди.

Нина кашишни, тақводорларча меҳру ихлос тўла нигоҳи билан кузатиб қўйгач, эридан сўради:

— Ёшинг нечада, Прохор?

— Билмайсанми ҳали?— у хотинининг жипс, ҳиссиз лабидан ўпди.

— Биламан. Ўттиз бирдасан. Нима учун сен катта, кўпини кўрган одамга ўхшайсан? Баъзан эса...— Нина гапини тугатмай жилмайди.

— Нима, баъзан эса?

— Қари, жудаям қарига ўхшайсан,— Нина дилидагини тилига чиқармай ёлғондакам кулди.— Юр ибодатга,— деди у.— Ахир сен бизнинг хорни анчадан бери эшитганинг йўқ-ку. Хорда ҳозир ўттиз икки киши. Ишчи Тороповнинг овози йўғон. Юр.

— Йўқ... Мен яхшиси...

У телефон олдига бориб, қўнғироқ қилди.

— Сохатихни чақиринг! Илья, сенмисан? Ов масаласи нима бўлди? Қанақа фрак, қанақа ибодат?! Бемаъни ишни йиғиштир! Итни олгину етиб кел. Айт, отларни келтиришсин...

Нина Яковлевна Громова эрига сеп тариқасида берилган маблағдан йилига ўн минг сўм даромад оларди. Бу пулларнинг ҳаммасини у хайрия ишларига сарф қиларди. У ўзига қолса бундан ҳам кўп сарф қиларди-ю, бироқ Прохор Громов ўз фойдасидан унга бир тийин ҳам бермасди. У умуман хайру саховатни тан олмасди, одамларнинг эҳтиёжига парво қилмасди. Художўй Нина Яковлевнанинг биринчи ташвиши «Громов» қароргоҳида кенг-мўл черков қуриш эди. Черков лойиҳаси ва уни қуришда кўз-қулоқ бўлиб туриши керак бўлган одам Нинанинг дўсти, инженер Протасов эди. Социалист, дунёқараши бўйича атеист бу одам, унга бундай деган эди:

— Мен сизга черков ўрнига ишчилар учун клуб қуришни маслаҳат берардим... Ахир уларнинг қандай шароитда яшашларини биласиз-ку.

— Аввал руҳнинг, кейин таннинг ғамини ейиш керак,— деб эътироз билдирганди Нина.

— Ҳамма ерда ҳам ибодат қилавериш мумкин. Сизнинг Исо алайҳиссаломингиз, пинҳона ибодат қилиш керак, деб таълим берган. Шиллиққуртдек ертўлаларда яшаган одам тўнини телва-тескари кияди, ҳатто сизнинг худонгизга ҳам қарши чиқади...

Бироқ у Нинанинг ўтинчию илтижоларини ерда қолдира олмас, дўсти билан аразлашиб қолишни истамас эди. У кўнглига ўтиришмаган бу ишга ҳафсаласизлик билан хушламайгина киришди. Шу боис черков ташқи томондан кўримсиз чиқди.

Ёғоч черков четдан оддий кўринса-да, ичи шинам, ҳаммавақт одамга тўла бўларди. Прохор Громовнинг корхоналарида уч минг ишчи ишлар, хотинлар билан болаларни қўшса беш мингдан ошиб кетар эди.

Нина Яковлевна черковга мушфиқ она сифатида қадам қўйди. Одамлар клиросгача чекиниб, унга йўл очдилар. Бу ерда унга атаб гиламча тўшаб, стул қўйишган эди. Тумонат одам йиғилган эди: ишчилар оилалари билан, теварак-чеккадан деҳқонлар келишганди. Ҳаво кўкимтир, бўғиқ эди. Нина Яковлевна черков ичини кўздан кечирди, искади, черковни Ливан бухўрнинг хушбўй ҳидига омихта аччиқ тутун иси босган эди.

Ашаддий тақводор Илья Петрович Сохатих бугун йўқ эди. Фақат хотини Февронья Сидиловна, уезд шаҳрида турган савдогарнинг собиқ беваси келган эди. Табиатнинг инояти билан роппа-роса етти пуд келарди. Бизга таниш пристав ҳам бор, шу ерда эди. Ҳозир у дурустгина маош олар, унвони кўтарилган, тепакали катталашган, ўзи буқадек гавдали бўлиб кетган эди. Фақат, ҳамон шоп мўйлови ўша-ўша эди. Баланд бўйли, сарнқ мўйловли эгизаклардек бир-бирига ўхшаш икки жандарма офицери Оглядкин билан Пряткин ҳам қадам ранжида қилган эди.

Иннокентий Филатич Груздев — бу ҳам бизга таниш, черков оқсоқоли рутбасида бўлиб, худди майхоначидек бочкадаги вино олдида турарди. Қачонлардир терговчининг уйида Анфисаникидаги жиноятни фош қилувчи ҳужжатни ютиб юборгани, айтиш мумкинки, унга эм бўлди, қорин солди. Қаримсоқ юзи гул-гул очилиб кетди. Лекин бир чатоқ томони шуки, у чайналиб гапирар, оғзи ўпирилган ўрага ўхшар эди. Тишлари йўқ, лекин ҳадемай қўйдириш нияти бор.

Шу якшанба куни яқинда тайга қаъридан чиқиб келган олтин изловчи безори Гришка Гнус тўсатдан сурбетларча бостириб кирдию Нинанинг олдида қаққайиб туриб олди. Гарчи ундан буруқсаб ароқ ҳиди анқиб турса ҳам хумордан чиққунча тўйиб ичолмаган эди. Нина Яковлевна афтини бужмайтирди, бурнини дастрўмоли билан беркитди. Гришканинг энгил-боши алмойи-алжойи эди, кўк шойидан тикилган кенг, қизил гулли чалвор кийган, унинг ҳар бир почасига бемалол беш пуд жавдар кетар, оёғида қизил бахмалдан пайтава, янги қайин пўстлогидан тўқилган чориқ, пиджак ўрнида яланг гавдасига (қўйлагичи чириб кетгани учун ташлаб юборган эди) катта шолрўмол ўраб, томоғининг тагидан тўғнағич қадаб олган эди. Тирбанд одамлар ўртасидан ўтаётганида аёллар кўнгиллари сусти кетиб унинг чалворини ва шолрўмолини пайпаслашди, эркаклар кафтларига ҳиҳилаб кулиб, айёрона бурунларини жийиришди. Иннокентий Филатич эса ўзича кўз қисиб қўйди-да, дастёр болага деди:

— Мана яна бир валинеъмат ўз оёғи билан келяпти.

Дарҳақиқат, олтин изловчи дайдининг ҳозир пули бисёр,

бордию бугун кечаси ўткир пичоқ билан ўз ҳаётини сақлаб қололмаса, уни ёки сўйиб кетишади, ёхуд Саркаш дарёга итқитишади.

Ҳофизлар бақриб палапартиш қўшиқ бошлашди. Оқсоқол, унинг кетидан турнақатор тизилиб холис хизматчилар талинка ва кружкалар ушлаб пул йиғишга тушишди. Меҳробда ибодат қилиб ва ҳазратдан оқ фотиҳа олиб, Иннокентий Филатич қорнини олдинга чиқазганча, шукуҳ-салобат билан бойвуччанин қаршисига юрди. Унинг қўлида кумуш тавоқ, жимжилоғида қўнғироқча бор эди. Қўнғироқча, қани ҳамёни олинглари, дегандек ўқтин-ўқтин жиринглаб қўярди.

— Ҳей, овсар чол! Энг олдин менга опке,— босиқ овозда хириллаб деди дайди, у муштлашганда шикастланган кўзини чақчайтирди ва қароқчиларникидек башарасини оқсоқолга ўгирди. Иннокентий Филатич одоб билан оёғини тапиллатди-да, дайдига таъзим қилди ва: «Ҳозир», деди-да, ёқимли жилмайганча Нина Яковлевнанинг ёнига пилдираб борди. У тавоққа уч сўм ташлади. Оқсоқол янада иззат-ҳурмат билан дайдининг ёнига ошиқди. Дайди бойвучча хоним қанча садақа қиларкин, деб қаҳру ғазаб билан қараб турган эди.

— Атиги уч сўмми?— деди у нафрат билан ва чириган тишлари орасидан чирт этиб тупурди-да, кир-чир бармоқлари билан тавоқдан уч сўмни сидириб ташлади.— Бойларнинг пули керакмас бизларга, биз ўзимиз боймиз. Тек тур, чайқалма. Ма!..— Мақтанчоқлик билан чориқ кийган оёқларини кериб, чалварига қўлини чуқур тикди-да, терлаган ҳамёнини чиқарди. Сўнг олифталик билан тавоққа йиғирма бешталиқ ташлади ва бутун черковни бошига кўтариб ҳайқирди:

— Православлар! Мен, Ванька Непомняшчих ёинки бой олтин изловчи Гришка Гнусман, худонинг уйига нақд йиғирма беш сўлкавой садақа қиламан... Билиб қўйларинг! Анави студда ўтирган танноз атиги уч сўм ташлади... Валинеъматни дуо қилларинг, биродарлар!..

Икки соқчи вағирлашиб уни судраб кетишди. Тулук теккан соқоли ва шоп мўйлови силкинар, у тихирлик қилиб бўкирарди:

— Мушфиқ-меҳрибон биби Марьям! Иван Непомняшчихин ўзинг қўлла! Бу аблаҳларга хўрлатиб қўйма... Биродарлар, урларинг уни!.. Валинеъматни хафа қилишяпти! Э тангрим, ё парвардигор!..

Черков деворидан нарироқда соқчилар унинг шол рўмолини, янги бахмал пайтавасини тортиб олдилар ва уни хуморлари ёзилгунча дўппослаб, фикран, биз осий бандаларга марҳамат қилганинг учун ўзингга шукур, деб худога ҳамдлар ўқиб, черковга қайтдилар.

Ҳазрат Александр жуббасини ва академиклик значоги бўлмиш — крестни ялтлатиб минбарда суханварлик билан ваъз айтди. Бу тун қавм қўй галасидек бир-бирини туртиб, мишбар томон интилди. Нина Яковлевна ўнг томондаги клиросга чиқди

ва кўз ёшларини артиш учун батист рўмолчасини тахт қилиб қўйди.

Ҳазрат Александр ваъзини инжил сўзлари билан бошлади:

— Аллақайси шаҳарда бир ҳакам бор эдики, у на худодан кўрқарди, на одамлардан уяларди. Уша шаҳарда бир бева бўлиб, унинг ҳузурига келиб арз айларди: «Мени ганимимдан ҳимоя қил». Ҳакам анча вақт беванинг арзига қулоқ осмади. Охири ўзига-ўзи: гарчи худодан кўрқмасам, одамлардан уялмасам ҳам бу бевадан осонликча қутулиб бўлмайдиганга ўхшайди, ке, ҳимоя қилсам қила қолай, токи ҳадеб келавериб безоржон қилмасин, дебди. Шунда Исо алайҳиссалом ўз шогирдларига айтибди: «Адолатсиз ҳакам нима деганини эшитдингизми, гарчи шаккокликларига тоқат қилса ҳам худо кечасию кундузи илтижо қиладиганларга яхшилик қилмайдими...»

Ҳазрат Александр артистона ҳаракат қилиб, қўли билан сарғиш патила-патила сочини орқага ташлади ва кўзларини қисиб одамларга тикилди.

— Энди инжил юксаклигидан замнинг қайтиб тушамиз. Мишмишларга қараганда, сиз меҳнатқашлар олаётган маошигиздан норози эмишсиз ва иш ташламоққа қарор қилганмишсиз. Мен қавм бошлиғи сифатида маълум қиламан: ишташ-лаш — шайтоннинг гапига кириш бўлади. Бордию сиз ётғи билан хўжайинлардан ойликни оширишни сўрасангиз, тўғри қилган бўласиз.

Черковда босиқ олағовур кўтарилди:

— Сўрадик... Сўрадик... Фойдаси йўқ.

— Жим!. Шовқин солманг! Бу ер худонинг уйи. «Сўрадик», дейсизми? Яна сўранг. Ҳадеб сўрайверинг, оҳингизни эшитишадди. Зеро инжилда бундай дейилган: «Сўранг, муродингиз ҳосил бўлади. Эшикни қоқсангиз очилади». Адоятсиз ҳакам тўғрисидаги ривоятни эшитдингизми? Бева жонидан тўйдиргач, у унинг оҳига қулоқ осган. Наҳотки сизларнинг художўй хўжайинларингиз гуноҳкор ҳакамдан баттар бўлса?

— Баттар, баттар... Биз оймпошша ҳақида ғиринг демай-миз у киши меҳрибон, фаросатли... лекин...

— Бас қилинг... бу ер жиноятчилар сизларни бот-бот жалб этадиган махфий йиғин эмас... кимда-ким уларнинг гапларига учса, худонинг қаҳрига учрайди!— деб ўдағайлади ҳазрат Александр.— Мен сизларга айтяпман, можарони тинч йўл билан ҳал қилинг. Ушанда, мен сизларнинг қавм бошлигингиз, сиз билан бирга бўламан... Мард бўлинг. Омин.

3

Байрам нонуштаси учун дастурхонни кичик емакхонада тузашди. Ҳамма нарса жой-жойида, улуғвор ва ҳашамдор эди. Думалоқ дуб стол, қора дубдан ўймакор стуллар, диванлар

қўйилди. Деворларга қора гулқоғоз ёпиштирилган эди. Бундан ташқари Айвазовский, Клеверларнинг расмлари, Котарбинскийнинг тавротдан этюди, қандил ва деворий шамдон кўзга ташланарди. Эшик ва деразаларга оғир шойи дарпардалар тутилган эди. Нина Яковлевнанинг албатта диди жойида, лекин хонани безашда унга Протасов кўмаклашди.

— Утирса бўладими?— деб сўради у ва ўтирди.

— Ҳа, ҳа, бемалол! Ҳазрат Александр, жаноб пристав, Иннокентий Филатич, мистер Кук, марҳамат, ўтиринглар,— деди бека ҳушини йиғиб олиб.

Дастурхон нафис тузалган: чинни, кумуш қадимий вазаларда шабнам тўкилмаган, янги узилган гулдасталар. Вино жуда кўп, ароқ ҳам бор.

— Эҳ, қани энди ҳазрат Ипат бўлса!— дейди соддадиллик билан пристав ўзига ва ён-веригагиларга ароқ қуяр экан.— Уни эслайсизми, Нина Яковлевна?

— Ҳа, ҳа. Анави — «азбаройи шифо»ми?

— Худди ўзи. Хўп, сизнинг соғлигингизга! Азбаройи шифо!— корсондек кетини пича кўтарди олтмишларга борса ҳам ҳали бақувват пристав шпорларини жириглади.

Анфиса ўлганидан кейин у ичкиликка муқкасида кетди ва ишдан ҳайдалди. Хотини ўлгудек хотинбоз Илья Сохатих билан топишиб олдию уни ташлаб кетди. Кейин гуноҳини ювиш учун роҳибалардек сочини қирқтирди. Ҳозир приставнинг кўнгли жойига тушган: Прохор Громов тақдир тақозоси билан приставни ўзига ишга олди ва сийловига собиқ маъшуқаси Наденькани берди. Пристав ҳозир хазинадан ва Прохор Громовдан дурустгина ойлик олади. Баъзи одамлар ундан қўрқишади. Ишчилар зир титрайди. Инженер Протасов уни ёмон кўради. Мистер Кук ундан нафратланади. Бироқ ўз муносабатини ҳар ким усталик билан яширади.

Нонушта камторона эди: пирог, қаймоқли қовурилган кўзиқорин, тар мевалар.

Пристав ичиб олиб, кашинга кўзини қисиб қаради ва одобсизлик қилиб гап отди:

— Ҳазрат Александр, бағоят ҳурматли қавм бошлиғи, сиз сўзлаган ваъз... биласизми? Ҳалиги, косанинг тагида нимкосаси бор, қабилада бўлди-ёв...

— Менга қаранг, Федор Степанич,— шундай деб кашини ўзига ярим рюмка портвейн қўйди.— Нима, сиз епископмисиз? Ё бўлмаса дин назоратининг бошлиғимисиз?

Пристав,— хўп тузладимми, шўртумшуқни!— дегандек Протасовга кўз қисди-да, кашинга ўчакишиб чорпақилдан келган гавдасини ўгирди. Унинг оқ оралаган шоп мўйлови чўччайган лабида икки томонга сўппайди.

— Хўш, кейин...

— Меннинг диндорлар билан қилган суҳбатимни танқид қилишга ким ҳуқуқ берди сизга?

— Лавозим шундай ҳуқуқни беради менга, тақсир, қасам-ёд ҳам қилганман...

— Нимани шафе келтириб... қасамёд қилгансиз?

— Крестни ва инжилни.

— Э, шундай денг! Ахир инжилда фаҳш қораланади. Сиз фосиқсиз, ўйнаш билан бирга яшайсиз. Шундай бўлгач, менга ўдагайлашга қандай ҳаддингиз сиғди?

— Менга қаранг, тақсир... Отингиз нимаиди? Ҳазрат Александр,— пристав андишасизлик билан кашишнинг ҳашаматли жуббасини енгидан тортди.

Улар орасига бека тушди.

— Қўйинг, Федор Степанич... Йиғиштиринглар баҳсни. Еб-ичиб ўтиринглар.

— Ахир, Нина Яковлевна, қўзичоғим...

— Қўйинг, қўзичоқ-пўзичоқ деган гапни...

— Маъзур тутасиз, Нина Яковлевна... Лекин ҳазрат Александр сизнинг зиёнингизга иш кўряпти,— деб кўкрагига мушглади пристав.— Ахир у ҳар балолар деб ишчиларни йўлдан уряпти!..

Кашиш тарақлатиб стулни сурди, иконага қараб чўқинди ва ҳақоратлангандек ўшшайиб, индамай хонадан чиқиб кетди. Даҳлизда у беканинг юпатишларига жавобан:

— Бундай бетавфиқни уйингизга қўйганингизга ҳайронман,— деди.

Нина кўзига қалқиган ёшни артди, аланглаб эшикка қаради ва ҳаяжонга тушиб ўзини оқлагандек бўлди:

— Ўзимам ҳайронман, ҳазрат. Бироқ эрим уни жуда ҳурма қилади... Назаримда... Мен, очиги, айтишга қўрқаман... Бу ерда қандайдир даҳшатли...

— Нима? Хўш, нима?— деб шивирлаб сўради кашини ва қулоғини унинг лаблари олдига келтириб жавобни кутди.

Бека меҳмонлар ёнига қайтиб келгач, эзмачурук ва қадаҳ сўзлари айтишга ишқибоз мистер Кук ўз қадаҳини кўтарди-да, оғзидан сигарасини олди:

— Хоним, сизнинг соғлигингизга! Шунингдек, Россия учун ҳам ичишга рухсат этинг, зеро мен унинг меҳмони ва қулиман!— У хушёр пайтларида жумлаларни деярли тўғри тузар, бироқ алоҳида қунт билан сўзларни чертиб талаффуз қилиши унинг ажнабий эканлигини ошкор этарди.— Россия, жаноблар, улкан имкониятлар ва ётиғи билан айтганда, жуда катта жаҳолат мамлакати! Мана, масалан, ҳозиргина кўз ўнгимизда ғоятда беғараз мулоқот бўлди, деб айтолмайман, э, йўқ! Бизнинг мамлакатда бундай хунук воқеа содир бўлмасди. Жаноб кашини билан жаноб пристав, буни қандай ифода этсам экан, камтарликни унутиб найзабозлик қилдилар. Улардан бири черковда айтилган сўзларнинг чуқур маъносини англамаган. Мен ваъзнинг мазмунини ўз малайим Ивандан билдим... Бошқаси, мастер ҳазрат Александр эса, бировнинг шахсий ҳаётига аралаша-

ди ва жаноб приставнинг бузуқлигини исботлайди. Аммо ижозат этинг, жаноблар... Ҳар бир мамлакат гражданининг шахсий ҳаёти муқаддасдир! Русларнинг яхши мақолида айтилганидек, ўзингни бил, ўзгани қўй.

— Афв этасиз, мистер Кук,— деб унинг гапини бўлди Протасов; у қора тасмали пенсенени тузатди, чарос кўзлари чақнади.— Лекин менимча, сиз фақат энди, бизнинг жаҳолатпараст Россияда либерал ғояларни ўрганасиз. Сизнинг мақталган Американингиз, вайбў, уни мен жуда яхши биламан.

— О, йўқ! Сиз уни жуда яхши билмайсиз, ҳа, билмайсиз!— деб хитоб қилди мистер Кук ва сўзини тугатмай ўтирди.

— Сиз хафа бўлманг, мистер Кук.

— О, йўқ! О, йўқ!..

— Сиз айтган гапларингизнинг барчасига мен қўшиламан.— Протасов мурасага келиш учун ҳавода қўлни доира шаклида айлантирди.— Биз руслардаги қўполлик — бу сўзга тушунасизми? Рус қўполлиги ҳаммага маълум факт. Айниқса, бизнинг овлоқ жойларда,— шундай деб у кўзларини қисиб пишиллаётган приставга ялт этиб қарадию қулочини кенг ёзди.

Бека бошини лиқиллатиб Протасовнинг гапини маъқуллади. Протасов гапида давом этди:

— Хуллас, шунақа гаплар. Лекин, ҳечқиси йўқ, бизнинг маданиятсизлигимиз... Бу ҳаммаси бошимиздан даф бўлади. Муҳими, албатта, олижаноб мақсадлар, истиқбол сари интилиш, инсон бахти учун ҳаёт-мамонт жангида мардлик. Россиянинг қудратини мана шуларда кўра билмоқ даркор! Сиз бу сўзга тушунасизми?

— О, ҳа! Сиз, мистер Протасов, афв этасиз, сиз ўтакетган принципли одамсиз... Сизларда, русларда ҳамма нарсада принцип — сўз, сўз, сўз. Иш қани? Хўш?

Протасовнинг жилосиз буғдойранг мўғулча юзига хиёл табассум югурди; кафти билан оқ оралаган саватдек сочини силлади-да, бир оз тилини чучук қилиб деди:

— Албатта, гап бу ерда принципда эмас, балки миллатда, сизнинг халқингизга ҳам, бизнинг халқимизга ҳам қаҳрамонликлар, фидойиликлар, революцион ғояларнинг жўшқинлиги хосдир. Хўш, сирасини айтганда, мистер Кук, сиз жон-дилингиздан севган Американинг миллий эзгу орзуси нима?

Мистер Кук сигарасини буруқсатди, юпқа лабларини бир зум қимтиб, ўнг қошини кўтарди:

— Бизнинг миллий орзу — дунёга ҳукмронлик қилиш.

— Олтин воситаси биланми? Шундоқми?

— Борингки, шундоқ.

— Лекин олтин — гард, хок. Хўш, тирик ғоя қани, халқ қани? Менимча, мистер Кук, дунё бир ҳовуч миллиардерлар, сизнинг макруҳ олтинларингиз кучи билан эмас, бутун революцион коллективнинг ҳаракати билан ўзгаради!

— Лекин, мистер Протасов, мантиқ қани? Олтин ўзи нима?

Ахир бу коллектив меҳнатининг қаймоғи-ку. Бундан қандай маъно келиб чиқади?— У «а»ни чертиб айтди.— Бундан шундай маъно чиқадики, олтин кучи билан дунёни янгилашда уни яратган бутун коллектив иштирок этади. Имкониятга қараб албатта.

Андрей Андреевич Протасов хуноб бўлиб, стулда тебранди:

— Мистер Кук! Ахир бу мантиққа тўғри келмайди-ку! Аниқроғи, бемаъни гап! Тирик коллектив ҳаракат қилади, сизнинг ўлик олтинларингиз эмас.

Америкалик ҳайрон бўлиб кифтини учирди ва оқ фланель курткасидан кулни қоқди. Дўнг пешонали, силлиқ қирилган, йирик-йирик сепкил тошган юзи пинҳона жилмаярди, сариқ бароқ қошлари остидаги кулранг митти кўзлари ғайрат-шижоатдан порларди. Мана, у оғзининг таноби қочиб илжайди, олтин тишлари кўриниб кетди.

— Бўлмаса, гап бундай,— деди у ва баҳсда ютиб чиқишига кўзи етди шекилли, шўхлик билан кўлини қарсиллатди.— Келинг, гаров ўйнаймиз! Икковимиз тайгани бўлиб оламиз: сизга ярми — бизга ярми. Биз Прохор Петрович икковимиз бир томонда, сиз коллективингиз билан нариги томонда. Бизнинг кўлимизда олтин, сизда фақат коллектив. Мана, ишни бошлаймиз, ким кимни энгишини ана ўшанда кўрамиз!

Бека қулоғини динг қилиб, одатдаги баҳсга шоён диққат билан қулоқ соларди. Уларнинг уйларида тез-тез баҳс қилиб туришарди.

Протасов нима деркин, деб кутиб турган бека луқма ташлади:

— Афсуски, Прохор йўқ.

Беканинг сўзига ҳеч ким парво қилмади. Унинг дили огриди. Пристав билан Иннокентий Филатич рўзғорга оид гаплардан: бузоқ, товуқ, Наденька ҳақида гаплашишарди. Дарвоқе, мистер Кук орадаги ноқулайликни кўтариб ташлаш учун деди:

— Ҳа, афсус, минг афсус, Прохор Петрович ёнимизда йўқ. Бу... ҳалиги... О, хи из э грэт ман!¹ Жуда ақлли одам... Хўш мистер Протасов, мен сизга савол ташладим. Жавобини кутяпман.

Инженер Протасов жавоб бериш ўрнига билагидаги соатга қаради ва деди:— О-ҳо! Вақт бўпти...— шундай деб ўрнида қўзғалди.— Ижозат этинг, Нина Яковлевна...

— А-ҳа! А-ҳа! Йўқ, тўхтанг,— хахолаб кулди Кук ва уни кўлидан дўстона тутди.— Мен сизга савол ташладим. Жавоб беришни маъқул кўрасизми, йўқми?

— Кейин... Ҳа, айтганча... Икки оғиз сўз билан...

Ғўлабир, мушаклари қайнаб чиққан инженер америкалик билан юзма-юз турарди. Нина Яковлевна маҳлиё бўлиб Протасовнинг оғзини пойлар, кўзлари кулиб уни эркалар эди.

¹ У жуда буюк одам (наир.) Инглизчада Oh, he is a great man!

Протасов пейснесини ташлади, бармоғини мистер Кукнинг қирғийникидек бурни тепасида ўйнатиб, жиззакилик билан шўхчан деди:

— Биз сизни дабдала қиламиз. Сиз икки кишисиз, биз бутун бошли коллектив. Дабдала қиламиз, оёқ-қўлингизни боғлаймиз, олтинларингизни тортиб оламиз ва... сизларни коллективда ишлашга мажбур қиламиз... Хайр!

— Қаерда?— деб сўради америкалик зарда билан.

— Жанг майдонида.

Ҳамма кулиб юборди, ҳатто пристав ҳам тиржайди. Мистер Кук ҳаммадан кейин кулди, зеро Протасовнинг жавоби унинг онгига кеч етиб борди.

— Нима? Сиз олтинларимизни зўрлаб тортиб оласизми?

— Э, йўқ!— деб хитоб қилди Протасов.— Бировнинг молига кўз олайтирма, дейилади рус мақолида, жуда яхши мақол...

Унинг гапи гуррос кулги остида кўмилиб кетди.

Қош қорайди. Чўпон найини чалиб бўлган. Сигирлар анча бўлдики, оғилхонада. Қундузги жазирамадан совиган тайга ҳавога ўткир смола исини уфугади.

Приставнинг маъшуқаси Наденька Прохорни қишлоқ чеккасида кутиб олди.

— Тўхтанг, тўхтанг! Илюша, отларнинг жиловини торт...

Илья Сохатих қўш отли извошни ҳайдаб келмоқда эди. Кўпириб кетган отлар таққа тўхтади.

— Хўш,— деб тоқатсизлик билан сўради Прохор энгилтак Наденькадан.

— Қулоғингизга айтсам майлими? Бошингизни эгинг...— Наденька икки қўлини белига тиради, кўкрагию елкасини силкитди ва тантиқланиб извош ёнига келди.

Илья Сохатихнинг юзида чучмал, сохта кулги жилва қилди.

— Таранг қилмай, гапнинг лўндасини гапир!— деди Прохор Наденьканинг гапини бўлиб.

Илья Сохатихнинг юзи дарҳол тундлашди, айёр кўзлари нима қилишини билмай қолди.

— Хўш?— деб совуққина такрорлади Прохор, олдинда кедр шохида алланарсани кўздан кечираётиб.

Наденька қаёқданам келиб қолган студент билан ош-қатиқ бўлгач, Прохорнинг кўзига балодек кўриниб қолган эди. Ушанда у Наденькани ўласи қилиб урган, кейин қароргоҳдан қувиб юборишга жазм қилган, бироқ қизга ошиқ бўлиб қолган приставнинг орага тушишини ва унинг қандайдир хизматларини эътиборга олиб, қизини — унга атаб солинган кўк уй билан бирга приставга тортиқ қилиб юборган эди. Ўзига эса бир йўла иккита маъшуқа — Стешенька билан Груняни топиб олган эди.

Шунга қарамай Наденька Прохорни яхши кўрар, ноз-карашма ва бировларга тухмат, умуман, қинғир ишлар билан Прохор-

га яхши кўринишга ҳаракат қилар, уни ўзига оғдирмоқчи бўлар эди. Наденька, очиги, приставдан хавфлироқ эди: муғамбирлик, нозу карашма, кишини ром этувчи аёлларга хос қилиқлари билан у илондек силлиққина ҳар бир уй, ҳар бир ойилага кира оларди.

— Прохор Петрович,— деди у пичирлаб, шунда кўпдан бери унга қўл келадиган сирлилиқ пардаси ниқобдек чехрасини қоплади.— Федор Степанич ўзлари Ключикига кетувдилар, ишчилар уёқда ғалва кўтаришяпти, маст-аласт улар. Менга бўлса, тақсиримнинг ваъзларини сизга етказишни буюрдилар. Уларнинг бугун черковда гапирган гаплари анча ишчиларни қимирлатиб қўйди... Улар талаб қилмоқчи... Тақсир ҳамманинг олдида уларни гижгжлади. Худо урсин ёлгон гапирсам!

— Нимани талаб қилмоқчи? Қимга қарши гижгжлади? Тушунтириброқ гапир...

— Қўшимча ҳақ талаб қилишмоқчи! Ойликлари жуда оз эмиш...

— Қимнинг? Кашишнингми?

— Йўғ-э! Вой худойим-э... Ишчиларнинг!

Шундан сўнг Наденька, гапидан адашиб, лабини ялаб, қизалоқ сингари пошнасида айланиб, Прохор Петровичга бор гапни айтиб берди.

Извошда бешта милтиқ бўлиб, учтаси ўзлариники, иккитаси бировники эди. Бундан ташқари, балиқ тутадиган тўр, иккита ўрдакнинг тухуми, талайгина овланган парранда бор эди. Шведча чарм куртка ва чарм фуражка кийган Прохор Наденьканинг оёғи тагига бир жуфт чил билан каклик ташлади. Унга лом-мим демеди, хайрлашмади ҳам, фақат ҳайқирди:

— Чу!— Отлар елдек учиб кетди.

Илья Сохатих ҳазрат Александр шаънига маза-бемаза гаплар айтмоқчи бўлди-ю, лекин йўл ўнқир-чўнқирлигидан ва тилини тишлаб олиши мумкинлигидан индамай қўя қолди. Илья кўксини тўлдириб хушбўй ҳаводан нафас олди, жигари силкинмаслиги учун қорнини дўмбирадек шиширди ва зинапой олдигача чурқ этмади.

— Ҳазрат Александр — кашиш эмас, гап орамизда қолсин, у ғирт даҳрий,— деди у барибир тилини тия олмай ўрнидан тушар экан.— Халос бўлганимдан бахтиёрман, Прохор Петрович! Ов учун беҳад миннатдорман...

— Унбошини айтиб юбор.

— Бош устига!.. Ижозат этинг, бақавли валинеъмат сизга бир гап...— У ялтоқланиб сочлари роҳибларникидек узун, жингалак соч бошини ёнга қийшайтириб, ит каби яланди.— Хоҳласангиз ишонинг, хоҳласангиз ишонманг. Ана шу Надюша мени ўзига оҳанрабодек тортади. Биласизми, унда юракни жиз эттирувчи алланарса бор... Қандайдир махсус истара, масала, Прохор мўйловини чайнар, қошларини керар, Ильяни эшак,

деб сўккиси келар эди. Бироқ у ўзини тута билди.

— Ўнбошини айтиб юбор,— деди у хўмрайиб ва эшик қўн-
гирогини босди.

У хотини билан анча қуруқ саломлашди.

— Гап бундай, кашинингга айтиб қўй... Дарвоқе, мен уни
бу ерга чақиртираман.

У телефон қила бошлади.

— Менга қара, Прохор... Хушмуомала бўл...

— Ҳамма ерда Прохорнинг кўз-қулоғи бор. Алло! Бу сизми,
ҳазрат? Мен сизни бир дақиқага уйимга таклиф қиламан.
Тобингиз йўқми? Унда гарчи икки қадам бўлса ҳам сизга оғ
юбораман. Нима? Бўлмаса уйингизга ўзим бораман. Кўриш-
гунча.

— Мен ҳам сен билан бирга бораман,— деди Нина капалаги
учиб.

— Нимага? Ҳимоячи сифатидами?.. Хўп, билиб қўй... Бор-
дию у... Мен унинг абжағини чиқараман!

Нина сергак тортди, бошини чайқади ва эшикни қарсилла-
тиб ёпди, кабинетдан чиқиб кетди. Кейин эшикни қия очди-да,
кичқирди:

— Сен бу номаъқулчиликни қилмайсан!.. Қилмайсан...

Оқсоч ўнбоши келганини хабар қилди.

— Чақир!

Малласоқол, бошдан-оёқ чангга ва лойга беланган, маймоқ
ўнбоши шахдам юриб кирди-да, давлат папоғини ечди ва
хўжайинга таъзим қилиб ғоз қотди. Унинг белида қамчи осилиб
турарди.

— Хизмат, буюрсинлар!

Прохор курсига ўтирди-да, калта камзулини бурчакка ирғит-
ди. Ўнбоши оёғининг учида юриб камзулнинг олдига борди-да,
уни авайлаб диванга қўйди. Кейин яна ғоз қотиб, муштига секин
йўталди.

— Извошда учта милтиқ ётибди. Йдорага олиб бор. Андрей
Чернишев, Павел Спириин ва Иван Чижиковдан ўзбошимчалик
билан менинг ер-сувимдан оқ қилгани учун уч сўмдан жарима
ол. Гарданига тушир уларни. Балиқ овлайдиган тўр учун...

— Василий Сусловданми?

— Ҳа, ўшандан... Уч сўм ол. Эслаб қолдингми? Бор энди!

Орадан ўн минутлар чамаси ўтгач, Прохор кашининг
уйида ҳозир нозир бўлди.

— Хурсандман... Беҳад хурсандман. Ўтиринг, қадрли меҳ-
мон.— Кашиш чап қўлини жуббасининг тагига тикди-да, тама-
кидон олди. Бурнаки отмоқчи бўлдию бу ниятидан қайтди ва
тамакидонни стол четига қўйди.

— Ҳазрат Александр!.. Мен шошиб турибман. Вақтим зиқ.
Келишимдан мурод... Илтимос қиламан сиздан, ишчиларимни
йўлдан урманг. Агар мен жиловни бўшатсам ҳаммаси ҳар
қаёққа тарқаб кетади, ишнинг пачаваси чиқади, маъзур тута-
сиз. Унда мен ўз элим олдида жавобгар бўлиб қоламан...

— Мен эсам ўз қавмим учун ҳамиша ҳамрўз худо олдида жавобгарман. Сиз ҳам бун и эътиборга олиб қўйинг, муҳтарам Прохор Петрович.— Кашиш ёронгул олдида борди-да, қуруқ поясини узиб олди.— Мен ҳеч қандай ноҳўя гап айтганим йўқ. Билъакс мен, тайёрланаётган ишташлагга қарши чиқиб, бу иш худонинг газабини келтиради, дедим.— Кашиш энгашиб, гиламни текислади.

Газаби қайнаб-тошмаслиги учун Прохор лабини қаттиқ тишлади ва нафасини ростлаб олиб, хотиржам деди:

— Сиз ишташлагга қарши ҳар хил даъвойи дoston келтиришингиз мумкин. Ҳатто худонинг сўзини ҳам. Лекин бу таъсир қилармикин ишчиларга. Мен эсам қамчини ишга соламан, зарур бўлса, ўқни ҳам аямайман. Мен учун ишташлаг қўрқинчли эмас.

— Прохор Петрович, бўтам!— деди ҳазрат Александр Прохорнинг ёнига келиб.— Қўлингизни қонга бўяшдан қўрқинг.

— Маслаҳатингиз учун қуллуқ,— деди Прохор эшик томон юриб.— Меннинг ҳам маслаҳатимга қулоқ беринг, авлиё ота: сиз ё ўз ишингиз билан шуғулланинг, чўқинтиринг, никоҳ ўқинг, дафн қилинг, ёинки... Мен сизни асфала...— Прохор вақтида ҳушини йиғиб олди, алланарса деб мингирлади:— Маъзур тутасиз, мен сизни, ҳалиги, асфаласофилинга жўнатмоқчи бўлган эдим... Дарвоқе... Хайр.

Кашиш гандираклаб кетди. Тамакидон ерга тушди. Тамаки гиламга сочилди.

Уша байрам кун ишчилар хуморлари ёзилгунча роса дилхушлик қилдилар. Бир кун аввалоқ, шанбада маош олишаётганда одамлар шўх-шодон, айни чоғда хуноб эдилар. Идорадан пулни ўшшайиб ҳар вақтдагидек ҳазил-мутуйибасиз, тақдирларидан нолимай олишди. Дарвоқе, битта-яримтаси кассирнинг кал бошига ўқрайиб қараб: «Шу холосми? Қўшимча ҳақни қачон тўлашади?»— дер ва бутун қароргоҳни, ёруғ жаҳонни, Прохор Громовнинг ўзини хўп астар-аврасини ағдариб сўкарди. Ана шунда касса олдида талпинаётган ишчилар қандайдир ваҳшиёна қаҳру газаб билан қаҳқаҳлаб кулишарди. Теваракчеккадан пичинг, аччиқ-тиззиқ гаплар, ҳуштак товушлари эшитиларди. Кассани қўриқлаётган иккита ўнбоши ўқтин-ўқтин луқма ташлаб қўярди: «Ҳей, кончилар! Оғзингни юм!» Шундан кейин дафтарга Иванни, Степанни, Гришка Безногтевни, Саньканинг номларини тиркаб қўярди. Буларнинг ҳаммаси дор тагидан қочган, жанжалкаш, безорилар эди. Гришка Безногтев кўзга кўринмаслик учун одамларнинг орасида чўнқайиб ўтириб олар ва ҳуштак чалиб, қичқирарди: «Ўғрилар, балохўрлар!.. Қонимизни сўряпсизлар!» Хулласи калом, одамларнинг таъб тирик эди. Ишчилар бўйниларини ҳам қилганларича тўп-тўп бўлиб уйларига қайтишар, баъзилари қовоқхонага кириб, ароқ,

пиво олиб чиқар эди. Дастлаб ўз чолдеворларида, ертўлаларида, баракларда кайфу сафо қилдилар, оила бошлиқлари, уларнинг хотинлари, ҳатто ёш болалар ҳам ичишди. Эрлар хотинларини дўппослаб, уйда қолдиришиб, эркинликка чиқишди ва гандираклаб турли томонга: бири қовоқхонага, бошқаси пичанхонага, баъзилар тўппа-тўғри тайгага, ботқоққа, салқин жойга дайдиб кетди. Теварак-атрофни шовқин-сурон, ҳақорат, бақчириб айтилган ашула овози, «Войдод! Ўлдириб қўяди!»— деган қичқириқлар босиб кетди. Кечга бориб маст-аластлар учрай бошлади, аксарининг этиги, пиджаги, кўйлаги ечиб олинган, чўнтаклари ағдарилган эди. Кондаги ўғрилар фурсатдан фойдаланиб қолишган эди. Баъзи бирларининг боши ёрилган, бир хиллар чавақланган, ҳазрат Александр бемалол жанозасини ўқиса ҳам бўлаверади. Хотин-халаж идорага, уч чақирим наридаги хўжайиннинг уйига, юзбошиникига, ўнбошиникига югуришади: «Валинеъматимизни ўлдиришди!», «Васкани уришяпти!»— деб чинқиришади. Йиғи-сиғи, дод-вой туни билан тинмайди. Отлиқ соқчилар тайгада, ишчилар шаҳарчасида, қишлоқ чеккасидаги ҳадди ҳисобсиз қовоқхона, қиморхона ёнларида от ўйнатиб, кимни тутсагикин, кимни қамчиласагикин, бўйнига сирғмоқ ташлаб кимни шарманда қилиб авахтахонага олиб кетсагикин, деб аланглаб юришарди. Пристав Федор Степанович Амбревнинг ўзи ўлгудек ичкиликбоз, бадкирдор, маҳаллий казо-казоларнинг маишатгоҳида ўтириб олади-да, портвейнни симириб, ўнбоши, юзбоши ва соқчиларнинг маълумотларини қабул қилади, баъзан бировнинг кўмагида отга миниб олади-да, қисир сигирдек лапанглаб кўчадан от чоптириб кетади:

— Ҳей, қочларинг! Эгил! Бошлиқ келяпти!

Мана, қоронғи бурчакдан отилган таёқ ёстиқдек юмшоқ елкасига гуп этиб тегди. Буни у ҳатто сезмади ҳам.

— У иблисни пулемётдан ўққа тутиш керак... Таёқ унга чумоли чаққанчалик ҳам кор қилмайди.

— Шошилма! Ҳали у билан орани очди қиламиз...

— Ҳой тўнғиз!.. Диёнатли христианларни токайгача қийнайсан?!

Аммо ишчиларда пулемёт йўқ, на порох, на милтиқ бор: аллақачон уларни тортиб олишган, ногаҳоний тинтувлар боғ-бот такрорланган.

Приставнинг димоғи чоғ: портвейн, коньяк, шипучка. «И-эҳ!.. Момақаймоқларим менинг... Ич, ўйна-кул!.. Прошканинг пули кўп...»

— Онҳазратлари!— деди уни қувиб келган соқчи.— Ўлдирилгани нима қилайлик?.. Темирчи Степан Петров... Кекирдаги кирқилган...

— Тирикми?

— Улган шекилли... Қалласи узилган...

— Ким ўлдирибди? Топилсин! Олиб келинсин!.. Мен сизларга, муттаҳамлар!.. Сизларга!!!

У оҳ-воҳ қилганча, эгарда бир амаллаб ўтирганча, кузги қоронғи зулмат ичидан ўтиб олдию ҳаворанг уйи ёнига келди ва қамчи билан ромни уриб тақиллатди.

— Надюша!.. Кутиб ол...

Боққа қаратилган дарчадан ихчам шим кийиб, ингичка мўйлов қўйган маҳаллий хотинбозлардан бири кўчага секин сирғалди ва ниҳоят маст, оғзи қулоғида Наденька эшикни очиб, тўппа-тўғри приставнинг бўйнига осилди.

— Оҳ, Федюнчик! Мени мунча ёлғиз қолдирмасанг!..— Ва, халигина хотинбоз сўрган лаблар приставнинг оғзи бурнини ялаб, унинг мудроқ юрагини қитиқлагандек бўлди.

4

Душанба. Эрталаб соат олти. Завод гудоклари ўкиради. Уйда ҳамма ширин уйқу оғушида. Прохор Петровнич ўзининг иш кабинетида дик этиб ўрнидан турди, апил-тапил шишанинг оғзини очиб, бир ютишда ичидаги қвасни ичиб тугатди. Апил-тапил ювинди, йўл-йўлакай ота-боболаридан қолган қумуш гардишдаги биби Марьям сиймосига ялт этиб қаради, кўнгли хотиржам бўлиши учун чўқинса тузук бўларди, бироқ эринди, овқат солинган тўрвани олди-да, ошхона орқали қоронғи ҳовлига чиқди. Дарбон Нилич занжирбанд Барбосни боқяпти. Унинг хотини чўқчахонага емиш олиб кетяпти. Ўрдаклар чўқишиб, тоғорада хўрак ейиш билан банд.

Прохор икки гилдиракли аравага ирғиб чиқди, ёнига милтиқни қўйди ва тахта заводига жўнади. Тахта заводи нақ уч чақирим.

Тонг шаффоф, сокин. Табиат уйғоқ. Гала-гала чуғурчуқлар пишиб стилган ақиқдек рябинани чўқилайди. Ут-ўлан, довдарахт баргларига шабнам қўнган, йўлнинг энгил чанги тунги салқиндан оғирлашган, арава физиллаб бормоқда. Прохор тоза ҳаводан ютоқиб тўйиб-тўйиб нафас олади. Сархуш этувчи кслород қонни, мияни, елканни, қўлларни жунбишга келтиради. Қилинажак ишларнинг ҳаловати бутун вужудини чулғаб олган. Бироқ фикрлари ҳозир бекорчиликда мудраб ором олади: атроф фусункор. Прохор солган йўл ўқдек тўғри, икки ёнидаги дарахтлар баравж ва адл. Ҳар бир бутоқ, ҳар бир тўнкани у пулга, жарангдор олтин тангага айлантиради.

Шу чоғ дабдурустан унга ҳайвоннинг башараси кўрингандек бўлди, кўз очиб юмгунча хаёлида суюкли бўриси жонланди. У эгасининг юзига пишқириб нафас уфурар, оғзидан қон ҳиди анқир, сўлагини оқар эди. Уткир сўйлоқ тиши найзадек совуқ йилтиради.

— Йўқол, алвасти!— деди Прохор ва шу заҳоти шарпа ғойиб бўлди. Прохор жилмайди, ифтихор ила ўйлади: ҳа, ҳа,

мен ҳам аслида ўткир тишли, гиппа томоқдан оладиган, икки оёқли бўри, жасур, зукко, корчалонман.

«Э, садқайисар... Мени бўри, дейишадими, ҳайвон, дейишадими, йиртқич дейишадими, менга барибир,— деб ўйлади у.— Тупурдим ҳаммасига! Улар менинг ишларимга пастдан туриб баҳо беришади, мен эсам минорадан. Улар чувалчангмисол фикр юритишади, менинг парвозим баланд, бургутмисол. Угит-бозлик — уддабурон одам учун мижғовлик. Бунёдкорлик ўт, ўнгит — сув. Ё яратиш, ёхуд сафсата сотиш керак. Ишда ҳаётимни хазон қиламан, авлодларга ўз қўлим билан бунёд этган бойликларни қолдираман, шундан кейин, эҳтимол, гуноҳларимдан кечишини сўраб худога илтижо, қиламан, устимга жанда, бошимга қулоқ кийиб, худди зоҳидлардек умримнинг охиригача устунга боғлоғлиқ тураман. Уша ерда кўкрагимга муштлаб, то тобут тахтасига ансам билан гурсиллаб қулагунимча тавбатазарру қиламан». У оти тизгин билан савалади-да, шитоб билан тахта заводи дарвозасидан кириб борди.

Ишчилар хўжайинни узоқдан кўришлари билан типирчилаб қолишди.

Тахта уюмлари юксалгандан-юксалар, гўлалар чигир ёрдами билан думалатиб келинар, уларни темир панжалар илиб олар ва юқорига судраб чиқар эди. Ромларга ўрнатилган пулат арралар илондек вишиллаб, гўлаларни худди шолғомдек паррак-паррак қилиб қирқарди. Учиб тушаётган қорсимон сарғиш қипиқ пастда қор уюмига ўхшаб уйилиб ётар эди. Чанг ҳаводан смола ҳиди анқирди: ўрганмаган одамнинг боши оғриб қолиши ҳеч гапмасди. Ишчилар жон куйдириб қичқиршар, гўлалар устидан эчкилардек иргишлаб ўтишар, тарақтуруқ қилиб, тахталарни улоқтиришар, хўжайиннинг кўзига яхши кўринишга уринишар эди.

— Бағоят шодиёналик билан маълум қиламанки, Прохор Петрович, заводда тинчлик-хотиржамлик, ишлар жойида,— маҳаллий деҳқон, кекса Лукин олдинга чиқди. У заводда мудир эди.

Ишчилар дарҳол жим бўлиб қолдилар, иш суръатини пасайтирдилар ва Лукин нима деркин, деб қулоқ солиб турдилар.

— Халқ ҳаммаси жой-жойидами?

— Худди шундоқ, жойида ҳаммаси.

— Хўш?

— Ортиқ ҳеч нарса,— Лукин саросимага тушиб, туриб қолди. Қартузини ечиб хўжайиннинг авзойига ҳадик-хавотир билан тикилди.— Яна бир гап бор, Прохор Петрович... Айтгани юрагим бетламаяпти...

— Кўшимча ҳақми?

— Худди шундай... Оғиз очишяпти

— Оғиз очишяпти?!— тутақиб кетди Прохор.— Сен гинг дема. Қарн тўнка, жим туравер!

Лукин ерга қаради, аста йўталди ва картузини кийишини ҳам, киймаслигини ҳам билмай туриб қолди.

— Машинистни чақир...

— Хўп бўлади,— кекса Лукин хурсанд бўлиб ҳаққалаб чолиб кетди.

Ўнларча овоз арранинг шигиллашини ва бағри тилка-пора бўлаётган дарахтларнинг ноласини босиб қичқирди:

— Машинист! Ҳой машинист! Иван Назарич! Хўжайин йўқ-ляпти!

Қоп-қора, кир-чир, ҳаммаёғини мой босган машинист чиқди. У кичкина, каллахум, юзи латта билан боғланган. Хўжайин уни елкасидан чангаллаб ушлади-ю, тахлаб қўйилган тахталар ёнига олиб борди. Таёқдаги тунукада: «Тахта № 32, 250 дона, 3 с. X 1/2 дюйм», деган ёзув бор эди. Кейин буклама ўлчагич олди-да, тахталар ёнидан ўтиб уларнинг қалинлигини ўлчаб кўра бошлади. Тахталар турли қалинликда эди.

Прохор газни қарсиллатиб тахтага урди ва машинистга ўқрайиб қаради. Машинистнинг кўзлари олайиб кетди. (Бултур Прохор ҳамманинг кўз ўнгида қипиқ уюмига улоқтиргани ҳали унинг эсида эди.) Машинист Прохорга гуноҳкорона боқди. Прохор хезланиб унинг олдига келди-да, нақ бурни остиди бармоғини ўқталиб пўписа қилди. Машинистнинг назарида хўжайиннинг мўйлови тагида бўриники сингари сўйлоқ тишлари иржайгандек туюлди. У ичидан зил кетди, орқага тисарилди ва анграйганча бир шўриши ғавғо бўлишини кутди. Бироқ Прохор ғазабини зўр-базўр босиб, аравага ўтирдию жўнаб қолди.

Бундан нарига йўл дарё бўйига бурилар ва солсозлик деб аталадиган ергача қирғоқ бўйлаб борар эди. Бу ерда пўстлоғи шилинган қарағай ходаларидан сол ясашарди. Баланд қирғоқдан Прохор юздан ортиқ тайёр солни санади. Булар қирғоқ ёнидаги сувда сариқ лента янглиғ икки чақиримча ерда турнақатор тизилиб турарди. «Мана, нақд пул!»— деб ўйлади Прохор қалби яйраб. Шу ерга яқин жойда ўнларча ишчилар болталар билан дарахт кесишарди. Пўстлоғи тозаланган, улкан шамларга ўхшаш ходаларни тирговичлар билан пастга, сув бўйига туширишар эди. Ўша ерда, ўнг томонда солларга оҳақ, руда, мол териси, мўйна, смола ва қатронли бочкаларни ортишмоқда эди. У ерга аравада бориб бўлмасди. Прохор аравани ялангликка ҳайдаб, ҳаш-паш дегунча отни аравадан чиқарди ва сапчиб отга миниб юк ортилган жойга эгарсиз югурди.

— Ҳорманглар, азаматлар!— деб қичқирди у.

— Бор бўлинг,— дейишди ишчилар картузларини бошларидан олиб.— Иш пачава. Кўряпсанми, қатронли бочкани сувга чўктириб юбордик. Энди у дардисарни ўрнидан жилдиролмайсан.— Ишчилар сол ёнида кўкракларидан сувда туришар ва нима қилишларини билишмас эди. Қалтабақай — Захарнинг соқоли сувда худди супургидек сузарди.

— Нима жин урди сизларни?

— Ҳа, тепадан думалаб кетди, қисталоқ!.. Ванька билан Степка думалатиб юборишди.

Прохор кўз очиб юмгунча ечинди-да, қичқирди: «Қирғоққа чиқларинг, иккита хода келтирларинг буёққа!» Кейин ўзини сувга отиб, шўнғиди, сув тубида ётган бочкани пайпаслаб кўрди, шўнғиб сувдан чиқди. Унинг гавдаси оппоқ, бироқ юзи ва бўйни офтобда пишгандан қора эди.

— Арқон келтиринг!— у яна шўнғиди, бочкани арқон билан боғлади, уни хода устига суриб, шўнғиб сувдан чиқди-да, буюрди:

— Торт!— ҳўл, денгиз махлуқи каби қоп-қора бочка нишаб ташланган ходалардан судралиб, тўппа-тўғри сол устига чиқди ва ўз шериклари ёнидан жой олди. Бу ишларга ҳатто беш минут ҳам вақт кетгани йўқ. Мужиклар абжир хўжайинларига ҳайрағ ва ҳурмат билан боқишарди.

— Қанча вақт овора бўлдинглар?— деб сўради у кийинаётиб.

— Эрталабдан бери уриниб ётибмиз,— деди ишбоши, қора соқоли, кўзига оқ тушган мужик Филат.

— Аҳмоқлар,— деди Прохор,— сенларни гарданингга муштлаб ҳайдаш керак...

— Оббо зўравон-е!— деди Филат аччиғи чиқиб.— Нима, гарданни менга сен берибмидинг? Пули кам, шунинг учун...

Сув ҳовурини босган Прохор хотиржам деди:

— Сени ҳурмат қиламан, Филат. Лекин яна бир марта қуюшқондан чиқсанг, кавушингни тўғрилаб қўяман.

— Белинг чиқиб кетмасин тагин!— деб қичқирди Филат кутилмаганда. Унинг салқи юзи титради.— Бордию биз ёмон ишласак, ўзимизга зиён, биз қилган ишимизга, ҳар пуд эвазига ҳақ оламиз, ойликка ишламаймиз... Шайтоннинг урғочиси!.. Олдин бил, кейин акилла.

Прохор унинг қора жун билан қопланган юзига қаради-да: «Қим акиллаётгани маълум!»— деди ва отга ирғиб миниб ёйиқ қирғоқдан оҳак ортишаётган жойга кетди.

— Ҳорманглар!— деди у юккашларга.

Улар оҳак чангидан оппоқ бўлиб кетишган, этиклари, шимлари, кўйлаклари, соқоллари гўё алебастрдан ясалгандек эди. Оҳак намиқмаслиги учун ҳар бир тизим солнинг устига тахта таглик ўрнатилган эди.

— Бир тизимда нечта сол бор?

— Беш юздан ошиқ.

— Қанча ошиқ?

— Буни ишбошидан сўра.

Тайгада дарахтлари кесилган тор оралиқдан ҳаво йўли ўтказилган: баланд-баланд устулардан қиялатиб рух трос тортилган, оҳак солинган чипта қоплар махсус ёғоч кажавалар-

да трос бўйлаб оҳак печдан бозсозлик устахонасига тушади. Печь бу ердан бир чақирим нарида.

Ишбоши келди. Ишчилар устахонасидан бўлган бу йигит таъзим қилди ва хўжайинга қалам билан ёзилган юклаш рўйхатини берди. Прохор жамланган рақамларни ўзининг дафтариغا кўчириб олди-да, сўради:

— Оҳакни қачон куйдиришади?

— Бугун кечаси...

— Гап бундай... Қатрон ясовчиларга айт, эртага лабораторияга қатронни текширгани олиб боришсин. Шаҳардан шикоят бор, суyoқ эмиш жуда. Бугун вақтим йўқ. Айт, у ландовурларга, тумшуқларига туширгани эртага келаман.

Тўпотар вақти, овқатланиш керак эди. Ишчилар чўмилгани тарқалишди. Иккитаси гулхан ёқди. Искабтопар жонга теккан, жизиллатиб чақар эди. Прохор яшил супургича билан елпиниб, отининг бошини орқа томонга бурди. Арава олдига яқинлашганида аравадан қорни оқ иккита оловдек ориқ тулки сакраб тушганини, оғзини ялай-ялай эран-қаран ўрмонга кириб кетганини кўрди. Улар чилларни, пишлоқ ва мойни покпокиза туширишган эди. Чамаси бу ноз-неъмат оғизларига ёқиб қолган шекилли, тинчлиги бузилганидан аччиқланиб бутазор ичида тўхташди-да, жаҳл билан думларини ликилла-тиб, Прохорга акиллашди.

У милтиқни чангаллаб, уларни қувиб кетди. Қалбида жунбишга келган кўҳна иштиёқ уни абжир ва чопқир қилиб юборди. Тулкилар айёрлик қилди, овчининг орқасига ўтиб олди-да, яна арава ёнига қайтди. Биттаси четда итга ўхшаб чўнқайди, бошқаси аравага чиқди-да, ҳузур билан думини ликилла-тиб, дам ўтмай ён-верига олазарак бўқиб ютоққанча хўжайиннинг нонуштасини ея бошлади. Ҳайвонларнинг одатини яхши биладиган Прохор бу сариқ ўғриларнинг усталак қилиб йўлни чап солганини тушунди. У шартта орқасига қайтди, ербағирлаб бутазор ичидан чиқди ва бутун вужуди титраб аравадаги тулкини нишонга олди: «Қалласидан урсам соз бўларди, териси бутун қоларди», деб ўйлади у ва чап кўзини қасиб тепкени босди. Кейин сапчиб ўрнидан турдию жаҳл билан қўшалoқ милтиқни улоқтирди: милтиқ ўқланмаган эди. Гулкилар шошилмай нари кетишди. «Билишади... Оббо, айёрлар-э!»— деб ҳайрон бўлди у. Зийрак, эҳтиёткор бу ҳайвонларнинг ақл бовар қилмас даражада тоққирлиги уни лол қордирган эди.

Овининг бароридан келмагани Прохорга жуда алам қилиб, йиғлаб юборай деди. Кейин ўзи, тулкилар қулгисини қис-татди. Тулкилар папка халтани йиртиб, овқатларни паққос туширган, фақат чой ва қанд қолган эди. Унинг эса ичаги сурнай чалар, кеча кечқурундан бери туз тотмаган эди.

Бутазор орасидан уни худди девдек дағал овозда биров чақирди:

— Ҳой!

Прохор атрофга аланглади. Юзи заҳил, курак соқол бир жулдурвақи унинг устига бостириб келарди. У новча, яғриндор эди. У кийган ифлос уваданинг кир пахтаси оқиб ётарди. Отникига ўхшаш катта бошига чит ўраб, манглайи устини кўтариб искабтопарлардан ниқоб қилиб олган эди. Лой қотиб қолган ўнг қўлида сўйил, белбоғида болта билан пичоқ. Дайди Прохорга беш қадам қолганда тўхтади.

— Кимсан?— деб сўради Прохор чўнтагига қўл суқиб. Бироқ ёнида тўппонча йўқ эди.

Дайди қошларини кўтариб-тушириб, тилини тақиллатар, даҳшат солганча миқ этмасди.

— Кимсан?— қайта сўради Прохор.

— Қотил,— деди у бўғиқ овозда ва елкасидан зилдек халтани ерга ташлади.

Прохор тажрибали тайгалик нигоҳи билан унга разм солди, трахома касалига чалингандек шишган қазил милкларининг қовоқлари ўртасидаги қалайи кўзлари беор, қароқчиларники сингари кўринди. Прохор бақувват, лекин қуролсиз. Дайди баҳайбат, болта, пичоқ билан қуролланган, жиноий ҳаёт кечиргани янада хавfli қилиб кўрсатарди уни. Бундай кўрқинчли одам биргина этик ёки эрмак учун ҳам ўлдириб кетиши мумкин одамни. Прохор шай турди. Дайди унга яқин келди. Прохор кўрқди, деб ўйламасин тагин, деган андишада жойида тураверди. Дайди ҳарсиллаб нафас олар, оғзидан гупиллаб саримсоқ ҳиди келар эди. Чамаси у қўланса ёввойи саримсоқдан тўйиб тановул қилган эди.

— Сен кўрқма,— деди дайди қовоғидан қор ёғиб.

— Нега энди кўрқар эканман: милтагим бўлса...

Дайди бош чайқади, майна қилгандек Прохорга кўз қисди, ҳозиргина тулки ўтирган аравани, қуёнлар кириб кетган тайгани кўрсатди ва ғудраниб.

— Отмайди...— деди ва сиртмоқдаги итдек хириллаб кулди.

Прохор тўсатдан бир итариб дайдини ерга қулатди-да, болтаси билан пичоғини тортиб олди. Дайди минг машаққат билан чўккалади, кейин қаддини ростлади ва Прохорни беозоргина койиди:

— Оббо, қисталоқ-е... Сен енгдинг.

У касалманд одам сингари чуқур нафас олар, лунжини ичига тортиб кўкрагини керар эди. Унинг нафаси қисиб, беҳол бўлмоқда эди. Прохор касал одамни йиқитганига ич-ичидан пушаймон бўлди: у дайдига болтаси билан пичоғини ташлади.

— Тилладан борми?— деб сўради Прохор.

— Бор... ярим пудча.

— Неча пул?

— Мисқоли уч сўм.

— Оламан. Ҳақингни олгани идорага келасан.

— Отагинам, қадрдоним! Қим бўласан ўзи?— деб ёлворди дайди.

— Прохор Громов.

Дайди ерга бурнини қоқди ва йиғламсираб лабини бурди.

— Қутқар мени, Прохор Петров, қутқар!

— Кимдан?

— Ҳзимни-ҳзимдан қутқар. Одамга ўхшаб яшамайман. Уч кунда барча пулимни елга совураман, уёғи яна азоб-уқубат.

Прохор шундай деди:

— Менда егулик нарса йўқ. Тулкилар бор-йўғимни хомта-лаш қилиб кетди. Балки тишга босадиган бирор нарсанг бор-дир?

— Бор, бор, валинеъмат. Аёллар беришувди,— шундан сўнг чеҳраси ёришган жиноятчи шоша-пиша халтасининг оғзини счди.

Гулхан ёқишди, оловга иккита таёқни тиқишди-да, қозон билан чойнак осийди.

Бу ер овлоқ, осойишта эди. Тайга бу ялангликни арчалар, қарагайлар девори билан ўраб олган эди. Искартопарлар ҳеч аямай чақарди. Улар от устида гужғон ўйнар, гулхан олдида оз эди. Шундай бўлса ҳам дайди юзига ниқобни туширди. Прохорда ниқоб йўқ эди. У от ёнида лойдан дудбурон ясади. От пишқирар, чучкирар, ёшланган кўзларини қисар, дилозор махлуқлардан жонини сақлаш учун нақ тутуннинг ичига кириб борар эди.

Прохор кичкина чодирга ўхшаш чит пашшахонасини тикди. Искартопарлар очиқ ҳавода безор қилгани учун ўзини пашшахонага урди. Дайди ўзининг заранг косасига балиқ шўрва қўйди-да, уни Прохор яширинган пашшахона ичига сурди, ўзи эса гулхан ёнида қозончадан овқатлана бошлади. Буғдан нобуд бўлган искартопарлар таппа-таппа дайдининг қозончасига қулар, дайди эса парвойи фалақ, пишган искартопарлар билан бирга шўрвани иштаҳа билан ичар эди. Искартопарлар галаси эшитилар-эчитилмас гинғиллаб пашшахона устида чарх урарди. Ҳеч нарса кор қилмайдиган одамнинг тер ҳиди уларни аччиқлантирди: пашшахона чиндан ҳам қирқ даража иссиқ ва дим эди: ялангтўш Прохор терлаб-пишиб кетганди.

— Ҳей, Петрович!— деб қичқирди дайди гулхан ёнидан.— Истайсанми, азоб-уқубатда ўтган ҳаётимни сўзлаб бераман? Хўп, бўлмаса, қулоқ сол. Шундай қилиб, давлат каналига ишга кирдим. Ўша канални одам қадами етмаган тайгада иккита дарёни туташтириш учун ботқоқда қазидик, шлюзлар қурдик, озмунча давлат пулини лойга сарф қилдикми! Мен у ерда темирчилик устахонасида ишлардим. Ўзим эса қотил, қочқинман. Лақабим Филька Гупчак. Эшитяпсанми-йўқми?

— Эшитяпман.

— Хўш, кунлардан бир кун катта бошлиқ, инженер генерали кўриб қолди-ю, сўради: «Хўш, Гупчак, ичкиликни ташладингми?»—«Ташладим, жаноби олийлари»—«Жуда яхши қипсан, Гупчак,— деди генерал.— Сен ишбилармон одамсан, сени кўп

йиллардан бери биладан. Гоҳо бир йил ишлайсан-да, олам-жаҳон пул топасан, отпускага чиқасану кўз очиб юмгунча ичиб тугатасан. Кейин қайтиб келиб, ялинасан: ишга олинг деб. Ахир меҳнатинг машаққатли, оғир-ку. Бу қанақа бемаънилик, бир йил тер тўкиб ишласанг-да, бир кунда совурсанг... Уят!»—«Йўқ, жаноби олийлари, беш йилдирки оғзимга олмайман. Пул йиғаман-да шаҳарга кетаман ва у ерда устахона очаман...» Эшитяпсанми, Петрович, йўқми?

— Эшитяпман.

— Эшит. Мана, ниҳоят ботқоқда, совуқда диққатпазликда беш йил умрим ҳам ит азобида ўтди, дурустроқ шаҳар, ҳар хил одамларни қўмсай бошладим. Ўзимни ҳамма нарсадан қисдим. Айтайлик, байрамда пошшолик ароғи беришганида, мен ичмасдим, ўз улушимни сотиб пул жамғарардим. Хуллас, тўрт мингдан ортиқ йиғдим. Энди даври даврон сураман. Пошшолик кемаси келиб турибди, бундоқ қарасам, бир ҳафтадан кейин жўнайди. Ҳисоб-китоб қилиб, паспортни олдим у кемага ўтириб, ҳайё-ҳуй деб шаҳарга жўнаб қолдим. Шаҳаргача эса минг чақиримдан зиёд. Иккинчи куни биз кемада Кет қишлоғига келдик. Мен азбаройи хурсанд бўлиб кетганимдан буфетда чоракта ароқ ичдим ва тапбосдисига бодринг едим. Кейин яна ичдим. Ичавердим, ичавердим, ҳеч одоғи йўқ. Ҳай майли! Юқориги палубага чиқдим, во ажаб, бутун қирғоқни қизлару хотинлар босиб кетибди. Кемани биринчи марта кўришлари экан. Қаёққа қарама, одамлар, қизлар! Беш йил ҳаётимда бунақасини кўрмаган эдим. Шунда бутун қирғоқ, уйлар, осмон, ҳатто ўзим чайқалиб кетдим. Қалбим гурс-гурс уради, ҳаприқади. Шўхлик қилиб мақтангиси келади: «Ҳай, жувонлар, қизлар! Филька Гупчакни кутиб олинглар, чаққон қимирланглар!»— деб қичқирдим у қирғоққа тушдим. Ҳай, майли. Қирғоққа тушдим, шапкамни йиртдим, ундан пулларни олиб шапкани улоқтирдим, бели синмаган яп-янги беш сўмликлар. Мана кетяпману бёғим остида ер титрайди, қалбим ором олади, қизлар эса муттаҳамлар, хотинлар билан ўнгу сўлимдан югуришади. Мен эса, хоҳ ишон, хоҳ ишонма, Прохор Петров, майхонага бамисоли ҳоқимдек кетяпман, ўнг қўлимда даста пул, чап қўлим билан уни чапгаллаб оламанда, ўнгу сўлимга хазондек сочаман. Худо ҳаққи, рост! Қизлар ғафлатда қолишармиди: «Ура! Ура! Бизнинг эгамиз Филипп Самсонич жаноб Гупчакка шон-шарафлар бўлсин!»— деб қичқиривади. Майхонага кириб, қолган пулларнинг ҳам тагига турна экдим. Эртасига ўрнимдан турдим, сиртмоққа дучор бўлдим... Сиртмоқдан қутқаришди, ўзимни сувга отдим, тутиб олишди, кўкрагимга пичоқ санчиб, бир ҳафта ётиб, тузалиб кетдим. Эшитяпсанми, Петрович?

— Эшитяпман. Чойдан қуйвор.

Филька Гупчак чой берди ва яна гулхаи ёнига ўтириб, трубка чекди

— Беш йил! Яна ҳаш-паш дегунча шир яланғоч... Маза қил-

ган бўлсам ҳам алам қилмасди. Т-фу! Қандай орзуларим бор эди-я, иш, уйланиш, одам бўлиш... Эҳ, чархинг куйсин фалак!

— Аҳмоқ,— деди Прохор унга пашшахона ичидан. У ҳам чекди.

— Аҳмоқ, деб секинроқ, айтасанми? Фирт аҳмоқ, сочимнинг толасидан тирноғимнинг учигача,— қўшилишди дайди.

— Хўш, гап бундоқ, Гупчак амаки. Олтинни идорага олиб кел...

— Қанча берасан?

— Молингга қараб. Балки уч-тўрт минг.

— Э-э!— хўрсинди дайди, кўксига мушт урди ва маъқул кўрмай бош чайқади.

— Қўрқаясанми?

— Қўрқаман. Хароб бўламан,— у хўрсинди ва Прохорнинг олдига келиб, қўлидан тутди.— Раҳм қили, менга, Прохор Петров. Мени ишга ол, одам керак-ку сенга.

Прохор ўйга толди, сўнг аравага ўтирди-да, деди:

— Пулингни бира-тўла бермайман. Оз-оздан тўлайман.

— Миннатдормиз,— деди дайди шодон.

Прохор пича сабр қилиб сўради:

— Хўш, кўп одамнинг ёстиғини қуритганмисан?

— Одамларними?— Филъка Гупчак гўё хаёлидан ўтказает-гандек қошини учирди.— Йўқ, унчалик кўп эмас... ўнтагаям етмайди.

— Нега ўлдиргансан?

— Баъзиларини қовоқхонада мастликда, яна бир хилларини ҳақиқатга тик борганлари учун. Исправникни гум қилганман. Бас, шундай экан, мени ишга олавер. Ишинг хавфли, қалтис, доим ўлим оёқангдан эргашиб юради. Сен ҳақингда мишмишлар аллақаяқларга тарқалган, хулқ-атворинг беш қўлдек аниқ. Асқотаман...

Прохор тизгинни тортиди, от йўлга чиқиб йўртиб кетди. Прохор орқасига ўгирилди-да, ўйламасдан қичқирди:

— Майли! Кел! Балки чиндан ҳам асқотарсан.

Овози ва бу сўзларнинг маъноси Прохорнинг хаёлини бўлиб юборди. Негадир бирдан мешқорин, қўпол, шопмўйлов пристав кўзига кўринди. Пристав Прохорнинг ёнида сузиб борар, унга бармоғини бигиз қилиб, пўписа қилар ва хахолаб кулар эди. Ён томонда эса тайга чангалзори ичида дайди Филъка Гупчак писиб турар эди. У Прохорга кўз қисди-да, пичогини ялтиратиб чурқ этмай приставга ҳамла қилди. От тезроқ елди, сузиб юрган шарпа ортда қолди. Прохор тишларини ғижирлатиб қаттиқ йўталди.

5

— Гап бундоқ, жаноб Протасов,— деди Прохор.— Очигини айтинг, ишчиларим қандай шўрниш ғавғони бошлашмоқчи?

Алланарсанинг шарпасини сезяпману, лекин нималигини бил-
маяпман...

Прохор тил учида шундай деса ҳам аслида ҳамма нарсани мушоҳада қилиб, билиб турар эди. Лекин уни инженернинг жа-
ъоби қизиқтирарди.

Протасов хийла вақт ўй суриб қолди, чамаси у корхона эга-
си билан бўладиган кўнгилсиз суҳбатга куч тўпламоқда эди. Кейин пенснесини олди ва шапкўрлардек Прохорга кўзини сузиб қаради.

— Узингизга маълум, Прохор Петрович, тушиш бурчаги қай-
тиш бурчагига тенг. Содда қилиб айтганда, ҳар ким экканини ўради.

— Хўш?..— Прохор минорадаги кабинетида уёқдан-буёққа танда қўяр, унинг изидан эса бақувват бўри эргашиб юрар эди.

— Мантиқ, соғлом фикр шуни билдирадики, ҳар қандай кор-
хона фақат ишчи фойдасидан манфаатдор бўлган тақдирдагина мустаҳкам бўлади. Еки лоақал таъминланганда расмана иш-
лаши мумкин.

— Бундай нарсалар менда йўқ,— деб унинг сўзини бўлди Прохор,— сабаби, мен эксплуататорман ва сизнинг назарингизда аблаҳман, демак, менинг корхоналарим вайрон бўлиши керак экан-да!

— Очигини айтса, шундоқ!

— Нима учун унда, мана, ўн йиллардан бери у турибди ва мустаҳкамланяпти?

— Турибди ва мустаҳкамланяпти?— Протасов лабларининг бир бурчи билангина кулди ва бурни билан оғзидан пага-пага тутун чиқарди.— Бултур кузда боз яшашга жуда боп экан, деб уч қулоч келадиган чайир, азим туп кедрни танлаган эдик. Тай-га устида бўрон қутурганида барча дарахтлар омон қолди, ўша кедр эса қулади. Кейин биз жуда ҳайрон бўлдик, кўринишидан соғлом бу кедрнинг ичи чириган экан. Мана сизга...

— Тушунаман,— деди Прохор дили оғриб.— Тушунаман, ле-кин мен ҳозирча ҳеч қаёқдан бўрон ҳамласини кутмайман.

— Сиёсий барометр бунинг аксини кўрсатяпти.

Прохор тўхтади, бўри ҳам тўхтади ва эгасининг қўлини ялади.

— Ҳа, барометр хусусида... Умуман, сиёсат ҳақида. Айтинг-чи, Андрей, ишчиларда ҳар хил бўлмағур брошюралар қаердан пайдо бўляпти?

— Масалан, қанақа брошюралар?— Протасов пенснесини тақди

— Гўё биронтасини ҳам кўрмагандек гапирасиз-а?

— Йўқ, кўрганим йўқ.

— Мана улар,— Прохор шундай деди-да, шкафни очиб Протасовнинг оёғи тагига бир даста брошюрани улоқтирди.— Мана улар!

— Мана улар!..— деб шодон қичқирди тўсатдан пайдо бўлган пристав. У инқиллаб-синқиллаб, қиличини ушлаганча, иложи борича қорнини ичига тортиб, тор эшикдан ёнламасига аранг ўтди.— Мен буларни қидириб юрибман... Булар эса, бу ерда, осмони фалакда ўтиришибди.

Прохор шоша-пиша брошюраларни йиғиб олди-да, шкафга тикди. Инженер Протасов хижолат чекди, қизариб кетди.

— Хулласи калом. Андрей Андреич,— деб тилёғламачилик қилди Прохор.— Катта раҳмат сизга иш учун... Тадбиркорлигингиздан бағоят мамнунман! Тегирмон учун жуда яхши жой танлабсиз. Хайр, азизим, ҳали-замон ишга етиб бораман.

Протасов ўрнидан туриб, портфелини олди.

Тик зицадан чиққунча ўпқаси оғзига тикилган пристав нафасини ростлаб, тилга кирди:

— Бир минутга! Андрей Андреич, жаноби олийлари! Ҳе-ҳе-ҳе,— шундай деб у такаллуфсизлик билан қўполдан қўпол Протасовнинг елкасига қоқди.

— Илтимос, қўлингизни олинг,— деб Протасов жирканиб ўзини четга олди.— Сизга нима керак? Қисқа қилинг. Вақтим йўқ.

— Сабр қилинг, биродар, сабр қилинг,— деди пристав ва кушеткага вазмин чўкди.

Протасов ҳам ўтирди ва пенсесини олиб қўйди.

— Ишчилар орасида турли-туман қизил тарғиб-ташвиқ брошюралари, прокламациялар, ҳалиги социал-демократларнинг мурожаатлари пайдо бўлиб қолди.

— Қанақа брошюралар? Қанақа мурожаатлар?

— Мана, марҳамат!— пристав чўнтагидан иккита брошюра олди, инқиллаб ўрнидан турди ва шкаф олдига келиб, уни очиш учун қўлини кўтарди.— Мана тағин...

Бироқ бўри сакраб олдинги оёқларини приставнинг кўкрагига қўйди-да, тишларини иржайтирди ва оғзини карракдек очиб, унинг башарасини тишламоқчи бўлди.

— Тур йўқол!— Прохор бўрини урди.

Простав бошини ҳўкиздек экканча бўрига, Протасов ва Прохорга овсарларча разм соларди.

— Менга нима дахли бор бунинг?— деб сўради Протасов.

— Ҳа, Андрей Андреичга нима дахли бор?— деб луқма ташлади Прохор.

Простав билан Прохор бир-бирларига кўзларини чақчайтириб қарашди. Простав момиқдек майин шоп мўйловини кафти билан силади-да, Протасовга деди:

— Бугун кечаси техник Матвеевни ҳибсга олдим.

Протасов сакраб ўрнидан турди, қошлари эгилди.

— Нима қип қўйдингиз!— деб қичқирди у.— Техник Матвеев дарё ишларини тартибга солиб туради ахир. Усиз қўл-оёқсизмиз... Шундай дарё билан ўйнашиб бўладими? Нега ҳибсга олдингиз? Нимага асосланиб?

— Қонунга.

Прохор телефон тугмасини босди ва овози қалтираб приставга ўшқирди:

— Гап бундай, Федор Степанич, ҳозирча қонунингизни бир чеккага қўйиб тулинг... Матвеевни бўшатиб юборишларига даров фармойиш беринг... Боринг телефонга... Алло... Алло..

— Иложим йўқ... Тушунасизни, иложим йўқ.

— Мен талаб қиламан. Нима, мени юз эллик мингга чув туширмоқчимисиз?

— Ахир, Прохор Петрович, обрўйимни тўқясиз. Сиз ўтирган буютққа болта...

— Мен сиздан Матвеевни ҳозироқ бўшатиб юборишингизни сўрайман... Мана телефон. Андрей Андреич, хайр! Бизларни холи қолдиринг.

Протасов чиқиб кетди, Прохор унинг орқасидан эшикни ёпди.

Простав ўшшайиб, айтқанча турарди.

— Федор,— деди унга Прохор.— Сен найрангингни қўй. Тинтишларингга, ҳибсга олишларингга тўғоноқ бўлаётганим йўқ... Аксинча! Лекин нимаики қилсанг менинг розилигимни олгин. Менинг ҳамма ходимим ҳисоблоглиқ, уларнинг ҳар бири худди механизмдаги ғилдирак сингари керак менга. Ишчиларни кўнглингга сиққунча ушлаб кетавер. Бироқ иш қизиб кетган айни вақтда Матвеев озодликка чиқиши керак. Кейин қўлга олиб, пўлиса қилишинг мумкин. Аммо бир умр ёдингда бўлсин, Федор,— Прохорнинг овози амирона янгради.— Бир умр ёдингда бўлсин: инженер Протасов ҳар қандай шубҳадан холи бўлиши керак.

— Ахир...

— «Ахир-пахир»и йўқ, бу гапни сенга Прохор Громов айтяпти. У менга зарур, у — бош, у — ишнинг жони. Тушундингми? Гап тамом, вассалом.

Простав қорнини силкитиб, сурбетларча ҳиринглаб кулди.

— Майли, шундай бўла қолсин, шундай бўла қолсин,— деди у Прохорга сабаби номаълум кулгисини босиб.

Айиқ териси устида ётган бўри дамба-дам приставга ҳуради, оғзини очиб, ириллайди.

Простав тўппончани ўйнатиб деди:

— Бу бўридан тарқаган итни бир кун мана шу билан отиб ташлайман. Ёқмайди менга у...

— Сен ҳам ёқмайсан унга...

Прохор бухгалтерияга телефон қилди.

— Бухгалтерми? Олдингизга пахмоқ мужик келгани йўқми Филипп Гупчак деган. Кураксақол. Келгудек бўлса, пачакилашиб ўтирмай тўғри ёнимга юборинг. Минорадаман.

Проставнинг кўзи ола-кула бўлиб кетди. У қулоқларининг қилди. Нафаси бўғзига тиқилиб қола бошлади, кўкси қисди.

— Бу олтин изловчи, безори!— деди пристав.—Кеча учратгандим уни.

— У уста темирчи. Уни даволамоқчиман, пича пияниста у. Кейин ишга оламан.

Пристав Прохорнинг кўзига синовчан назар ташлади, ўрнидан турди ва кетишга шошилиб қолди.

— Хўп, мен кетдим... Дарвоқе... менга пул керак.

— Йўқ.

— Қанақасига йўқ? Жуда зарур менга.

— Улгудек аблаҳ одамсан-да! Жонимга тегиб кетди бу... Менга қара, ўтир, ўтир, Федор, гаплашамиз...

— Кейин... Вақт тигиз... Беш юз сўм чўз, кўпроқ сўрама-симдан.

— Бор, тошингни тер! Йўқол!

Пристав кўзини чақчайтирди, дициллади ва жаҳл билан пошнасини пошнасига урди.

— Кўз-и-ингни оч, бола!— у с бармоғини ўқталиб пўписа қилди ва хахолаб кулиб юборди. Унинг мўйловларининг учи ясама кулгидан қулоқлари устигача кўтарилди, кўзлари кўринмай қолди, лўппи, қизил юзи қаҳру ғазабдан пир-пир учди. Бирдан кўзларининг пахтаси чиқиб кетди, илондек вишиллади.— Прохор Петрович!

Прохор креслони четга сурди, муштини тугди ва пристав устига бостириб борди. Бўри ҳам дик этиб ўрнидан турди ва жунини ҳурпайтирди.

Пристав тисарилиб эшик олдига борди, эшикни товони билан очди, қисилиб зинага чиқди ва нимқоронғиликдан чийиллади:

— Биз Надя билан, Прохор Петрович, янги уй қуришни хаёл қилгандик.

Эшик қарс этиб ёпилди.

— Муттаҳам!— деди Прохор аста ва хўрсинди. Унинг пешонасини муздек тер қоплади, ғазабдан кўкариб кетган чаккаси асл ҳолига қайта бошлади. У думини ликиллатаётган бўрини силади, бир чақмоқ қанд ташлади ва уйга телефон қилди.

— Настя, дастурхон ёз! Барин тушликка келмайди,—деб фармойиш берди бека.

Бугун тушликка Иннокентий Филатич, муаллима Катерина Львовна ва ҳазрат Александр таклиф қилинган. Бироқ кашиш ҳаяллаб қолди. Усиз кичик емакхонага тузалган дастурхон атрофига ўтиришди.

Эрталабданоқ тунгуслар юзлаб буғуларда янги жойга кўчиб кела бошладилар. Улар бу ердан юз чақирим нарида манзил қурдилар. Унтача одам буғу, олмахон, тулки терилардан совға тайёрлаб черковга йўл олди. Черков қулф эди. Ша-

мол кириб туриши учун меҳробга қараган ён томондаги дераза очиқ. Тунгуслар черков атрофини айланиб чиқдилар, ҳаммаёқ тақатақ берклигини кўриб, афсус-надомат билан томоқларини тақиллатдилар.

Қария Сенкича навқирон Васькага деди:

— Мени кетимдан кўтарвор, деразадан кирамиз.

Мана чол меҳробда. Қолганлар ҳам осилиб, кириб олишди. Елғиз Васька қолди ташқарида.

— Ҳей, жигар, мўйнани от буёққа!

Васька ҳамма мўйнани деразадан ичкарига отди ва ўзи ҳам ошиб тушди. Тунгуслар аршга чўқинишди, иконалар қўйилган панжарали девор эшигини очишди ва териларни ибодат қилинадиган кенг-мўл жойга судраб чиқишди. Иконалар қўйилган жойдан мўъжизакор Николанинг суратини топди-да, унинг пойига қурбонлик сифатида териларни қўйишди. Уттизта олмахонлар битта тулки терисини алоҳида қилиб уйишди.

— Бу отахон ҳазрат Александрга, руҳоний кашишга,— деди чол.

Бу орада Васька шамлар солинган яшикни бузиб, ўнтача энг йўғон шамлардан олиб, Никола олдидаги шамдонга қўйди ва ёқди. Кейин трубка чекди. Бироқ чол бақириб берди: «Кет!» Шундан сўнг оғзидан трубкуни олиб олди-да, ерга ташлади ва Васьканинг энсасига бир туширди. Васька хўрлиги келиб, кўзларини пирпиратди, алланарса деб минғирлади ва меҳроб томонга тез югуриб кетди.

Тунгуслар қашинишиб, хўрсинишиб ибодат қилишди. Бир аёл қизалоқ билан иконага орқаларини ўгириб ерга ўтириб олишди-да, томоқларини тақиллатиб, олтин юлдузлар чарақлаётган мовий шифтни томоша қилишди.

Васька тутаётган бухўрдонни олиб чиқди ва чолга берди:

— Ма, занжиридан ушлаб уч марта тебрат. Биласанми?

— Оз-моз биламан,— деди Сенкича чол ва бухўрни тутаиб, иконага таъзим қилганча, худди тайгада юргандек гўлдираб бақира бошлади.— Оҳ-ҳо-ҳо-ҳой!.. Микола опахо-о-он!!

Ҳамма тиз чўкиб, йиғлаб юборди.

Тутунга чулганган Никола аввалгидек тунгусларга жилмайиб турарди. Васька меҳроб ёнида турган олий фарштаннинг олтин қанотини силаб, ажабланганини ошкора баён қиларди.

— Боши битта, қаноти иккита... Қушми ё одамми?

Сенкича чол бошини силкитган эди, ўрилган оқ кокили дум каби ликиллади. У йиринглаган қийиқ кўзларини қисиб мўйловсиз серажин оғзини қийшайтириб жон ҳолатда қичқирди.

— Э-ҳе-ҳе-ҳе-ҳей!.. Она худо, волидайи бузруквор!..

— Тўхтанглар, муртадлар, тўхтанглар!

Черковга кириб келган кашишнинг овозини эшитиб, ўгири

либ қарашди, Сенкичанинг қўлидан бухўрдон ерга тушиб кетди. Эркаклар ўтакалари ёрилиб, телпакларини кийишди.

— Худонинг уйига қаердан кирдинглар? Меҳробданми? Муртадлар, черковни ҳаром қилдинглар, булғадинглар..

— Қанақа ҳаром қилдик, нима девогсан? Сеники алдайди!— деди Сенкича.— Тугун бу... ҳув, анави тутатқидан чиқвотти... Ундай дема, тақсир, отахон Александра, руҳоний кашиш.

Ҳазрат аччиқ кулди, ҳаммани дуо қилди ва чўқинганча ихлосу имон билан меҳроб эшигини ёпди.

— Манави қурбонлиқ Миколага, буниси сенга,— деб Сенкича уйилиб ётган териларни оёғи билан кавлаштирди.

— Нодон!— деди кашиш эркататганча гинахонлик қилиб.— Агар бу қурбонлиқ менга бўлса, уйимга олиб бор.

— Йўқ,— деди Сенкича бош чайқаб.— Йўқ, тақсир, отахон руҳоний, кашиш, биз қурбонлиқни худога судраб олиб келдик, биз унга: «Э, худо, буни тақсир ва кашинишга бер», дедик. Шунақа, тақсир, худодан ўзинг ол, биз уйингга обормаймиз. Худо берсин сенга. Биз қилмаймиз бу ишни.

Бу оддий ҳикмат кашишининг кўнглини кўтариб юборди.

— Эҳ, қандай қалби пок бандаларсиз! Аммо, жигаргўшам... Ахир мана рус, овқат ейдиган вақтимда, овқатни уйга олиб келади. Масалан, сизгиримнинг пичани тугаб қолди. Громовнинг хотини бир арава пичан юборди. Хўш, сизнингча, нима қилиш керак? Сизнингча, ўша аравадаги пичани худога, черковга олиб келиш керакми? Худо менга берса, уни уйимга ташиб кетишим даркорми? Шунақами?

— Ҳа, ҳа,— деб бош ирғишди тунгуслар.— Сеники-меники тўғри айтади.. Жа тўғри..

— Ахир арава эшикдан сизгайдн-ку!— деди кашиш кулгидан зўриқиб.

— Нега сизгайдн?— деди Сенкича трубка билан тамакидон чиқариб.— Каттакон эшик эса, ўтиб кетади. Арава экану ҳамма нарса ўтади... Рост!

Ҳазрат Александр шарақлаб кулиб юборди, ёш боладек қўларини баайни қанот каби силкитди ва чолни қучоқлади.

— Меҳрибон, ақлли, яхши одамсан... Эҳ! Нега қалпоқларингни кийиб олдингларинг, ечинг дарров, гуноҳ бу!

Ҳамма бошидан қалпоғини олди,— гуноҳ бўлса олган маъқул,— Сенкича ҳам қалпоғини ечиб, оғзига трубка тикди-да, гугурт чақди.

— Бу қанақаси?— деди кашиш депсаниб.

— Нима?— тушунмади тунгус.

— Манави,— деб учиб келди Васька, у Сенкичанинг оғзидан трубкани юлқиб олди-да, отиб юборди.

— Эсим қурсин!— деб афсусланди Сенкича.— Хаёлимдан кўтарилибди оз-моз.

Кашиш улар билан суҳбатлашди, яна дуо қилди, кейин черковдан чиқди-да, Громовларникига қараб кетди. У бутун йўл

бўйи жилмайиб кетди, дастурхонга ҳам юзида кулги билан ўтирди.

— Биласизми, қандай ғаройиб воқеа,— деб гап башлади у.— Бир тасаввур қилинг-а, черков эшигини очиб, нимани кўрдим денг! Табиатнинг қалби пок фарзандлари бўлмиш ўнтача ажойиб тунгусни.

Унинг ҳикоясини диққат ва шавқ-завқ билан тинглашди. Ҳаммадан Иннокентий Филатич шўх кулди, у тиш доктори жингинада қўйган ясама жағ халақит бераётганига парво ҳам қилмади. Чамаси, яқинда кўчиб келган тиш доктори уста эмас экан, жағ тиш отиниг жағ тишидек келар, олдинга туртиб чиққан, бу тишнинг янги эгаси лабларини сира ҳам ёполмас эди. Унинг юзи чўзилиб, кулгили бўлиб қолган. Таниш амримахол эди. Сўзлари ҳам оғзидан тушиб кетар, ғашга тегар даражада кулгили эди.

— Ғирт дахмаза! Ё, тиши¹ бир вершок¹ арралаб ташлаш керак, ёки лаб уламоқ даркор,— деб Иннокентий Филатич ўзини-ўзи калака қиларди. У сабзили пирог тишлаган эди, юқориги жағи пирога илашиб қолиб, ерга тушиб кетди.

Институтни тамомлаган ёш Кэтти, Катерина Львовна, Нина Яковлевнани маҳкам ушлаб олганча айлана-ошкор хандон отиб кулди.

Ҳазрат Александр атайин балиқ шўрвага зўр берди. Иннокентий Филатич эса энгашди, инқиллаб-синқиллаб соқолини шўрвага ботириб, оёқ остини пайпаслади.

— Мана, дардисар, мана,—деди у ямланиб.—«Гуноҳкорнинг тишини қоқиб оламан...» деб жуда тўғри айтишган.— У тескари бурилди ва йўлбарсдек оғзини очиб, жағини ўрнатди.

— Мен сизга айтсам,— деб сўзида давом этди кашиш.— Қандай олий донолик, қандай теран тушунча инсон ва ҳайвон оралиғида турган бу ёввойиларда!..

Ҳазрат Александр ўз нутқини аниқ, атрофлича, китобий тузар эди. Аксари вақт у айтган ҳатто оддий гап-сўзларда ҳам шавқ-завқ баралла янграрди. Шунга кўра у «худонинг марҳамати ила нотиқ бўлганман», деб ҳисоблар, гапириш услуби билан фахрланар эди. У жуббасининг енгига қўлини тикиб туришга, алифдек қаддини расо тутишга, тингловчиларга ақлли, сурранг, сарик киприкли кўзларини қисиб қарашга одатланиб қолган эди. Гарчи у барча билан самимий муомала қилса-да, ўзини катта тутарди. Лекин ҳур фикрли, социалист ва даҳрий инженер Протасов билан суҳбатда эса доим ийманиб турарди.

— Бунга қаранглар-а, ўша тунгуслар инъомларини қўлимга беришни, бу билан мени ранжитишни хоҳлашмади. Улар қурбонлиқни одамга эмас, худога беришади, одам эса уларнинг қурбонлиқларини худодан олиши керак. Шу билан улар бир вақтнинг ўзида ҳам худога, ҳам одамга миннатдорликларини

¹ Вершок — 4, 4 сантиметрга баравар узунлик ўлчови.

изҳор қилишади. Оқилона эмасми ахир?— Шундай деб ҳаммага кўзини қисганча қараб чиқди.— Биз русларга ўхшаш қилиқ қилишмайди улар. Мана, кашиш муқаддас крест билан қавминни айланади, хотинлар эса, унинг қўлига бир миридан қистиришади. Алам қилмайдим, уят-ку, бу ахир, қўлни куйдирмасини бундай чақалар! Кашиш ҳам одам: еб-ичишни хоҳлайди, аммо инсоф керак...

— Ҳамма нолиганда ҳам сизнинг нолишингиз гуноҳ, тақсир...— деди Иннокентий Филатич тишларини шақиллатиб.

— Мен нолиётганим йўқ, нолиётганим йўқ,— деди кашиш ройишлик билан ва талинкага иккинчи пирогни қўйди.

— Кимга илҳақ эканингизни мен биламан, ойимтилла,— деб кўз қисди Иннокентий Филатич муаллимага.

— Кимга?

— Андрей Андреичга, ҳойнаҳой, жаноб Протасовга.

Катерина Львовна апордек қизариб, кетди, кифтини қисди ва ялт этиб бекага қаради.

— Ҳечам-да... Қаердан олдингиз бу гапни?

— Куёв бола...

Бека ҳам қизга кўз қирини ташлади.

— Гафлатда қолманг, пошшақиз! Ундан яхши эр тополмайсиз!— деб хитоб қилди Иннокентий Филатич. У бу гапни шундай тўлқинланиб гапириб, бошини шундай силкидики, оз бўлмаса юқориги жағи яна отилиб кетай деди, бироқ у эпчиллик билан жағини ушлаб қолди.— Аж-жойиб куёв бола, аж-жойиб куёв бола!— деб тинчимасди қувноқ чол.

— Бошқа гап қуриб қолганми,— деди бека овози қалтираб ва пичоқни жаранглатиб талинкага урди.— Настя, ўрдакни опке!

Ҳазрат Александр диққат билан беканинг чехрасига тикилди. Чехраси ҳамон очиқ, гўё ҳеч нарса таъсир қилмагандек, лекин кўзларида аламнок ташвиш ва ғам ифодаси зоҳир эди. Катерина Львовна ўзини ноқулай сезиб, кулгисини бас қилди: у хижолат чекиб ерга тикилди, қулоқларининг учи ловуллаб ёнарди.

Орадаги жимликни бузиш учун ҳазрат Александр гап қистирди:— Ҳаммани эртага пешинда менинг тунгусларим билан суҳбатга таклиф этаман. Мавзу — худо тўғрисидаги ибтидоий тушунча. Ҳар хил кузатишлардан ташқари, этнографик томондан ҳам қизиқ бу... Айниқса сиз учун, Катерина Львовна... Ахир сиз умрингиз бино бўлиб тунгусларни кўрмагансиз-ку?

— Андрей Андреич келдилар!— деб қичқирди Настя ва столга ўрдак солинган идишни қўйди.

Иккала аёл бирваракайига упа солинган момиқларини олдилар-да титроқ бармоқлари билан сочларини тузата бошладилар.

Филька Гупчак ишчилар билан биргаликда тайгада, гулхан ёнида ётиб қолди. Эрталаб чўмилди, йиртиқ пайтавасини оф-

тобда қуритди ва Громов шаҳарчаси томон юрди. Ошхона соҳибаси унга карам шўрва пишириб берди, қоринни тўйгазгач, идорага қандай бориш мумкинлигини сўради, чарм халтани орқалаб йўл олди. Кун кеч бўлиб қолганди. Дайдини кўчада бир лўли аёл қувиб етди.

— Тўхта, бахтли одам!

У юзини яшил гулдор шол рўмол билан яширган, кўзлари кўринмас эди. Қарими-ёшми, билиб бўлмайти. Юбкаси ифлос, яланг оёқлари булка нондек оппоқ.

— Филипп Гупчак сенми?

— Мен.

— Мана хўжайиндан хат... Жинкўчага юр, бақирма...

— Қайси хўжайиндан?

— Громовдан, Прохор Петровичдан.

— Хат ташимайман. Уқи!

Лўли аёл ҳаворанг хўшмақли қизғиш конвертни очиб, хат чиқарди, шол рўмолини кўтариб кўзларини очди. Чеҳраси ёш, қорамағиздан келган, қўлоқларида исирғалар жиринглар эди.

— Мана, эшит, меҳрибон одам, бахтли азамат.

Супачага ўтиришти. Лўли аёл шивирлаб хатни ўқиди: «Идорага келма. Лўли аёл билан эгри қайрағоч тагига бор, сени бошлаб боради у. Қош қорайиши билан етиб бораман».

Лўли аёл бу даҳшатли одамга назар ташладию даммини ичига ютди.

— Сен ўзи кимсан?

— Мен лўлиман, унинг дастёриман. Соднқ хизматкориман. Мендан садоқатли одам йўқ дунёда.

— Ахир у шайтоннинг мардикори, идорага кел, деган эдику. Тилиннга тирсак чиққур, шайтон, аҳмоқ...

— Ҳовурингдан туш, бахтли одам, жаҳлнинг чиқмасин... Олтинни ошқора қабул қилишни хўжайинга тақиқлаб қўйишган. Юр.

Тайгадаги ҳайвон юрадиган сўқмоқ уларни овлоқ бир жойга олиб борди. Дайди олдинда, лўли аёл орқада борарди. Нимқоронги эди.

— Шартга каллангни олиб ташласам-чи... Наҳотки қўрқмайсан?

— Йўқ, бахтли одам, қўрқмайман... Мен сеҳрланганман...

— Мен худди сенга ўхшаганни бултур чавақлаганман. Олтинни ўмармоқчи бўлган эди. Мен мана бу пичоқни томоғига уриб, асфаласофилинга жўнатганман... Падарига лаънат!

— Мана ўша қайрағоч,— деди лўли аёл ва тингланди: жимжит. Тайга ботаётган қуёшнинг шафағи билан хайрлашмоқда эди. Пастда, дарахт таналари орасига ғира-шира совуқ қоронғилик чўмган эди.

Юмшоқ оқиш йўсин ерга чойшабдек тўшалган эди. Йигирма қадамча наридаги кўндаланг яланглик ўртасида уч танали қарагай кўринарди. У қуриб қолган — яшин урган: самовий ўт

шамшир унинг яшил учини шартта кесиб, парчалаб, танасини куйдирган ва тилимлаб ҳар томонга улоқтирган.

— Мана шу ерда...— лўли аёл гиламдек йўсин устига ўтирди.

Дайди бир оз қаққайиб турди, ўйга толди, уёқ-буёққа аланглаб қаради-да, у ҳам чўкди.

— Йўқ, сен чипқон чиққур, шоддод экансан. Хўш, куч ишлатиб, сени ўпсам, эркаласам нима қиласан?

Лўли аёл хандон отиб кулди ва дайdidан нарироққа бориб ўтирди.

— Биз ҳур лўлилармиз, бунақа ишларга ўзимизнинг ҳам суягимиз йўқ... Фақат арзонга сотмаймиз ўзимизни... Олтининг кўпми ишқилиб?

— Етади... Мана, менга тег... Сен, чипқон, юмшоқсан, кўхликсан... Мен бўлсам, айтиш мумкинки, бадавлатман... Соқолни олдираман, башанг кийди^{либ}ман, лўли хонимча... Эҳ, чипқон! Бутинг йиртилса... Зап томоша бўларди-да.

Лўли аёл кифтини учирди, кулди, бир даста карта чиқарди, гиламдек йўсин устига елпиғичдек ёзди-да:

— Эҳ, карталар ажойиб, фикрлар ғаройиб! Қандай карта чиқса, ўшандай бўлади... Эҳ, ўпаман сени, бахтли одам, шошасан, ақлингдан адашасан, ёруғ жаҳонни унутасан! Эҳ, кўзларинг мунча чиройли, хорижий кўзлар!.. Мана кўр!..— деди.

Дайдининг бурун парраклари кенгайди. Томирларида қон кўпирди, кўзлари чақнади.

— Қани энди қўшиқ бўлса... Куйлаш қўлингдан келадими?

— Келади. Сени-чи?

— Ичганимда менам букриман.

— Ичмоқчимисан?

— Аҳмоқ... Жодугармисан нима бало?.. Қаердан оласан?

— Мана...

Лўли аёл шол рўмоли тагидан муҳрланган юзталлик коньяк олди ва дайдига узатди.

Дайди муҳрни тишлаб узди, шишани кафтига урди, тирноғи билан ярмини белгилади-да:

— Соғ бўл, гўзалим,— деди ва ичиб, қолганини лўли аёлга берди.— Маза қил сен ҳам фаришта... Лўлича, қалбингни шод эт... Кух!

— Йўқ, мен ичмайман... Оппоқ уриб қўйинг. Ичиб бўлганингиздан кейин гулхан ёкамиз, ўпишамиз... Бутун тун, тонгга қадар бизники бўлади... Ич, бахтли одам, хорижий кўзларинг... Мана карта, қара, қарагин. Чиллакнинг дамаси устига чиқди!

Дайди коньякни озгина қўйди-да, анча вақт ютмай турди: оҳ, куйдиради, қалбини яйратади!

— Кух! Раҳмат...

У кўзини лўқ қилиб картага тикилиб қолди: рост, қирол билан дама ачомлашиб ётишибди. Бошқа карталар эса гоҳ туради, гоҳ ётади, яна, яна шундай.

— Сеҳргарлик қандайдир,— дайди кўзларини ишқалади ва лўли аёлга ўқрайиб қаради.

— Нега менга бақрайиб қолдинг?— деб шанғиллади лўли аёл.— Нима, танимай қолдингми?.. Бу мен, ҳур лўли таннозингман, жононингман...

— Йўқол... Тинч қўй бизни! Жим!— деб гўлдиради дайди тили аранг айланиб... У каттакон қурбақа сингари кўзларини чақчайтириб, муштларини йўсинга тираганча қийшайиб ўтирарди.

Оқиш тукли йўсин тобора тезроқ силкинарди. Дайди ёнбошига ағдарилди — қалби ором олиб, уйқу элитди.

— Кўзларинг хира тортди, бошгинанг ёстиққа тегди. Ухла, бахтли одам, ухла...

У дайдининг юзига энгашди, апил-тапил бармоқлари билан унинг қовоғини кўтарди, ~~пейна~~наси тагига оққан хира кўзларига тикилди, ўрнидан турди, ~~Таб~~рўмоли тагидан тўппонча олди ва осмонга ўқ узди.

— Мо-мо-қал-ди-р-роқ...— деб шивирлади дайди.

Ўқ овозини эшитиб, лўли аёл ёнига кимдир югуриб келди.

6

Прохор Верочкани чўқинтирди, хотинини ўпди ва яхши ётиб туринг, деб кабинетига кетди. Ётди-да, устига чойшаб ёпди. Ҳаво дим, уйқуси келмас эди. Утган ишлар калласида гужғон ўйнарди. Чехралар, учрашувлар, вазиятлар. Аммо биттасиниям жиловини тутиб бўлмасди, жуда кўп эди улар. Чарх уриб, ҳаво айниган пайтдаги қор ўчқунларидек ҳар ёққа тўзиб кетарди. «Тунгуслар келишди»,— эслади Прохор. Шунда сустлашган хаёлидан анави бир пайтлардаги жажжигина Жагда ўтди. Қаерда экан ҳозир у? Балки вақт уни ҳам аямагандир, даштдаги чечакдек қадди букилиб сўлиб қолгандир. У ҳамма нарсани, туман чулғаган ҳув анави сокин тунни эслади, ўз кулбасини, қайиғини, тайгани хаёлига келтирди, Жагдани худди оч йиртқичдек қувлаганини ёдига олди. Кулба аллақачон йўқ бўлиб кетган, яшин уриб ёндириб юборган албатта, бироқ у қачонлардир шу ерда тиккайиб турган-ку. Унга ўша пайт аламдийда Жагда кириб келган эди. Донг қотиб ухлаб ётганида, унинг қалбни пора-пора қилган қайғули овозини: «Хайр, бойе! Яхши қол!»— деганини эслади. Ушанда у дарров кўзини очган, уни эркалаб ўпгиси, бир умр у билан бирга қолгиси келган эди. Бироқ Жагда учқур қушдек деразадан «пирр» этиб, туман қўйнига учиб чиқиб кетган ва хира, лекин ширин хотираларда қолиш учун бир умрга ғойиб бўлган эди.

Ҳа, ҳаммаси булутнинг соясидек ўтди-кетди. «Хўш, нима бўпти...— деб ўйлади Прохор ноаниқ ва хўрсинди.— Тунгуслар келишди... Борай-чи».— У оёқ учида юриб ташқарига чиқди.

«Сутдек ойдин. Шабнам тушган. Черков крести оқиш йил-тиллайди. Ҳазрат Александрнинг оқ уйи ҳаворанг товланади, ҳаворанг ойналар орасида қизил шамчироқ пирпирайди. Тиқ этган товуш йўқ. Бироқ ҳамма нарса пинҳона сурон солади: ой ёғдуси ер устидаги кенгликларни парчалаб, мудроқ тайга ола-мига қўнади, чайқалади, жаранглайди. Мудраб ётган тайга унга шитир-шитир оний босинқираш, бухўрдек тахир туш кўриш билан жавоб беради: тайга муаттар ис таратади.

Прохор кишини сархуш қилувчи ўрмоннинг бу хуш бўйини симирав ва турмуш шароитлари исқанжага олган иродаси эрк топганини сезар эди. Ойнинг найзасимон нурлари асабларига санчилар, қонини жунбишга келтирар эди. Энди унинг бўгин-бўгини яйрар, уни сархуш этувчи айш-ишратга даъват этар эди. Бу ойдин кеча худди илон каби инсон қалбини кемирарди. Одам ўзини танҳо сезар, юраги сиқилар эди.

— Жагда!— у шалоладек қуйидаётган ой ёғдусини тилка-пора қилди.

Бироқ нозли овоз жавоб бермади. Мана, қарроргоҳ. Йўсин ўсган бутазорда бинафша рангга кирган буғулар ўтлаб юрибди. Мана, бир тўдаси дам олиб ётибди, сертармоқ шохлари тарвақайлаб кетган. Ошланган буғу терисидан қилинган учи найзали бешта ўтовда тунгуслар донг қотиб ухлаб ётишибди. Фақат биттаси — баланд бўйли, сарвад, тунгус аёли бедор. У катта гулхан ёнида ўйчан тўхтади, оловнинг лопиллашига қараб турди, олов қандай эртақ айтаётганини билишга тиришди, балки унинг ўзи, совуқ, қуёш, маҳбуби ва ой ҳақида қўшиқ тўқиётгандир. Ана ой! Маҳбуби қани?

— Салом,— деб Прохор унинг очиқ елкасига қўлини теккизди.

Тунгус аёли сапчиб, ўзини четга отди:

— Э! Қўй! Нега қўрқитасан?

Итлар ҳуриб, акиллаганча гулхан ёнига югуришди.

— Кет!— тунгус аёли таёқ билан кучуклардан бирини, иккинчисини уриб ҳайдади ва Прохорга қора, ингичка эгик қоши остидаги кўзларини тикди. Буларда қўрқув ва қизиқиш ифодаси бор эди.

— Нимадан қўрқиб кетдинг?

— Сендан... Ажина деб ўйлабман.— У трубка тишлаб турар, ёноқлари бўртиб чиққан қорамағиз бетлари нақш олмадек қизариб турарди. У ёш, ихчам, овози равон эди.— Сен — баҳайбатсан! Сен айиқниям майиб қилишинг мумкин. Мен сендан қўрқаман. Ҳозир одамларимизни уйғотаман.— Прохорга разм солиб, ўйчан деди у.

— Керакмас, уйғотма,— деди Прохор унга маҳлиё тикилиб.— Сен жуда чиройлисан. Отинг нима?— Прохор унинг ранг-баранг мунчоқлар қадалган этик кийган оёқлари ёнига ўтирди.

— Отим Жульбо.

— Яхши исм. Орангизда Жагда йўқми?

— Жагда?— тунгус аёли оғзидан трубкасини олди, лабидан сўлагини артди ва афсус-надомат билан ҳуштак чалди.— Жагда ўлди. Анча бўлди ўлганига. Рус боласини туғаётганида туғолмай ўлди.

У четга қоп-қоронғи тайгага қараб тунгусча гапирар, сўзлари ҳар хўрсинганида бўлиниб қолар эди.

— Ҳаром қотган сенинг Жагданг, аллақачон ўлган,— деб бир амаллаб русча тушунтирди у, кўзлари гилтиллаб.

Прохорининг юраги зирқираб кетди. Юрак-бағри ўртаниб бир лаҳза жим қолди... Кичкина бахтсиз Жагданинг бошига шундай мусибат тушибди-да! Эҳ, бу ерга келмаса бўлар экан.

Тунгус аёли ўтни жўнаштириб, Прохорнинг рўпарасига ўтирди.

— Жагда менинг отамнинг қизи... Фақат бошқа онадан. Эрим бедарак йўқолди.

— Қанақасига йўқолади?

— Йўқолди-да. Мана, Ёлғизман энди.

— Зерикасанми?

— Зерикмай бўладими?.. Кўряпсанми, ҳамма ухлаб ётибди, мен азоб чекаман. Яхшими шу? Ингирма қишни кўрдим атиги. Пулим кўп, олмахон, ҳайвон отаман. Бойману, аммо зерикаман. Жуда зерикаман!

— Зерикма!.. Менда ширин наливка бор. Мана, конфетлар.

Проход сафар флягасини олиб, бир қисим конфет ташлади ва ҳамон нохуш фикрлар оғушида тунгус аёлини совуққина қучоқлади. Унинг бутун аъзойи бадани ларзага келди, бир оз қаршилик кўрсатди-да, пинжига суқилди.

— Юр, гулхандан нарироқ борамиз,— деди Проход унинг лабларидан эҳтироссиз ўпиб.

Ой улар устига ёғду селини сочиб, жилмайди.

Бўрининг ақиллаши бутун уйни уйғотиб юборди. Ҳовлидаги итлар ҳам зўр бериб вовуллашга тушди. Филька Гупчак карахт дарбон билан сўкишарди. Дарбон унга, Проход Петрович дам оляпти, сен дайди, туёғингни шиқиллат, дерди. Филька Гупчак эшик орқасида пиқилларди:

— Биласанми, худо уриб қўйди мени... Бор-йўғимни шилиб олишди. Олгинимни олиб қўйишди.

Нина эрини безовта қилишдан кўрқарди. Лекин наҳотки у шунчалик қатъиқ ухлаётган бўлса? У деразани очиб, гап-сўзларга қулоқ солди. Дарбон деди:

— Бундай арз билан пршставка ёки урядникка бориш керак. Хўжайинининг олдига эса эрталаб соат олтида ёки кечқурун минорага кел.

Дайди индамади. У эшик олдидаги майсазорга ўтирди-да, бошини чангаллади.

Вақт жуда эрта, тонг юлдузи ҳали бўзармаган эди. Пастликларни туман босиб ётарди. Дарбон қоровулхонага кетди.

Орадан бир соат ҳам ўтмай Прохорнинг оёқ товуши ва йўталгани эшитилди. Елкасида милтиқ, этиги шабнамдан ҳўл бўлиб кетган. Бўри кабинетда шодиёна увлади. Прохор ухлаб ётган дайдига қаради, эшикни аста очиб, шарпа чиқармай уйга ўта бошлади. Нинанинг ётоғидаги дарпарда бир силкиндию шартта қайтиб беркитилди.

Эрталаб Прохор извошига ўтирганида унинг олдига Филька Гупчак келди. У антикиб ва кўз ёшичи мушти билан артиб, бошига тушган фалокатни Прохорга сўзлаб берди.

Прохор унга бош ирғади.

— Аҳмоқ!— шундай деб жўнаб кетди. Соат ўн бирларда Нина тунгуслар ёнига боришга тайёрлана бошлади. У ўзи билан қизи Верочкани ҳам олиб кетади. Уларни олиб кетгани ҳазрат Александр келади.

— Бегойим! Сизни емакхонага ^{СНАБИ} чақиришяпти. Тунгус хотин қандайдир,— деди югуриб келиб оқсоч Настя. Бу сафар унинг чеҳрасида қувлик ифодаси балқир, кўзлари кулиб турар эди.

— Чақиришяпти эмас, илтимос қилишяпти. Оббо қишлоқи-ей!

— У баринни сўраяпти, мен у киши уйда йўқлар, дедим.

Емакхонадан бир вақтда ҳазрат Александр билан Жульбо кириб келишди. Икковлари иконаларга чўқинишди. Нина билан Верочка дуо олгани яқин келишди. Тунгус аёли сўради:

— Прощка йўқми?

— Прохор Петровичми? Йўқ,— деди Нина.— Нима ишинг бор эди унда?

— Мана, мен унга тўртта буғу териси ва йигирмата олмахон терисини опкелдим. Айиқполвонни урсам, униям келтириб бераман. Мана унга яна олтин, пул...— у товусдек юриб Нинанинг олдига келди ва унга ўн сўмлик узатди.

— Нима учун? Нега? Бирон нарса сотиб олдимми?

— Йўқ,— деди у ва деразадан узоққа, ям-яшил тайгага тикилди.— Прощка жа ширин ўпди мени, кечаси ўшангга. Бериб қўй унга... совға.

Ҳазрат Александр ўрмонда катта тўнка устида турибди ва тунгусларга сабр-тоқат билан дин масалаларини тушунтиряпти. Тунгуслар байрамларда киядиган чакмонларида уни зич ўраб олишган. Итлар ҳам чўнқайганча қулоқ солишяпти. Орқада буғулар шохларини тарвақайлатиб қимир этмай туришибди.

Жубба ва қулоқ кийган кашиш крест ушлаб олган. Крест қуёш нурида ялтиллайди, тунгуслар кўзларини қисишади, чўқинишади ва қойил қолишганини билдиришади: оҳ, қандай тақсир, нақ авлиё, оҳ қандай-е!..

— Тақсир деб бунни айтадилар!

Унинг юзи ғуссали, тунд. Тунгуслар унинг оддий сўзларини ҳам тушунишмайди, ўрмон одамлари тўпори ва онгсиз, бу кашини қайғуга солади.

— Хўш, худонинг нималигини энди тушундингларми?

— Тушундик, тахсир! Тушунмай ўлибмизми... Оз-моз тушундик, оз-моз тушунмадик...

— Хўп, худо ким?

— Ҳа, баайни Никола.

— Э, йўқ, йўқ! Никола худо эмас, Никола фақат худо ёқтирган банда. Худо — мана ким...

Кашиш яна бешинчи марта худо тўғрисида тушунтирди ва бешинчи марта сўради:

— Хўш, худо кимлигини энди тушундингларми?

— Ҳа, баайни Никола.

Ҳазрат Александр **шартта** тамакидонини чиқарди-да, тамаки ҳидлади. Ҳамма унга **қўл** чўзади.

— Бер, тахсир, бер!

— Хўп, қулоқ солинглар, бўталарим... Худо кимлигини сўнги бор тушунтираман. Мана, қуёшга қаранг... Кўряпсизми?

У бармоғи билан порлаб турган қуёшни кўрсатди. Ҳамма ўгирилиб кўзини қисиб, кафтини соябон қилиб қуёшга қаради ва қичқирди:

— Кўряпмиз, тахсир, кўряпмиз! Ана, ҳув, ана!

— У сизларни иситяптими?

— Иситяпти, тахсир!.. Нега иситмасин, иситади.

— Сизга нурини сочяптими?

— Сочяпти, сочяпти!.. Гап бўлиши мумкин эмас.

— Жуда соз,— деди кашин ва очиқ чирой билан қавмига кўз югуртирди.— У нур сочади, иситади, ҳамма нарсага ҳаёт бахш этади: унинг нурини эмиб ўт ўсади, дов-драхтлар юксалади, одамлар ва ҳайвонлар улғаяди. Демак, қуёшда уч нарса: ёруғлик, иссиқлик, бунёдкор куч, яъни ёлғиз қуёшда уч моҳият мумжассамлашган.

Тунгуслар оғизларини очганча туришар, анқовларча кашиннинг оғзига қарашар, қизиб кетган ҳаводан ва чигал сўзлардан терлашар эди.

— Хўш, худо кимлигини энди тушундингларми?

— Тушундик, тахсир, тушундик!

— Хўш, худо ким?

— Ҳа, баайни Никола — худо.

Ҳазрат Александр уйига кўнгли ғаш қайтди. Ҳа, ёввойилар билан мулоқотда бўлиш учун бошқа тил керак. Фақат заковатли кишигина бу заминнинг кичик одамлари билан юксак ҳақиқат ҳақида гаплаша олади. У эса, билимдон руҳоний, қавм бошлиғи, христианлар апологетикасини, эсхатологик асарларини, ривоятларни, қадимги ва янги донишмандларнинг фалсафий қарашларини сув қилиб ичиб юборган бўлишига қарамай, худонинг бу иноятдан бебахра қолган эди. У тумтароқли қилиб.

суханварлик билан бировларнинг доно гап-сўзларига тўлиб тошган ваъз айтиши мумкин эди. Диний китоблардан келтирилган сўзлар билан безатилган ваъз дабдабали янграш мумкин эди-ю, лекин юракни жиз эттирмасди. Ҳа, ҳа, у бир шақилдоқ, дабдабаз эдики, галча қавмга эркалик қилишга ярамасди!

Шундай кўнгилсиз ўй-хаёллар гирдобида у уйига кирди тамаки ҳидлади-да, кўнгли вайрон бўлиб ётди.

Нина Яковлевна кашишнинг ҳаводийлар ҳақида ваъз айтганида қатнашмади, у хонасига қамалиб олди-да, худога тавалло қилиб, азоб чекди, йиғлади. У ўз столи устидан эрининг кўзгу ромига ўрнатилган фотосуратини олиб ташлади. Ойна чил-чил бўлди, сурат липиллаганча бурчакка учиб тушди. Йўқ, бу кам. Бошқа бирор иш қилиш керак...

Куннинг охирида дайди «Огоҳ бўл» минорасига кўтарилди. Унинг юзи шишган, чивин чаққанидан кўзлари керкиб кетган эди: дайди тайгада худди ўликдек анча вақт чўзилиб ётган. Ҳамон боши ғувиллар, юраги санчар, ошқозони оғрир эди. Унинг бутун аъзойи баданидан димоқни ёрар даражада бадбўй ҳид таралар, қаёққа борса, бу қўланса ҳидни ўзи билан бирга олиб юрар эди.

Бўри ғингшир, ҳавони искар, кўзларини сергак тутиб, қулоқларини динг қилиб нари бориб-бери келар эди. Дайди унга кўз қирини ташлаб қўярди.

Прохор ҳозирги вақтда приставнинг хотини, илгари пайтда ўзининг ўйнаши бўлган Наденьканинг суратини чиқарди-да, дайдининг тумшуғи тагида тиқиштирди:

— Шуми?

Дайди маймунниқига ўхшаш кир-чир панжасига кичкина суратни олди, кўзига яқин келтирди ва кўзларини шундай қисдики, сариқ тишлари иршайиб кетди.

— Таниёлмаяпман... Жа ёмон кўринвотти.

Прохор унга лупа берди. Дайди лупа билан қаради-да, деди:

— Гуноҳга ботишдан қўрқаман. Уша заҳар ичкилик эсимни олиб қўйди. Умасдир-ов... У — лўли эди...

— Ушанинг манави ерида сўғали йўқми?— деб Прохор чап бетини, қулоғи ёнини кўрсатди.

— Бор эди, бор эди...— деди дайди ҳовлиқиб.— Худди ўша ерида... Тўппа-тўғри эсимда!

Прохор дайдининг кўзига қаради, пича ўйлаб турди, кейин унга: «Ўтир!»— деди-да, ён дафтаридан бир саҳифани йиртиб олиб, ёза бошлади.

«Иннок. Фил. Шу хатни бергувчи Филипп Гупчакка этик, пайтава учун бўз, шим, икки жуфт ички кийим, пиджак, иккита кўйлак ва чакмон бер. Яна картуз, олтита дастрўмол».

У жирканиб дайдига бир қараб қўйдию «дастрўмол», деган сўзни ўчирди ва унга хатни берди.

— Эртага эрталаб соат саккизда магазинга борасан, вакил сенга кийим-бош беради. Соат ўнда инженер Протасовнинг олдига борасан. У сени ремонт устахонасига темирчи қилиб тайинлайди. Ойига ўттиз икки ярим сўм маош оласан. Овқат ёнингдан. Ҳозирча шу. Қолганини кейин гаплашамиз.

— Мен олтин бор ерларни биламан,— деди дайди маъюс тортиб, норози оҳангда.— Мен сенга, Петрович, истасанг ўша ерни кўрсатардим.

— Узоқми?

— Унчалик яқин эмас. Қум, баъзан ёмби учраб қолади, шундоққина юзада ётади. Фақат чатоқ томони бор: у жой устун билан ўралган, эгаси бор. Унинг қаердалиги номаълум, балки ўлиб кетгандир. Балки вориси йўқдир.

— Отда юра оласанми?

— Бўлмаса-чи! Нимаси қийин экан,— деди дайди стулда типирчилаб.

— Индинга эрталаб соат бешда тайёр бўлиб тур. Шу ерда, минорада.

— Устахона-чи? Инженер-чи?

Шу пайт арқон силкинди, қўнғироқча жиринглади. Прохор дераза олдига бориб, Федотичга қичқирди:

— Хўш, олтинми?

— Олтин!

— От!

Тўп гумбурлади. Дайди стулдан ағанаб тушди ва чўқинди, бўри акиллади. Прохор шойи дафтарга ёзиб қўйди. Яқун ясади. Дайди кетди. Бўри узоқ вақт унинг изини искади. Ҳаво бирпасда тозаланди. Прохор приставга телефон қилди. Наденька жавоб қилди:

— Улар уйда йўқлар, Прохор Петрович. Улар уч кунга қаёққаям кетдилар.

Прохор трубкани илди, сочларини ҳурпайтирганча соқолини тишлаб, хонада уёқдан-буёққа тез-тез юрди.

Нина овқатга чиқмади. Прохор беш яшар қизи Верочка билан овқатланди. Верочка учун бу кечки овқат. Жингалак-жингалак сочига попук қадалган қизча жуда оз овқат ер, зўр бериб иккита қўғирчоғи билан айиқча Мишкани овқатлантирар, дастурхонга шўрва тўкар эди. Унинг ёнида хомсемиз кекса энага Федосьюшка ўтирарди.

— Ма, ма, Мишка,— дейди Верочка.— Ҳозир сенга мол гўштидан қилинган кашаи чайнаб бераман. Ҳозир, ҳозир.

— Ҳа, ҳа! Мол гўштидан кашамиш!— Прохор қизини қўлига олиб, ўпди.

У юлқинади, оёғини типирлатади, бўйинини қисиб қичқиради:

— Ай, ай! Соқолинг тирнайди! Дадажон... Нега энаганинг соқоли йўқ, сеники бўлса ўсиб чиққан?

Энага ҳам кулади. Верочкани баланд тўқима стулга ўтқазиб қўяди.

— Дадажон,— дейди Верочка.— Биз энага билан қишлоқда меҳмон бўлдик.

Отаси индамайди.

— Дадажон! Ойим бугун роса йиғлади... Айт, йиғламасин...

— Овқатингни е,— дейди Прохор қовоғини солиб.

Нинага нима бўлганини Прохор билмайди, унинг эшиги берк, тақиллатиб кўрди, бироқ эшик очилмади. «Навбатдаги инжиқлик»,— деб ўйлади Прохор хуноб бўлиб ва эшик олдидан узоқлашди. Ҳар қалай, жуфти ҳалолнинг нима сабабдан ачиқланганини билса ёмон бўлмасди. Балки бирон-бир саёқ хотин алламбалосини ўғирлаб кетгандир, балки ёмон туш кўргандир?

— Дадажон!— бижиллашдан тинмасди Верочка ўзининг ва қўғирчоғининг бетига клюквали кисель суртиб қизартираркан,— Тунгус хотин келди... Чиройли, чиройли шунақа... Энагамдан ҳам чиройли.

Прохор сергак тортди.

— Верочка, маҳмадоналик қилма,—деди Федосьюшка ва қизариб кетди.

— Мен маҳмаданалик қилмаяпман, гапиряпман. Сен, дада, нега тунгус хотинни ўпдинг? У... У...

Энага шартта уни кўтариб олди-да, шиппагини шипиллатиб ётоқхонага чопганча кириб кетди. Верочка энага беркитиб турган оғзини очишга уриниб, калласини чайқатар экан, қичқирди:

— У... у... сенга пул... қол... дир... ди!..

Прохорнинг оғзидаги луқма бўғзида туриб қолди

Эшик ғийқиллади. Юзига упа чаплаган Нина кўринди. Унинг кўзлари қизарган. У стол ёнига келиб, талинкага ўн сўмликни ирғитди. Олтин танга бир оз чир айланиб, рақсга тушгач, талинкага ўзини ташлаб, тўхтаб қолди. Прохорнинг миясига қон урилди. У ўзини оқлашга тайёрланди

— Мана, Прохор Петрович,— деб гап бошлади Нина овози қалтираб,— бу ўн сўмни ўз даромадингиз тариқасида дафтарингизга ёзиб қўйинг. Яна бунга тўртта буғу териси, йигирмата олмахон мўйнасини ҳам қўшиб қўйинг. Сиз барча даромадларингизни пок, ҳалол йўл билан ҳеч кимни эксплуатация қилмай топгансиз.— Шу ерда Нина очикдан-очик кинояга ўтди.— Хўш, сиз манавиларни мислсиз уддабуронлик ва тантликл эвазига орттиргансиз, деса бўлади. Сиз ўзингизни сийладингиз, аёлни хурсанд қилдингиз, бу олди-сотти натижасида олтин ишлаб олдингиз. Айтгандек... Сизнинг ҳалоллигингизга мен ҳеч вақт шубҳа қилмаганман... Хўш? Унталик талинкада, терилар кабинетингизда. Энди... мени тинч қўйинг!— Нина юрагидаги

бор гапни бир йўла тўкиб солди-ю, юзини қўллари билан бер-
китганча, шоша-пиша ўз хонасига кириб кетди.

— Нина!— дик этиб ўрнидан турди Прохор.— Шу гапга ишондингми?!

Нина ўгирилди, бутун вужуди дағ-дағ қалтиради ва қўлида рўмолчасини ғижимлаганча қичқирди:

— Илтимос қиламан, мени тинч қўйинг!

Прохор кўксига кафтларини босганча, унинг олдига борди:

— Ниночка! Онг ичаман сенга, бунинг ҳаммаси ёлгон...

У Прохорга совуқ назар билан разм солиб чиқди, ундан нафратланиб, шартта орқасига ўгирилдию қарс этиб эшикни ёпди.

Чопқиллаганча Верочка кирди, у бахмал айиқчани панжасидан ушлаб судрар, ҳайрат тўла кўзларини бодрайтириб чуғурларди:

— Дадажон, қара, қара!.. Мишка ин қилиб қўйди... Унинг думи тагида қорни ёрилиб кетди...

Кулишга Прохорнинг ҳоли келмасди. У: «Ҳа, ҳа... тўппатўғри»,— деди-да, картузини кийиб кўчага чиқди.

Наденька билан пристав бинойидек яшашарди. Уйлари жуда катта бўлмаса ҳам жиҳозлари, идиш-товоқлари, парқу кўрпа-ёстиқлари, кийим-кечаклари етарли эди. Ҳа, бирон ерга, масалан, ертўлага талайгина пул ҳам яширишган эди.

Прохор приставнинг уйига лайлакюриш қилиб, шахдам қадам ташлаб кирди ва картузини столга ташлади. Бир вақтлар унинг отаси Анфисаникига шу алфозда кириб келарди. Бироқ у ерда муҳаббат учқуни милтиллар, бу ерда эса маккор Наденьканинг эҳтиёткорлиги ва унинг собиқ маҳбубининг нафрати жишва қиларди.

Дераза ортида август ойининг кечки пайтидаги қоронғилиги кўзга ташланади. Иконалар олдида учта шамчиरोқ ёниб турарди.

«Авлиёнамо иблислар»,— жирканч билан ўйлади Прохор уй эгалари ҳақида. Наденька дарпардани туширди. Унинг юриш-туришида ройишгина жонсарақлик. У: «Бемаҳалда Прохор нима учун келдийкин? Ёки яна мен билан яқинлашишни хаёл қилдимикин? Кошки эди!.. Ер ютсин у силлиқ тўнғиз Федор Степанич-ни, шайтон приставни!..»— деб бошини қотирар эди. Наденька исирға тақди, юракнусха олтинни бўйнига осди,— буни Прохор совға қилган эди,— лабини бўяди, қошини терди.

У корсет таранг қисиб турган биққи ёнбошини ўйнатиб, бўлиқ кўкрагини олдинга чиқариб, мушукдек ўйноқилаб Прохор ўтирган стол ёнига яқинлашди.

— Қандай иш юзасидан бу ерга келишни, Надянгизни эс-лашни ихтиёр этдингиз?

Унинг бежирим чеҳрасида айёрлик ниқоби, аёл кишининг найранги ва маккорлиги.

Прохор чурқ этмай унга тикилиб турди. Ҳа, албатта шунинг ўзи...

— Сўгал...— деди у овозини чиқариб.

— Сўгал?— деб сўради Наденька.— Мен уни йўқотаман. Доктор менга шама қилди: «Ширт этадию тамом — йўқ бўлади», деди.

У жаврай-жаврай диққат билан Прохорнинг юзига тикиларди. Мана, бирдан юраги шув этиб кетдию Наденька тисарилди, бурчакка, икона тагига бориб тек ўтирди.

— Сену пристав мана бу ердасизлар,— деди аста, лекин ички: зўриқиш билан меҳмон ва муштани тугиб, силкитди.

Наденьканинг стул тагидаги оёқлари майишиб кетди. У лабини ялаб сўради:

— Нима сабабдан биздек содиқ хизматчиларингизни қўрқитасиз?

Прохор оёқларини чалштириб, бошини Наденькага ўтирди.

— Мен сени ўша ерда, қинғир қарағай ёнида отиб ташлашим мумкин эди. Бироқ ўша аёл сен эканлигингни билмай қолдим, лўли деб ўйладим. Иккинчи бундай масхарабозлик қилма, кейин тайгада санқиб юрма...

— Гуноҳ эмасми? Қанақа лўли хотин? Нималар деяпсиз!..

— Сен ярим пуд олтинни ўмардинг. Сен ёлғиз эмасдинг, буни биламан. Мен ҳам сизлардан нарироқда гувоҳ билан тургандим. Боз устига, Филька Гупчак сўғалингни жуда яхши эслаб қолибди.— Прохор бош силкиди, кейин ёлғонни дўндиргани ўзига маъқул тушиб, тишининг оқини кўрсатиб тиржайди.— Бундай ишни пухта қилиш керак. Наденька, туя ютсанг думи кўринмасин. Нима, дайдини ўлдиришга қўлинг бормадими? Мана энди... Тумшугингдан илиниб ўтирибсан.

Наденька беҳуда айбентилган кишидек ўшшайиб ўтирарди: у худди итга дубо бўлган мушукдек ҳурпайиб, лабларини чўччайтирганча, кўзларини ясама ҳайратдан бақрайтирган эди. Юзини юмдалаб, додлаб, ёлғондан, ўзимни заҳарлайман, деб Прохорга шаллақилик қилишга журъати етмаётган эди. Узини оқлаш учун эса, важ-корсон кўрсатишга фаҳм-фаросати етмасди. У батамом ганғиб қолган, нима қилишини билмасди. Узининг бу тахлит саросимага тушиши билан кўзга аянчли кўринарди.

— Бор гап шу,— деди Прохор шўхчан.— Шунга келган эдим!— У ўрнидан турди, картузини кийди ва Наденьканинг қулоғига уни даҳшатга солувчи сўзларни шивирлаб айтди.— Хўп, огоҳлантириб қўяй, мен билан ўчакишманг... Ҳазир бўлинг. Буни Федор Степаничга ҳам айт... Эсингдан чиқмасин, айтиб қўй. Громов билан эҳтиёт бўлиб муомала қилсин. Йўқса, баъзан бераҳм бўлиб кетаман. Хўп, хайр, ҳозирча...

Наденька унсиз йиғлади, кўз ёшларини артмай гапирди:

— Бизни хафа қилиш учун бу гапларни ўйлаб чиқардингиз... Ёлғон сўзлаяпсиз.

— Ёлгон сўзлаяпман?— эшик олдига етган Прохор таққа тўхтади.

— Ёлгон сўзлаяпсиз, ёлгон, ёлгон!— Наденька вишиллаб, оғзидан тупук сачратиб, хезланганча Прохорнинг устига бостириб кела бошлади. Унинг кўзлари йиртқич ҳайвонникига ўхшаб кетди.

— Ёлгон сўзлаяпманми ҳали?— Прохор чўнтагидан гижимланган ҳаворанг ҳошияли кўк конверт чиқарди ва ичидан хат олди. Конвертда босма ҳарфлар билан пристав исму шарифининг бош ҳарфлари кўзга ташланарди: «Ф. А.»

Наденька ҳаммасига дарҳол тушунди ва қўрқув туйғуси томоғини ғиппа бўғди.

— Сен Филька Гупчакни алдаган бу хатни жиноят содир бўлган жойдан топдик. Бекорга сен бундай пала-партиш иш кўрдинг. Бу, ашёвий далил сифатида протоколга тиркаб қўйилган.— Прохор бу гапларни совуқ шивирлаб айтди-да, чўнтагидан саккиз буклоғлиқ бошқа қоғоз олди ва уни осмонда силкитди:— Мана ўша протокол.

Турган гапки, Прохорда протокол йўқ эди: қоғозга Илья Сохатихнинг беибо шеърлари битилган эди.

— Ким ахир... ким тузди бу протоколни? Федор... Степанич тузмагандир ҳар қалай?— деди Наденька овози қалтираб.

— Агар менга зарур бўлса,— Прохор «менга» сўзини чертиб гапирди,— унда пристав иккаланг протоколни ким тузганини прокурорнинг кабинетига биласизлар. Бироқ хотиржам бўлинг: Прохор Громов ҳеч қачон сотқин бўлмаган, бўлмайди ҳам.

Наденька Прохорнинг сўнгги сўзларини эшитмаёқ чаккасини чангалладию пиқиллаб йиғлаганча, кушеткага ўтириб қолди.

7

Кечаси билан шаррос ёмғир қуйди. У мистер Кук билан хизматкор Иван истиқомат қиладиган хос уйнинг тунука томини тарақлатиб чалди. Барин билан хизматкор ухлаб қолишган. Бунинг сабаби об-ҳавонинг бошқача келгани эди. Америкалик ниҳоят каравотидан сапчиб тушди-да, қичқирди: «Оҳо-ҳо-ҳо-ҳо!.. Ухлаб қолибмиз!» Сўнг апил-тапил трусигини кийди ва ориқ биқинига тирсақларини босганча оёғини қўлига олиб, чўмилишга чопиш ўрнига, ёмғирда уйининг атрофида югура бошлади. Унга қора бароқ кучуги эргашди, кейин қизиқиб яна иккита бегона ит қўшилишди. Мистер Кук итлар пойгасини бошқариб борар, ҳар куни ўзи югуриб бориб чўмиладиган дарёгача бўлган масофани босиб ўтиш учун уй атрофидан неча марта югуриши кераклигини чамалар эди. Тахминан саксон марта айланиши керак экан. Бунинг учун қанча вақт кетишини хаёлан ҳисоблаб чиққач, саришта ажнабий чор-ночор хизматга анчагина кечикиб боришлигини фаҳмлади. «Ахир бунга йўл қў-

йиб бўладими!» Унинг товонлари одатдагидан икки ҳисса кўпроқ йилтирай бошлади, ёмғир тезлашди, ивиб кетган итлар жаҳл билан Кукнинг бемаъни ишига акиллашди-да, ундан орқада қолишди ва силкингани бостирма тагига шалвираганча кетишди. Йигирма учинчи марта айланаётганида Кук қичқирди:

— Иван! Чой! Бутерброд! Тўртта!

Новча, чўтир, бир қайнови ичида Иван ошпаз, кир ювувчи ва малайлик вазифасини бажарарди. У хўжайинининг фармоишини эшитиб, ёмғирда костюмини расво қилгиси келмай емакхонада устидаги ҳамма кийимларини ечиб ташлади. Кейин ликопчага бир талай бутербродни ташлади. Кружкага ширин чой қўйди. Сўнг ликопчани кўтариб кўчага чиқди-да, хўжайини кетидан худди туяқуш сингари илдам югурди. Хизматкор жундор оёқларини икки томонга кулгили ташлаб, қалтис сакрарди. Дўконга ошиқиб кетаётган солдат хотини Фроська мистер Кукни танимай, лекин ўзини ўлдим-қўйдим деб ҳоли жонига қўймайдиган яланғоч Иванни дарҳол таниб, чиққириб юборди ва ёрдам сўраб чоғиб кетди:

— Меҳрибон одамлар! Войдод!.. Менинг Ванькамни шилиб кетишибди. Қанақадир ўғри!

Бу орада мистер Кук орқасидан жони борича югуриб келаётган хизматкорининг нафасини сезиб, ҳазил-мазах учун чопиш суръатини оширди: унинг маймунники каби жунли ва япасқи оёқларининг кафтидан сув зарраларни сачрарди. Хизматкор ҳам тезликни оширди, бироқ тўсатдан сирганиб кетдию чалпақ бўлиб тушди. Итлар кўз очиб-юмгунча ютоқиб пишлоқ, булка ва колбасани пок-покиза туширишди.

— Мана кўрдингизми, жанобийлари, бу ер ноқулай, уйга марҳамат қилинг,— деди хизматкор зарда билан.

Эллик тўққиз марта айланганидан кейин мистер Кук чошидан тўхтади. Йўловчи кампирларнинг ҳиринглаб кулишларига парво қилмай хизматкор билан барин ҳаллослаганча уйга киришди.

Етти минутдан кейин мош ёқан хўроздек қип-қизил, ҳаяжонга тушган мистер Кук дарвозада кутиб турган аравага ўтирди-да, ишга жўнади.

Ёмғирда совқотган Иван чой ичиб исиниб олди-да, хўжайинининг фланель халатини кийди ва уйни йиғиштира бошладди. Ёзув столида гиж-гиж қоғоз, катак-катак қилиб чизилган рулон ва ватман. Столнинг чангини артиш керак, бироқ Иваннинг юраги дов бермас эди бунга. У тошойна олдига келди, ўзининг манглайи паст, икки чеккаси ботиқ юзига мистер Кук қиёфасидагидек мағрур тус берди-да, ўзига-ўзи бармоғини ўқталиб, хўжайинининг овози билан деди:

— Сен, итвачча, стол устидаги ҳеч нарсага тегма! Уқдингми? Аҳмоқ...

Вақт сероб, барин соат еттига келади. Иван ёзув столи олдидаги креслога талтайиб ўтирди. Уришганида пачоқ бўл-

гаи эгри бурнига пенснени қўндирди-да, лабини қийшайтириб қичқирди:

— Иван! Ботинка...

— Учир нафасингни!— деди Иван бунга жавобан ўз овози билан.— керак бўлса, ол, бадбуруш немис, иблис америкачи!

— Иван! Русча тумшуғинга соламан...

— Солиб кўр-чи. Абжагингни чиқарарман, шайтон... Карам шўрванг билан кашангга бир тупуриб ташлайки... Еявер!

— Иван! Устингдан мистер Громоффга шикоят қиламан.

— Тупураман ўша сенинг мистер Громоффингга! Сенга у мистер, менга эса ҳеч нарса! Лйтмоқчи, хабаринг борми, сен немис америкачининг ўша мистер Громоффинг хор бўлади, ишташлаш уюштирмоқчимиз. Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз— уқдингни? Сен бир қарагин-а, ёстигимда қандай бамаъни қоғозлар бор... Юрагинг ёрилиб ўласан!..

Иван пенснени олиб ташлади, оғзини очди, қулоқ солди. Емакхонада идиш-оёқ тарақлади, бароқ кучук стол устига чиқиб олиб, котлет учун қилинган қиймани туширарди.

Прохор шундай ёғин-сочинда Филька Гупчак билан сафарга чиқаётганига ўкинди. Бироқ у ўз қарорини ўзгартишни ёмон кўрарди. Йўл оғир эди, тайгадан тўппа-тўғри юришарди, сўқмоқ йўқ эди; дайди сезгирлигига ишонар, Прохор буссолдан¹ фойдаланар эди.

Ҳозир қоқ пешни, лекин тайга ғира-шира қоронғи. Ёмғир тиняпти, осмонда мовий ялангликлар очилди, мана, қуёш нури олмос зарралари билан хийла вақт янги ювилган тайгани чароғон қилди. Атроф гўзаллашиб кетди.

Етти соат мобайнида атиги қирқ чақирим йўл босишди. Отлар ҳолдан тойди. Бу ерлардан отнинг ўтиши маҳол, айиқ хўжайини бунда. Фақат у тўнтарилиб ётган, нимқоронғиликда ўрмон махлуқларига ўхшаш ярим чириган тўнкалар, ичи ковак гўлалар— уларнинг бағридан ёш ниҳол голибона бўй чўзмоқда,— бўрон қулатган ва устма-уст қалашиб ётган мингларча дарахтлар оралаб илдам юриши мумкин. Лекин ҳеч қандай от, ҳатто афсонавий Ғирот ҳам бу ерлардан бемалол ўтолмайди. Буларнинг ҳаммаси устини қушқўнмас дўлана, итшумурт, отқулоқ қоплаган, онда-сонда тўп-тўп замбуруғлар қизариб туради. Одамбон жой эмас бу, ҳатто қуш ҳам кўринмайди, фақат қизилштон учиб қолади, холос. Бу ерда айиқ хўжайини, дарахтлар учида эса олмахон югуриб юради.

Езги жазирама, ҳаво ниҳоятда дим бўлган чоғларда қадам етмаган бу ўрмон қабристони узра замин чиришининг алоҳида бўйи қалқиб туради, бундан қулоқ шанғиллайди, бош айланади. Бундай жойдан тезроқ очиқ майдонга қочгинг келади!

¹ Буссоля — геодезияда ўлчов асбоби.

Мана, тайга охирлаб қолди. Йўловчилар сертош дарёча Камаруханинг ўзанидан кета бошлашди. Бир кеча ётиб, яна кун бўйи юришди.

— Ҳозир етамиз,— деди дайди.— Дарёчанинг бошигача бу ердан ўн чақирим. Уша ерга устуилар қоқилган.

Тутун кўринди.

— Худди ўша ернинг ўзгинаси... Олтинга бой...— деди Филька Гупчак.

— Бу ерда бута орқасидан бизни отиб ташлашмайдими?— деб сўради Прохор милтигини қўлга олиб.

— Йўғ-э, ўлибдими,— деди дайди ишончсиз оҳангда.— Албатта ўғри-муттаҳамга ишониб бўлмайди... У ножинслар бераҳм, баттол.

Прохор ўзи билан бирга икки-уч соқчи олиб келмаганига ичиди ачинди. Сўнг ҳовлиқиб қолди.

— Тезроқ кетайлик. Кечасига қолмай уйга етиб олайлик.

— Мен сени бу ердан ўз конингга олиб чиқаман. У ерда йўл бор, қоронғи тушмай уйга етиб оламиз.

Дарёча ёнида иккита серсоқол жулдурвақи уймаланишарди. Уларда тахтадан қилинган, вашгердга¹ ўхшаш, олтинли қумни ювадиган қўлбола асбоб. Тахта кажавага қум ағдарилади, уни замбилғалтақда учинчи жулдурвақи олиб келади, қолган иккитаси катта чўмичда қумга сув қуйди. Сув кажави тагига нишаб ётқизилган дағал матодан қумни оқизиб кетади. Олтин зарралари матога ёпишиб қолади, кичкина-кичкина ёмбилар эса мато тепасига, бир газча оралиқда кажавага кўндаланг қоқилган тахтачага илиниб қолади.

Прохор салом-алик қилди. Олтин изловчилар ишни тўхта-тишди, қумдан яна учтаси келди. Уларнинг қўлларида дастаси калта темир белкурак.

— Қим бўласизлар? Нима қилиб ўралашиб юрибсиз бу хатарли овлоқ ерларда?— деб сўради бир кўзи кўр олтин изловчи.

— Биз Громовнинг саркорларимиз,— деди Прохор.— Громов ҳақида эшитганмисиз?— мақтанчоқлик билан сўради у.

— Эшитганда қандоқ! Эшитганмиз... Фирт ҳайвон,— дейишди олтин изловчилар тагдор қилиб ва бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди.

Прохор ўсал бўлди. Баҳслашмоқчи бўлди-ю, лекин қўрқди. Уларни қўрқитиш ниятида сўради:

— Сиз, азаматлар, кўрмадингизми, бизнинг беш нафар соқчимиз шу ерга келиши керак эди?

Олтин изловчилар яна кўз уриштириб олдилар-да:

— Йўқ,— деб жавоб бердилар.

¹ Вашгерд — қумни сувда оқизиб олтинга бой қисмини ажратиб оладиган асбоб.

— Олтиннигиз бўлса, мен сотиб оламан,— деб таклиф қилди Прохор.

— Борликка бор-а... Пулнигдан қандай наф? Пул тайгада ҳазон билан тенг! Бизга энгил-бош ва овқат керак. Мана, сен спирт ёки бир жуфт қиз олиб келганигда... Менга қара, савдогар, чарм чопоннигни еч, олтинга алмашамиз. Бизга керак...

Прохор кўнмади.

— Унда милтиғингни алмаштир.

Филька Гупчак шипшиди:

— Кетдик, хўжайин...

Отлар йўртиб тайга ичига киргач, олтин изловчилар қулоқни қоматга келтириб даҳшатли ҳуштак чалдилар, қайсинисиям қичқирди:

— Ўқдан қўрқ!.. Уткинчи...

Прохорнинг эи увишди: у олтин изловчилар «икки оёқли ҳайвонни» овлашлари ҳақида кўп ҳикоя эшитган эди. Филька Гупчак унга тасалли берди:

— Қўрқма... У қоchoқларда белкуракдан бошқа ҳеч вақо йўқ,— у шундай деб Прохорни тўсганча орқада кела бошлади.

Тез орада давлат герби туширилган, ярми чириган устун қидириб топилди. Прохор олтинли жой чиндан ҳам кимгадир қарашли эканлигини тушунди. У ёнига танобчи ва ишчиларни олиб бу ерга келишга қарор қилди. Зеро янги чегара олиш ва ўз номидан ариза бериш ниятида эди.

Филька Гупчак энди олдинда борарди. Жойнинг тоғли рельефи кескин ўзгарди. Тошлоқ тепалар, серқовурга қоялар дуч кела бошлади. На кедр, на арча кўринар, қаёққа қараманг, қарағайзор эди. Юриш осон эди. Бироқ икки соатдан кейин қош қорая бошлади. Бу тарафларда Прохор биринчи марта бўлиши.

— Сенингча, бу ердан менинг «Қидириб топ» конимгача неча чақирим келади?

— Уттиз чақиримдан ошиқроқдир-ов.

Чоғроқ ялангликда тўхташди, отларни боқишди.

— «Шайтон кулбаси» ёнидан ўтамиз,— деди дайди.

— Эшитмаганман бунни.

— Ҳозир кўрасан... Бу бир деразали кулба қоянинг нақ чўққиснда туради... Баъзан унда чироқ милтиллайди, мўридан тутун буруқсайди. Айтишларига қараганда, у ерда қандайдир серсоқол лўли ва у билан бирга тилсиз пакана одам яшармиш. Лўли уни занжирда тутармиш. Улар у ерда қалбаки ўн сўмлик, тилла пул яшармиш. Уша лўли қароқчимишми-ей, сеҳргармишми-ей... Бошқалар эса, кулбада аждаҳо, жин яшайди, дейишади. Ёлғиз, боз устига, крестсиз у ерга бора кўрма ё қўрқитиб юрагингни ёради, ё йўлдан адаштиради. Бизнинг ўғрилардан баъзилари ҳеч нарсани билмай кулба ёнидан ўтишади... Шу билан бошларига етишади... Шу кетганча бадар

кетишади. Шунақа, жиг рғушам, Прохор Петрович, ана,— дайди аланглаб қаради, бир оз ўйлаб турди-да, деди:— Ҳадемай кўрамиз... Крест бўйнингдами?

— Ҳа. Узингда борми ишқилиб?

— Бўлмаса-чи! Чўқинтиришганидан бери тақаман. Чақа-лоқлигимдан.

Прохор илжайди, кейин хахолаб кулиб юборди.

— Одамларни ўлдирганинга крест ечиб қўйганмисан, нима бало?

Дайди пишқирди, қош-қовоғини уйди, истамайгина жавоб берди:

— Менга қара, бунн эсимга солма. Утган ишга салавот.

Прохор ҳам қовоғини солди:

— Бекор...

— Нега бекор?— унга тунд башарасини ўғирди дайди.

— Арши аълога барибир киролмайсан. Ҳа, айтиш мумкин-ки, унинг ўзи йўқ. Лекин нима қилганда ҳам бу йўлда мен адашиб сенга умид боғлагандим.

Филька Гупчак дарҳол хўжайиннинг мақсадини англади, узангига оёқ тираб эгардан турди-да, қизиқ суҳбатни бемалол давом эттириш учун устидан архалугини ечди. У бинийдек кийинган, сочи олинган, юз-қўли тоза, қиёфасида дайдиларга хос ҳеч нарса қолмаган эди.

— Эҳ, жигарғушам!..— деб хўрсинди у.— Тушунаман, тушунаман. Лекин Филька Гупчак бундай дейди: қотил Филька динга қаттиқ ишонади. *Буйруққа биноан одам ўлдириш бошқаю ўз ихтиёри билан қароқчилардек одам ўлдириш бошқа.* Филька Гупчак буйруққа биноан ҳар қандай одамни ўлдиради, пинагини ҳам бузмайди... Бу гуноҳ унчалик арзигулик эмас, уни ювишдан осони йўқ, худонинг одамга марҳамати мўл... Одамни ўз ихтиёри билан хоҳ катта, хоҳ кичик тама орқасидан ўлдириш гуноҳи азим... Унда худо тавба-тазарру қилишга имкон бермаса, қотил дўзах ўтида куйиши муқарар... Ана шунақа, тақсир... — Дайди картузини пешонасига бостириб кийди, асабий эснади ва шоша-пиша ўзини чўқинтирди.

Ёлланган қотилнинг шу тахлит ўзини оқлаш ғояси, масъулиятни ёлловчининг зиммасига юклаши Прохорни қизиқтириб қўйди. Дайдининг: «Ёлла, ўлдираман», деган ақидаси тошга ўйилган нақшдек Прохорнинг юрагига муҳрланиб қолди. Қанлайдир ҳадик-ҳавотирли ҳайрат билан дайдига бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Юраги увушди ва ўз ишлари, кирдикорлари ҳақида қаттиқ ўйлаб қолди.

Чурқ этмай яна беш чақирим йўл босишди. Дайди бирдан бўкириб юборди:

— Қара!— шундай деб қўлини шартта кўтарди.— Ҳув, ана «Шайтон кулбаси», чироқ ёниб турибди.

Унг томонда нимқоронғиликда сурранг улкан тош кўзга ташланарди. Еввойи қоя осилиб деярли тиралиб турарди. Про-

хор дурбиндан қаради: қоянинг қир учида кулба, деразасида чироқ милтирайди. Йўловчилар отларга қамчи босишди. қояни айланиб ўтишди. Унинг қирралари яланғоч, силлиқ, минг йиллик шамол сайқал берган, тепага чиқишнинг ҳеч иложи йўқ.

— Уёққа қандай чиқишади? Нарвоими, арқонми бўлсаям баҳарнав эди,— деб ҳайрон бўлди Прохор.— Ҳар ҳолда ким яшаркин у ерда?

— Ҳали айтдим-ку сенга... Қароқчи лўли билан пакана одам. Аниқроғи, ажина, аждаҳо. Мўридан учиб чиқади...— Филька Гупчак шундай деб қулочини кенг ёзиб ўзини чўқинтирди.— Сен ҳам ўзингни чўқинтир!— деди у жаҳл билан Прохорга.

Прохор:

— Ҳозир чўқинтираман,— деди-да, қоядан сал нарига борди ва милтиқдан деразага ўқ узди. Чироқ ўчди. Йўловчилар «Қидириб топ» конига яқинлашиб қолдилар. Секин, тимирскиланиб юришди. Агар ёввойи мушукникидек ўткир кўзли Филька Гупчак бўлмаганда тайгада тунаб қолишларига тўғри келарди. Тўсатдан тумшуқлари тагидан бир отлиқ чиқиб қолди.

— Кимсан?!— деб қичқирди Прохор.

Отлиқ басавлатгина отини тўхтатди ва ўзини ён томонга қоп-қоронғи ўрмонга урди.

— Ҳей, кимсан?— деб қичқирди яна Прохор ва милтиғини отишга ҳозирланди.

Жимжит. Фақат олисда шох-шабба гичирларди.

— Зўр от эканми!— деб томоғини тақиллатди Филька.— Сенинг буғунг нима деган гап... дардисар. Ким бўлди экан-а у? Прохор индамади, бироқ муғамбирона кулиб қўйди.

«Қидириб топ» конида ётиб қолишди. Тонг отмасдан ўринларидан туришди. Прохор жуда шошиларди. Отларни оппоқ кўпириб кетгунча чоптиришди. Уйга пешинда етиб келишди. Прохор ечинмай тўғри телефон олдига борди:

— Алло! Наденька, сенмисан? Салом... Нима, Федор Степанич қайтгани йўқми ҳали ҳам?

— Уйда, уйда. Бу сафар, Прохор Петрович, адашдингиз,— деди қиқир-қиқир кулиб Наденька.— Федор Степанич кеча кечкурун келдилар. Чақириб берайми?

Прохор боши қотиб, қарс этиб телефон трубкасини илди.

8

Прохор Громов корхонасининг бош инженери Андрей Андреич Протасов хўжайинга қарашли икки қаватли ёғоч уйнинг юқори қаватидаги квартирада турарди. Унга уч хона, емакхона, ваннахона ва хизматкорхона ажратилган эди. Хўжайин уни азборойи қадрлаганидан унга бутун бошли бир қаватни, ҳатто уйни ҳам берарди-я, лекин Андрей Андревич бўйдоқ ва табиатан ҳаётда камтар бўлгани вазидан квартирани ўзи танлаган эди.

Емакхонада ошпаз, сибирчасига — пазанда Секлетинья, уй юмушлари билан поляк оқсоч, ёш, оқбадан Анжелика машғул.

Хоналар ёруғ, кенг-мўл, деразалари жанубга қараган. Улар озодалиги, саришталиги, орасталиги билан кишини лол қилади. Оқ мой бўёқ билан бўялган деворлари кўзни олади, мойланган поли ярқирайди. Катта-катта деразаларда ва эшикларда на дарпардалару, на қалин газламадан қилинган пардалар. Мебель оз ҳам эмас, кўп ҳам. Улар кедр дарахтидан Протасовнинг чизмалари бўйича Громов устахоналарида ясалган. Улардаги услубнинг негизи тўғрилиқдир. Булар ўзида муаллифнинг хулқ-атворини акс эттирган. Деворлар яланғоч, Андрей Андренч уларга, масалан, нақшнкор талинками, биронта безак қоқса ҳам бўларди. Йўқ, деворлар чиннидек тоза, ифбатли. Фақат кабинетидагина пастель билан чизилган онасининг Павлов замонидан қолган кўҳна зарҳал ромдаги сурати, катта, узунасига икки газ. Урал заводларининг фотопанорамаси — инженер Протасов бу ерда бундан ўн йил олдин ишлаган, яна Карл Маркснинг Лейпцигда ишланган гелиографюраси.

Китоб жавони катта. Китоблар кўп эмас, лекин овлоқ жойга бориб қолган маданий одам учун зарур барча китоб бор.

Протасов навқиронлигида, Уралда хизмат қилган кезлари унда Строганов чизган ноёб иконалар коллекцияси бўларди. У буларни Уралдаги миллий музейга тортиқ қилди. Поморлар ишлаган бир иконани буёққа, Нина Яковлевна Громовага ҳадя этиб келтирди. Кабинетида Шредер пианиноси, Андрей Андренч «Марселеза», «Интернационал» куйларини дурустгина чалади. Умуман, у пианинони тингиллатишни хуш кўрарди. Баҳор келиб, қуёш нурлари остида томчилар чак-чак томганда ва ўрмон уйғона бошлаганда инженер Протасовнинг қалбида ҳам кишини сархуш қиладиган аллақандай садо пайдо бўларди, бундай чоғларда у соатлаб «Қорқиз»ни чаларди. Куйлашни севарди-ю, лекин оҳангини эслаб қолиш қобилияти йўқ эди; Нина Яковлевна: «Қулоғингизни айиқ тишлаган», деб уни кулги қиларди.

Катта ёзув столи саришта, мистер Кукникидек чизмалар ва ишлар уйилиб ётмайди, бир неча фотосурат қўйилган, холос, булар орасида Нина Яковлевнанинг балда кийиладиган, ортиқ даражада кўкраги очиқ кўйлакда тушган расми ҳам бор. Бронза ромга солинган бу расми инженер Протасов бошқа расмларнинг ўртасига қўйишга интилади, Анжелика эса стол устини йиғиштираётиб ҳар сафар уни четга олиб қўйишнинг пайдан бўларди. Протасов ўртага қўяди, Анжелика чеккага.

Худди шундай замонавийлаштирилган бронза ромда ёш муаллима Катерина Львовнанинг портрети. Бу портрет Нинанинг расми билан ёнма-ён қўйилган. Лекин аҳён-аҳёнда қадам ранжида қилган кезлари Нина Қэттининг портретини қаёққадир четга суриб қўяди. Нинанинг бу қилмишини ўзича тахмин қилган Протасов у кетиши билан портретлари жой-жойига

қўйиб қўяди. Яна икки портрет ёнма-ён бўлиб қолади. Бу аёллардан қайси бири инженер Протасовнинг қалби тўридан жой олганини биз ҳозирча билмаймиз, аммо уларнинг ҳар иккиси бу қалбдан ўрин олгани аниқ. Бунга биз кафолат бера оламиз.

Биз яна бир сирни очишимизга тўғри келади, зотан ўйлаймизки, бу инженер Протасовга зиён-заҳмат келтирмайди. Бордию кабинетда ерга ўтирилса, катта печь билан девор бурчагида печнинг кошиларидан бирининг ён томонида аранг кўз илғайдиган иккита тешик борлигини кўриш мумкин. Бу тешикларга махсус темир илмоқ тиқиб, аста кошинни кўчириб ола бўлади. Шунда кичкина, бироқ нолегал нарсаларни сақласа бўладиган туйнук очилади. Бу яширин туйнукда анча-мунча ҳар хил нарсалар: брошюралар, мурожаатномаларнинг гектографда босилган оттисклари, варақалар, партия пули йиғилган қоғозлар, хатлар бор эди.

Мазкур махфий нарсаларнинг аксари қисми Протасовга Питердан, Москвадан, баъзан чет элдан келтирилар ёки олиб келиб берилар эди. Турган гапки, почта орқали эмас, содиқ одам келтирар эди. Мисол учун Протасовнинг таклифи билан чақиртирилган чизмакаш, техник, слесарь, акушерка келарди ва шу билан иш ҳал бўларди-қўярди...

Ҳатто яқингинада хайр-садақа сўраб бир роҳиб келди, роҳиб ҳам эмас, дарвиш. Чанга беланган, ҳориб-толган, ёш, ихчам соқолли юзидан сохта тақводорлик ифодаси. Кабинетга бостириб кирди, Карл Марксга қараб чўқинди ва хўрсинди.

— Андрюхин сиз бўласизми?— деб сўради у Протасовдан.

— Хўш, хизмат?

— Мана сизга махфий хат.

Инженер Протасов хатга кўз югуртириб чиқди, жилмайиб деди:

— Ўтиринг, ўртоқ,— кейин эшикни қулфлади.

Дарвиш ҳассасини бурчакка тираб қўйди, тепасига клеенка крест тикилган тўрвасининг оғзини ечди ва Протасовга бир тўн брошюра, қоғоз ва пул берди.

Тўрвада ички кўйлақдан ташқари, кичкина иконалар, крестлар, меҳроб ёнида ёқиб қўйилган шамдан олинган шифобахш мой солинган шишачалар, тиш оғриғини қолдирадиган пахта. Ердан, дарёдан келтирилган майда тош бор эди. Дарвиш билан Протасов буларни кўздан кечирди экан, секин кулимсирашди.

— Оташ аравада юрдим, кейин тўрт юз чақирим пиёда йўл босдим, манави матоҳни рўқач қилдим. Йўлда эса, турган гап, баъзи нарсаларни уқтирдим. Спасскда оз бўлмаса урядникка топшириб юборай дейишди.

— Фабрикаларда аҳвол қалай? Умуман...

Дарвиш Протасовга анча нарсаларни гапириб берди. Пойтахтларда, Уралда ва жанубда ишчилар ҳаракати кучаймоқда. Ишташлашлар бўлди, баъзи ерларда одамларни отишди. Қишлоқ ҳам ер ва эркинликни кутмоқда. Давлат думасидан ҳеч

нарсани умид қилншмайди: гап кўп, ҳамён бўш. Саройда Гришка Распутин, сибирлик мужик, от ўғриси пайдо бўлди. Тахт лиқиллаб турибди. Шаҳаншоҳ Никола гангиб қолган. Қисқаси, ҳадемай революция. Дарвоқе, янги адабиётни ўқисангиз, ўзингиз иқрор бўласиз...

Протасов шодон кулар, сочларини тўзгитар, кабинетда уёқдан-буёққа югурар, тинмай чекар эди.

— Михайлов Питердами?

— Уша ерда, ўша ерда. Путилов заводида.

— Қачон қайтасиз?

— Шошаётганим йўқ. Олдин сизнинг ишчиларингиз билан гурунглашаман, кейин давлат заводида, ундан темир йўл устахоналарига бораман. Мен яна учта махфий ерга боришим керак. Эртага сизнинг ҳузурингизга Александр деган ёш йигит келади. У техник Матвеевникида тунаб қолади. Уша йигитга қанча пулингиз бўлса ҳаммасини беринг. У эртага Русга қайтиб кетади.

— Мен унга тўрт минг сўм беришим мумкин.

Вақт алламаҳал бўлиб қолди. Инженер Протасов дарвишни емакхонага бошлаб чиқди-да, ошпаз хотинга тайинлади:

— Ҳазрат Геннадийни худо берган ноз-неъматлар билан сийланг. Кейин бирор ерга, ваннахонагами похол тўшак ташланг. Ётиб ухласин.

Протасов кабинетига қайтди, тонг-саҳаргача дарвиш келтирган материалларни кўздан кечирди. Одатдаги ўз дастхатига ўхшатмай Александрга топшириш учун бир нечта мактуб ёзди ва ухлагани ётди.

Ҳазрат Геннадий эса емакхонада иштаҳа билан овқатланди, аёлларга диний китоблардан ҳикматлар келтирди.

Протасовнинг кабинетига бу учрашув яқингинада содир бўлди. Ҳазрат Геннадий бу ерда бир ҳафтача турди, уч кун мобайнида у ўзини художўй дарвиш қилиб кўрсатиб тақводорлиги билан Нина Яковлевнани мафтун этди ва ҳадди сиғиб, таёгини паркет полга урганча, Прохор Петровичга дағдага қилди:

— Золим, золим! Сен ўз ишчиларинг гамини емайсан... Сен уларни ўз фарзандларинг деб билмоғинг даркор... Сен уларга нима беряпсан, нима билан боқяпсан, қандай каталакларда тутяпсан?.. Ноинсофсан! Сени дуои бад қиламан.

— Қилсанг, қилавер,— деди Прохор пинагини бузмай ва хотинининг олдида жанжал чиқаришни истамай жўнаб қолди.

Дарвишнинг кейинги тақдири бундай. У ишчиларнинг кватираларига, деҳқонларнинг кулбаларига кирди. Динни тарғиб этиб, орқаворатдан Прохор Петровични кўп тупроққа қорди, шама-замзама гаплар билан ишчиларни ишташлашга чақирди. Прохорнинг буйруғи билан пристав роҳибни қўлга олиб, уйига бошлаб келди. Бироқ ҳазрат Геннадий суханварлик қилиб тавфиқ-диёнат ҳақида шундай ҳикматларни сўзладики, Наденька азбаройи кўнгли бузилиб кетганидан ўпкаси тўлиб йиғлаб

юборди. Ҳазрат Геннадийни эсон-омон қўйиб юборишди, пристав Прохорга роҳибга шунчаки тухмат қилишибди, деб маълумот берди. Уша дарбадар ҳозир қаерда? Буни на Протасов, на биз биламиз.

Бизга маълум нараса қуйидагича.

Бир куни шанбада, август ойи кеч оқшомида инженер Протасов макинтош кийди ва Анжеликага:

— Мен идорага мажлисга кетяпман. Кеч қайтаман. Кутмаи-лар, ётаверинглар,— деди.

— Кечки овқатдан олиб қўйайликми?

— Бир товоқ қатиқ бўлса кифоя.

Қоп-қоронғи. Мастлар кўлмакларни шалоплатиб шарпадек илдам суринишарди. Протасов ярим чақиримча юриб, қуриб битказилмаган ёғоч уй ёнида тўхтади-да, зулматда электр фонарини ёқиб-ўчира бошлади. Битта папиросни чекиб, иккинчисини ёндирди. Аллаким унинг ёнига писиб кела бошлади. Протасов фонарни уч марта милтиллатди. Шунда ҳалиги одам Протасовга бемалол яқинлашди ва секин сўради:

— Ўзингизми, жаноби олийлари?

— Уялмайсизми, Васильев,— деб Протасов ҳам секин жавоб берди.— Уят эмасми?!

— Айбдорман... одат... Юринг, ўртоқ Протасов. Ортимдан дадил юраверинг... Мен йўлни яхши биламан.

Кўлмакка йиқилиб тушмаслик учун четан деворни ушлай-ушлай кетишди, икки марта тўсиқдан ошишди, аҳоли ўрнашган жойга ёриб кирган тайгадан ўтишди, чоққина дарёча ўтган водийга тушишди. Ниҳоят, чуқур жарга бурилишди, бу ерда юз кишилик катта, ташландиқ барак бор эди. Ҳозир бу ерда кўршапалаклар гужғон ўйнарди. Аҳён-аҳёнда, техник Матвеевнинг таъбири билан айтганда, мазкур барак революцион кайфиятдаги ишчилар учун «эркин университет» вазифасини ўтарди. Бу ер кимсасиз, хавф-хатардан холи эди.

Андрей Андреич эҳтиёткорлик билан баракка тушди, қоронғи зимистонда чироқ милтилларди. Протасовнинг келганини ҳеч ким пайқамасди: барак ичи зулмат қўйнига чўккан, техник Матвеев сўзларини қоронғи зимистон ютиб юбормоқда эди.

— Шундай қилиб, ўртоқлар, тўққиз юз бешинчи йилдаги иш ташлаш қандай оқибатга олиб келганини билдингиз. Бу биринчи босқич, рус революциясининг илк ёнғини эди. Иккинчи ва сўнгги босқич қачон келишини келажак кўрсатади. Бироқ умид қилиш керакки, ўртоқлар, бу тез орада келади.

Матвеев паст овозда, шошилмай, ҳар жумладан кейин тили олиб гапирар, бу билан ишчиларга сўзларининг маъзини чақишларига имкон берар эди. Унинг боши ва юзи тоза қирилган, у беўшшов, юзлари лўппи, қандайдир дўмбоқ эди. У ўттиз ёшда эди.

— Ўртоқ Матвеев!— деган овоз янгради.— Сен ўтган сафар биринчи мартчиларни қандай қатл этганларини батафсилроқ

ҳикоя қилиб беришни ваъда қилган эдинг. Бу нимадан бозланди ва қай йўсинда... Бизларга жуда қизиқ...

— Ҳозир тушунтираман,— деди Матвеев шамнинг куюндиларини ҳўл бармоғи билан нари суриб.— Демак, ўртоқлар, воқеа бундай бўлган эди...

Чироқ ёрқинроқ шуъла соча бошлади. Протасов дуч келган нарса устида ўтирган ишчиларнинг юзларига тикилиб қаради. Улар элликтача эди. Ёшлар, ёши қайтганлар ва икки нафар чол бор эди. Улардан бири баржада водолив¹, иккинчиси — Нефед Кусков пристанда қоровулбоши бўлиб ишларди. На болалар, на хотин-қизлар кўринарди. Мажлисида Громовнинг корхоналарига қарашли артеллардан сайланган вакиллар қатнашмоқда эди. Иш жойларида, баъзан баракларда ими-жимиди ўтказиладиган суҳбатлар илгари ҳам бўлиб турарди. Бироқ бу тахлит вакилларнинг уюшган мажлиси бу ерда биринчи марта, тажриба тариқасида ўтаётган эди. Бугун кечаси инженер Протасовнинг шахсан таклиф этилиши бежиз эмасди. Протасов гарчи ҳаммавақт махфий, пинҳона иш тутса ҳамки, одамларнинг иззат-ҳурматларига сазовор бўлган эди. Ишчилар унинг ҳамма ишга дахли борлигини тахмин қилишар, шу боис Протасов биз билан бирга деб билишиб, ўзларини бардам ҳис этишар, ҳар қандай душманни енгилга қодирмиз, деб ишонишар эди.

— Бурчакда ўтирибди, бурчакда ўтирибди... Ҳув ана,— деб ишчилар шавқ-завқ билан шивирлашди қоронғиликда Протасовни имлаб кўрсаташар экан. Нефед чол ҳатто кўёш ҳам қилиб олди. Протасовга калласини лиқиллатди ва кўнглидан чиқариб: «Раҳмат, барин», деди. Буни у Протасов эшитмайди деган ҳаёлда аста, сидқидилдан айтди. Чол «барин»ни жон-жон деб ўнгиси, миннатдорлик билан бағрига босгиси келди: худди ота ўз ўғилларининг олдига келгандек бош инженернинг бу ерга қадам ранжида қилиши кўз кўриб, қулоқ эшитган ҳолми? Ҳеч-да!

Техник Матвеев эса ҳамон тинмай гапиряпти. Шивир-шивир тинди.

Россияда революцион ҳаракат тарихи тўғрисидаги гапларини тугатгач, Матвеев соатига қаради ва сўради:

— Саволларингиз йўқми, ўртоқлар? Суҳбатимда англашилмаган баъзи нарсалар бордир балки? Сўранглар. Гаплашамиз...

— Саволлар, албатта бор,— деди ёш слесарь Петр Доможиров, яширин оқартув тўғарагининг энг тиришқоқ ўқувчиси.— Лекин ҳозир уларни бир чеккага қўя турамиз, жуда қисталанг эмас. Мана, биз Андрей Андреични кўриб турибмиз. Бундан ташқари бу ерга нима мақсадда келганларини ҳам тушунамиз. Биз ўртоқ Протасовнинг гапларини эшитишни истардик.

¹ Водолив — кемаларда масъул ишчи.

— Сўраймиз! Сўраймиз!.. Истаймиз!— деган овозлар ва ғайриоддий қарсақлар янгради, аксари ишчилар бунинг маънисини тушунишмас, ammo шундай бўлса ҳам қарсақ чалишар эди. Ҳамма ғимирлаб қолди. энтикди, юзларда табассум жилва қилди.

Протасов ёниб битган шам ёнида туриб сўзлади:

— Ўртоқлар! Ўртоқ Матвеев бизга биздаги ишталани билан Ғарбдаги, яъни чет эллик пролетар дўстларимизнинг ишташлаши аҳамияти ҳақида гапирди. Ишташлаш ишончли қурол, лекин иш ташлаган ишчилар бир-бирларини якдиллик билан қўллаб-қувватлашса, уларда қаттиқ интизом, ўз мақсадига эришиш йўлида қатъий интилиш бўлса, бу хўжайин учун ҳалокатли бўлади. Қолаверса, ўртоқлар, тиркчилик учун пул керак. Чет элда шу мақсадда махсус ишташловчилар фонди ташкил қилинган. Бундай маблағ бизларда йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Тўғри, мен ва баъзи дўстларим сизларга бир оз ёрдам беришимиз мумкин, масалан, беш минг сўм. Бироқ бу жуда оз пул, бир ҳафтагаям етмайди.

— Йўқ, бир ҳафтага егулимиз етади!— деб қичқиришди ишчилар тўлқинланиб.— Хотинлардан ундирамиз, барча тешик-туйнуқларни тинтиб чиқамиз! Яна бир ҳафта тишининг кирини сўриб ўтириш ҳам мумкин.

— Жим, ўртоқлар, жим!

— Учинчи ҳафтада хўжайиннинг кекирдагидан ғиппа оламузу қонини сўрамиз...

— Ўртоқлар!— Протасов жарангдор овози билан шовқинга чек қўйди.— Ҳеч қандай зўравонлик бўлмасин! Биринчи шарт бу! Биз ёлғиз ўзимиз революцияни кўтаролмаймиз, кучимиз етмайди. Йўқса... Биласизми, сизларга нима таҳдид қилади?

— Биламиз, биламиз!

— Энди ўйлаб кўринг. Кураш узоқ давом этиши мумкин. Бизда пул йўқ, мустаҳкам ташкилот ҳозирча йўқ. Буёққа дарҳол жазолаш учун казакларни юборишларига шубҳа қилмайман. Қаршилик кўрсатишга сизларда ҳеч вақо йўқ. Қўлингизда қурол йўқ! Мушт билан иш битмайди. Хўжайин эса, шафқатсиз, қайсар. Сизларни отиб ташлаш хавфи бор. Мана мен керакли ҳамма гапни айтдим. Энди яхшилаб ўйланг, ўртоқларингиз, ишчилар билан маслаҳатлашинг ва жавобингизни айтинг.

Орага сукунат чўкди. Ишчилар бир-бирларига қарашди. Уларнинг юзлари тундлашди. Протасов ишчилар тушкунликка тушиб қолишларидан қўрқиб, гап қистирди.

— Мен сизларга эҳтимол тутилган энг хунук воқеани гапирдим. Чамаси, сизларни ваҳимага солиб қўйдим, йигитлар. Бу нарса ҳеч вақт хаёлимга келгани ҳам йўқ. Албатта, унчалик қурқмаса ҳам бўлади. «Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди». Гап мана буёқда. Иш ўнгидан келса, сизнинг иш ташлашингиз

хўжайиннинг ҳамёнига катта зиён келтиради-ю, у дарров таслим бўлади. Мен, йигитлар шахсан ишташлар тарафдориман.

Протасов ўтирди. Слесарь Пётр Доможиров сўзлади Уятчан, камтар бу йигит биринчи марта мажлисда чиқиши. Бошда унинг овози қалтиради, кейин ишонч билан дадил гапира бошлади. Ишчилар шоён диққат билан қулоқ солишди, маъқуллашиб, бош ирғашди. Петр Доможировнинг қўлида ён дафтари. У хўжайин ишчиларга қанча тўлашини ва қанча фойда олишини ҳисоблаб чиқди. Фойда ниҳоятда мўл. Наҳотки, у очофат буни ишчилар билан бирга ўртада баҳам кўрмайди? Бордию гап шундай экан, унда:

— Биродарлар! Бир ёқадан бош чиқариб, ишташларнинг қизил байроғи тағига туринг!

Иккинчи бўлиб сўзга ер қазувчи Кувалдин чиқди. Унинг қўллари узун, ўзи бақувват, бесўнақай. Овози босиқ, гўё ер қаъридан чиққандай гувиллаган.

— Биродарлар, ҳалол жўралар!... Минг лаънат ўша Протаска Громовга! Танангизга ўйлаб кўринг, биродарлар, у бизларга қанчалик кам ҳақ тўлайди. Қандай маза-бемаза нарсалар билан боқадил! Дўконларда қандай шилади! Аблах, ўтган жумада савалаб бутун елкамни мўматалоқ қилди! Мана кўринглар. Мана!— У кўйлагини баланд кўтариб қўлига ёниб турган шамни олди ва ҳар томонга айланиб тарам-тарам қамчи изи тушган баданини одамларга кўрсатди.— Чинини айтсам, мен ҳам белкурак билан гарданига тушириб қолишдан базўр ўзимни тутдим... Бўш келмай хўп даҳанаки жанг қилдим. Олдин мен роса тузладим, кейин у қамчилади.

Кимдир кулди, кимдир луқма ташлади:

— Ароқ бердимми?!

— Тўғри, берди,— деб йўталди ер қазувчи ва соқолини тутамлаб деди:— Бироқ унинг ароғи ароқми? Ярни сув. Т-фу!

— Қани, нари тур!— деб ун эловчи Ванька Пегий ер қазувчини этагидан тортди. У ўрта бўй, чувак юзли, чўққисоқол.

— Биродарлар, ўртоқлар! Барин Протасов! Сен ҳам бамисоли ўзимизникисан. Эътибор қилинглар, биродарлар... Мисол учун... Мен албатта саводсизман, бироқ оғайнилар, қалбим бор... Бизларга зулм қилишга нима ҳақи бор хўжайиннинг? Нима сабабдан бизни еримиздан алдаб олиб келди, деҳқончиликдан маҳрум қилди? Эвазига нима берди? Итдан баттар яшаймиз, биродарлар. Тўйиб емайсан-ичмайсан, унинг ишида нима ҳам орттирардинг? Ҳеч вақо! Рўшнолик йўқ, биродарлар, рўшнолик!.. Биз аҳмоқларни тоза лақиллатди... У иблис эса семиргандан-семиряпти. У силлиқ шайтон, чақмоқ ургур, қизимнинг қорнини дўппайтириб қўйиши мумкин, мен эсам чурқ этиб оғиз очолмайман, падарига лаънат! Нима, мен унинг учун қиз ўстирдимми? Кўнгил хушлаши учунми? Алам қилади, биродарлар, алам қилади! Гапиришга ҳам уялади одам буни. Сизларга

бўлса, биродарлар, гапираман. Сабаби, алам мана бу еримга-ча келди.— У бармоғини худди пичоқдек шартта томоғидан юргизди, оғзини қийшайтирди ва қичқирди:— Иш ташла, йигитлар, ишлашлашга! Ур ҳаммасини! Ағдар!.. Барибир итдек ўлиб кетамиз... — Бирдан овози бўшашиди, пиқиллаб йиғлади ва қаттиқ бурун қоқиб, узоқлашди.

Митинг узоқ чўзилди. Ғам-ғуссага тўла шиква-шикоятлар дилин вайрон эта бошлади. Протасов вазият кескинлашаётганини сезди. У ортиқ кутиб туриш мумкин эмаслигини, чора го-пиш лозимлигини, курашга киришиш зарурлигини билиб турарди... Эҳтиёткорлик билан уй-уйларига тарқала бошлашди.

Ёмғир шивалаб ёғарди. Қоронғи зимистонда ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Қаердадир айиқ хириллайди, аллақаерда чўчитилган қирғий чийиллайди. Оёқ остида шох-шабба қисирлайди. Мана, кедрнинг тиканакли панжаси шатирлаб юзига тушириб қолди.

— Ҳазир бўлинг, ўртоқ Протасов. Мени орқамдан юринг... — деди паст овозда Васильев.

Ҳаммаёқда мудроқ шарпалар, зулмат қалқиб-силқинади. Нима бу? Тайганинг гувуллашими, бошнинг ғувиллашими ёки ғалати ваҳима юракни безовта қиляптими? Новдаларнинг шитирлаши, от дупури. Шарпалар шивирлайди.

— У шекилли?

— У бўлса керак...

Қоронғиликдан майин овоз келди:

— Андрей Андреич! Ўртоқ Протасов, сизмисиз?

Протасовнинг фонари ёмғир тўр пардасини ёриб ўтиб, ғираширада кимнингдир шоп мўйловини ва кимнингдир, чамаси, Наденьканинг чиройликкина чехрасини ёритди. Фонар йилт этдио ўчди.

— Оҳ! Сизга мактуб... Ҳукуматдан...

Протасов макинтошининг қалпоғини бостириб кийди-ю, Васильев икковлари шартга ўзларини чапга олишди. Улар нафасларини ичларига ютганча, қимир этмай туришарди.

— Йўқ, умас-ов,— деди шопмўйлов аламзадалик билан; шундан кейин от туёғи лойда шалолаб, аста-секин қоронғилик қаёрида сингиб кетди.

9

Проход Петрович интизорлик билан танобчини кутарди.

Филька Гупчак иккови олтинга бой жойни текшириб келганидан кейин ишбилармон Проход у ерни иккинчи бор яна текшириб кўрган эди. Бу сафар у ишни пухта қилган, бир неча кишидан иборат группа тузган эди. Бу группага «Қидириб топ» конининг техник бўлими мудури тоғ штейгери! — Проход Уралдан

¹ Штейгер — кон ишини бошқарувчи мутахассис.

таклиф қилган кекса, билимдон Петрапавловский, қўпоруя ишларининг ўнбошиси Игнатъев, кончилик курсини битирувчи таланти геолог талаба Образцов кирар эди. Булар орасида собиқ олтин изловчи, етмиш яшар Нил бобо ҳам бор эди. Яна мутахассис сифатида Филька Гупчакни, бирор бахтсиз ҳодиса рўй бериб қолса асқатар, деган хаёлда фельдшерни ва ўн иккита ишчини ёнларига олиб олишган эди. Прохор Протасовни ҳам таклиф қилди: зеро, у моҳир мутассис ва тоғ ишида ҳар қандай одамни бир чўқишда қочиради. Бироқ Протасов узил-кесил бош тортди: унинг бусиз ҳам иши бошидан ошиб ётибди, у корхонани тақдир ҳаволасига ташлаб кетолмайди.

Қидирувчилар партияси тайгага отда жўнади. Сўйгани иккита буғу олиб кетишди.

Сафар арафасида минорага, Прохорнинг олдига пристав келди.

— Мениям олиб кетмайсанми, Прохор Петрович?

— Йўқ!

— Бекор қиласан! Мен у жойларни яхши биламан. Мени у ерда бир нарса қизиқтиради. У ернинг ўзида эмас, ўн беш чақиримча наридаги пастқамликда.

— Нима ахир?

Федор Степаничнинг юзи сирли тус олди, негадир деразани беркитди-да, Прохорга яқин келди.

— У нарса — кулба, — деди у шивирлаб ва кўзини лўқ қилиб тураверди.

Приставнинг юраги шунчалик қаттиқ тепдики, тужуркасидаги полицияча бургутли тугмалари силкина бошлади.

— Хўш? — деб сўради Прохор беписанд. У рўпарасида турган одамнинг душман, товламачи, ноинсоф эканлигини, гапни сурбетларча қарзга пул сўраш билан тугатажанини жуда яхши биларди.

— Чиқиб бўлмас қоядаги махфий кулба... У ерга фақат қуш учиб чиқиши мумкин, — деб шипшиди пристав, у гапирганимда овозим қалтираб чиқсин, деб атайин пичирлаб гапираётганди. — У ерда қандай ўғри-муттаҳам яшашини текширмоқчиман.

— Мен у шайтон кулбасини биламан. У ерда ким яшашидан ҳам хабарим бор.

— Ҳали шунақами! Мен бўлсам билмайман.

— Билмайсанми? — деди Прохор унга кўзларини қисганча тикилиб. — Сен билишинг керак эди. Сен — ҳукуматсан. Умуман, сен серғайрат эмассан. Ўрнингга ёшроқ одам қўйса дуруст бўларди... Менинг ишларим авж оляпти, ишчилар бош кўтармоқда...

— Очиги, у кулбада лўли яшайди... — деб пристав унинг гапини бўлди: суҳбат бундай кўнгилсиз тус олишини у хаёлига ҳам келтирмаган эди. — У лўлининг кимлиги ҳозирча мен учун қоронғи. Мен ўнтача соқчи билан кулбали қояни ўраб олсам-да, ўша қароқчини қўлга туширсам дегандим!

— Лўлиними?

— Ҳа, лўлини.

— Унинг хотини йўқмикин ишқилиб? Бояги пакана одам?

— Буни билмайман. Қанақа хотин?

Пристав муштларини столга тираганча, Прохор устига энгашиб турарди.

— Нуқул ҳазиллашасан,— деди кўзларини ола-кула қилиб. Кейин дераза олдига борди-да, деразани очиб тетиклантирувчи кечки ҳавони симирди. Елкаси ва кафтлари учарди, у дағ-дағ титрарди.

Бўри хўжайиннинг оёғи тагига келиб ётди ва думини уч марта ерга урди.

Федор Степанич Прохорга ўғирилди ва хирқироқ овозда деди:

— Мен билан ҳазил-мазахни бас қил, Прохор Петрович.

— Мен ҳазилашаётганим йўқ,— деди Прохор бамайлихотир, у қизил қалам билан рўйхатга белгилар қўймоқда эди. Бу иши билан у приставга, ортиқча мулоқотга тоқатим йўқ, деб тушунтирмоқчи эди.

Бироқ пристав ўлгудек хира эди.

— Мен йўғимда хотинимнинг олдига бостириб кирибсан,— деди у ичкилик ичаверганидан шишиб кетган кўзларини пирпиратиб.— Сен худди изқувардек, баттарин исковучдек иш тутгансан. Сен қандайдир аҳмоқона протокол билан Наденькани қўрқитгансан... Бу қанақаси? А? Йўқ, нима деган гап ахир бу?

— Сен учун аҳмоқона протоколдир, лекин менга аҳмоқона эмас... Йигирма фунт олтиннинг таннархини сенинг ҳисобингга ёзиб қўйдим...

— Қуллуқ... Қуллуқ...— пристав бошини лиқиллатди, пириллаб учган лабини тишлади, ўнг қўли билан диваннинг суянчиғини чангаллади, чап қўли билан мўйловини қулоғининг орқасига ўтказиб юборди.— Фараз қилайлик, шундай, мен ўғри ва муттаҳамман. Лекин нега энди у олтин сеники бўлиши керак?

— Меники бўларди-да,— деди Прохор боягидек бамайлихотир, атайин ўзини приставнинг гапларига қулоқ солмаётган қилиб кўрсатиб, зўр бериб рўйхатни варақлар экан.

— Э, ҳали шунақа дегин?! Сеники бўлармиди? Хўш, нима учун? Тан ол! Сен товламачи ва қароқчимисан?— деб чакаги чакагига тегмай бидирлади пристав.

— Йўқ. Мен шунчаки коммерсантман. Филька Гупчак олтинини менга олиб келиб пулларди. Энди эса...— Прохор ҳамон приставга бошини қўтариб қарамай қулочини ёзди.

Пристав ўзини босиб олди, қўлини орқасига қилиб, шўх жилмайди ва семиз гавдасини силкитди.

— Прохор Петрович,— деди у расмий оҳангда,— ҳар ҳолда мен билан ҳазиллашмасликни илтимос қилмоқчи эдим...

— Мен ҳазиллашаётганим йўқ,— деб такрорлади Прохор.

— Сиз, Прохор Петрович, менинг қўлимдасиз...

— Сиз эса менинг қўлимда...

— Агар бир оғиз айтсам... Биласизми, нима бўлади? Ишларингизу қорхоналарингиз зер-забар бўлади.

— Сиз ҳам омон қолмайсиз,— деди Прохор рўйхатни бир чеккага суриб, бошқасини олар экан, чўт қоқиб.

— Мен сизни сотаман, бир балога гирифтор қиламан, сургунга жўнатаман.

— Мен ҳам сизни шу кўйга соламан...

— Тупураман! Мен айтганимни қиламан-да, қоқ пешонамдан отаман.

— Мен ҳам... Эҳ, жуда халал бердингиз-да, сиз менга...— деди Прохор афтини буриштириб.

Пристав бўшашиб диванга ўтириб қолди, қорни тиззаси устига осилиб тушди, энгашди, юзини кафтлари билан беркитди-да, уф тортди. Шунда Прохор ялт этиб унга қаради. Бу ҳўкиздан устунлиги ҳақидаги туйғудан кўнгли тоғдек кўтарилди. Прохор чўтни яна ҳам қаттироқ қоқа бошлади. Бармоқлари увушиб, равон ишламас, у эса якун чиқармаёқ шақиллатиб, гўё қоқишда давом этарди.

— Икковимиз қандай яхши ишлашимиз мумкин эди-я, Прохор Петрович...

— Нима? Нима дединг?

Пристав кўзларини рўмолча билан артди, томоқ қирди, бурнини қоқди ва айтган гапини қайтарди. Прохор бошини кўтарди, қошлари орасида тигдек тик ажин қорайиб кўринди.

— Нима, нима?..— Прохор қовоғарини тутиб олди-да, унинг бошини узиб ташлади.

— Бир тан-бир жон бўлиб, аҳил ишлаган бўлардик. Ҳадик-хавотир деган нарсани билмасдик. Қироллардек давру даврон сурардик. Узимиз хон, кўланкамиз майдон!...

— Ҳеч қа-чо-о-он!— Прохор жон-жаҳди билан қаламни улоқтирди-да, ўрнидан турди. Бўри ҳам дик этиб турди.— Мени тинч кўй... Сўрайман... Сўрайман,— деди хириллаб Прохор жазаваси тутиб.

Приставнинг юраги шув этиб кетди. У кўлини силтаб, кўрқа-писа эшик томон чекинар экан, рўмолчасини ҳам чўнтагига тиколмасди. Прохорнинг қаҳрли нигоҳи душманни минорадан даф қилди.

Якшанба куни эди. Андрей Андреич бетоб бўлиб қолди. Аслида касали оғир эмасди,— боши оғрирди, иссиғи ўттиз еттию уч эди. Афсус-надоматлар бўлсинки, фельдшер Прохор билан қидирувга кетган. Қароргоҳда доктор йўқ эди: Нина доктор ёллашга қанча қистамасин, Прохор бунга розилик бермаганди: «Сен билан биз отдек соғмиз, ишчиларга эса мол доктори қарасаям бўлаверади».

Катерина Львовна Протасовнинг олдига ёлғиз киришдан уяларди. Улар Нина икковлари келишди. Анжелика уларни уйга киргизаётиб, лабини қимтиди ва зарда билан деди:

— Андрей Андреич бетоблар.

Протасов мўйна тужуркада, кабинетида, стол ёнида ўтирар ва француз революцияси тарихини мутолаа қиларди; у абзацлар тагига чизар, китоблардан маъқул жойларни кўчириб олар эди.

Хотинлар киришгач, у дик этиб ўрнидан турди, устидаги кийими учун узр сўради. Катерина Львовна унга боғ гуллари-дан тузилган гулдаста тақдим қилди. Нина эса бир зумда унинг тужуркасига хонаки атиргулнинг гунчасини қадаб қўйди.

— Менга гулдан кўра тиканак ярашади,— деди Протасов ҳазиллашиб:— у аёллар даврасида ўзини мудом ноқулай сезарди.

— Нима учун сиз, Андрей Андреич, ёввойисиз?— деди Нина. — Мана, сизга қайлиқ олиб келдим.

Катерина Львовна кўзларини чақчайтирди, атир ҳиди келиб турган қўлчаларини силкитиб:

— Эҳ, Нина! Доим мени изза қиласан!— деди.

— А-ҳа, аҳа!— деб кулди Протасов.— Демак, сиз бу галдан бош тортмайсиз? Бундан чиқди, чиндан ҳам қайлиқмисиз дейман?

— Э, нималар деяпсиз асти ўзингиз!— деди Катерина Львовна капалаги учиб, деворларга термилиб қараркан.

— Нима, ойна керакми? Марҳамат,— Андрей Андреич стол тортмасидан кичкина кўзгу олди-да, чаптастлик билан унга тутқазди.

— Йўқ, йўқ, қўйинг-э,— деди Кэтти хижолат чекиб. Аммо прическасига ёпишаркан, ойнага қадалиб қаради.

Протасов Анжеликага кофе келтиришни амр қилди.

Кэтти латофатли эди: у бўй етиб, гул-гул очилиб кетган, бугдойранг юзи жозибали, баланд турмакланган сочи ўзига ярашарди. Кўзлари қора, лаблари юпқа, қиррабурун эди. Агар озгин юзининг истараси совуқ бўлмаганда уни гўзал деб аташ мумкин эди. Протасов уни «Қармен», деб атади. Қиз бу мақтовми ёки камситишми, билолмай ҳайрон бўлар, Андрей Андреич шу ном билан атаганда ҳар сафар савол назари билан жилмаяр эди.

Кофе устида қизгин баҳсу мунозарали, замзамали одатдаги зиёлилар суҳбати бошланиб кетди. Толстой, Достоевский ҳақида гаплашишди. Нина: нима учун ҳаётда ёвузлик ҳукм суради, нима учун қишда ўтлоқларда чечаклар гулламайди сингари жумбоқ саволлар берарди ёхуд итоатгўйлик ва соддадиллик билан «тарки дунё» қилиш ҳақидаги зерикарли орзу-ҳавасларга бериларди.

Протасов ўзининг одатий ишончсизлигню гумондорлигини Нинага уфурмоқчи бўлиб кўксини тўлдириб ҳаво ютган эди, Кэтти бурнини жийириб, сумкачасига қараб қолди ва: «Оҳ!»— деганча дераза ёнига чопқиллаб бориб қаттиқ аксирди...

Протасов унинг хижолат чекаётганини дарҳол сездю кийим жавонидан рўмолча олиб унга берди.

— Мерси...— қиз анордек қизариб кетди.— Вой, ҳали шу-нақамисиз!.. Шунақамисиз...

— Қанақа?

— Ажойиб!

Инженер Протасов типпа-тик, калта сочларини ҳурпайтириб жилмайди ва гап қотди:

— Бизнинг ҳавойи гапларимиздан шамоллаб қолдингиз шекилли?

Нинанинг кўзлари ҳам куларди, бироқ бу кулгида синовчан, ёт бир совуқлик бор эди.

— Нима ўқияпсиз, Протасов?— деб сўради у диванга ўтираётиб, хўрсиниб қўяркан.

— Франция революциясининг тарихини.

— Эринмаганингизни-чи!— деди Нина кўзларини сузиб.

— Нега энди эринай? Мозийда келажакнинг уруғи бор,— деди Протасов ва ўтирди. — Утганни қайтариш зиён қилмайди.

— Революцияга тоб-тоқатим йўқ,— деди Кэтти. У чучкирганидан ҳамон хижолат чекиб, шолғомдек қизариб ўтирарди. Аммо унинг овози паст чиқаётганига қарамай, қатъий, мардонавор янграрди.

— Мен ҳам. Мен ундан қўрқаман,— деди Нина ва оёгини чалиштирди.— Сиз маълумотли, фаросатли одамсиз, наҳотки жиндек бўлса ҳам революционерларга хайрихоҳ бўлсангиз?

Протасов бошини адл кўтарди, бир оз ўйлағач, деди:

— Маъзур тутинг, Нина Яковлевна... Ҳадеб сўроққа тутаверманг. Билишни истасангиз, ҳа, мен революциянинг муқаррарлигига ишонаман, уни кутаман ва унинг келишини ҳис этаман.

— Билмадим... Билмадим...— деди Нина ўйчан.

— Сиз яхшилаб ўйланг! Биласиз!

— Илтимос, пичинг қилманг.

— Бу пичинг эмас, дўстона маслаҳат. Ҳақ-ростини айтганда, нега қўрқиш керак ўша революциядан? Ҳалол одам қўрқини ўрнига уни қутлаши лозим.— Протасов креслода чайқалиб ўтирганча савол назари билан Нинага боққанди.— Гарчи сиз бизнинг ғоявий ёки тўғрироғи, синфий душманимиз бўлсангиз ҳамки, шундай...— деди у.

— Э, ҳали шунақами? Сизнинг душманингиз-а?

— Айбдорман. Бизнинг эмас, менинг, менинг ғоявий душманимсиз, зеро мен... ҳеч қандай революцион ташкилотга қарашли эмасман, шу боис фақат ўз номимдан гапираман...

— Кечирасиз, Протасов... Даромадни жуда чўзиб юбордингиз. Сиз яхшиси шунини айтинг, бизнинг революциямиз, бизнинг, бизнинг ёввойи халқнинг, бераҳм, бадмаст халқнинг революцияси қандай кўринишда бўлади?

— Масалан, худди Франциядагидек. Ўқиганмисиз у ҳақда?

— Ҳа,— Нина сумкачасини соат капгиридек тебратиб, бекорчиликдан унинг тебранишига қараб турди. Бироқ аччиғи чиқа бошлади.

— Бир мутафаккир ўтган эди. Маколей шекилли,— деб гап бошлади Протасов.— Ҳа, ҳа, Маколей, Хўш, ана шу мутафаккир озодликни сирли бир ажинага қиёс этган эди, эмиш у ер юзида қўрқинчли қиёфада, қўзғолон, революция, ғалаён шаклида намоён бўлармиш. Кимда-ким унинг ташқи кўринишидан чўчимай, уни эркаласа, ўша инсон учун у гўзал аёлга айланармиш. Золимларга адолатли қаҳру ғазабини сочиб, жабрдийдаларга лутфу карамини нисор этармиш. Уни ёмон кўриб, у билан курашишга, бош кўтарганларни эса ҳалокат жарига улоқтирармиш.

— Хомхаёл, хомхаёл бу!— деб қичқирди Нина. Сумкачаси қўлидан отилиб ҳавода доира ясалганча печкага бориб урилди,— ичидаги упа сепилган момиқ, дастрўмол ва шпилькалар сочилиб кетди.— Бизда ҳеч қандай революция бўлмайди, бўлиши мумкин эмас.

Протасов инқиллаб-синқиллаб, ерда сочилиб ётган буюмларни териб олди.

— Сиз, Нина Яковлевна, сиз, ҳозир бўлаётган ишлардан, Россиядаги воқеалардан тамомила беҳабарсиз... Қўрслигим учун яна бир қарра кечиринг мени.

— Зарари йўқ, зарари йўқ, бемалол!— ранжиган Нина аламзадалик билан кулди, бирдан жиддийлашди, йўталди, ойнагига қараб ўзига оро берар экан, деди:

— Мен революцияга ишонмайман, унинг халққа яхшилиқ келтиришига ишонмайман. Мен жамиятнинг эволюцион тараққиётини тан оламан. Мисол учун Екатерина даврини олайлик. Ахир бу...

— Ҳа, ҳа,— деб унинг сўзини бўлди Протасов ва яна чаккасини чангаллади: бош ғувулларди.— Баҳсларда ҳаммавақт, айниқса аёллар, ўн саккизинчи асрнинг либерал ҳукмдорлари Фридрих II, Иосиф II, Екатеринанинг «олтин» асрини рўкач қилишади. Бироқ... бу ҳукмдорлар ҳеч вақт ўз ислоҳатларида самимий бўлмаганлар; улар ўз замонларидаги фалсафий назариялардан усталик билан фойдаланиб, ҳар доим ўз давлатларида деспотизмни ўрнатганлар.

— Шунақа денг!!

— Ҳа, ҳа... Нима? Сиз Екатеринанинг доно чол Вольтер билан ёзишмаларини рўкач қилмоқчимисиз? Шундайми? Бироқ ўша сизнинг арзандангиз Вольтер билан хат ёзишиб туриб, уни ўқиганларни ўз фуқаролигидан шафқатсизларча ҳайдаган...

Протасов аёллар билан бу суҳбатни бошлаб чакки қилганини сезиб аллақачи афсусланганди. Нина унга ўнг қошини эгиб қаради, лабларининг бурчаклари титрарди. Екатерина Львовна қонғидан қор ёғиб, Хюттенинг техник справочнигини варақларди.

Протасовнинг иссиғи кўтарилгандан-кўтариларди. Юзи қипқизариб кетди. Нина Яковлевна кетишга тайёр эди, лекин қандайдир холис мавзуда суҳбат бошлаб, у билан ярашишни истарди.

— Менга қаранг, Андрей Андреич, азизим... Сиз кўпдан бери Кэтти икковимизга олтин конлари ҳақида сўзлаб беришни ваъда қиласиз...

— Ҳа-я! Ҳа-я!— деди ҳовлиқиб Кэтти.

— Фақат бошидан бошланг... Мана, масалан, тайга...

— Мана, тайга!— гапни илиб кетди Кэтти ва лабини ялади.

— Мана, тайга,— деди Протасов ҳам.

— Мана, тайга... Тайга, одамлар келишади... Хўш, бу ерда олтин борлигини улар қандай аниқлашади? Бизга маъруза ўқинг...

— Маъқул,— инженер Протасов ўрнидан турди ва паркетда юмшоқ шиппагини шипиллатиб уёқдан-буёққа юра бошлади.— Олтинга оид иш бир-биридан кескин фарқ қилувчи уч тараққиёт босқичидан иборат: қидирув, разведка, қазиб олиш. Ёзиб олдингизми?— у ўзича кулди-да, деди.— Кечирасиз. Мен Уралда курсларда маъруза ўқишга ўрганиб қолганман...

10

У ерда маъруза бўлса, бошқа ерда иш. Кун бўйи қирқ беш чақирим атрофида йўл босишди. Йўлдан адашиб кетмаслик учун дарахатларга кертик ўйишди. Гала-гала сариқ-искабтопарлар уларни таъқиб этарди. Башараларига қорамой шимдирилган тўрлар тутиб олган одамлар супургичлар билан уларни ҳайдашарди. Афғарилган дарахтлар ёки йўсин босган харсанг-тошлар думалаб ётган тор сўқмоқ бот-бот кўринмай қоларди. Ҳайвонлар ўтадиган бундай сўқмоқларда одатда тайга ҳукмдори — айиқ ўлжа пойлайди. Сўқмоқдан буғи ёки кийик югуриб ўтиб қолса, бир сапчийдию белини чўрт узиб юборади ва қорини ёради. Дарвоқе, дарров ея қолмайди: ўлимтик ейдиган қари айиқ ўлжани чиригувча асраб қўяди. Бироқ шундай ҳоллар ҳам бўлади: айиқ писиб ўлжаси томон сурилаётганида мерган тунгус уни нақ юрагидан уради.

Қош қорайганда одамлар дарахтлар кесиб очилган, қарийб бир чақирим келадиган кенг, тўғри катта йўлга чиқишди.

— Во ажабо!— деб хитоб қилди Прохор ҳайратга тушиб.— Жуда боплабди!..

Бундан эллик йил бурун тақир тепадан кўчган кучли бўрон ҳаш-паш дегунча ўзига кенг-мўл йўл очиб олган эди. Ғоятда йўғон эски дарахтлару ҳатто эгилувчан ёш ниҳоллар тақир тепадан ғарб томонга худди майсадек ер бағирлаб, ўтиб бўлмас тўсиқ ҳосил қилган эди. Агар ўрмонга ёнғин кетиб буни тутун ва кулга айлантирмаса, у аср охиргача шу ерда чириб ётади.

Тунаб қолишди. Гулхан, совуқ ва туман. Яна бир кеча-кундуз юришди.

Учинчи кун тонг чоғи қачонлардир шу ердан оқиб ўтган дарёнинг ўзани — кенг жарликни учратишди.

— Ахир бу худди анави жой-ку, Прохор Петрович,— деди Гупчак,— ана дарё. У ерда ўшанда қароқчилар ғимирлаб юрган эди... Балки ҳозир тамғали устунларни топармиз.

— Бу ердан яхши жой йўқ,— деб жавоб берди етмиш ёшли Нил бобо кўзининг оқини тўр ниқоб остида йилтиратиб. У собиқ олтин изловчи, ҳозир Громовнинг конида йилқи уюрида саркор. Қон ишларида унинг кўзи пишган,— у ҳақда: «Нил бобо бир саржин ер тагини кўради», дейишади.

Ҳамма шод, тетик эди: чиндан ҳам аломатлар яхшиликдан дарак берарди. Отлар ҳам қувноқ пишқирарди.

Оқ сочли, бутун юзига сепкил тошган студент Образцов афти ангорига ақлли, ташвишли тус бериб жар ёқасидан отини ҳайдаб кетди. Бу улкан жарнинг ўнгу сўлида ўпирилган жойлар кўринар, булар қуриб қолган анҳор ва жилғаларнинг сойлари эди. Шимоли-жанубдан тақир тепанинг тармоғи тушиб келарди. Жарнинг туби харсангтошларга тўлиб кетган эди. Қоятошлар ва қояларда чақмоқтошнинг тарам-тарам йўллари кўзга ташланарди. Бир хилдаги йирик-йирик гранитлар тепада тоғ этагида сланец ва олтин билан бирга бўладиган бошқа тоғ жинслари билан алмашинарди.

Образцов ялқов қирчангини қистар экан, қувончдан терисига сиғмасди. Нил бобо худди хўжайинлардек ғўлдираб қўярди.

— Шурфни¹ мана бу ердан қази,— деб маслаҳат берди у Прохорга.

Белкураклар, чўкичлар, мисранглар ер бағрига санчилди. Бир саржин чорси ерни қазишгач, шурф кўмилиб қолди. Теварак-атрофда дурадгорлар қуруқ дарахтдан тирговичлар ясашарди. Булар шурфнинг осилган деворларини ушлаб турарди. Яна бир тўп одамлар бу ердан ярим чақиримдан мўлроқ жойда, жар бошида бошқа шурф қазимоқда эди.

Прохор нима қилишини билмай ҳуштак чалар, фотоаппарат билан ишни суратга олар, ер қазувчиларни диққат билан кузатар эди. Уч соат жонларини жабборга бериб ишлашди. Биринчи шурфда учта ер қазувчи билан тиришиб ишлаётган Филька Гупчак Прохор Петровичга ялт этиб қарадио чинқирганча мук тушиб ётиб олди ва вой-войлаб оёғини типирчилата бошлади.

— Вой, ажалим етди! Уламан... Биродарлар, жаноблар... Дўхтирни чақиринглар, тезроқ!— у қалтирар, хириллар, кўзини олайтирар эди.

Ер қазувчилар қудуқлардан сакраб чиқдилар. Прохор қичқирди:

— Носков! Фельдшер! Қайси гўрга йўқолди иблис?!.. Йигитлар, сув!

Ҳамма Прохор бошчилигида кўздан ғойиб бўлди. Елғиз қол-

¹ Шурф — ер ости бойликларини қидириш учун қазилган қудуқ.

ган Филька Гупчак яна қаттиқроқ додлади, ammo юз-кўзи бир оз кулиб турарди. У чордана қуриб ўтирди ва қорни тагидан ерга босиб киритилган, уч фунт келадиган, хира, сариқ рангдаги ёмбини чиқарди. Филька азбаройи хурсанд бўлиб кетгандан ҳингиллаб кулди, ёмбини қўйнига яширди. Фельдшер одамлар билан югуриб келганда, дайди кўзларини юмганча шурф тагида ўтирарди. У қаттиқ азоб чекаётгандек чўзиб-чўзиб оқ урарди. Қал, маймундек чаққон фельдшер Носков дайдининг томирини кўрди. Прохор юз грамм коньяк берди, Филька Гупчак ютоқиб ичди, тупурди ва:

— Оҳ, отагинам!... Прохор Петров... Раҳмат... Мени ўша лўли хотин расво қилди, заҳар ичирди. Эсингдами?.. Тутқаноқ, биласанми... Гуп этиб йиқиламану товоним энсамга келиб тегади.

Олисдаги шурфдан студент Образцов билан биргаликда ишчилар қичқаришди:

— Хўжайин! Жаноб Громов! Ҳозир ювишга киришамиз.

Тошлар устида сакраб-сирпаниб Прохор ўша томонга кетди.

— Ҳей, йигитлар!— деб буйруқ берарди Образцов тайга дарёси бўйида туриб.— Вашгердни тўғрила.

Тақир тепада чақмоқтош қатламларини синдиришмоқда эди. Бу ерда портлатиш ишлари бўйича ўнбоши Игнатъев иш кўрарди. Лўлиларникидек қора кўз бу йигит абжир, уddaбурон эди.

Прохор ҳамма нарсага бепарводек кўринарди. У ҳуштак чалганча милтиқ билан ўрмонга кетди. Ҳар қалай, у илгарни белги қўйилган иккита устун топишга муваффақ бўлди. У ханжар билан дарахтларга янги белги қўйди, устунларга йўл топиш учун нишон қолдирди.

Шурфлардан дарё қуми чиқди. Замбилларда ва челақларда уни синаш учун вашгердга олиб келишди. Бу тахталардан ясалган узунлиги бир саржин, кенглиги бир газ очиқ тарнов эди. Уни ерга сал ёнбошлатиб қўйишарди. Вашгерднинг юқори қисмида икки деворли қути ўрнатилган. Унга синаш учун келтирилган қумни ағдаришади, кўп сув қуйишади. Сув жинсларни ювади, қутининг тўсиғи оша қуйилади ва жилдираб тарнов тагидан равон оқади, шу билан қум ҳамда лойни оқизиб кетади.

— Қуйқасини эз, қуйқасини эз,— деб Нил бобо ишчиларга ўшқирар, ўзи махсус курак билан юмалоқланиб қолган лойни юқори тўсиққа элтиб, бу ерда эзар эди.— Фақат бўтана оқсин...— Балки лойда олтин бордир,— деб ўгит берар эди у.

Челақларда кетини узмай қум-шағал келтиришарди.

Тарновда сув секин-аста тиниқлаша борди. Демак, бутун лой бўтанага айланиб, оқиб чиқиб кетди.

— Тошларни авайлаб йиғиштириб ол,— деб ҳовлиқарди Нил бобо.

Вашгерд тагига ётқизилган дағал мовутда, кўндаланг қўйилган тахтачалар ёнида озроқ энг оғир қум, қора майда рудалар, чунончи, темир ва бошқа қаттиқ металлларнинг зарралари билан

бирга олтин қолган эди. Энди ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлган эди. Катта-кичик олтин зарралари илк бор ҳайратланиб дунёга боқишар, одамлар энди бизни нима қилишаркин, дуб кутишар эди. Одамларнинг эса юраклари орзиқарди. Одамлар бу қимматбаҳо қумни куракчалар билан олишар, қуритишар ва тортишарди.

Разведканинг учинчи куни иш ўнта шурфда қизиб кетди. Олтин оз, онда-сонда учрар, у ҳам арзон нав эди, аммо омад осонликча қўлга киритилмаслигини ҳаммалари билишарди.

— Ҳей, балони биладиган!— деб қичқиришарди ишчилар Нил бобога.— Қани... Сина бахтингни!

Бобо қаерни қазиш кераклигини билар, ёши ўтган, кўпни кўрган штейгер Петропавловский унинг гапини маъқуллар эди. Бироқ студент Образцов ўзининг бемаъни назариясини рўкач қилиб, бармоғи билан дарсликка нуқар, қизишар, бақирар, бир саржин жойга тунук сачратар ва ҳар сафар тажрибали тайгаликларни чалғитар эди.

Аммо «балони биладиган» ҳар қалай унга эътироз билдиришга журъат қилар эди.

— Мана шу ерни қази! Мен бахтлиман. Олтинни ернинг тагидан кўраман. Ана у!

Бобонинг бахтига ўн битта шурфни қазишга асос солишди, тўрттасини кўмиб ташлашди. Ишчилар ерни ғайрат билан қазий бошлашди, «балони биладиган» алдамайди, «балони биладиган»га шайтоннинг ўзи хизмат қилади, қази, деганидан кейин, қазийвер! Ишчиларнинг бели зирқирар, тер кўзларини ачиштирар эди. Фақат Филька Гупчак найрангбозлик қиларди: уч фунт олтин чўнтагида, олдинда ўйин-кулги, маишат, худосиниям танаймайди ҳозир у.

— Қимирла! Қимирла!— деб уни қисташарди.

Студент Образцов дарҳол роппа-роса ўттиз ёшга қариганга тушунтирарди:

— Фан шуни уқтирадики, олтин олтинга бой водийда бир текис эмас, энсиз ерда жойлашган бўлади.

— Энсиз? Оббо сен-э?...— пичинг қилишди ишчилар.

— Ҳа, ҳа! Фанга ишонаверинглар. Пичинг қилманглар, илтимос. Бу энсиз жой ҳаммавақт ҳам водийнинг ўртасида бўлавермайди, гоҳ у, гоҳ бу томонга оғиб туради.

— Оғиб туради? Оббо лаънати-е!

— Шу энсиз жойнинг ўзида ҳеч қачон олтин бир текис учрамайди, у жуда кўп ҳолларда тўп-тўп бўлиб ётади. Энг йирик ва бой олтин одатда энг настда, тоғ жинслари устида бўлади.

Проҳор сўради:

— Нега бундай?

Студент Образцов дарҳол роппа-роса ўттиз ёшга қаригаидек бўлди, олимлардек мағрур қиёфага кирди ва хўжайинга ўғирди.

— Фан тасдиқлайди...— деб ган бошлади у кафти билан

дарсликка уриб қўйиб.— Фан тасдиқлайди, қайсики олтин зарраларининг жойлашиши ва тузилишининг фавқулодда ҳоллари уларнинг жуда кўп турли геологик даврларда ҳаракат қилган қатор табиат кучларининг мураккаб емирувчи силсилалари келтириб чиқаргани эҳтимоллигини кўрсатади...

Ишчилар масхара қилиб ҳингир-ҳингир кулишди:

— Вой қурмағур-э, очик-ойдин тушунтирди-қўйди-я! Ёш бўлса ҳам бало...

Проход ҳам ҳеч балога тушунмади:

— Геологияни тамоман унутибман, китоб кўриш керак экан. Шундай дедию милтигини олиб, яна ўрмонга кириб кетди.

— Хулласи калом, олтин қидиришда бахтли тасодиф бор... Шундоқ эмасми, бобо?— деб студент Нилга мурожаат қилди.

— Қўй, бунақа гапларни, ёш барин,— деди «балони биладиган» ва юзидан қорамой шимдирилган тўрни тепага кўтариб қўйиб, чекди. Шундан кейин ҳамма чекишга тушиб кетди.— Мана, эшит, билимдон машойихлар нима дейишади. Ер юзида олтин қаердан пайдо бўлган? Тарихи бундай. Инсоният душмани уни фаришталардан ўғирлаган. Кейин, мени таъқиб қилишади, деб ўйлагану қўрқиб олтинни қопга тикқан ва осмонга парвоз қилган. Тоғлар оша учиб ўтаётганида қопи қояларга тегиб, бурчаги йиртилиб кетган, у тириллаб йиртила-йиртила катталашиб борган, шундан сўнг олтин ерга сочила бошлаган. Инсоният душмани эса ҳеч нарсани пайқамай учаверади. Кейин сезиб қоладию тешилган жойни панжаси билан яширади. Баъзи жойларда тешикни яхши беркитган, бошқа жойда лапашанглик қилган, шунинг учун баъзи ерларда олтин бору баъзи ерларда йўқ. Мана, бўтам, шунақа. Сен геологияни ва даврларни қўйиб тур. Китоб кўпинча алдайди. Сен кўзнинг билан чамала, бу иш бермаса, бурнингни ишга сол.

— Жуда қизиқ,— миннатдорчилик билан жилмайди студент ва бобонинг ҳикоясини ёзиб олди.

Проход иш бораётган жойдан бир чақирим нарида чўмиларди. У дурбиндан бу ерда лим-лим оқадиган дарё бўйини кузатди. Тўтун ва одамларни кўрди... «Йиртқинчлар... Ушалар...»— деб кўнглидан ўтказди у Филька Гупчакнинг тайгадаги уддабуронлигига қойил қолиб. Мана, қора кучукча ўзини сувга отиб, суза бошлади, кейин акиллашга тушди. Проход ўша томонга тўппончадан бир неча марта ўқ узди. Яна дурбиндан қаради. Йўқ, ҳаммаси тирик. Фақат ишни ташлаб, унга қараб туришибди. Кучукча ҳам қараяпти. Биттаси қора от миниб турибди! Аблаҳ! От ўғриси бўлса керак. Олти киши. Айтмоқчи, шулар ҳам одамми, саёқ, ўгри-каззоблар-ку. Унга душман, уларни милтиқдан шартта отсамикан?

Бу орада ўнбоши Игнатъев келиб динамит ўқлар ва бикфорд пилтаси олди-да, яна тоққа жўнади.

Орадан сал фурсат ўтмай, бобо қичқирди:

— Тоғ жинси кўринди! Қазиде, болалар, яхши ният билан эҳтиёт бўлиб қазинглар.

Вашгердларда тинмай қум-шағални ювишмоқда эди.

Мана, қоя ёнида портлашлар эшитилди. Ишчилар пилталарини ёндириб, ёрларга кириб яширинишарди. Чақмоқтош қатламларини очиб, тошлар гулдираб қуларди. Одамлар тошлар орасидан «бахтли томирни» излашарди. Қош қорайди. Совуқ туша бошлади. Ҳойнаҳой шудринг тушади.

— Дарё қумлари чиқди!— деб қичқирди бобо ва ёшлардек ҳаққалаб вашгерд ёнига келди. Шу дамгача ювиш энгил, тангачасимон олтин бераётган эди. Бу ёмон аломат, Бироқ тўсатдан қум тагида бой қатлам кўринди. Ювишнинг натижаси ажойиб, синалган юз пуд қумга — қирқ, эллик мисқол олтин тўғри келарди.

— Болалар, қара!— ҳамма шурфлардан чиқиб «балони билладиган» чол ёнига югурди.

Вашгерд тагида сарғиш-хира олтин заррачалари ва майда ёмбилар кўринарди. Икки бети қип-қизил, соч-соқоли оппоқ Нил бобо гўё маст бўлгандек, ҳозир ўйинга тушиб кетадигандек кўринарди. Одамлар қувонишарди: улар олтинни ер қаъридан тортиб олган эдилар. Ҳа, турган гап, улар ҳам қуруқ қолишмайди.

О, кошки одамзод бу дастлабки олтин зарралар шу жим ётишида балки ўйлаётганини хаёлига келтирса! Одамлар эҳсуланини йўқотиб севинишади: «Биз олтинни бўйсундирдик, уни нима қилсак қиламиз». Олтин эса уларнинг гапига жавобан кулади: «Мен одамни бўйсундирдим. Бутун дунё менинг буюклигимга бош эгади ва менга хизмат қилади».

Ёруғ кун бирдақ қон рангига кирди. Олтин қидирувчиларнинг кўзлари худди қуённинг кўзларидек қизил, қон мияга шитоб билан урди, қўллар қалтирайди, тақим пайлари қалт-қалт қилади, юрак ширин орзиқади. Ишчилар олтин жазавадига тушган.

— Қадрдонлар!— деди «балони билладиган» зукко Нил бобо.— Зилдек олтин... Омад!.. Мен айтдим... Хўжайинни чақиринг. Худога ибодат қил, болалар!

— Хўжайин! Хўжайин-ў-ў!

Прохор азалдан бағрида олтин асраб ётган ерни гурс-гурс босиб, илдам яқинлашди.

— Олтин муборак, хўжайин!— Ишчилар бошларидан юлқиб шапкаларини олишди, чўқинишди ва икки букилиб, Прохор Петровичга таъзим қилишди.

— Сизга ароқ муборак,— деди Прохор ичи ёниб турган бўлса ҳам бамайлихотир.

— Урра!— шапкалар қарғалармисол осмонга учди.— Урра! Ичар эканмиз-да, йигитлар.

* Иш тугади. Шуям етар ахир. Чақмоқтош қатламларида ҳам

олтин борлигини маълум бўлди. Бу ер олтинга бой экан. Ҳамма байрамдагидек шод-хуррам...

Қоронғи тушди. Искарботпарлар совуқда ғойиб бўлди. Башараларидан тўрларни олиб ташлашди. Одамлар одамсифат бўлиб қолишди. Оғизлар шодон кулгидан қийшайган, кўзлар виноли бочкачага қадалган. Гулхан ёқишди. Ўткир пичоқ буғунинг кекирдагини қирқди. Тоатли буғу қалтираб кетдию гуп этиб қулади. Чап оёғи — йўқликдан қайтмоқчидек, туёғи билан ҳавони тепарди. Кўзларида ўлим олдидаги ёш. Нил бобо қонли пичоқ ушлаб турган қассобга қаради, қандайдир кўнгилсиз воқеани эслади ва хўрсиниб қўйди. Буғунинг қорнини ёришди. У энди ер тагидаги олтиндек тинч ётар эди.

Прохорнинг қалбида гўё олтин тоғи юксалган: у эзоди, жангларга, сеҳрли қасрлар ҳақида шивирлайди. Инсон қалби учун ҳам азоб, ҳам роҳат.

Ҳамма уч стакандан ўткир вино ичди. Прохорнинг қалбидаги ғашлик зулмат қаърига чекинди. Атрофда қоронғилик қуюқлаша-лаша борди, бироқ катта гулханнинг олов тили уни ямлаб, нари қуварди. Олтин изловчилар оёқ кийимларини ечишди, сассиқ пайтаваларини таёққа илиб олов ёнида қуритишди, Ҳамманинг кўзига ҳамма ерда олтин кўринарди. Нил бобонинг қирра бурнининг учи кўзига тушган оқ олтинсимон товланарди. Стаканлардаги вино ҳам олтин рангида. Ишчилар исиб кетишди. Баъзилари кўйлагини ечиб ташлашди. Қорайган баданлар олов шуъласида олтин рангига кирган. Ҳадемай қоронғи осмонда Сомон йўлининг олтин зарралари жилва қилди. Нил бобо эса, трубкани бурқсатиб, тайга ҳақидаги олтин ҳикоясини бошлади:

— Бир воқеа эсимда. Урушдан аскар бола Петр Малишев қайтиб келди, тайгадаги ўзининг Ўнғир кўли ёнида тикланган кўрғонига жойлашди. Куз фасли эди. Кунлардан бир кун Петр Малишев кўлга ўрдак овлагани борибди. Қараса, бир гала ўрдак сузиб юрганмиш. Қарс-курс! Ўрдаклар осмону фалакка кўтарилиб қўнармиш! Иккита ғоз қулабди. Учинчиси эса дам учармиш, дам қўнармиш. «Бу қандай мўъжиза, — деб ўйлабди Петр Малишев. — уни ярадор қилишим мумкин эмас, бу ғоз четда эди, питра унга тегмайди». Хуллас, у ғозни бир амаллаб тутиб олибди, унинг жиғилдонида икки фунт олтин бормиш, шунинг учун у парвоз қилолмаётган экан. Шунда Петр Малишев бутун кўл ва теваарак-атрофдаги барча ер олтинга тўла эканлигини фаҳмлабди: ғозлар ёз бўйи шу ерда ризқ-рўзини топиб еган, демак олтин доналарини ҳам шу ернинг ўзида ютган. Уч йилдан кейин Петр Малишевнинг миллион-миллион пули бўлган. Бешинчи йили ажали етиб, жон таслим қилган: айиқ бурдалаб кетган.

Буғу гўшти қозонларда ҳил-ҳил пишди. Шўрваси қуюқ, юзидаги жимир-жимир қилаётган ёғ қаҳрабо, олтин рангида. Димоққа ёқимли ҳиди урилади. Вино тинмай қулқуллаб стаканларга қуйилади. Қоронғилик қуюқлашиб, оловга кўланка таш-

лайди. Гулхан гурилламай қўйди, иссиқ пасайди. Кўмирлар орасида чўғ эмас, қизиган ўн сўмлик тилла пуллар, юзлаб, миңлаб, миллионлаб пул жилоланиб ялт-ялт қилаётгандек туюлади. Прохор хаёлий фойдани санайди. Унинг орзу-ҳаваси катта, ҳудудсиз. Бироқ теварак-атроф қоп-қоронғи, ҳеч ерда ёруғлик йўқ: олам зимистон.

— Ванька!— деб ҳайқирди улуғ «балони биладиган», у ўн ёш ёшариб кетгандек эди, қип-қизил кекса юзларидаги ажиш йўқолган, фақат кўзидаги оққина аввалгича турибди.— Ванька! Кўрмаяпсанми, нима? Гулханнынг шашти пасайди, оловни жўнаштириб юбор!

Нимжон фельдшер Панфил Иванович Носков бирпасда вಿಂದан кайф қилиб қолди. У бор-йўғи ўттиздан сал ошган бўлса ҳам сочи тўкилган, аламзада, аянчли. Кўкимтир пахтали калта камзули лой ва ҳар бало билан булганган, тиззаларининг кўзида сирилиб турган қирқ ямоқ шими ялтирайди. Бир чақирим атрофга ундан дорихона ҳиди анқийди. У яна бир стакан ароқ ичдию тайёр бўлди-қўйди. Маймунга ўхшаб ўмбалоқ ошди, қўшиқ айтди, ўйинга тушди. Кейин нима учундир сариқ мўйлови ни қорамой билан бўяди. Ҳамма кулди, у йиғлади.

— Шайтонлар, шайтонлар, шайтонлар!— деб қичқирди кўзларини ола-кула қилиб.— Балки бу дунёда менинг асти онам бўлмагандир. На отам, на онам! Мен ташландиман ахир. Менга она ато этинглар, шайтонлар, бирон-бир бошпана беринглар. Азоб!.. Бундай яшаш азоб... Туф-э, ҳаммангга, шайтонлар!..

Унинг қорамой чапланган мўйлови титрар, соқол босган ияги қалтирар, кўзларидан мўлдир-мўлдир ёш қуйилар эди. У йўталар, кўкрагига муштлар, аксирар, кимнингдир ифлос пайтавасига бурнини қоқар эди.

— Мен ҳеч кимдан қўрқмайман! Ҳеч кимдан қўрқмайман! На Громовдан, на подшодан, на худодан. Фақат ўлимдан. Азроилдан қўрқаман...

Гулхан шитирлайди, Прохорнинг оти қарс-қурс сули чайнаган эшитилади. Аллақаерда укки сайраб қаҳқаҳлади.

— Сгайнилар, мана бир ҳодиса... Ҳаётда бўлган,— деб хириллади индамас барзанги Филька Гупчак ва чўнтагидаги ёмбини пайпаслаб қўйди.— Бир куни тайгада ўтиб бўлмас чангалзорда санқиб юргандим. Ростимни айтсам, у ердан ит ҳам ўтолмайди. Шупақа қалин чангалзор эди! Бирдан иккита мурда устидан чиқиб қолсам бўладими?! Худди димоқни ёрадигандек сасийди денг. Бурнимни беркитиб, яқинлашдим. Битта қора илон улар тагидан чиқдию буралниб-буралниб чангалзорга ўзини урди. Этим жўмирлаб кетди. Ҳайрон бўлиб, кифтимни учирдим, иккала мурда мук тушиб ётибди, гўё ерни ҳидлашяпти, деб ўйлаш мумкин. Биттасининг боши болта билан қоқ икки паллага бўлинган, бошқасининг чаккасида тешик кўринади, ўқ тил торттирмай ўлдирган. Эҳ-э! Ахир бу Тришка Мокроус-ку, мўйлови

мана бундоқ. Йиртқич эди. Улар боши икки паллага ажратилган дайди билан бир ярим пуд олтин ювишган. Кейин икковлари йўлга тушишган. Бу иш менинг кўзимнинг олдида бўлган эди. Бош қотирдим, ҳа, ҳаммаси равшан, фолбинга боришнинг ҳожати йўқ. Улар адашиб қолишган, ейишга ҳеч вақо йўқ, озиб кетишган. Мокроуснинг болтаси бор, у шеригини ухлаб ётганида ўлдиришни, отини олиб, унинг гўштини ейишни кўнглига тугиб қўйган. Хуллас калом, шеригининг бошини икки паллага ажратган ва энди нимталамоқчи бўлганда, қарс этиб ўқ узилгану чаккасига қадалган! Ёвуз сибирик чангалзордап милтиқ билан чиққану олтинни олиб, уйига жўнаган. Боқеа маана шундай бўлган ҳойнаҳой. Олтин бу, эҳ-ҳе! Кони гуноҳ.

Наҳотки одам гўштини ейишса?— деб сўради студент. У мук тушиб ётар ва тайга ҳақидаги ҳикояларни дафтарига туширар эди.

— Ейишади, иним, ейишади.

— Сенам еганмисан?

— Ким, менми?— бесўнақай Филька Гупчак худди тимсоҳга ўхшаб тўрт оёқлаб турди.— Тўғри келган, еганман. Одам гўшти ширин бўлади, баайни шакар.

Ҳамма тупурди. Ётишга ҳозирлик кўра бошлашди. Гулчак деди:

— «Олтин ювиш — қон қусиш» деб бекорга айтмаганлар.

Гулхан ўчди, тайгада хуррак овозию қурум сингарни қора зулмат.

Қоронғи зулмат бағрида бадкирдорлар лип-лип қилишяпти.

Зулмат эҳтиёткорона, ўғринча шитирлайди. Тақир тепадан, жарликлардан қабристон совуғи эсади. Уёқда, дарёда, жуда яқин ерда — нолайи фиғон, шитир-шитир, шивир-шивир, бола йиғиси. Прохор зийрак мудраяпти, кўнглидан: «Милтиқни ўқлаш керак, милтиқни ўқлаш керак»,— деган гап ўтади. Бироқ қимирлашга эринади. Шундоққина ёнгинасида қисир-қисир этган товуш. Отлар қўрқувдан пишқиради, депсинади. Прохор дик этиб, ўрнидан турди. Жимжит. Зилдек бошидан уйқу аримаган. «Ўтти жўнаштириш керак». У ўчаёзган гулханга бир қучоқ шохшабба ташлади. Игнабаргли дарахт шохлари гурр этиб ёндию олов зулматни тилка-пора қилди. Студент Образцов босинқираб чинқирди. Филька Гупчак жундор оғзини очганча ҳуштак аралаш хуррак отади. Қўққисдан қора кучукча жонсарак бўлиб уйқудагилар атрофини айланиб чиқди ва Прохорга қараб акиллаб қўйдю лип этиб кўздан йўқолди. Гулханга қўққисдан тош тушди...

— Йигитлар! Туринглар! Туринглар!— деб бақирди Прохор молдек қўрқиб.

Одамлар ирғиб ўринларидан турдилар, уйқуни ҳайдаш учун бақрайишиб гандиракладилар.

Иккинчи тош келиб фельдшернинг миясига тегди. Ухлаб ётган фельдшер сакраб ўрнидан турди, гир айландию беҳуш йиқилди.

Учинчи тош Прохорнинг елкасига тегди.

— Йигитлар!!

Қоронғиликдан бадкирдорлар тошбўрон қила бошладилар.

Ишчилар дарҳол уйғондилар. Худди жиннидек Филька Гупчак, сапчиб ўрнидан турди, унга катта тош тегганди. Олов гуруллаб ёнди ва қоронғи осмонга ўрлади. Оловга чулганган қора чавандоз қоронғилик қаъридан чиқиб, қоронғиликка учиб ўтди.

— Шайтон бу. Тегма бизга, тегма!— деб нола қилди Нил бобо ва чўқинди.

Қизил тилини осилтирган қора кучук кўзларини шайтон каби чақнатиб, чавандоз кетидан югурди.

«Тириклай ейман, тириклай ейман!!!»— деб қўрқитди кучук одам овозида.

Башараси қора, бурни йўқ чавандоз отда учиб кетаётиб, қўрқинчли овозда ҳайқирди, бундан ҳамманинг эти жимирлади.

— Жўна! Биз кўпчиликмиз! Ҳаммангни бўғиб ўлдирамиз! Сен аблаҳ, ҳали одамларни отмоқчимисан?— Қора чавандоз шундай деб Прохорни қамчи билан бир урдию кўз очиб юмгунча ғойиб бўлди.

Прохор апил-тапил милтиқни ўқлади-да, икки оғзидан баб-баравар қоронғилик қаърига ўқ узди. Новдалар чиртиллаши, бир неча туёқнинг тапир-тупури эшитилди. Тайга тунни — худди ичига момақалди роқ гулдуроти тўлатилган бочкадек, анча вақт қалдириб турди.

Нил бобо титрар, қўрқувдан оқ тушган кўзини юмиб чўқинар эди. Филька Гупчак лат еган қўлини ушлаганча, бўралаб сўкинарди. Студент Оразцов ҳали ҳам босинқираб чинқирганча ўликдек ухлаб ётарди.

Прохор яна милтиғини ўқлади. Алам бутун мушакларига сафродек тарқалганди. Илгари сезилмаган қамчи зарбаси энди елкасини куйдирарди.

— Йигитлар, юринглар, бориб кўрамиз, отлар турганмикин!— деди у жаҳл билан.

Тушовланган отлар яқингинада, ўтлоқда ўтлаб юрарди. Уларни гулган олдига ҳайдаб келишди. Ўлик фельдшер ёнида Нил бобо куйманарди.

— Прохор Петров,— деди Филька Гупчак шикаста овозда,— барака топ, соатингга қараб юбор, неча бўлдийкин?

— Иккидан ошди.

— Оҳо! Тонг отишига анча бор экан ҳали.

Илиқ мурда устига брезент ёпиб қўйинди. Уткир қиррала тош ёриб юборган бошидан мия аралаш қон оққан эди. Қора-тош суркалган мўйлови диккайиб қолган, чап кўзи ярим очиқ, қоронғиликка абадулабад тикилган эди. Улик маъюс, қўрқинчли эди. Нил бобо очиқ кўзга беш тийинлик чақани босди-да, деди:

— Мана, ғофил банда, ўлимдан қўрқардинг... Қара, нима қилди у сени? Пайингни қирқди-қўйди.

Фельдшер индамади. Фақат Нилнинг назарида бир мирилик чақа сўнган кўзда қимирлагандек бўлди. Одамлар марҳум ёнида тўпланишди. Ҳаммани қалтироқ босди. Кўп ва муҳим нарсалар ҳақида, ўзининг жон бериши ҳақида ўйлади ҳар ким.

Нил бобо мушти билан кўз ёшини артди, шакли шамойили унинг ўзига.— Нилга ўхшаш кичкина бут олди ва мурданинг чалмаштирилган қўлига қўйди, кейин таъзим қилиб, деди:

— Эй, жафокаш, жойинг жаннатда бўлсин! Эҳ, бевафо дунё!

Унинг афти буришди. Ҳамма бир-бирига кўз ташладию чурқ этиб оғиз очмади. Қалайи қовоқлари шишган, кўзлари қонта-лашган Гупчак ижирғаниб:

— Қўлимга тушса, дабдала қиламан,— деди жаҳлига чидамай. Сарик бетлари чўзилиб кетди, ҳаллослаб нафас олишидан кўкраги темирчининг дамидек кўтарилиб тушар эди.— У бурни йўқни танийман...

— Ич,— Прохор унга катта стаканда вино берди.

Эргалаб тонготарда фельдшерни дарё соҳилига дафн этишди. Кейинчалик пристав унинг ўлгани ҳақида акт тузади. Мурдани даррандалар еб кетмасин, деб гўр устига харсангтошлар бостиришди. Ёғочдан йўниб ясалган крест гўр устига тиккайди.

Фельдшернинг на қариндош-уруғи, на яқин кишиси бор. Унга қаерда чириб-битиш барибир эмасми? Унга куйиб йиғлайдиган одамнинг ўзи йўқ, нима кераги ҳам бор бунинг? Ёз куни битта-яримта зарғалдоқ унинг тепасида нола қилар, қишда бўрон увиллар. Қай бири яхши? Бадкирдор отган ва унинг умрига завог бўлган анави тошни кекса Нилнинг қистови билан марҳумнинг бошига қўйинди. Марҳум фельдшер, насаби Носков, Нилнинг таъбиринча, маҳшарда крест судига келади. Бегуноҳ одамнинг бошига етган бадкирдор эса, ҳам бу дунёда, ҳам у дунёда даҳшатли қийноққа дучор бўлади.

— Омин!— Нил бобо гўрга ва ерга уч бор таъзим бажо айлади.

Ниҳоят зарур маълумотлар олинди. Ташландиқ кон қачонлардир истеъфодаги петербурглик гусар Приперентьевга қарашли экан. У пойтахтга қадам ранжида қилган сибирлик ол-

тин конларининг хўжайини бўлмиш бадавлат бир кимсанинг хунуккина қизи атрофида гирдикапалак бўлиб, пул илинжида унга уйланган, Сибирга кўчиб борган, хотинининг барча сепини сотиб ичган, ўзини гўрга тикқан эди: баттол кон ишчилари билан чиқишолмай, йиртқишлар томонидан ваҳшийларча ўлдирилган эди. Устунлар билан ўраб олинган кон мерос тариқасида Питерда яшайдиган офицер акасига ўтган эди. Прохор Петрович Громов худди ўша билан алоқа ўрнатишни керак.

Тентакнамо чол Иннокентий Филатич Груздев аллақачоноқ «Громово» деб номланган қароргоҳга келиб қолган эди. Прохор тез орада уни хўжалик ишлари мудирини қилиб тайинлаган эди. Чол бу даромадли вазифани қабул қилган, икки йилдан кейин икки қавагли тунука томли уй қуриб олган, уни лўдиларнинг шол рўмолидек беш рангда бўятган, пастда эса, эски савдогарлик одатича ҳар ҳолда кичкина баққоллик дўкони ҳам очган эди. Дўконда унинг бева қизи семиз Анна Иннокентьевна савдо қиларди. Дўкон тепасида одамнинг кулгисини қистатадиган ёрқин лавҳа бор эди:

Дўғалар, бўйинчоқлар, арқонлар ва бошқача ноз-ниғматлар Иннокентий Груздев ва К ^о
--

Хизматдан бўш вақтларида дўконга Иннокентий Филатичнинг ўзи келиб турарди. Харидорлар билан ҳазиллашади, патентсиз бир-икки шиша вино сотади, яширинча ҳолда жичча, гоҳо бир фунтча ўғирланган олтинни сотиб олади. Шу билан муроди ҳосил.

Бир куни узун аравада Громов келди ва тўппа-тўғри дўконга кирди. Дўконда ҳеч ким йўқ эди, Прохор биққа семиз ёш бева билан сўрашиб, пештахта устидан уни қўлидан тортиб, бир оз эркалади, бева ноз-карашма қилиб, юзидан сал-пал тишлади, у бошини иргатиб, сўради:

— Хўжайин уйдами?

— Ҳа, уйда. Тушликдан кейин ухлапти,— деди бева хўрсиниб уёқ-буёғини тузатар экан.— Юринг.

Бева олдинда, у орқада ички зинадан юқорига чиқа бошлашди. Прохор тегажаклик қилиб кафтлари билан бевани юқорига кўтарарди.

— Дадажон, турсангиз-чи, ахир!

Чол сапчиб каравотдан тушди. Уйқуси тарқамагани вайдан жиҳозларга қоқилиб, очиқ чирой билан Прохорга талпинди.

— Азиз меҳмон!

— Гап бундай... Эртага Питерга... Истайсанми?

Епирай! Нега ҳам истамасин? Ахир чол бир юрагининг чигилини ёзиши керак-ку! Дарвоқе, у Питерда бўлмаганига йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтди. Албатта бориши мумкин... Э, жон

деб борадн!.. У ерда тагин унинг от жағини одамникига ал-
маштириб беришади.

— Тайёр. Рози. Прошенька! Прохор Петрович!— чол кўнгли
бузилиб чайналди.

Прохор ён-верига аланглаб қаради. Иконалар тагида ёниб
турган шамчироқ гира-шира қоронғиликни мавжлантирарди.
Заррин жубба тахмонда живирларди. Мой билан артилган пол
ярақларди. Қизғиш оқ тўқима пойандоз қияламасига ташлан-
ган. Духоба қопланган стулда тулкидек келадиган катта сариқ
мушук. Столлар устига дастурхонлар ёзилган, дарпардаларга
охор берилган, миҳга гитара осилган. Иккита қафасда икки саъ-
ва. Ҳаммаёқ ораста ва шинам. Прохорга жуда маъқул бўлди бу
хона. У мазкур меҳмонхонани ўзининг хусусий хонаси билан
солиштирди. У ерда Нина ўзининг ишжиқ, Прохорнинг меъдаси-
га зигирётдек урган диди билан ҳукмронлик қиларди. Шунини
ўйладино бир зумга таъби хира бўлди. Қин-қизил дахмаза бу
Нина. Жиззаки зиранча, ахлоқпараст. У Прохорни сиқиб сувни
иричади, монастирдаги мутаассиб игуменья¹ сингари қаддини
ростлашига йўл қўймайди.

Прохор диққати ошиб, бурун катагидан ҳаво чиқарди. Ҳа,
башарти манави бехараша, семиз хотин билан турганида минг
марта бахтлироқ бўлишига унинг имони компл эди.

— Илтимо қиламиз, ўтиринг,— хушрўйгина Анна Иннокеш-
тевна оппоқ лўппи қўллари билан курсини кўрсатди.

Бу орада Иннокентий Филатич сувли товоқдан ўзининг отни-
кидек жағини олди-да, бурчакка ўгирилиб, оғзини карракдек
очди ва уни ўрнатиш учун хўп уриди.

Бироқ Прохор алланарса деб гудранди-да, картузини пешо-
насига бостириб кийди ва лапанглаб эшик томон юрди...

От сағринини ликкилатиб, йўрғалаб кетди. Прохорнинг қош-
лари тиккайди, кўзларида иштиёқ ўти ёнди: Питер, ўйин-кул-
ги, озодликдаги, Нинадан йироқдаги дориламон ҳаёт уни вас-
васага сола-бошлаганди.

Уйда маълумот бергани келган Кук, ишдан ҳайдалган Мат-
веев, иккита саркор ва электростанция бошлиғи уни кутиб ту-
ришарди.

— Маълумотнинг падарига лаънат! Эртадан бошлаб ишлар-
ни ишженер Простасов бошқаради.

Стол устида қайнатасидан келган телеграмма ётарди.

*«Питерга кетяпман. Озиш ҳақида профессор билан маслаҳат-
лашишим лозим. Маринский меҳмонхонасида кутаман. Сени,
Нина, набирамни ўпаман. Бувиси ҳам дуойи салом топширият-
ти. Худога шукур, ишлар яхши.»*

ЯКОВ КУПРИЯНОВ».

¹ Игуменья — хотинлар монастирининг бошлиғи.

Эртаси куни эрталаб Нинанинг феъли айниб қолди. Бироқ хайрлашаётиб Прохорни чўқинтирди ва деди:

— Айрилиқда ёш бола бўлма, ҳақиқий эркак бўл.

Қора саквояж кўтариб олган, бармоқларининг учлари билан оғзидан чиқиб кетай деб турган жағини тутиб турган Иннокентий Филатич ҳурмат билан жилмаяр ва гудранарди:

— Баайни бир жуфт тақводор роҳибдек бўламыз-қўямиз.

Орадан бир ярим ҳафта ўтгач, «Громово» қароргоҳида Нинанинг маблағига қурилган черков-қавм мактабининг очилиши нишонланди. Ўттиз иккита қизча ва етмишта бола ўқувчиларни ташкил қиларди. Қизчалар худди махсус хотин-қизлар мактабида ўқийдиган қизлар каби елкаларига оқ накидка ташлаб, қора чит кўйлак, болалар эса казинет шим ва куртка кийишган буларнинг ҳаммаси янги, оҳори тўкилмаган, шундоққина бўёқ ҳиди анқиб турар эди. Нина болаларга кийимларини асрашни, бу усти бошда фақат мактабга келишлари кераклигини тайинлади. Болалар унинг гапларини бармоқларини оғзи-ларига тиқиб, тиржайганча эшитишди, дадилроқларига сўз беришди:

— Хўп, Нина, Яковловна, бегойим, кўнглинг тўқ бўлсин, уйга келишимиз биланоқ уларни ечиб қўямиз.

Кўзлари ўйнаб турадиган, Нинанинг эркатойи Катька, дугона-ларни олдида мақтанди:

— Мен бегойимдан қўрқмайман, хўжайиндан қўрқаман. Хўжайин йўқлигида уларнинг қизчалари Верочка билан уйма-уй чопиб юрамиз. Ойим уларникида ошпазлик қилади. Биз кеча хўжайинларнинг пирогидан едик. Кўп еб қўйган эканман, кўнглимни айнитди...

Ҳамма мактабнинг кенг-мўл залида тўпланди. Ҳурматли меҳмонлар орасида, барча лавозимли кишилар, ҳатто мистер Кук ҳам бор. Фақат инженер Протасов йўқ, Нинага тобим қочиб турибди, деб хат жўнатибди. Ҳар хил байрамларнинг ишқибози Илья Петрович Сохатих ибодатга биринчилар қатори етиб келди. У крахмалланган кўйлак, фрак ва нимча, август ойи бўлишига қарамай, узун овчилар пиймаси кийган эди. У бека олдига келиб таъзим қилди, ҳарбийчасига пошнасини уриштирди. Биринчи бўлиб қўл узатди ва иссиқ пиймасини кўрсатиб, шикаста товушда деди:

— Афв этасиз, қаттиқ бод. Пардон!

Нина қизиқиш билан унинг қориндор беўхшов сохт-сумбати-га разм солиб чиқди, лабини қаттиқ тишлади ва бутун ибодат давомида ичида роса қотиб-қотиб кулди. Олифтанинг сарғиш жингалак сочи ясси елкасига осилиб тушган, елкасида қора мовут устига қазғоқ тўпланиб қолган эди. Ибодат ҳақида аввалроқ биронта одам хабар қилмаганидан тўйиб сассиқ саримсоқ еб олган, ундан қайнатиб пиширилган колбаса ҳиди анқирди. Унинг орқасига келиб турмоқчи бўлган мистер Кук бурнини жийирди, тамшанди ва ижирғаниб нарига қочди.

Биринчи қаторда қорнини мешдек дўппайтирганча иккита медаль ва қилич осган пристав турибди. Қисқа, йўғон бўйни елкасига туташиб кетган, қизил гардани қат-қат ёғ, рапидадек юзида икки ёққа тарвақайлаган шопмўйлов. Унинг орқасида икки нафар бесўнақай жандарм — Пряткин ва Оглядкин. Корсетини қаттиқ тортиб боғлаганидан хипча бел бўлиб кетган айёр Наденька рюмкага ўхшаб қолган. У Нинага икки букилиб таъзим қилди ва товусдек сузилиб эрининг пинжига тиқилгани кетди.

Нинанинг ёнида алоқа йўллари инженери олифта Владислав Викентьевич Парчевский гирдикапалак бўларди. Нина Яковлевна тушириб юборган рўмолчани икки марта унга олиб берди, стул қўйди, оёғига гиламча ташлади. Нина жилмайиб унга миннатдорчилик билдирди. Нинанинг ёнида муаллима Катерина Львовна. У зимдан эшикка қараб қўяди, кимнидир, эҳтимол Протасовнидир кутади. Бироқ у йўқ. Кэттининг қоши чимиради.

Бошлиқлар ўрнашиб олгач, одамларни ичкарига қўйишди. Эшиклар қисирлади, халқ тоғдан кўчган кўчкидек ёпирилди, шовқин-сурон, чинқириқ авжигача чиқди, бирпасда ҳаво бузилди.

Тантанали ибодат бошланди. Хор завқ-шавқ билан ҳаддан ташқари баланд куйлади. Улуғвор ҳазрат Александр заррин тўнда хор дирижёрига ўқрайиб қарар ва бош чайқар эди. Бироқ байрам муносабати билан тўрт қадаҳ перцовкани отиб олган ароқхўр дирижёр танбеҳона имошорани тескари тушуниб, ҳазрат ҳар сафар бўкираётган хорга ўқрайиб қараганда, команда берарди:

— Баландроқ!— Хор томоғи йиртилгунча бўкирар, болаларнинг қулоқлари шанғиллар қизчаларнинг накидкалари силкинарди.

Громов темирчиларидан чиққан чиллаки дьякон Ферапонт Дерябиннинг овози ҳаддан ташқари йўғон, беўхшов эди. Ҳозирча у овозини баралла қўймай ектаньяни паст, титроқ овозда эълон қилди. Унинг юзи қорамтир, сочлари қора, бошининг ярмоғи оқ, бурни ичкиликбозларникидек қизил. Бугун Ферапонт биринчи марта дин йўлида хизмат қилипти. Бир тўп темирчилар ва босқончилар ўртоқларни кўргани келишган.

— Войбў, бўкиришини-чи... Яшавор, Ферапошқа!— деб шивирлашди улар қойил қолиб.— Қара, қара, тутатяпти!

Ибодат охирлаб қолди. Бу катта хонанинг ҳавосидан нафас бўғилаёзди. Деразаларни очишди. Мактаб ёнида тумонат одам. Ҳуштакчи овози, қўшиқ, олағовур сўкиш авжида. Қимдир дераза тагида қичқирди:

— Ҳой, бизга овқат, вино беришадими?

Деразаларни ёлиб қўйишга тўғри келди.

Ҳазрат Александр меҳроб равоғи ортига турди ва қаддиқоматини адл тутиб, ваъзга оғиз жуфтлади. Ирина хола «ҳиқ»,

дедию мухтарам пешвосининг гапларини яхшироқ эшитиш учун олдинга талпинди. Унинг орқасидан бошларидаги оппоқ рўмолларининг учи билан бурниларини торганча, бир-бирларининг оёқларини босиб, бошқа кампирлар эргашишди. Саккизта йўғоч овозли, иккита паст овозли ва бешта ингичка овозли ҳофиз эшик томон юришди — уларга диний ваъзининг қизиғи йўқ. Уларнинг терлаган юзларида дьякон билан овоз бобида кейинроқ сўнгги нафасда олишувга қатъий жазм этганлари рўйрост кўриниб турибди. Олдинда «дуо» бор эди. Мана, бошлансн, кўрсатиб қўйишадн унга. Ҳофизлар қоровулхонага кириб олдиларда, икки стакандан ароқ ичиб томоқларини хўлладилар.

— Ферапонт шаҳарда овоздан айрилган, — дейишди улар.

— Бўлмаган гап. У муттаҳам «дуо»га овозини асраяти.

Бу орада ҳазрат Александр гоҳ бутун гавдасини артистлардек орқага ташлаб, гоҳ меҳроб равоғи устига энгашиб, суханварлик қилмоқда эди. У ваъзида ўтган асрнинг бошида доврүк солган машҳур профессор Рачинскийнинг Татев қишлоқ мактаби хусусида гап очиб, ўша педагог интилган орзу-истакларни таърифлади ва унинг мактабидан чиққан маълум-машҳур одамлар орасида рассом Богданов-Бельскийни тилга олди.

— «Мактабда халқнинг бутун ҳаёти, мактабда унинг руҳи ва муқаддас умиди, мактабда фақат ҳозирги куни эмас, келажак ҳамдир», дерди раҳматли Рачинский. У болаларда теран диний туйғуни ривожлантиришга, кейин эса уларда меҳр-муҳаббат, дўстлик ва хайрихоҳлик ҳисларини тарбиялашга, айни чоғда улар кўнглида қатъият, матонат, саботни чиниқтиришга интилар эди.

Иринья хола ва кампирлар ҳазратнинг гапларидан ҳеч нарса тушунмаса ҳамки, ҳар қалай, одатга кўра кўзёш қилдилар. Инна бир қулоғи билан ҳазратнинг гапларини, иккинчи қулоғи билан ташқаридаги қичқириқларни тинглади эди. Қэтти ихлос билан қулоқ солар, атир сепилган рўмолчасига бурун қоқарди. Пристав кўзларини лўқ қилганча ҳаллосларди. Мистер Кук тупугини ютиб, чўнтагидаги гугурт билан сигарани пайласлаб кўярди. Ҳазрат эса, чакаги тинмай, гапиргани гапирган эди.

Мана, эшиклар олдидаги оломон ҳавони искай бошлади: бешта ингичка овозли, иккита паст овозли ва саккизта йўғоч овозли ҳофизлар одамларни нари-бери суриб, клиросга ўта бошлашди. Ҳаммаёқни ароқ ҳиди тутиб кетди. Йўғоч овозлилар дьяконга қарадилар, дьякон уларга, йўғоч овозлилар қасдма-қасдликка томоқ қирдилар, дьякон ҳам томоғини қириб қўйди.

Мана, «дуо» бошланди. Ҳамма жонсарак бўлиб, қулоғини динг қилиб турди. Босқончилар билан темирчилар йўталашди.

Қашиш одамларга юзланди ва тилла суви юритилган крест-

ни олдинга чўзганча, қимир этмай кута бошлади. Дьякон унга юзма-юз турди. Уларни ёниб турган шамлар ўрнатилган кагга шамдон ажратиб турарди.

Дьякон сал-пал бошини орқага ташлади, кифтини учирди ва маросимни подшо хонадонини дуо қилишдан бошлади. Хор бир-варакайига, зардала янгради. Ҳазрат Александр уч томонга крестни чўзиб одамларни чўқинтирди.

Дьякон бошини силкитиб орқага ташлади, ўнг оёғини олдинга чўзди, яна кифтини учирди ва овозини икки парда юқори кўтариб, ҳукмдорлар сулоласини, лашкарбошиларни, шаҳар бошлиқларини ва барча мажусий аскарларни дуо қилди. Хор зўр бериб кучли янградю қаттиқ ўкраган овозни босиб кетди. Ҳазрат Александр яна крест билан халқни чўқинтирди. Дьякон пинҳона алам билан клиросга қараб қўйди. Бутун хор унга сурбетлик билан голибона назар ташлади.

Дьяконнинг бўйни ва бутун юзи бўрғиқиб кетди, у бир қадам орқага чекинди, қорнини чиқазди, елкасини кўтарди ва олий рутбасига путур етказиб, жаҳл устида жўжаҳўроздек ҳурпайди.

— Мазкур у-у-й со-о-оҳибаси-и-и пош-шо-о-ойим Нина Яковлевна Громовага...— деб йигирмата йўлбарс сингари наъра тортди у. Шунда сон-саноқсиз шамларнинг шуъласи худди шамолда ерга букилган сариқ гуллардек силкинди. Дьякон оёғи учига кўтарилди, азбаройи зўриққанидан қалтиради, қўрқинчли оғзи катта тўп оғзидек, карракдек очилди. Сўзлар унинг ўт пуркаётган кўксидан лава янглиғ отилди.— Ва барча православ христианларга!.. Узо-о-о-қ умр бер-р-рсин!!!

«Узоқ» сўзини ҳайқириб айтганида барча шамлар жон талвасасида лип-лип қилдию бирданга ўчди. Охирги сўзлар момақалдироқ каби гумбурлади. Дераза ойналари зириллаб кетди. Дьякон тирсақларини силкитди ва ичидан жамики ҳавони чиқариб, бир зумда пуччайиб, ҳипча тортди. Ҳайрат ва қўрқувдан эсанкираб қолган одамлар оғизларини катта очишди. Икки жулдурвақи ўспирин ерга ўтириб олдию йиғлаб юборди. Мистер Кук қулоқларини кафти билан бекитганча, энкайди. Клиросда хор «узоқ умрни» ҳар оҳангга солиб бўқирар, бироқ ҳеч ким уни эшитмас — ҳамма қулоғи том битиб, қаққайганча турар эди. Дьяконнинг кучли овози мактаб деворларидан ташқарига отилиб чиқиб ҳавони ларзага солган, кўчадагилар деразалар ёнига келиб, берк эшикка ўзларини уриб қичқаришар эди.

— Очинглар, эшитайлик! Эй, хўжайинлар!

Ҳазрат Александр энди ўзига келди: у қандайдир мўъжиза туфайли юраги ёрилиб ўлмаган тирик дьяконга қаттиқ ваҳимага тушиб қарар экан, ўз одатига зид ўлароқ, шошқалоқлик билан одамларни бемаврид чўқинтира бошлади. Биринчи бўлиб крестни дьякон ўпди. Ҳазрат унга шипшиди:

— Қойил! Сени Исааков жомесига, пойтахтга юбориш керак, Ферапонт! Раҳмат!

Дьякондан кейин барча казо-казолар келиб крестни ўпа бошлашди.

Клиросдан йўғон овозли мутасадди, чўтир сувоқчи Абрам Буховни қўлтиқлаб тўғри касалхонага олиб кетишди. У «дуо» пайтида астойдил жонбозлик кўрсатиб, оғзини жон-жаҳди билан шундай катта очгандики, оқибатда жағи тушиб, кекирдаги тирналиб кетганди. Оғзи катта очилганча ёпилмай қолаверганди. Бақрайган кўзларидан ёш қуйилади. У кучаниб: «Дин йўлида азият чекдим, биродарлар», демоқчи бўлди-ю, бироқ молдек товуш чиқарди, холос.

Номдор меҳмонлар беканикига нонушта қилгани кетишди. Баҳайбат дьякон Ферапонт ўртада, ҳаммадан бўйи баланд, айиқдек лапанглаб кетяпти. Кучанишдан совимаган юзи ҳамон мис рангида, ўнг кўзи ярим юмуқ. Чўртаннинг оғзидек кенг оғзи гаройиб қийшайган.

Меҳмонлар Слобода кўчасини тўлдирган аламзада одамлар орасидан чурқ этмай шоша-пиша ўтишди... Ҳангоматалаб босқончилар ва темирчилар тўдаси меҳмонларни қувиб ўтиб, дьяконга ҳурмат билан таъзим қилишди. Дьякон ҳарбийчасига икки бармоғини сербар шляпасига теккизиб, йўғон йўталди: «Қаҳил!» Темирчилар тор кўчага кириб кўздан ғойиб бўлишди, шогирд болалар эса югуриб, яна картузларини бошларидан олдилар ва яна дьяконга таъзим қилдилар. «К-ха!» деб йўталди дьякон ва туфлади. Меҳмонларни эшик олдига чиққан Настя кутиб олди.

Уёқда, мактаб олдида ҳангоматалаб одамлар ҳамон зиёфатни кутишарди. Қани энди уларнинг додига етиб бир стакандан қўйиб беришса! Ҳангоматалаблар тўнғиллай бошладилар.

Проход Громов жўнаб кетганидан кейин Филька Гупчак ўнгиридан отилиб чиқди. «Тишининг ковагида сақлаб юрган» ёмбининг ярмини ими-жимиди Наденькага, ярмисини Иннокентий Филатичга пуллаганди. Унинг устида қизил шойи кўйлак, сариқ шойи чалвор, амиркон этик, бошида бир-бирига кийдирилган учта шляпа. Кўзининг таги кўм-кўк мўматалоқ бўлиб кетган.

— Громовлар! Князлар, подшолар!— деб шанғилларди у.— Сизлардан, халқдан ароқ ортиқ бўптими? Эй, қурт-қумурсқалар, чивин одамлар, юринглар орқамдан!

У чанг йўлдан ўн саржин арқонни судраб борар, арқонга бир нечтаюз граммлик давлат ароғи маржондек терилган эди.

— Уч челаги бир тийиндек гап. Юринглар мен билан салқин ерга! Егулик келтиринг, пишлоқ, сон гўшти опкелинг буёққа Мен майда одамларни яхши кўраман...

Бақироқ сахлуқ — олтин, офтобда тангачаларини ярақлатиб, жаранглайди, сирли аждаҳодек тўлғанади, катталар ва ёшлар тўдалашиб майшатга берилган Филька Гупчак ёнида шўх одим отади, ялтоқланиб хахолайди, қочирниқлар қилади.

— Қонхўрлар!— деб мўштрларини тўлғайди жиноятчи, шунда унинг майин теридан қилинган қўлқопларининг чоки сўкилиб кетади.— Қимнинг елкасини яғир қилиб пул топишади? Бизни. Шундоқми, йўқми, гушналар?

— Шундоқ, Филипп Самсонич, тўғри,— деб минғирлайди қаланғи-қасанғилар тупугини ютиб.

— Адашасан, Громов!— деб дўқ қилади пияниста.— Нима, мен пулнинг бетига қарарканманми? Мен ҳаётимни ҳам аямайман, пулга эса тупурдим!— У ёнидан янги олтин соатини чиқарди-да, ерга қараб бир урди ва жаҳл блан тепкилади.— Мана, мана...

Одамлар оҳ, деб юборди, ўзини тупроққа ташлади ва соат ёнида муштлаша кетдилар.

— Тўхта, тентаклар! Қалламни бераман, ҳамма нарса бизники бўлади, ҳаммаси...— деб бақирди Филька Гупчак.

12

Иннокентий Филатич ортиқча чиқимдан қочиб, бутун Сибирни учинчи класс вагонда босиб ўтди ва бир ҳафта муттасил ҳамқишлоғи кўнчи билан ароқ ичди. Прохор эса купедош ҳамроҳи москвалик савдогар Скоробогатов билан ароқхўрлик қилди. Савдогарни Москвада икки нафар приказчи қўлтигидан олиб, файтонга ўтказди, Прохор эса икки ўринли купесига Иннокентий Филатични таклиф қилди.

Сурункасига ичганидан чол шишиб кетди, одамларни танимай қолди. Шундай ҳолга тушдики, барча нотаниш кишилар унга яқин дўстлар бўлиб кўрина бошлади. Бундай савдоёилик илк бор Пермда рўй берди. Буфетда ичиб, вагонга кирди:

— Во ажабо! Василь Иванич!.. Вася! Азизим...— деб Москвага операция қилдиргани кетаётган бўқоқ попнинг хотинига қучоқ очиб ташланди.

Мана, ҳозир купеда Прохорга қараб турди-турди-да, бирдан нига оппоқ бошидан картузини олди, кафтларини очганча, ихлос билан Прохорга талпинди:

— Дуо қил, ҳазратим, бузруквор...

Прохор жилмайди, «ҳозир», деди ва гангиб қолган чолга юз грамм коньяк тутди. Чол:

— Худо, ўзинг кечир, худо, ўзинг кечир!— дея ўтакаси ёрилиб чўқинди-да, барибир ичиб юборди.— Мана, Прошенька, ҳолим хароб,— у лимонни шимиб туфлаб ташлади.— Гангиб қолдим. Бошим ғувиллайди. Кўзим олдида қандайдир қизил чувалчанглар липиллайди. Оҳ, шўрим қуриди!— деб хўрсинди чол ва ётиб олди.

Тун шу тахлит ўтди. Пешинда эшикни қоқишди

— Жаноб йўловчилар, тайёрланинг! Ярим соатдан кейин поезд Санкт-Петербургда кириб боради.

Бу вақт Нина Яковлевнанинг меҳмонлари тўкин дастурхон атрофига ўтираётган эдилар. Унинг тўрида, дьякон Феропонт савлат тўкиб ўтирибди. Айтмоқчи, ҳазрат Александр учун атайлаб қўйилган креслога ҳеч қандай таклифсиз дьякон ўтириб олди. У дастурхонни буқа назари билан кўздан кечирди — ичкилик сероб, пироглардан хушбўй ис таралади. У чўнтагига тамакидон ва трубкасини олгани қўл суқди. Бироқ унинг жундор қўлидан сергак кашиш ушлаб қолди.

— Ка-ҳи!— дьякон норози бўлиб лўличасига томоқ қириб қўйди. Вена шишалари унинг йўталидан титраб кетди.

Иннокентий Филатичнинг қўлларида — қора саквож, оғзида от жағи. Қомати расо Прохор пальтосини елкасига ташлаб, шляпасини бошига дол қўйганча олдинда кетяпти, орқасидан учта юккаш боряпти: иккитасининг қўлида чамадон, учинчисида Прохорнинг ҳассаси.

Шу аснода Иннокентий Филатич йўрғалаганча оқ мўйлови ни қаҳрли диккайтириб, бош кондукторнинг олдига борди. У ўзини орқага ташлади, ҳайрат билан кўзларини чақчайтирди, Иннокентий Филатич эса, саквожни ташлади-да, темирйўличини худди қадрдон дўстидек қувонч билан қучоқлади.

— Қадрдоним! Василь Иванич... Вась!..— шундай дедию у отникидек тишлари билан унинг бурнидан тишлади, тишлаганда ҳам шундай қаттиқ тишладики, жағи қисирлаб, серга учиб тушди. Жабрдийданинг бурнидан қаҳрли мўйловига қон томчилади.

Жандармлар келди, протокол тузилди, «кимсиз, ҳужжатингиз, турар жойингиз?»— деган саволлар берилди. Прохор керакли одамларнинг томоғини ёглади, мана энди улар Маринский меҳмонхонасида.

Меҳмонлар еб-ичиб ўтиришибди, кетма-кет қутлов сўзлари янграйди, дьякон ўзининг лўлича трубкасини олиб, уч марта йўлакка чиқиб тутатиб келди. Оппоқ лўппи қўлига қадаҳ ушлаганча олифта Владислав Викентьевич Парчевский ўрнидан турди. Унинг гапи ҳам, бели ҳам ихчам; манглайи тоза, қирғийбурун, мовий кўзлари такаббуруна боқади. Қирилган лаблари ва няғи аёлларникидек мулойим, кулиб туради. Прохор Громовнинг унга тоб-тоқати йўқ, бироқ инженер Парчевский губернаторнинг туғишган жияни, у Громовникига тоғасининг қатъий илтимос билан ёзган мактубига кўра келган эди.

— Жаноблар!— у еб-ичганидан анча-мунча оғирлашиб қолган меҳмонларга шаккоқларча разм солиб чиқди.— Мен Англияда бўлдим, шуниси билан довруқ солганки...

— Чўчқаларни билан...— деб луқма ташлади нонушта охирида етиб келган Протасов.

— Пардон, пардон...— деди мулойим жидмайса-да, Прота-

совга ўқрайиб инженер Парчевский, у томонга ҳурмат юзасидан номига таъзим қилиб.— Шундай қилиб, жаноблар, мен Англияда бўлдим, у атиргулларчи билан довруқ солган, мен Голландияда бўлдим, у шуниси билан довруқ солганки...

— Нима билан довруқ солганини мен биламан,— деди дьякон.

— Пардон... лолалари билан довруқ солган. Эээ... эээ... Мана энди, таъбир жоиз бўлса... фалакнинг гардиши билан совуқ Сибирга келиб қолдим. Бу ерда нимани кўрдинг денг? Мен бу ерда атиргул билан лолани кўрдим...— У энгил қўл ҳаракати билан Нина ва Катерина Львовнани кўрсатди.— Ҳа, ҳа... эээ... э... Атиргул билан лолани. Бироқ улар бу ерда Англия билан Голландиядагига қараганда анча нафисроқ ва муаттарроқ...

— Қўйинг ботаникани!— деб пичинг қилди инженер Протасов кўзларини қисиб. Шунда пенсени тушиб кетди.

— Пардон... Ижозат этинг, ижозат этинг... эээ... эээ...

— Э-э, деяверма ҳадеб,— тўнғиллади дьякон.— Ҳеч балога ақлинг етмаса, ўтир!— Бу гапни у шивирлаб айтса-да, баралла эшитилди.

— Хуллас,— деб хитоб қилди Владислав Парчевский.— Мен Сибирь атиргули, мактаб қурилишига катта иона берган саховатли пани Нина Яковлевна ҳамда бу ернинг зарғалдоғи заҳматкаш ва латофатли панна Екатерина Львовнанинг соғлиқлари учун қадаҳни баланд-кўтараман. Ура!— У шундай деб хонимлар олдига учиб борди-да, бир оёғининг тиззасини букиб ўтирди ва асилзода поляк дворянига хос нозик ҳаракат билан унга узатилган қўлчаларни ўпди.

Меҳмонлар ҳам бека билан чўқиштириб «ура», деб қичқирдилар. Дьякон Ферапонт қовоғидан қор ёғиб ўтирар, вилка билан тишини ковларди. Бунинг боиси, иккала қулоғи том битган ҳазрат Александр «ура» деб қичқирини ва қадаҳ кўтариб қутлов сўзлари айтишни тақиқлаб қўйганди.

— Ҳазрат Александр,— деб гўлдиради дьякон.— Лоақал бир марта бу хонадонни дуо қилишга изи бер... Мен нимчорак овозда...

— Йўқ, бўлмайти.

Протасов келиши билан умумий суҳбат бошланиб кетди. Кэтти дам-бадам кичкина кўзгуга қарарди. Пристав мундирининг тугмаларини ечиб қўйди, у пишилларди. Мистер Кук гердаийиб ўтирарди.

Ҳазрат Александр бинафшаранг шойи жуббасини тўғрилади ва диний мактаб хусусида ўз истакларини баён эта бошлади. Нина хайрихоҳлик билдириб, ҳа, тўғри, деб унинг гапларини маъқуллаб турди. Инженер Протасов Нинанинг кўзига ёмон кўриниб қолишдан қўрқмай ҳазратга эътироз билдираверди. Мистер Кук ҳозирча ўзини бетараф тутди. Владислав Парчевский билан Кэтти нондан соққа ясаб, бир-бирларига ота бошлашди.

Бироқ инженер Парчевский гап-сўзларга диққат билан қулоқ соларди.

— Сиз ҳур фикрли одамсиз,— деди кашиш Протасовга.— Шаккоклик, вольтерча қараш бу ерда балки жоиздир, бироқ болалар, кичик инсонлар орасида зинҳор-базинҳор бунга йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда, йўлдан урувчиларнинг шўри қурийдил!

— Мен бўлсам, йўлдан урувчиларнинг эмас, болаларнинг, деган бўлардим,— деди инженер Протасов ва ўзини стулнинг суянчиғига ташлади.— Сиз кимларни етиштириб чиқарасиз? Кашишларни, роҳибларними? Мактабда меҳнат дарси бўлиши керак.

Ҳазрат Александр қўли қалтираб бўйнидаги крестни тўғрилади-да, сариқ қошлари тагидаги ўткир кўзларини қисиб Протасовга тикилди.

— Маъзур тутасиз... Мен шахсан профессор Рачинскийнинг мактабини бориб кўрдим,— деди қизишиб кашиш.— Нима кўрдинг денг у ерда? Ҳамма ерда меҳнат интизоми барқарор. Бизда ҳам бўлади бу. Болалар у ерда ўз полизларида ишлашади. Уларнинг боғлари, асалари қутилари бор. Устахоналар ҳам бор. Профессор умумтаълим программасидан ташқари, уларни табиий фанлар ва тарих билан таништиради.

— Ҳазрат эса унинг табиий фанларини дабдала қилиб, болаларни чўпчакка, Момо Ҳаво Одам Атонинг қовурғасидан яратилган, деб ишонтиришга мажбур қилади. Шундайми?— заҳарханда қилди инженер Протасов.

— Нима қипти?— деди кашиш ва бир қўзғалиб қўйди.— Сиз одам маймундан тарқалган, деган чўпчакни болаларнинг қулогига қуйишни истармидингиз? Дарвин бўйича?

— О, йўқ, йўқ!— деб мистер Кук бўшлиққа узукли кўрсаткич бармоғини ниқтаб, пўписа қилди.

— На мен, қолаверса, на Дарвин бунга тасдиқлаймиз,— деди Протасов.— Одам маймундан тарқалган, деган фикр бемаъни, нодонларнинг уйдирмаси. Дарвин, одам билан маймун умумий ота-боболар зотидан тарқалган, дейди.

— О, йўқ, о, йўқ!— деди мистер Кук қизишиб ва жўжахўроздек ҳурпайиб, стулин Протасовга яқин сурди.— Бу жуда катта ёлғон!

— Мен, ҳар қалай, фанни инкор этмоқчи эмасман. Мен фақат айтмоқчиманки,— кашиш итоаткорона кўзларини ерга қадади,— бола дабдурустан тоққа кўтарилолмайди; у даставвал юришни ўрганиши керак. Бизнинг мактабда ҳам шундай.

Протасов ачиғи чиқиб тирноғини сўра бошлади. Кашиш билан баҳслашганида чегарадан чиқмасликка, ўзига зиён қилиб бу моҳир художўйга ачиқ-тиззиқ гаплар айтиб юбормасликка ҳаракат қиларди. О, қани энди бу ерда Нина билан Парчевский бўлмаса.

Дьякон олағовурдан фойдаланиб, оғзига ангишвонадек ли-

кёрли қадаҳчани ағдарди ва энди ютмоқчи бўлган эди, эвини қилолмади: ликёр худди қуруқ қумдек тили ва милкига ёпишиб қолди. Шунда у ярим стакан коньяк қуйди, бироқ кашиш қўли билан стакани четлатди. Дьякон бошини солинтириб, мудрай бошлади.

— Ҳа, ҳа!—ширала ингичка овозда хитоб қилди Владислав Парчевский ва кўзлари чақнаб Протасовга тикилди.— Ҳаммага кўпдан маълум: ҳурматли Андрей Андревич революциядан бошқа... ҳеч нарсага ишонмайди. Унинг учун эволюция деган гап йўқ.

— Мавридига қараб,— деди Протасов афтини бужмайтириб ва кумуш қошиқ билан қўзиқорин олди.— Одамнинг пайдо бўлишида мен бутунлай эволюцияга инонаман.

— Умуман, умуман-чи?— деди Владислав Парчевский қизишиб, стулда типирчилар экан.

— Сизни бу қизиқтирадимиз?— деди Протасов ва қўзиқорин чайнашдан тўхтади. У бир зум ўйлаб қолди: «Бу энгилтак билан хатарли баҳс бошласам қалай бўларкан?» Ҳар ҳолда деди:— Революция кўз очиб юмгунча юз йиллик муддатни қандайдир бир-икки йилга ўзгартириб юборувчи лов этиб ёнган эволюциядир. Нима қилганда ҳам либерал тарихчилар шундай деб ўйлашади.

— Ҳа-ҳа... Тушунтирганингиз учун қуллуқ. Бироқ метод-чи, метод?! Қон, зўравонлик? Шундайми ахир?

— О, йўқ, йўқ...— ҳушёқмаслик билан донишмандларча чўзиб гапирди ланж бўлган мистер Кук, бироқ Нина қараб турганини кўриб тетикланди, лабларини қаттиқ юмди.

Протасов яна қўзқориндан илиб олди-да, Парчевскийда қизиқиш ҳиссини алангалатиб, бамайлихотир жавоб берди:

— Революция хирургик операциядир. Ҳа, қон. Ҳа, тўғри, зўравонлик. Бироқ бу қон ва зўравонлик умуман организмга фойдали.

— Бу, маъзур тутасиз, дунё тақдирига аралашув,— деди ҳазрат Александр овозини баландлатиб.— Бироқ дунё худонинг қўли остида.

— Ҳа-ҳа, ҳа-ҳа!— мистер Кукнинг лаблари даҳшатли чўчайди. Кўзлари тикандек боқди.— Нимага асосланиб воқеаларни тезлатиш керак? Нима ҳожати бор бунинг ҳозир, ахир инсоният бунга қон тўкмай юз йилдан кейин боради-ку!

— Э, бор экансиз-ку!— деб юборди Парчевский, унинг юзи икки паллага ажрагандек бўлди, лаблари мулойим кулардию кўзлари тешиб юборгудек аламзада боқарди.— Биз инсоний кўламимизни тарих ғилдирагига суқамиз. Юз, икки юз, уч юз йил нима деган гап? Бир зум, холос. Эээ, эээ... Биз эсак, қаёққадиш шошилаемиз, шошилганимиз шошилган. Бемаънилик!

У ўрнидан қўзғалди, ўтирди ва мундштуги билан кумуш тамакидонини тақиллатди.

— Тарихни одамлар яратади,— деди Протасов хотиржам.—

Турган гапки, одамларда инсоний кўламлар мавжуд. Инсонга, айтайлик, оятмиш йил умр берилган. Шунинг учун фаросатли одам ҳақиқат ер юзидан икки юз йилдан кейинмас, ҳозир қарор топишини истайди; бу тамомила тушунарли. А, лаббай?

— Бундан чиқди, сиз революция тарафдорисиз?— деб ҳушёр тортди Парчевский.

— Ижозат эдинг, мен бунга жавоб бермайин. Мен революцион ғояларга қўшилишим ёки қўшилмаслигим мумкин. Бироқ менга сиёсий ҳалокатни кутаётган одамларнинг психологияси аниқ.

— Мен сизга тушундим,— деди Владислав Парчевский қандайдир кўнгилсиз ичқоралик билан.

Шу кунидек у губернатор тоғасига мактуб жўнатди. У мактаб очилишини, Прохор Петровичнинг корхоналаридаги умумий тартибларни баён қилиб, Протасовга, кашисга, Кукка, шунингдек, сургун қилинган сиёсатчи хизматчиларга аниқ характеристика бериб, шу пайтгача бу ерда жандарм офицери бошлиқ сиёсий назорат йўқлигига ажабланганини билдирди.

Нина Яковлевна ҳазрат Александр, Кэтти ва ўқитувчи Трубин билан биргаликда пешиндан кейин мактабда ўқитиш программасини ишлаб чиқиш билан машғул бўлишди. Педагогларнинг кенгаши кечасигача давом этди...

Шу кун кечқурун икки киши Яков Назарич билан учов бўлиб, учқур отларда, ароқ асоратини бадалларидан чиқариб юбориш учун ҳаммомга кетишди. Улар вақтинча ичкиликни ташлашга бир-бирларига қаттиқ сўз беришди. Бир ҳафта ишга киришадилар, уёғи кейин маълум бўлади.

Учалови ўлгудек ўзларини супурги билан саваладилар, ҳаммомдан чиққач эса қандайдир извошчиларнинг майхонасида итдек ичиб маст бўлдилар. Чол яна одамларни танимай қолди.

Эрталаб Прохор уни психиатрга олиб борди. У шипиллаб гапирувчи Инокентий Филатичда касалликнинг белгиларини хўп суриштирди, етти пуштини эринмай сўради, бошини чайқайди, тўнғиллаб деди:

— Кўзингизни қисинг.— Кейин бош бармоқлари билан унинг иккала кўзини босди.— Кўз соққасини чапга айлантинг. Нима кўряпсиз?

— Думлар ликиллаяптими-ей, илонлар сузаяптими-ей.

— Қанақа рангда?

— Оқ шекилли...

— Сарик эмасми?

— Худо аерасин!

— Хайрият, бу катта фалокат эмас. Ароқ ичманг. Мана, суоқ дори. Қаравотга ётганингизда икки қадаҳ коньяк ичишингиз мумкин. Хўпми? Яхши. Бир ҳафтадан кейин келинг.

Меҳмонхонада уларни темирйўлчи, обер-кондуктор Храпов кутиб турарди. Бемаъни қилиғи билан ҳақорат этгани учун у дилзордан уч минг сўм талаб қилди. Йўқса, судга бераман, деб қўрқитди. Иннокентий Филатич эса унга юз сўм таклиф қилди. Храпов мўйловини даҳшатли қимирлатиб, чиқиб кетди.

Храпов ҳар куни, гоҳ тонг саҳарда, гоҳ қоронғи хуфтонда келавериб, жонларидан безор қилди. Унинг бурнига пластир ёпиштириб, бинт билан ўраб қўйилган. Эртаси куни у дилзорни қўрқита-қўрқита бурнига икки мингу саккиз юз сўради, икки юзининг ҳақи баҳридан ўтди. Иннокентий Филатич бир юз йигирма сўм бераман, деди. Учинчи куни, обер-кондуктор сибирликлар бой халқ эканини сезиб қолди-ю, савдогарнинг кўнглини ололсам, бир нималик бўлиб қоламан, деб бутунлай ишонди. У ўзини ерга уриб ялиниб-ёлворди:

— Жаноби олийлари, жаноб савдогар! Бурнимни ва қадибастимни эътиборга олинг. Ахир мўйловим ва қоматим билан асло генералдан қолишмайман. Мен ҳазрати олийларига ўттиз уч йилдирки, имон ва ишонч билан хизмат қилиб келяпман. Энди қўқисдан бу ҳақоратни қаранг, ясама тиш билан гарчча бурнимни тишлаб олишса-я! Нима сабабдан бекорга азият чекишим керак? Раҳм қилинг, жаноби олийлари! Бола-чақам, қўли шол қайнонам бор. Раҳм-шафқатингизни дариг тутманг! Мен сиздан қиммат сўрамайман, астойди яшонинг, қиммат эмас. Бошқа ноинсоф одам бўлганда сиздан беш минг ундирадди. Номусим ҳаққи, онт ичиб айтаман сизга! Бугун мен сиздан икки мингу олти юз сўм сўрамоқчиман. Ишонинг, қиммат эмас бу. Сиз кўпга тушмайсиз...

— Бир юз қирқ беш. Ортиқ бир тийин ҳам бермайман.

— Нима деяпсиз, қўйинг-э... Амакиваччамнинг чурраси тушган, аҳволи оғир. Тузалмас дард, пул билан ёрдам бериш керак. Раҳм-шафқат қилинг! Хўп, майли, кетса мендан кетибди, икки ярим минг сўм.

— Юз эллик сўлкавой, тамом. Битта бурунга шунча машамашами?! Жуда қиммат эканми у? Икки ярим мингга мен бошимни бераман, майли, кемиришсин. Ма, ма, кемир.

— Ундай бўлса, яхши қолинг, ҳурматли зот. Судья ҳузурда кўришишгунча.

Орадан кўп ўтмай чолни судга чақиришди. Прохор икки ярим минг сўмга чек ёзиб берди.

— Мана. Ҳамонки пулингни кўзинг қиймас экан, шу пулни у итваччанинг оғизга тиқ.

— Прошенька, кўзичогим!.. Халоскорим, — чол азбаройи хурсанд бўлиб кетганидан валинъматини кучоқлади.

Кечқурун Прохор Петрович чолдан хат олди.

«Қадрли, Прошенька. Аблахга сен совға қилган пулни берашга қўлим бормади. Мен унга уч юз, дўр юз, беш юз, олти

юз, етти юз олтмиш сўм бераман, дедим. У эса, ёнида ўтирган облатининг маслаҳатига кириб, менга душманлик қилиб, мировой судья ҳузурига боришдан бош тортди. Шундан кейин суд бошланди. Мен барча гуноҳимга тавба қилдим ва: «Кечиринг, мастликда шундай бўп қопти»,— дедим. Мени икки ҳафтага авахта қилишди. Суд залидан чиқаётганимда аҳмоқ обер-кондуктор Храповга шимилдириқ кўрсатдим. У қўлимга қарадио оқ сочли қовоқ бошини чангаллади ва аҳмоқ бўлиб қолганини тушуниб, мендан ҳеч вақо ололмаслигига ақли етганидан мени бўралаб сўкдию ҳушидан кетиб, стулдан қулаб тушди. Мен эса, бир сўму етмиш беш тийинга усти ёпиқ карета ёлладим-да, турмага кетдим. Начора, худонинг иродаси шу экан».

— Унинг қўлидан келади бунақа иш. Ха-ха!— хахолаб кулди Яков Назарич.— Усиз ҳам ишни ўзимиз удалаймиз. Сен эртага министрнинг ҳузурига қачон борасан?

— Роппа-роса ўн иккида.

МУНДАРИЖА

Биринчи қисм	7
Иккинчи қисм	105
Учинчи қисм	193
Тўртинчи қисм	338

На ўзбекском языке

ВЯЧЕСЛАВ ЯКОВЛЕВИЧ ШИШКОВ

УГРЮМ-РЕКА

Роман
в двух томах

Том первый

Перевод с издания Гослитиздата, Москва, 1962

Редактор *О. Мухторов*
Рисом *К. Воробьев*
Расмлар редактори *А. Киса*
Техн. редактори *Э. Саидов*
Корректор *З. Турсунбоева*

ИБ № 1393

Босмахонага берилди 17.02.81. Госизга рухсат этилди 16.09.81. Формати 61×90^{1/8}. Босмахона қоғози №3 Адабий гарнитурга. Юқори босма. Шартли босма л. 27,5. Нашр л. 29,42. Тиражи 30000. Заказ № 1403. Баҳоси 2с.60 г. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Шишков В. Я.

Саркаш дарё: Роман. 2 томлик/М. Мирзозидов тарж.— Т. I.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.—

Т. I. 440б.

Тариқли рус ёзувчиси Вячеслав Шишковнинг «Саркаш дарё» романидаги воқеалар Улуғ Октябрь революциясига қадар Сибирда содир бўлади.

Романининг бош қаҳрамони Прохор Громов бўлиб, бутун искев-қодисалар асосан, унинг атрофида рўй беради. Аввалига соддадил, самсвий йигит Прохор онладаги муҳит, ижтимоий вазият таъсирида одамга ақлликдан чиқиб, олтинга ҳирс қўйди, худбин, такаббур бўлиб кетади.

Ушбу асар юксак бадийяти, образларининг тўлақонлиги билан китобхонни ўзига мафтун этиши турган гап.

Шишков, В. Я. Угрюм-река.. Роман. В 2-х томах. Т. I.

P2

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1981 йили қуйидаги китобларни нашр қилади:

Марков Г, Сибирь, Роман.

Серебрякова Г, Ҳаёт чўққиси, Роман.

Васильев Б, Тонглар эди сокин бу ерда. Повесть. Рўйхатларда йўқ эди
номи. Роман.

Иванов А, Соялар чошгоҳда йўқолади. Роман.